

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ

(Умумий қисм)

Дарслик

*Олий хўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши
ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг „Хўжалик
ҳуқуқи“ кафедраси мажлисида муҳокама этилиб,
нашрга тавсия қилинган*

ТОШКЕНТ — 2001

Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор
Ш. РЎЗИНАЗАРОВ

Дарслик куйидаги таркибдаги ҳуқуқшунос олимлар ва
амалиётчи мутахассислар томонидан тайёрланди:

Ҳ. Раҳмонқулов, ю.ф.д., профессор, ЎЗР ФА академиги —
Кириш, I боб 1- §, 2- §, 3- §, 4- §

Ш. Рўзиназаров, ю.ф.д., профессор — I боб 5- §, II боб 1- §, 2- §, 3- §

М. Ниёзов, тадқиқотчи-изланувчи — II боб 4- §, 5- §, 6- §

С. Холбоев, ю.ф.н. — III боб

О. Оқюлов, ю.ф.д. — IV боб, VI боб 3- §

Ж. Холмўминов, ю.ф.д. — V боб 1- §, 6- §, 8- §, 9- §

М. Усмонов, ю.ф.д. — V боб 2- §, 3- §, 4- §, 5- §

А. Нигматов, ю.ф.д. — V боб 7- §

Х. Азизов, ю.ф.н. — VI боб 1-§, 2-§

Ю. Назаров, ю.ф.н. — VI боб 4- §, 5- §

Р. Рўзиев, ю.ф.н. — VII боб

Б. Ибратов ю.ф.д., профессор — VIII боб

Х. Бурханходжаева, Ўқитувчи — IX боб

З. Убайдуллаев, ю.ф.н. — X боб

К. Синдаров, ю.ф.н. — XI боб

С. Бобоқулов, ю.ф.н., доцент — XII боб 1- §, 2- §, 5- §, 6- §, 7-§

Н. Исмоилов, ю.ф.н. — XII боб 3- §, 4- §

Ф. Шодманов, ю.ф.н. — XIII боб

Ф. Отахонов, ю.ф.н. — XIV боб

И. Зокиров, ю.ф.д., профессор — XV боб (М.Баратов билан
ҳаммуаллифликда)

К. Убайдиллоев, Олий ҳўжалик суди судлов таркибининг раиси,
судья — XVI боб

М. Баратов, ўқитувчи — XVII боб 1- §, 2- §

М. Оқюлова, тадқиқотчи-изланувчи — XVII боб 3- §, 4- §, 5- §

И. Кан, ю.ф.н. — XVIII боб

Нашр учун масъул: **Д. АХМЕДОВ**

Тақризчи: юридик фанлари доктори, профессор **Б. ИБРАТОВ**

КИРИШ

Демократик тамойилларга асосланган марказлаштирилган планлаштириш тизимидан эркин бозор муносабатларига ўтган жамиятда тадбиркорлик кенг кўламда таркиб топмоқда ва ривожланишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Тадбиркорликнинг иқтисодий манбаи, бу — хусусий мулк ва давлат мулкидир. Бозор муносабатларига ўтишда ва тадбиркорликни ривожлантиришда хусусий мулк ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 208- моддасига мувофиқ, "фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар".

Давлат мулки оммавий мулк шаклидан иборат бўлиб, республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) ташкил топади (Фуқаролик кодексининг 213- моддаси). Давлат мулки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган давлат корхоналарига, давлат хўжалик бирлашмаларига, ассоциацияларига, корпорацияларига ва бошқа давлат ташкилотларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Ижтимоий муносабатлар соҳасида рўй берган туб ўзгариш — бозор муносабатларининг ривож топиши, мамлакатни бошқаришда маъмурий — буйруқбозлик усулларида воз кечиб, демократик тамойилларга амал қилиниши натижасида вужудга келган муҳим иқтисодий ва саноатий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қатор қонунлар

қабул қилинди. Булар ичида 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „**Мулкчилик тўғрисида**“¹ ги¹ қонуни муҳим ўрин эгаллайди. Чунки у биз қадам қўйган янги жамиятнинг иқтисодий негизини белгилаб берди, мулкчиликнинг барча шакллари билан бир қаторда бозор муносабатларининг ташкил топиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун иқтисодий манба ҳисобланувчи хусусий мулкчиликка йўл очди. Мазкур қонунда назарда тутилган қоидалар Фуқаролик кодексига янада ривожлантирилди ва такомиллаштирилди.

Ўтмишда мулкнинг мавжуд шакллари (социалистик мулк, шахсий мулк) ва субъектлари (давлат, колхоз-кооператив, фуқаро)га қараб қонунларда назарда тутилган, асосий эътибор давлат мулкни мустақкамлашга ва махсус ҳимоя қилишга қаратилган тенгсизликка барҳам берилди. Асосий муаммо, мулк муаммосининг бундай ижобий ҳал бўлиши, жамиятнинг барча жаҳаларида ташаббускорлик фаолиятининг кенг ривожланиши, хўжалик, ишлаб чиқариш ва мулкий муносабатларнинг бошқа соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳам, юридик шахсларнинг ҳам баб-баравар манфаатдор бўлиши, улар ўртасида умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, фаолиятларида ўзаро ҳамкорлик кўрсатиши ва даромад олишда самарали натижаларга эришишлари учун имконият яратди.

Мулкчиликка бўлган туб ўзгариш 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг „**Тадбиркорлик тўғрисида**“² ги қонунини қабул қилиш учун имконият туғдирди. Ушбу биринчи қонун ишлаб чиқаришнинг ва мулкий муносабатларнинг турли соҳаларида фуқароларга, юридик шахсларга, жумладан ажнабий фуқаро ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имконият яратиб берди. Лекин шунинг унутмаслик керакки, ушбу қонун бозор муносабатларига энди қадам қўйилган Ўзбекистон ҳаётида қабул қилинган қонунлардан бири бўлиб, унда тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни батафсил қамраб олмади.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунларни янада такомил-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил. 31—33- сонлари, 371- модда.

лаштиришни муҳим вазифа қилиб қўйди. 1991 йил ва ундан кейин қабул қилинган тадбиркорликка бағишланган қонунлар ва уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар бекор қилинди ва ниҳоят 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“¹ янги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун мазмуни ва унга киритилган янги қоидалар жиҳатидан аввалги қонунлардан фарқ қилади, қонун билан тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари турлича бўлиши ҳисобга олинади, унинг вазифалари ҳам ҳар хил бўлишига эътибор берилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва бозор муносабатларининг ташкил топиши учун моддий замин яратиш зарур эди. Ушбу масалани ҳал қилишда 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида“² Қонуни муҳим аҳамиятга эга. қонунга мувофиқ ижтимоий хусусиятга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида давлат мулкни ўзлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди ва унинг натижасида фуқаролар эгаллигида хусусий мулкнинг ташкил топиши ва тадбиркорлик фаолияти билан фаол шуғулланиш учун қўшимча моддий имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. А. Каримов** Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи сессиясидаги маърузасида тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида хусусий мулкнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берди ва „Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришмоғимиз лозим“³ — дея таъкидлади.

Тадбиркорликни хусусий мулк манбаида амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доирасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил. 5—6- сонлари.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1993 йил. 5- сон. 236- модда.

³ „Халқ сўзи“, 2000 йил 25- январ.

кенгайтирди, уларни аввалги чеклашлардан озод қилди, энди улар фақат ўзларининг шахсий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат ўз меҳнати, шунингдек ёлланма меҳнатни ҳам жалб қилиш, ундан фойдаланиш ва бунинг учун ишлаб чиқаришда керакли бўлган ускуна ва аслахаларга эга бўлиш каби ҳуқуқларга эришдилар.

Янги сиёсий ва иқтисодий тузумга ўтиш жамиятдаги ижтимоий ва мулкий муносабатларнинг ва уларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий қоидалар ва тартиботларнинг моҳияти ва аҳамиятини жиддий ўзгартиришга олиб келди. ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинадиган тадбиркорлик билан боғлиқ мулкӣ ва шахсий муносабатлар, ушбу муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳисобга олинганлиги ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик усулларига эмас, балки амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади. Барча шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15- моддасига мувофиқ қонунларнинг устуңлиги сўзсиз тан олинади. Биз қадам қўйган ҳуқуқий давлатнинг асосий моҳияти ҳам шундан иборатдир.

1- §. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 25 майда қабул қилинган қонуннинг 3- моддасида қуйидаги таҳрирда баён этилади: „Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)-тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир“.

а) чунончи, *тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади. Улар кимлардан иборат бўлиши мумкин?* Бу саволга жавоб қонуннинг 4- моддасида берилади, яъни улар: „Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир“.

Қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлавермайди. Бунинг учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. Фуқаролик кодексининг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни „Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир“. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтган; бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиши учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма *юридик шахс* деб тан олинishi учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган юридик шахс ёки фуқаро умуман олганда мулк ҳуқуқи субъекти ҳам бўлиши керак, чунки унинг фаолияти „ўз мулкий

жавобгарлиги асосида“ амалга оширилади. Лекин тадбиркорлик фаолияти субъекти барча ҳолларда мулк ҳуқуқи субъекти бўлиши шарт эмас. Масалан, фуқаро томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик унинг ўзига тегишли ёки у томонидан ижарага олинган мол-мулк асосида амалга ошириладиган бўлиши мумкин. Юридик шахс ҳам мол-мулкка нисбатан шунга ўхшаш ҳуқуқга эга бўлиши мумкин. Ўзи шахсан мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган юридик шахс (масалан, давлат корхоналари, фирмалари, бирлашмалари) тадбиркорлик фаолиятини давлат мулкига асосан амалга оширади. Бунда улар давлат мулкига нисбатан бўлган хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Хўжалик юритиш ҳуқуқининг тушунчаси ва ушбу ҳуқуқга эга бўлган юридик шахснинг мулкӣ ҳуқуқ лаёқати **ФКнинг 176-, 177- моддалари**да назарда тутилади. 176-моддага мувофиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс унга бириктирилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи субъекти каби эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ушбу ҳуқуқга эга бўлган тадбиркор ўз хоҳиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Мулк ҳуқуқи субъекти бўлмасдан, мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарнинг ваколатлари **ФКнинг 72-, 178- моддалари** билан белгиланади.

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига нисбатан башарти **ФК** ва ўзга қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак, тадбиркорлик фаолияти мулк ҳуқуқи эгаси бўлган ва бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари умумий қоидага биноан мулк ҳуқуқи эгалари ҳисобланади, агар бундай ҳуқуқга эга бўлмаган тақдирда, улар мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар ва тадбиркорлик фаолиятини мулкдор томонидан белгиланган ваколат доирасида амалга оширадилар (**ФКнинг 71-, 177- м.м.**).

б) *тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад—даромад (фойда) олишдан иборат.* Ушбу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига

мослаштириб режага солади, керакли ва сотиб олувчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга рақобатлашувида фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Иқтисодий манфаатдор биринчи галда фойда олиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятининг натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич ҳам фойдадир. Фойда қанча кўп олинса, меҳнатга нисбатан рағбатлантириш, қизиқиш ҳам шунча баланд бўлади, тадбиркорликда юқори самараларга эришилади.

Тадбиркор ўз фаолиятини юритиш натижасида оладиган умумий даромадидан маълум қисмини солиқлар ва бошқа тўловлар учун ажратади. Тўловларни тўлашдан тадбиркор ихтиёрида қолган даромад соф фойда сифатида тўла-тўқис унинг тасарруфига ўтади. Соф фойдадан қайси мақсадда фойдаланишни тадбиркор ўзи мустақил равишда ҳал қилади;

в) *таваккалчилик билан фаолият юритиш тадбиркорга хос хусусиятдир.* Тадбиркор бозор ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлардан доимо хабардор бўлиб туриш, зарур бўлган тақдирда ўз фаолиятига тезда ўзгартиш киритиш ва бозор шароитига мослашган ҳолда ортиқча ташвиш ва харажатларсиз фаолият юритишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда у рақобатга бардош бера олмаслиги ва банкротликка учраши мумкин.

Тадбиркорнинг банкрот бўлиши бошқаларнинг айби туфайли содир бўлиши ҳам мумкин. Масалан, бошқалар тадбиркорнинг маҳсулот (товар) ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом ашёни ўз вақтида, келишилган муддатда етказиб бермаса ёки етказиб берилган хом ашё фойдаланиш учун яроқсиз бўлса, сотилган товарнинг ёки бажарилган ишнинг ҳақи ўз вақтида тўланмаса-бунга ўхшаш ва бошқа ҳолатлар тадбиркорни банкротликка олиб келиши мумкин. Бундай ҳоллар юз бериши билан тадбиркор унга етказилган зарарни жавобгар шахслардан ундириб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин тадбиркорнинг зарар кўришида айби йўқлигини исботлай олган шахс жавобгарликдан озод бўлиши ҳам мумкин (ФК 333- моддасининг 3- қисми).

Агар тадбиркорнинг мол-мулки баъзи бир табиий офат, бошқа олдини олиш мумкин бўлмаган ҳодисалар (форс-мажор вазиятлари) туфайли нобуд бўлса, унинг учун ҳеч ким жавобгар эмас. Тадбиркор унга етказилган зарарни фақат суғурта суммаси миқдорида (агар мол-мулк суғурта қилинган бўлса) ундириб олиш имкониятига эга бўлади.

г) *таваккалчиликнинг яна бир кўриниши—тадбиркор ўз фаолиятининг натижалари ва зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан шахсан ўзи жавобгар бўлишидан иборат.* Фуқаролик кодексининг 25- моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради. Мазкур Кодекснинг 48- моддасига мувофиқ тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхона (юридик шахс) ҳам ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи давлат корхонаси ўз мажбуриятлари бўйича Фуқаролик кодексининг 72- моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб беради.

Тадбиркорлик мулкий жавобгарликка асосланади. Барча тадбиркорлар иқтисодий мустақил ва ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқлидир. Шундай экан, бундай муносабатлар шартномалар тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида зарар етказилган тақдирда, ушбу зарарни ундириш ҳақида талаб қўйилиши ва шунингдек, даъво қўзғатилиши мумкин. Бундай талаб ёки даъво мулкий тусга эга, чунки етказилган зарарни ундириш шартномани бузган тадбиркорнинг мулкига қаратилади;

д) *тадбиркорлик—бу ташаббускорлик демакдир.* Агар тадбиркор иқтисодий фаолиятда ташаббус кўрсата олмаса, у ўз олдида қўйилган мақсадга эриша олмайди, рақобатга бардош бера олмайди ва натижада банкрот бўлиши муқаррар.

Бозор шароитида тадбиркор ўз фаолиятини ўзи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолияти бошқалар томонидан айниқса юқоридаги ташкилотлар томонидан режалаштирилмайди. Тадбиркор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини ўзи шахсан белгилайди. Бундай вазифани бекаму кўст амалга ошириш ундан барча ҳолатда юқори малакали қобилият ва фаол ташаббус кўрсатишни талаб қилади.

Ташаббус кўрсатиш амалдаги қонунларда назарда тутилган қоидалар асосида ва доирасида амалга оширилади.

Бундай қоидалар Фуқаролик кодексининг 24-, 25-, 26-, 39-, 41-, 48-, 56-, 57-, 72-, 76-, 176-, 178-, 324-, 339- ва бошқа моддаларида, „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг тегишли моддаларида назарда тутилади. Тадбиркор ўз фаолияти бўйича ташаббус кўрсатишда ушбу қонун қоидаларига риоя қилиши шарт. Шунинг билан бирга ҳар бир тадбиркор корхона ўз Устави, таъсис ҳужжатлари доирасида фаолият кўрсатади. Тадбиркорга хоҳлаган фаолият билан шуғулланишда ташаббус кўрсатиш учун эркинлик берилган, лекин бундай эркинликдан қонун билан тақиқланмаган барча ҳолатларда фойдаланиш мумкин.

2- §. Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тамойиллари

А. Қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда ўзига тегишли мол-мулкдан ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб фойдаланиши учун тадбиркорга берилган эркинлик тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тамойилларидандир.

Ушбу тамойилга амал қилиш „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунда ўз ифодасини топган. Унинг 1- моддасига мувофиқ „қонуннинг асосий ифодалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаолигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат“.

Демак тадбиркор қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин, яъни у мулк ҳуқуқи субъекти, ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъекти бўлишидан қатъи назар, унга тегишли мол-мулк асосида қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга ошириш учун эркинлик берилади, шароит ва кафолатлар яратилади. Тадбиркор ўз мол-мулки асосида, унинг қайси шаклдан (хусусий ёки оммавий) иборат бўлишидан қатъи назар, турли ҳўжалик фаолиятини эркин танлаш ва эркин амалга ошириш ҳуқуқига эга. Асосий масала шундан иборатки, бундай фаолият қонунга зид бўлмаслиги ва қонун билан тақиқланмаган бўлиши лозим.

Мулкчиликнинг ҳамма шаклларининг, хўжалик фаолиятининг барча турларининг тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши тадбиркорликнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Демак, мулкчиликнинг қайси шаклига асосланганлигидан ёки қайси шаклдаги ва турдаги хўжалик юритиш фаолиятидан иборат бўлишидан қатъи назар, тадбиркорликнинг ташкил топиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шароит ва тадбирларни амалга оширишда тенг ҳуқуқ ва шароит туғдириб берилади. Бундай тенглик тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини кўрсатади. Уларнинг ҳар бири ўзига тегишли алоҳида мол-мулкка эга, мулккий муносабатларда ўз номидан мустақил иштирок этадилар, хўжалик фаолиятини юритишда бири иккинчисига қарам эмас, ўз мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан, шунингдек ўз фаолиятининг натижалари бўйича ўзлари жавоб берадилар.

Тадбиркорликда ўзаро ҳамкорлик, жавобгарлик ва эркин рақобатлашув муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитни яратиш ва таъминлаш учун давлат муайян вазифаларни ўз зиммасига олади. Бундай шароит мавжуд бўлиши учун тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятини юритишда бир-бирларига беғараз ёрдам беришлари, виждонан ва адолатли муносабатда бўлишлари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойилларига амал қилишлари ва ишбилармонлик ахлоқий қоидаларини ҳурмат қилишлари лозим.

Тадбиркорлик билан шугулланувчи шахслар ўз фаолиятини амалга оширишда ФКнинг 9- моддасига амал қилишлари зарур. Ушбу модданинг 4- қисмига биноан „Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак“.

Қонун билан тақиқланган ёки қонунга риоя қилинмасдан амалга оширилган тадбиркорлик, унинг қайси шаклдаги мулкчиликка асосланган ёки қайси турдаги хўжалик, тижорат фаолиятидан иборат бўлишидан қатъи назар ҳақиқий деб ҳисобланмайди ва бундай тадбиркорликка нисбатан ФКнинг 116- моддаси тадбиқ қилинади ва 114- моддасида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қонун билан тақиқланган ёки қорхонанинг, фирманинг уставида, таъсис ҳужжатларида назарда тутилмаган ва қонунга зид

келадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар, ширкатлар, уюшмалар, хусусий фирмаларнинг фаолияти ФКнинг 53-, 54- моддаларига асосан тугатилиши мумкин. „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 48- моддаси 1- қисмига биноан тадбиркорлик фаолиятини тугатиш ушбу фаолиятни амалга оширувчи шахс (жисмоний ёки юридик шахс)нинг мол-мулки эгасининг ёки тадбиркор корхонани тузишга ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Б. *Тадбиркорнинг иқтисодий мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги унинг эркин рақобатлашуви учун заминдир.* Тадбиркор қонун билан тақиқланмаган ҳолда хўжаликнинг барча соҳасида ўз фаолиятини эркин равишда рақобатлашув тамойили асосида амалга ошириши мумкин.

Ўтмишда, жамиятнинг иқтисодий негизини фақат социалистик мулкчилик ташкил қилган даврда рақобатчиликка йўл қўйилмас эди. Рақобатчилик хусусий мулкка, капиталистик ишлаб чиқаришга асосланган ҳодиса деб баҳо берилар эди. Эндиликда мулкчиликнинг хилма хил шакллари иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда ривожланиши учун шароит туғилди. Шу туфайли, тадбиркорлик фаолиятига кенг имконият яратилди. Тадбиркорликнинг рақобатлашув тамойили асосида ривожланиши бозор муносабатларини шакллантириш учун зарур бўлган услубдан, воситадан иборатдир. Рақобатлашув аҳоли учун керакли маҳсулот ва товарларни тезда ишлаб чиқаришга ва бозорга етказишга тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари вужудга келтириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш ва қолаверса, жамиятнинг иқтисодий манбаини мустақкамлашга ёрдам беради. Лекин рақобатлашув адолатли, инсофли бўлиши зарур. Рақобатлашув натижасида баъзи бир тадбиркорлар бозор шароитида устунликни эгаллаб, бошқа тадбиркорларни оғир ва мушкул иқтисодий ҳолатга тушириб қўйишларига, рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатларга йўл қўймаслик керак.

Ўзаро рақобат учун берилган эркинлик тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини бўлиб қўйишга, бировларнинг хўжалик фаолиятига қарши қаратилган бўлмаслиги керак.

Тадбиркор томонидан рақобатлашувни чеклаш мақсадида:

— тадбиркор томонидан ўзининг бозорда устун туришидан фойдаланиб уни суиистеъмол қилишга, яъни товарларни ишлаб чиқаришни чеклаш, тўхтатиш ва танқисликни туғдириш мақсадида уларни олди-соттидан четлатиш ёки нарх-навони ошириб юбориш йўли билан;

— бир-бирига ўхшаш (монанд) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг қонуний манфаатларига зарар етказилишга қаратилган инсофсиз ҳаракатларни бажариш;

— товар ишлаб чиқарувчи ҳақида, товарнинг зарурияти, сифати ва бошқа фойдали хусусиятлари ҳақида сотиб олувчиларда нотўғри фикр туғдириш, товарлар кўргазмасини ташкил этишда, тижорат қилишда ва улар ҳақида ахборотлар беришда нотўғри ва одобсизлик билан солиштириш, бошқа тадбиркор маҳсулотининг ташқи шаклини, кўринишини ўзбошимчалик билан ўзлаштириш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларга йўл қўймаслик керак.

Тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда инсофсиз рақобатчига нисбатан жарима солиш, етказилган зарарни ундириш каби жавобгарликни қўллаш назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида рақобатчи обрўсизлантирилганлиги учун жиноий жавобгарлик ҳам назарда тутилган. Мазкур Кодекснинг 192- моддасига биноан рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқа усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали ҳўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тарқатилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Товар бозорларида монополия ўрнатиш эркин рақобатнинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги „**Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“¹ ги¹ Қонунининг 18- моддасига мувофиқ монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги жавобгарлик назарда тутилади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1997 йил, 2- сон, 54- модда.

1. Монополияга қарши қонунбузарликни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун; а) бошқарув органлари ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда; б) жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилади.

2. Монополияга қарши давлат органига ахборот тақдим этмаганлик ёки атайлаб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун а) бошқарув органлари ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда; б) жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги давлат органининг қарори мажбурий равишда амалга оширилади. Жарима хўжалик юритувчи субъект, бошқарув органи ёки мансабдор шахс томонидан жарима солинганлиги тўғрисидаги қарор олинган пайдан бошлаб ўттиз кун муддат ичида акцептсиз тарғибда тўланади ва давлат бюджетига ўтказилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига биноан унинг банкрот бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида монополияга қарши давлат органи ёки суд унга жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришлари мумкин.

Мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 июнда қабул қилган қарори билан монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш фактлари бўйича иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш тартиби ва муддатлари белгиланади¹. Белгиланган тартиб қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

а) монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

б) монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 йил, 6- сон, 23- модда.

в) монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тўғрисида ишларни кўриб чиқиш;

г) монополияга қарши давлат органининг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби ва асосларига оид масалалар назарда тутилади.

Жиноят кодексининг 183- моддасига биноан монополияга қарши фаолият олиб борганлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ёки йигирма бешдан эллик бараваригача, шунингдек уч йилгача ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситган ёхуд камситиши мумкин бўлган ҳаракатларини тақиқлаш тадбир-корларнинг бозор муносабатларида эркин қатнашишларини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

В. *Мустақил иқтисодий фаолият ва жавобгарлик тадбиркорлик тамойилларидан биридир.* Ушбу тамойил тадбиркорлик тушунчаси маъносидан келиб чиқади ва тадбиркорнинг иқтисодий мустақиллиги, тенг ҳуқуқли бўлиши билан ифодаланади. Тадбиркорнинг таваккалчилик тамойили асосида фаолият юритиши ҳам унинг иқтисодий мустақиллигидан, фаолият турини эркин танлашидан дарак беради.

Тадбиркор учун олинган даромад-фойда, олинмай қолган даромад-зарар. Зарар учун фақат ўзи жавоб беради. Унинг фаолияти ва фаолиятининг натижалари учун ҳеч ким жавоб бермайди. Агар у банкрот бўлса, кредиторлари олдида ўзи жавобгар бўлади. Шунинг учун тадбиркор бундай оқибатга дуч келмаслик учун ўз фаолиятининг турини бозор шароитига мослаштириб эркин танлайди, тўғри режага солади, рақобатлашувда фаол қатнашади, ташаббускорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилади.

Қонун талабларига риоя қилинган ҳолда тўғри амалга оширилган тадбиркорлик унумли иқтисодий натижаларга эришиш учун ёрдам беради. Мустақил фаолият юритиш натижасида самарали натижаларга эришган тадбиркор ўз фаолият маҳсулини ҳам мустақил равишда тежайди ва режага солган ҳолда тақсимлайди.

Корхонанинг мулки асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати мустақил балансда акс

этирилган ва корхонага мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи бўйича тегишли бўлган мол-мулкдан ташкил топади. Тадбиркорликни амалга оширишда асосий ва айланма фондлардан унумли ва уларнинг ҳар бири учун бевосита назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш самарали натижалар беради.

Бозор муносабатларига ўтишда рақобатбардош маҳсулот етиштириш, даромад солмоғини ошириш учун корхонанинг айланма маблағи етарли бўлиши лозим. Айланма маблағни мақсадли ишлатмасдан, дуч келган ўринда совуриш охи-оқибатда хўжалик субъектини банкротликка олиб боради. Шундай экан айланма маблағларнинг иқтисодиётдаги ўрнини тадбиркор шухта ўзлаштириши, англаши керак.

Айланма маблағлар корхоналар учун-ҳисоб рақамдаги маблағ, корхона кассасидаги нақд пул, маҳсулот захиралари, хом ашё ва материаллардан иборат. Банк учун-омбордаги ашёлар, банк кассасидаги нақд пул, мухбирлик ҳисобидаги мнэжозлар айланма маблағларидан иборат.

Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган айланма маблағларнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлардан шунчалик самарали фойдаланилади. Амалётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коэффициентини билан ўлчанади.

Фаолият юритиш натижасида олинган фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, меҳнат жамоаси аъзоларининг, юридик шахсларнинг, фуқароларнинг пай ва бошқа бадаллари, шунингдек бошқа тушумлар тадбиркор корхонанинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

Тадбиркорлик натижасида олинган даромаддан қолади-ган фойда корхонанинг тўла тасарруфига келиб тушади. Соф фойда деб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча зарфланган қоплашга сарфланган маблағларни (иш ҳақи, иш қилувчи тўлов, қарзларни ва ссудалар бўйича фоизларни тўлов ва ҳоказолар) фаолият юритиш натижасида олинган даромаддан чиқариб ташлангандан кейин қолган фойдага аниқ билинбу фойдадан фойдаланиш йўллари тадбиркорлик натижасида кўрсатилади, ўз фаолияти ва меҳнат жамоасининг иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган захира жамғармаларни ва бошқа жамғармаларни тузади.

Муштарак хўжалик фаолияти юритиш ва фаолият маҳсул-латини муштарак тақсимлаш учун асосий замин шундан

иборатки, тадбиркор фаолиятининг барча соҳаларида бошқа тадбиркорлар, ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатларни юқоридан тушириладиган кўрсатмалар асосида эмас, балки ўзи мустақил равишда уюштиради ва шартномалар тузиш йўли билан расмийлаштиради.

Тадбиркор ўзига қарашли мол-мулкдан эркин фойдаланиши асосида маҳсулот чиқаради, уни сотади ёки айирбошлайди, турли ишларни бажаради ёки хизмат кўрсатади, бошқа тадбиркорлар билан беллашув натижасида ўз фаолиятини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади ва ушбу фаолиятнинг натижалари учун, шунингдек кредиторлари олдида мустақил жавоб беради.

Г. Умумий тамойилга биноан тадбиркорлар ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларининг ҳар хил турдан иборат бўлишидан ва уларнинг ташкил топиши турли шаклдаги мулкчиликка асосланган бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига кафолат берилади.

Тадбиркорлик фаолияти маҳсулот ишлаб чиқаришдан, уни сотишдан, олишдан, харид қилишдан, турли ишларни бажаришдан, масалан, пудрат шартномаси бўйича турар жой ёки иншоот қуриш, хизмат кўрсатишдан, яъни юк ва пассажирлар ташишдан, турли моддий-маиший хизматни бажаришдан иборат бўлиши мумкин. Тадбиркорликнинг ушбу ва бошқа турлари ҳар хил шаклдаги мулкчиликка асосан амалга оширилишидан қатъи назар, улар қонун олдида тенг ҳуқуқлидир.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонун барча тадбиркорлар учун тенг тадбиқ қилинади. Қонунда кўзда тутилган умумий қоидалар, ҳуқуқ ва бурчлар, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бажарилиши зарур бўлган шартлар, талаблар, кафолатлар тадбиркорликнинг қайси турдаги фаолиятлардан иборат бўлишидан қатъи назар, барча тадбиркорлар учун бир хилда тадбиқ қилинади. Қонуннинг 4- бобида назарда тутилган қоидаларга биноан тадбиркорнинг ишчанлик обрўси, унинг интеллектуал фаолият натижалари, фаолиятининг тижорат сири, унга етказилган зарарни қоплаш, турли хил текширишлардан чеклаш каби масалалар бўйича ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади.

Қонун бўйича турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун тенг иқтисодий шароит ва уларни

ҳимоя қилиш учун тенг ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлашни давлат ўз зиммасига олади. Бу биринчи галда Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топди. Конституциянинг **53- моддасига** биноан „...Давлат истеъмомчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Конституция билан мустаҳкамланган умумий тамойил Ўзбекистоннинг тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Ўзбекистон қонунларида тадбиркорларнинг Фуқаролик ҳуқуқини судлов йўли ва бошқа усуллар билан ҳимоя қилишга оид қоидалар назарда тутилади. **ФК 10- моддасининг 2- қисмига** ва **12- моддасига** мувофиқ, маъмурий орган томонидан қабул қилинган тадбиркорларнинг ҳуқуқини бузадиган қарор устидан судга шикоят қилиш назарда тутилди. Ушбу Кодекснинг **11- моддасига** мувофиқ „...ўз ҳуқуқини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши; маънавий зиённи қоплаш; давлат органларининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги“ каби фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган усуллар кўзда тутилади.

Фуқаролик кодексининг **12- моддаси** демократик хусусиятларни яққол ифодаловчи моддалардан иборат. Унга кўра, давлат органлари фуқаронинг ёки юридик шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини гайриқонуний равишда бузишга қаратилган ҳужжат қабул қилсалар, бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва бундай ҳужжат натижасида етказилган зарарни ундириш ҳақида фуқаролар судга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай ҳуқуқ ва кафолатлар тўла-тўқис гадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Конституциясининг **44- моддасига** мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар, жумладан тадбиркорларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Конституция билан белгиланган ушбу асосий қоида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган „**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида**“ ги, 1995 йил 30 августдаги „**Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-**

ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида“¹ ги¹ қонунларида ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленуми 1996 йил 19 июлда „Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида“² қарор қабул қилди.

1995 йил 30 августдаги қонун ва бунга биноан қабул қилинган Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги қарорига мувофиқ судга нафақат қонунга тенглаштирилган, яъни қонун ости ҳужжати, шунингдек қонун ҳужжати устидан ҳам шикоят қилиниши мумкинлиги назарда тутилади.

Суд давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқ эканлигини аниқлагач, ушбу ҳужжатни *ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас* деб тан олиши мумкин. Бундай ҳужжат бекор қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъи назар, у ўз юридик кучини йўқотади. Давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий ҳужжат (қарор, фармойиш ва ҳоказо) қабул қилишдан ёки муайян хатти-ҳаракатни бажаришдан ғайриқонуний равишда бош торганлиги аниқланган тақдирда суд Фуқаролик кодекси **8- моддасининг** 3- бандига мувофиқ юридик факт кучига эга бўлган қарор чиқариши мумкин.

Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлишини чеклашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам **ФКнинг 12- моддасида** назарда тутилган қоидага мувофиқ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай чеклашлар, агар улар хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг **15- моддасида** давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек ушбу органларнинг қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари натижасида фуқарога, юридик шахсга, жумладан тадбиркорга етказилган зарарни ундириш ҳақида қоида назарда тутилади. Етказилган зарарни ундириш ҳақида қоида назарда тутилади. Етказилган зарарни ундириш ҳақида қоида назарда тутилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994 йил. 5- сон, 1995 йил, 9- сон.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси, 1996 йил. 3—4- сонлари.

зилган зарар давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек ғайриқонуний ҳаракатда (ҳаракатсизликда) айбланган мансабдор шахснинг ҳисобидан ундирилади. Демак, етказилган зарарни ундириш икки хил бюджетга: Ўзбекистон Республикасининг ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг бюджетига, шунингдек мансабдор шахснинг мол-мулкига (маблағига) қаратилади.

Демак, давлат бошқарув ва ҳокимият органлари ўз ваколатларига ёки қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳужжат қабул қилсалар, тадбиркор бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисида судга мурожаат этишга ҳақлидир. Тадбиркор ҳуқуқини бузган давлат органи ёки ўзга органлар, ташкилотлар ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари гадбиркорга нисбатан қонунда кўзда тутилган бурчларини тегишлича амалга оширмаганликлари оқибатида тадбиркорга етказилган зарарни ундириш ҳақида ана шу органларга, ташкилотларга нисбатан судда даъво қўзғатилади.

Тадбиркорлик эркинлиги тадбиркорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари нафақат қонун билан белгиланган чоралар билан муҳофаза қилинади, ушбу эркинлик, ҳуқуқ ва манфаатлар улар ўртасида тузиладиган шартномаларда тўлиқ ўз ифодасини топади. Шартнома тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақил ва тенг ҳуқуқли эканлигидан, мулкый, хўжалик муносабатларида иштирок қилиш учун ўз хоҳиш ва мақсадларини эркин равишда расмий ифода этишларидан дарак беради.

Жамиятда турли шаклдаги мулкчиликнинг тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосан ҳаракатда бўлиши ва мулкый муносабатларда, тадбиркорликни амалга оширишда мол-мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахснинг эгаллик ҳуқуқига, яъни мулк ҳуқуқи субъектларининг ўзгариши билан ўтиши ушбу шахслар ўртасидаги мавжуд муносабатларни товар-нул муносабатлари, яъни баҳоланиш аҳамиятига, ҳақ эвазига ошириладиган муносабатлар эмас, дейишга асос қолмайди на уларни режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш усулларини қўллаш эмас, балки шартномалар воситасида тартибга солишга тўғри келади. Шартнома жамиятда моддий неъматларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш соҳасида эҳтиёж ва тақлиф қилиш масалаларини оқилона белгилаш, тўғри ҳақ қилиш учун имконият яратади.

Д. Тадбиркорликни эркин амалга ошириш ва ишчи ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги умумий тамойиллардан ҳисобланади ҳар бир шахс ўзининг меҳнат қилиш қобилияти-ишчи кучини тасарруф этишида мутлақ ҳуқуқга эга. У бу ҳуқуқдан якка тадбиркор сифатида ёки ўзга шахслар (жисмоний ёки юридик шахслар) билан шартнома (битим, контракт) асосида фойдаланиши мумкин.

Ҳар бир шахс ўзининг ишчи кучи, қобилиятидан ўз эрки ва хоҳиши билан фойдаланади. Шунинг билан бирга у тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланиши, яъни шартномага асосан ўзга шахсларни меҳнатга ёллаш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг **18- моддасига** мувофиқ ёлланма меҳнатдан фойдаланиш фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати мазмуни сифатида ифодаланади. Демак, Ўзбекистон қонунларига мувофиқ ёлланма меҳнатдан фойдаланиш учун фуқарога ҳуқуқ берилади. Фуқаро тадбиркор сифатида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш учун ўзи ҳам меҳнатга ёлланган шахс билан фаолият юритишда биргаликда қатнашиши керак бўлади.

Хусусий мулк мулкдорнинг (тадбиркорнинг) ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин.

Тадбиркор қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ва доира чегарасида ўзига тегишли мулккий ҳуқуқ асосида ўз фаолиятини амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатида фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузиши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳасида фуқаронинг меҳнатида фойдаланиш учун асос бўлган мулкнинг қай шаклда эканидан қатъи назар, фуқарога амалдаги қонунлар кўзда тутган меҳнат ҳақи бериш ва зарур бўлган меҳнат шароитлари яратиш, шунингдек бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатлар билан таъминлаш вазифаси тадбиркорнинг зиммасига юклатилади. Бу вазифани бажаришда тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ва меҳнат муносабатларини тартибга солишга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс ихтиёрий равишда бу ишга киришади ва таваккалчилик тамо-

йилига асосан ўзига ва (ёки) бошқа шахсларга тегишли мулкларни бирлаштириш, яъни умумий мулк асосида шахсан ташаббус кўрсатиб қўшимча даромад, яъни фойда олишга интилади.

Меҳнатга ёллаш тадбиркор билан ходим ўртасида шартнома тузишни талаб қилади. Шартнома тенг ҳуқуқли тарафлар ўртасида тузилиши мумкин. Шундай экан шартномада тадбиркор билан меҳнатга ёлланувчи ходимнинг ихтиёрий иродаси, эрки ўз аксини топади.

Тадбиркорни ёлланма меҳнатни жалб этишга ҳеч ким мажбур қила олмайди, у ушбу масалани ўз эҳтиёжини ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Шунинг билан бирга ходимни ҳам ёлланма меҳнат билан шуғулланишга ҳеч ким мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас, у ўз хоҳиши билан ёлланиши мумкин. Демак, ёлланма меҳнатга жалб этиш ихтиёрий равишда амалга оширилади ва иккала тарафнинг ҳам, яъни тадбиркорни ва ёлланувчи ходимнинг ҳам бу масалада розилигининг бўлиши талаб қилинади.

Меҳнат муносабатлари, жумладан, ходимларни ёллаш, бошқа ишга ўтказиш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа масалалар меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси **10-моддасининг** 3-қисмига мувофиқ корхоналар, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Фуқаро ёки юридик шахс меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек ходимларнинг бошқа турдаги даромадлари шакллари, тартибини ва миқдорларини мустақил равишда белгилайди. Ходимларнинг иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Тадбиркорлик корхонаси ўзида ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга мажбурдир ҳақда уларнинг соғлигига ва меҳнат қилиш лаёқатига етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради. Мулкчиликнинг турли шакллари асосида фаолият юритувчи тадбиркор корхоналарнинг ходимлари давлат корхоналари ходимлари учун белгиланган тартибда ва

шартларга мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта қилинади ва ижтимоий - иқтисодий таъминланади. Шунинг учун ҳам корхоналар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат ижтимоий суғурта жамғармасига ва пенсия жамғармасига маблағ ўтказиши шарт.

Ўзбекистон меҳнатга оид қонун ҳужжатларида хусусий корхонада ишчи кучларини ёллаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва шартларига алоҳида эътибор берилади. Хусусий корхоналар ходимлари меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ёлланади. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади, унда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кўрсатилади.

Меҳнат шартномасида кўзда тутилиши зарур бўлган маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: муайян мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича ишларни бажариш мажбуриятлари; шартнома тузилган муддат; меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шартлари, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби; ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлиги; меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик; томонларнинг келишуви бўйича бошқа маълумотлар.

Демак, тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш ва шу мақсадда ходимларни ёллаш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Е. Тадбиркор томонидан ўз даромадлари тўғрисида баённома (декларация) берилиши ва даромадига яраша мутаносиб равишда солиқлар тўланиши умумий тамойиллардан иборат.

Даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъи назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилади. Бундай жавобгарлик моддий ва жиноий чора тусида бўлиши мумкин.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон 1991 йил 15 февралда биринчи марта ўзининг „**Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида**“¹ги қонунини қабул қилди. Сўнги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда ушбу қонунга киритилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси. 1991 йил. 4- сон. 86- модда.

ўзгартишлар, қўшимчалар давлат бюджетининг ҳамда маҳаллий бюджетларнинг солиқлар тарзидаги даромадлар манбаларини белгилаб берди. Эндиликда солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиблари 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланади¹. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солишга оид айрим махсус қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрда қабул қилинган қарори билан белгиланади.

Солиқларни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад давлат иқтисодий-ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини таъминлашдан, жисмоний (фуқаролар) ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдан, габийй бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантиришдан иборатдир.

Тадбиркорлар фаолиятини солиқ йўли билан тартибга солиш куйидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширилади:

— солиқ солиш — юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга эса — жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади;

— белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада булишини бевосита ва билвосита чеклаб қўйиш ёки унга гов бўлиши мумкин эмас;

— олинган манбалардан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт;

—солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши керак.

Солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларга бўлинади:

— умумдавлат солиқларига юридик шахслардан олинандиган даромад (фойда) солиғи;

— жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 4—5- сонлари.

- қўшимча қиймат солиғи; акциз солиғи;
- ер ости бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқлар киради. Ушбу солиқлар ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жумласига: мол-мулк солиғи; автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун олинадиган солиқлар, ва савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим; автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим; ободончилик ишлари учун олинадиган йиғимлар киради.

Мол-мулк ва ер солиқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва Республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг миқдорлари (ушбу Кодекс билан белгиланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Реклама ва ободончилик ишлари учун солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Бу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдolari Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштирилиши лозим. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Айрим тоифадаги корхоналарга солинадиган солиқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонуннинг **16- моддасига** биноан кичик корхоналар учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи содалаштирилган солиқ солиш тизими қўлланиши мумкин. Акциз тўланадиган маҳсулот чиқараётган микрофирмалар ва кичик корхоналар акциз солиғини Солиқ кодексда белгиланган тартибда

тўлаганлари тақдирда соддалаштирилган солиқ солиш тизимига ўтишлари мумкин. Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи микрофирмалар ва кичик корхоналарга берилади.

Ягона солиқ, ялпи даромад солиғи, ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фойда (даромад) солиғи ва қўшимча қиймат солиғи ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Солиқ кодексига батафсил назарда тутилади. Масалан, улар солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш; қонун ҳужжатлари билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш; бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш; солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятлари юзасидан солиқ органлардаги мавжуд маълумотлар билан танишиш; солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органида ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш; солиқ органларининг қарорлари ёки мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш; солиқ солиш объектини ҳисобга олишда солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадилар.

Тадбиркорлар зиммасига муҳим мажбуриятлар юклагилади. **Солиқ кодексининг 12- моддасига мувофиқ, улар:**

- а) белгиланган муддатда ва тартибда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса бу ҳақда солиқ органига 10 кунлик муддат ичида хабар бериш;
- б) солиқлар ва йиғимларни тегишли суммасини ўз вақтида ва тегишли ҳажмда тўлаш; бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;
- г) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун

хужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш; д) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш билан боғлиқ хужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларни солиқ органларига тақдим этиш; е) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришга рухсат бериш; ж) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятни ҳам бажарадилар.

Солиқ бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун тадбиркорларга нисбатан маъмурий, Фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарлик қўлланиши мумкин. Масалан, Солиқ кодекси **135- моддасининг** 2- бандига биноан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорда жарима солишга олиб келади. Ушбу модданинг 3- бандига биноан даромад (фойда) яширилган тақдирда тадбиркордан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорда жарима ундирилади. Солиқ солинадиган объектлар яширилганлиги учун ҳам тегишли жавобгарлик назарда тутилади. Бундай хатти-ҳаракатларга қасддан йўл қўйилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилади. Масалан, Жиноят кодексининг **184- моддасига** биноан фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашда қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишларини ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ жазоси билан жозаланиш назарда тутилади. Шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар такроран ва кўп миқдорда содир этилган бўлса жарима тўлаш, ахлоқ тузатиш ишлари билан бир қаторда уч йилгача, ҳатто уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш чораларини қўллаш назарда тутилади.

3- §. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий манбалари

Тадабиркорликнинг иқтисодий манбалари хусусий мулк ва оммавий (давлат) мулк шаклларида ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ ҳар ким мулк ҳуқуқига эга. Ушбу Асосий қонун — Конституциянинг **53- моддасига** мувофиқ Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Тадабиркорлик барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Мазкур моддага мувофиқ хусусий мулк *„бошқа мулк шакллари каби“* дахлсиздир. Мулкнинг қайси шакллардан иборат эканлиги Фуқаролик кодексига назарда тутилади. **ФКнинг 167- моддасига** биноан Ўзбекистоннинг иқтисодий негизини хусусий ва оммавий мулк шакллари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлашга бағишланган тадабиркорлик, банклар, инвестициялар, ер тўғрисидаги ва монополияга қарши қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши республикада мулкрий муносабатларнинг моҳияти ва мазмуни жиҳатдан жиддий узгаришларга ва шу сабабли тадабиркорликнинг таркиб топиши ва ривожланиши учун шароит яратди.

Тадабиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **14- моддасига** мувофиқ, тадабиркорлик фаолияти тадабиркорларнинг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин. Ўз мол-мулки асосида тадабиркорлик фаолиятини асосан яқка тартибдаги тадабиркорлар амалга оширади.

Жалб этилган мол-мулк деганда олинган қарз, кредит маблағлари, ижарага олинган бинолар, транспорт воситалари ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни тушуниш мумкин. Қонуннинг **18- моддасига** биноан тадабиркорлик фаолиятининг эркинлиги унинг иқтисодий манбаи бўлган мулк шаклларида тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилиши билан ифодаланади.

Ўтмишда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхоз кооператив мулки ташкил этарди. Фуқароларнинг

мулки „шахсий“ мулк ва алоҳида шаклдан иборат дейилса-да, лекин ушбу мулк давлат корхоналарида, жамоат ташкилотларида меҳнат қилиш натижасида олинган даромадлар ҳисобига ташкил топиши, истемол характериға эға бўлиши ва фуқаронинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашға қаратилган бўлиши лозим эди. Шахсий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини амалға ошириш учун иқтисодий жиҳатдан етарли бўлмаса, ҳуқуқий жиҳатдан мумкин эмас эди.

Асосий ишлаб чиқариш қурол-воситаларининг фақат давлатға тегишли бўлиши, умумхалқ мулки деб, лекин мулкнинг эғаси шахсан ким эканлиги, ким унга жавобгар бўлиши ноаниқ бўлиши мулкка нисбатан хўжасизлик, бепарворлик, жамиятда умумий дангасалик ва беғамлик кайфиятларининг вужудға келишиға сабаб бўлди, фуқароларда меҳнатға нисбатан қизиқиш, тадбиркорлик фаолияти учун керак бўлган ташаббускорлик ҳиссиётларини тарбиялашға имкон бермади.

Давлат мулкнининг жамиятда эғаллаган етакчилик ўрни қонун-қоидаларнинг моҳиятини ҳам ўзига хос равишда белгилаб берди. Масалан, давлат мулкнининг таркиб топиши, уни муҳофаза қилиш ва унга асосан вужудға келадиган барча турдаги муносабатларни тартибға солишға оид қоидалар колхоз-кооператив ва айниқса фуқаронинг шахсий мулкиға нисбатан тубдан фарқ қилар ва анча устун турарди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Конституциясига амал қилинган ҳолда, мулкнинг ўтмишда социалистик жамиятнинг синфларға бўлинишиға асосланиб шаклларға ажратилишиға ва қайси шаклда ва кимға тегишли бўлишиға қараб ўрнатилган тенгсизликка барҳам берилди. Мулкнинг кимға тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг равишда ривожланиши учун имкониятларнинг мавжуд бўлиши ва уларни баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза қилиш қоидалари ЎзР ФКнинг тегишли моддаларида назарда тутилди. Иқтисодни ташкил қилувчи асосий масала, мулк масаласининг бундай ижобий ҳал қилиниши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташаббускорлик ҳиссиётларининг камол топиши, ишлаб чиқаришда, хўжалик соҳасида тадбиркорлик фаолиятларини амалға оширишда ҳам фуқаролар ҳамда ташкилотлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда баб-баравар манфаатдор бўлиши,

улар ўртасида умумий мол-мулкнинг вужудга келиши ва ушбу мулкдан ҳамкорликда унумли фойдаланиш ва самарали натижаларга эришиш имкониятларини яратиб берди.

Хусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбаидир. Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатлари ҳақида ҳар қандай фикрлар хом хаёлдир. Хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар бизнинг қонунчилик фаолиятимизда янгиликдир. Хусусий мулкнинг жорий қилиниши билан фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси кенгайди, улар 1963 йилдаги Гражданлик кодексининг **120-, 121-, 122-, 128-, 136-моддалари**даги олдинги чеклашлардан озод бўлди. Энди улар фақат шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш ва унинг учун керак бўлган қурол-воситаларга эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча даромадлар олиш каби ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий манба сифатида хусусий мулк билан бир қаторда оммавий (давлат) мулки ҳам қатнашади. Оммавий мулк гушунчаси давлатнинг барча фуқароларига ва шунинг билан бирга ҳар бир фуқаросига тегишли бўлган мулк маъносини беради. Лекин у ўтмишда давлат мулкига ўхшаш маъҳум гушунча эмас, балки унинг муайян объектлари ва уни эгаллаб турувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи субъектлари аниқ белгиланди.

Оммавий мулк давлатга тегишли мулкдан иборат бўлиб, у икки хил кўринишда, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципал мулкдан ташкил топади. ФҚда ҳар бир турдаги мулк ҳуқуқининг объектлари ва субъектларининг ҳуқуқ лаёқати ҳақида умумий тушунча берилди.

Давлат мулк ҳуқуқи ўз мазмуни, яъни уни эгаллаш, ундан фойдаланиш, унинг тасарруф этилиши жиҳатидан икки хил гуруҳга бўлиниши мумкин: а) давлат корхоналарига ва муассасаларига бириктириб қўйилган мол-мулк; б) тегишли бюджет маблағлари ва давлат корхоналари ҳамда муассасаларига бириктирилмаган, Республика давлат газнасини ташкил қиладиган мол-мулк.

Тадбиркорлик фаолияти асосан давлат корхоналари ва муассасаларига бириктириб қўйилган мол-мулк асосида амалга оширилади. Ушбу корхона ва муассасалар уларга бириктириб қўйилган давлат мулкига нисбатан ҳўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатларида, улар учун қабул қилинган Уставларда, таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида фаол амалга оширадилар.

Тадбиркорлик фаолияти умумий мулк, яъни бир неча фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Бундай умумий мулк биргаликдаги ва улушли мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Улушли ва биргаликдаги умумий мулк кимларга тегишли бўлиши зарурлиги ФКда кўрсатилмайди ва бундай мулкларнинг субъектлари ҳар қандай шахсдан иборат бўлиши, иккинчидан, биргаликдаги умумий мулкни улушларга ажратиш ёки унинг иштирокчиларидан бирининг улуш ажратиши мумкинлиги назарда тутилади. ФКнинг 216-, 226-м.м.

Биргаликдаги умумий мол-мулкнинг барпо бўлиши, унинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қўйидагича белгиланади: ўз вазифасини, яъни фойдаланиш мақсадига муносиб бўлишини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар, яъни яхлит тарзда белгиланган мол-мулклар) ёки қонун бўйича тақсимланиши мумкин бўлмаган, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг мулк ҳуқуқига ўтган мол-мулк *биргаликдаги умумий мулк* дейилади.

Мулк ҳуқуқи эгаларининг ҳар бирининг, уларга тегишли бўлган умумий мол-мулкдаги улушлари (ҳиссалари) аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай мулк *улушли мол-мулк* дейилади. Улушли мол-мулкда қонунга асосан ёки иштирокчиларнинг келишуви билан уларнинг улушлари аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, улушлар тенг деб ҳисобланади. Улушлар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин (ФК 217- м.). Улушли мулкни тасарруф қилишга нисбатан имтиёзли ҳуқуқлар белгиланади (ФК 224- м.).

Биргаликдаги мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳақида Янги қоидалар белгиланган (225- м.). Умумий қоидага асосан биргаликдаги мулкдан унинг эгалари биргалашиб эгалик қиладилар ва фойдаландилар. Лекин улар ўзаро келишиб бошқача тартиб ўрнатган

бўлишлари ҳам мумкин. Бундай мулкни тасарруф қилишда унинг эгаларининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик ривожланишининг таъсири остида биргаликдаги мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг ҳар бирига уларнинг барчасининг розилиги билан ушбу мол-мулк юзасидан бигимлар тузиш ҳуқуқи берилади. Масалан, эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизда оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланган бўлиши лозим.

Тадбиркорларнинг розилиги билан ваколат берилмасдан тузилган битим *ҳақиқий эмас* деб ҳисобланиши назарда тутилади. (ФК 225- м.).

Тадбиркорлик субъектлари, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар фуқаролардан, фуқароларнинг уюшмаларидан (хўжалик жамоалари ва ширкатлардан), ажнабий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларидан иборат бўлиши мумкин. Шундай экан тадбиркорлик фаолияти турли шаклдаги мулк ҳуқуқи асосида ва иштирокида амалга оширилиши мумкин. Биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида биргаликдаги корхоналар, фирмалар, акциядорлар жамиятлари тузилади. Бундай биргаликдаги тадбиркорлик уларда қатнашувчи шахсларнинг мол-мулкни жалб этиш ҳисобига, яъни умумлаштириш асосида амалга оширилади. Умумий мулкда ҳар бир тадбиркор хўжалик жамоаси аъзосининг улуши белгиланади, яъни алоҳида кўзда тутилган бўлиб, тадбиркорликни амалга ошириш натижасида қўлга киритилган даромад ҳам улушнинг миқдорига қараб, аъзолар ўрасида тақсимланади.

ФКнинг 217- моддасига мувофиқ, агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади. Тадбиркорларнинг самарали меҳнатлари тўғрисида улушларининг миқдори ўзгариб туриши ва аниқ белгиланган бўлиши мумкин. Тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида улушлар ҳақида низо келиб чиққан ҳолларда бундай низо умумий мулк эгаларининг ҳар бирига улушнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаронинг мулки хусусий шаклдаги мол-мулкдан иборат бўлса, юридик шахснинг мулки жамоа (ширкат) мулкидан (агар у жамоалардан, уларнинг уюшмаларидан, жамоа ва кооператив ташкилотларидан иборат бўлса) ва шунингдек, давлат мулкидан (агар юридик шахс давлат корхоналаридан, ташкилотларидан, бирлашмаларидан иборат бўлса) ташкил топиши мумкин.

Бундай ҳолатларда фуқаролар билан юридик шахслар ўртасида умумий улушли мулк ҳуқуқи вужудга келади ва ушбу мулк асосида тадбиркорлик амалга оширилади.

Ўтмишда 1963 йилдаги Кодекснинг 136-моддасига мувофиқ давлат (давлат корхоналари, ташкилотлари) билан фуқаро ёхуд кооператив ва бошқа жамоат ташкилоти билан фуқаро ўртасида умумий улушли мулкнинг вужудга келишига йўл қўйилмасди. Агар мерос олиш, реквизиция ёки мусодара қилиш натижасида ёки бошқа асосларга кўра, давлат билан фуқаронинг, ёхуд кооператив ва бошқа жамоат ташкилоти билан фуқаронинг умумий мулки ташкил бўлиб қолса, у ҳолда бундай умумий мулк пайдо бўлган кундан бошлаб бир йил ичида қонунда кўзда тутилган усулларни қўллаш йўли билан бекор қилиниши лозим эди. Эндиликда мол-мулкларни умумлаштириш асосида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имконият яратилди.

Фақат турли шаклдаги мол-мулкни умумлаштириш асосида эмас балки ушбу мулкдан турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, мол-мулк асосида тадбиркорликни якка тартибдаги меҳнат, ҳамкорликдаги фаолият, мулкни ижарага бериш, қарз бериш, биргаликда корхона, ширкат ташкилотлари тузиш каби шакллари, турларини тузиш ва амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорлик ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида ҳам амалга оширилади. Мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, унинг асосида тадбиркорлик юритиш ҳақидаги Ўзбекистон фуқароларига тегишли қоидалар ажнабий фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Фуқаролик Кодексининг 16-моддасида кўзда тутилишича, Ўзбекистонда яшаб турувчи ажнабий давлат фуқаролари республиканинг фуқароларига тегишли бўлган ҳуқуқий лаёқатдан тенг

фойдаланади. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб зарур сармояга ва бўлган ажнабий давлат фуқаролари ўзаро манфаатдорлик асосида республикада фаол тадбиркорлик кўрсатиб қўшма корхоналар ёки фақат ўзларига тегишли бўлган хусусий корхоналарни имтиёзли равишда ташкил этишларига имкон берилади. Бунда уларнинг мол-мулклари ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатлари қонун билан қуриқланади ва тўла маъмуриятга кафолатланади. Улар ўзларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер, ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари бошқа зарурий ашёларни имтиёзли шартларда ва узоқ муддатларга ижара олишлари мумкин. Хорижий фуқаролар республика ҳудудида тадбиркорлик натижасида ортирган мол-мулкни ўз хоҳишлари билан мерос қилиб қолдиришлари, хайр-аҳсон қилишлари ёки ўзларига тегишли даромадларни Ўзбекистондан эркин олиб кетишлари қонун билан кафолатланади.

Тадбиркорлик Ўзбекистон юридик шахслари ва ажнабий юридик шахслари иштирокида, уларнинг мол-мулки асосида қўшма корхоналар, акцияли жамиятлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тузиш йўли билан амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари асосида тадбиркорликни амалга ошириш шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) Ўзбекистон тадбиркорларнинг ажнабий давлат фуқаролари ва юридик шахслари билан биргаликда корхоналар, банклар, суғурта компаниялари барпо этиш ва бошқа ташкилотларда иштирок қилиб қатнашиш; б) бутунлай ажнабий давлат фуқаролари ва юридик шахсларига қарашли бўлган корхоналар, банклар, суғурта компанияларини ва бошқа ташкилотларни барпо этиш; в) мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш; г) тадбиркорга мустақил равишда ёки фуқаролар ва юридик шахслар иштирокида мулкӣ ҳуқуқларни, шу жумладан ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкин.

Тадбиркор фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк асосидагина эмас, балки давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкни ҳамда пул маблағларини ихтиёрий равишда жалб этиш асосида ҳам ўз фаолиятини амалга оширади. Бундай жалб этишлар асосан мол-мулкни ижарага топшириш ёки пул маблағларини қарзга бериш усулларида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 537- моддасига мувофиқ, мулк ижарасининг объектлари ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа ашёлардан ташкил топиши мумкин. Ушбу объектлар давлат корхоналарига, ташкилотларига, жамоат ташкилотлари, хўжалик ширкатлари ва жамиятларига тегишли мулклардан иборат бўлиши мумкин.

Мол-мулкни ижарага берувчи, ўша мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқига ёки мулк эгаси берган ваколатга асосан фаолият юритувчи, яъни мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро ёки корхона, ташкилот ва шунингдек ажнабий давлат фуқароларидан, юридик шахсларидан иборат бўлиши мумкин. Ижарага олувчилар фуқаролардан, юридик шахслардан, жумладан қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон ва чет эл юридик шахсларининг мулклари асосида ташкил топган корхона ва ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин. Шундай экан *мол-мулкни ижарага берувчи ва ижарага олувчини ҳам тадбиркорлар* деса бўлади. Улар фойда олиш мақсадида барча иқтисодий имкониятларни жалб қиладилар, унумли натижаларга эришиш учун фаол ташаббус кўрсатиб ҳаракат қиладилар.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш асосида тадбиркорлик фаолиятни амалга ошириш қарз (кредит) бериш шаклида ҳам рўй беради. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш даврида ёки амалга ошириш жараёнида қўшимча пул маблағларига муҳтож бўлиб қолиши мумкин. Бундай муҳтожликдан қутулиш учун у тегишли банклардан ўз вақтида қайтариб бериш шарти билан қарз (кредит) олади.

Ўзбекистон Республикасининг „**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**“ги қонунига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро, жамоа (ширкат), ташкилот, яъни тадбиркорлар пул маблағларига нисбатан бўлган эҳтиёжни тегишли банклардан олинадиган қарзлар (кредитлар) ҳисобига қаноатлантиришлари мумкин. Шунинг билан бирга тадбиркорларга тижорат хизмат кўрсатиш шарти билан бир-бирларига қарз (кредит) беришга ва давлат, жамоат ташкилотларидан кредит олишга ҳам рухсат этилган.

Тадбиркор асосан тижорат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ва корхоналар (ташкилотлар)дан иборат бўлиб, *юридик шахс* ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистондаги кредит муносабатлари Фуқаролик кодекси **744-моддасининг** 1-қисмида назарда тутилган қоидалар асосида тартибга солинади. Мазкур модданинг ушбу қисмига кўра кредит муносабатларида бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор), иккинчи тараф—қарз олувчи корхона ёки фуқаро қатнашишлари мумкин. Бундай кредит ташкилотлари бўлмаган тақдирда, мазкур модданинг 2-қисмига биноан кредит беришни тижорат ташкилотлари амалга оширишлари назарда тутилади. Бундай кредитлашга нисбатан кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак Кодекснинг **744- моддасига** мувофиқ тадбиркорларга кредитлар бериш банк ёки кредит ташкилотлари, шунингдек, тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркор мол-мулкдан юқорида қайд этилган шакллар ва усуллардан фойдаланиш йўли билан ўз фаолиятини амалга оширади. У фақат ўзига тегишли хусусий мулк билан чеklangмай, балки шунинг билан бир қаторда Ўзбекистон ва ажнабий давлат фуқароларининг ва юридик шахсларининг мол мулкини жалб этиш, биргаликда фаолият юритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан, турли хўжалик фаолияти юритиш учун давлат ва жамоат ташкилотларининг мол мулкларидан фойдаланиш каби ҳаракатларни биргаликда амалга ошириб, ўз тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун *иқтисодий маиба* — *мулк* ҳисобланади. Тадбиркор ўз фаолиятини мол мулкка нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида амалга ошириши, шунингдек бундай ҳуқуқ субъекти бўлмасдан, бошқалар, яъни давлат ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлган мол-мулк асосида фаолият юритиши мумкин. Тадбиркор мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган тақдирда, бошқаларнинг мулкига нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқига асосан фаолият юритади. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг мазмуни Фуқаролик кодексининг **71-, 72-, 176-, 178-, 181- моддаларида** акс эттирилади.

Мулкий ҳуқуқга эга бўлмаган, лекин унга нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор ўз фаолиятини мулкнинг эгаси томонидан белгиланган доирада амалга ошириши лозим. Мулкий ҳуқуқга эга бўлмаган тадбиркорга мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари мулкдор томонидан берилади. Шундай экан, тадбиркор унга берилган ҳуқуқларни амалга оширишда фақат ўзининг эрки ва манфаати эмас, балки мулкдорнинг эрки ва манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Мулкка нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор фойда олиш мақсадида турли хўжалик фаолияти билан шуғулланади, бу борада эркин ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилади, ўз фаолиятининг натижалари ва мажбуриятлари бўйича шахсан ўзи жавобгар бўлади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик, биринчидан мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этиши, иккинчидан, бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш, яъни ундан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин. Лекин бундан тадбиркорлик фақат мулк эгасининг бевосита меҳнатига ёки фақат бошқа фуқаронинг меҳнатига асосланган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш қонунда назарда тутилган қоидаларга зид келган бўлар эди.

Тадбиркорлик шахсан мулк эгасининг ўзининг меҳнатда қатнашишга ёки ёлланма меҳнат қўллашга ва шунингдек, ўзининг ҳамда ёлланма меҳнатнинг биргаликда кўшиб амалга оширилишига асосланган бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида, яъни ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита ўзининг иштирок этиши — бу тушунарли масала. Лекин унинг ёлланма меҳнат асосида, яъни бошқа фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш йўли билан фаолият юритиш ҳақидаги қоида ижтимоий-ҳаётда ва шунингдек, қонунчилик соҳасида янги воқеадир. Чунки, ўтмишда фуқарога ёлланма меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйилмаган, бундай ҳуқуқ корхона ва ташкилотларга берилган. Фуқароларга ёлланма меҳнатни қўллаш ҳуқуқи биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг „**Мулкчилик тўғрисида**“ги қонунда хусусий мулкчилик жорий қилиниши билан вужудга келди.

4- §. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Конституция асосий қонун сифатида Ўзбекистонда қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга ва бу соҳада эркин ижод қилишга имконият яратиб берди. Конституция ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги амалий ва кундалик гурмушда юз берадиган масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа ҳамма қонунларнинг, шунингдек махсус қонунлардан иборат бўлган республика кодексларининг сиёсий ва юридик манбаи, яъни пойдевори ҳисобланади.

Конституциянинг 53- моддасида хилма-хил мулк шакллари асосланган бозор муносабатларининг ривожланишида тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилади. Чунки тадбиркорлик фаолияти ўз хусусиятлари ва моҳияти билан бошқарув иқтисодиёти ташкил топган жамиятда камол топиши мумкин.

Иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш самойилларини ва моҳиятини белгилаб берувчи Конституцияда урнатилган асосий қоидалар юқори мақомга эга бўлган Республиканинг қонунларида ўз аксини топди. Мулкчиликка оид, корхоналар, тадбиркорлик, кооперативлар, хўжалик ширкатлари ва бирлашмалари, банклар, солиқлар, биржалар, инвестиция, ташқи иқтисодий фаолиятга оид ва бошқа фақулудда муҳим қонунлар фуқароларга, юридик шахсларга жамиятнинг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқчилик принципи асосида қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай мулкый, хўжалик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликнинг бошқа соҳаларида ташаббускорлик кўрсатиб, эркин иштирок этишлари учун кенг имконият яратиб берди.

Қабул қилинган қонунлар ва уларни амалга оширишга тарағилган ҳуқуқий чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган турли тусдаги муносабатларни тартибга солишга бағишланган бўлиши билан бир қаторда жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси алоҳида урин эгаллайди. Чунки у ижтимоий — иқтисодий муносабабларнинг муайян соҳаларига қонун ҳужжатларида ва қонунга тенглаштирилган ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларни умумийлаштириб ягона қонун тизими сифатида

ўзига қамраб олади. Шунинг билан бирга Кодексдаги нормалар амалиёт манфаати учун айрим қонун ёки қонунга тенглаштирилган ҳужжатларни қабул қилиш учун манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексида тадбиркор учун унинг фаолиятини юритиш жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай саволга жавоб топиш мумкин. Унинг моддалари воситасида тадбиркорнинг муомала ва ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келиш асослари ва ҳимоя қилиш усуллари, тадбиркорлик муносабатларининг субъектлари ва объектлари, субъектларининг ҳуқуқий ваколатлари, объектларининг гуруҳлари ва хусусиятлари, битимлар ва уларнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши, ҳақиқий эмас деб тан олинган битимларнинг ҳуқуқий оқибатлари, вакиллик хизмагидан фойдаланиш, тадбиркорликнинг иқтисодий манбаи сифатида мулкнинг шакллари, тадбиркорларнинг хусусий мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқлари, мажбуриятлар, уларнинг турлари, ижро этилишини таъминлашга қаратилган кафолатлар, шартномалар ва уларнинг турлари (олди-сотди, маҳсулотни, товарларни етказиб бериш (поставка), контрактация, кўчмас мулкни сотиш, корхонани сотиш ва ижарага бериш, рента, ижара, прокат, экспедиция, лизинг, кредит, банк омонати ва бошқа кўйлаб шартномалар), шартномаларга асосланган ва асосланмаган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ва бошқа ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларида вужудга келадиган масалаларни тартибга солишга оид қоидалар назарда тутилади.

Фуқаролик кодекси **2- моддасининг 2,3- қисмларига** биноан нафақат Ўзбекистон фуқаролари, юридик шахслари ва Ўзбекистон давлати, шунинг билан бирга чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари ва ажнабий давлатлар ҳам Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик муносабатларининг иштирокчилари бўлишлари мумкин.

Бозор муносабатларининг ташкил топишини ва ривожланишини авж олдириш мақсадида Ўзбекистонда мустақиллик даврининг бошланғич йилларида қабул қилинган юқори мақомли қонунлар ичида 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг „**Тадбиркорлик тўғрисида**“¹ ги¹ Қонуни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1991 йил. 4- сон. 60- модда.

биринчилардан бўлганлиги туфайли, унда тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид ҳамма қоидаларни батафсил қамраб ололмади. Сўнгги йилларда ушбу қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб борилди ва ниҳоят 2000 йил 25 майда „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“¹ Қонун қабул қилинди. Янги қонунда иқтисодий эркинлаштириш билан боғлиқ қоидалар ва вазифалар ушбу аксини топди. Амалдаги қонунда тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллиги ва ушбу мустақилликни таъминлаш учун зарур бўлган кафолатлар; тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва маъсулияти аниқ белгиланган бўлиши, яъни ҳар бир тадбиркор ўз ҳуқуқидан эркин ва мустақил фойдаланишини ҳимоя қилиниши ва шунинг билан бирга қонун олингандаги ўз бурчини беками-кўст бажариши, ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслиги, тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, шунинг бошқарув идоралари билан муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар назарда тутилди.

Ушбу қонун воситасида амалга ошириш учун зарур бўлган асосий масала, у ҳам бўлса фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш ва таъминлаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қарагандир.

Учмишда, фуқаролар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса ишлаб чиқариш соҳасида, ташаббус кўрсатиш қобилиятидан деярли маҳрум эдилар. Уларнинг меҳнат фаолияти юқоридан тасдиқланган режага асосан, меҳнат даромади эса сарф қилинган меҳнатнинг ҳажми, сифати ва таъмижасига қараб эмас, балки давлат томонидан кўзда тутилган режаларга қараб белгиланар эди. Ушбу даромад миқдор кўнрақидан эркин равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун биринчидан, имконият бермас эди, иккинчидан эса, меҳнат ҳақидан фуқаро қонун бўйича фақат ўзининг шахсий моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши мумкин эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборот-номаси, 2000 йил. 5—6- сон. 140- модда.

Социализм тузумида жамоат манфаати биринчи, шахс манфаати эса иккинчи даражали аҳамиятга эди. Шунинг учун барча фуқаролар асосан давлат ва кооператив корхоналарида, ташкилотларида меҳнат қилишлари зарур эди. Жамиятнинг иқтисодий манбаини асосан социалистик мулк, биринчи галда унинг асосий шакли бўлган давлат мулки ташкил қиларди. Шунинг учун ҳам асосий эътибор ўша мулкни мустақкамлашга қаратиларди. Лекин ушбу мулк шахсан кимга тегишли, кимнинг манфаати учун қанча миқдорда сарфланиши аниқ маълум эмас эди. Қонунларда ушбу мулк *халқ мулки* деб ҳисоблансада, лекин халқ ундан ўз хоҳиши билан фойдаланиши ва уни тасарруф қилиш имкониятларидан маҳрум эди. Мулкка нисбатан *эгасизлик* ишлаб чиқариш соҳасида *хўжасизлик*, *бепарволик* умумий *дангасалик* ҳолатларини вужудга келишга сабаб бўлди. Бундай иқтисодий-ижтимоий вазиятда тадбиркорлик фаолияти ҳақида умид қилиб ҳам бўлмасди.

Шундай қилиб фуқаронинг ўз меҳнатидан ўзи эркин равишда фойдаланиш имкониятларидан маҳрум бўлиши, мулкка нисбатан ҳуқуқнинг чекланиши унга хос бўлган ташаббускорлик хислатларини бўлиб кўйди, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларни рўёбга чиқариш учун тўсқинлик қилди. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ушбу хислатлар ва қобилиятларни кенг кўламда рўёбга чиқариш зарур. Қабул қилинган қонунлар ҳам ўша мақсадни кўзда тутди.

Қонунлар ўз моҳияти билан ва ҳўжалик юритиш шакллари эркин танлаш, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

Тадбиркорлик фаолияти ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилади, масалан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, капитал қурилиш, турли транспорт воситалари билан юк ва йўловчилар ташиш, фуқаро ва ташкилотларда моддий-маиший хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар, шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолияти шахсан унга бағишланган махсус қонунлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан ҳам тартибга солинади. Улар ўз моҳияти билан ва аҳамияти нуқтаи назаридан қонун ҳужжатлари (нормативный акт) ва қонун ости ҳужжатлар (поднормативный акт) туркумига бўлинади.

Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа қонунлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг **Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, Ҳаво кодекси, Солиқ кодекси, „Чет эл инвестициялари тўғрисида“**ги Қонун, „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“ги Қонун, „Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида“ги Қонун, Ер кодекси, „Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)“, „Деҳқон хўжалиги“, „Фермер хўжалиги“, „Хўжалик ширкатлари тўғрисида“ги Қонунлар, Биржалар тўғрисидаги, „Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида“ги Қонунлар, Гаров, Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш, Банклар ва банк фаолияти, Банкротлик ва бошқалар кирadi.

Уларнинг барчасининг номларини келтиришнинг иложи йуқ.

Қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларидан кейинги ўринда туради. Улар ҳуқуқий адабиётларда *қонун ости ҳужжатлари* деб ҳам юритилади.

Қонун — бутун халқнинг эркини ифодаловчи ҳуқуқнинг олий шаклидир. Қонунда ҳуқуқий нормалар ифодаланади. Масалан, Ўзбекистон Конституциясида Ўзбекистон халқининг иродасини ифодаловчи ҳуқуқий нормалар мужассам топилган. **Қонун** деганда давлат ҳокимияти олий органи, яъни Республика Олий Мажлиси толонидан қабул қилинган, **ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** тушунилади.

Давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонушлари асосида чиқарилиши лозим. Бундай ҳужжатлар қонушларни ижро этиш мақсадида яратилади ва қонунга тенглаштирилган, яъни **қонун ости ҳужжатлари** деб юритилади.

Ўзбекистон давлатининг ижро этувчи органлари бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида бениҳоя катта ишларни амалга оширмоқда — иқтисодий ислохотларни чуқурлантириш, тадбиркорлик фаолиятининг кенг қўламда ривожлантириш борасида муттасил равишда ва ўз вақтида келма-кел қонун ости ҳужжатларини қабул қилишда давом этмоқда.

Бозор муносабатларининг ташкил топиши унда тадбиркорларнинг иштирок этишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кунчилик қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар тадбир-

корлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, корхоналар, бирлашмалар, ширкатнинг ташкилий тизилмалари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга бағишланади.

Умуман, иқтисодий ислоҳотларга, жумладан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бағишланган қонун ҳужжатлари уларда мужассам топган нормаларнинг моҳияти ва мазмуни жиҳатдан ҳозирги замон талабларига етарли даражада жавоб беради ва жаҳон қонунчилик амалиётининг ривожланиш даражасига мос келади. Улар бозор муносабатларининг республикада шаклланиши учун асос бўлди ва ушбу муносабатларни тартибга солишни таъминлаш борасида муҳим роль ўйнамоқда. Лекин баъзи ҳолларда қонун ҳужжатларини тадбиркорлик фаолиятига нисбатан таъсирчанлик вазифасини амалга оширишда камчиликлар рўй бермоқда. Бундай камчиликлар биринчи галда қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш жараёнида рўй бермоқда. Қонуннинг самарадорлигини таъминлаш учун умумий қоидага биноан унинг воситасида тартибга солинадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар етарли даражада ривож топган бўлиши лозим. Бу тўғри, лекин баъзи ҳолларда муайян иқтисодий муносабатларнинг, жумладан тадбиркорлик фаолиятининг ташкил топиши ва ривожланиши учун қонуннинг фаол роль бажариши мумкинлиги инкор этилмайди. Бундай бўлиши мураккаб жараён ҳисобланади. Республикамизда тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама ривож топиши учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шароитнинг камол топиши, қабул қилинган қонунларнинг амалиётда огишмай ва камчиликсиз қўлланиши учун шароит мавжуд.

5- §. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий муносабатлари

Ҳуқуқий фан нуқтаи назаридан ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади

Ҳуқуқий муносабатлар — ижтимоий муносабатлар таркибида муҳим ўрин тутади. Улар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларидан биридир.

Маълумки, **ижтимоий муносабатлар** иккига бўлинади:

- 1) моддий муносабатлар;
- 2) ғоявий (мафкуравий) муносабатлар.

Моддий, ишлаб чиқариш муносабатлари жамият иқтисодий асосини, ғоявий (мафкуравий) муносабатлар — усқуртмани ташкил этади.

Моддий ишлаб чиқариш муносабатлари кишилар эрки ва онгидан ташқарида вужудга келса, ғоявий (мафкуравий) муносабатлар бевосита улар онгига таъсир этади.

Иқтисодий муносабатлар (моддий, ишлаб чиқариш) ўз-ўзидан ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди.

Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий муносабат тусини олиши учун кишилар онги ва эрки орқали ўтиши лозим.

Қонунда халқнинг эрки ва иродаси ифодаланиб унга ғоявий (мафкуравий) ҳуқуқий усқуртма, яъни ҳуқуқий муносабат туси берилади.

Фуқаролик муносабатларини тўлиқ иқтисодий базисга ва ҳуқуқий усқурмага киритиб бўлмайди. Улар ягона иқтисодий мазмун ва ҳуқуқий шакл бирлигида намоён бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар шакли (субъектив ҳуқуқ ва мажбурият) ҳуқуқий усқурма томонда турса, унинг мазмуни (иштирокчилари ўзаро муносабати) иқтисодий базис доирасида амалда бўлади. Шахсий номулкий муносабатлар шакл ва мазмун жиҳатдан иқтисодий базисдан ташқарида мавжуд бўлади. Шу сабабли шахсий номулкий ҳуқуқий муносабатлар бутунлай усқурмага киради.

Тадбиркорлик муносабатлари ҳам Фуқаролик муносабатлари каби иқтисодий базис ва ҳуқуқий базиснинг мазмун ва шаклларининг бирлигига асосланади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар иқтисодий базисга кирса, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий усқурмага тааллуқлидир.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари деганда, тадбиркорлик ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши жараёнида вужудга келадиган, нотижорат тусдаги фаолият билан боғлиқ бўлмиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинадиган муносабатлар тушунилади.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг ҳуқуқий муносабатлари ўзига хос субъектига, объектига ва мазмунини тавсифловчи субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини унинг иштирокчилари хулқ-атворидан иборат ҳуқуқ ва

мажбуриятлар ташкил этади. Ҳуқуқий муносабатларнинг конструкцияси моҳияти ҳуқуқ назариясига асосан одатда, мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатларга бўлинишни тушуниб олиш лозим.

Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ субъекти ному-айян сондаги шахслар пассив мажбуриятлар билан ваколатли шахсга ҳуқуқларини амалга оширишга тўқинлик қилмайди. Ўзининг мулкини вужудга келтириш ҳуқуқи, бухгалтерлик ҳисобини юритиши, маҳсулотнинг таннархини шакллантириши шулар жумласидандир.

Нисбий ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига мутаносиб ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар масалан, тадбиркорлик шартномасини тузиш натижасида вужудга келади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларида субъект сифатида тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар, давлат, маъмурий-худудий тузилмалар қатнашиши мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг объекти *биринчидан*, ашёлар, пул ва қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мулклар, *иккинчидан*, мажбур субъект ҳаракатлари, *учинчидан*, ҳуқуқ субъектининг ўз фаолияти, *тўртинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини юритишда фойдаланадиган номулкий бойликлар (фирма номи, товар белгиси, тижорат сири ва бошқалар) бўлади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларини унинг тавсифномаси, объекти ва мазмуни бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин.

1) мутлақ ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (мулкий муносабатлар);

2) мутлақ нисбий ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (хўжалик юритиш, оператив бошқариш);

3) ўз тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича мутлақ ҳуқуқий муносабатлар;

4) номулкий мутлақ тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари;

5) тадбиркорлик мажбурияти ҳуқуқий муносабатлари.

Мутлақ ашёвий ҳуқуқий муносабатлар. Ашёвий ҳуқуқий муносабатлар учун характерли хусусият шундан иборатки, субъект қонун асосида ўзининг мулкка бўлган ҳуқуқини, яъни эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича хулқ-атворини белгиловчи ҳаракатни амалга оширади.

Хуқуқий муносабатнинг объекти— ашё ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш, гақсимот ва ишлаб чиқариш-истеъмол билан узвий боғлиқдир. Ушбу ўринда ашёвий ҳуқуқий муносабатнинг объекти қайта ишлаш жараёнида қатнашадиган ашёдир. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжи учун хизмат қиладиган предметлар *тадбиркорлик ҳуқуқий ашёвий муносабатлари объекти* ҳисобланмайди.

Бироқ, **аниқ субъект билан мутаносиб бўлмаган мутлақ ашёвий ҳуқуқ — мулк ҳуқуқидир.** Мулк ҳуқуқи унинг субъектига қонунга мувофиқ ҳолда ўз хоҳишига кўра мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш имконини беради. Бу ҳуқуқдан давлат маъмурий тузилмалари хусусий мулк субъектлари ўз мулклари негизида хўжалик фаолиятини амалга оширишлари учун фойдаланади.

Мутлақ нисбий ашёвий ҳуқуқий муносабатлар. Бўлар жумласига хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш киради.

Уларнинг мутлақ нисбий ҳисобланишининг сабаби шундан иборатки, бундай ҳуқуқ субъекти ўзининг имкониятларини бошқа субъектлар билан ўзаро таъсирсиз амалга оширади. Улар мулклардан „мутлақ“ ҳолда ўзи нисбий ҳуқуқдан эга бўлган мулкдан ўз имкониятини бошқалар билан солишмасдан эгаллаш, фойдаланиш ва тасаррур этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Уз тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича мутлақ ҳуқуқий муносабатлар. Бундай ҳуқуқий муносабатнинг асосий хусусияти шундаки, улар ўз фаолиятини юритишда вужудга келиб, ҳуқуқий муносабатнинг объекти шартлида қатнашади. Ҳуқуқий алоқадорликнинг моҳияти шундан иборатки, қонунда белгиланган тартибда хўжалик юритишни амалга оширувчи субъектда аниқ мажбур шахс бўлмайди. Бошқа ҳамма субъектлар ушбу субъект билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти билан солишгани ва уни амалга оширишга тўсқинлик қилмасдан унга ҳар томонлама кўмак беришлари лозим. Бундай фаолиятни амалга ошириш тегишли қонун ҳужжатлари билан шартлилаб қўйилади. Агар унинг нормал ўтиши учинчи шахсларнинг таъсирида ёки субъектларнинг бундай фаолиятини юритиши ўрнатилган тартибни бузиш натижасида

мутлақ ҳуқуқий муносабат нисбий ҳуқуқий муносабатга айланади: корхона унинг ҳуқуқини ноқонуний бузганлини бартараф этиш ҳуқуқини олади ёхуд, ваколатли субъект талаби бўйича қонун бузилишини тўхтатишга мажбур бўлади.

Масалан, тадбиркорлик ташкилотининг ўз фаолиятида бухгалтерлик ҳисоби юритиш нормаларига риоя этиши, бухгалтерлик ва статистик ҳисоботни тақдим этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини шакллантириш, экологик талаблар, ёнфинга қарши қоидалар ва белгиланган норматив ҳужжатлардаги талаблар бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар *мутлақ ҳуқуқий* муносабатлардир.

Агар тадбиркорлик субъекти белгиланган нормаларни бузса, ваколатли давлат органи йўл қўйилган ҳуқуқий бузилишни бартараф этиш, келтирилган зарарларни ундиришни талаб қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда ҳуқуқий муносабат нисбий тусга эга бўлади.

Номулкий тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида фойдаланадиган номулкий бойликлар, хусусан, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товарни ишлаб чиқариш жойи номи, тижорат сири ва бошқаларнинг вужудга келишида намоён бўлади. Бундай ҳуқуқ эгасига бошқа ҳеч ким унинг розилигисиз фирма номидан, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланишга, товар ишлаб чиқариш жойи номини ўзгартиришга, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни сотишга ва уни ўз фаолиятида ошкор этишга йўл қўйилмайди.

Номулкий ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат мутлақ бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳуқуқни бузиш оқибатида ҳуқуқий бузилишни ҳимоя қилиш бўйича аниқ мажбурият келиб чиқади, номулкий ҳуқуқий муносабат мулкий муносабатга айланади. Жабрланувчи ўзининг бузилган номулкий ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқбузардан зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг эрки ва хулқ-атвори ҳуқуқ нормасига асосланади. Яъни тадбиркор фуқароларнинг хулқ-атвор қоидалари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Ўз навбатида ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига бевосита таъсир кўрсатади. Давлатнинг

бундай таъсири орқали ҳуқуқий давлатнинг муҳим функцияси ҳисобланган қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот таъминланади.

Аммо бундан ҳуқуқий муносабат унинг иштирокчиларининг эрки ва хоҳиши асосида вужудга келади деган хулоса чиқармаслик керак.

Давлат томонидан белгиланган нормалар ҳуқуқий муносабат субъектларининг хулқ-атворини белгилаб, уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида ўз манфаатлари учун эркин ҳаракат қилишни ва хулқ-атворини белгилаб олади.

Алоҳида турдаги ҳуқуқий муносабатларнинг фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва услуги асосида белгиланади. Масалан, Фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ ва мулкӣ тусда бўлмаган, муносабатларни тартибга солиш билан оила, жиноят, маъмурий ҳуқуқий муносабатдан фарқ қилиб, ўзига хос ҳолда намоён бўлади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари эса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардан иборатдир.

Пазарий жиҳатдан бу ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари бошқача айтганда, тадбиркорлик мажбурияти фанининг энг муҳим долзарб мўаммоларидан ҳисобланади. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари институтидан бир мўнча фарқ қилган ҳолда тадбиркорлик мажбурияти ва унинг бир тури хўжалик шартномаси кўринишида талқин қилинади.

Тадбиркорлик мажбурияти — ўз ичига тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларни қамраб олади. Тадбиркорлик мажбурияти тадбиркорлик ҳуқуқий категорияси бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик мажбурияти тадбиркорлик ҳуқуқи ва қонунчиликнинг предмети ташкил қиладиган хўжалик муносабатларининг ҳуқуқий шакли мазмунини ифодалайди. Тадбиркорлик муносабатлари тадбиркорлик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Тадбиркорлик муносабатлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келади.

Тадбиркорлик муносабатлари — бозор иқтисодининг ҳар қил доирасида фойдаланилади. Хўжалик муносабатларининг мўмунӣ белгилари қуйидагилардан иборат.

а) тарафлар бўлиб тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари қатнашади;

б) мазмунини-тадбиркорлик ҳуқуқи ва бурчлари ташкил қилади.

в) объект тадбиркорлик соҳасидаги муайян ҳаракат ҳисобланади.

Кўрсатилган белгилар уни тадбиркорликнинг нисбий ҳуқуқий муносабатлари сифатида тавсифлайди.

Унинг белгилари таваккалчилик, ташаббус кўрсатиш ва даромад (фойда) олишга асосланишда намоён бўлади.

Тадбиркорлик муносабатларининг объекти — иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг умумий тушунчаси — моддий бойликларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятдир.

Хўжалик муносабатларининг туркумланиши — объектлар бўйича қуйидагича тавсифланади:

1) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар;

2) тадбиркорлик устидан давлат органлари ва нотижорат ташкилотларининг умумий раҳбарликни амалга ошириши билан боғлиқ муносабатлар;

Хўжалик муносабатларини субъектлар бўйича туркумлаш қуйидагича тавсифланади:

1) тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар;

2) тадбиркорлик субъектлари бўлинмаларининг ички муносабатлари.

Тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш услубига кўра қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

— мажбурий ёзишмалар услуби;

— мустақил ҳал қилиш ва ўзаро келишув;

— тавсия услуби.

Бундай турдаги тадбиркорлик муносабатларини туркумлашнинг биринчиси *иқтисодиётга давлат раҳбарлигининг умумий услуби ҳисобланади*. Аммо, сўнгги икки услуб мустақил ҳал қилиш, ўзаро келишув ва тавсия услуби бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга;

3) хўжалик фаолиятининг асоси сифатида шартномавий услуби мавқеи янада ошмоқда.

Тадбиркорлик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг вужудга келиш асоси *юримдик фактлардир*. Тадбиркорлик ҳуқуқи

нормалари билан энг аввало, фаолият тартибга солинади. Шу сабабли тадбиркорлик ҳуқуқий муносабати иштирокчиларининг ҳаракати ҳуқуқни вужудга келтирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Ҳодисалар эса аксарият ҳолларда *ҳуқуқни ўзгартирувчи ёки ҳуқуқни бекор қилувчи ҳолат* ҳисобланади. Ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳодисалар мулк суғуртаси ва тадбиркорлик таваккалчилиги муносабатларида юзага келиши мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳаракатлари (ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи, бекор қилувчи) ўз навбатида қонуний ва ҳуқуқга хилоф турларга бўлинади. Масалан, давлат органининг ўз ваколатидан четга чиқиб кўрсатма бериши ҳуқуққа хилоф ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий (қонуний) ҳаракатлар ёзишмалар — ҳужжатлар, келишув ҳужжатлари (шартномалар), рухсат берувчи ҳужжатлар ва бир томонлама тусдаги ҳужжатларга *масалан*, монополистнинг фаолиятини чекловчи органлар ёзишмалари, шекличисига — *келишув ҳужжатларига ташкилотларнинг тадбиркорлик шартномалари* киради. Бир томонлама ҳужжатлари ва натижасида ҳужжалик судлари даъво муддатини қўллайди.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиши асоси фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги юридик факт тушунчаси билан узвий боғлиқ. *Юридик фактлар деб, фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг вужудга келиши, вазирини ва бекор бўлишига қаратилган ҳаракатлар* тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 8-моддасида Фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларининг вужудга келиши асослари ўз ифодасини топиб, шулардан айримлари асосида ҳужжалик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг вужудга келиши асоси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Кодексда кўрсатилганидек, фуқаролик ҳуқуқи ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролик ҳамда юридик шахсларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, вазирини фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва маъмунига кўра фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларини шунингдек чиқарадиган ҳаракатлардан вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқи ва бурчлари қуйидагилардан вужудга келиши

1. Қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек, гарчи қонунда назарда тутилган бўлмасда, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан.

2. Давлат органларининг қонунда хўжалик ҳуқуқи ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган ҳужжатлар (давлат буюртмаси, қурилишнинг титул рўйхатлари ва бошқа ҳужжатлар).

3. Хўжалик судининг Фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларини белгилаган қарорлари.

4. Қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида.

Тадбиркорлик шартномаси (юридик факт сифатида) хўжалик муносабатлари қатнашчиларининг хўжалик ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилаш ва бекор қилишга қаратилган келишувидир.

Тадбиркорлик шартномаси аъъанавий жиҳатдан фақат товар — пул тусдаги муносабатларда бевосита Фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқдир. Бу ҳақда дарсликнинг бошқа бобларида батафсил фикр юритилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик муносабатларини янги шароитда, ўзига хос ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини оширишнинг таъминланиши, улар иштирокчиларининг тадбиркорлик фаолиятида фаол иштирок этиши имкониятини яратишда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва услуби нуқтаи назаридан илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

И БОБ | Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

1- §. Фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати ҳақида умумий тушунча

Тадабиркорлик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлган фуқаролар (жисмоний шахслар) тадабиркорлик ҳуқуқининг субъектларидан ҳисобланади. Тадабиркорлик фаолияти субъектларидан бири сифатида белгиланган тартибда бундай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган (жисмоний шахс) фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати моҳияти ва мазмунини тушуниб олиш муҳим аҳамият касб этади. Фуқаронинг тадабиркорлик ҳуқуқи субъекти эканлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб бундай мақомни олгандан сўнг уларнинг тадабиркорлик ҳуқуқи субъекти вужудга келади. Тадабиркорлик ҳуқуқи субъекти бевосита фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу сабабли тадабиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақомини ёритиб бериш мақсадида фуқаролар ҳуқуқ лаёқати ҳақида умумий тушунчадан воқиф бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақидаги умумий тушунчадан кўрадор бўлиш тадабиркорлик ҳуқуқ субъекти ўзига хослигини тушуниб олишга ҳам ёрдам беради. Фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларда қатнашишининг умумий ҳуқуқий шароитларидан бирини уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга булишлари ташкил этади. Ҳуқуқ лаёқати — фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати демакдир.

Ҳуқуқ лаёқати — барча ҳуқуқларнинг бир бутун йиғинини эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзини амалга олишининг ҳуқуқий асосидан иборатдир.

Бозор муносабатлари шароитида тадабиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати мазмунан бойитилмоқда¹. Тадабиркор фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида таърифласини тошган.

Тадабиркорлик субъектларининг ҳуқуқий лаёқатини белгиловчи аниқликка, Фуқаролик Кодексининг аҳамияти беқийёсдир.

¹ Ҳ. Раҳмонқулов. Тадабиркорликнинг мулкӣ ва ҳуқуқий ҳолати тартибидан. // Ҳужалик ва ҳуқуқ, 2000. 11- сон. 16- б. ва б.

Маълумки, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

Тадбиркор субъект сифатида қатнашадиган муносабатлар ўзининг моҳиятига кўра, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларидан иборатдир. Бу ҳуқуқий муносабат бевосита даромад (фойда) олишга қаратилган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида ташаббускор фаолият туфайли вужудга келади¹.

Фуқаролик Кодексининг **16- моддасига** асосан, *фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мазмуни уларнинг ҳуқуқ лаёқати асосида очиб берилади².

Фуқаролик Кодексининг **17- моддасига** биноан барча фуқароларнинг Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаролар ҳуқуқий лаёқатининг ушбу умумий қоидаси тадбиркор фуқарога ҳам бевосита тааллуқли ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг мазмунини ҳуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этади. Фуқаролик Кодексининг **18- моддасига** асосан, фуқаролар: мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон, фермер хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқладиган бошқа интеллек-

¹ Батафсил қаранг. Рахимов М. З. Правовые проблемы достижения конечного результата предпринимательской деятельности // Автореф. дисс. на соис. уч. степ. д.ю.н. Душанба. 2000. 18- б.

² Брагинский М., РФ // Хозяйство и право, 1995. № 2-, 3- б.; Григоренко С., Проблемы гражданского правового статуса индивидуального предпринимателя // Хозяйство и право 1999, № 5—10- б.

туал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин. Фуқаролар бошқа мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролик Кодексида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни кенгайтирилди. Ўтмишда фуқароларнинг ёлланма меҳнатга жалб қилишларига, деҳқон, фермер хужалиklarини ва бошқа юридик шахсларни ташкил қилишларига йўл қуйилмас эди. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати фақат истеъмол лусдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат бўлиб қолмай, балки тадбиркорлик ишлаб чиқариши билан боғлиқ фаолияти турларини мустақил амалга оширишининг доираси ҳам кенгаймоқда. Бу қоидаларнинг қонун хужжатларида белгиланиши Ўзбекистон ҳуқуқи учун муҳим янгилик бўлиб ҳисобланади.

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шарти ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган хужжати ҳақиқий амалиётга сабаб бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа оғинимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, бундай битимларга қонун томонидан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳуқуқ лаёқатидан ҳамма фуқаролар тенг фойдалана-шади. Ҳар бир фуқаронинг муайян субъектив ҳуқуқи ҳажми бошиқ фуқаронинг ҳуқуқи миқдорига тенгдир, аммо муайян шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имконияти таррақаси ва ундан фойдаланиши турличадир. ҳуқуқ лаёқати мазмунининг таркибий қисми бўлган мулк ҳуқуқида мулкка эга бўлишнинг умумий имконияти, яъни ҳар қандай мулкӣ муносибагларда объект сифатида, хоҳ уй, дача, кийим ёки бунда буюм бўлиши уларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятини яратади. Шу билан биргаликда ҳуқуқ лаёқати гарчи тенг даражада эътироф этилсада, муамло ва вифаси юзасидан айрим фуқароларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади¹. Бундай тақиқлаш

¹ Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш боғлиқанган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Багафсия қаранг. Котин В. Ответственность за незаконное предпринимательство. // Законность, 1995 №4. 15- б.; Шишко Н. В. Частная предпринимательская деятельность (уголовно-правовые проблемы) Автореф. дисс. к.ю.н. Свердловск. 1987. 10- б.

фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиб фуқаронинг ҳуқуқий лаёқатини чеклашнинг умумий тартиби маъносида тушунилмаслиги лозим.

Суд томонидан фуқаронинг ўлган деб топилиши ҳам унинг ҳуқуқ лаёқатини тугашидан дарак беради. Суднинг фуқаро вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган куни деб ҳисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилишчун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган куни деб топиши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.

Бундан ташқари, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига асосан Фуқаролик Кодексининг **1170- моддаси**да кўрсатилганидек, жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш суд қайси мамлакатники бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқига бўйсунди.

Қонунда муомала лаёқати фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан Фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун Фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати тушунилади. Муомала лаёқатининг муҳим элементи мустақил битим тузиш қобилияти ва мустақил мулкий жавобгар бўлиш имконияти ҳисобланади¹. Фуқаролик Кодексига асосан фуқаронинг муомала лаёқатининг вужудга келиш вақти белгилангандир. Ҳуқуқий жиҳатдан фуқаронинг туғилган вақти аҳамиятли бўлиб, бола шу даврдан бошлаб Фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Қонун нормаларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ҳали туғилмаган бола меросхўр бўлиши мумкин. Мерос қолдирувчининг ҳаётлигида ҳомила боласи ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмасада, Фуқаролик ҳуқуқий лаёқати жиҳатдан ҳуқуқдан фойдаланишга ҳақли бўлади. Қонун бўлажак меросхўрнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

¹ Шапакидзе И. Д. Правовые проблемы, дееспособности граждан в советском гражданском праве // Автореф. дисс. к.ю.н. Тбилиси. 1986.

қилишни назарда тутади. Бинобарин, ҳали туғилмаган бола мулкка ёки меросга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас¹.

Фуқаронинг вафот этиш фактини аниқлаш турли хил тиббиёт ва ҳуқуқий масалалар билан боғлиқ. Тиббиётда ўлим (факти клиник ўлим (муайян инсон органининг юрак, буйрак, бош мия фаолиятининг тўхташи, аммо организмнинг яшаш қобилиятини тиклаш имконияти бўлади), биологик ўлим (инсон организмда қайтарилмайдиган жараён бошланади) сифатида фарқ қилинади. Фуқаролик қонунчилигига кўра, ҳуқуқ лаёқати тугашининг вақти биологик ўлим, яъни инсоннинг ҳаётга қайтмаслиги факти билан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаронинг тўлиқ муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Фуқаролик Кодексда белгиланганидек, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган ҳолда ҳам тўла сақланиб қолади.

Фуқаро тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, яъни у яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир².

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб белгиленмаса, Фуқаролик Кодексининг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан Фуқаролик Кодексининг 24- моддасининг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро

¹ Мананикова Р.П. Правовой статус членов семьи по советскому законодательству (цивилистический аспект) Автореф. дисс. юр. н. М. 1990. 13- б.

Полонский Ю. Д. Предприниматель без образования юридического лица. М.: Изд-во «Ось» — 89.1996; Лапач В., Новикова Г., Государственная регистрация предпринимательства: принципы и законодательное регулирование // Российская юстиция. 1994 й., 8- сон. 13-15 б; Ниязов М. Яқка тартибдаги тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. 8- сон. 30- б.

тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга Фуқаролик Кодексининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“¹ги Қонуннинг 4- моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган *юридик ва жисмоний шахслар* бўлиб ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг 2000 йил 28 апрелдаги Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисидаги 2- сонли қарорига кўра, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидир. Тадбиркор-юридик шахсни ташкил этган ҳолда — ташкил этмасдан ҳам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шуғулланувчи жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор)².

Тадбиркорлик муносабатларида нафақат якка тадбиркорнинг ҳуқуқ лаёқати, балки шахслар гуруҳининг ҳўжалик юритувчи субъект сифатида ҳуқуқий ҳолатини таҳлил этиш илмий ва амалий аҳамиятта эгадир. Шахслар гуруҳи — шахслар йиғиндиси, уларга тадбиқан қуйидаги бир ёки бир нечта шартлар бажарилади³.

¹ „Халқ сўзи“ — 2000 йил 15 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорларининг тушлари. Нукус, «Билим» нашриёти. 2000 йил, 237- б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси — 1997 — 2- сон, 54- модда.

Битим ёки келишиб олинган ҳаракатлар натижасида, шу жумладан олди-сотди, мол-мулкни ишончли бошқариш, биргаликдаги фаолият, топшириқ, ижара шартномалари асосида ёки бошқа битимлар асосида лаёқатини ёки овозлар сонини бевосита ёки билвосита биргаликда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки бир неча шахслардир. Бунда юридик шахснинг овозларини билвосита тасарруф этиш деганда, бу овозларни учинчи шахслар орқали амалда тасарруф этиш имконияти тушунилади, биринчи шахс учинчи шахсларга нисбатан юқорида санаб ўтилган ваколатга эга бўлади.

Икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасида шартнома тузилиб, унга кўра шартнома қатнашчиларидан бир ёки бир қанчасининг ёхуд бошқа шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини белгилаш ёки улар бошқарув органи вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Шахслар гуруҳини ягона хўжалик юритувчи субъект деб, эътироф этиш мумкин.

Фуқаролик Кодексининг **26- моддасига** кўра якка тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин.

Якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русумларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўлган кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Маъқур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тадбиркорни *банкрот* деб топиш расм-русумлари тўлиқ бўлганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Якка тадбиркор *банкрот* деб топилган тақдирда, кредиторларнинг талаблари Фуқаролик Кодекснинг 56-моддасида на зарда тутилган тартибда қондирилади.

Сўд томонидан якка тадбиркорни банкрот деб топишнинг ёки якка тадбиркор ўзини *банкрот* деб эълон қилишнинг асослари ва тартиби қонун билан белгиланади.

Якка тадбиркорни *банкрот* деб топишнинг тартиби ва асослари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг талабларини навбати билан қондириш мўҳим урин тутади. Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида ижорат ташкилотлари фаолиятига кирадиган Фуқаролик Кодекси қоидалари татбиқ этилади.

2- §. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти сифатида корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати

Тадабиркорлик ҳуқуқи субъектлари таркибида корхоналар алоҳида ўринни эгаллайди. Улар мулкчиликнинг турли хил шаклларида ташкил қилиниб, фаолиятини юритиши мумкин.

Тадабиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадабиркорлик субъекти тижоратчи ташкилотларни ташкил этади.

Корхоналарни ташкил этиш уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг **Фуқаролик Кодекси**¹, „**Тадабиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“²ги², „**Ижара тўғрисида**“³ги³, „**Чет эл инвестициялари тўғрисида**“⁴ги⁴, „**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**“⁵ги⁵, „**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**“⁶ги⁶, „**Фермер хўжалиги тўғрисида**“⁷ги⁷, „**Деҳқон хўжалиги тўғрисида**“⁸ги⁸ қонунлар билан тартибга солинади.

Корхонанинг қуйидаги белгилари бор: *биринчидан*, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи асосида ўз ходимларининг кучи билан ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини амалга оширади; *иккинчидан*, мустақил режа асосида талаб ва таклифни эътиборга олиб ҳамда давлат эҳтиёжлари учун (маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича фаолият юритади; *учинчидан*, ўз мулкидан хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Т.: „Адолат“. 1996 й.

² „Халқ сўзи“, 2000 йил, 15- июнь.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 йил. 1- сон, 45- модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил. 5—6-сонлар, 91- модда.

⁵ Ўша жой 5—6-сонлари. 61- модда.

⁶ Ўша жойда. 84 - модда.

⁷ Ўша жойда. 86 - модда.

⁸ Ўша жойда. 88- модда.

алоҳида мол-мулкка эга бўлади; *тўртинчидан*, ҳуқуқий муносабатларда мустақил субъект сифатида қатнашади ва юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланади¹.

Корхона тушунчаси қонун ҳужжатларида икки хил маънода тушунилади. Биринчи ҳолатда корхонанинг ҳуқуқ субъекти, иккинчи маънода эса, ҳуқуқ объекти деб тушунилади. Фуқаролик Кодексида корхона икки хил маънода ифода қилинган. Бизга маълумки, 1963 йилги Фуқаролик Кодексида корхона фақат ҳуқуқ субъекти маъносида гушунилар эди. Эндиликда эса корхона ҳуқуқ объекти сифатида моддий неъматлар таркибида ўзига хос ҳуқуқий мақомига эга. Юридик адабиётларда корхона ҳуқуқ объекти сифатида лозим даражада ўрганилмаган. Чунончи, корхонани ҳуқуқ объекти деб ифодалаш юридик адабиётларда мунозарали масалалардан бири бўлиб келган эди². В.В.Лантев фикрича, „социалистик“ корхонанинг моҳиятини меҳнат жамоаси деб ифодалаб, уни фақат ҳуқуқ субъекти сифатида куриб чиқиш мумкин³. Сўнгги йилларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан корхонанинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги тушунчаси ва моҳиятига катта эътибор берилмоқда⁴. Фуқа-

¹ Багафсил қаранг: Суханов Е.А. Система юридических лиц // Государство и право, 1981, №11. — 42—50 б; Караходжаева Д. О юридических лицах и их имущественных правомочиях // Давлат ва ҳуқуқ — 2000 — № 1 — 34 б; Асьянов Ш. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати // Хўжалик ва ҳуқуқ — 2000, 10—11 сон; Тураев А. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати — 1999 — 5 сон, 37- б.

² Якушев В. С. Юридическая личность государственного производственного предприятия. Свердловск. 1973. Ермошин Г. Н. Закон о государственном предприятии трудовой коллектив, администрация, работник, М. Московский рабочий. 1989.

³ Лантев В. В. Экономика и право. М. 1981, 70 б.

⁴ Толъев К. Ю. Предприятие и его организационно-правовые формы // Государство и право. 1994, №10. 60-67 б; Зинченко С, Шапч В., Газарьян С. Парадоксы правосубъектности предприятий // Хўжалик ва право, 1995 №1. 73 б; Медведев Д.А. Проблемы реализации гражданской правосубъектности государственного предприятия. Автореф. дисс... к.ю.н. Л.: 1990; Лаптев В.В. Предпринимательское право: понятие и субъекты. М. Юристъ, 1997; Ницев Э.Г. Правовые проблемы предпринимательства в России. Цивилистический аспект. М.: Проспект, 1999; Бекмуродов Г. Ўзбекистон Республикасида жамоа тадбиркорлиги асосидаги таъмои корхоналари // Хўжалик ва ҳуқуқ, — 2000, — № 4—31б.

ролик қонунчилигида рўй берган энг муҳим янгиликлардан бири корхонанинг мулк ҳуқуқи объекти сифатида ифода қилинганлиги ҳисобланади.

Корхоналар ҳуқуқий лаёқатининг моҳиятини очишда уларнинг мулк ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларини очиб бериш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир.

Бутун корхона мулкый комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг кенг ривожлантирилиши натижасида хусусий секторда кичик корхоналарнинг салмоғи яна орта бошлайди. Натижада, тадбиркорлар ўзларига тегишли бўлган корхоналарга нисбатан нафақат мулк ҳуқуқи субъекти сифатида балки мулк ҳуқуқи объекти кўринишида ваколатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Корхона мулк сифатида Фуқаролик муомаласида шартнома муносабатларининг предмети бўлиб ҳисобланиши мумкин. Қонунга кўра, бутун корхона ёки унинг бир қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ўзларининг корхоналарини бошқа бировга сотиш, гаровга қўйиш, ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун бериши мумкин. Шунингдек, мол-мулкни идора қилувчи субъектга ишончли бошқариш ҳуқуқини берувчи шартнома асосида мулкни бошқариш ваколатини бериш мумкин. Бу ерда мулкни бошқариш деганда, муайян корхонанинг мулкдори эмас, балки у бошқариш ҳуқуқини олган тадбиркорлик субъекти назарда тутилади.

Мулкый комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек, корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бутун ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса киради.

Уй-жой кўчмас мулк объекти сифатида хусусий корхона манзилгоҳи бўлиб ҳисобланиши мумкин. Уй-жой соҳасидаги

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган „**Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида**“ги Қонун асосида белгиланади¹. Ушбу қонуннинг 9-моддасига кўра, уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк, хусусий мулк, давлат мулки, шунингдек жамоат ташкилотларининг мулки бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат уй-жой мулки ҳуқуқининг субъектларидир.

Уй-жой мулки ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, шахснинг ўзига тегишли уй-жой биносига ўз хоҳиши ва манфаатларига қараб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф қилишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Уй-жой биноларининг куринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга бошқарув органларининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк ёки унинг бир қисминини хусусий мулклиги миқдори, ўлчам ва қиймат жиҳатидан чекланмайди ва у маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатта олинishi лозим.

Корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ва у (улар) вакил билан идора, корхона ташкилот қарорига ёки меҳнат жамоасининг қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гурӯҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда барпо этилиши мумкин. Корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир неча таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулк эгасининг (у вакил қилган идора, корхона ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўзинимасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, тузилиши мумкин.

Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ташкилот билан ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқини олади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-алоқаси. 1997й. 2-сон. 50-модда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 41-моддасига асосан юридик шахс узининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ Фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади.

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, улар жойлашган ердаги маҳаллий ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“¹ги¹ Қонуни 11- моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳуқуқий ифодасини топган. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган, ваз билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик

¹ „Халқ сўзи“. 2000 й. 15- июн.

устидан судга шикоят қилиш мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлиги ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар ва маънавий зарар учун товон тўлайдилар.

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси бу корхонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор, устав ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган рўйхат бўйича ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхона устав асосида иш олиб боради¹. Уставни корхонани таъсис этувчи (таъсис этувчилар) тасдиқлайди. Корхона уставида корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, фаолият тури ва мақсадлари, унинг бошқарув ва нazorат органлари, уларнинг ваколати, корхона мол-мулкни ташкил этиш ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари қўйилади.

Уставда корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Корхона мулкдори (мулкдорлари) ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Мулкдор (мулкдорлар) ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишига ҳақли. Улар мол-мулкдан қонунда тақиқлаб қўйилмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятини ёки ўзга фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин.

Корхона ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув тузилиши, шакли ва услубларини мустақил танлайди, штатларни белгилайди. Мулкдор ёки хўжаликни қўла юритиш ҳуқуқи субъекти корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. У ваколат берган

¹ Таъсис ҳужжатларининг ҳуқуқий табиатига батафсил қаранг.

Садыков О. Н. Учредительный договор и его правовые особенности // Государство и право. 1994 й. 10- сон, 87—95- б.

идоралар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгаши (идорасига) ё бўлмаса корхона уставда кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини идора этадиган бошқа идорага топширилиши мумкин. Корхона раҳбарларини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўшатиш корхона мулки эгасининг ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқини улар бевосита, шунингдек, ўзлари вакил қилган идоралар орқали ёки корxonани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширадилар.

Корхона раҳбари лавозимига ёллаш (тайинлаш, сайлаш) чоғида номзод шахс билан битим (шартнома, келишув) тузилади, унда корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти, унинг моддий таъминоти ҳамда эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган кафолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

Корхона раҳбарлари корхона фаолияти билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қилади, меҳнат жамоаси ва корхона кенгаши умумий йиғилиши (конференцияси)нинг мутлақ ваколатига топширилган масалалар бундан мустасно. Корхона номидан ишонч қоғозисиз иш олиб боради, мамлакатдаги ва чет элдаги барча корхоналарда, фирмалар ва ташкилотларда шу корхона манфаатларини ҳимоя қилади, корхона мол-мулкани тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа рақамлар очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, дирекциянинг ижроия девони штатларини тасдиқлайди, корxonанинг барча ходимлари учун мажбурий буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Корхона раҳбари ўз ўринбосарларини, бошқарув девони раҳбариятини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини мустақил тайинлайди ва ишдан озод қилади. Корхона раҳбари, ўринбосарлари, бошқарув девони ва таркибий бўлинма раҳбарлари муайян доирадаги мажбуриятларга эга бўлиб, тегишли иш участкаларига раҳбарлик қилади ва унинг учун жавобгар ҳисобланади.

Хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида корxonанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари шартнома негизида қурилади. Корхоналар

нима ҳақда шартнома тузишни танлашда, мажбуриятларни, ўзаро ҳўжалик муносабатларининг қонунларга зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини аниқлашда эркиндир¹.

Корхона ўз маҳсулоти ва мол-мулкини башарти, қонунларга зид бўлмаса, ўз хоҳишига кўра сотади, шунинг билан бирга хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланади. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бошқариш, хизмат кўрсатишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши шарт. Истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилган „**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**“²ги² Қонунининг аҳамияти каттадир. Ушбу қонуннинг 8- моддасига асосан, истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш хизмат)ни эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Корхона бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариши тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини

¹ Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномалар ҳуқуқий табиати қаранг: Андреев В. Договоры в предпринимательской деятельности // Российская юстиция, 1995, 4-сон, 9- б.; Рўзиёқаров Ш.Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома муносабатлари // Хўжалик ва ҳуқуқ — 1999, 5-сон. 24- б.; Рўзиёв Р. Хўжалик шартномаси тушунчаси ва мазмуни // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 4-сон, 15- б; Ниязов М., Хўжалик шартномасининг ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг аҳамияти // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й, 4-сон, 27- б; Рўзиёв Р. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуннинг моҳияти ва аҳамияти // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 2-сон, 22- б; Рўзиёв Р. Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни тартибга солиш масалалари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й, 8-сон. 11- б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1996 й 5- б- сонлар. 59- модда.

назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришнинг таъминотини мустақил амалга оширади. Бозорга ўтиш даврида давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулот етказиб бераётган корхоналарни давлат шу ишларни бажариш ва маҳсулотни етказиб бериш учун моддий-техника ресурслари билан таъминлайди. Корхона ўз маҳсулотини, ишларини, хизматларини, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланган нархлар ва тарифларда сотади. Фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек бошқа тушумлар корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

Корхона тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида мустақил тарзда банклар билан ҳисоб-китоб ишларини юритади. Корхонанинг банк билан ҳисоб-китоб муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган „**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**“¹ қонуни билан тартибга солинади.

Корхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа корхоналарнинг кредитларидан фойдаланади. Корхона пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун корхона рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда, бошқа жойдаги банкда эса банкнинг розилиги билан ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамларини очишга ҳақлидир.

Корхона кредит шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этишлик учун тўла жавобгардир. Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармайдиган корхона банк томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай корхоналарга таъсир ўтказиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1996 й. 5—6- сонлар, 54 - модда.

² Қулматов М. Кредит муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари - Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000 й. 7- сон, 41- б; Анортоев И., Мадрахимов А. Банк муасасаларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштироки // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000 й. 10- сон, 31- б.

Давлат корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритишнинг тенг ҳуқуқли ва иқтисодий шартларини таъминлайди. Давлат бозорни ривожлантиришга кўмаклашади, монополияга қарши тадбирларни амалга оширади, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлайди.

Рақобатнинг обрўсини оширишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, ишлаб чиқариш ваколатини белгилаш, сотиш ва таъминот бозорларини бўлиб олиш, эркин рақобатни чеклаш мақсадида корхоналар ўртасида монопол нарх-навони ушлаб туриш ҳақидаги ҳар қандай тил бириктиришларга йўл қўйилмайди. Акс ҳолда корхона монополияга қарши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Давлат қонун асосида, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва молия органилари орқали рақобат қилиш эркинлигини таъминлайди, иш тартиб-таъминотининг, уларнинг ҳуқуқлари камситилишидан, хўжалик фаолиятининг ҳар қандай соҳаси монополизм шартларидан муҳофаза қилади. Корхона хўжалик фаолиятига кираётган буюмлар фирма белгиси ёки буюмнинг рамзини, буюмни таърифлайдиган бошқа маълумотларни бермаган ҳолда маркировка қилиниши шарт. Ўзга фирма билан тенг белгиларини, шунингдек, бир ишлаб чиқарувчининг буюмларини иккинчи бир ишлаб чиқарувчиларнинг буюмлари билан чалкаштириб юборишга (ўхшатишга) имкон бермайдиган ҳар қандай маълумотларни ўзлаштириб олишга йўл қўйилмайди. Бу масалаларда чиққан низолар суд тартибда ҳал қилинади¹. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 11-сентябрда қабул қилинган „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**“²ги қонунга асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таъминотининг тартибда текширишга йўл қўйилади. Хусусан,

¹ Гўлнатаров Ш. Н. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари // Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. 2000 й. 61-63-бет. Отахонов Ф. Сельские предприниматели должны уметь защищаться // Сельское хозяйство Узбекистана. 1995 й. 5-сон, 10-11-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999 й. 1-сон. 8-модда; «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартирилган ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бекор қилиниши ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2000 йил 1-сентябрда қабул қилинган Қонуни // „Халқ сўзи“. 2001 й. 9-январ.

ушбу қонуннинг 9- моддасига кўра назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиш учун ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганида кўйидагилар асос бўлади. *Биринчидан*, махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма; *иккинчидан*, назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органни режадан ташқари текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган қарорлари шулар жумласидандир.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноят иши мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувчи тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла миқдорда тўловчи ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилувчи аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2000 йил 28 апрелдаги „Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни кўллаш суд амалиёти тўғрисида“ги 2- сонли Қарорига асосан, судлар агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва фақат муайян камчиликни

бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларнигина кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралashiш ёки чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Судлар назарда тутишлари лозимки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус маколатли орган қарорига асосланганда ўтказилади¹.

Корхонанинг ҳуқуқий ҳолатини ёритишда энг муҳим масалалардан бири — уни тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайта тузиш) ҳисобланади². Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга маколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади³.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида“ги Қонунига асосан олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмагани тақдирда корхона тугатилади ва солиқ органларининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан хўжалик юрисиш субъектлар реестридан чиқарилади⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси. Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми Қарорларининг тўплами. Нукус, «Билим» нашриёти, 2000 й, 236- б.

² Витрянский В. Реорганизация и ликвидация юридических лиц: работа об интересах кредиторов // Закон. 1995 й. 3- сон. 98- б. Суванов Е. Реорганизация акционерных обществ и других юридических лиц // Хозяйство и право, 1996 й, 1- сон. 14- б; Амударфина Ю. А. Пять вариантов реорганизации // Экономика и право. 1996 й, 3- сон, январь. 38- б; Брагинский М. М. Выделение юридического лица // Право и экономика, 1997 йил. 23- сон, 24- б. Шукруллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта тузиш ва унинг ҳуқуқий асослари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 6- сон. 46- б.

³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қаранг: Эрназаров У., Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишнинг ўзига хос ҳуқуқий асослари // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й. 10- сон, 29- б.

⁴ „Халқ сўзи“. 1997 йил. 11 феврал.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 53-моддаси 2- қисмига кўра фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган, ёхуд олти ой мобайнида (савдо-воситачилик корхонаси эса уч ой мобайнида) банк ҳисоб варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширмаган, (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек, ушбу кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг **54-моддасига** кўра, юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар беришлари керак, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахс тугатиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона реестрига киритиб қўяди.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини (тугатувчини) тайинлайдиган ҳамда ушбу кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайдиган тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси **48-моддаси** тўртинчи қисмига кўра агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Муассис (иштирокчи) ёки юридик шахс мол-мулкнинг мулкдори шу юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тақдирдагина мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга.

Юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) ёки мулкдор юридик шахснинг муайян ҳаракатини амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатини амалга оширишини кўзлаб фойдаланиб қолгандагина юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) улар томонидан келтирилган деб ҳисобланади.

Банкротликка учраган корхоналарни тугатиш тартиби ва хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган „**Банкротлик тўғрисида**“ги (янги таҳрирдаги) Қонуни билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 2-моддасига кўра банкротлик (иктисодий ночорлик) дейилганда хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредитор талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Хўжалик суди амалиётида банкротликка учраган корхоналарга нисбатан ушбу қонун нормаларини қўллашнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 16 июлда қабул қилинган **Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг „Банкротлик тўғрисида“ги Қонунни** (янги таҳрирда) қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги 78- сонли қарорининг 23- бандига кўра, лар юридик шахсни тугатиш ҳақидаги хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга ваколати бўлган мазкур шахс суд органнинг таъсисчиларга тугатишни амалга ошириш бўйича мажбурият юкланиб (ФКнинг 54- моддаси, 3- қисми), бироқ юридик шахсни тугатиш амалга оширилмаса, бундай қарздорга нисбатан ФКнинг 57- моддасида назарда тутилган асослар бўйича „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонунда кўзда тутилган тартибда банкротлик бўйича иш юритиш

кўзгатилади. Агар „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонунинг 130-моддасида кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, (қонуннинг Х боби, 2- параграфи банкротликнинг соддалаштирилган тартибдаги процедурасини қўллаш мумкин.

Ҳужалик судининг юқорида кўрсатилган қарорини ижро қилиш ҳолларида тугатиш комиссияси тузилса ва ташкилотни тугатиш амалга оширилгунга қадар, қарздор мол-мулкининг нархи қарздорлар талабларини қаноатлантириш учун етарли эмаслиги аниқланса, бундай қарздорга нисбатан банкротлик ишини кўзгатишга „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонуннинг Х боби 1-параграфида кўзда тутилган тартибдаги тугатилаётган қарздорнинг банкротлиги процедураси қўлланилади.

Банкротлик фақат ҳужалик суди томонидан эътироф этилгандан ёки ҳужалик юритиш субъекти ихтиёрий равишда тугатилаётганда унинг ўзи банкрот бўлганлиги расман эълон қилингандан кейин ҳужалик юритиш субъекти банкрот бўлган ҳисобланади¹.

Корхонани тугатиш *биринчидан*, тамомила корхона фаолиятини тўхтатиш асосида *иккинчидан*, қайта ташкил этиш йўли орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолатда, корхонани тугатиш якуний тусга эга бўлса, сўнгисида эса қайта ташкил қилинаётган корхона ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки унинг қисми янги ҳуқуқ субъектига, яъни универсал ҳуқуқий ворислик юз беради. Корхонани қайта ташкил этиш бир нечта ташкилотни битта янғисига бирлаштириш, бир корхонани иккинчисига қўшиш, бир корхонани бир нечта янги ташкилотларга бўлиб юбориш, корхонанинг таркибидан бошқа корхонани ажратиш ёки қайтадан тузиш, яъни корхонани ташкилий-ҳуқуқий шаклини алмаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

¹ Банкрот деб топиш тартибига батафсил каранг. Лившиц Н. Процедура возбуждения производства по делам о несостоятельности (банкротстве) и ликвидации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей // Хозяйство и право 1995 й. 9- сон, 123- 6; Дўстбобоев А. Ҳужалик юритувчи субъектларни банкротлик (ночорлик) даражасига олиб келганлик учун жавобгарлик // Ҳужалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 9- сон, 8- 6; Холбоев С. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалиётга тадбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар // Ҳужалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 9- сон, 12- 6; Ражапов Р. Банкротлик тушунчаси ва унинг субъектлари // Ҳужалик ва ҳуқуқ. 2000 й. 7- сон, 43- 6; Рахимов Д. Корхоналарни банкрот деб эътироф этишнинг суд амалиёти ҳақида // Ҳужалик ва ҳуқуқ. 2000 й. 1- сон, 32- 6.

Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда, мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиши натижасида вужудга келган корхонага ўтади. Бир корхонанинг бошқа бир корхонага қўшилиши чоғида унинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади.

Корхона бўлиб юборилган тақдирда, қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхоналари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади. Корхонадан битта ёки бир нечта корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайта ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиб юбориш ҳужжати (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг ҳар бирига ўтади. Бир корхонани бошқа корхона қилиб ўзгартириш чоғида аввалги корхонанинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корхонага ўтади.

3-§. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти сифатида корхоналар уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалари ҳамда улар шўъбалари, филиал, ваколатхона ва бўлимларининг ҳуқуқий ҳолати

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти сифатида корхоналар уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалари ҳамда улар филиал ва ваколатхона бўлимларининг ҳуқуқий мақоми ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. А. Каримов** таъкидлаганидек, ўтиш даврида уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа бирлашмаларнинг асосий вазифаси республика халқ хўжалигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аниқ турлари билан таъминлаш, ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, ички ва ташқи бозорлар конъюктурасини ўрганиш, тармоқда бозор муносабатларини ривожлантиришдир. Шунингдек, уларнинг вазифаси давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини нодавлат мулкига айлантириш ишларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантиришни бутун чоралар билан қўллаб-

қувватлашдан иборатдир. Булардан ташқари, хўжалик бирлашмалари ўз муассисларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди, давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларида уларнинг қонуний манфаатларини ифодалайди, тармоқни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Биз қўйи бўғин ташкилотлари ва корхоналарига иқтисодий эркинлик бериш, уларни давлат тазйиқидан озод қилиш билан янгича иш услубига ўтдик. Корхоналар ишлаб чиқаришни мустақил ташкил этиш, ўз маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини олди. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналарнинг хўжалик юритиш шарт-шароитлари тенг бўлиши фақат ҳуқуқий жиҳатдан эмас балки, амалда ҳам таъминланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 77-моддасига асосан, тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкый манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин. Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириши, шунингдек, муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари уларнинг мажбуриятлари бўйича уюшма (иттифоқ) ва ўзга

¹ И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995 й. 84—85-б.

бирлашмаларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидия жавобгар бўлади.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг номи уларнинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга „уюшмаси“ ёки „иттифоқи“ сўзлари ёки бирлашма турини кўрсатадиган бошқа сўз киритилган бўлиши керак¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 10- моддасига асосан, тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида қонунга мувофиқ уюшмалар (иттифоқлар) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаларини тузиш, уларнинг фаолият юритиш, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тадбиркорларнинг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзолиги билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган „Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида“ги² Қонун билан тартибга солинади.

Мазкур қонуннинг 1-моддасига кўра, товар ишлаб чиқарувчилар палатаси тармоқ ҳўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотидир.

Палата Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг ҳўжалик тизимига қўшилишига қўмақчилик, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан

¹ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги 2000 йил 15 декабрдаги Қонун // „Халқ сўзи“ 2001 йил. 9 январ.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. Т. 1997 йил. 4 —5- сонлари, 112 - мода.

савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади.

Палата қуйидаги вазифаларни бажаради:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан бошқа мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайди:

— кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини рўйбга чиқаришда иштирок этади;

— корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистри асосида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг реестрини юритади;

— уч томонлама ҳамкорлик (ёлланма ишчилар иттифоқи, иш берувчилар иттифоқи ва ҳукумат) тизимини вужудга келтиришда, миллий иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб боришда иштирок этади;

— тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини уюштиради;

— тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлайди, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг фаолият юритиш шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади;

— хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этишга қўмаклашади;

— молиявий ёрдамга бўлган эҳтиёжни аниқлашда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва юритишда палата аъзоларига ёрдам беради;

— халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни, Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда фирмаларнинг тақдимотларини уюштиради;

— товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантиришга қўмаклашади, ташқи бозорда операциялар ўтказишда ва иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шакллариини ўзлаштиришда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатади.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Палата ўз вазифаларини бажаришда давлат органлари билан ҳамкорликни ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари асосида олиб боради. Давлат органларининг палата фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тизимини туман (шаҳар) палаталари, ҳудудий палаталар ҳамда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этади. Туман (шаҳар) палатаси, ҳудудий палата Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий палата бўлинишига мос равишда тузилади.

Туман (шаҳар) ҳудудида битта туман (шаҳар) палатаси гузилиши мумкин. Туман (шаҳар) палатаси ушбу тумандаги (шаҳардаги) камида ўн нафар товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорларнинг йиғилишида таъсис этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида, тегишли равишда, битта ҳудудий палата гузилиши мумкин. Ҳудудий палата туман (шаҳар) палаталарини бирлаштиради ва туман (шаҳар) палаталари вакилларининг конференциясида таъсис этилади. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳудудий палаталарни бирлаштиради. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳудудий палаталар вакилларининг қурултойида таъсис этилади. Палатага аъзолик ҳужалик юритувчи субъект ва палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Палатага аъзолик чекка тартибда ва (ёки) бирлашган (жамоа) тарзда бўлиши мумкин. Палата аъзоларини ҳисобга олиш ҳужалик юритувчи субъект жойлашган манзил бўйича юритилади. Палатанинг аъзолари кириш ва аъзолик бадалларини палата уставига белгиланадиган тартибда ва миқдорда тўлайдилар.

Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар учун кириш ва аъзолик бадаллари юридик шахслар учун палата уставига белгиланган бадал миқдорининг кўпи билан эллик фоғигагача белгиланиши мумкин.

Ҳар бир палата ўз уставига эгадир. Туман (шаҳар) палатасининг устави палата аъзоларининг йиғилишида тасдиқланади. Ҳудудий палатанинг устави туман (шаҳар) палаталарининг йиғилишининг конференциясида тасдиқланади. Ўзбекистон

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг устави ҳудудий палаталар вакилларининг қурулгоида тасдиқланади.

Уставда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- палатанинг номи ва манзили;
- палатанинг мақсадлари ва вазифалари;
- палата аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари, тартиби;
- палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- палата раҳбар органларининг ваколати ва уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколати муддати, уларнинг қарорларни қабул қилиш тартиби;
- палата мол-мулки ва маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда бу мол-мулк ва маблағлардан фойдаланиш тартиби;
- палата уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- палата фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Палатанинг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин. Туман (шаҳар), ҳудудий палатанинг устави товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг намунавий устави асосида ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Ҳудудий ва туман (шаҳар) палаталарини рўйхатдан ўтказиш тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Палата қай тартибда ва қайси муддатда рўйхатдан ўтказилган бўлса, уставга киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳам худди шундай тартибда ва муддатда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Палатанинг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари ҳамда палатанинг тузилиши палатанинг уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаб қўйилади.

Палата юридик шахс бўлиб ҳисобланади.

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари

учун патент олишда, товар белгиларини ва товарлар мансуб бўлган жой номларини рўйхатдан ўтказишда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш;

— Ўзбекистон Республикасида ва бошқа давлатларда корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш, шунингдек, чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда аралаш палаталар тузиш;

— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларига дахлдор қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

— газеталар, журналлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини нашр этиш;

— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун фондлар таъсис этиш;

— қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палата ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулкка, шу жумладан бино, иншоотлар, ускуналарга, акцияларга, бошқа қимматли қоғозларга, пулга ва бошқа мол-мулкка, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эга бўлади.

Палата томонидан ташкил қилинадиган корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар ўзларида мавжуд мол-мулкка таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилалар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Палата маблағларининг манбаи қуйидагилардан иборат: аъзолик ва кириш бадаллари; ўз фаолиятидан келадиган даромадлар; корхоналарнинг ажратмалари; бошқа тушумлар.

Палатанинг маблағлари давлат томонидан олиб бўлинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Палатага аъзолик тўхтатилган тақдирда бадаллар қайтаришмайди.

Палата ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Палата аъзолари палатанинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро алоқалар ўрнатади, битимлар тузади.

Туман (шаҳар), ҳудудий палаталарнинг халқаро алоқаларини Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик палатаси мувофиқлаштириб боради.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунининг 44- моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фондлар тузилиши мумкин.

Хорижий давлатларда хўжалик бирлашмалари турли хил номларда аталади¹.

Сўнгги йилларда хорижий давлатларда кенг қўлланилаётган агама бўлиб, „гуруҳ“ ҳисобланади. Гуруҳнинг моҳияти шундан иборатки, бу мустақил ҳуқуқ субъектидан таркиб топган иқтисодий бирлик ёки ташкилот тушунилади. Фарб давлатларида хўжалик ҳаётида „гуруҳ“нинг тарқалиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради, шу жумладан, жамиятга боғлиқ кам сонли акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш; гуруҳга кирувчи жамият кредиторлари ҳуқуқини муҳофаза қилиш, гуруҳ ҳаракатда бўлган ҳудуддаги давлат манфаатларини кўриқлаш, гуруҳ корхоналарида ишлаётган ходимлар кафолатини ишлаб чиқиш муаммолари шулар жумласидандир².

Ҳозирги пайтгача кўпчилик хорижий давлатларда гуруҳ ҳақидаги қонунчиликка эга эмаслар, ёки у энди шаклланиш босқичида турибди. Корхона бирлашмалари ҳуқуқий мақомини белгилаш нафақат хорижий давлатлар қонунчилигида муҳим масала бўлиб қолмай, балки миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришни ҳам талаб этади.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмалари турли хил хўжалик бирлашмаларига бирлашиб фаолият юритишнинг доираси тобора кенгаймоқда. Бундан ташқари,

¹ Чувпило А. А. Хозяйственное право зарубежных стран. — Киев. 1992 й, 48- б.

² Кулагин М.И. Предпринимательство и право: опыт Запада. Изд-во Дело, 1992 й, 49—50- б.

сўнги йилларда улар турли номларда янада кўпаймоқда¹. Хусусан, холдинглар, молия-саноат гуруҳлари шулар жумласидандир. Молия саноат гуруҳлари тадбиркорлик фаолиятининг шартномавий шакли бўлиб ҳисобланади². Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган „**Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги**“³ ги Низом асосида белгиланади. Ихтиёрийлик асосида бирлашма таркибига кирган тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзига хос ҳуқуқий муносабат вужудга келади. ҳуқуқий нуқтаи назардан, мулкчиликнинг турли хил кўринишидаги тадбиркорлик корхоналарнинг **хўжалик бирлашмаларига**, хусусан, *консорциумларга, концерн, иттифоқ, корпорация, ассоциация, холдинг, молия-саноат гуруҳларига* бирлашиш қоидалари бир хилда эмас.

Хўжалик бирлашмалари тизимида холдинглар муҳим урин тутади. Улар фаолияти бозорни қайта ўзгартириш жараёнларини янада ривожлантириш ҳамда корхоналар ва ташкилотларни шунга монанд бошқаришни ва уларнинг фаолият кўрсатишини, республика иқтисодиётининг турли тармоқларида иқтисодий уйғунлаштириш, шунингдек инвестиция фаолиятини ривожлантиришни таъминлашга қаратилгандир. Холдингларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрда қабул қилган „**Холдинглар тўғрисида Низом**“ билан белгиланади. Ушбу Низомнинг 1 бандига кўра, акциялари назорат пакетлари кирадиган очиқ турдаги акциядорлик ширкати холдинг ҳисобланади. Акциядорларнинг назорат

¹ Зимненко В. Халқ корпорацияси // „Халқ сўзи“. 1993 й. 8- апрель.; Абдуллаев., Фармонов Т., Ёқубов Н. Ширкатлар уюшмаси // „Халқ сўзи“. 1994 й. 6 июль; Галеев И., Ақромов Б., Олмурадов Ш. Ижарачилар уюшмаси // „Халқ сўзи“. 1994 й. 14 июль.; Ризаев М., Худайберганов З., Махмудов С., Деҳкон (фермер) ассоциацияси хўжаликлари // „Халқ сўзи“, 1994 й. 15- июль; Қажумов Ф., Чориев Қ., Абдукаримов М., Ҳиссадорлар ассоциацияси // „Халқ сўзи“. 1994 й. 19 июл.

² Гриншова И. В., Иванова Т. М. Предпринимательское право. М. Юриспруденция, 2000 й. 57- б.

³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари туплами. 1994 й. 3- сон. 18- мода.

пакетлари холдинг активларига кирувчи корхона шўъба корхона ҳисобланади. Шўъба корхоналар мустақил юридик шахс ҳисобланади.

Холдинг бошқа холдингнинг шўъба корхонаси бўлиши мумкин. Холдинг активлари биринчидан, қимматли қоғозлар, иккинчидан, муассислар томонидан шартнома асосида берилган шунингдек, холдинг маблағлари ҳисобига сотиб олинган ёки ҳосил қилинган мулклардан, учинчидан, пул маблағлари ва бошқалар ҳисобидан ташкил топади.

Холдинг хорижий сармоя иштирокида ёки тўлиқ унинг асосида, шу жумладан, хорижий корхоналар акциялари назорат пакетларини сотиб олиш йўли билан ташкил этилиши мумкин. Холдинг активлари таркибига шўъба корхоналар акциялари назорат пакетлари билан бир қаторда акцияларнинг паритет пакетлари (қатнашчи иккита бўлган тақдирда 50 фоиз) ва бошқа хўжалик жамиятлари сармо-ясида қатнашиш пакетлари (акцияларнинг назорат пакетлари эмас) кириши мумкин. Холдинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга оширишга, шу жумладан, исталган қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишга ҳақли бўлади.

Шўъба корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради, бош холдингга тегишли бўлган акцияларнинг назорат пакети қиймати ҳам шу жумлага киради. Бош холдинг таъсис шартномасида қайд этилган шартларда шўъба корхонанинг қарзлари бўйича жавоб бериши мумкин. Шўъба корхона ўзининг холдингга тегишли бўлган акциялари пакети миқдоридан катъи назар, бирор-бир шаклда холдинг акцияларига эгалик қилиши мумкин эмас, гаров ва траст (ишонилган мулк) ҳам шу жумлага киради.

Шўъба корхоналар акциядорларининг умумий йиқилишларида холдингнинг вакиллари мазкур шўъба корхона акцияларининг назорат пакетига мувофиқ овозга эга бўладилар. Рўйхати Уставида кўрсатилиши керак бўлган шўъба корхоналарни ривожлантиришнинг стратегик муҳим масалаларини ҳал этиш учун уставида даражали кўпчилилик ҳақидаги норма белгилаб қўйилади.

Холдингнинг шўъба корхоналар билан ўзаро муносабатлари таъсис ҳужжатларида белгиланади. Шўъба корхоналар сифатида холдинг таркибига кирадиган корхоналар (бўлин-

малар) меҳнат жамоаларининг розилиги талаб этилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ташкил этилаётган холдинглар барча турдаги хўжалик уюшмалари (иттифоқлар, концернлар, консорциумлар, корпорациялар ва бошқалар)нинг ёки корхоналарнинг бошқа бирлашмалари, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий ворислари бўлиши мумкин эмас.

Холдинглар муассислари уларнинг уставларида тадбиркорлик фаолияти хусусиятига ва шўъба корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатувчи қарорлар қабул қилиниши бўйича қонуний ҳуқуқга чеклашларни монополияга қарши органнинг тавсиялари асосида белгилашга ҳақлидилар.

Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхонанинг (корхона бўлинмасининг) шўъба корхонага айлантирилишига ана шу корхона меҳнат жамоасининг розилиги билан йўл қўйилади. Бундай розилик умумий йиғилишда барча ходимларнинг яримдан кўпининг овози билан қабул қилинади.

Ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларда корхоналарнинг ички тузилмаларининг (бўлимларининг) ҳуқуқий мақоми ва улар ўзаро муносабатлари тадқиқ қилинган¹.

Қоидага кўра, тадбиркорлик корхонаси цех, ишлаб чиқариш, хўжалик, участка, бригада ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларидан иборат бўлади. Бу бўлинмалар ўзининг ички хўжалик ваколатига эга бўлиб, корхона доирасида ҳуқуқий муносабатларда қатнашади. Бундай тусдаги ички хўжалик ваколатлари корхона томонидан белгиланиб, уларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш имкониятини яратди.

¹ Хозяйственное право. Общие положения. Под ред. В. В.; Пантева М.; Изд-во Наука, 1983 й. 64—65- б; В. К. Андреев. Правосубъектность хозяйственных органов: сущность и реализация. М: Изд-во Наука. 1996 й. 108—114- б; Макарова Е. В. Правовые положение внутрипроизводственных структурных подразделений государственных предприятий промышленности в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс... с. ю.п. М.: 1991. Черняев Г. Внутрихозяйственные отношения в сельскохозяйственных предприятиях и межфермерская кооперация. // АПК: Экономика и управление. 1995. № 2. 65 б; Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Масъул муҳаррирлар. Х. Р. Раҳмонқулов, М.Б. Усмонов. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. 2000 й. 184 б.

Ички хўжалик бўлинмаларининг ваколатларини аниқлаш корхона томонидан бўлимлар ҳақидаги Низомни тасдиқлаш орқали амалга оширилади. Низомда бўлинмаларнинг бошқа ички бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ ички хўжалик ҳуқуқий муносабатларига киришиш ва бундай ҳуқуқий муносабатларсиз амалга ошириладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланади.

Корхона ички бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат улар ҳақидаги Низомда белгиланиб қолмасдан, балки корхона томонидан чиқариладиган бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ифода этилиши мумкин.

Корхона бўлинмалари ўртасида ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ички хўжалик ҳуқуқий муносабати вужудга келади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти, мазмуни тубдан ўзгармоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий фанларда, хусусан тадбиркорлик (хўжалик) ва Фуқаролик ҳуқуқида ички хўжалик ҳуқуқий муносабатининг табиати тўғрисида ягона фикр бўлмасдан турли хил маънода талқин қилинади. Бу ҳолат Фуқаролик ва тадбиркорлик (хўжалик) ҳуқуқи фанларининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва услубига асосланиши билан тусланади. Тадбиркорлик (хўжалик) ҳуқуқида ички хўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг юридик табиати кенгроқ доирада ёритиб берилган бўлиб, уни ички хўжалик доирасида эмас, балки корхонанинг таркибий қисми сифатида ташкилий ҳуқуқий субъектлиги мақомини такомиллаштириш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ички хўжалик тузилмаларининг тузилиши ўзгариб, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда корхоналар таркибида мустақил юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган кичик, шўъба корхоналар, ваколатхоналар ва бошқа ички тузилмаларни ташкил қилиш мумкин. Шунинг учун, корхона таркибидаги тузилмаларни уларнинг ҳуқуқ субъектлигига қараб иккита гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадиган тузилмалардан иборат бўлса, *иккинчи гуруҳга* юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланмайдиган ички хўжалик бўлинмалари киради. Уларнинг ҳуқуқий мақоми қонун ҳужжатларида

турли хилда белгиланган. Шу сабабли, улар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Юридик шахснинг фаолияти учун шароит вужудга келтириш ва у жойлашмаган ерда унинг вакили ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ваколатхона ва филиаллар ташкил этилади.

Филиал ваколатхонадан фарқли равишда юридик шахснинг ҳамма ёки қисман вазибаларини амалга оширишга ҳақлидир. Юридик шахс жойлашмаган ерда, унинг вазибасига боғлиқ равишда бўлимлар ташкил қилиниб, улар филиал ёки ваколатхона бўлиб хизмат қилади.

Ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди, юридик шахснинг тегишли таъсис ҳужжатларига асосан ташкил этилади ва улар томонидан тасдиқланадиган Низом асосида ҳаракат қилади. Филиал ва ваколатхоналарга юридик шахс мулкнинг бир қисми биркитилади. Унинг раҳбари, ишончнома асосида юридик шахснинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб қатнашади. Филиал ва бўлимлар юридик шахс сифатида таъсис этилса, унинг номида „филиал“ ва „бўлим“ атамаларидан фойдаланмаслик лозим.

Умумий қоидага кўра, юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича низо вужудга келган тақдирда, даъво талаби ва иш тирозлар филиал ва ваколатхона номидан ҳамда филиал ва ваколатхонага билдирилмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 1999 йил 5 февралдаги „**Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг жавобгарлик тўғрисида**“ ги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги¹ 77- сонли қарорининг 15- бандига асосан юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма (ваколатхона, филиал) фиқатгина юридик шахс номидан даъво қилиши мумкин. Иш бўйича ҳужжатлар даъво аризасида кўрсатилган почта манзилига юборилади.

Низонинг судловга тегишлилиги юридик шахснинг эмас, балки алоҳида бўлинманинг жойлашган жойи орқали белгиланади. Алоҳида бўлинманинг раҳбари томонидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленуми Қарорларининг тўплами, Нукус, „Билим“ нашриёти, 2000 йил. 224- б.

имзоланган даъво аризасига унинг юридик шахс номидан даъво аризасини имзолаш ваколатини тасдиқловчи юридик шахснинг ишончномаси илова қилиниши керак.

Шундай ваколатнома бўлмаган тақдирда Хўжалик процессуал кодексининг **118- модда 2-** қисмига биноан даъво аризаси кўрилмасдан қайтарилади.

Агар даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан сўнг, алоҳида бўлинма раҳбарининг юридик шахс номидан даъво аризасини имзолаш ваколатини тасдиқловчи ишончноманинг борлиги хусусида хўжалик судида шубҳа туғилса, аризага шундай ишончноманинг мавжудлигини исботловчи тегишли далиллар тақдим этиш таклиф этилади. Бундай далиллар тақдим этилмаган тақдирда, даъво кўрилмасдан қолдирилади (Хўжалик Процессуал Кодексининг 88- моддаси 3- қисми).

Агар филиал ва ваколатхонага юридик шахснинг мустақил бўлинмаси сифатида хўжалик судида қатнашиш ҳуқуқи берилган бўлса, бу мустақил бўлинма юридик шахс номидан қатнашиб, юридик шахсдан ёки юридик шахс фойдасига ундириш амалга оширилади. Шу сабабли судга тааллуқлилиқ юридик шахс томонидан белгиланмасдан, балки мустақил бўлинманинг турар жойи бўйича белгиланади.

Хўжалик процессуал ҳуқуқи нуқтаи назардан бордию, ваколатхона, филиал ва бўлинмалар юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда улар номидан унинг юридик шахс ҳисобланган ташкилоти қатнашиши зарур.

Хўжалик Процессуал Кодексининг **38- моддасига** кўра, хўжалик суди даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериш лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгарнинг ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйилиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф хўжалик судининг ташаббуси билан алмаштирилиши мумкин, бироқ даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс ишда низо юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида қатнашишга ҳақли ва бу ҳақда суд ушбу шахсни хабардор қилади.

Агар даъвогар жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаса, суд даъвогарнинг розилиги билан бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилиши мумкин.

Ишга даҳддор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 47-моддасига кўра, ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган юридик шахс манфаатларини ифодаладиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар, қонунда ёки таъсис ҳужжатларида бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар *юридик шахс* ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Филиал ва ваколатхона юридик шахснинг ҳудудий тузилиш бўлинмаси бўлиб, улар барпо қилган ташкилотнинг фаолият доирасини кенгайтиришни назарда тутади.

Одатда, филиал ва ваколатхона юридик шахснинг бошқа ички хўжалик тузилмаларига (бўлим, цех ва бошқалар) ўхшаган ҳолда бир фарқли хусусияти шундан иборатки, юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинмасидир.

Ваколатхона ва филиаллар турли хил вазифаларни бажаради. Ваколатхона Фуқаролик муомаласида уни ташкил қилган юридик шахс номидан қатнашиб, унинг манфаатлари ҳимоясини таъминлайди.

Филиалнинг фаолият предмети бирмунча кенгроқдир. Улар юридик шахснинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини бажариши мумкин (Фуқаролик Кодексининг 47- моддаси). Ваколатхона шартномалар тузиш, уни ижро қилишни назорат қилиши, ўз ташкилотининг рекламаси билан шуғулланишга ҳақлидир. Юридик шахс

амалга оширадиган ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятини олиб боришга фақат унинг филиали ҳақлидир.

Ваколатхона ва филиал нотижорат ташкилоти кўри-нишида ташкил қилиниб, тегишли равишда филиал фаолиятининг ўзига хослигини белгилайди.

Ваколатхона ва филиал, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмасдан, Фуқаролик муомаласида ўз номидан қатнашиши мумкин. Унинг раҳбарлари юридик шахс номидан унинг ишончномаси асосида иш олиб боради¹.

Шўъба корхоналар ва корхоналарнинг алоҳида бўлинмалари барпо этилиши мумкин. Корхона юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ҳамда жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмалар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди.

Бундай корхоналар ва бўлинмаларни жойлаштириш масаласи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан амалдаги қонунларда корхоналар тузиш учун белгиланган тартибда келишиб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган „**Чет эл инвестициялари тўғрисида**“ги Қонуннинг 7-моддасига асосан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Чет эл фирмалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда тегишли манфаатдор ташкилотларнинг рухсатномаси асосида ваколатхоналарини очиши мумкин.

Рухсатномада ваколатхонани очиш мақсади, шартлари,

¹ Гражданское право. Часть 1. Учебник. Под ред. Ю. К. Толстого, А. П. Сергеева — М.: Изд-во ТЕИС, 1996 йил. 150—151-б.

рухсатнома муддати, хорижий фуқаролар (фирма хизматлари), ваколатхона ходимлари сони кўрсатилган бўлиши шарт.

Одатда, ваколатхона уч йилдан ошмаган муддатга очи-
либ, унинг муддати яна узайтирилиши мумкин.

Ваколатхонанинг муддати рухсатнома муддати тугаши;
фирма фаолияти тўхтатилиши; ваколатхона очишга асос
бўлган ҳукуматлараро келишувнинг амал қилиши бекор
қилиниши; фирманинг қарори ҳамда вазирлик ва идоранинг
тегишли қарори (агар ваколатхонанинг, унинг фаолиятининг
шартини бузган тақдирда) бўйича бекор қилиниши мум-
кин¹.

Хорижий юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси
худудида ўз филиалларини ҳам ташкил қилиши мумкин. Бу
филиалларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари билан белгиланиб, ҳуқуқий кафолатлар
ва имтиёزلардан фойдаланишга ҳақлидир. Хорижий юридик
шахслар Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолия-
тини фақатгина муайян ташкилий-ҳуқуқий тузилмани таш-
кил қилиш йўли билан амалга оширишга ҳақлидир. Аммо,
шунинг таъкидлаш жоизки, ҳар бир тадбиркорлик ташкилий-
ҳуқуқий тузилмаларининг ички бўлинмалари ҳуқуқий ўзига
хос хусусиятга эга бўлиб, қонун ҳужжатларида махсус тар-
тибда белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил
26 апрелда қабул қилинган „**Акциядорлик жамиятлари ва
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**“²ги
Қонуннинг 8- моддасига кўра, жамият филиаллар ташкил
қилиниши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини
ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъмин-
ланади ва бу жамият тасдиқлаган Низомлар асосида иш
кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан
таъминланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради.
Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик
уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

¹ Богуславский М. М. Международное частное право. — М.;
Международные отношения, 1994. 128- б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-
маси. 1996 й. 5—6- сонлари. 61- модда.

Жамият уставида унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак. Жамиятнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига доир маълумотлар ўзгариши муносабати билан унинг уставида киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги ахборот юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга маълумот тарзда тақдим этилади. Жамият уставидagi мазкур ўзгартиришлар маълум қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 9- моддасига мувофиқ жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе жамиятларга эга бўлиши мумкин. Шўъба жамият ўзининг асосий жамияти қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шўъба жамияти бажариши шарт бўлган кўрсатмаларни беришга ҳуқуқли асосий жамият ана шундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба жамият томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба жамият билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шўъба жамият билан тузилган шартномада ёки шўъба жамиятнинг уставида кўзда тутилган тақдирдагина асосий жамият бундай ҳуқуқга эга деб ҳисобланади.

Шўъба жамият асосий жамиятнинг айби билан ночор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда асосий жамият шўъба жамиятнинг қарзлари юзасидан судсидиар жавобгар бўлади. Асосий жамият шўъба жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишни олдиндан билиб, юқорида айтилган ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина шўъба жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) асосий жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

Шўъба жамият акциядорлари асосий жамиятдан унинг айби билан шўъба жамиятига келтирилган зиённи тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Асосий жамият шўъба жамиятининг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида зиён кўришини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина зиён асосий жамиятнинг айби билан келтирилган деб ҳисобланади.

Агар жамиятга қарашли овоз берувчи акциядорларининг йигирма фоизидан зиёдроғи бошқа иштирокчи жамиятга қарашли бўлса, бу жамият *тобе жамият* деб тан олинади.

Корхона ички хўжалик бўлинмалари мустақил юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъект сифатида қатнашиши мумкин. Бу қонун ҳужжатларида рўй берган муҳим янгиликлардан бири ҳисобланади. Аммо, бу борада ҳали ҳуқуқий ечимини топмаган муаммолар бўлиб, бу улар ҳуқуқ субъектлигига, мулк шаклига, хўжалик фаолиятига, янги ташкил қилинган кичик корхона билан муассис ўртасидаги ҳуқуқий муносабат кабиларга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлда қабул қилинган „**Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида**“ги Низомга кўра, бош корхонаси Республика ташқарисида жойлашган ва хўжалик фаолиятини амалга оширадиган шўъба корхоналар ва филиаллар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналар ва филиаллари ҳам хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради. Умумий қоидага кўра муассис шўъба корхона уставини тасдиқлайди, унинг раҳбарини тайинлайди ва шўъба корхонага нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган мулк эгасининг бошқа ҳуқуқларини амалга оширади. Шўъба корхона бошқа корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бош корхона эса ўзининг шўъба корхоналари мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

Шўъба корхона ўз фаолиятини таъсисчи берган ваколат доирасида амалга оширади. Шўъба корхонаси қарзлари юкисидан таъсисчи жавобгар бўлмайди. Шўъба корхонасининг спениши таъсисчи (мулкдор)нинг фаолияти сабаб бўлганда кредиторларнинг талабини қаноатлантиришга шўъба корхонанинг маблағи етарли бўлмаса, уни таъсисчи (мулкдор) қаноатлантиради. Шўъба корхонасига бириктирилган мулк ҳисобига таъсисчининг қарзлари юзасидан фақат шўъба корхонасининг кредиторлари талаби қаноатлантирилгандан кеннингина ҳамда шўъба корхона тугатилишидагина йўл қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар ички тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилиши уларнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириши учун хизмат қилади.

4- §. Юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятини амалга ошириш тартиби ва асослари

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатдан бир қанча турларда амалга оширилади. Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил қилиб ёки юридик шахс ташкил қилмасдан амалга оширилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил қилмасдан амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорликни юритувчи субъектлар фаолиятини амалга ошириш тартиб ва асослари амалдаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, амалдаги қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Республикада хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида 2000 йил 25 майда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонун муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу қонун тадбиркорликнинг ташкил топиши, ривожланиши, такомиллашуви, ислохотлар натижалари ва тегишли қонунчилик фаолиятимиздаги ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олган қонун ҳисобланади. Ушбу соҳадаги дастлабки қонун (Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги қонуни) 1991 йил 15 февралда қабул қилинган бўлиб, у 10 та моддадан иборат эди, табиийки бу қонун ва кейинчалик қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлар тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни тўлиқ қамраб ололмас эди.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари доираси кенгайтирилиб, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари (5- модда) шаклида ифода этилган.

Аввалги қонунларда „Тадбиркорлик субъектлари“, „Тадбиркорлик фаолияти субъектлари“ каби атамалар қўлланилган бўлса, „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунда тадбиркорлик субъектлари анъанавий шаклда берилиши билан алоҳида модда шаклида „*кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари*“ ҳам эътироф этилган. Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик деганда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши тушунилади.

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган „Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 4- моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари сифатида қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар эътироф этилган эди.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 4-моддасида эса тадбиркорлик фаолияти субъектлари жумласига тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир деб кўрсатилган.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 7- моддасида қайд этилгандек, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти шакллари куйидагилардан иборат:

- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизда улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;
- оддий ширкат;
- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалиги.

Қонуннинг 4- моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг умумий асоси белгиланиши билан, иккинчи гомондан айрим фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига рухсат берилмаслиги ҳам ўзининг ифодасини топган.

Хусусан, ушбу қонуннинг 4- моддаси, 2- қисмида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият кўрсатишга тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга оширишдан фарқлаш лозим. Бу ҳақда юқоридаги параграфларда мулоҳаза юритилди.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг **6-моддаси**да белгилаб қўйилганидек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширади.

Ҳозир мазкур Фуқаролик кодекси **26-моддасининг** 3-қисмига ва **56- моддасининг** биринчи қисмига мувофиқ *„ёлланма меҳнатни жалб қилишга рухсат берилади“*.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддасига асосан, фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий мундсабат моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан, шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда, яъни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга нисбатан Фуқаролик Кодексининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг „Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида“ги 2000 йил 28 апрелдаги Қарорида¹ — фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишбу соҳада қонунчиликни тўғри тадбиқ этиш ва уларга қатъий риоя қилиниши билан таъминланиши қайд этилган ҳамда ушбу соҳада судларга раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 11- моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий асослари кўрсатилган. Ушбу модда талабларига мувофиқ жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун тегишли органларга ариза бергач, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган кўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида тегишли давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексида (24- модда) хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган ишлар таркибига, — *„давлат рўйхатига олишни рад этганлик ва белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят“*ни кўриб мазмунан ҳал этиш ҳам киритилган.

¹ „Хўжалик ва ҳуқуқ“ — „Хўжайство и право“ 2000 й. 8- сон, 14 б.

Судлар тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик устидан берилган шикоятни кўришда рўйхатга ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек, мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топган тақдирда айбдорлардан ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зарар учун товон тўлаш хусусида тегишли қарор қабул қиладилар.

Юқорида қайд этилганидек, якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий асосларидан ташқари ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августда қабул қилган „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида“ги Қарорида тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширувчи субъектларни ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тартиби кўрсатилган.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахслар томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига — ўз яшаш жойидаги рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан ўзи келиб) юқорида қайд этилган қарор билан тасдиқланган „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида“ги Низомда белгиланган шакл бўйича ариза берилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага 3x4 ўлчамли иккита фотосурат; рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўпланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати, муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада тақдим этилади ҳамда паспорт кўрсатилади.

Агар жисмоний шахс аризада тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган жой деб ушбу мақсадлар учун жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган жойни кўрсатса, қўшимча равишда унда бундай жой мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади (мулкчилик ҳуқуқига бўлган далолатнома, бинони сотиб олишга шартнома ёки бино ижараси тўғрисида ижарага берувчининг кафолат хати, ўз фаолиятини турар жой бино-

сида амалга ошириш нияти бўлган тақдирда турар жой биносини турар жойга мўлжалланмаган бинога ўтказиш тўғрисидаги далолатнома).

Юридик шахс тузмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига (шахсан ўзи келиб) „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида“ги Низомдаги шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

— қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси иш берувчиси (мамурияти)нинг хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида белгилаб қўйилганидек, тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтказиш учун назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш ноқонуний ҳисобланади, айбдор мансабдор шахслар эса амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади. Яка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс тузмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги аризалари рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қабул қилиб олингандан сўнг, 3 иш кунидан кечикмай тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади ва ҳисобга қўйилади.

Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилган тақдирда у (ариза берувчи) белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун юридик шахслар мажбурий тартибда банкда ўз ҳисоб рақамини очиши лозим бўлса, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс тузмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари улар томонидан банк ҳисоб рақами мавжудлиги талаб этиладиган фаолиятининг айрим турлари амалга оширилган ҳолларда ҳисоб рақами очиш учун мурожаат қиладилар.

Агар банкда ҳисоб рақами очиш лозим бўлиб қолганда тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли ҳужжатлар ҳамда ариза топширилган кундан бошлаб икки банк кuni ичида ушбу талаб қондирилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августда қабул қилинган „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида“ ги Қарори тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни „бирйўла“ принципини белгилаб беради.

Ушбу принцип асосида тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида белгиланган шакл бўйича у ҳақидаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти (якка тартибдаги тадбиркорлик) жойлашган жойдаги солиқ органига ҳамда муҳр ва штамп эскизларини нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига рўйхатдан ўтказувчи орган расман тақдим этади. Солиқ органлари эса, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс тузмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини ҳисобга қўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилади.

„Бирйўла“ принципига асосан тадбиркорлик субъекти ўзини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш учун фақат бир органга, яъни рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли тартибда ариза билан мурожаат қилишининг ўзи етарли бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказганлиги учун рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимлари рўйхатдан ўтказувчи орган жойлашган жойдаги маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар уларга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ва тури ўзгарган тақдирда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ва солиқ органини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Рўйхатдан ўтказувчи орган ва солиқ органи кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар олингандан кейин уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни улар томонидан рўйхатдан ўтказувчи ва ҳисобга олиш ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашга доир масалалар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилнинг 25

майда қабул қилинган „**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**“ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

„**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**“-ги Қонуннинг **8-** моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензия олиш учун лицензияга даъвогар жисмоний шахс тегишли лицензияловчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

— фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари;

— амалга ошириш мўлжалланган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми) ҳамда фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат;

— якка тартибда тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиш учун лицензия даъвогарининг йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжати;

— фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўттиз кундан ошмаган муддат ичида лицензияловчи орган намунавий (оддий) лицензия бериш ҳақида ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

— лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

— якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

— якка тартибдаги тадбиркорнинг муомалага лаёқатлиги белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

— лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

— лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

— лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

— лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар:

— қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

— мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлар, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;

— тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш (товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно);

— ўз маҳсулотини (ишлари, хизматлари), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш(қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

— бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан ҳам;

— белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган (берилиши мумкин бўлган) ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

— Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар ҳуқуқ билан бирга мажбуриятларга ҳам эга.

Улар:

— ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;

— ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари, масалан деҳқон хўжалигида мавсумий ишга жалб қилинганлар билан;

— хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

— реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

— почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

— белгиланган тартибда молия-ҳисобот ишларини юритишлари, чунки тадбиркорликнинг бу турдаги субъектлари ҳам ўз хоҳишларига кўра банк муассасаларида ҳисоб рақамига эга бўлишлари, пул-маблағ оборотида ўтказиш йўлидан фойдаланишлари мумкин.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг ташаббуслари ва мустақиллигини чеклаш, фаолиятига қонунга хилоф равишдаги аралашувлари ҳар хил жавобгарликларни, шу жумладан, жиноий ва мулкӣ (фуқаролик-ҳуқуқӣ) жавобгарликни келтириб чиқаради. Масалан, фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, алдов, зўравонлик, қўрқитиш таъсирида ёки мушкул ҳолатлар зайли билан амалга оширилган битимлар *ҳақиқӣ эмас* деб ҳисобланади.

Тадбиркорликнинг бу туридаги тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида амалга оширади.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг мулк эгаси (субъекти) мулкига асосланганлиги ушбу фаолиятнинг моддий асосини белгилайди. Аммо у бошқа фуқаро ёки юридик шахсларнинг мулкидан ҳам фойдаланиши мумкин (ижара, кредит ва ҳоказо).

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти юритишнинг ҳуқуқӣ асосларининг такомиллаштирилиши ўз навбатида аҳолининг турмуш тарзи яхшиланишига олиб келади.

5- §. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар ўзининг ташкилий ҳуқуқий шаклларига эга бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқий мақомига эгадир. Хусусан „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 6 ва 7-моддаларида қайд этилганидек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги тадбиркорлик шаклларига қуйидагилар киради:

— якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга ошириладиган якка тартибдаги тадбиркорлик:

— эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик:

— икки ёки ундан ортиқ якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини олган оддий ширкат:

— юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалигини юритиш кабилар шулар жумласидандир

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ва тегишли гувоҳномани олгач фаолият кўрсатишга ҳақли, яъни у тадбиркор мақомига эга бўлади.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахс ариза берган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатдан кечиктирилмай амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши (давлат рўйхатидан ўтиши) учун шахснинг вояга етганлиги муҳим аҳамиятга эга. Умумий қоида бўйича фуқаролар 18 ёшга тўлганидан сунг яъни, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлгач, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

Аммо Фуқаролик кодексининг **28- моддасида** ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, ушбу қонун моддасида белгилаб қўйилганидек, вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаган шахснинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Фуқаролик кодексининг **22- моддасига** асосан фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан Фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун Фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади, никоҳ тузиш шартномасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақлаб қолинади. Никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмақчи бўлган шахс тадбиркорлик турига қараб ушбу касбга доир кўникма ва маълум тайёргарликларга, шунингдек, баъзи тадбиркорлик турлари билан шугулланиш учун махсус рухсат (лицензия)га эга бўлиши шарт.

Юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлар

гувоҳнома муддати тугаганда, қонунга номувофиқ фаолият юритганда (шу жумладан, махсус рухсат (лицензия) олиш асосида шуғулланиш лозим бўлган фаолият билан рухсатсиз шуғулланганда), банкрот деб топилганда тадбиркорлик фаолиятини юритиши ҳуқуқи бекор бўлади. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорликни амалга оширувчи субъектлар ўз хоҳишларига кўра гувоҳномада кўрсатилган муддатдан олдин ҳам тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга ҳақлидирлар.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорликни амалга ошираётган шахс тегишли тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда, у тадбиркорлик мақомидан маҳрум этилган ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорликни амалга ошираётган шахс муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда, унинг бу мақоми бошқа шахсга, яъни унинг васийсига бундай ҳуқуқ ўтмайди.

Бирор бир асосда фуқаронинг муомала лаёқати чекланган бўлса, фуқаро тадбиркорлик мақомига эга бўлолмайди.

Кейинчалик фуқаро муомала лаёқатига эга деб топилса ёки унинг муомала лаёқатига бўлган чекланиш бекор қилинса, у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Юқорида қайд этилган қонунда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлик тушунчаси берилган бўлиб, тадбиркорликнинг бу турини амалга ошириш учун эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланишнинг хусусиятлари кўрсатилган. Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, (эрининг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади. Бундай розилик нотариал тасдиқланган бўлиб, қайси мол-мулкдан фойдаланишга келишилган бўлса, ушбу мол-мулкка тегишли маълумотлар қайд этилиши лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тадбиркорлигининг эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик турида, иш муома-

лаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатидан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Оилавий тадбиркорликда эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланишда қонун оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг манфаатларини инобатга олган, хусусан агар тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар, яъни якка тартибдаги тадбиркор ва оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий мақомини бир хилда гаснифлаш мумкин. Аммо тадбиркорлик фаолиятининг негизи, мулкнинг шаклланиш ҳолати ҳар икки субъектнинг шаклига қараб фарқланади. Хусусан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор мулк ҳуқуқи асосида фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида фаолият кўрсатса, оилавий тадбиркорликнинг мол-мулк негизида умумий биргаликдаги мулк асосида амалга оширилади.

Фуқаролар кўп ҳолларда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда биргаликда фаолият кўрсатишга эҳтиёж сезадилар. Бундай биргаликдаги тадбиркорлик шакллари *оддий ширкат* ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг юридик шахс ташкил этмасдан ҳамкорликдаги фаолият хусусида ёзма шаклда шартнома тузиш асосидаги фаолияти *оддий ширкат* дейилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ушбу тури тушунчаси „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ ги Қонун (7- модда) ва Фуқаролик Кодексиди (962- модда) берилиб, уларга кўра, жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги

тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Фуқаролик Кодекси **962- моддасининг** 2- қисмида оддий ширкат шартномасининг тарафлари сифатида тижоратчи ташкилотлар ҳам бўлишлиги мумкин.

Демак, қонуннинг ушбу меъёрига асосан оддий ширкат шартномасида юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатори юридик шахс ҳисобланган тижоратчи ташкилотлар ҳам иштирок этишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар. Фуқаролик Кодексининг **963—975- моддаларида** юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилувчи тадбиркорликнинг ушбу турига хос хусусиятлар ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Оддий ширкатда шерикларнинг қўшадиган ҳиссалари муҳим аҳамиятга эга. Шериклар оддий ширкатга бирлашишдан моддий манфаатдордир. Моддий манфаатдорлик қўшилган ҳиссага бевосита боғлиқдир. Аммо, шерикларнинг оддий ширкат тузишида моддий ҳисса ҳал этувчи омил эмас, шериклар оддий ширкат шартномасида шерикларнинг ҳиссаси сифатида якка тадбиркорнинг билими, малакаси, маҳорати, шунингдек, ишбилармонлик обрў-эътиборини ҳам қўшилган ҳисса, деб ҳисоблашлари мумкин. Бунда шериклар, агар оддий ширкат шартномасидан ёки ҳақиқий ҳолатлардан бошқача мазмун келиб чиқмаса, қиймати бўйича тенг ҳисса қўшдилар (қўшадилар) деб тахмин қилинади. Шерикнинг қўшган ҳиссасини пулда баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

Оддий ширкат иштирокчилари ҳуқуқ субъекти сифатида (юридик шахс) тузмаётганликлари, умумий қарзлар бўйича шахсий (ҳиссали ёки солидар) мажбуриятлар олишлари туфайли, уларнинг қўшаётган ҳиссаларига юридик шахс (ширкатлар, жамиятлар) ҳиссаларига қўйиладиган қатъий талаблар қўйилмайди.

Чунки, бу ўринда алоҳида эътибор бериш лозимки, оддий ширкатда ҳисса сифатида нафақат реал мулк (пул), балки касбий ва бошқа билим, малака, маҳорат, ишбилармонлик обрў-эътибори ҳам бўлишligидан келиб чиқсак, оддий шерикларнинг умумий мулклари умумий мажбурият бўйича кредиторларнинг талабларини қондириш учун ягона кафолат бўлолмайди.

Оддий ширкат шартномаси айрим иштирокчиларнинг ҳиссалари пуллик баҳога эга бўлмаганлиги учун бундай шериклар ҳиссаларининг пуллик баҳоланиши шартли (оғзаки) тусга эга бўлади. Тарафларнинг ҳиссаларини баҳолашда уларнинг ўзаро розилиги етарли ҳисобланади. Агар тарафларнинг ҳиссалари махсус баҳоланилган бўлмаса, **Фуқаролик Кодексининг 963- моддаси 2-** қисмига асосан, ҳиссаларнинг баҳолари тенг ҳисобланади.

Фуқаролик Кодексининг 964- моддасида шерикларнинг умумий мол-мулкига оид меъёрлар кўрсатилган.

Юқорнда шерикларнинг қўшадиган ҳиссалари, пул, бошқа мол-мулкдан ташқари касбий ва бошқа билимлар, малака ва маҳорат, шунингдек, ишбилармонлик обрў-эътибори ҳам бўлиши мумкинлиги қайд этилган эди. Демак, оддий ширкатга қўшиладиган ҳиссалар йиғиндиси шерикларнинг умумий мол-мулкига айнан ўхшаш эмас. Шерикларнинг умумий мол-мулкнинг ушбу кўринишда шаклланиши уларнинг биргаликдаги оддий ширкат фаолиятдан олинadиган даромадларига нисбатан улуш ҳуқуқини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шериклар мулки ҳуқуқи асосида эга бўлган, улар томонидан қўшилган мол-мулк, шунингдек, биргаликдаги фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бундай фаолият туфайли олинган ҳосил ҳамда даромадлар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, уларнинг *умумий улушли мулки* ҳисобланади.

Шерикларнинг умумий улушли мулкида турган мол-мулк, шунингдек, уларнинг умумий талаблари ва умумий алоҳида ҳуқуқлари шерикларнинг умумий мол-мулкни гашкил этади. Умумий мол-мулкдан барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш улар томонидан оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахслардан бирига топширилиши мумкин.

Шерикларнинг умумий мол-мулкидан фойдаланиш уларнинг келишувига кўра, келишувга эришилмаган тақдирда, суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкни асраш бўйича мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби оддий ширкатнинг шартномасида назарда тутилади.

Фуқаролик кодексининг 965- моддасида шерикларнинг умумий ишларини юритиш билан боғлиқ тартиблари белгиланган.

Оддий ширкат шартномаси иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Умумий ишларни юритишда ҳар бир шерик, агар оддий ширкат шартномасида ишларни юритиш шартноманинг айрим иштирокчилари томонидан ёхуд биргаликда барча иштирокчилар томонидан амалга оширилиши белгиланмаган бўлса, барча шериклар номидан иш кўришга ҳақли.

Ишлар биргаликда юритилганда ҳар бир битимни тузиш учун барча шерикларнинг розилиги талаб қилинади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шерикнинг барча шериклар номидан битим тузиш ваколати унга қолган шериклар томонидан берилган ишончнома билан тасдиқланади ёки оддий ширкат шартномасидан келиб чиқади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шериклар битим тузган шерикнинг умумий ишларни юритиш бўйича ҳуқуқлари чекланганлигини далил қилиб кўрсата олмайдилар, улар бундай чеклашлар борлигини битим тузилаётган пайтда учинчи шахс билганлигини ёки олдиндан билиши лозим бўлганлигини исботлаган ҳоллар бундан мустасно.

Барча шерикларига нисбатан ишларни юритиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, улар номидан битимлар тузган ёхуд барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб ўз номидан битимлар тузган шерик, агар бу битим барча шерикларнинг манфаатлари учун зарур бўлган эди деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, у ўз маблағларидан қилган харажатлари қопланиши ҳуқуқига эга. Агар бундай битимлар туфайли бошқа шерикларга зарар етказилган бўлса, улар бу зарарни қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Умумий ишларни юритишга ваколатли шартнома иштирокчилари, агар оддий ширкат шартномасида назарда тутилган бўлса, алоҳида ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оддий ширкат шартномаси асосида, юридик шахс тузмасдан биргаликда фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилган тадбиркорлик фаолиятининг ушбу турининг ўзига хос хусусиятларидан бири шерикларнинг умумий иш юритиш ва фаолият хусусида ўзаро ахборот алмашинуви ва ахборот олишга бўлган ҳуқуқидир. Фаолият ёки умумий иш хусусидаги ахборот олиш ҳуқуқи оддий ширкат шартномаси асосида биргаликда иш юритаётган шериклар ҳуқуқига оид бўлган алоҳида хусусиятдир.

Фуқаролик кодексининг 966- моддасига асосан ҳар бир шерик, у шерикларининг умумий ишларини юритишга ваколат олган-олмаганлигидан қатъи назар, ишларни юритишга доир барча ҳужжатлар билан танишишга ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқни рад этиш ёки уни чеклаш, шу жумладан шерикларнинг келишуви билан рад этиш ёки чеклаш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шерикларнинг олиш ҳуқуқига эга бўлган ахборотлардан даромадга ва мулкка нисбатан бўлган солиқлар аҳамиятга эга, чунки ушбу солиқлар бюджетга ҳар бир шерик томонидан алоҳида-алоҳида тўланади. Тегишли ахборотнинг етишмаслиги шериклар томонидан солиқ тўлови тартиблари ёки суммасининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам оддий ширкат шартномасида ахборотни тақдим қилиш муддати ва миқдори олдиндан кўрсатилиши зарур. Шерикнинг ахборотга бўлган ҳуқуқининг бузилиши умумий ишларни юритиш оқибатларига ҳам қўлланиши мумкин.

Тадбиркорлик шаклининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шерикларнинг умумий харажатлари ва зарарлари масаласидир.

Шерикларнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ харажатлар ва зарарларни қоплаш тартиби уларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганда ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади. Фуқаролик кодексининг 967- моддасининг 2- қисмида шериклардан бирортасини умумий харажатларни ёки зарарни қоплашда иштирок этишда тўлиқ озод этадиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Шерикларнинг умумий харажатлари ва зарарларига нисбатан бундай ҳуқуқ нормасининг белгиланиши шерикларнинг тадбиркорлик субъекти сифатидаги ҳуқуқ ва бурчлари бузилишининг олдини олувчи кафолатдир.

Фуқаролик кодексининг 968- моддасига кўра, шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бошқа келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлашиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Оддий ширкат шартномасида шериклардан бирортасининг фойдага бўлган ҳуқуқининг бузиб қайд этилиши **Фуқаролик кодексининг 113- ва 115- моддаларига** асосан биргаликдаги фаолият хусусидаги битимнинг бекор бўлишига, *ҳақиқий эмас* деб ҳисобланишига олиб келади.

Оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг кредитори **Фуқаролик кодексининг 227- моддасига** мувофиқ унинг умумий мол-мулкдаги улушини ажратишни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолат фақатгина иштирокчида кредитор талабини қондирадиган бошқа мулки қолмаган бўлса, вужудга келиши мумкин.

Агар улушни натура шаклида ажратишга имконият бўлмаса ёки улуш ажратилишига бошқа шериклар эътироз билдирсалар, кредитор ушбу улушнинг бошқа шерикларга бозор нархида сотилишини талаб қилишга ҳақли. Ушбу ҳолатда улуш сотилганидан олинган маблағ қарзни қоплашга ишлатилади.

Агар бошқа шериклар қарздорнинг улушини сотиб олишга розилик берсалар, бу ҳолда кредитор суд орқали улушнинг ким ошди савдосида сотилишини талаб қилишга ҳақлидир. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлардан бири оддий ширкат шаклида унинг мавжудлигини учинчи шахсларга маълум қилмаслик (яширин ширкат) назарда тутилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки яширин ширкат моҳиятидан келиб чиқмаса **Фуқаролик кодексининг „оддий ширкат“** боби қоидалари қўлланилади.

Ушбу ширкатнинг хусусиятларидан бири унинг иштирокчиларидан ҳар бири учинчи шахслар билан муносабатларда шерикларининг умумий манфаатларини кўзлаб ўз номидан тузган битимлар бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Шериклар ўртасидаги муносабатларда, уларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида юзага келган мажбуриятлар умумий ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг шакллари тартибда деҳқон хўжаликлари алоҳида ўрин эгаллайди.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритувчи деҳқон хўжалиги шакли тадбиркорлик субъектларидан бири эканлиги қайд этилган бўлсада, деҳқон хўжалигини тузиш, фаолият юритиш ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш яна бир қанча қонун меъёрлари билан ҳам тартибга солинади.

„Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуннинг **1-моддасига** асосан деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига бериладиган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилади ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг иштирокига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.¹

Юридик шахс ташкил этмасдан деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатиغا олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувиغا ёхуд бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (мамуриятига) ҳамда туман ҳокимига ёзган ёзма мурожаатига асосан ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ участкасига оид Қонун ҳужжатлари, тўплам, Тошкент — „Адолат“ 1999 й. 117-б.

Аризага мувофиқ қабул қилинган бирламчи қарорга асосан ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олган ҳолда туман ҳокими деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғининг давлат рўйхатига олиш деҳқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлари давлат рўйхатидан ўтишлари учун доимий яшаш жойларига эга бўлишлари шарт қилиб белгиланмайди. Масалан, юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун вақтинчалик яшаш рухсатномасига эга бўлишнинг ўзи ҳам шу муддатга тегишли давлат рўйхатидан ўтиш, гувоҳнома олиш ва фаолият кўрсатиш учун етарли ҳисобланади. Шу турдаги тадбиркорликнинг деҳқон хўжалиги шаклида давлат рўйхатидан ўтишга вақтинчалик яшаётганлиги моненьлик қилади, яъни доимий яшаш жойига эга бўлиши лозим.

Деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олингач, деҳқон хўжалиги бошлиғига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғими тўлашдан озод қилинади.

6- §. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятини тўхтатиш тартиби ва улар жавобгарлигининг асослари

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятлари тўхтатилиши ёки тугатилиши мумкин.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

тўғрисида“ги Қонуннинг 48- моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг умумий асослари берилган.

Умумий қоида бўйича юридик шахс ташкил этмасдан гадбиркорлик фаолиятини юритиш учун субъектнинг давлат рўйхатига олиниши шарт бўлса, уни тугатиш учун ҳам уни тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан чиқариш шарт бўлиб, яъни тадбиркорлик фаолияти субъекти у давлат реестридан чиқарилган пайтдан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Аммо, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги улар фаолиятини тугатишда ҳам қисман фарқ борлигида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти фаолиятни ўз хоҳиши асосида тўхтатишга ҳақли.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар, яъни, якка тартибда тадбиркор, эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизидаги оилавий тадбиркорлик ва деҳқон хўжалиги тадбиркорлиги субъектлари ўз хоҳишлари асосида фаолиятларини тўхтатиш учун гадбиркорлик субъекти гувоҳномасини берган давлат ҳокимият органига тегишли тартибда ариза берадилар. Ушбу аризага мувофиқ давлат ҳокимияти органи томонидан тегишли қарор чиқиши, яъни юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектни давлат рўйхатидан чиқариш хусусидаги қарори — тадбиркорлик фаолияти субъекти тугатилган деб ҳисоблашга асос бўлади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектларнинг қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибда муомала лаёқати чекланиши ёки лаёқатсиз деб топилиши ҳам ушбу тадбиркорлик фаолиятини тугатилишига асос бўлади. (масалан тадбиркорнинг маълум вақтга озодликдан маҳрум этилиши, руҳий касаллигига учраши ва ҳаказо).

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома муддатининг ўтиши, шунингдек, фаолиятни махсус лицензиялаш орқали амалга оширилаётганда лицензия бекор қилиниши („Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида“ги қонунга асосан) ва тадбиркор банкрот деб эътироф этилиши унинг тугатилишига олиб келади.

Фуқаролик кодексининг **26-моддаси**да якка тартибдаги тадбиркорнинг ночорлиги асослари кўрсатилган.

Якка тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш жараёни тамом бўлганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб топилган тақдирда унинг, кредиторларининг талаблари Фуқаролик Кодексининг **56-моддаси**да (кредиторларнинг талабларини қондириш) назарда тутилган тартибда қондирилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан оддий ширкат шартномаси асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини тугатиш учун мазкур шартноманинг бекор бўлиши асос ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг **970-моддаси**да оддий ширкат шартномасининг бекор бўлиш асослари берилган.

Оддий ширкат шартномаси қуйидагилар оқибатида бекор бўлади:

— шериклардан бирортаси муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинганда, агар оддий ширкат шартномасида ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши назарда тутилмаган бўлса;

— шериклардан бирортаси ночор (банкрот) деб эълон қилинганда;

— шерик вафот этганда ёки оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда ёхуд қайта ташкил этилганда, агар шартномада ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартномани сақлаб қолиши ёхуд вафот этган шерикнинг (тугатилган ёки қайта ташкил этилган юридик шахснинг) унинг меросхўрлари (хуқуқий ворислари) билан алмаштирилиши назарда тутилмаган бўлса;

— шериклардан бирортаси оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечганда;

— муддат кўрсатилган ҳолда тузилган оддий ширкат шартномаси шериклардан бирининг талаби билан ўзи ва қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда бекор қилинганда;

— оддий ширкат шартномасининг муддати ўтганда;

— шерикнинг улуши унинг кредитори талаби билан ажратилганда;

— Фуқаролик кодексига ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларда.

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда шерикларнинг умумий эгаллигига ва (ёки) фойдаланишига қўйилган ашёлар, тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни бериб қўйган шерикларга ҳақ тўламасдан қайтарилади.

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлган пайтдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўлади.

Шерикларнинг умумий улушли мулкда турган мол-мулк тарафларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

Шерик ўз улушини умумий мол-мулкдан ажратиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шериклар умумий мол-мулкни тақсимлашда келишувга эриша олмасалар, ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб олишга қонун йўл қўймаса ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка номутаносиб зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқаётган мулкдор улушли мулкнинг бошқа эгаларидан улушининг қиймати тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг **223- моддаси** асосида улушли мулк эгасига асл ҳолида ажратиб берилаётган мол-мулкнинг унинг мулк ҳуқуқидаги улушига номутаносиблиги тегишли пул суммасини тўлаш ёки бошқача компенсация тўлаш йўли билан бартараф этилади.

Бунда улушни асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига компенсация тўловини амалга ошириш учун бошқа шериклар розилиги талаб қилинади. Суд улушининг қиймати арзимас бўлган тақдирда ҳам мулкдор розилик бермаган тақдирда бошқа шерикларнинг зиммасига компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Шерик томонидан ширкатнинг умумий мулкига қўшилган хусусийлик аломатлари билан белгиланган ашёни у (виндикация даъвоси орқали ҳам) талаб қилишга ҳақли. Ушбу ашёни қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда суд шериклар ва кредитор томонларнинг қатнашишига нисбатан қилинадиган талабларни ҳисобга олиши зарур.

Юридик шахс ташкил этмасдан деҳқон хўжалиги фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъекти қуйидаги ҳолларда тугатилади (фаолияти тўхтатилади):

— хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

— томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

— томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

— белгиланган солиқлар муттасил тўланмаганда;

— агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, янги берилган томорқа ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган тақдирда;

— деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда.

Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) тартиби бўйича ушбу жараёни амалга ошириш учун деҳқон хўжалиги аъзоларнинг қарори ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарори зарур.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради. қонунга мувофиқ ундирувчи қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.¹

Амалдаги қонунчиликда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчилар учун ҳам қонун билан белгиланган тадбиркорлик қоидаларини бузганлик учун жиноий, маъмурий ва молиявий чоралар белгиланган.

¹ Фуқаролик кодекси (25- модда) — Тошкент, „Адолат“. 1996 йил. 15- б.

III БОБ | Тадбиркорлик субъектлари банкротлигининг ҳуқуқий асослари

1- §. Банкротлик тушунчаси ва унинг аломатлари

Банкротлик институти тадбиркорлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни яхши йўлга қўйиш, ўзаро тўлов интизомини кучайтириш, йиғилиб қолган кредиторлик ва дебиторлик қарзларини ундириш, оқибат натижада ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида аксарият хўжалик юритувчи субъектлари давлат тасарруфида бўлиб, ишлаб чиқариш режали иқтисодиётга асосланарди. Корхонанинг кимдан ва қанча миқдорда хом-ашё олиши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, тайёр маҳсулотни кимларга ва қандай нархларда сотиши, олинган фойдани нималар учун ишлатиши юқоридан тасдиқланган ҳамда корхоналар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланган қатъий режалар асосида белгилаб қўйиларди. Яъни бу ерда хўжалик юритувчи субъектларига иқтисодий эркинлик яратилмаганлиги учун уларнинг банкротлиги тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Банкротлик бизнинг қонунчилигимизга илк мартаба 1994 йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикасининг „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонуни қабул қилиниши билан янги ҳуқуқий институт сифатида кириб келди. Чунки бу пайтда республикамизда бозор муносабатлари ривожлана бориб, эркин рақобатга тобора йўл очила бошлагач, тадбиркорларнинг почор аҳволга тушиб қолиши билан боғлиқ муносабатларни, яъни банкротлик ҳолатининг вужудга келишини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга эҳтиёж туғилган эди.

Хорижий давлатларда банкротлик институти катта муаммоли масала сифатида тан олинади. Уларда бу мавзу бир неча юз йиллар давомида қўлланиб келинмоқда. Жумладан банкротлик билан боғлиқ муносабатлар дастлаб XVI асрнинг урталарида қонун нормалари билан тартибга солина бошланган. Аммо ўша пайтларда бу нормалар кўпроқ жиноий-ҳуқуқий тусда бўлган. Яъни корхонани банкротлик ҳолатига гуширганлик учун аксарият ҳолларда жиноий жавобгарлик

белгиланган. Банкротликнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилган ҳолда у билан боғлиқ муносабатлар ҳар доим ҳам жиноий тусда бўлмаслиги, кўпинча Фуқаролик, моддий-хуқуқий муносабатларга яқин бўлганлиги сабабли кейинчалик банкротлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи хуқуқ нормаларининг аксарият қисми Фуқаролик-хуқуқий нормаларни ташкил қила бошлаган.

Республикамиз бозор иқтисодиётига қадам қўйган дастлабки пайтларда тадбиркорларнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишига кўпинча хўжалик юритувчи субъектлари давлат тасарруфидан чиқарилган ҳолда улар хусусий шахслар қўлига ўтиб, бу шахсларда ҳали тадбиркорлик фаолияти борасида тажриба етарли эмаслиги сабаб бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса асосан корхона раҳбарларининг укувсизлиги, қонунчиликни яхши билмаслиги, давлат томонидан берилган имконият ва енгилликлардан етарли тарзда фойдалана олмаслиги, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонуниятларини чуқур ўрганмаслиги, шартномавий интизомга қатъи риоя этмаслиги, шерикларни танлашда алданиб қолиши, маркетингни юрита билмаслиги, талаб ва таклифни инобатга олмаслиги, меҳнат жамоаси фикри билан ҳисоблашмасдан, эскича усулда бошқарувни амалга ошириши боис тадбиркорлик субъектлари ночорликка юз тутмоқда.

Республикамизнинг амалдаги „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонуни (кейинчалик қонун деб юритилади) 1998 йилнинг август ойида қабул қилинди. Бу қонуннинг мазмун-моҳияти молиявий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган тадбиркорга нисбатан авваламбор соғломлаштириш чораларини қўллашга, агар бундай чораларни қўллаш лозим деб топилмаганда эса уни тугатиб, мол-мулкни кредиторлар олдида тақсимлаб беришга қаратилган.

Таъкидлаш керакки, қонун хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаммасига ҳам тадбиқ этилмайди. Чунончи ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган, яъни оператив бошқариш хуқуқи асосида фаолият кўрсатадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаслиги, жумладан уларнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилмаганлиги ҳамда улар молиявий-хўжалик фаолиятини эркин тарзда амалга ошира олмаслиги сабабли бундай корхона ва ташкилотлар банкрот деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Банкротликка оид қонунчилик жаҳон миқёсида 2 хил йўналишда ривожланиб бормоқда. Биринчи йўналишнинг моҳияти шундан иборатки (Англия, Германия ва ҳ.к. давлатларда), бундай банкротликка оид қонунчиликнинг моҳияти асосан ночор аҳволга тушган корхонани тезроқ тугатиб (банкрот қилиб), унинг кредиторлари қарзини қайтаришга қаратилган бўлади. Қонунчилиги иккинчи йўналиш бўйича (АҚШ, Франция ва ҳ.к. давлатларда) ривожланаётган давлатлардаги банкротликка оид ҳуқуқ нормаларида эса ночор аҳволга тушган корхонани имкон қадар сақлаб қолиб, уни ночор аҳволдан чиқаришга кўпроқ эътибор берилади.

Республикаимизнинг 1994 йил 5 майдаги „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонунда бу икки йўналишни бирлаштиришга қаратилган ҳуқуқий нормалар акс этган эди. Аммо кейинчалик қабул қилинган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг мазмунига эътибор берилса, бизда ҳам бу соҳадаги қонунчиликда иккинчи йўналишнинг хусусиятлари кўпроқ намоён бўла бошлади, яъни уларда қарздорни ночор аҳволдан чиқаришга алоҳида мойиллик сезилади. қонунчилигимизнинг бу йўналиш бўйича ривожланиши республикаимизга мосдир. Чунки мамлакатимиз аграр давлат ҳисобланади. Агар ночор аҳволга тушганлиги сабабли банкротлик аломати мавжуд деб, корхоналар шошма-шошарлик билан банкрот қилиб юборилаверса, қишлоқ хўжалигига, қолаверса мамлакатимиз иқтисодиётига жиддий зиён келтирилиши мумкин. Республикаимизда „**Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида**“ги Қонуннинг қабул қилиниши, амалдаги „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонунда айнан қишлоқ хўжалиги корхоналарига оид махсус ҳуқуқий нормаларнинг киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки бу қонунларда иқтисодий ночорликка юз тутган қишлоқ хўжалик корхоналарини банкрот деб эътироф этиш хусусиятлари билан бирга бундай корхоналарнинг иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Банкротлик тушунчаси италянча „**banco rotto**“ деган сўздан олинган бўлиб, аслида курсининг (ўриндиқнинг) синиши деб таржима қилинсада, шунингдек бу сўз қарздорнинг ночор аҳволга тушиб синиши, барбод бўлиши деган маънода ҳам кенг ишлатилади.

Қонунда кўрсатилишича, банкротлик (иқтисодий ночорлик) дейилганда хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг „Банкротлик тўғрисида“ги Қонунда банкротлик аломатлари юридик шахслар учун алоҳида, жисмоний тадбиркор шахслар учун алоҳида ўрнатилган.

Юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 6 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг пул маблағлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва тўлов мажбурияти уларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан 3 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятларнинг суммаси унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Банкротлик ишлари алоҳида тоифадаги ишлар жумласига киритилиши боис корхонани банкрот деб топиш тўғрисида судга даъво аризаси билан эмас, ариза билан мурожаат этилади. Ўз навбатида томонлар „даъвогар“ ва „жавобгар“ эмас, „кредитор“ ва „қарздор“ дейилади. Чунки бу ерда аризада даъво қилмайди. Фақат суддан корхонани ночор аҳволга тушганлиги сабабли уни банкрот деб топишни сўрайди. Шу сабабли банкротлик ишлари кўриб чиқиляётганида кредиторлик ёки дебиторлик қарзларига нисбатан даъво муддати ҳам қўлланилмайди.

Қонуннинг 5- моддасига кўра банкрот деб топиш учун хўжалик судига қуйидаги 4 хил тоифадаги шахслар ариза беришлари мумкин:

1. Прокурор;
2. Кредитор (солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ идораси ва бошқа ваколатли идоралар);

3. Қарздор;

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ва унинг вилоят бошқармалари (қарздорнинг мол-мулкида давлат улуши бўлса).

Шунингдек, ушбу моддада белгиланишича, қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзга шахслар ҳам ариза беришлари мумкин. қарздор-юридик шахс ўзини банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза бериши учун бу ҳақда мулкдорнинг ёки ваколатли давлат идорасининг қарори бўлиши керак. қарздор судга ўзини-ўзи банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериши учун унда давлат божи тўлаш учун етарли маблағи бўлиши шарт.

Аксарият хорижий давлатларнинг қонунчилигига кўра кредиторлик қарз мажбуриятини бажариш муддати бошланган куннинг эртасидан бошлаб, корхонани банкрот деб эътироф этиш мумкин. Яъни корхонанинг мол-мулки қийматидан унинг қарз мажбуриятлари қиймати ошган бўлиши ёки кредиторларнинг талаблари маълум вақт мобайнида ижро этилмаётган бўлиши уларнинг қонунчилигида талаб қилинмайди. Аммо шу билан бирга уларда банкрот деб эътироф этилиши учун корхонанинг кредиторлик қарзининг энг оз қиймати белгилаб қўйилган. *Масалан*, АҚШда 5 минг доллар, Англияда 750 фунт стерлинг, Россияда энг кам ойлик иш ҳақининг 500 (жисмоний шахслар учун 100) баравари миқдорида ва ҳ.к.

Банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза беришлик учун талабнома (претензия) билдирилиши, яъни тарафлар ўртасида низо ўзаро кўриб чиқилган бўлиши шарт эмас.

Корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризага қарздор корхонанинг сўнги бухгалтерия баланси, кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг кенгайтирилган рўйхати (кимдан, қачон, қанча миқдорда қарз бўлганлиги ёки қарз берилганлиги ва ҳ.к.), кредиторлик қарзининг 6 ойдан буён гулланмай келинаётганлигини асословчи ҳужжатлар ҳамда корхонанинг молиявий аҳволини акс эттирувчи бошқа хил маълумотлар илова қилиниши лозим.

Қонуннинг 2- моддасида банкротлик тушунчаси ҳам берилган бўлиб, унга кўра қарздорнинг қарзи тан олинган бўлиши керак. Агар кредиторнинг аризасида кўрсатилган талаб қарздор томонидан тан олинмаган бўлса, қарздор

банкрот деб топилмайди. Жумладан, „Шарқ“ акционерлик жамияти кредитор сифатида „Бўстон“ хусусий корхонасини банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судига ариза берган. Аризада кўрсатилишича, „Шарқ“ акционерлик жамияти „Бўстон“ хусусий корхонасига 2000 йилнинг 4 январ куни 2 миллион сўмлик маҳсулот берган. Аммо хусусий корхона бу маҳсулотнинг 1,5 миллион сўмини тўлаб, қолган суммани тўламаган. Шартномага кўра у маҳсулот ҳақини 1 ойлик муддат ичида, яъни 4 февралгача тўлаши керак бўлган бўлсада, судга ариза берилгунга қадар, яъни 01.01.2001 йилгача бу қарзини тўламаган. Шу сабабли хусусий корхонани банкрот деб топиш сўралган.

Суд жараёнида қарздор кредиторнинг бу талабини тан олмаган ва маҳсулот ҳақининг қолган 500 минг сўмлик қисмини „Шарқ“ акционерлик жамиятининг хатига асосан „Зиёд“ масъулияти чекланган жамиятига ўтказиб берганлигини билдирган. Кредитор эса қарздорнинг бу важига эътироз билдирган. Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш учун асос бўлган кредиторлик қарзи бўйича тарафлар ўртасида низо мавжудлиги, яъни бу қарз тан олинмаган қарз бўлганлиги учун кредиторнинг аризасидаги талабни рад қилган. қарз бўйича низо мавжуд экан, кредитор бу ерда аввалом бор ушбу қарзини ундириш учун хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиши лозим эди.

Судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза келиб тушгач, кредиторлар шу қарздорга нисбатан ўз талабларини қондириш учун якка ҳолда даъво аризаси билан судга мурожаат эта олмайди. Агар хўжалик юритувчи субъект банкрот деб топилса, кредиторлар ўз талабларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси орқали тугатиш комиссиясига билдиришлари керак.

Кредиторлар йиғилишида ҳар бир кредитор талаблар жами суммасига мутаносиб тарзда овозга эга бўлади. Агар кредиторлар йиғилишида қарздор мажбуриятлари умумий суммасининг камида 32 қисми миқдориди талабномалар билдирилаётган кредиторлар ҳозир бўлган бўлса, йиғилиш *ваколатли* ҳисобланади. Йиғилишда масалалар ҳозир бўлган кредиторларнинг кўпчилилик овози билан (50%дан ошиқ бўлган) қабул қилинади.

Қонуннинг 10- моддасида кредиторларнинг талаблари реестри юритилиб, унда ҳар бир кредитор, пул мажбурият-

лари ва мажбурий тўловлар бўйича кредитор талабларининг миқдори, ҳар бир талабнинг қондирилиш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

2- §. Ўз-ўзини банкрот деб топиш тартиби. Санация тушунчаси ва унинг тайинланиши

Хўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаларни фақат хўжалик суди кўриб чиқади. Шунингдек, қонуннинг III бобига кўра хўжалик субъектлари судга мурожаат қилмасдан туриб ҳам ўзини-ўзи банкрот деб топиши мумкин. Бунинг учун корхонанинг раҳбари ихтиёрий тугатиш ҳақида қарор чиқаради, уни кредиторлар маъқуллайди, сўнгра бу қарор мулкдор (қарздорнинг мол-мулкида давлат улуши бўлса Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси ҳам) томонидан тасдиқланади. Қарор мулкдор томонидан (қарздорнинг мол-мулкида давлат улуши бўлса Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси томонидан ҳам) тасдиқланган пайтдан бошлаб қарздор банкрот бўлган деб ҳисобланади. Агар кредиторларнинг лоақал биғтаси бу қарорни маъқулламаса, ёки кредиторларнинг барчаси маъқулласа-ю, аммо мулкдор бу қарорга норози бўлса, қарздор ўзини-ўзи банкрот деб топа олмайди. Бундай ҳолда у қонунда белгиланган тартибда хўжалик судига банкротлик аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Қарздор ўзини-ўзи банкрот деб топган тақдирда ҳам у „Банкротлик тўғрисида“ги Қонунда белгиланган тартибда тугатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг **30-моддасига** кўра, ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар қарздор турган жойдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

Ушбу кодекснинг **23- моддасига** кўра юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар ёки тадбиркор жисмоний шахслар хўжалик судида тараф сифатида иштирок этишлари мумкин. Яъни корхонанинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган бўлинмалари банкрот деб топилиши мумкин эмас. Чунки уларнинг қарз мажбуриятлари бўйича юқори ташкилоти жавоб беради.

Туман давлат Солиқ инспекцияси хўжалик судига „**Моҳир**“ савдо уйининг ваколатхонасини банкрот деб топиш

тўғрисида ариза билан мурожаат қилган. Суд ушбу аризани кўриб чиқиб, ваколатхона мустақил юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаганлиги учун иш юритишни тугатган.

Аризачи ваколатхонанинг низомига асосан унга юқори турувчи ташкилот томонидан юридик шахс ҳуқуқи берилганлигини, ваколатхона муҳрига ва балансига эга эканлигини, ўз фаолияти учун мустақил тарзда солиқ тўлаб боришлигини таъкидлаб, суднинг ажримидан норози бўлган ҳолда юқори инстанция судига шикоят қилган. Юқори инстанция суди эса ажримни тўғри чиқарилган деб баҳолаб, уни ўз кучида қолдирган. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **47- моддаси 3- бандида** кўрсатилишича, „агар қонунда (низомда эмас) бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди“.

Хўжалик судига банкротлик тўғрисида ариза берилаётганида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 мартдаги 120- сонли қарорига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоридида давлат божи тўланиши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар қарздорнинг тўлов қобилияти тикланса ёки у кредиторлар билан келишув битими тузса, суд қарздорни банкрот деб топмасдан, иш юритишни тугатади.

Қарздорнинг мол-мулкида давлатнинг улуши бўлса, суд Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг бошқармасига ҳам ажрим юбориб, унинг фикрини билиши керак. Қўмита 2 ҳафта ичида мазкур корхона учун санация ўтказиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида маълум қилади. Агар санация ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилиб, кредиторлар унга рози бўлишса, суд иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради, агар рози бўлишмаса, суд иш юритишни давом эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонунининг **40-1- моддасига** кўра хўжалик судининг мажлисида банкротлик тўғрисидаги иш ариза кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиши лозим.

1999 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленуми „**Ўзбекистон Республикасининг**

„Банкротлик тўғрисида“ги Қонунини хўжалик судлари томонидан тадбиқ этилишининг айрим масалалари тўғрисида“ги 78- сонли қарор қабул қилди. Унинг 3- бандига кўра башарти, банкротлик ҳақидаги иш бўйича иш юритиш кўзга тилангандан сўнг, хўжалик судига бошқа кредитор томонидан ўша қарздорни ночор деб топиш ҳақида ариза тушса, хўжалик суди аризани қабул қилишни рад этади ва айни пайтда аризага кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқини кўрсатади.

3- §. Ташқи бошқарув — янги ҳуқуқий институт сифатида

Ўзбекистон Республикасининг „Банкротлик тўғрисида“ги 1998 йил 28 август қонунда илк мартаба „Ташқи бошқарув“ ҳуқуқий институти акс этди.

Ташқи бошқарув — хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида тайинланадиган ҳамда қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қўлланиладиган банкротлик таъмилидир. Содда қилиб айтиладиган бўлса, ночор аҳволга тушган қарздорнинг раҳбари ўрнига шу соҳани яхши билладиган, иқтисодни, бошқарув сирларини чуқур ўзлаштирган бошқа киши муайян муддатга хўжалик суди томонидан раҳбар қилиб (ташқи бошқарувчи) тайинланади.

Агар қонунларда ўзгача ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг қарори, мулкдорнинг (қарздорнинг мол-мулкида давлат улуши бўлса Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг) аризасига кўра хўжалик суди томонидан жорий этилади. Ташқи бошқарув 12 ойдан 24 ойгача бўлган муддатга жорий этилади.

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан бошлаб, қарздорнинг раҳбари ўз вазифасидан четлаштирилади ва унинг ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади. Қарздорнинг мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларига, шунингдек, пеняларга нисбатан ҳам мораторий жорий этилади (музлатилади). Аммо қонунда кўзда тутилган фоизлар бўйича қарз мажбуриятларига мораторий жорий қилинмайди. Ташқи бошқарув тугаганидан кейин қарздор пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга

тўлаши шарт бўлган неустойкалар, шунингдек, етказилган зарар суммаларини ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги миқдорда тўлаш талаб қилиниши мумкин.

Ташқи бошқарув жорий этилгач, 3 кун ичида корхонанинг барча бухгалтерия ҳужжатлари, бошқа ҳужжатлар, муҳр, штамп, мол-мулклар ташқи бошқарувчига топширилиши шарт.

Мораторий ташқи бошқарув жорий этилганидан сўнг вужудга келган қарздорнинг қарз мажбуриятларига нисбатан тадбиқ этилмайди. Шунингдек, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун келиб чиққан талабларга нисбатан ҳам мораторий тадбиқ этилмайди.

Ташқи бошқарувчининг номзодини хўжалик судига кредитор, қарздор, мулкдор, ваколатли давлат органи таклиф этиши мумкин. Аммо бу номзодларни кредиторлар йиғилиши кўриб чиқади ва кўп овоз олган номзодни (бир нечта бўлса) маъқуллашиб, сўнгра ушбу номзодни тайинлаш учун хўжалик судига беришади.

Ташқи бошқарувчининг номзоди кредитор, қарздор, мулкдор, ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилмаса, хўжалик суди Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси таклиф этган номзодни тайинлайди. Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Ташқи бошқарувчи ўзига юклатилган вазифаларни бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, у муддатидан олдин хўжалик суди томонидан ўз вазифасидан озод этилиши мумкин.

Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари қуйидагича:

- кредиторлар йиғилишини ёки кредиторлар кўмитасини чақириш;
- қонунда назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш;
- бошқа шахсларни шартнома асосида ишга қабул қилиш ва ҳоказо.

Агар қарздорнинг шартномасини бажариш ўхшаш ҳолатларда тузиладиган айни шундай шартномаларга солиштириганда қарздор учун зарар келтириладиган бўлса ёки шарт-

нома узоқ муддатли ё фақат узоқ истиқболда қарздор учун ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса ёхуд қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга монельлик қилувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ташқи бошқарувчи у тайинланган кундан эътиборан 3 ой ичида қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар тузилган ва тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларини бажаришдан бош юртишга ҳақли.

Ўз навбатида қонунда ташқи бошқарувчига муайян мажбуриятлар ҳам юклатилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

— қарздорнинг мол-мулкани қабул қилиш ва уни инвентаризация қилиш;

қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкани қидириш, аниқлаш ва қайтариш чораларини кўриш;

ташқи бошқарувни юритиш ва ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун махсус ҳисоб варағи очиш;

аниқ муддатлари кўрсатилган ҳолда ташқи бошқарув режасини 1 ой ичида ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига (кўмитасига) тақдим этиш (режа кредиторларнинг кўпчилилик овози билан қабул қилинади);

бухгалтерлик, статистика ҳисобини ва ҳисоботини юритиш;

қарздорга кредиторлар қўйган талаблар юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириш;

қарздорнинг қарзини ундириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

кредиторлар талабларининг реестрини юритиш;
якуний ишлар бўйича кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

бошқа хил мажбуриятлар.

Қонунда ўзга қоида назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг мақолали давлат органи ташқи бошқарувчининг қарздор мол-мулкани тасарруф қилиш билан боғлиқ ҳуқуқини чеклаши мумкин эмас.

Ташқи бошқарувчи қонунда ёки ўз режасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, йирик битимларни (баланс қиймати қарздор кўчмас мулкнинг ёки битим тузиш пайтидаги акциялари баланс қийматининг 10 % идан кўпроғини ташкил қилувчи мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим) ва манфаатдорлик назарда тутилган битимларни (битим, қўйи ташкилотлар, қарздорнинг раҳбари, ижроия

органи, кузатув кенгаши аъзолари, бош ҳисобчи, таъсисчилар, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар 1 йил давомида ўз вазифасидан озод қилинган мансабдор шахслар билан тузиладиган битимлар) кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) розилиги билан амалга оширади.

Қарздор томонидан илгари тузилган битим ташқи бошқарувчининг аризасига кўра хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздорнинг мажбуриятлари ташқи бошқарув жорий этилганидан сўнг вужудга келган ва кредиторлар талаблари суммасининг 20 % дан ортиқни ташкил этган бўлса, кейинги тузилган барча битимлар учун (агар режада қўрсатилган бўлмаса) мулкдорнинг ва кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) розилиги бўлиши керак.

Агар режада кўзда тутилган бўлса, ташқи бошқарув пайтида қарздор корхонанинг ўзи мулкӣ мажмуа сифатида учинчи шахсга аукцион, танлов йўли билан сотилиши мумкин. Аммо бунда амалдаги меҳнат шартномалари ўз кучини сақлаб қолади ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари сотиб олувчига ўтади.

Ташқи бошқарув пайтида қарздорнинг кредиторлари олдидаги мажбуриятлари мулкдор ёки учинчи шахслар томонидан тўлиқ қопланиши мумкин.

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув тугашига 15 кун қолгач ёки муддатидан олдин кредиторлар йиғилишига ҳисоботни тақдим этади. Ушбу йиғилиш баённомаси ва ҳисобот сўнгра хўжалик судига тасдиқлаш учун юборилади. Суд эса ҳисоботни тасдиқлаш ёки рад қилиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Агар хўжалик суди томонидан кредиторларнинг шикоятлари асослилиги ёки қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги аломатлари йўқлиги аниқланса, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад қилади.

Ташқи бошқарув фойда билан якунланган тақдирда хўжалик суди ташқи бошқарувнинг ҳисоботини тасдиқлаб, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун муддат белгилайди. Бу муддат 6 ойдан ошмаслиги керак. Агар бу муддат давомида кредиторлик қарзлари тўлиқ қопланса, қарздорнинг, мулкдорнинг, бошқа кенгашларнинг ваколатлари қайта тикланади. Агар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда кредиторлар билан ҳисоб-китоб тўлиқ амалга

оширилмаса, яъни кредиторлик қарзини қоплаш учун маблағларни бўлмаса, суд қарздорни *банкрот* деб топади. Хўжалик сўли ҳал қилув қарорида корхонани банкрот деб топиш билан бирга корхонани тугатишга доир иш юритишни бошлашни ҳам кўрсатиши керак.

4- §. Банкрот бўлган тадбиркорлик субъектининг тугатилиши

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг **146- моддасига** кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарори у қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач, қонуний кучга киради. Ўзбекистон Республикасининг „**Банкротлик тўғрисида**“ги Қонунининг **41- моддасида** кўрсатилишича, хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори агар хўжалик суди томонидан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши керак.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги хабар суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб 10 кун ичида расмий нашрда эълон қилиниши ва кредиторлар томонидан ўз қарзлари бўйича эътирозлар билдирилиши учун 2 ой муддат белгиланиши керак.

Қарздор банкрот деб эълон қилинган пайтдан бошлаб қарздорнинг ўз мол-мулкани тасарруфидан чиқариши, ўзга шахсга бериши ва пул мажбуриятларини тўлаши таъқиқланади, ҳисоб-китоб ҳисоб варағи бўйича операциялар, шикелендлар ва мажбурий тўловлар тўлаш тўхтатиб қўйилади. Қарздорнинг барча қарз мажбуриятлари муддати ўтиб кетган ҳолда ҳисобланади, унга янги талабларни тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Қарздор қарзларининг барча турлари бўйича пенялар ва фоизлар ҳисоблаш бекор қилинади. Қарздорнинг мол-мулкига ундирувни қаратишга нисбатан барча чеклашлар олиб ташланади. Агар қабул қилинган қарорлар қонуний кучга кирмаган бўлса, хўжалик судида кўрилаётган қарздорнинг прокидаги барча мулкий низолар тугатилади. Шу пайтдан бошлаб мулкий ёки молиявий тусдаги барча талаблар қарздорга фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қўйилиши мумкин.

Корхона банкрот деб топилганидан сўнг унинг мол-мулкани тугатиш учун тугатиш комиссияси тузилади.

Тугатиш комиссиясига ишончли шахс бошчилилик қилади. қарздорнинг бошқарув органлари ишончли шахс тасдиқланган пайтдан бошлаб уч кун ичида қарздорнинг бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қийматли нарсалари ишончли шахсга берилишини таъминлайди.

Ишончли шахс қарздорнинг дебиторлик қарзини ундириш чораларини ҳам кўради. Яъни қарздор *банкрот* деб топилсада, аммо у юридик шахс сифатида мавжуд бўлади ва судда даъвогар сифатида иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолатда даъво аризасини корхонанинг раҳбари эмас, *ишончли шахс* имзолайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „**Корхоналар банкротлиги ва санация механизмини такомиллаштириш тўғрисида**“ги 1999 йил 23 июль Фармонида кўра ишончли шахслар ва тугатиш комиссияси томонидан тақдим этилган дебиторлик қарзларини ундириш бўйича даъво аризалари кейинчалик айбдор шахсдан ундириб олиш шарти билан олдиндан давлат божи тўланмасдан ҳам иш юритиш учун қабул қилинади.

Корхонанинг мол-мулки инвентаризация қилиниб, баҳоланганидан кейин, очиқ ким ошди савдосида сотилади. Сотилаётган мол-мулк учун баланс қиймати бошланғич баҳо бўлади. Биринчи ким ошди савдосида сотилмай қолган мол-мулк такрорий ким ошди савдосига қўйилади ёки ким ошди савдоси ўтказмай тузилган олди-сотди шартномаси асосида ишончли шахс томонидан реализация қилинади.

Қарздор — банкротнинг барча активлари, балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиш массасини шакллантирувчи асосни ташкил қилади.

Қуйидагилар тугатиш массасига кирмайди:

1. Қарздорни ходимларининг хусусий мулкидаги мол-мулк.
2. Ишончли (траст) бошқарувдаги, ижарага олинган мол-мулк.
3. Гаровга олинган мол-мулк.
4. Омонат учун берилган мол-мулк.
5. Қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулклар.

Банкрот бўлган қарздор корхона мулкий мажмуа сифатида тўлиғича сотилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда корхона сотилаётган пайтда амал қилиб турган барча меҳнат

шартномалари ўз кучини сақлаб қолади, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари корхонани сотиб олувчи ихтиёрига ўтади.

Сўд харажатларини, ташқи бошқарувчига, ишончли шахста ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, жорий коммунал ва фойдаланиш тўловларини қоплаш, шунингдек, тўловдорнинг ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жарасида юзага келган мажбуриятларига доир талабларни қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказиш ёки беришни назарда тутувчи ишроо ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари доирасида ҳақ тўлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, мулклик субъектларининг бюджетга тўловлар бўйича ҳамда маҳдудатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи талаблар биринчи навбатда қондирилади. Мазкур талаблар тўлиқ қондирилганидан сўнг ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда фуқароларнинг уларнинг мол-мулкига жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қоплашга доир талаблари қондирилади.

Мажбурий суғурта бўйича талаблар, шунингдек, банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар *иккинчи* навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари *учинчи* навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари *тўртинчи* навбатда қондирилади.

Акциялар эгаларининг талаблари *бешинчи* навбатда қондирилади.

Қолган барча талаблар *олтинчи* навбатда қондирилади.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла-тўқис бажарилганидан кейин қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла-тўқис қондиришга етарли бўлмаган ҳолларда бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва иш юритиш харажатлари тўланганидан кейинги қолдигини тугатилаётган қарздор мол-мулкнинг эгаси (эгалари) олади.

Мол-мулк етарли эмаслиги сабабли қондирилмаётган қолган қарз мажбуриятлари *узилган* деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „**Корхоналар банкротлиги ва санация механизмини такомиллаштириш тўғрисида**“ги 1999 йил 23 июль Фармонида кўрсатилишича, агар банкрот деб топилган корхонанинг мол-мулкида давлат улуши бўлса, унинг мол-мулкни сотиш муддати бир йилгачадир. Республика ҳукумат комиссиясининг қарори билан бу муддат яна 6 ойгача узайтирилиши ёки мол-мулкнинг сотилмай қолган қисми давлат ҳисобига ўтказиб юборилиши мумкин.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин ишончли шахс хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Хўжалик суди ҳисоботни кўриб чиқиб, тугатишга доир иш юритиш якунланганлиги тўғрисида ажрим чиқаради ва уни юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга 10 кун ичида юборади.

Хўжалик судининг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асосдир.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайдан бошлаб ишончли шахснинг ваколатлари бекор қилинади, тугатишга доир иш юритиш якунланган, қарздор эса *тугатиш* деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг „**Банкротлик тўғрисида**“ги қонунининг **91- моддасида** кўрсатилишича, хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида қарздор ва кредиторлар келишув битими тузишга ҳақлидирлар.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади ва улар вакил қилган шахс битимни имзолайди. Қарздор томонидан эса бу битим тегишинча қарздор-жисмоний шахс ёки қарздор-юридик шахснинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки ишончли шахс томонидан имзоланади.

Келишув битими ёзма шаклда бўлиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланади ва шу пайтдан бошлаб қарздор ва кредиторлар учун кучга киради ҳамда мажбурий ҳисобланади.

Келишув битими ташқи бошқарув жараёнида тасдиқланганда, кредиторлар талабларининг қондирилишига жорий этилган мораторий ҳамда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади. Агар тугатишга доир иш юритиш даврида тасдиқланганда, хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ижро этилмаслиги керак. Ўз навбатида битим тасдиқланган пайтдан бошлаб ташқи бошқарувчи ва ишончли шахсларнинг ваколатлари бекор қилинади.

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда битим тузилмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг „**Банкротлик тўғрисида**“ги 1998 йил 28 август қонунида илк мартаба қарздор-юридик шахслар айрим тоифаларининг банкротлиги хусусиятлари алоҳида кўрсатиб берилди.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадларида ишлатилаётган ва банкрот деб топилган қишлоқ хўжалиги корхонасига тегишли бўлган кўчмас мол-мулк объектлари сотилаётганда ушбу объектларни сотиб олишда бошқа шартлар тенг бўлгани ҳолда айнан шу ҳудудда жойлашган қишлоқ хўжалиги корхоналари устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор вазиятлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий ҳолатида ёмонлашиш содир этилган бўлса, ташқи бошқарув муддати бир йилга узайтирилиши мумкин.

Банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия қайтариб олинганидан кейингина қабул қилинади.

Қарздор банкнинг ихтиёрий равишда ўзини *банкрот* деб эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Банкка ташқи бошқарув жорий этилмайди.

Банкрот бўлган суғурта ташкилотининг мулкий мажмуасини сотиб олувчи фақат суғурта ташкилоти бўлиши мумкин.

Хўжалик суди суғурта ташкилотини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда бундай ташкилот суғурталовчи сифатида тузган, мазкур қарор қабул қилинган санага қадар суғурта ҳодисаси бошланмаган барча шартномалар бекор қилинади.

Жисмоний шахсни *банкрот* деб топиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш ҳуқуқига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича, шунингдек, шахсий тусдаги бошқа талаблар билан чиқувчи кредиторлар бундан мустасно. Аммо улар бундай талабни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётган пайтда қўйиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига кўра ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк тугатиш массасига кирмайди.

Хўжалик суди жимоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш билан бир пайтда, агар 3- шахслар томонидан асослантирилган кафиллик берилмаган бўлса, жисмоний шахснинг мол-мулкани хатлаб қўяди.

Хўжалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан бошлаб унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади, шунингдек, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун унга берилган *лицензия* бекор қилинади.

Банкрот деб топилган жисмоний шахс унинг банкротлиги эътироф этилган кундан бошлаб бир йил ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Хўжалик судининг жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига ҳаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздорнинг мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади.

Банкрот деб топилган жисмоний шахсни кредиторларининг талабларини қондириш тартиби қонуннинг **125-моддасида** берилган.

Қонунда банкротлик таомилининг соддалаштириш хусусиятлари ҳам алоҳида акс этган.

2 хил ҳолатда хўжалик юритувчи субъектни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш мумкин. **1- ҳолат** шундан иборатки, олти ой давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги муносабати билан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган қарздор—юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондиришга етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси ушбу юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига мурожаат этиши керак. Хўжалик суди аризани кўриб чиқиб, агар талаб асосли бўлса, юридик шахсни соддалаштирилган тартибда *банкрот* деб топади.

2- ҳолат ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топишдир. Бунда қарздор-жисмоний шахс ёки амалда ўз фаолиятини тугатган қарздор-юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва унинг қаердалигини аниқлашнинг имкони йўқ бўлиши керак. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза у қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафталик муддат ичида кўриб чиқилмоғи лозим.

Банкротликни келтириб чиқарган ғайри-ҳуқуқий ҳаракатлар қилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай ғайри-ҳуқуқий ҳаракатларга қарздор мол-мулкининг ёки мажбуриятларининг бир қисмини ёки ҳаммасини яшириш, қарздорнинг маънавий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни яшириш ёки йўқ қилиш, уларни сохталаштириш, мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мулкдорининг шахсий манфаатларини, ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қарздорнинг тўловга қобилиятсизлигини ошириш, кредиторга зарар етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда бошқа ҳар қандай усул билан қасддан банкротликка олиб келиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **180- ва 181- моддаларига** кўра сохта банкротлик ҳамда банкротликни яширганлик учун жиноий жавобгарликлар кўзда тутилган. Бу ҳақда мазкур дарсликнинг тадбиркорлик субъектларнинг жиноий жавобгарлигига оид бобида батафсил сўзланган.

1- §. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари

Тадбиркорлар ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида мавжуд бўлиши, уни фаолият юритишининг асосий шарти-уни маълум ҳуқуқларга эга эканлиги, ҳуқуқ соҳиби сифатида қонун томонидан эътироф этилиши ҳисобланади. Худди шу муносабат билан „**Ҳуқуқ**“ ибораси этимологик маъноси ҳақида бир оз тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. *Ҳуқуқ* ва *ҳуқуқ* *лаёқати* ўзига хос узвий иборалар ҳисобланади. ҳар қандай субъект, шу жумладан тадбиркор ҳуқуқ соҳиби бўлиш учун энг аввало ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш лозим. ҳуқуқ назарияси бўйича ҳуқуқ лаёқати инсондан ажралмас, унга доимий хос бўлган хусусият бўлиб, инсон бутун умри давомида, ёшидан, саломатлик ҳолатидан қатъи назар ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Ҳуқуқ лаёқати ўз моҳиятига кўра ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажара олиш қобилияти ҳисобланади. „**Ҳуқуқ**“ тушунчаси ғоят кенг маънода қўлланиладиган тушунчадир. Юридик адабиётларда унинг ўнлаб таърифи мавжуд. Энг асосий мезон-масалага қайси нуқтаи назардан, *сиёсий-ҳуқуқий*, *иқтисодий-ҳуқуқий*, *ижтимоий-ҳуқуқий* нуқтаи назардан туриб ёндашишга боғлиқ. Бироқ юқоридаги нуқтаи назарлардан туриб ёндошув ушбу дарслик доирасидан ташқари чиқади. Биз учун энг асосийси соф ҳуқуқий нуқтаи назардан „**ҳуқуқ**“ тушунчасига таъриф бериш ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан олганда „**ҳуқуқ-бу субъектга берилган имконият**“, „**ҳуқуқ-бу субъект учун мавжуд эркинлик**“, „**ҳуқуқ-бу субъектга берилган руҳсатнома**“ сифатидаги анъанавий қарашлар мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқ элементлари таҳлил этилганда „*ҳуқуқ-бу субъектнинг ваколатлари мажмуи*“ сифатида ҳам талқин этилади. Бу ўринда масаладан биров четга чиқилса ҳам „*табиий ҳуқуқлар*“ ва „*тақдим этиладиган ҳуқуқлар*“ назариясига тўхтаб ўтиш ўринлидир. „Табиий ҳуқуқлар назариясига“ кўра инсонга туғилишидан хос бўлган ҳуқуқлар мавжуд. Бу ҳуқуқ давлат

гомонидан унга берилмайди, балки ўз-ўзидан мавжуд бўлади, давлат бу ҳуқуқни тан олишга эътироф этишга ва унга риоя қилишга мажбур. Бу ҳуқуқлар марказида инсонни янаш ҳуқуқи, унинг шахси, даҳлсизлиги туради. Давлат ски бошқа ҳар қандай ижтимоий тузилма бу ҳуқуқларни чекламайди, уни олиб қўя олмайди. Шунн эътироф этиш лозимки, табиий ҳуқуқлар назарияси дунёнинг ижтимоий-снссий тараққиётига, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни белгилашга жуда катта таъсир кўрсатади. XVII—XVIII асрларда шаклланган бу таълимот сарчашмаларида **Гуго Граций, Ж. Лильберн, Ж. Локк, Т. Жеферсон, Т. Пейн, Ж. Ж. Руссо** каби мутафаккирлар турган эдилар.

Бу ҳуқуқий таълимот ғоялари у ёки бу даражада кўпгина мамлакатлар ҳуқуқ меъёрларида шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган иккинчи бўлимида ҳам ўз ифодасини топган.

Табиий ҳуқуқлардан фарқли равишда „*тақдим этиладиган ҳуқуқлар*“ бу давлат томонидан тегишли қонунларда мустақкамлаб қўйиш асосида инсонларга, фуқароларга берилладиган ҳуқуқлар ҳисобланади. Давлатнинг демократик моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий даражаси ушбу ҳуқуқларнинг мазмунини, қўламини ва таъминлаш даражасини белгилайди.

Хўш, *тадбиркорлик ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра табиий ҳуқуқми ёки тақдим этиладиган ҳуқуқми?* — деган савол тутилиши табиий. Бу саволга жавоб бериш учун биринчи олда тадбиркорлик субъекти нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик, ҳисобга олиш лозим бўлади. Яқин ўтмиши-мида ҳуқуқ субъектларини тадбиркорлик фаолияти билан шўу улланиш имкониятлари амалда деярли бўлмаганлиги, бинобарин, *тадбиркорлик давлат томонидан йўл қўйилладиган ски йўл қўйилмайдиган фаолият турига мансуб эканлиги ҳақидаги ғоя*“ тадбиркорликни табиий ҳуқуқлар туркумига киритишни инкор этади. Бироқ бозор муносабатларига асосланган тизим моҳиятини таҳлил этганда бу тизим асосини, негизини тадбиркорлик ташкил этишини унутмаслик лозим. Тадбиркорлик субъекти, унинг ҳуқуқлари мавжуд бўлмаса унинг объекти бўлган бозор муносабатлари ҳам мавжуд бўлмайди. Демак, бозор муносабатлари тизимида -

ўзининг табиий ҳуқуқларига эга, бу ҳуқуқлар бўлмаган тақдирда тизим ҳам яшай олмайди. Бошқа томонидан олганда жисмоний шахс кўп ҳолларда юридик шахснинг ўзагини, негизини, ўзига хос „*субстрати*“ни ташкил этади.

Бинобарин, агарда инсонни тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи агарда у ёки бу даражада „*табиий ҳуқуқи*“ сифатида халқаро ҳуқуқ меъёрларида эслатиб ўтилган бўлса, демак бу ўринда муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлган, ечимини топган деб ҳисоблаш мумкин бўлар эди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган „**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси**“да инсоннинг тадбиркорлик ҳуқуқи ҳақида бевосита норма мавжуд эмас.

Бироқ, Декларациянинг **17- моддасида** „*Ҳар бир инсон якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш соҳибидир*“, **23- моддада** эса „*Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш ҳуқуқига эгадир. ҳар бир ишлаётган одам ўзи ва оиласи учун муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эгадир*“ деб кўрсатилади. Ушбу ҳуқуқлар эса тадбиркорлик ҳуқуқларининг ўзагини бошқача айтганда, негизи ҳисобланади.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1986 йилда „**Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида**“ халқаро Пактни қабул қилди. Ушбу Пактда ҳам „*давлатлар меҳнат ҳуқуқини эътироф этадилар, ушбу ҳуқуқ ҳар бир кишининг меҳнат билан тирикчилик учун маблағ ишлаб топиш имкониятини қамраб олади*“ (**6- моддаси, 1- қисм**), „*давлатлар ҳар бир кишининг ўзи оиласи учун етарлича турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар, етарлича озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароитларининг муттасил яхшилаб бериш шу жумлага киради*“. Давлатлар ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур чораларни кўрадилар (**2- модда, 1- қисм**)“ деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёрлар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тадбиркорлик ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир, чунки меҳнат ҳуқуқи ва даромад олиш ҳуқуқини энг юқори, ўз тақомиллиги ва қиёмига етган шакли-бу тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари доирасидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **53- моддасида** бозор

муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий-
нинг асосий мақсади эканлиги белгилаб қўйилган ва бунда
дашлат тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаши ҳам ўз
ифодасини топган.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, тадбир-
корлик эркинлигини конституциявий мақомга кўтарилиши
лунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қонунчилигида ҳам
кузатилмаган ва бинобарин у Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг
юқори даражасидан дарак беради.

Юқорида тадбиркор ҳуқуқ субъекти сифатида жисмоний
шахс ва юридик шахс бўлиши мумкинлиги қайд этилган
ди. Бироқ, тадбиркорнинг ҳуқуқлари доирасини белгилашда
биринчи галда жисмоний шахсни назарда тутиш муҳим
аҳамиятга эга. Буни жуда ўринли деб ҳисоблаш мумкин,
чунки жисмоний шахс ҳар доим реал мавжудот, юридик
шахс формал ва мавҳум тузилма. Шу нуқтаи назардан
олганда тадбиркор-жисмоний шахс ҳуқуқлари унинг инсон,
шахс, фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликлари билан
увийй ва чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этиш лозим.
Инсон ҳуқуқларининг қуйидаги турлари бевосита тадбир-
кор-жисмоний шахс ҳуқуқларининг амалга оширилишида
муҳим аҳамиятга эга:

- а) барча шахсларнинг қонун олдида тенглиги;
- б) шаън, қадр-қимматини ҳимоя қилиниши;
- в) бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш, Ўзбе-
кистон ҳудудига эркин кириш ва ундан чиқиш;
- г) ахборотлар излаш, олиш ва уни тарқатиш;
- д) ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳар
қандай ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан
инишиб чиқиш имкониятига эга бўлиш;
- з) мулкдор бўлиш, ижтимоий таъминот олиш ва шу
кабилар.

Ушбу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конститу-
циясининг 18-, 27-, 28-, 29-, 30-, 36-, 39- моддаларида
мустақкамлаб қўйилган. Конституциянинг 54- моддасида
мулк ҳуқуқининг мазмуни, унинг асосий элементлари,
мулкдор ваколатларининг четараси аниқ-равшан белгилаб
қўйилган ва бу ҳолат ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга
оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тадбиркорнинг махсус, ўзига хос ҳуқуқлари унинг тад-
биркор сифатидаги ҳуқуқий мақоми (мақсадини) тадбир-

корликнинг фойда (даромад) олиш мақсадини кўзлаган ҳолда таваккалчилик асосида ташаббускорлик билан фаолият кўрсатиш белгиларида яққол ифодаланади ва улардан бевосита келиб чиқади.

Тадбиркорлик энг муҳим ҳуқуқлардан бири-бу якка ўзи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (яъни, товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, харид қилиб олиш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш борасидаги фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар, давлат корхоналари ва бошқа корхоналар, шунингдек уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, акциядор жамиятлари ва бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатлари, иттифоқлари, ассоциялари, концернлари, конциорциумлари, корпорациялари ва бошқа бирлашмалари, қўшма корхоналар, биржалар, банклар, суғурта жамиятлари, инвестиция, пенсия фондлари ва бошқа фондлар, бошқа бирлашмалар, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар) билан биргаликда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтиришга ҳақли эканлиги ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги Қонуннинг **8-моддаси**да тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқлар мазмунан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятларини таъминлайди. Бу ҳуқуқлар мажмуи тадбиркорлик субъектларининг асосий туб ваколатларини мустаҳкамлайди. Бу ҳуқуқлар бирортаси истисно этилса, у ҳолда тадбиркорлик фаолиятини тўлақонли равишда амалга ошириб бўлмайди.

Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари куйидагича белгиланган:

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этишга ҳақли. Бир қарашда бу гўё барча ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлган ҳуқуқ сифатида қаралиши мумкин. Аслини олганда ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси **36-моддаси**да ҳамма мулкдор бўлишга ҳақли деб кўрсатилади. Бироқ бошқа субъектларни мулкдор бўлиш ҳуқуқи бу шунчаки потенциал имконият бўлса, бу ҳуқуқни амалга ошириш, бу субъект учун жиддий оқибатлар келтириб чиқармайди. Бироқ тадбиркор учун мулкдор бўлиш ҳуқуқи, мулккий ҳуқуқларни

амалга ошириш ҳуқуқи, бу ҳаётий зарурият бўлиб, бусиз тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин эмас. Бошқача аниқанда тадбиркорлик фаолияти бу энг аввало иқтисодий фаолиятдир. Иқтисодий фаолият негизида эса мол-мулк ётади.

Қонунда тадбиркорни ўзига тегишли мол-мулк тушунчасини кенг маънода талқин этиш лозим. Шу сабабли ҳам бундай мол-мулк таркибига моддий объектлар, қимматбаҳо қоиозларга нисбатан мулк ҳуқуқи, шунингдек, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳам киради. Тадбиркорни муайян мулккий манфаатлар кўриш имкониятини таъминловчи ашёвий ҳуқуқлари, бошқа мулккий ҳуқуқлари ҳам тадбиркорни мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлар доирасига киради.

Тадбиркорни ўзига тегишли мол-мулкка нисбатан мулккий ҳуқуқларни амалга ошириш қонунда, яъни Конституцияда (**54- модда**), **ФК (2- бўлим)** ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

Мулк ҳуқуқининг мазмуни **ФКнинг 164- моддаси**да мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка:

а) ўз хоҳишига кўра (яъни, ўз эрки-иродаси билан, ўзи истаган ҳолатда);

б) ўз манфаатларини кўзлаб (яъни мулкдор томонидан ўзи мулккий ҳуқуқларини амалга ошириш мотивацияси-бу ҳуқуқлар унинг ўз моддий ёхуд маънавий қаноатланиши, наф кўриши учун рўй беради. *Масалан*, ўзи ёки яқинларининг жисмоний ёки бошқача моддий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилади, ҳатто мулкдор ўз мол-мулкидан кўчир-эҳсон қилган тақдирда ҳам унда ўз инсонийлик бурчини бажариш маънавий манфаат амалга ошади);

в) эгаллик қилиш (эгаллик қилиш мулкдор томонидан мол-мулкни ўз қўлида, ўз ихтиёрида, ўз эрки-иродасининг таъсири доирасида, ўз бошқарувида сақлаб туришини англатади);

г) ундан фойдаланиш (мол-мулкдан фойдаланиш мол-мулк объектларини истеъмол қилиш, унинг фойдали хусусиятларини олиш, эксплуатация қилишни англатади);

д) уни тасарруф этиш (мол-мулкни тасарруф этиш, унинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш ёхуд ўзидан бегоналаштириш ҳолатларини англатади);

е) шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиши (мулкдорни ўз мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ФКнинг **228- моддасида** кўрсатилган *виндикацион даъво* асосида ва **231- моддада** кўрсатилган *негатор даъво* қўзғатиш асосида амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Мулк ҳуқуқини амалга оширишда мулкдор тегишли мол-мулк объектларидан фойдаланиш, уларни сақлаш қоидаларига риоя қилиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти бўлган юридик шахслар ўз мол-мулкларини юридик шахс баланс ҳужжатларида акс эттиришлари шарт. Юридик шахс томонидан сотиб олинган мол-мулк дарҳол балансга киритилиши, сотиб юборилган, нобуд бўлган ёки бошқа тарзда бегоналаштирилган мол-мулк балансидан чиқарилиши лозим.

2. Тадбиркор мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларни танлаш ҳуқуқига эга. Маълумки, ҳозирги замон тадбиркорлик ишлаб чиқариш фаолияти жуда мураккаб жараён. Бу жараёнда тадбиркор ўз фаолиятини гоят пухталиқ билан ташкил этиши режалаштирилиши талаб этилади. Хом-ашёни қаердан олади ва кимдан олади, қандай технологияни қўллайди, қандай механизмдан фойдаланади, ишлаб чиқаришни қандай ташкил этади, буларнинг ҳаммасини тадбиркорлик субъекти, ўзи мустақил равишда белгилайди. Бу ишлаб чиқариш хўжалиқ жараёни бўлиб, ҳеч ким тадбиркорлик субъектига мажбурий кўрсатма, буйруқ беришга ҳақли эмас. Тадбиркор ўз ишлаб чиқаришида, унга ёрдам берувчи субъектларни ва уларнинг маҳсулотларини ўзи танлайди ва улар билан эркин шартномавий муносабатларга киришади. Тадбиркор ўз маҳсулотлари, хизматлари ва ишларининг истеъмолчиларини ҳам ўзи эркин равишда танлайди ва улар билан ихтиёрийлик асосида шартномалар тузади. Демак, бу соҳада тадбиркорга мажбурий кўрсатма берилиши мумкин эмас.

3. Тадбиркор тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этишга ҳақли (товарлар, ишлар, хизматлар бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно). Бу ҳуқуқ тадбиркорларнинг энг муҳим

ҳуқуқларидан бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам тадбиркорлик (фаолиятдан кўзланган пировард мақсад, бу фойда олиш (даромад олиш) бойлик орттириш, моддий манфаат кўриш ҳисобланади.

Одатда тадбиркорнинг даромади (фойдаси) деганда, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа сарф-харажатлар, шунингдек, мажбурий тўловлар, солиқлар, бож тўловлари ва шу кабилар чегириб ташлангандан кейин тадбиркор ихтиёрида қолган соф фойда суммасига айтилади.

Умумий қоида бўйича, бундай даромадлар ҳажми, миқдори чекланмайди, бундай даромад пул кўринишида, валюта маблағлари кўринишида, мол-мулк кўринишида бўлиши мумкин.

Тадбиркор бу даромадни, ўз ихтиёрига кўра эркин сарфруф этади, яъни хоҳласа, ўз истеъмоли учун сарф қилади, хоҳласа ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаши мумкин, хоҳласа хайр-эҳсон қилиши мумкин. Бироқ, баъзи тадбиркорлик субъектлари бозорда монопол устун мавқега эга. Ўзбекистон Республикасининг „**Товар бозорларида монополия фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги 1996 йил 17 декабрдаги қонунида бозорда устун мавқега эга бўлган субъект ҳолатига таъриф берилган. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига асосан устун мавқе-хўжалик юритувчи субъектнинг ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозоридида ёхуд бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозоридида ўзига (ўзгаларга) рақобатта ҳан қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини ўзга тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқеси, бозордаги улуши 60 фоиз ва ундан зиёдини ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеси устун мавқе ҳисобланади.

Бозорда устун мавқега эга бўлган тадбиркорлик субъектларини оладиган даромадлари фойдасининг максимал ҳиссалиари давлатнинг ваколатли идоралари (монополияга ёрнини кураш қўмитаси) томонидан белгилаб берилади. Бозорда устун мавқега эга бўлган тадбиркорлик субъектини бунорада чекланиши энг аввало истеъмолчиларни, харидорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Аслини олганда бозорда устун мавқега эга бўлган субъектнинг ҳуқуқини чеклаш, адолат ва инсоф нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

4. Тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини) ишлаб чиқаришларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақли (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно). Одатда бозор тизими шароитида нарх-наво талаб ва таклиф асосида белгиланади. Бозорнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркор ўз маҳсулоти (хизмати)га баҳони ўзи бир тарафлама белгилайди ва бу ҳолда ушбу баҳога рози бўлган истеъмолчи қўшилиш шартномаси орқали (ФКнинг 360- моддаси) тадбиркор билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Баҳо белгилашнинг бошқа усулида эса баҳо тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Одатда маъмурий йўл билан нарх-навони белгилашга йўл қўйилмайди. Давлат нарх-наво даражасига асосан иқтисодий усуллар орқали таъсир этади. Айни вақтда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда товарлар, хизматлар, ишлар баҳоси давлатнинг ваколатли идорлари томонидан белгиланиши мумкин. *Масалан*, табиий монополия субъектлари маҳсулотлари (хизматларига), бозорда устун мавқега эга бўлган субъектлар товарлари (хизматлари)га, баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат буюртмаси бўйича харид қилишда ва ҳ.к. (бу ҳақда батафсил ушбу дарсликнинг тегишли-бобига қаралсин).

5. Тадбиркорлик фаолияти субъекти бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиши ва (ёки) ижарага олиши, шу жумладан *лизинг* йўли билан олишга ҳақли. Тадбиркор ўз фаолияти учун зарур бўлган барча зарур воситаларни олди-сотди шартномаси орқали ўзига мулк сифатида харид қилиб олиши мумкин. Энг асосийси, бу воситалар Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган бўлиши лозим. Айни вақтда Фуқаролик қонунларида олди-сотди шартномаси умумий қоидалари билан, айрим мол-мулк объектларини сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган. *Масалан*, кўчмас мулкни сотиб олиш (ФКнинг 479—488- моддалари), корхонани сотиб олиш (ФКнинг 489—496- моддалари). Бинобарин, тадбиркор ушбу белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда турли мол-мулк объектларини сотиб олишга ҳақли. Қонунда бинолар, иншоотлар, ускуналарни *лизинг* (молия ижараси) орқали

ошнинг ҳуқуқига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу бежиз эмас албатта. Лизинг биз учун нисбатан янги шартнома тури бўлса ҳам, у ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Лизингнинг афзаллиги шундаки, янги техника, ускуналарни сотиб олишга имкони бўлмаган тадбиркорлик субъекти (лизинг олувчи) учун бошқа бир субъект, *масалан* тижорат банки (лизинг берувчи) ўз маблағи ҳисобидан лизинг шартномаси асосида янги техника, ускуна сотиб олиб беради ва унга эгаллик қилиш, фойдаланиш учун топширади. Лизингнинг кредитдан афзаллиги шундаки, бунда лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда лизинг парчасини (ускунани) ўзига қайтариб олади, бинобарин уни таваккал қилиш даражаси анча паст. Кредитда эса олинган кредит маблағи умуман йўқ бўлиб кетиш таваккали мавжуд ва бундай ҳолларда кредитни қайтариш эҳтимоли ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди.

Лизинг шартномаси лизинг олувчи учун ҳам фойдали. У энг янги техникани ўз ишлаб чиқаришида дарҳол фойдани ва натижада самарадорлик фойдани оширишга имкон беради. Агарда ўзи бу техникани сотиб олиш учун пул тўпловларида анча вақтдан ютқазган бўлур эди. Лизинг бўйича муносабатлар **ФКнинг 587—599- моддалари**да ва лизинг турисидаги махсус қонун билан тартибга солинади.

Тадбиркорнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири-бу тадбиркор томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб ошнинг ҳисобланади.

Бошқаларни мол-мулкни жалб этиш ҳақ тўлаш эвазига (*масалан*, ижара) ва текин (*масалан*, ссуда) амалга оширилиши мумкин. Бунда тадбиркор билан мол-мулк соҳиби ўртасида шартнома тузилади.

Одатда бошқаларни мол-мулкдан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган шакли **ижара** ҳисобланади. Ижара асосида ижарага берувчи мол-мулкни ижарага олувчига ҳақ эвазига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун топширади. Ижара предмети бўйича қонунда мулк ижараси (**ФКнинг 585—557- моддалари**), прокат (**ФКнинг 558—563- моддалари**), транспорт воситалари ижараси (**ФКнинг 564—572- моддалари**), бинолар ва иншоотлар ижараси (**ФКнинг 573—578- моддалари**), корхоналарни ижарага олиш (**ФКнинг 579—586- моддалари**),

лизинг, яъни молиявий ижара (ФКнинг 587—599- моддалари), уй-жой ижараси (ФКнинг 600—616- моддалари) каби ижара турлари фарқланади.

Умумий қоида бўйича ижара шартномаси предмети сифатида ер, бошқа табиий ресурслар бўлганда тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ижара шартномасида ижара предмети, унинг қиймати, ижара ҳақи, ижара муддати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара предмети, фойдаланиш шартлари ва тартиби, ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш, ёмонлаштириш оқибатлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва шу каби ҳолатлар назарда тутилиши мумкин.

Ижара предметиға, ижара муддати ва суммасига қараб ижара шартномалар баъзи ҳолларда нафақат ёзма тузилиши, балки у нотариал гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам талаб этилади, *масалан*: корхонани ижарага олишда (ФКнинг 586- моддаси) ижара тадбиркорлик муносабатларида кенг қўлланилади. Ижара орқали тадбиркор ўзи сотиб олишға қурби етмайдиган, бироқ ўзига зарур бўлган мол-мулкни ёхуд ўзига фақат вақтинчалик зарур бўлган мол-мулкни фойдаланиш учун олиш, ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш имконига эга бўлади.

Баъзи ҳолларда тадбиркор бошқа шахсларни мол-мулкни **рента** тўлаб туриш шарти билан фойдаланишға олиши мумкин. Рента муносабатлари ФКнинг 512—529- **моддаси** билан тартибға солинади.

Бировларнинг мол-мулкидан текин фойдаланиш ҳам ўзининг ҳуқуқий асосларига эга. Тадбиркор ўз фаолиятида бошқаларнинг мол-мулкни текин фойдаланишға олган тақдирда ФКнинг 617—630- **моддаси**да белгиланган қоидаларға риоя қилиши шарт.

Тадбиркор бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳам ихтиёрий асосларда ўз фаолиятини амалға оширишда жалб этишға ҳақли. У қуйидаги шаклларда рўёбға чиқариши мумкин:

- а) қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотиш;
- б) қарз ва кредитлар олиш.

6. Тадбиркорлик фаолияти субъекти белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишға ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган очиқ давлат. Мамлакатимиз дунё бо юрида ўз мавқега эга бўлишга интиломда. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари учун ташқи иқтисодий муносабатларга кенг йўл очиқ. Ташқи иқтисодий муносабатлар орқали мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар чет давлатларга чиқарилади, республикамизга чет эл инвестицияси кириб келади, энг юқори техника ва технологиядан фойдаланиш имкониятлари вужудга келади. Давр шиддати ва ривож турли тадбиркорлик субъектлари ўртасида халқаро алоқаларни йўлга қўйишни талаб этади. Иқтисодий соҳадаги бېқиклик ва маҳдудлик охир оқибатда тараққиётдан четда қолнишга ва таназзулга олиб келади.

Айни вақтда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг муайян тартиби мавжуд ва у мамлакат ички тадбиркорлик муомаласи тартибидан фарқ қилади. Бу фарқнинг мавжудлиги турли мамлакатларда турли хил қонунларнинг амал қилиши, субъектларнинг ҳуқуқий мақоми ва битимлар тузиш ва ижро этиш бўйича ўзига хос тартиб қоидалар мавжудлиги билан боғлиқ. Айни вақтда давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, ўзига хос манфаатларга ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни ўзига хос тартибини белгилашни тақазо этади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий муносабатлар „**Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида**“ги Қонун (2000 йил 26 майда қабул қилинган) билан тартибга солинади. Ташқи иқтисодий фаолият деган Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолият тушунилади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидирлар (Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуннинг **3-моддаси**). Бинобарин аввалги тартибдан фарқли равишда ҳозир ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун махсус рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди. Ташқи иқтисодий фаолиятда шунингдек этувчи тадбиркор қонун ҳужжатлари доирасида

ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шакллари ни мустақил белгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз хоҳишига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб этиш, ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги даромадга қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга ҳақли. Олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматли қоғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси, энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилиши мумкин (ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган товарлар бундан мустасно).

Айни пайтда ташқи иқтисодий фаолият муайян маънода давлатни иқтисодий ва сиёсий манфаатлари билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам ҳеч қайси давлат бу фаолиятга нисбатан бепарқ қараб тура олмайди. Бинобарин, ташқи иқтисодий фаолиятда муайян чеклашлар мавжуд.

Масалан, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунда *экспорт-импортни* чеклаш асослари ва тартиби, *демпингга* қарши кураш чоралари мустаҳкамлаб қўйилган (бу ҳақда ушбу дарсликнинг тегишли-бобида муфассал тўхтаб ўтилган).

Юқоридаги ҳуқуқлардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари гарчи тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлса ҳам лекин бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ниҳоятда зарур бўлган бошқа қатор ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир.

Тадбиркорлар ҳам ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурталаниш ҳуқуқларига эгадирлар.

Маълумки ижтимоий таъминот ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39- моддасида бевосита мустаҳкамлаб қўйилган: *„Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлган ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга“*. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилган давр белгиланган тартибда меҳнат стажига

қилинади. Тадбиркор қариганда қариллик пенсияси олишга, меҳнат қобилиятидан касаллик сабабли қисман ёки бутунлай мажбур бўлганда ногиронлик пенсияси олишга, вақтинчалик тегишлиликда нафақа олишга ҳақли бўлади. Бироқ бу ҳуқуқлар ўзининг амалга ошмайди. Бунинг учун тадбиркор пенсия тўловларига ажратмаларни ўз вақтида тўлаб туриши лозим. Бу ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланилган давр пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига киритилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилган давр ҳақида ёзув тадбиркорнинг меҳнат дафтарчасига тадбиркорни рўйхатга олган орган, *масалан* туман ҳокимлиги томонидан қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг **282- моддасига** асосан барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим. Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар (бинобарин тадбиркорлар ҳам), шунингдек, суғурталанган ходимларнинг ўзлари ҳам баъзан бўлади. Суғурта бадалларининг миқдори, тўлаш тартиби, бу маблағлардан фойдаланиш тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, ҳоллар эса бундан ташқари;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар; давлат томонидан бериладиган қариллик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминлантирилади. Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурталанган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларни соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

Тадбиркорлик таваккалчилик билан боғлиқ бўлгани сабабли тадбиркор ўзининг мол-мулкини, шунингдек, фаолиятини ҳар хил табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалар муваффақиятсизликлардан суғурта қилдириши мумкин. Бироқ бу ижтимоий суғурта ҳисобланмайди, **ФКнинг 914—961 - моддалари** билан тартибга солинади.

Ўзини ижтимоий суғурта қилишдан бош тортган, бўйин товлаш ва суғурта тўловларини тўламаслик тадбиркорнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини қийинлаштиради. Бироқ бунда ҳам тегишли шартлар мавжуд бўлганида у ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқини йўқотмайди. Тадбиркор томонидан иш берувчи сифатида давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганлиги тадбиркор корхонасида ёлғаниб ишлаётган ходимларни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг **283- моддаси 2- қисми**). Тадбиркор хўжалик муносабатларининг субъекти сифатида доимий равишда бошқа ҳар хил субъектлар билан доимий ўзаро муносабатда бўлади. Бундай ўзаро муносабатлар ҳар доим силлиқ кетавермайди. Кўп ҳолларда низоли, баҳсли ҳолатлар вужудга келади. Мана шундай ҳолатларда тадбиркор ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун реал имкониятларга эга бўлиши шарт. Бундай имконият қонуннинг **7- моддаси 8- қисмида** ўз ифодасини топган. Бунга асосан тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъватлари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақлидирлар (қонунларга мувофиқ ҳеч сўзсиз қўлланиладиган чоралар бундан мустасно).

Тадбиркорнинг хўжалик муносабатларининг бошқа субъектлари билан бўладиган низоли ҳуқуқий муносабатларини ҳал этиш тартиби хўжалик процессуал ва Фуқаролик-процессуал қонунларда белгилаб қўйилган. *„Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий Хўжалик Суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади“* (ХПК **3- моддаси**).

Тадбиркор ўзининг бузилган ёки даъво қилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли ва бу ҳуқуқ қонун томонидан кафолатланади. Ҳеч ким тадбиркордан бу ҳуқуқдан фойдаланмасликни талаб эта олмайди, ҳатто бунга тадбиркорни мажбур қилган тақдирда ҳам у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Низолар судларда хўжалик юритувчи субъектларни кимлигидан, қайси мулк шаклига мансублигидан қатъи назар суд ва қонун олдида тенглиги асосида кўрилади.

2- §. Тадбиркорларнинг мажбуриятлари

Тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга эга бўлиши билан бир қаторда тегишли мажбуриятлари ҳам улар зиммасига юкланади. Тадбиркор биринчи навбатда амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши, уларга риоя қилиши лозим.

Қонун томонидан назарда тутилган мажбуриятлар дейилганда, амалдаги қонунларда ва қонун ости ҳужжатларида белгилаб қўйилган ва риоя қилиниши шарт бўлган ҳатти-ҳаракатлар қоидалари тушунилади. Мажбуриятлар ўз характериға кўра умумий ва махсус бўлиши мумкин. қонунларда назарда тутилган умумий мажбуриятлар барча учун тааллуқли бўлади. *Масалан*, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **48—52- моддалари**да мана шундай умумий мажбуриятлар ўз ифодасини топган:

- Конституцияға ва бошқа қонунларға риоя қилиш;
- бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш;
- атроф-муҳитға эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;
- қонун белгилаган солиқлар, маҳаллий йиғимларни тўлаш ва ҳ.к.

Қонунларда белгилаб қўйилган умумий мажбуриятлар доираси ниҳоятда кенг ва хилма хилдир ва бу ҳақда муфассал тўхтаб ўтиш ушбу дарслик мавзуси доирасидан ташқари чиқади. Тадбиркор риоя қилиши шарт бўлган умумий мажбуриятлар жиноят, Фуқаролик, маъмурий, меҳнат қонунлари ва шу кабиларда ўз ифодасини топган. Айни вақтда тадбиркор зиммасига махсус мажбуриятлар ҳам юкланган. қонунларда белгилаб қўйилган махсус мажбуриятлар доираси ҳаммага тааллуқли бўлмасдан, фақат тадбиркорларға ва тадбиркорлик фаолиятини айрим соҳалари билан шуғуullanувчи шахслар зиммасига юклатилади. Бундай мажбуриятлар кўлами ва турлари ҳам ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. Бундай мажбуриятлар энг аввало тадбиркор шахс, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва бошқа субъектлар билан бўлган муносабатларға боғлиқдир. *Масалан*, фаолиятни ёлланма меҳнатни талаб қилган ҳолда амалға ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва

корхонани рўйхатдан ўтказишга мажбур. Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар, уларда фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фаолияти, буюмларнинг номи ёки рамзи, буюмни ифодаловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиб, албатта маркировка қилиниши керак.

Тадбиркорнинг энг муҳим мажбуриятлари орасида солиқлар ва маҳаллий йиғимлар тўлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Солиқ тўлаш билан боғлиқ муносабатлар 1997 йил 27 апрелда қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилган Солиқ кодекси билан тартибга солинади. Мамлакатимизда солиқлар тизими умумдавлат давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборатдир.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **9- моддаси**да тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Бундай мажбуриятлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари шарт. Тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу мажбуриятга риоя қилиш унинг ўзи учун ҳам бутун жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агарда бозор тизимида турли тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий мулк муносабатлар шартномалар орқали расмийлаштирилишини эътиборга олсак, бу ҳолат яққол намоён бўлади. Тадбиркорлик субъектларини шартнома бўйича мажбуриятини бажармаслиги тадбиркорни ўзи учун ҳам ва бошқа кишилар учун ҳам жиддий салбий оқибатлар, ноқулайликлар келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, бу ҳолат аҳолини айрим товарлар, хизматлар, ишларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қаноатлантирмасликка олиб келади. Демак, иқтисодий фаровонликка салбий таъсир кўрсатади. Энг ёмони тадбиркорлар ўртасида ўзаро ишончсизлик, масъулиятсизлик ва нобарқарорликнинг вужудга келишига олиб келади. Худди шу сабабли ҳам бу мажбуриятларни бузганлик учун ФКда белгиланган жавобгарликдан ташқари **„Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида“**ги Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган. Тадбиркорлик фаолияти субъекти шартнома бўйича мажбуриятини бажарганда шартнома шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилишлари лозим. Одатда умумий қоида бўйича

мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Баъзи тадбиркорлик шартномаларида шартнома бўйича ижрони гувоҳлантириш тартиби мавжуд. Масалан, қурилиш пудрати шартномаси бўйича қурилган объектни қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги далолатнома ёки маҳсулот, хом ашёни қабул қилиб олинганлиги тўғрисида ҳужжат ва ҳоказо;

2. Тадбиркорлик субъекти хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари шарт. Бу тадбиркорлик субъектини ўз фаолиятида доимий равишда амал қилиши лозим бўлган мажбуриятидир. Тадбиркорлик фаолиятида риоя этиш лозим бўлган хавфсизлик қоидалари кенг қамровли тушунчадир. Унинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилган, товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, теварак атрофдагилар учун ва истеъмолчилар учун хавфсиз бўлиши, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки учун ҳеч қандай хавф туғдирмаслиги лозим. Айни вақтда тадбиркор экология талабларига риоя қилиши, яъни теварак-атрофни, табиатни, табиий ресурсларни ифлослантирмаслиги, зарар етказмаслиги ва мавжуд мувозанатни салбий томонга ўзгартирмаслиги шарт.

Санитария қоидаларини белгилашдан пиروвард мақсад аҳоли саломатлигига, зарарли таъсир кўрсатиш ҳолатлари ва юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳисобланади. Санитария қоидалари инсонни қулай атроф муҳит шароитларига эга бўлиш ҳуқуқини амалга оширишининг муҳим кафолатидир. Санитария талаблари тадбиркорлик субъектларининг барчаси учун муҳим мажбурият бўлиб ҳисобланади. Бу мажбурият аҳолининг кенг қатламларига хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилиши усидан давлат санитария назорати тўғрисида махсус қонун мавжуд гигиена талаблари ҳам санитария талаблари билан узвий боғлиқ гигиена талаблари асосида тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда истеъмолчилар, теварак атроф учун озодлик, тозалик, қулайликни ва юқори сифатли хизмат маданиятини таъминлашга қаратилган қоидалар ётади. Умумий овқатланиш, маданий-маиший тадбиркорлик субъектлари учун маълум гигиена қоидаларига риоя қилиш муҳимдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тадбиркорлик субъектига ёлланиб ишлаётган ходимлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, хавфсизлик техникаси анжомларини шай қилиб қўйиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймасликни таъминлашга йўналтирилади.

Тадбиркор томонидан хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш нафақат ижтимоий манфаатларга, балки тадбиркорнинг ўз манфаатлари ва истеъмолчиларнинг манфаатига ҳам хизмат қилади. Хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тегишли қонунларда, қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйилади. Айрим тармоқлар, соҳаларда фаолият юритиш хусусиятларидан келиб чиққан маҳаллий давлат ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳам ўз ваколатлари доирасида юқоридаги қоидаларни белгилашга ҳақли. Тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан олдин субъект ушбу қоидалардан хабардор бўлмоғи шарт.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, шартлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9- бобида белгилаб қўйилган. Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди (МКнинг **153-моддаси**). Иш берувчи (тадбиркор) ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар ёлланган ходимга бажарган иши учун ҳақни ўз муддатида тўлаши лозим. Бу муддат жамоа шартномасида ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларга иш ҳақи, одатда, улар ишлаётган жойда тўланади.

Тадбиркорлар фаолиятининг субъекти реализация қилнадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари шарт. Сертификат товарларни белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Сертификатлаштиришдан мақсад одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилишини назорат қилиб бориш, истеъмолчининг

манфаатларини ҳимоя қилиш, товар ишлаб чиқарувчи таъкидлаган сифат кўрсаткичларни тасдиқлаш ҳисобланади. Муайян товарларга нисбатан (озик-овқат, дори-дармон ва бошқалар) мажбурий сертификатлаштириш белгиланади. Сертификатлаштириш мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Мажбурий сертификатлаштириш меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синашни сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратни ўрнатишни ўз ичига олади. Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлар) томонидан ҳақ эвазига амалга оширилади. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган аммо мувофиқлик сертификатиغا эга бўлмаган маҳсулотни гарғиб қилиш, реклама қилиш, сотиш ман этилади. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса, сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса, сертификатни амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган бўлса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган „**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**“ги Қонуннинг **13-моддаси**да тадбиркорларнинг товарларни мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Унга асосан мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тадбиркорлар:

— мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

— сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;

— сертификатланган маҳсулотни, башарти у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

— мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотини сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монетликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

— сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киририлган ўзгартиришлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

Илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларини кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчилар харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари шарт.

Бухгалтерия ҳисоботи юритишдан мақсад тадбиркорларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни шакллантириш ҳисобланади. „**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**“ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (Ушбу қонун 1996 йил 20 августда қабул қилинган) 3-моддасига асосан барча тадбиркорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия молия ҳисоботини тақдим этади. Бухгалтерия ҳисоботини тартибга солиш бухгалтерия ҳисоб стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоботи қонун 6-моддасида бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари белгилаб қўйилган. Унга асосан бухгалтерия ҳисоби икки ёқлама ёзув усулида юритилиши, узлуксиз юритилиши ҳужалик операциялари, актив ва пассивлар пулда баҳоланиши лозим ва ҳоказо. Бухгалтерия ҳисоби ҳисоботини ташкил этишни корхона раҳбари, якка тадбиркор амалга оширади. Бунда бухгалтерия ҳисоби тўла ва аниқ юритилиши ва ҳисобкитоб ҳужжатлари сақланиши шарт. Ҳужжатлар бошлангич реквизитлари қуйидагилардир:

1) корхона, муассасанинг номи;

2) ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой ҳужалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолатда ва пулда ифодаланган ҳолатда) масъул шахсларнинг шахсий имзолари;

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса пул ҳужжатларида тузатишлар, ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди. (**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуннинг 9- моддаси**).

Бухгалтерия ҳисоблари асосида молиявий ҳисобот тузилади. Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) бухгалтерия баланси;
- 2) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- 3) асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- 4) пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- 5) хусусий капитал тўғрисидаги ҳужжат;
- 6) изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

„Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида“ги Қонуннинг 16- моддаси Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси тўғрисидаги қонуннинг **11- моддасига** асосан барча тадбиркорлик фаолияти субъектлари уларнинг структура бирликлари давлат статистика кузатувлар ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни бепул тақдим этадилар. Давлат статистикаси юритишдан мақсад иқтисодий ва ижтимоий жараёнда рўй бераётган жараёнларни аниқлаш учун кузатиб бориш ҳисобланади. Бу жараёнлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши учун давлат ваколатли идоралари томонидан статистик ҳисоботлар шакллари тасдиқланган.

Тадбиркорлик субъектлари статистик ҳисоботлар тайёрлашда ушбу белгиланган шаклга тўлиқ риоя қилиши лозим.

Бу шаклга ўзгартириш қўшимчалар киритиш таъқиқланади. Тезкор ҳисоботлар ҳам тадбиркорлик фаолиятини у еки бу тармоқларидан хусусан қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади. Тезкор ҳисоботлардан кўзланган мақсад давлат бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларини кундалик хўжалик ишларидан хабардор бўлиши ва ўз вақтида (оператив) тезкор ёрдам бериш ҳисобланади. Масалан, қишлоқ хўжалигида баҳорги экин, кузги ҳосилни йиғиштириб олиш мавсумидаги тезкор ҳисоботлар, экинларга ҳашорат тушганлиги ёки чорва моллари юқумли касалликлар юққанлиги тўғрисидаги тезкор ҳисоботлар киради.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари лозим.

Юқорида тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисоботлари статистик ҳисоботларни юритиши қайд этилган эди. **Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуннинг 18—19- моддаларида** молиявий ҳисобот даври ва тақдим этиш даври белгилаб қўйилган. Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

- 1) солиқ органларига;
- 2) таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;
- 3) давлат статистика органларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошидан қўшилиб боровчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошқора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фондлар ва товар биржалари инвестиция ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач ҳисобот йили туганидан сўнг 1 майгача эълон қилишлари шарт.

Давлат статистикаси тўғрисидаги қонуннинг **11- моддасига** мувофиқ барча тадбиркорлик субъектлари давлат статистика кузатувиغا ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни бепул тақдим этадилар. Статистика маълумотлари аниқ бўлиб тўла ҳажмда белгиланган муддатда ва белгиланган адреслар бўйича тақдим этилиши лозим. Статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби давлат статистика органлари томонидан тасдиқланган давлат ҳисоботи шаклларида белгилаб борилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти почта манзили ва бошқа реквизитларининг ўзгарганлиги тўғрисида тегишли органларни ўз даврида хабардор қилишлари шарт. Маълумки, **ФКнинг 46- моддасига** асосан юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқани амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда у ўзгарганда ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт. Юридик шахсни номи ва жойлашган ери, почта манзили, унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Бу ўринда юридик шахснинг юридик ман-

чили билан унинг почта манзили ўртасида муайян фарқ бўлишини ёдда тутиш лозим. Агарда юридик манзил юридик шахсни муайян ҳудудда, кўчада, бинода жойлашганини қайд қиluvчи маълумотлар бўлса, почта манзили эса юридик шахсга юбориладиган хат-хабарлар почта корреспонденцияларини ўтказиб берувчи манзил ҳисобланади. Почта реквизитлари юридик шахсга юбориладиган хат-хабарлар почта корреспонденциялари ўз вақтида аниқ етиб боришини таъминлайди. Ваколатли давлат органлари ана шу почта манзилларига амал қилиб иш кўришади. Бошқача айтганда почта манзили юридик шахс билан бошқа субъектлар ўртасида доимий барқарор алоқани таъминловчи ўзига хос восита ҳисобланади. Қонунда почта манзиллари билан бирга бошқа реквизитлар тўғрисида қоидалар ўз ифодасини топган. Одатда юридик шахснинг реквизитлари жумласига унинг номи, жойлашган жойи, юридик манзили, почта манзили, шу жумладан баъзи ҳолатларда телефон, факс, электрон почта, молиявий ҳужжатларда эса банк муассасаларида ҳисоб рақами ҳам курсатилади, бинобарин юқоридаги реквизитлар ўзгарган тақдирда юридик шахс бу ҳақда ўзини рўйхатдан ўтказган давлат идорасига ва ушбу тадбиркорлик субъектининг фаолиятини назорат қилиш ваколатларига эга бўлган бошқа давлат идораларига (*масалан*, санитария назорати, ёнғиндан сақлаш хизмати ва шу кабиларга) хабар қилиши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ушбу мажбуриятни бажармаган тақдирда қонун ҳужжатларида бунинг учун белгили жавобгарлик белгилаб қўйилган. Бундан ташқари тадбиркор томонидан ушбу мажбуриятта риоя қилмаслик ўзи учун қатор салбий оқибатлардан келтириб чиқаради. *Масалан*, процессуал қонунчилик бўйича, агарда юридик шахс тадбиркор даъвогар ёки жавобгар сифатида судда қатнашганда ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида судни ўз вақтида хабардор қилмаса, эски почта манзили бўйича юборилган ҳужжатлар ва чақирув қоғози тадбиркор учун муайян ҳуқуқий оқибатларда вужудга келтиради: яъни, у харажатларни ва чақирув қоғозини ўз муддатида олган ҳисобланади ва унинг ҳеч қандай эътирози қабул қилинмайди.

Тадбиркор зиммасига юкланган мажбуриятлардан бири бу ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурга қилишдир. Бу мажбурият тадбиркорни иш берувчи

соҳиб сифатидаги мавқеидан келиб чиқади. Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармасига мажбурий ажратмалар тарзида пул ўтказиб туради.

Умумий қоидага кўра, тадбиркор ёлланган ходимни вақтинчалик мавсумий ёки доимий ишга қабул қилинганидан қатъи назар ижтимоий суғурта қилдиришга ва тўловларни тўлашга мажбурдир.

Ижтимоий суғурта тўловларга ходимлар иш ҳақидан ҳеч қандай пул ушлаб қолмасдан тўланади. Тадбиркор тегишли касаба уюшмасида ва ижтимоий суғурта идораларида суғурталовчи сифатида рўйхатдан ўтиш ва меҳнат шартномаси (контракти) асосида ёлланиб ишловчи барча ходимлари учун давлат ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган тартибда бадаллар тўлайди, *масалан*, деҳқон хўжалиги бошлиғи ҳам деҳқон хўжалиги аъзолари учун бадаллар тўлайди. (Деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонуннинг 13- моддаси, 5- банди).

Тадбиркор ходимларнинг ижтимоий муҳофаза қилиниши учун пенсия, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий суғурта фондларига мажбурий тўловлар тўлаб туради.

Ижтимоий суғурталанган ходимлар меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганда нафақалар, қарилик, ногиронлик, боқувчисидан жудо бўлганлик учун пенсиялар билан таъминланадилар.

Тиббий суғурта ҳам одатда ишга ёлловчи тадбиркор томонидан амалга оширилади. Тиббий суғурта маблағи Конституциянинг **40- моддасида** кўрсатилган ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқининг моддий негизи бўлиши лозим.

Тиббий суғурта шартлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Ижтимоий ва тиббий суғурта тадбиркорлик учун мажбурий тўлов бўлиб, ундан бўйин товлаш ёки бош тортишга тадбиркор ҳақли эмас.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Бинобарин, тадбиркорлар ҳам турли туман касбдаги шахсларнинг хизматига муҳтож бўладилар ва демак уларни ишга ёллайдилар. Тадбиркор қонунларга мувофиқ махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касбкори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиш шарт.

Тадбиркорнинг зиммасига юклатилган ушбу мажбурият тадбиркорнинг ҳам, унга ёлланиб ишлаётган ходимларнинг ҳам, уларнинг фаолият натижаларидан (маҳсулотлари, хизматидан) баҳраманд бўладиган истеъмолчиларнинг манфаатлари нуқтаи назардан белгилангандир. Зарур билимга ва кўникмага эга бўлмаган шахсга мана шундай сифатлар талаб қиладиган ишларни топшириш ҳар учала тараф учун оғир, салбий, баъзан тузатиб бўлмас мудҳиш оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси МКнинг 80- моддаси, 5- қисмида „қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини تامомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади“ деб кўрсатилади. Турмушда бундай касблар доираси жуда кенг ва хилма-хил (врач, шофёр, учувчи ва ҳ.к.).

Ходимни махсус билим ва кўникма талаб қиладиган ишга ёллашда, у бир вақтнинг ўзиде:

- 1) зарур тайёргарликка эга бўлиш;
- 2) касб-кори жиҳатидан яроқли бўлиши;
- 3) тегишли маълумотга эга бўлиши шарт.

Ходимни зарур тайёргарликка эга эканлиги унда бўлиши иши, иш шароитлари, хавфсизлик қоидалари, иш юритиш тартиби ҳақида тўғри тасаввурга эга эканлиги ёхуд ишлари шу ишларда росмана (нормал) ишлаганлиги тушунилади.

Касб-кори жиҳатидан яроқли бўлиши деганда, шахснинг жисмоний хусусиятлари, ёши, соғлиги, жинси, ҳуқ атвори ва шу каби белгиларига кўра топшириладиган вазифага мувофиқлиги, мослиги назарда тутилади.

Тегишли маълумотга эга эканлиги белгиланган тартибда танлат рўйхатидан ўтган ўқув юртини тугатганлиги ҳақида белгиланган нусхалардаги ҳужжатларга эга эканлиги тушунилади (диплом, гувоҳнома ва ҳ.к.). Баъзи мутахассисликлар бўйича тегишли маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг ишлаши қонунда бевосита таъқиқлаб қўйилади. Масалан, қонунсиз врачлик қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган шахснинг автомобилни бошқариши, тегишли жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Бундан ташқари бундай

шахсларни ишга ёллаган тадбиркор ҳам уларнинг фаолияти натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш бўйича биргаликда жавобгар бўлади.

3- §. Тадбиркорларнинг жавобгарлиги

Тадбиркор ҳам барча ҳуқуқ субъектлари каби ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун юридик жавобгар бўлади. Юридик жавобгарликнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳуқуқбузар учун қонунларда юридик жавобгарликнинг турли шакллари қўлланилиши назарда тутилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектининг мажбуриятлари ичида уларнинг ўзлари тузган шартномалари бўйича мажбуриятлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хўжалик шартномаларининг бажарилишида нафақат тадбиркор, балки давлат ва жамият, айниқса, кенг истеъмолчилар оммаси манфаатдордир. **„Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида“** ги Қонуннинг **22-моддасига** асосан хўжалик шартномаларининг тарафлари хўжалик шартномаларининг ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик шартномалари бажарилиши учун чоратадбирлар кўриши, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек, зарур ҳолларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиши шарт. Тадбиркорлик субъекти шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ тўлайди.

„Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида“ ги Қонуннинг **25-моддасида** хўжалик шартномаларини бузганлик учун жавобгарлик ҳолатлари белгилаб қўйилган. Бундай ҳоллар доирасига қуйидагилар киради:

— Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориди пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар

ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафнинг товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик ишларни (ажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслиги оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди;

— Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави буйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 20% миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади. Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси ёки муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай тақдим этилади. Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бут бўлмаган товарларни етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

— товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўнга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

— бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

— етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировкаланмаган товарларни, шунингдек, идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек, етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз равишда рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан

ишқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек, ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномаси тақдим этмаганлик, чекни бермаганлик аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Ҳисоб-варақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг **46-моддаси 3-** қисмига биноан юридик шахслар қонунлар ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган бошқарув органлари орқали Фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва зиммасига мажбуриятлар олади. Юридик шахснинг бошқарув органлари, унинг мансабдор шахслари ўзи вакил бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб боришлари керак. Бинобарин, тижорат юридик шахсларини тадбиркорлик бўйича ўз мажбуриятларини бажармасликлари бевосита ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ўз хизмат бурчларига масъулиятсизлик билан қарашлари натижасида рўй беради. „**Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонунининг **35-моддасида** ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун унинг мансабдор шахслари жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Шартнома мажбуриятлари ҳўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан

бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси *фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий*, шунингдек, *интизомий ҳуқуқий* жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мансабдор шахснинг Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги ФК нинг **45-, 48- моддаларига** мувофиқ амалга оширилади.

Мансабдор шахснинг маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **175, 176, 176—1—Д, 76—2, 212- ва 214- моддаларига** асосан белгиланади.

Мансабдор шахсларни жиноий ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асослари Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг **175, 181-, 186-, 205-, 207- ва 209- моддаларида** назарда тутилган.

„Давлат статистикаси тўғрисида“ги Қонуннинг **17-моддасига** асосан давлат статистика кузатуви ўтказиш учун статистика маълумотларини тақдим этмаган ёки уларни нотўғри, ёйинки, кечиктириб тақдим этган, маълумотларни дастлабки тарзда рўйхатга олишни лозим даражада таъминламаган, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳисобот статистика бирликларининг давлат реестри юритиш тартибини бузган мансабдор шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **175—1- моддасида** бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган (иш ҳақи бермаган) ёки муддатини кечиктирган ҳолларда ФК нинг **327- моддасида** белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Тадбиркор ходимларни иш ҳақларини тўламаган, тўлашни бирор тарзда кечиктирган ҳолларда ушбу маблағлар суммасига фоизлар тўлаши шарт. Фоизлар миқдори банк

фонининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. ФК нинг 784-моддасига асосан иш ҳақи биринчи навбатда ундирилиши лозим бўлган тўлов жумласига киритилган.

„Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш қўғирисида“ги Қонуннинг 23- моддасида тадбиркорларнинг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги белгиланган. Бунга асосан тадбиркорлар товарларни мувофиқлик сертификатсиз, шунингдек, қонунга хилоф тарзда мувофиқлик сертификати таъғаси босилган ҳолда реализация қилганлик учун, мувофиқлик сертификати бўлмаган товарларни тарғибот (реклама) қилганлик учун, Ўздавстандартнинг ёки у ваколат берган органларнинг кўрсатмасига биноан реализация қилиш ўтказилган ёки таъқиқлаб қўйилган маҳсулотларни реализация қилганлик учун жавобгар бўладилар. Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузган тадбиркорлар Ўздавстандартнинг ёки у ваколат берган сертификатлаштириш органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан давлат бюджети ҳисобига реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдориди жарима тўлайдилар. Айни вақтида тадбиркорлар истеъмолчи ёхуд буюртмачига етказилган зарарларни тўла ҳажмда қоплашлари лозим.

Солиқ Кодексининг 135- моддасида солиқ мажбуриятларини бузганлик учун молиявий жазо чоралари белгиланган:

1. Юридик шахслар солиқ органларида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаганликлари учун ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ушбу ҳаракатларни содир этса;

2. Даромад (фойда) яширилган тақдирда;

3. Солиқ бўйича декларациялар ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик учун;

4. Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни бузган ҳолда юритганлик учун;

5. Фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун;

6. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахс ҳисоб-китобга киришмасдан иш бажариш, хизмат кўрсатиш, товар сотиш операцияларини ўтказганлик учун;

7. Солиқ ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилганда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖК)да солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш, шунингдек, солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **184- моддаси**да солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бунга асосан фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасдан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, башарти, тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил этса, ёки ўша қилмишлар такроран, кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда содир этилгани учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Солиқ Кодексига биноан молиявий санкциялар асосан тадбиркор юридик шахсларга нисбатан қўлланилса, маъмурий ва жиноий жавобгарлик тадбиркор шахснинг ўзига, шунингдек, тадбиркор юридик шахс маъмуриятига (раҳбар ва бош бухгалтерига) нисбатан қўлланилади.

Тадбиркор томонидан кредит мажбуриятлари бузилган тақдирда қўлланиладиган жавобгарлик ҳам тегишли қонунларда ўз ифодасини топган.

Одатда банклар кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиши, кафолат бериш, кафиллик ва мажбуриятларни таъминлашнинг бошқа усуллари қўллаган ҳолда кредит берадилар.

Тадбиркорлар томонидан кредит мажбуриятлари бузилган тақдирда қўлланиладиган жавобгарлик ҳам тегишли қонунларда ўз ифодасини топган.

Агар тадбиркор банклардан олган кредитларни ўз вақтида қайтармаса, у ҳолда банк қарздорни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиши, бу ҳақда матбуотда хабар бериши мумкин. Айни вақтда банк судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кредитларни суд орқали мажбурий тартибда ундириб олишга ҳақли. Агарда қарздорнинг маблағлари етарли бўлмаса, ҳақ ундириши учун қарздорнинг мулки очиқ ким ошди савдосига қўйилиши ва ундан тушган маблағлар эвазига банкнинг талаби қаноатлантирилиши мумкин. Шунингдек, кредитни қайтаришдан бўйин товлаб юрган қарздорларни *банкрот* деб топишни сўраб хўжалик судига мурожаат этиши мумкин („**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**“ги қонуннинг **35-моддаси**).

Ҳар бир тадбиркор ўзи томонидан тузилган битимларнинг ижроси учун маъсулдир. Битим бўйича мажбуриятлар лозим даражада ва белгиланган муддатларда бажарилмоғи шарт. **ФКнинг 237- моддасига** асосан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартномаларни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тадбиркор битим бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида бошқаларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши лозим. *Зарар* деганда, мажбурият ижро этилмаганлиги натижасида ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилини лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий ёки реал, фактик зарар), шунингдек, бу шахс муомаласи шароитида олиш мумкин бўлган, лекин мажбурият бузилганлиги учун ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар тадбиркор битим бўйича ўз мажбуриятини бузиш оқибатида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланилишини талаб қилишга ҳақлидир (**ФКнинг 14- моддаси**).

Агар мажбурият ижро этилмаслиги оқибатида маънавий зарар етса (жисмоний ва руҳий азоб-уқубатлар, қийналишлар, изтироблар, оғир кечинмалар ва ҳ.к.), бу зарар **ФКнинг 1021—1022- моддасида** белгиланган тартибда пул қуринишида қопланиши лозим.

Умумий қоидага кўра тадбиркор томонидан битимларнинг бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарар тўла равишда қопланиши лозим. Битим (шартнома)да етказилган зарар ҳажмидан кам ёки ошиқ ҳажмларда жавобгарлик ҳам назарда тутилиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, карздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, бордию талаб ихтиёрий қаноатлантирилмаган бўлса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарган кундаги мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади (ФКнинг 324- моддаси).

Битимда мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (айбона) жарима ёки пеня кўринишида белгиланиши мумкин.

Кўйидаги ҳолларда тадбиркор битим бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги (лозим даражада бажармаганлиги) учун жавобгарликдан озод бўлади:

1) бунда тадбиркорнинг айби бўлмаса. Тадбиркор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа у айбсиз деб топилади;

2) агар тадбиркор томонидан битим бўйича мажбуриятни бажармаслиги ушбу мажбурият бўйича кредитор бўлиб ҳисобланадиган шахснинг айби билан рўй берган бўлса;

3) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс бундай ҳол енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган куч, вазиятлар (форс-мажор) туфайли юз берганлигини исботлай олса. Тадбиркорнинг шартлашувчи шериклари (яъни учинчи шахслар) томонидан мажбуриятларнинг бузилиши мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, тадбиркорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди (ФКнинг 333- моддаси).

Енгиб бўлмайдиган куч бу зиммасида мажбурият бўлган шахс томонидан унинг ихтиёридаги барча воситалар билан олдини олиш, қайтариш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодиса бўлиб кўрилади. Бу ҳодиса одатдан ташқари, кутилмаган, фавқулодда ҳолат туфайли рўй беради. Амалда бундай ҳолларда табиий офатлар-зилзила, сув тошқини, сел ва ҳ.к.лар тушунилади. Бироқ ривожланган мамлакатлар қонунчилигида енгиб бўлмайдиган куч ва форс-мажор ҳолати муқобил тушунчалар эмас. Бинобарин, шу ўринда **ФКнинг 333- моддаси** билан бошқа давлатлар қонунчилигидаги ва халқаро хусусий ҳуқуқдаги форс-мажор тушунчаси ўртасидаги мазмун аниқланиши лозим.

Халқаро савдо Палатаси „форс-мажор“ ҳолатларини кўйидаги ҳолатлардан бирининг мавжудлиги билан боғлайди:

а) эълон қилинган ва эълон қилинмаган урушлар, шу жумладан *фуқаролар уруши, тартибсизликлар, исёнлар, инқилоблар, қароқчилик, саботаж*;

б) табиий офатлар, яъни *бўрон, тўфон, циклон, zilzila, сув тошқини, яшин уриш*;

в) портлаш ва ёнғин натижасида *машиналар, қурилмалар, асбоб-ускуналарнинг* ишдан чиқиши;

г) *байкотлар, иш ташлашлар, локаутлар, ишни секинлаштиришлар, фабрикаларни ва иш жойларини босиб олишлар, корхонадаги иш тўхтатишлар*;

д) ҳокимиятнинг *қонуний* ва *ноқонуний* ҳаракатлари.

Тадбиркор бошқа субъектларни ҳуқуқларини бузган ҳолларда ҳам қонунга биноан жавобгар бўлади.

Тадбиркор ходимларни ёллаб ишлатаётганда улар учун керакли меҳнат шароитларини таъминлаши шарт. Соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш тадбирлари (меҳнат ҳавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган корхоналарни ишга туширишни таъқиқлаш, ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумотлар бериш, тиббий кўриқдан ўтказиш, ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва ўқитиш, махсус кийим ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бериш, сут, давлат профилактика озиқ-овқати билан таъминлаш) МКнинг **211—223- моддаларига** асосан иш берувининг иммасига юклатилган.

Тадбиркор бехатар меҳнат шароитларини таъминламаган тақдирда Фуқаролик ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бехатар меҳнат шароитларини таъминламаганлик ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. МКнинг **222- моддасига** асосан иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт. Жабрланувчининг талабига биноан текширув гунаган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичида иш берувчи шу бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт.

Бахтсиз ҳодиса маъмурият томонидан қуйидаги ҳолларда текширилиши шарт:

а) бахтсиз ҳодиса корхона худудига содир бўлган тақдирда;

б) корхонадан ташқарида бўлса-да, маъмурият топшириғига мувофиқ иш бажарилаётганида ёки корхонага тегишли

транспорт воситаларида иш жойига кетаётганда ёки ишдан келаётган пайтда юз берган бўлса.

Ўткир заҳарланиш, иссиқ уриш, совуқ олдириш каби ҳолатлар ҳам бахтсиз ҳодиса сифатида текширилиши лозим.

Бир кундан кам бўлмаган муддатга меҳнат қобилиятини йўқотишга сабаб бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш натижалари махсус тасдиқланган шаклдаги ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Иш берувчи тадбиркор бундай ҳужжатни тузишдан бош тортса ёхуд жабрланувчи ҳужжатда бахтсиз ҳодиса ҳолатлари нотўғри акс эттирилган деб ҳисобласа, у шу масала бўйича касаба уюшмасига муурожаат қилишга ҳақли.

Бир гуруҳ шахслар бахтсиз ҳодисага учраганда, ўлимга сабаб бўлган ёки оғир оқибатлар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисалар рўй берганда махсус тартибдаги текширув ўтказилади. Раҳбар бу ҳолда касаба уюшмаси техника инспекторига, юқори муассасасига касаба уюшмаси марказий органига, прокуратурага, давлат техника назорати ва энергия назорати хизматига дарҳол хабар бериши лозим.

ФК нинг 985- моддасига асосан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатизлиги) туфайли фуқаронинг шахсига ва мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсига етказилган зарар зарар етказган шахс томонидан қопланиши лозим. Агар зарар етказувчи шахс зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботлаб берса жавобгарликдан озод қилинади. Бинобарин, беҳатар меҳнат шароитларини таъминламаслик рўй берган бахтсиз ҳодисада тадбиркорнинг айби борлигидан далолат беради.

Беҳатар меҳнат шароитлари яратилмаганлиги сабабли ходимнинг соғлиғига зарар етса, иш берувчи (тадбиркор) ходимга жароҳатланганлиги сабабли меҳнат қобилиятини йўқолиши ёки камайиши оқибатида етказилган зарар, яъни йўқотилган иш ҳақини, шунингдек, шикастланиш сабабли қилинган харажатларни (дори-дамонлар, қўшимча овқатланиш, протезлантириш, бошқа шахсларнинг қараб туриши ва ш.к.) ҳам тўланмоғи лозим.

„Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида“ 1993 йил 6 майда қабул қилинган қонуннинг **28- моддасига** асосан маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганлиги учун ходимга корхона бир маргалик

нафақа (бир йиллик маошидан кам бўлмаган миқдорда) ҳамда соғлиққа шикаст етказилганлиги учун товон тўлайди. Корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланганлиги учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича бадаллар тўлайдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартларга, талабларга жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш воситалари якка ва жамоа ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқариш ёки сотишдан тушган даромад белгиланган тартибда бюджет фойдасига мусодара қилинади („Меҳнатни муҳофаза қилиш гуғрисида“ги Қонуннинг 26- моддаси).

Агар ходим ўз меҳнат (хизмат) мажбуриятларини бажариши муносабати билан жароҳат ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган тақдирда унинг учун ижтимоий суғурта тўловини тўловчи ташкилот (иш берувчи-тадбиркор) жабрланувчига у шикастланганлиги сабабли тайинланган пенсия (нафақа)ни унинг аввалги иш ҳақига етмаган фарқини тўлаши лозим.

Жабрланувчи вафот этган тақдирда зарарни ундириш ҳуқуқини марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, ундан таъминот олиб турган шахсларга, вояга етмаган ёки унинг вафотидан кейин туғилган фарқандларига ўтади.

Бундай ҳолларда зарар:

— вояга етмаганларга — 16 ёшга тўлгунга қадар, ўқувчиларга 18 ёшгача;

— 55 ёшдан ошган аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркекларга — умрбод;

— ногиронларга — ногиронлик муддати бўйича;

— марҳумнинг болалари, неваралари, ака-укалари, опасингилларига, қараб турувчи эри ёки хотини, ота-онасига сшидан ва меҳнатга қобилиятидан қатъи назар улар қараб турган болалар 8 ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Жабрланувчининг меҳнат қобилияти йўқотилиши сабабли зарарни қоплаш, шунингдек, унинг ўлими билан боғлиқ зарарни қоплаш ҳар ойлик тўловлар шаклида амалга оширилади.

Жабрланувчи вафот этган тақдирда дафн этиш харажатлари ҳам корхона (тадбиркор) зиммасига юклатилади. (ФКнинг 1016- моддаси).

Зарарни тўлаётган юридик шахс тугатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жабрланувчига тўлаб бориш учун муайян маблағ капиталлаштирилмоғи лозим (ФКнинг 1015- моддаси).

Бейхгйёр меҳнат шартномаларини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларининг тадбиркор иш берувчи томонидан бажарилмаслиги сабабли оғир оқибатлар вужудга келса, у ЖКнинг 207- моддасига асосан мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунингдек, ЖКнинг 257- моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида амалга оширилганда тадбиркор маҳсулотларни, хизматларни сифати учун маъсулдир. Айниқса, бу маҳсулотлар ва хизматлар улардан фойдаланувчи истеъмолчилар ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига етказадиган зарар учун жавобгардир. Бундай жавобгарлик асослари ФКнинг 1017—1020- моддаларида ва 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган „Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ги Қонун нормаларида белгиланган.

ФКнинг 1017- моддасига асосан товарнинг (хизматнинг) конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек, товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) томонидан уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, қопланиши лозим.

Товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига кўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим. Бинобарин, тадбиркор товарни тайёрлаган бўлса ҳам, уни фақат сотган бўлса ҳам жавобгар бўлади.

Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нуқсони оқибатида етказилган зарар, агар у товарнинг (ишнинг, хизматнинг) белгиланган яроқлилиқ муддатлари мобайнида етказилган бўлса қопланиши лозим. Зарар товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилиб олинган) кундан бошлаб ўн йил давомида қопланиши лозим.

Куйидаги ҳолларда ҳам зарар қопланиши лозим:

— Қонун талаблари бузилиб, яроқлилиқ муддати белгиланмаган бўлса;

— Товарни сотиб олган, хизматдан фойдаланган шахс яроқлилиқ муддати тугагандан кейин товардан (хизмат натижасидан), фойдаланмаслик ёхуд қайта таъмирлаш ҳақида ва бу ҳаракатлар бажарилмаслиги оқибатлари ҳақида огоҳлантирилмаган бўлса.

Товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишнинг (хизмагнинг) ижрочиси зарар енгиб бўлмас куч таъсирида ёки истеъмолчи товарларнинг сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича қоидаларини бузиш оқибатида етказилганлигини исботлаган ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади (ФКнинг 1020- моддаси).

Маҳсулот тайёрловчи ижрочи ва сотувчининг маҳсулотни тайёрлаш, ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун фойдаланилган материаллар, ускуналар, асбобларнинг зарарли хусусиятларини билмаганлиги уларни фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ёки мол-мулкига етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Истеъмолчи ўзига етказилган моддий зарарни ҳам пул шаклида қопланишини талаб қилишга ҳақли. („Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ги Қонуннинг 22- моддаси).

Тадбиркорнинг истеъмолчи олдидаги юқоридаги жавобгарлиги Фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга.

Бундан ташқари тадбиркор стандартларни бузганлиги учун (МЖТК нинг 212- моддаси), метрология қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 213- моддаси), сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун (МЖТКнинг 214- моддаси) маъмурий жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари тадбиркор томонидан бозорга сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш бирор шахснинг баданига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишга, одам ўлишига ёхуд бошқача оғир оқибатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлса, ЖКнинг **186- моддаси** билан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Тадбиркорни истеъмолчи олдидаги ўз маҳсулоти ва хизмати сифати учун жавобгарлиги бозор иқтисодиёти асосий қанонийликларидан биридир. Бироқ бу жавобгарлик ҳуқуқий механизми, унинг муқаррарлигини таъминлаш ҳали ўз нақилига етмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларга атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти юклатилган бўлиб, мол-мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги шарт қилиб қўйилган. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазаси остидадир.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётганда кўп ҳолларда у атроф-муҳитга, табиий ресурсларга таъсир қилмай қўймайди. Тадбиркор иложи борича бу таъсир салбий оқибатларни келтириб чиқармаслигига ҳаракат қилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш атроф-муҳитга, табиатга зарар етказмаслиги шарт. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда тадбиркорга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Бундай муайян ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланиши ва унга нисбатан қўлланиладиган юридик санкциялар қонунларда мустақамлаб қўйилган:

Қуйидаги ҳолларда:

— табиатни муҳофаза қилиш андозалари, меъёрлари, қоидалари ва бошқа норматив техник талабларни бузишда шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида экология нуқтаи назаридан ҳавфли материалларни экспорт қилиш, импорт қилишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган қоидаларини бузишда, табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

— табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ жисмлар жойлаштирганлик, уни ифлослантирганлик ва бу муҳитга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

— табиатни муҳофаза қилувчи объектларни қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни амалга ошириш режаларини бажармаганликда;

— табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

— махсус муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

— ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқитларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек, зарарли ва радиактив моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни ирарсизлантириш ва қўшиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

— атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

— табиий муҳитни муҳофаза этиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришга, айрим фуқаролар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотлари эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўйбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

— атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва унинг объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги ўз вақтида ва тўғри маълумот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан *интизомий, маъмурий, фуқаролик, жиноий* ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналар, ташкилотлар иншоотлар ва бошқа объектларнинг, кишиларнинг соғлиғига ва яшаш шароитига, табиий ресурсларга, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса объектлардан фойдаланиш бутунлай тўхтатилиши ёки унинг фаолият тури зарарсиз бошқа соҳага ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, ўз ваколатлари доирасида табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, ташкилотлар, айрим фуқаролар зарарни **ФКнинг 985-моддаси**да белгиланган асосларда ва ҳажмларда тўла қоплаши шарт.

Бундан ташқари фаолияти теварак атрофдагиларга ошқича ҳавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт корхоналари, саноат, қурилиш корхоналари, ташкилотлари, транспорт воситаларининг эгалари ва шу кабилар) оширилган ҳавф манбаидан етказган зарарни гуллашлари шарт. Уларни жавобгарликдан озод қилиш

одатдагидан мураккаброқ шарт асосида белгиланади. Агар оширилган хавф манбаи соҳиби зарар жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида ёхуд бартараф қилиб бўлмайдиган куч натижасида юзага келганлигини исботлаб берса, жавобгар бўлмайди (ФКнинг 999- моддаси).

Табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик атроф табиий муҳитга ифлослант-рувчи моддалар ишлаб чиқариш ва оқизишни, ҳамда истеъмол чиқитлари жойлаштиришни норматив ва лимитларда белгилаб қўйилганидан кўпайтириб юбориш ҳолатлари учун корхоналар, бошқа тадбиркорлик субъектларига қонунларга мувофиқ, оширилган солиқ солинади.

Тегишли ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва табиатни муҳофаза қилувчи идораларнинг қарорига мувофиқ, қоидабузарлик сабабларига бартараф этилмагунча юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик-тадбиркорлик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар атроф-муҳитга, одамларнинг соғлиғига, мол-мулкига ва халқ хўжалиғига зарар келтираётган экологик жиҳатдан зарарли фаолиятни тўхтатишни сўраб судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистан Республикасининг МЖТКда „**Радиациявий ҳавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш**“ (55- модда), „**Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш**“ (65- модда), ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузганлик учун (70- модда), сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун (72- модда), сувлардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун (74- модда), ўрмонлардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун (77—80- моддалари), қизил китобга киририлган ўсимликларни йиғганлик (81- модда), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш (82- модда), атмосфера ҳавосининг тозаллигини сақлаш қоидаларини бузганлик учун (85—88- моддалар), заҳарли моддаларни сақлаш қоидаларини бузганлик (89-модда), ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етказиш учун (90—94- моддалар), экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун (95—96- моддалар) маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда экология соҳасида жиноятлар ҳақида алоҳида маҳсус боб мавжуд. Бунга асосан экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш, атроф муҳитни ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсагиш, атроф-табiiй муҳитни ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрилмаслик; атроф-табiiй муҳитни ифлослангириш, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шароитларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш ўсимликлар касалликлари ёки паразитлар билан кураш талабларини бузиш; ветеринария ва зоотехник қоидаларни бузиш; зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш; алоҳида муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудларнинг тартибини бузганлик учун (193—204- моддалар) жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бозор муносабатлари тизимининг асосий шартларидан бири турли тадбиркорлик субъектлари ўртасида эркин рақобатнинг мавжудлигидир. Рақобат натижасида ишлаб чиқарувчи маҳсулот (иш, хизмат) сифатини доимий яхшилаб боришга мажбур. Акс ҳолда унинг маҳсулоти бозорда ўтмайди ёки паст баҳоланади ва у охир оқибатда синади. Шу сабабли ҳам қонунларда бозорда рақобатни таъминлаш, айрим тадбиркорлик субъектларини бозорда монопол (якка ҳоким) мавқега эга бўлиб, бошқа субъектларга ва истеъмолчиларга тайзиқ ўткази олмаслигини таъминловчи қоидалар белгилаб қўйилган. Бинобарин, тадбиркорлар томонидан „**Товар бозорида монополистик чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ ги Қонун (1996 йил 27 декабрда қабул қилинган) талаблари бузилган тақдирда тегишли жавобгарликка тортилади.

Ушбу қонун хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашув-баҳслашувига йўл бермайдиган, уни чеклаб қўядиган ёки уни йўққа чиқарадиган қўшимча фойда олиш мақсадидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини амалга оширувчи монополистик фаолиятини олдини олиш ва пайини қирқишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Тадбиркор бозордаги устун мавқени суистеъмол қилмаслиги ва фирром рақобатга йўл қўймаслиги шарт. Устун

мавқе деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида ўзига (ўзларига) рақобатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини ўзга тарзда чеклаш имконини берадиган ҳукмрон мавқе тушунилади. Бозорда маълум турдаги товарларнинг 65 фоиздан зиёд улушини ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хўжалик юритувчи субъект устун мавқега эга ҳисобланади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъект 35 фоиздан 65 фоизгача бўлиб, бу ҳол монополияга қарши давлат органи томонидан ушбу субъектни бозордаги улуши барқарорлигига, бошқа рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдорига (*масалан*: ўнта субъектнинг 60 фоиз ва ҳ.к.), ушбу бозорга янги рақобатчиларнинг кириш имкониятларига ва бошқа мезонларга қараб унинг мавқеини устун деб топиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектни ўз устун мавқеини суистеъмол қилиш, яъни рақобатни чеклайдиган ва бошқа субъектларни ҳуқуқларини камситадиган ҳаракатларни қилиши таъқиқланади.

Инсофсиз (фирром) рақобат тушунчаси „**Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги Қонуннинг 8- моддасида белгилаб қўйилган.

Қуйидаги ҳаракатларни содир этиш фирром рақобат ҳисобланади:

— бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтирадиган ёки унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш;

— юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан (фирма номи, товар белгиси ва ҳ.к.) қонунсиз фойдаланиш;

— товарнинг хусусияти уни тайёрлаш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитиш;

— хўжалик юритувчи субъектнинг шу жумладан унинг реклама фаолияти жараёнида ҳам, ўзи ишлаб чиқарадиган ёки сотадиган товарларни бошқа субъектларнинг товарлари билан қўпол таққослашга;

— илмий техникавий ишлаб чиқариш ёки савдо ахбороти, шу жумладан тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни инкор этиш;

— янги хўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозорига киришини тўсиш, халақит бериш.

— хўжалик юритувчи субъект монополияга қарши қонунларни бузган тақдирда етказилган зарарларни қоплашлари, шунингдек, жарима тўлашлари лозим.

Бутун дунё бўйича (айниқса, ривожланган бозор мамлакатларида) фирром рақобатга қарши Фуқаролик-ҳуқуқий кураш усуллари кенг қўлланилади. Фирром рақобатга қарши кураш олиб бориш интеллектуал мулк хусусан, саноат мулкнинг ажралмас элементи ҳисобланади. 20 март 1883 йилда қабул қилинган „**Мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси**“ (2- модда). 1967 йил 14 июлда Стокгольмда қабул қилинган бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ни таъсис этиш ҳақидаги конвенцияда (2 —VIII модда) бу аниқ равшан ўз ифодасини топган. Париж конвенциясида, шунингдек, бошқа ҳужжатларда фирром рақобат тушунчаси, унинг таркибига қандай ҳаракатлар кириши, унга қарши кураш усуллари белгилаб берилган¹. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси **ФК** нинг **1040- моддаси** ва **1111-моддасида** Фирром рақобатга қарши курашнинг умумий усулларигина, ўз ифодасини топган. **ФК** нинг **1031-моддасида** интеллектуал мулк объектлари ичида Фирром тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар қўпол равишда ёки доимий сурункали равишда бузилган ҳолларда тадбиркорга нисбатан энг қаттиқ чора-суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш қўлланилиши мумкин. Бу ҳақда тегишли даъво билан судга *прокурор, молия, солиқ, божхона, монополияга* қарши кураш олиб борувчи идоралар, касаба уюшмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа манфаатдор шахслар мурожаат қилишлари мумкин. Суд етарли асослар мавжуд деб топганда, ҳуқуқ субъектини тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор чиқаради. Ҳуқуқ субъекти кимлигига (тижорат ташкилоти, нотижорат ташкилоти ва жисмоний шахс) қараб-бу қарор улар учун турли оқибатларни вужудга келтиради.

а) тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсга нисбатан бундай қарор қабул қилиниши унинг юридик шахс сифатида

¹ Интеллектуальный собственности. Новосибирск, 1993. 14.

бекор бўлишига, тугатилишига, юридик шахслар реестридан чиқарилишига олиб келади. Бунда тугатиш мажбурий тартибда, тижорат ташкилотини юридик шахс сифатида рўйхатга олган давлат идораси (туман ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги, адлия идоралари ва ҳ.к.) томонидан амалга оширилади;

б) нотижорат ташкилоти бўлган юридик шахсга нисбатан бундай қарор қабул қилинганда бу юридик шахс, ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлмайди, балки ўзининг устав мақсадларини амалга ошириб, фаолиятини давом эттиради. Бироқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли бўлмайди;

в) жисмоний шахс бўлган тадбиркорга нисбатан бундай қарорнинг қабул қилиниши ҳам уни ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлишига олиб келмайди. Жисмоний шахсни тадбиркор сифатида рўйхатга олган гуманитар ҳокимлиги суд қарорини амалга ошириб, жисмоний шахсга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун берилган рухсатномасини бекор қилади ва рақобатнинг олдини олиш умуман эслатилмайди. Фирром рақобатга қарши фақат маъмурий жарима билан курашиб бўлмайди. Фирром рақобатга қарши биринчи галда Фуқаролик ҳуқуқий усулларда ва барча хўжалик юритувчи субъектлар — тадбиркорларни кенг жалб этган ҳолда кураш олиб бориш лозим, чунки фирром рақобатга қарши курашдан энг аввало улар манфаатдордирлар.

Тадбиркорнинг жавобгарлиги фақат юқоридаги қонунларни бузганлик билан чекланади деб ўйлаш мутлақо хатодир. Қонунларга риоя қилиш ҳар қандай фуқаро ва юридик шахс зиммасига юкланган конституциявий мажбурият ҳисобланади. Тадбиркорлик қонунларини бузганлик учун мулкий тарзда ёки қонунларда назарда тутилган асосларда жавобгар бўлади. Бу ўринда „Қонун“ кенг маънода талқин этилмоғи лозим. *Қонун деганда*, нафақат Ўзбекистон Республикаси қонунларини, балки яна қонун ости ҳужжатларини — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, низомлари, вазирликлар, давлат муассасалари маҳаллий ҳокимият идораларининг *норматив ҳужжатларини* тушуниш лозим. Бинобарин қонунларни бузиш деганда юқорида санаб ўтилган норматив ҳужжатларда белгилаб кўйилган қоидалар, талабларга риоя қилмаслик бажармаслик уларга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этиш ва шу каби ҳуқуқбузарликлар тушунилади.

Тадбиркорни содир этган қонун бузишлар учун мулккий жавобгарлиги пул ёки моддий-ашёвий кўринишларда амалга оширилиши мумкин (жарима олиш, мол-мулкни олиб қуйиш.). Мулккий жавобгарлик қонунбузарликлар натижасида моддий зарар етказилган ҳолларда бу зарарнинг ўрнини қоплаш тариқасида рўй беради. Бошқа ҳолларда эса жазо жарима кўринишида қўлланилади.

Бу ўринда нотижорат ташкилотлари ва жисмоний шахс учун суд қарори қанча муддатга амал қилади, яъни улар яна қачондан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан қайтадан шуғулланишга ҳақли деган савол туғилади. **ФКнинг 23-моддаси** мазмуни таҳлил этилганда фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатини чеклаш доимий эмас, балки вақтинчалик характерга эга бўлиши келиб чиқади. Шу сабабли фикримизча, суд нотижорат ташкилотлари ва жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарорининг амал қилиши бир йилдан уч йилгача қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги қонунчиликка асосан тадбиркорга нисбатан билдирилган мулккий даъволар юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти қайта ташкил этилган, жисмоний шахс бўлган тадбиркор вафот этган тақдирда уларнинг меросхўрларига (ворисларига) тааллуқли бўлиши, бироқ бунда уларнинг жавобгарлик ҳажми улар мерос қилиб олган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий юрислик, яъни қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари трансмиссияси, яъни бошқа юридик шахсга ўтиши **ФКнинг 50-моддаси**да белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро вафот этган тақдирда унинг бошқа субъектлар олдидаги мулккий мажбуриятлари унинг меросхўрларига ўтади. Мерос мулки давлатга ўтган тақдирда ҳам бу қоида қўлланилади.

ФКнинг 1156-моддасига асосан мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (мерос бошқарувчисига) ёки меросхўрларига мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидир. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.

Вориснинг (меросхўрлар)нинг бундай мажбурияти улар васият бўйича ёки қонун асосида мерос олганлигидан қатъи назар қўлланилади.

Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар ҳиссасига меросдан тегадиган улушига нисбатан мерос қолдирувчи тадбиркорлик мажбуриятлари учун жавобгарликни қаратиш ўзига хосликларга эга. **ФК** нинг **1142- моддасига** асосан бу шахслар меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга. **ФК** нинг **26- ва 56- моддалари** мазмунини таҳлил этиб, шундай хулосага келиш мумкинки, улар мерос мулкидан ўз ҳиссасини биринчи навбатда олади ва бу улуш нафақат мерос, балки таъминот ҳисобланади.

Бошқача айтганда марҳум тадбиркор бу шахслар олдида ўз мажбуриятларига эга эди, бу шахсларнинг боқувчиси ҳисобланар эди. Бинобарин тадбиркорнинг меҳнатга қобилиятсиз қариндош уруғлари (**ФК**нинг **1142- моддаси**) унинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабларини қаноатлантиришда афзаллик имтиёзларга эгадирлар. Бинобарин, улар мерос мулкидан оладиган мажбурий улуш бўйича мерос қолдирувчи тадбиркор мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар.

Ворисларнинг (меросхўрларнинг) ўз мол-мулкларига нисбатан бундай даъволар қаратилмайди.

4- §. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Маълумки, қонунларда тадбиркорликнинг у ёки бу ҳуқуқларини назарда тутиш, мустаҳкамлаб қўйишнинг ўзи кифоя эмас. Бу ҳуқуқлар реал амалга оширилиши, риоя қилиниши учун реал шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, қонунлар устуворлигини ҳар соҳада ва ҳамма томондан уларга сўзсиз ва оғишмай риоя қилишни таъминлаши лозим ва шарт.

Худди шу маънода давлат томонидан қонунларда белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиниши, уларни амалга оширили-

инини таъминловчи ўзига хос тадбирлар-кафолатлар ҳам белгиланиши мумкин. Бошқача айтганда, кафолат қонунда белгиланган ҳуқуқларни амалга оширилиши, манфаатларга риоя қилиниши албатта таъминланиши ҳақида давлат ўз устига олган мажбуриятдир. Умуман олганда, давлат ҳар қандай қонунларни амалга оширилиши учун масъулдир. Бироқ тадбиркорлик ҳуқуқлари учун давлат кафолатлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ҳуқуқлар яқин ўтмишда ҳар тарафлама қораланар эди. **„Хусусий мулкчилик психологияси“**, **„Фойдани кўзлаб, хўжайинлик билан ҳаёт тарзи“** ланнат остига олинган эди. Мана шундай шароитларда шакллантирилган дунёқараш тадбиркорлик фаолиятига нисбатан ҳадиксираш, ишончсизлик ва кўрқув вужудга келтирилиши табиий. Давлат тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва мақсадлари кафолатларини белгилаш орқали юқоридаги омилларнинг таъсирини заифлаштириш мумкин.

Тадбиркор ўз ташаббуси билан мустақил фаолият кўрсатишга ҳам ўзини руҳан ёлғиз сезмаслиги лозим. У давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва мададини ҳар доим сезиб туриши лозим. Кафолатлар худди шу вазифаларни амалга оширилишига қаратилган.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, ФКда, мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ҳақидаги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги, **„Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора тадбирлари“** Фармони ва 1995 йил 5 январдаги **„Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш гўғрисида“**ги Фармонида, ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53- моддасида давлат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш ва эркинлигини барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди деб кўрсатилган. Айни тадбиркорликнинг моддий негизи бўлган хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонун назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин деб кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси (демак, кафолат бунда нафақат қонун чиқарувчи орган ёки давлат бошлиғи, балки бутун мамлакат номидан берилмоқда, бу ҳолат юридик амалиётда камдан кам қўлланилади) **ФК**, мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида (яъни „Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида“ги қонун) белгиланган тадбиркорларнинг мулкчилик муносабатлари барқарор бўлишига кафолат беради. Юқорида таъкидлаганганидек, кафолат Ўзбекистон Республикаси томонидан берилган, давлат унинг ҳокимиятнинг барча тизимлари томонидан таъминланади. Нима учун давлат айнан мулкчилик муносабатларига муҳим эътибор беради? Чунки у жамият иқтисодий тузумининг ўзига хос юридик анатомиясидир. Тадбиркорнинг эркинлиги биринчи навбатда унинг мол-мулкига нисбатан эркин тасарруф қилишида ифодаланади.

Мулкий муносабатларнинг барқарорлиги кафолати биринчи галда бу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини мазмунан узвийлиги, доимий янги, яъни туб ўзгаришлар ёки мутлақо янги ва аввалгисига зид келадиган ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинмаслигини аниқлатади. Бошқа томондан эса мулкчилик муносабатларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи давлатнинг сиёсий, ташкилий ва ҳатто айтиш мумкинки, ғоявий тадбирлари ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши тақозо қилинади. Маълумки, мафкуравий муносабатлар ранг-баранглиги, хилма-хиллиги ва ҳатто ўзаро зиддиятлари билан ажралиб туради. Шу сабабли, иқтисодий муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги ҳақидаги конституциявий тамойил ҳам мулкчилик муносабатларини ўзгармаслигини, барқарорлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ўзига хос тадрижий (эволюцион) ўзгаришлар кетмоқда. Бу табиий, чунки мулкчилик муносабатлари иқтисодий тузумни юридик мужассами экан, иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий ислоҳотларсиз амалга ошмайди, мустаҳкам асосга эга бўла олмайди. Бу жараённинг динамик характери янги **ФК**да мулкчилик муносабатларига оид меъёрларда яққол намоён бўлади.

ФКда мулкка оид қоидалар мулкчилик, тадбиркорлик қонунларини бойитди, ривожлантирди, такомиллаштирди, айни чоғда уларни асосий қоидаларга зид, номувофиқ бўлган ҳеч қандай норма унда мавжуд эмас. Демак, янги ФК қабул қилиниши ва амалга киритилиши мулкчилик муносабатлари барқарорлигига путур етказмади, аксинча уни мустаҳкамлади. ФКдаги мулкчиликка оид янги нормалар (мулкчилик шакллари ҳақида, ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги мулкдорни мол-мулкани сақлаш бурчи ҳақидаги, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва ҳ.к.) тадбиркорлик ҳақидаги қонунлардаги ҳуқуқларга асло зид эмас, аксинча уларни кенгайтди ва чуқурлаштирди.

Давлат тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаб беради. Бу кафолатларнинг моҳияти тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва айниқса уни давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши ва қўриқланишида намоён бўлади. Ёнобарин тадбиркорнинг мол-мулкани мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди (бундан истисно ҳоллар фақатгина қонунлардагина назарда тутилиши мумкин).

Ўзбекистон Республикасида у ёки бу соҳада мулкий ҳуқуқни бекор қиладиган қонун ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда ана шу ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида мулкдорга (тадбиркорга етказилган зарар ихтиёрий суръатда ёки суд қарори асосида мулкдорга тўла ҳажмда қопланади. Бунда мол-мулкнинг қиймати бозор баҳоси қийматида белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти бозор муносабатлари тизимида асосий таянч нуқтаси бўлганлиги сабабли, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик соҳаси бўйича деярли барча қонун ҳужжатларида ўзини мужассамини топган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 ил 25 майда қабул қилинган *тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги* махсус қонун амал қилмоқда. Ушбу қонуннинг 18—34- моддаларида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларининг кафолатлари

бевосита мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу кафолатлар ўз мазмуни бўйича конституциявий кафолатлар, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкӣ-ҳуқуқий кафолатларга туркумланиши мумкин. Конституциявий кафолат Конституциянинг **44—54- моддалари**, қонуннинг **18- моддасида** ўзига хос тарзда ўз ифодасини топган. Ушбу конституциявий кафолат бошқа кафолатлар ичида марказий ўринни эгаллайди.

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунда (1994 йил 6 май) белгилаб қўйилган. Тадбиркорни бирон-бир битимда ёхуд маъмурий ҳужжатда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш ҳақидаги келишув ёхуд мажбурияти ҳақиқий эмас. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатлари қонуннинг 22-, 27-, 32- моддаларида ўз ифодасини топган.

Конституциянинг **53- моддасида** бозор муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий пиروвард мақсади эканлиги белгилаб қўйилган. Бинобарин, бозор иқтисодиёти тизими мамлакатимизда ўзининг конституциявий асосига эга.

Тадбиркорлик фаолияти эса бозор тизими мавжудлигининг ягона ва бирдан-бир намоён бўлиш шаклидир. Бозор муносабатлари ривожланиб борар экан тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўла кафолатланиши табиий ҳолдир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги кафолатланади. Демак, тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятини мустақил тарзда амалга оширадилар. Булар дунёни бошқа ҳар қандай мамлакатдаги тадбиркорлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга ҳақлидирлар. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсат олиш талаб этилмайди. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ташқи иқтисодий

фаолияти қатнашчилари тариқасида қўшимча рўйхатдан ўлмаган ҳолда валюта ҳисоблари варақалари очиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади (Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **22- моддаси**).

Тадбиркорлик субъектларига хом-ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мулк шакли ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига эркин киришда шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун айрим товар турларини етказиб беришда қатнашишида ишлар бажариши ва хизматлар кўрсатишда тенг имкониятлар эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига кириш эркинлиги давлат бошқарув органлари маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан бирон-бир тарзда чекланишига йўл қўйилмайди. Мамлакатимизда товарлар, хизматлар бозорини бўлиб олиш, бошқа субъектларнинг тенглиги ва ҳалол рақобатига қарши ҳар қандай ҳаракатлар қонун томонидан таъқиқланади ва таъқиқ остига олинади. Давлат идораларини мансабдор шахслар томонидан ҳар хил суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишини олдини олиш мақсадида давлат мулкани хусусийлаштириш, давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ким ошди савдоси орқали аукционларда танловлар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хом ашё, айрим товарлар, хизматлар бозорига киришининг алоҳида шартларини белгилаши мумкин. Бироқ, бунда энг аввало тадбиркорлик субъектини муайян фаолият билан шуғулланишга етарли тайёргарлик, малака, маҳоратга эга эканлигини белгиловчи мезонлардан келиб чиқилади. Масалан, тиббий хизмат, ҳуқуқий маслаҳат, заргарлик ва ҳоказо. (Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **27- моддаси**).

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилиниши бўйича ҳам муайян кафолатларга эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки национализация ва мусодара қилинмайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулклари жиноят содир этишда восита бўлган бўлса ёки жиноий фаолият даврида ортирган бўлса жиноят қонунида назарда тутилган асослар ва суд ҳукми билан мусодара қилиниши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки реквизиция қилинмайди. Табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно бўлиб, унда мулкдорга реквизиция қилинаётган мол-мулки тўланади. Бундай реквизициядан кўзланган мақсад табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш олиб бориш ва уларнинг оқибатини бартараф этиш бўлиши мумкин (Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **32- моддаси**).

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинликларини ташкилий ҳуқуқий кафолатлари қонунни **19-, 26-, 31-, 33-, 34- моддаларида** белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги кафолатланади. Юридик шахс бўлмиш тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассасалари таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномаси, устав, низом) фаолиятининг асосий турларини санаб ўтиш билан кифояланишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолияти тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин (қонуннинг **19- моддаси**).

Якка тартибдаги тадбиркорликни ўз номидан амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади. Якка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, мустақил равишда ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузатаётганида агар бунинг моҳияти тузилаётган битимни мазмунидан аниқ келиб чиқмаса якка тартибдаги тадбиркор тариқасида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиши лозим.

Бундай эслагманинг бўлмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари юзасидан зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди. Якка тартибдаги тадбиркор ўз

фаолиятини амалга ошираётганда, шахсий ҳужжатлари, бланкаларидан, муҳр, штампларидан фойдаланишга ҳақли. Уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор ошканлигидан далолат бериши лозим (қонуннинг **26-моддаси**).

Тадбиркорлик фаолиятининг субъектига фирма номи, говар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Юридик шахс бўлиш тадбиркорлик субъекти фирма номига бўлган ҳуқуққа эга бўлиб, ном уставни тасдиқлаш вақтида белгилаб қўйилади, ҳамда давлат реестрига киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилиши керак. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номига жуда ўхшаш бўлиб, тегишли тадбиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган фирма номи рўйхатга олинishi мумкин эмас. Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи унинг рўйхатга олинганлиги асосида берилади. Фирма номидан, товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ана шу ном ва белги эгасига тегишли бўлади.

Фирма номини, товар белгисини, хизмат кўрсатиш белгисини нашр қилганда омма орасида ижро этганда ёки улардан бошқача тарзда фойдаланганда фирма номининг, товар белгисининг, хизмат кўрсатиш белгисининг ўзига худди шунингдек, уларнинг сўзлар, тасвирлар, товуш орқали ифодасига бирон бир ўзгартишлар киритишга фақат уларнинг эгаси розилиги билангина йўл қўйилади (қонуннинг **33-моддаси**).

Бошқа шахсларни тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги кафолатланади. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига араланишга ҳақли эмас. Давлат органлари гомонидан тадбиркорлик субъектларига мажбурий кўрсатмалар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ ва бу органларни ваколат доирасида йўл қўйилади (масалан, ёнгиндан сақланиш, техника хавфсизлигига риоя қилиш ва ҳоказо). Давлат органлари ва мансабдор шахслари қоидабузарлиги мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларини қонуний фаолиятига араланиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), деҳқон ва фермер хўжалиklarининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан, уларнинг агротехника усулларини етиштириладиган маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашувига ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно (Қонуннинг 34- моддаси). Айти вақтда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш асослари ва тартиби (қонуннинг 39—40- моддаси) ҳам тадбиркорлик фаолиятига бошқа шахсларни аралашувига йўл қўймасликнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ахборот олиш эркинлиги кафолатланади. Бугунги кунда бозор муносабатларида ахборотларга бўлган талаб ниҳоятда ошиб бормоқда. Бироқ ахборотларнинг ўзи ягона ҳуқуқий режимга эга эмас. ҳуқуқий жиҳатдан очиқ ахборотлар (масалан, об-ҳаво маълумоти, юридик шахслар реестри ва ҳ.к.) ва ёпиқ ахборотлар (ёки ошкор этилмаган ахборотлар — давлат, тижорат, хусусий сирлар) фарқланади. Ахборотлар олиш эркинлиги кафолатлари очиқ ахборотларга нисбатан қўлланилади.

Давлат органлари уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига, бу субъектларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш учун тегишли имкониятини таъминлаши шарт. Ахборот олиш эркинлиги қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади. Бошқа ахборотларни берганлиги учун тарафларнинг келишуви асосида ҳақ ундирилиши мумкин. Давлат статистика органлари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган статистика ахбороти мунтазам эълон қилиб борилишини таъминлайди (қонуннинг 31- моддаси).

Тадбиркорларни ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлари тизимида мулкӣ ҳуқуқӣ кафолатлар қўпчиликини ташкил этади. Агарда ҳар қандай тадбиркорлик негизида мулкӣ ҳуқуқларни амалга оширишни назарга олсак, бу тушунарли албатта. Тадбиркорларни ҳуқуқларини ва эркинликларини мулкӣ ҳуқуқӣ кафолатлари қуйидагилардан иборат:

— тадбиркорлик субъектларини ўз маҳсулоти, ишлари, хизматлари ва даромадларини, фойдани тасарруф этиш эркинлиги кафолати. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари уйлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг, бажарган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг ҳамда уларнинг реализация қилишда олган даромадларнинг, фойданинг мулкдоридир. Тадбиркор уларни эркин ва мустақил равишда эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларига эгадир. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланиб, солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган даромади, фойдаси улар томонидан ихтиёрий равишда ишлатилади (Тадбиркорни қарзлари учун суд тартибидаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно). Тадбиркор ўз олган даромадларини хоҳласа ўз шахсий истеъмоли учун сарф қилиши, хоҳласа тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга сарфлаши, хоҳласа хайр-эҳсон қилиши мумкин. Ушбу кафолат қонуннинг **20-моддаси**да мустақкамлаб кўйилган.

Тадбиркорлик субъекти ўз пул маблағларини тасарруф этиши кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ўз пул маблағларини эркин, мустақил равишда тасарруф этадилар. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи банк муассасалари, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини қонунда ёки банк ҳисоб варағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уларга хизмат кўрсатувчи банк муассасалари ҳисоб варағидаги маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул шаклида олиниши мумкин. Ушбу кафолат қонуннинг **21-моддаси**да мустақкамлаб кўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза қилинади. Тадбиркор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектидан мол-мулкани олиб қўйишга унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини (хўжалик

юритиш ҳуқуқи, сервитут) бекор қилишга, шунингдек, бундай ҳуқуқларни чеклашга йўл қўйилмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ашёвий ҳуқуқлари **ФКнинг 165- моддаси**, қонунларда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

Ушбу кафолат қонуннинг **23- моддасида** ўз ифодасини топган.

Тадбиркорларга кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун ўз мол-мулки ва маблағлари етишмаган тақдирда бошқа субъектлардан товар ёки маблағларни кредитга олиши мумкин. Тадбиркорлар кредит ресурсларидан эркин фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ тенг ҳуқуқларга эга. Бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлардан фойдаланганлик учун давлат томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин. Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларини имтиёзли кредитлашни амалга оширувчи тижорат банкларига қулай шaroитлар яратиши мумкин (қонуннинг **30- моддаси**).

Тадбиркорларга шартномалар тузиш эркинлиги кафолатланади. Тадбиркорлар шартнома тузишда эркиндирлар. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч қайси тадбиркор шартнома тузишга мажбур қилинмайди. Тадбиркорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Шартноманинг шартлари тарафларни ўзлари томонидан белгиланади. Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган императив шартлар бундан мустасно. Одатда тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномалар *хўжалик шартномалари* деб аталади. Хўжалик шартномаларини тузиш тартиби, шакли, шартлари уларга қўйиладиган бошқа талаблар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида аграр соҳа етакчи ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик тузилмалари ичида фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзига хос ўринни эгаллайди. Худди шу сабабли ҳам тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда

уларнинг қатор мулкӣ ҳуқуқӣ кафолатлари мустаҳкамланган. Улар жумласига фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари **(24-модда)**, деҳқон хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари **(25-модда)**, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг моддий техника ресурслари, уруғлик материаллар, кўчатлар ва зотдор чорвадан эркин фойдаланиш кафолатлари **(28-модда)**, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сувдан фойдаланишни амалга ошириш кафолатлари киради **(29-модда)**. Ушбу кафолатлар ҳақида дарсликнинг регишли 5- бобида батафсил ёзилган.

УБОБ | **Тадбиркорларнинг табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи**

1- §. Тадбиркорларнинг табиат бойликларидан фойдаланишларини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси ва асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш жамиятимизнинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, республикамиз иқтисодиёти ривожланишининг асосий манбаларидан бири бўлган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солиш қатта аҳамиятга эгадир. Ана шундай ҳолатлардан бири тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишдир.

Демак, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги барча тадбиркорлар ўз фаолиятларида табиат объектларидан оқилона фойдаланишлари ва уларни доимо муҳофаза қилишлари лозим.

Зеро улар, табиатни муҳофаза қилиш талаб ва қоидаларига, барча экологик қонунларни бажарилишига риоя қилишлари шарт.

Тадбиркорларнинг табиат объектларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бир қатор меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларни барча тадбиркорлик фаолиятининг иштирокчилари онгига сингдириш, тушунтириш ва бажарилишини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини кузагадиган бўлсак, унинг иштирокчилари баъзан амалдаги экологик қонун талабларини тўғри тадбиқ этмаганликлари, ўз зиммаларига юклатилган экологик ҳуқуқ ва мажбуриятларни замон талаби асосида бажармаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Шунинг учун ҳам, тадбиркорларга ўз фаолиятларида табиат объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳуқуқий манбаларнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тадбиркорларнинг табиат объектларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар;

— Президент фармонлари;

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

— Идоравий-меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар;

— Тадбиркорлик соҳасига оид халқаро ва экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга соладиган халқаро аҳамиятга эга бўлган шартнома, битим ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Тадбиркорлар ўз фаолиятларида табиат объектларидан фойдаланиш жараёнларида биринчи бўлиб, Конституциявий талабларга риоя қилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **55- моддасида:**

„Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир“, — деб кўрсатилган.

Демак, ушбу кўрсатма тадбиркорларга:

а) барча табиат бойликлари умуммиллий бойлик эканлигини;

б) табиат бойликлари бўлган: ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, атмосфера ҳавоси ҳамда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш лозимлигини;

в) барча табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, уларни муҳофаза қилишни ҳам таъминлашларини талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамда тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солувчи манба сифатида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 25 майда қабул қилинган „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“¹ги Қонуни қатта аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» // „Халқ сўзи“. 2000 й. 16—39.

Мазкур қонуннинг 9- моддаси, 3- бандига асосан барча тадбиркорлар хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари лозим.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 16- моддасида „Тадбиркорлик фаолияти субъектларидан солиқ олиш“, 24- моддасида „Фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари“, 25- моддасида „Деҳқон хўжалиklarини ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари“, 29- моддасида „Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сувдан фойдаланишни амалга ошириш кафолатлари“ аниқ ифода қилинган.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини юритишда тадбиркорларни ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти меҳнатини муҳофаза қилишда табиат объектларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланиш жараёнида меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар, Ўзбекистон Республикасининг „Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида“ги Қонуни ва „Меҳнат Кодекси“ билан тартибга солинади.

„Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида“ги Қонуннинг 2- моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятида инсоннинг меҳнат жараёнида хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирларини амалга оширишга ҳам эътибор бериш ўринли. Ушбу талаб эса Меҳнат Кодексининг 211- моддасида ҳам мустақамланган.

Тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланиш фаолиятида меҳнатни муҳофаза қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, „Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)“ тўғрисидаги, ширкат хўжалигининг намунавий устави, „Фермер хўжалиги тўғрисида“ги Қонун ва фермер хўжалигининг намунавий устави ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилишича, ҳар бир шахс адолатли меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқига эгадир (37- модда).

Мазкур ҳуқуқий қоида талабига кўра тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ўзларининг соғлиғига, ҳаётига хавф солмайдиган, зарар

етказмайдиган меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар, яъни улар табиат объектларидан фойдаланиш жараёнларида экологик-санитария талабларига риоя этишлари лозим бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланишлари ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари „**Банкротлик тўғрисида**“¹ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан ҳимоя қилинади. Мазкур қонун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 3-моддасига асосан, фаолият кўрсатаётган барча корхоналар, шу жумладан, тадбиркорларнинг касод бўлиши, яъни банкротга учраганлик ҳолларига ҳам жорий этилади.

Шунингдек, тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган банкротлиги тўғрисидаги ишлари хўжалик судлари томонидан Хўжалик процессуал Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича „**Банкротлик тўғрисида**“ ва „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонунда белгиланган талаб ҳамда хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат нотариал органларининг роли бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби катта аҳамиятга эгадир.

Олий Мажлис томонидан 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „**Давлат нотариати тўғрисида**“ги Қонунига асосан нотариат органлари низосиз характердаги ишларни кўриб қал этади.

Мазкур қонунга асосан нотариат органлари муҳим аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йули билан тадбиркорларнинг табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда қонун билан кўриқланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Нотариал идоралар тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорларнинг табиат бойликларидан фойдаланиш шароити билан боғлиқ бўлган битимларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш мақсадида шартномаларини тасдиқлайди, ҳужжатларнинг нухаларини тўғрилигини, қарздорни низосиз характердаги мажбуриятларини мажбурий тартибда бажаришга

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни. // „Халқ сўзи“. 1998 й. 29- сентябр.

мажбур этишни таъминлайди ва бошқа табиат объектлари бўлган ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ бир қатор ҳаракатларни амалга оширадilar.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг барча жабҳаларида, тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида“ ги Қонун катта аҳамиятга эга.

Мазкур қонунга асосан, тадбиркорлар табиат объектларидан фойдаланиш жараёнида ҳам, хўжалик шартномаларининг субъекти сифатида фаолият кўрсатадилар. Зеро, улар табиат объектларидан фойдаланиш жараёнида ушбу қонуннинг 4- моддасига асосан „Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари“ га; 7- моддасига биноан „Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари“ ва бошқа талабларга риоя қилишлари шарт.

Тадбиркорларнинг табиат бойликларидан фойдаланишларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий маъбасининг асоси сифатида 26 май 2000 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“¹ ги қонуни ҳам катта аҳамиятга эга.

Ушбу қонуннинг 8- моддаси талабига асосан ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, жумладан тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этишлари шарт.

Шунингдек, мазкур қонунда белгиланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Мазкур қонун талаби шуни кўрсатмоқдаки, барча тадбиркорлар, жумладан хусусий тадбиркорлар ташқи иқти-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуни. // „Халқ сўзи“, Тошкент. 2000 й. 3—13.

содий фаолият билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини юритишларида юқоридаги қонун талабларига амал қилишлари лозим.

Тадбиркорларнинг табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий манба сифатида Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Масалан, 1998 йил 9 апрелдаги „**Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**“ ги, 1998 йил 10 октябрдаги „**Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун яна ер солиғини жорий этиш тўғрисида**“ ги, 1999 йил 24 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашни назорат қилиш Давлат инспекциясини („**Давлат ва сув хўжалиги назорати**“) ташкил этиш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор Президент фармонлари тадбиркорни табиат бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга қаратилгандир.

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва тадбиркорларни табиат бойликларидан фойдаланишини тартибга солиш учун Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ҳам аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 октябрдаги „**Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳақидаги низомни ва маблағларни жамлаш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги**“, 1998 йил 27 ноябрдаги „**Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги**“ ва бошқа қарорлари катта аҳамиятга эга бўлиб, табиат объектлари бўлган ер, сув, ерости бойликлари, ўрмон ва бошқа табиат объектларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган.

Тадбиркорларни табиат бойликларидан фойдаланишни ва ўз фаолиятларида уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишларида идоравий-меъёрий ҳужжатлар эътиборли ўрин тутди.

Тадбиркорларнинг давлат идораларига ҳисобот топшириши, банклардан кредит олиш жараёнини енгиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19

май 197- сонли қарорига асосан, Адлия Вазирлигининг 2000 йил 16 октябр 124- сонли буйруғи билан „Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидалари“ қабул қилиниши бу борадаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Чунки амалиётда тадбиркорларни ер, сув, ва бошқа табиат объектларидан фойдаланиши улар учун тегишли экологик солиқлар тўлаш жараёнида юқоридаги меъёрий ҳужжат билан боғлиқ бир қатор муаммолар пайдо бўлган эди.

Эндиликда Адлия вазирлиги томонидан „Текширишларни рўйхатга олиш китоби“нинг жорий қилиниши тадбиркорлик фаолиятида табиат бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ноқонуний ҳал этилишига чек қўйди.

Чунки, тадбиркорлар ўз фаолиятларидаги ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий объектлардан фойдаланар эканлар, кўплаб идоралар ва мансабдор шахслар томонидан уларни бу соҳадаги фаолиятлари кўплаб текширилади.

Ўтган давр мобайнида 70 мингта тадбиркорлик субъектлари „Текширишларни рўйхатга олиш китоби“ билан таъминланган.

Тадбиркорлар ўз фаолиятларида ер, сув, ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланишлари ва уларни муҳофаза қилишлари лозим. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, турли корхона, муассаса, ташкилотлар билан тадбиркорлар ўртасида низоли масалалар келиб чиқиши, яъни тадбиркорлик фаолияти юритишда табиат бойликларига зарар етказилиши мумкин.

Ана шундай низоли масалаларни кўришда ва ҳал этишда Олий ҳўжалик Суди Раёсати томонидан қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди Раёсатининг 1997 йил 1 декабрдаги қарори бевосита „Табиатни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳўжалик низоларини кўриш амалиётини умумлаштириш“га қаратилгандир.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солиш учун республикамизда кўплаб ҳуқуқий манбалар мавжуд. Юқорида номлари зикр этилган ҳуқуқий манбалардан ташқари тадбиркорларни барча ҳуқуқий ҳолатларини белгилайдиган ва ўзида ифода этадиган Ўзбекистон Республикасининг

„Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида“ ги, „Фермер хўжалиги тўғрисида“ ги, „Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ ги қонунлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Меҳнат, Маъмурий жавобгарлик, Жиноят, Ер, Солиқ Кодекслари ҳам тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланишлари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солади.

Хуллас, тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланишларини ҳуқуқий тартибга солиш катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни ушбу соҳадаги фаолиятларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга ва кафолатлашга ёрдам беради.

2- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан турли хил субъектлар, хусусан, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқарувчи, ишлар бажариш маиший хизмат, савдо соҳасидаги тадбиркорлар шуғулланадилар. Уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси, „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари“, „Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида“ ги, „Ижара тўғрисида“ ги, „Фермер хўжалиги тўғрисида“ ги, „Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъекти сифатида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўринни эгаллайди. Чунки қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик билан шуғулланувчи йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ер участкалари белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик кооперативларига ер участкалари заруриятта қараб қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалиги)га) бериб қўйилган ерлар икки тоифага бўлинади. Булар, *биринчидан*, жамоат ерларидан, *иккинчидан* эса деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлардан иборат бўлади. Ушбу тоифа ерларнинг миқдорини белгилаш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг мутлақ ваколатига кириб, уларнинг чегараларини белгилаш унинг қарорига асосан амалга оширилади. Шунининг алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) жамоат ерлари ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерларнинг миқдори ўзгармас бўлмасдан, уларнинг чегаралари умумий мажлисининг қарорига биноан ўзгартирилиши мумкин. Яъни деҳқон хўжалиги юритиш учун мўлжалланган ерлар миқдори жамоат ерлари ҳисобига кўпайиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва „**Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида**“ги Қонунига кўра қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га ер участкалари доимий эгаллик қилиш учун туман ёки вилоят ҳокимининг қарорига асосан Ер участкасига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати топширган ҳолда берилади.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)да ердан фойдаланиш асосан оила пудрати асосида амалга оширилади. Жамоат ерлари шартнома асосида оилаларга бўлиб берилади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида кўрсатилишича, оила пудрати — қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилган ер участкаларига қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир. Оила пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви билан оила бошлиғи ўртасида тузилади. Оила пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкалари қатъи белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Оила пудрати асосида ердан фойдаланиш ҳуқуқи фуқароларнинг ширкат хўжалиги бошқаруви номига берилган

аризасига асосан вужудга келади. Аризада сўралаётган ер участкасининг ўлчами (миқдори), етиштириладиган маҳсулот гури, оиладаги меҳнатга лаёқатли аъзоларнинг сони кўрсатилиши керак. Аризалар танлов эълон қилингандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилиниб, ширкат хўжалиги бошқаруви шундан сўнг ўн кунлик муддатда оила пудрати шартномаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Ер оила пудрати шартномасига биноан далолатнома асосида берилади. Далолатнома ер участкасининг ўлчами, унинг жойлашган манзили, ҳолати, ер участкасидаги мавжуд кун йиллик дарахтлар кўрсатилган ҳолда икки нусхада тузилади ва бошқарув ҳамда оила бошлиғи томонидан имзоланиб, ширкат хўжалигининг муҳри билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалик кооперативларининг ички хўжалик ерлари жамоа пудрати асосида ҳам фойдаланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ердан фойдаланиш ҳуқуқининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, уларга берилган ер участкаларининг қиймати уларнинг пай жамғармасининг таркибий қисмини ташкил этади. Ер участкасининг қийматини белгилаш ва уни пай жамғармасига киритишдан асосий мақсад ер участкаларининг унумдорлигини сақлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ҳосилдорлигини оширишдан кооператив аъзоларининг манфаатдорлигини таъминлашдан иборатдир. Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкаларининг қиймат баҳоси Давлат ер кадастри асосида ва белгиланган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида чиқарилади. Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкалари қийматидан кооператив аъзоси дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик шакли сифатида фермер хўжаликлари алоҳида аҳамият касб этади. Фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш муҳим ўринни эгаллайди. Фермер хўжаликларига ер участкалари ижара асосида берилади. Ер участкасини ижарага бериш муддати „**Фермер хўжалиги тўғрисида**“ги Қонунга кўра 10 йилдан кам бўлмаслиги, 50 йилдан ошиб кетмаслиги керак. Ер участкасини уюқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

Фермер хўжаликларига захирадаги ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва суғориладиган янги мавзулардаги ерлар берилди. Уларга зарар кўриб ишлаётган кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин. Фермер хўжалигига ер ижарага ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ва туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида берилди. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, фермер хўжалигининг таркиби, бизнес-режа кўрсатилади. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади ва умумий мажлис бу ҳақда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигига ер бериш ва уни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шундан сўнг ширкат хўжалиги бошқаруви билан фермер хўжалиги ўртасида ижара шартномаси тузилиб, у давлат рўйхатига олинади.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда ер участкасига оид асосий маълумотларни қайд этиб қўяди.

Фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш бўйича ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда расмийлаштирилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитларни, шунингдек, фермер хўжалигида ишловчилар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шу билан биргаликда фермер хўжаликларига ер бериш қонунда белгиланган. Фермер хўжалик тўғрисидаги қонуннинг 5- моддасига кўра, фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,30 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45

гектар, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этиши керак. Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчамли пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, бўрдоқчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари давлат мулки ҳисобланади, шу сабабдан у хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкалари иккиламчи ижарага ҳам берилиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмалари таркибида деҳқон хўжаликлари муҳим ўринни эгаллайди. Деҳқон хўжалигининг қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида тан олиншининг сабаби унинг қонунда кўрсатилган майда товар хўжалиги эканлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириши ва реализация қилиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши каби белгилари билан характерланади (Ўзбекистон Республикаси „Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ ги қонунининг 1- моддаси).

Деҳқон хўжаликларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (55- модда) ҳамда „Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ ги қонуннинг 2- боби билан тартибга солинади. Ушбу ҳуқуқий қоидаларга биноан қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимнинг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилди.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ҳамда оиланинг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги

корхоналарида — уларнинг юқори бошқарув органлари томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотларида - уларнинг иш берувчи (маъмурияти) қарори билан белгиланади, мазкур қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида сотилиши мумкинлиги қонунда кўрсатилган (Ер кодексининг 55- моддаси, „Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ ги қонуннинг 8- моддаси).

„Деҳқон хўжалиги тўғрисида“ ги Қонуннинг 8- моддасида кўрсатилишича, янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар фойдаланадилар.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлисининг қарори асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади.

Ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат соҳаларида шуғулланувчи тадбиркорларга ер участкалари кимошди савдоси асосида кўчмас мулк билан қўшиб сотилади. Бунда тадбиркорлар ерга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб оладилар, тасарруф этиш ҳуқуқи давлатда сақланиб қолади. Яъни тадбиркорлар ер участкаларини давлат органлари орқали қайтадан сотишлари мумкин бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: *Биринчидан*, улар ўзларига берилган ер майдонларидан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланадилар; *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектлари ердан оқилона фойдаланишлари, унинг ҳосилдорлигини доимо ошириб боришлари лозим; *учинчидан*, тадбиркорлар фойдаланишида бўлган хусусий-

интирилиши, олди-сотди қилиниши, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас; *тўртинчидан*, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар давлат мулки ҳисобланиб, тадбиркорлар уни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўладилар.

Демак, ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари учун жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда вужудга келади. Кўпинча бу жараён Мулк қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари томонидан ким оғди савдоси ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, уларга фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкаларига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган *ҳуқуқий нормалар йиғиндиси* тушунилади. Бу ҳуқуқий нормалар тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби ва асослари, уларнинг ердан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби муносабатларини тартибга солади.

3- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ва объектлари

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари деганда, ерлардан фойдаланувчи ишлаб чиқариш гузилмалари савдо, маиший хизмат кўрсатувчилар тушунилади. Бу субъектлар доираси Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексида кўрсатилган. Шу Кодекснинг 47- моддасига кура, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни айирбошловчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро, корхоналар ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланади. Ушбу корхоналар қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиш учун юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ичида энг муҳим ўринни қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) эгаллайди. қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалик корхонасининг асосий ташкилий ҳуқуқий шаклидир. Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ўзларига доимий эгалик ҳуқуқи асосида бериб қўйилган ер участкаларини ички хўжалик бўлинмаларига, оилаларга фойдаланиш учун бириктириб қўядилар. Ушбу тузилмалар (бригада, звенолар, оилалар) қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланмайдилар, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъекти сифатида доимо қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қатнашадилар.

Маълумки, қишлоқ хўжалик кооперативларининг ерлари деҳқон хўжаликлари юритиш учун ҳам ажратиб берилиши мумкин. Деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мустақил субъектлари ҳисобланадилар. Улар ўзларига бериб қўйилган ерларга нисбатан хўжалик юритиш, етиштирилган маҳсулотларни мустақил реализация қилиш ҳуқуқига эга бўлган ердан фойдаланувчи субъект бўладилар.

Ер кодексига биноан фермер хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мустақил субъекти бўладилар. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжалиги ер участкаларини ижара асосида олади. Ижара шартномаси фермер хўжалиги бошлиғи ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви раиси томонидан имзоланади. Бу билан фақат фермер хўжалиги бошлиғи қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъекти бўлади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Субъект сифатида барча фермер хўжалиги аъзолари, бутун фермер хўжалиги тан олинади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари сифатида юқорида санаб кўрса-

тилганлардан ташқари, Ер кодексида белгиланишича, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар (52- модда), жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги билан шуғулланувчи фуқаролар (56- модда), ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари (57- модда) бўлишлари мумкин:

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ичида алоҳида гуруҳни ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат соҳасида шуғулланувчилар ташкил этади. Уларга ер участкалари кучмас мулк билан биргаликда эгалик қилишга берилади.

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи умумий давсифномаси ушбу ҳуқуқ объекти масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни зарурат қилиб қўяди. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти деганда, уларга хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун бериб қўйилган ерларнинг тоифаларини, чегараларини, тизимини белгилаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида тадбиркорларга аввало, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Демак, қишлоқ хўжалигида тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерларга айтлади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексида белгиланишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахт-юрлари, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар мўлжалланган ерларга ажралади (43- модда). Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида суғориладиган ерлар муҳим ўринни эгаллайди. Суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектларини бир қанча жиҳатларига қараб тавсифлаш мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик ерлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва ҳ.к.) бўлинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар *суғориладиган ерлар* ҳамда *лалми ерлар* тоифаларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг кўчмас мулки жойлашган ер участкалари ҳам ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқининг объекти бўлади.

4- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни

Умумий қоидага кўра, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ер ҳуқуқи мазмунини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тадбиркорларнинг ер билан боғлиқ муносабатларга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини ташкил этади. Яъни, тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни уларга тегишли ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Маълумки, ер ҳуқуқий муносабатлар мазмуни учта элементдан: *ерни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш* ҳуқуқидан иборат бўлади. Демак, ер ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни ерни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари билан тавсифланади.

Даставвал таъкидлаш ўринлики, ер қонунчилигига кўра, тадбиркорлар ернинг эгаси бўлмаганлиги сабабли уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу ҳуқуқ фақат ернинг эгаси бўлган давлатда сақланиб қолади. Демак,

гадбиркорларга хўжалик фаолияти юритиш учун ер берилганда унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатда сақланиб қолади ва ҳеч вақт у иккинчи томонга ўтмайди. Шундай экан, гадбиркорлар ернинг эгаси ҳисобланмайдилар ва ерни тасарруф қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тадбиркорлар фақат ерни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Субъектив мулк ҳуқуқининг асосий элементи бўлган тасарруф этиш ҳуқуқи эса мулк эгасида, яъни давлатда сақланиб қолади.

Тадбиркорларнинг ер билан боғлиқ бўлган муносабатларида ерга эгаллик ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Ерга эгаллик ҳуқуқи туфайли улар ундан мустақил тарзда фойдаланишлари, ўзлари хоҳлаган экин турларини етиштиришлари, етиштирилган ҳосилни мустақил айирбошлашлари мумкин.

Ерга нисбатан эгаллик ҳуқуқи ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам келтириб чиқаради. Ерни эгалламасдан туриб, ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун уларни кўп жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ дейиш мумкин. Шунини айтиш керакки, ердан фойдаланиш ҳуқуқи - мустақил элемент сифатида ер ҳуқуқий муносабатларда алоҳида аҳамиятга ва ўзига хос хусусиятларга эга. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, тадбиркорлар томонидан ернинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, иқтисодий маънода ердан унумли фойдаланиш тушунилади.

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни тўғрисида фикр юритганда, бу ҳуқуқни бекор қилиш ёки гўхтатиб қўйиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишнинг умумий асослари қонунда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36- моддаси). Бу умумий асослар тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш учун ҳам тааллуқли ҳисобланади. Булар, асосан ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш; ер участкаси берилган муддатнинг тугатиш, корхона фаолиятининг тугаганлиги, ердан қонунда белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланишлик, ер участкасининг тупроқ унумдорлиги пасайиши, унинг кимёвий ва радиоактив бўлганини, экология вазияти ёмонлашишига йўл қўйишлик, белгиланган муддатлар мобайнида ер солиғини узлуксиз тўламаслик ва бошқалардир.

Шу билан бирга, ер участкаларидан фойдаланишни тўхтагиш тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг **90- моддаси**да кўрсатилган ерга нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганда ҳам, шунингдек ернинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси **37- моддаси**) муносабати билан ҳам тўхталиши мумкин.

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни тўғрисида фикр юритганда, албатта уларнинг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Чунки тадбиркорлар ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини уларнинг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси ташкил этади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексиде кўрсатилган. Чунончи, ушбу кодекснинг **39- моддасига** кўра, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори куйидаги ҳуқуқларга эга: ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи, ер участкасидаги мавжуд кенг фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, ерларни суғориш ва уларни захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш мақсадида суғориш манбаларидан сув олиш, уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда сарфланган ҳаражатларнинг тўланиши талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Ер кодексининг **40- моддаси**да ердан фойдаланувчиларнинг ердан фойдаланиш бўйича мажбуриятлари санаб кўрсатилган. Булар, ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини бузмаслик, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисида маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш, ерларни муҳофаза этиш,

минерал ўғитларни тўғри қўллаш, бегона ўтларга қарши курашиш, ерни эрозияга учратмаслик, ерга нисбатан давлатнинг мулк ҳуқуқини бузувчи битимлар тузмаслик ва бошқалардир.

5- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва ҳимоя қилинади. Ер тўғрисидаги қонун ерлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларини муҳофаза этади. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш деганда, уларнинг қонунда белгиланган тартибда ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ер участкаларини ғайриқонуний равишда олиб қўймаслик, ўзбошимчалик билан эгаллаб олмаслик, етказилган зарарни қоплашга қаратилган чоратадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Ер тўғрисидаги қонун аввало тадбиркорларнинг ерларини ноқийшлоқ хўжалик эҳтиёжларига ўтказишдан ҳимоя этади. Айниқса суғориладиган ерларни бошқа тоифага ўтказишга алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунда қийшлоқ хўжалиги, сув хўжалиги идоралари, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан келишиб амалга оширилиши, ута зарур шарт-шароитлар вужудга келганида берилиши лозим. Ер кодексининг **44- моддасига** кўра суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади. қийшлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишида бўлган алоҳида қимматга эга унумдор суғориладиган ерлар суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилмайди, зарур ҳолларда эса корхоналар, бинолар, ва иншоотлар қурилиши учун беришга эса алоҳида ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади (Ер кодекси 45- модда).

Ер қонунчилиги тадбиркорларнинг ерларини асоссиз равишда тортиб олишдан, олиб қўйишдан ҳимоя қилади. Чунончи, Ер кодексининг **37- моддаси**да кўрсатилишича, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишлича туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади. Агар ер эгаси ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаса бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Тадбиркорларнинг ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишдан ҳимоя қилиниши Ер кодексига алоҳида белгиланган. Ушбу кодекснинг **91- моддасига** биноан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади. Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, Ер қонунчилиги тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш фаолияти даврида уларга етказилган зарар, нобудгарчиликнинг ўрнини қоплаш масаласини ҳам ҳал қилган. Ер кодексининг **86- моддаси**да кўрсатилишича, ер участкасидан фойдаланувчига етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) нинг ўрни қўйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланади: ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганида; сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа ҳатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда қопланиши керак. Етказилган зарар айбдор корхона, ташкилот томонидан қопланади.

Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Чунончи, Ер кодексининг **41- модда-**

сида кўрсатилишича, ер эгалари фаолиятига давлат, хўжалик органлари, ҳамда мансабдор шахсларнинг аралашуви таъқиқланади. Шунингдек, ер эгаларининг бузилган ҳуқуқлари иккланиши керак. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги, қонун билан муҳофаза қилиниши улар ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлигини таъминлашга, ишлаб чиқаришини ривожлантиришга хизмат қилади.

6- §. Тадбиркорликнинг алоҳида турдаги табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи, нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга.

Тадбиркорларни алоҳида турдаги табиат объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқида алоҳида ягона институтни ташкил этади ва бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини юритишда табиат объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўз ичига олади.

Умуман олганда, тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи, тегишли ҳуқуқ тармоғида берилган табиий объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларига асосан экологик вазифалар ҳамда тегишли тадбиркорлик фаолияти юритиш мақсадларида тартибга соладиган, тадбиркорларнинг табиий объектлардан (ер, сув, ҳаво, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захиралар) фойдаланиш соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлайдиган меъёрлар йиғиндисиدير.

Тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини кенгроқ тушуниш учун, тадбиркорларнинг табиий объектлардан фойдаланиш турларини билиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси „**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги Қонунига асосан, табиат объектларидан фойдаланиш умумий тарзда ва махсус йўсинда бўлиши мумкин (6- модда).

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш учун

текинга, табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгаллик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

Мазкур ҳолат шуни кўрсатадики, қонунга асосан ҳар бир тадбиркор, тадбиркорлик фаолиятини юритишда табиий объектлардан фойдаланишда юқоридаги талабга бўйсунадилар ҳамда улар бевосита кўрсатилган ҳуқуқдан тегишли қонун асосида фойдаланилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 25 май 2000 йилда қабул қилинган „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонуннинг 8- моддасига биноан, тадбиркорлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сифатида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишлари мумкин. Демак, тадбиркорлик фаолияти юритишнинг объекти сифатида уларга тегишли қонун асосида берилган ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий захиралар бўлиши мумкин.

Масалан, Ер кодексининг (17-, 18-, 20-, 21-, 22-, 23-, 24-, 25-, 26-, 27-, 28- м.) ва бошқа моддаларида юридик ва жисмоний шахсларни, жумладан, тадбиркорларнинг ердан фойдаланиши билан боғлиқ бир қатор нормалари кўрсатилган.

Тадбиркорларни алоҳидаги турдаги табиий объектлардан фойдаланишининг ҳуқуқий тартиби „**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**“ги Қонуннинг VIII боб 25—31- моддаларида; „**Ер ости бойликлари тўғрисида**“ги Қонуннинг 10—23- моддаларида; „**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш**“га ундан фойдаланиш тўғрисида“ги Қонуннинг 7—9- моддаларида; „**Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш**“га ундан фойдаланиш тўғрисида“ги Қонуннинг 6—9- моддаларида; „**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш**“га ундан фойдаланиш тўғрисида“ги Қонуннинг 14—17- моддаларида; „**Ўрмон тўғрисида**“ги Қонуннинг 19—25- моддаларида ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Юқорида номлари зикр этилган қонунлар ҳамда „**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги Қонуннинг 34- модда-

сига асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар табиатдан махсус фойдаланганликлари учун гуловлар, табиий атроф-муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тикланганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат бўлади.

Тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқини тавсифлайдиган ва уни юридик табиатини очиб берадиган бир хусусияти табиат объектларига нисбатан мулк ҳуқуқидир.

Зеро, „**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги Қонуни (5- модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Демак, ушбу конституциявий нормага асосан, тадбиркорлар ҳар бир турдаги табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида, улардан оқилона фойдаланишлари, муҳофаза қилишлари ҳамда умумий бойлик сифатида тасарруф этишлари лозим.

Тадбиркорлик ҳуқуқида, тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқининг яна бир хусусияти мазкур фаолиятнинг субъектлари ва объекти масаласидир.

Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятида алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъекти сифатида табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқ лаёқатига эришган тадбиркорлар тушунилади.

Эйинки, „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонуннинг 4- моддасига кўра: „Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатлардан ўтган, ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш қонун ҳужжатларида мансабдор шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин“, — деб кўрсатилган.

Агар масалага мантиқий ёндашадиган бўлсақ, алоҳида турдаги табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқдорлиги қонун асосида улар ташкил этилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган пайтдан бошлаб вужудга келади ва улар фаолияти қонун асосида тутаганда тугатилади.

Умуман олганда, табиат объектларидан фойдаланувчи тадбиркорлар ва ушбу фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар, улар юридик ва жисмоний шахслар бўлишидан қатъий назар, улар ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлсалар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва рухсати бўлсагина субъект сифатида тан олинадилар.

Тадбиркорларнинг алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи объекти бўлиб, тегишли қонун асосида фаолият кўрсатаётган, тадбиркорлик фаолияти юритиш мақсадида қонун асосида фойдаланиш учун берилган табиат объектлари: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат бойликлари ҳисобланади.

Тадбиркорлар ўз фаолиятларида табиий объектлардан фойдаланиш ишини уларнинг аъзолари ёки бошқарув органлари орқали амалга оширишлари мумкин. Зеро, қонунга асосан, улар табиат объектларидан фойдаланишда тегишли имтиёзли ҳуқуққа ҳам эга бўлишлари мумкин.

Амалиётда тадбиркорларни табиий бойликлардан палапартиш, нооқилона фойдаланишлари айрим салбий оқибатларга олиб келмоқда. Натижада, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ёки алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга катта зарар етказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларининг хусусияти шундан иборатки, улар, *биринчидан* — тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни давлат мулк ҳуқуқининг объекти сифатида ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат заҳираларига нисбатан амалга оширадилар; *иккинчидан* — тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар, табиий объектлардан ҳам фойдаланувчи ёки эгалик қилувчилар бўлиб ҳисобланадилар, *учинчидан* — тадбиркорлик

фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар алоҳида турдаги табиий объектларга нисбатан тўлиқ ҳукмдорлигини амалга ошира олмайдилар.

Тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи объекти ҳар доим, барча ҳолларда давлат мулк ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорларнинг алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни табиий объектлардан фойдаланувчи субъектларга таалуқли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади. Демак, ушбу жараён, бевосита табиат объектларидан фойдаланиш, уни эгаллаш ва тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборат бўлади.

Амалдаги қонунларга асосан, тадбиркорлар табиий объектларни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур ҳуқуқ фақат табиий бойликларнинг эгаси бўлмиш давлат гомонидан амалга оширилади ва сақланиб қолинади.

Зеро, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 8—9- моддаларида батафсил кўрсатилган.

Шунингдек, тадбиркорлар табиий объектлардан фойдаланиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси „Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида“ги; „Санитария тўғрисида“ги; „Ветеринария тўғрисида“ги ҳамда бошқа экологик қонунларда кўрсатилган талабларга, ҳуқуқ ва мажбуриятларга қаттиқ амал қилишлари лозим.

Тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи бевосита, бу ҳуқуқни бекор қилиш ва тухтатилиши масаласи билан боғлиқ.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 48- моддасига кўра: „Тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш унинг мол-мулки мулкдорнинг ёки бундай қорхоналарни тузишга ваколатли органнинг қарорига мувофиқ ёхуд суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти тугатилганда бўшаб қолаётган ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти у давлат реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган деб ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тўхтатилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади“, — деб кўрсатилган.

Демак, тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқлари мазкур қарорнинг **8—9-моддаларига** ҳуқуқ мажбуриятларининг бажармаганлик ҳамда уларга амал қилмаганликлари оқибатида ва экологик қонун талабларини бузганликларида ҳам тугатилиши ва уларни фаолиятлари тўхтатилиши мумкин.

Умуман олганда, тадбиркорларни алоҳида турдаги табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни табиий объектларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ҳосиласи сифатида, табиий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларига тегишли бўлган фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи асосида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

Хуллас, тадбиркорлар табиий объектлардан фойдаланиш жараёнида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини теран англаб етишлари, уларга риоя қилишлари табиий объектлардан оқилона фойдаланишлари ва уларни муҳофаза этишлари, ўз навбатида тадбиркорлик ва экологик қонунчилиги талабларини кам-кўстсиз бажаришга, ҳамда ушбу талабларни бузмасликка хизмат қилади.

7- §. Тадбиркорлик субъектларини табиий объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик асослари

Тадбиркорлик субъектларини табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун юридик жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш, умуман олганда, тадбиркорлар томонидан экология соҳасидаги қонун ва талабларни бажармаслик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Табиий объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик оқибатидаги *ҳуқуқбузарлик* — бу тадбиркорларнинг (ёки айбдорнинг) қонунга хилоф хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг экологик тизимига, сиёсатига ҳамда барча табиий объектларига зарар етказилганида, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда, табиат ресурсларидан фойдаланишни бошқариш

на назорат этишда, табиатни муҳофаза қилиш ва экология соҳасидаги қонун талабларини тадбиркорлар томонидан бузилишида намоён бўлиши мумкин.

Тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш қоида ва талабларни бузганлик учун юридик жавобгарлик асослари амалдаги Ўзбекистон Республикасининг „**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги Қонуннинг **47- моддаси** ва „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонуннинг **51- моддаси** ва бошқа экологик қонунлари талабларидан келиб чиқиб қўлланилади.

Тадбиркорларнинг табиий объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик оқибатидаги ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқий экологик ва аграр ҳуқуқий меъёрларга қарши қилган хатти-ҳаракати, тизимига, жамоатчилик ҳамда табиий объектлардан фойдаланиш учун хавfli бўлган ҳаракат оқибатидир.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос белгилари бўлиб, уни табиатни муҳофаза қилиш, экология ва аграр қонунларга хилофлиги, яъни ҳуқуқга хилофлиги, айбнинг мавжудлиги, жамоат учун ҳамда экологик тизимни мустаҳкамлаш учун хавfliлиги ҳисобланиб, улар етказган зарарнинг оқибати билан белгиланади.

Табиий объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик оқибатидаги ҳуқуқбузарлик таркибига: *субъект, субъектив томон, объект, объектив томонлар*, ҳуқуқбузарлик оқибатида табиий объектларга ҳамда экологик тизимга етказилган зарар ва у билан боғлиқ бўлган ҳолатлар киради.

Тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш қоидалари ва талабларини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг интизомий, маъмурий, Фуқаролик (мулкӣ) ва жиноий турлари мавжуд.

1. Тадбиркорларни табиий объектларидан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортишдан асосий мақсад, содир этилган (ножўя хатти-ҳаракат) ҳуқуқбузарлик учун моддий ва маънавий жавобгарликни ҳис этиш, тадбиркорларни қонунни бузиш ҳолларини олдини олиш „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги ҳамда меҳнат қонунларига ўзаро ҳурмат билан қараш ва уларни амалга оширишда меҳнат интизомига, табиатни муҳофаза қилиш тизимига қаттиқ риоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Тадбиркорларни табиат объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ноҳўя хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлиши лозим. Интизомий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида ер, ер ости, сув, атмосфера, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланмаслик тадбиркорлар томонидан тузилган ҳуқуқий шартномалар асосида, маълум экологик тадбир ва талабларни амалга оширмаслик, бажармаслик, ўз меҳнат бурчига садоқат билан ёндошмаслик тадбиркорларга, уларнинг фаолиятига ҳамда улар тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши оқибатида тадбиркорларга етказилган экологик зарар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ҳамда ўз устави ва низомига эга бўлган хусусий тадбиркорлар, табиат объектларидан фойдаланиш қоидалари бузилганда, ўз уставлари ёки меҳнат қонунчилиги асосида интизомий жазони қўллашлари мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқида тадбиркорликни табиий объектларидан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганликлари учун бир қатор хусусий белгилари мавжуд.

Биринчидан, интизомий жавобгарлик табиий объектлардан фойдаланувчи тадбиркорлар томонидан, шу тадбиркорлик фаолиятида хизмат қилаётган ходимларга нисбатан;

Иккинчидан, интизомий жавобгарлик бошқа турдаги ҳуқуқий жавобгарликка нисбатан анча енгиллиги;

Учинчидан, тадбиркорлар ўз уставлари ва низомларига асосан қўллашлари ва бошқа хусусиятлари билан фойдаланади.

Тадбиркорлар томонидан табиий объектларга, яъни ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарар учун интизомий жавобгарлик, меҳнат интизомини бузиш оқибатида ҳамда ходим ёки тадбиркор ўз хизмат вазифасини бажармаслик оқибатида вужудга келади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг **181-** моддасида аниқ интизомий жазо тури кўрсатилган.

Ходимга, меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100- модда, иккинчи қисмининг 3 ва 4- бандлари).

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган корхона, муассаса, ташкилот ва хусусий тадбиркорлар ўз Устави ёки Низомини ишлаб чиқишда ва қабул қилишда интизомий жазо чораларини ўрнатишда ушбу қонундан асос сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тадбиркорлар фаолиятида бошлиқ томонидан ўз ходимига нисбатан интизомий жазо қўллаш жараёнида содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Интизомий жавобгарлик масаласи тадбиркорлик фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг содир этилиши жараёнида *биринчидан*, шу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган иқтисодий ва экологик зарар етказилиши; *иккинчидан*, унинг содир этилиши оқибатида ҳуқуқ соҳасининг (масалан: меҳнат, қишлоқ хўжалик, хўжалик (тадбиркорлик) Фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ белгиланган ҳуқуқий-экологик тартиби ва меъёрлари бузилиши мумкин.

Хуллас, тадбиркорлик фаолиятида экологик қонунчилик, табиий объектлардан фойдаланиш қоидалари ва талабларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолиятидаги гоза, экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, табиий объектлардан фойдаланиш мақсадида тузилган барча шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ўз вақтида таъминлаш ва унинг экологик ҳуқуқий кафолатини таъминлаш, умуман олганда барча табиий бойликларидан оқилона фойдаланишни ҳамда тадбиркорларни табиат объектларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлайди.

8- §. Тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

Табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида амалиётда кенг қўлланилади.

Шунинг учун ҳам, тадбиркорлик фаолиятида табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти мавжуд.

Тадбиркорликни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарликни (ножум хатти-ҳаракатни) содир этилиши кифоя бўлади.

Амалдаги қонунчиликда, тадбиркорликни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш асоси ва унинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг „**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**“ ги кодексда кўрсатилган.¹

Ушбу кодекснинг **10- моддасига асосан:** „Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади“.

Кўриниб турибдики, мазкур кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, шу жумладан тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганликлари учун ҳам, башарти бу ҳуқуқбузарликлар ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятида табиий объектлардан фойдаланиш тартиб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортишдан асосий мақсад — барча тадбиркорларнинг экологик қонунларни аниқ ва тўғри бажаришлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларни тадбиркорлик фаолиятида аниқ ва тўғри ижро этилиши, ҳурмат қилиниши, тадбиркор юридик ва жисмоний шахслар томонидан, лозим бўлган бурч (мажбурият)ларни ўз вақтида бажаришлари, амалга оширишлари зеро, табиий объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва унга қарши курашишдан иборатдир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Тошкент. Адолат, 1995 й.

Тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлиги ўзига, субъект, субъектив томон, объект ва объектив томонлари қамраб олади.

Табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузиш билан боғлиқлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик (жиноят)нинг субъекти бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар, мансабдор шахслар ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектларга қонун асосида фойдаланишга бериб қўйилган: ер, ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захиралар ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Субъектив томони эса табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан бузиш оқибатлари ва объектив томони эса, етказилган зарар, уни қоплаш ва тиклаш ҳолатлари билан бевосита боғлиқдир.

Шуниси эътиборлики, жумладан тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси „**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**“ги Кодексда кўрсатилган қуйидаги ҳуқуқбузарлик турларини содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Зеро, ана шундай ҳуқуқбузарлик турлари ушбу кодекснинг 7—8- бобларида кўрсатилган.

Табиий ресурсларга эгаллик ҳуқуқини бузиш (60- м.), Тайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш (63- м.), Тарихий ёки маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (64- м.), Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга гушириш (65- м.), Ер бериш тартибини бузиш (66-м); Вақтинча эгаллаб турилган ерни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз вақтида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирмаслик (67- м.), Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш (68- м.), Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш (69-м.), Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш (70- м.), Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва

талабларини бузиш (71-м.), Сув заҳираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72- м.), Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларини кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятини бажармаслик (73-м), Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (74- м.), Сувларни давлат ҳисобида юритиш қоидаларини бузиш (75- м.), Сув ҳужалик иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76- м.), Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (77- м.), Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш (78-м.), Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш (79-м.), Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш (80- м.), Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш (81- м.), Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш (82- м.), Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш (83- м.), Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш (84- м.), Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш (85- м.), Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ундан фойдаланмаслик (86- м.), Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормасидан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш (87- м.), Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик (88- м.), Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш (89- м.), Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарлантириш қоидаларини бузиш (89- м.), Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш, бузиш (90- м.), Саноат, рўзгор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, ўтинлаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (91- м.), ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худ-

ди шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш (92- м.), Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш (93- м.), Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш, ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки янаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш (94- м.), Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик (95- м.), Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасиз рўёбга чиқариш (96- м.) ва бошқа хатти-ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, „**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**“ги кодекснинг 10- боби „Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун“, яъни (104—112- моддалари) талабларини бузганлик учун ҳам тадбиркорларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси „**Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**“ги кодексининг 23- моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо турлари қўлланилади.

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай бўлган ашёни мусодара қилиш;

3) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

4) маъмурий қамоққа олиш.

Умуман олганда, тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганликлари ҳамда мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этганлари учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллаш, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари, туман, шаҳар судлари, ички ишлар органлари, табиатни муҳофаза қилиш, санитария-ветеринария давлат инспекциялари органлари ҳамда маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқига эга бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкӣ зарар оқибатида вужудга келади. Демак, мазкур ҳолат бўйича тадбиркорларни Фуқаролик-ҳуқуқӣ (мулкӣ) жавобгарликка тортишдан мақсад, табиий объектлардан фойдаланишда етказилган зарарни ўз вақтида қоплашдан иборат.

Амалдаги қонунчиликдан етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида ўз аксини тошган.¹

Табиий объектларидан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликнинг характерли томони шундаки, субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш ёки экология соҳасидаги маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши, уни етказилган зарарни ўз вақтида тўлаш ёки қоплаш мажбуриятдан озод этмайди.

Тадбиркорларни табиий объектларидан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун фуқаровий-ҳуқуқӣ жавобгарлик қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Биринчидан, ер, сув, ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси давлат (умумийлик) бойлиги, мулкӣ бўлиб, ушбу объектларни олди-сотди, ҳада қилиш, гаровга қўйиш, айрибошлашга рухсат этилмайди.

Иккинчидан, табиий бойликлардан фойдаланишда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, улар ўзлари томонидан етказилган зарарни тўлашлари ёки қоплашлари шарт бўлади. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 324—331- моддалари талаби асосида амалга оширилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Т. Адолат, 1996 й.

Учинчидан, тадбиркорларнинг табиий объектларидан фойдаланишлари ва бошқа ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг барча қонунларига зид келиши мумкин эмас ва ҳар қандай тузилган битим ва шартномалар Фуқаролик Кодексининг **113—128-моддалари** талабига мос келиши лозим.

Масалан, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида чиқарган зарарли чиқитлар оқибатида ер, сув ва ҳавони ифлосланиши ёки тегишли маҳсулотлар сифатининг бузилиши ва бошқалар.

Тўртинчидан, тадбиркорлар табиий бойликлардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш талаблари ва қонунларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплашлари ва тўлашлари лозим.

Зарарни қоплаш ва тўлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида, „**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги (25-модда), „**Ер ости бойликлари тўғрисида**“ги (47—50-моддалар), „**Ер кодексида**“, (86—88-моддалар), „**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**“ги (117—118-моддалар) қонунларда батафсил ўз аксини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг мажбуриятларини бажармасликдан келиб чиқадиган жавобгарликка бағишланган умумий қоидаларни бевосита табиий бойликлардан фойдаланишга етказилган зарарни ундиришда ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятида Фуқаролик-ҳуқуқий (мулкӣ) ҳуқуқбузарликларнинг табиий бойликлардан нотўғри фойдаланиш, улар тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун турли шакллари мавжуд бўлиб тегишли жавобгарлик мавжуддир.

Масалан:

- 1) тадбиркорлар томонидан табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини бажармаслик;
- 2) табиат бойликлари (ер-сув ва ҳақозо)дан фойдаланиш тартибини бузганлик оқибатида етказилган зарар учун;
- 3) ўрмон ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг нобудгарчилиги учун;
- 4) қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар томонидан экологик талабларни бузиш оқибатида етказилган зарар учун;

5) тадбиркорлик фаолиятида меҳнат (устав ёки низом) талаби ва қонунчилигини бузганлик оқибатида етказилган зарар учун;

6) тадбиркорлик фаолиятида эски технологиядан фойдаланиш натижасида, қонунда кўрсатилган норматив ва стандартлардан ошиқча чиқит чиқарганлик оқибати учун;

7) тадбиркорлар томонидан тегишли қонуний тузилган, битим, шартнома ва мажбуриятларни бажармаслик оқибатида ва ҳолатлар учун фуқаровий-ҳуқуқий (мулкӣ) жавобгарлик қўлланиши мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлар томонидан экологик ҳуқуқбузарлик (жиноят) ни содир этиш натижасида етказилган зарар асосан кўпроқ икки шаклда намоён бўлиши мумкин:

1) иқтисодий, зарарнинг ушбу шаклда содир этилиши жараёни табиий ресурсларидан фойдаланувчи тадбиркорларнинг мулки ёки даромадларига зиён етказди, аксинча тадбиркорлар бошқа субъектларга ана шундай зиён етказишлари мумкин;

2) экологик етказилган зарарнинг моҳияти шундаки, у ер, сув, ҳавони ифлослантириш, ерларни фойдаланишдан чиқариш, ўрмонларни қирқиш, атмосфера ҳавосини ифлослантириш, ўсимлик ва ҳайвонларни йўқ қилиш ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади.

Хуллас, ҳозирги пайтда тадбиркорлик фаолиятида табиий объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар кўп бўлиб, жамиятимизга, давлатга ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотларга зарар етказилиши мумкин. *Масалан*, тадбиркорлик фаолиятида атмосфера ҳавосини ифлослантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ва уни ифлослантириш, ерларни эрозияга учрашига сабабчи бўлиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари йўқолиб кетишига сабаб бўлиш ва ҳоказолар.

Демак, тадбиркорлик фаолиятида табиий бойликлардан оқилона ҳамда талабларни ўз вақтида тўғри бажаришини таъминлаш, Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммоларини тўғри ҳал этилишини таъминлайди.

Тадбиркорликни табиий объектларидан фойдаланиш талаб қоидаларини бузганлик учун жиноий ҳуқуқий жавобгарлиги жиноят қонунларида белгиланган ижтимоий хавфли ғайриқонуний хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этганда қўлланилади.

Тадбиркорларни табиий объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ва талабларини бузганлик учун асос бўлиб, ушбу соҳада содир этилган (жиноят) ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Мазкур соҳадаги жиноий ҳуқуқбузарлик тадбиркорлар (юридик ва жисмоний шахслар)нинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан жиноят қонунларида белгиланган қоидаларни бузишга қаратилган ҳаракат ва ҳаракатсизликлари тушунилади.

Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши давлатнинг экологик сиёсатига, табиат бойликларига ва улардан муҳофаза этиш тадбирларига, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни таъминлашга жиддий путур етказиб, келажак авлод олиндидаги экологик мажбуриятни амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, табиий объектлардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларни бузганлик учун жиноий ҳуқуқий жавобгарлик асоси бўлган ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишдан келиб чиқадиган ҳуқуқий тартиб-қоидаларни бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жазо чоралари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Демак, табиий объектлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, улар тўғрисидаги қонун ҳамда талабларни бузганликда жиноий жавобгарликни қўллаш учун, экологик ва агар қонун нормалари билан биргаликда жиноят қонунлари ҳам бузилган бўлиши ва шу ҳуқуқбузарликлар учун жиноят кодексига жазо чораси белгиланган бўлиши лозим. Акс ҳолда жиноий жавобгарлик келиб чиқмаслиги ҳам мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини, улар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишда бир қатор жиноят таркиби содир этилган бўлиши лозим.

Булар: ҳуқуқбузарлик (жиноят), айбнинг мавжудлиги, ижтимоий хавфлилик даражасининг борлиги, ҳуқуқга хилофлиги ҳамда жазога сазоворлик кабилардир.

Тадбиркорлик фаолиятида содир этилган мазкур жиноятнинг (ҳуқуқбузарлик) субъекти бўлиб, фуқаролар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар ва бошқа жисмоний шахслар тан олинади.

Объект бўлиб эса, Ўзбекистон Республикасининг экологик тизими, ер, сув, ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, қонуний манфатлари тан олинади.

Субъектив томони бўлиб, субъектнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан, яъни жиноятдан келиб чиққан оқибатга нисбатан бўлган руҳий муносабатидир, яъни жинойий хатти-ҳаракатларнинг мотив ва мақсади билан ҳам боғлиқ.

Ушбу соҳада содир этилган, жинойий хатти-ҳаракатлар оқибатида, табиат бойликлари ва объектига, экологик тизимга етказилган моддий ва маънавий ҳамда иқтисодий ва экологик зарарларни етказилиши мазкур жиноятнинг объектив томони деб тан олинади.

Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятини юритишда содир этилган ушбу соҳадаги жиноятлар Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига¹ батафсилроқ кўрсатилган.

Мазкур қонуннинг IV бўлими „**Экология соҳасидаги жиноятлар**“ деб номланиб, XIV боби, „**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш**“ соҳасидаги жиноятлар деб номланади.


Бу жиноятларга: Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193- м.), Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194- м.), Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрилмаслик (195- м.), Атроф табиий муҳитни ифлослангириш (196- м.), Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шароитларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (197- м.), Экинзор, ўрмон ёки бошқа довларахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш (198- м.), Ўсимликлар касалликлари ёки зарарқундалари билан кураш талабларини бузиш (199- м.), Ўсимликлар касалликлари ёки зарарқундалари ёки зоотехника қоидаларини бузиш (200- м.), Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (202- м.), Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203- м.), Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш (204- м.).

¹ Қаранг: Жиноят кодекси, Т. Адолат. 1995 й.

Шунингдек, тадбиркорлар табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўрсатилган иқтисодиёт соҳасидаги, хўжалик фаолияти, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва экишдан иборат бўлган ҳуқуқбузарликларни (жиноятларни) олдини олишлари ва уларга қарши курашишлари лозим.

Амалдаги қонунчиликка асосан, юқорида санаб кўрсатилган ҳуқуқбузарлик (жиноят) турлари учун жиноий жавобгарлик жазо чоралари сифатида *жарима, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш* кабилар қўлланилиши назарда тутилган.

Хуллас, тадбиркорларга табиий объектларидан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун юридик жавобгарликни белгилаши, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва уларга қарши курашишга ёрдам беради.



VI БОБ | Тадбиркорлик фаолиятининг объекти сифатида мулк

1- §. Тадбиркор эгалигидаги мулкнинг таркибий қисми ва унинг ҳуқуқий ҳолати

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган бозор иқтисодиётига ўтишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни турли хил шакл ва усулларда амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Булар ичида тадбиркорлик фаолияти туфайли мулкчилик ҳуқуқий муносабатлари шаклланиб, мулкдорга даромад келтиради. Буржуа иқтисодида „тадбиркорлик“ тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлиб, у кўпинча „мулкдор“ ибораси билан бир хилда тушуниланган. Хусусан, **А. Смит** тадбиркорликни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадини кўзлаб таваккалчилик билан иш кўрувчи мулкдор деб характерлайди.¹ Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмасда, унда маълум даражада асос бор. Чунки тадбиркор даставвал ўз мулкига асосланиб фаолият олиб боради.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий асосини мулккий муносабатлар ташкил этади. Мулк иқтисодий категория бўлиб, жамиятнинг базисини ташкил этади. Мулк бирламчидир. Мулк моддий неъматларни ўзлаштириб олишнинг юридик шакли сифатида жамиятга катта таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ эса, мулкни иқтисодий муносабатларда юридик мустаҳкамлайди.

Мулкнинг ўзи нима? Бу саволга жавоб топишдан олдин мулкчилик муносабатларига қисқача тўхталиб, уни тавсифлаб бериш ўринлидир.

Биринчидан, бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари, яъни ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган, унинг дастлабки шарти ва натижасининг муносабатидир. **Иккинчидан**, одамларнинг моддий неъматларини, энг аввало ишлаб чиқариш воситаларини (унинг шарт-шароитларини), шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти

¹ Мулкчиликнинг турли шакллари шароитида тадбиркорлик фаолияти. —Т.: 1994,45- б.

натижаларини бевосита ўзлаштириб олиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларидир. *Учинчидан*, мазкур муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ўзлаштириб олинганлиги ва ўз ихтиёрига ўтказиб олинганлиги ҳолатидан иборатдир.¹ Мулкчилик муносабатларидан келиб чиқиб, мулк ҳам бир неча маъноларда қўлланилади. *Биринчидан*, мулк—табиат бойликларини ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини шахслар томонидан ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли; *иккинчидан*, мулк бирор ашёга нисбатан шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларнинг натижаси; *учинчидан*, мулк муайян шахсга тегишли бўлган айрим ашёлар ёки муносабатларнинг негизини ташкил этувчи мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган нормалардан иборатдир.

Мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни Конституцияда белгиланган (Конституциянинг 36-, 53—55- моддалари). Конституциянинг **53- моддасига** кўра, „Бозор муносабатларини ривожланишга кўрсатилган, Ўзбекистон иқтисодиёгининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади“.

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш фуқаролик Кодексида ҳам мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25- майдаги „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонуннинг 3- моддасида „Тадбиркорлик фаолиятига гушунча субъектлари ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият“ деб ифода этилган. Ушбу тушунчадан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари Қонунда белгиланганидек „тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин“ (14- м).

¹ Бозор Қонунияти асослари. Чжен В. А. Раҳмонқулов Х. А. ва бошқалар. —Т.: Бизнес каталог, 1996, 85- б.

Демак тадбиркорлик субъектининг мулкани биз Қонунга асосан икки қисмга ажратишимиз мумкин. *Биринчиси*, тадбиркорлик субъектининг мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулклари; *иккинчиси*, тадбиркорлик субъектининг тадбиркорлик фаолиятига жалб этилган мол-мулклардан иборат.

Аввало тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқига тўхталамиз. „Мулк ҳуқуқи, — деб Фуқоролик Кодексининг **164- моддасига** асосан — шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир“ деб белгиланган.

Тадбиркорлик субъектининг мол-мулкка бўлган ҳуқуқи мулк ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шундай экан, тадбиркорнинг эғалигидаги мол-мулк унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлганда, унинг объектлари таркибига мулк ҳуқуқининг объектлари киритилади. Улар жумласига, ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий захиралар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, механизмлар, асбоб-ускуналар, хом-ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари киради.

Тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқининг яна бир кўриниши бу бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида унга тегишли бўлган мол-мулклар (яъни мулк ҳуқуқлар — титул ҳуқуқидир). Унда тадбиркор мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларидан фойдананилади: хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эғалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи; сервитутлар.

Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари турларидан иборат бўлиб, мол-мулкка нисбатан тадбиқ қилинади. Ушбу ҳуқуқларнинг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича, ушбу

мол-мулкдан фақат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини кўзлаб уни эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф қиладилар.¹

Булардан ташқари тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки бўлган ҳуқуқлари мажбурият ҳуқуқий муносабатлари асосида ҳам вужудга келиши мумкин. Яъни улар билан бошқа шахслар, жумладан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган шартномалар асос бўлиши мумкин.

Тадбиркор ҳам мулкдор каби мулк ҳуқуқининг муддатсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Яъни тадбиркор ўз мулкидан абадий фойдаланиш, ўз мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч бир шахс тадбиркорнинг мулк ҳуқуқидаги мулкани эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун муддат белгилаш ҳуқуқига эга эмас.

Тадбиркорлик субъектлари мулкӣ ҳуқуқнинг объектлари фуқаролик ҳуқуқи объектлари билан боғлиқдир. Уларни асосий турларини хусусиятига қараб қуйидагича таснифланади:

- а) ашёлар;
- б) ишлар;
- в) хизматлар;
- г) интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари;
- д) номоддий неъматлар.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулки фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк — ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек бинолар ва иншоотлардан иборатдир. Улар ўз хусусиятига кўра ер билан боғлиқ мулк сифатида қаралади. Қонун ҳужжатлари билан бошқа мол-мулклар ҳам кўчмас мулк деб топилиши мумкин. Кўчмас мол-мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши албатта давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчар мулк — бу мол-мулкнинг ўз фойдали, хўжалик хусусиятларини йўқотмасдан бир жойдан иккинчи бир жойга

¹ Раҳмонқулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1-жилд. — Т.: „Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси“ Нашриёт уйи, 1997 й. 321—322- бетлар.

ўтказиш, кўчиришнинг имконияти бўлган мулклардир. Улар ер билан узвий боғлиқ бўлмаган мол-мулклардир, яъни стол, стул, телевизор ва бошқалар.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ашёлар куйидаги юридик таснифга эга:

а) хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар (ФКнинг 87- м.);

б) бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар (ФКнинг 88- м.);

в) истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар (ФКнинг 89- м.);

г) асосий ва мансуб ашёлар (ФКнинг 90- м.);

д) мураккаб ашёлар (ФКнинг 91- м.).

Ушбу ашёлардан келадиган ҳосил ва даромадлар ҳам мол-мулк сифатида тадбиркорга тегишли бўлади.

Мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати (режими) деганда, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш бўйича қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган қоидалар (нормалар) йиғиндиси тушунилади. Мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати (режими) бир қанча омилларга, хусусан, мол-мулкнинг ҳуқуқ субъектига тегишлилигини белгиловчи юридик титулга, мол-мулкнинг нима мақсадда тайинланишига, хўжалик фойдаланишига боғлиқдир. Тадбиркорнинг мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши, уларга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишнинг хусусиятлари мулк шаклларига қараб қонун томонидан ўрнатилади.

Ўзбекистонда Фуқаролик Кодексига асосан мулкнинг икки шакли: хусусий мулк ва оммавий мулк шакллари белгиланган. Хусусий мулкнинг субъектлари фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишдаги мол-мулклар тадбиркор фуқароларга ва бошқа ташкилотларга тегишли бўлади. Юридик шахсларнинг мол-мулкка нисбатан мулккий ҳуқуқлари тижорат ёки нотижорат ташкилотларининг ўз балансида ёки сметасида мустақамланади. Юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари ташкил этилганда таркибий бўлинманинг алоҳида балансида кўрсатилади ва у мол-мулк юридик шахснинг мулк ҳуқуқида қолади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари эгалигида мол-мулклар баҳоланиб турилади. Баҳоланишнинг ҳар хил усуллари мавжуд: дастлабки, қолдиқ, тиклаш, бозор қиймати бўйича

баҳоланади. Баҳолашнинг қайси усулини танлаши тадбиркорлик фаолиятининг қайси босқичдалиги, мол-мулкнинг тури, уни ўтказиш мақсадига боғлиқдир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини амалга ошириш асоси бўлиб хизмат қилади. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тўлиқ мулккий жавобгарлик белгиланади. Тадбиркорлик субъекти ҳисобланган „фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно“ (ФКнинг 25- м.). Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган „юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради“ (ФКнинг 48- м.).

Хўжалик юритиш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ мулк ҳуқуқидан келиб чиқадиган мулкдор мол-мулкдан хўжалик ва бошқа мақсадда фойдаланиши юзасидан юридик шахснинг ашъвий ҳуқуқидир. Хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка қонунларда белгиланган тартибда эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари ашъвий ҳуқуқнинг турларидан иборат бўлиб, мол-мулкка нисбатан тадбиқ қилинади. Ушбу ҳуқуқларнинг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича, ушбу мол-мулкдан фақат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини кўзлаб уни эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф қиладилар.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ташкил бўлган корхонага берилган мол-мулк унинг *муассис* — *мулкдори* эгалик, мулк ҳуқуқидан чиқарилиб, корхона балансига ўтказилади. Ушбу мол-мулк корхонанинг мустақил мулккий жавобгарлигига берилади ва бошқалар, шу жумладан, мулкдор мулкдан алоҳида ажратилади. Шунинг билан мулкдор ўз мол-мулкка бўлган ҳуқуқининг маълум қисмини хўжалик юритувчи корхонага беради.

Унга асосан хўжалик юритишда бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона

директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади. Мулкдор корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкни фойдаланишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасаруф этишга ҳақли эмас.

Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасаруф этади.

Оператив бошқариш ҳуқуқининг субъектлари давлат унитар корхоналари ва муассасаларидан иборат (178- м.). Муассасаларидан давлатга, фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Оператив бошқариш ҳуқуқининг объектлари давлат корхонаси ва муассасаларининг мол-мулки ҳисобланади.

Оператив бошқариш ҳуқуқи мазмун жиҳатидан хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан анча тор маънода тушунилади. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзига биркитиб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг тайинланишига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш ҳуқуқларини амалга оширади. Ушбу мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқи эса аксинча — анча кенг. Мулкдор суд тартибида эмас, балки ўз хоҳиши билан ортиқча бўлган, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни давлат корхонаси ва муассасасидан олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасаруф этиш ҳуқуқига эга. Мол-мулкнинг ортиқча эканлигини ва ундан ноўрин фойдаланилаётганлигини исботлаш вазифаси мулкдор ваколат берган орган зиммасига юклатилади.¹

¹ Раҳмонқулов Х. Р. Ўзбекистан Республикаси Фуқоролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 жилд. — Т.: „Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси“ Нашриёт уйи. 1997, 321—322- бетлар.

Оператив бошқариш ҳуқуқи асосида унитар корхона, муассаси, мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини қуйидагича амалга оширилади:

- а) қонунда (ўрнатилган) белгиланган доирада;
- б) ўз фаолиятининг мақсадига мувофиқ равишда;
- в) мулкдорнинг вазифасига мувофиқ равишда;
- г) мол-мулкнинг тайинланишига мувофиқ ҳолда.

Оператив бошқариш ҳуқуқи мол-мулкнинг унинг эгаллигига ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Мулкни оператив бошқариш учун корхона билан мулкдор ёки у ваколат берган орган ўртасида шартнома тузиш зарурлиги йўғрисида бирон бир қоида белгиланмаган. Шунинг учун давлат мулкни бошқарувчи қўмиталар ва органлар томонидан мол-мулкни унитар корхонага оператив бошқаришга берилиши учун шартнома тузишни талаб қилиш мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ўз мол-мулкдан ташқари бошқа шахсларнинг, жумладан, давлат, муниципал мулкни, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини вақтинчалик фойдаланишга олиши мумкин. Ушбу муносабат ижара шартномаси орқали амалга оширилади.

Тадбиркорлар учун кўчмас мулклар ижараси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Чунки тадбиркор кўчмас мулкни ижарага олганда бир йўла катта қийматга эга мол-мулкдан фойдаланиш имконияти яратилади. Бу унинг ташаббускор фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очиб беради. Шунинг учун тадбиркор ўзининг пул маблағини мол-мулк олишга эмас, балки тадбиркорлик фаолиятига сарф қилади. Ижара шартномасини тузиш, расмийлаштириш билан боғлиқ қоидалар ФКнинг 34—35 бобларида мустақкамланган.

Тадбиркорларнинг мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати (режими)ни биз иккига: *биринчиси*, умумий ҳуқуқий режим, унга мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқини; *иккинчиси*, мол-мулкларнинг алоҳида турларининг махсус ҳуқуқий режими, унга фондлар, капиталлар ва захиралардан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулклари ва мажбуриятлари бухгалтерия балансида ўз аксини топади.

Бухгалтерия баланси тадбиркорнинг (ҳисобот вақтигача бўлган) мулкӣ ва молиявий аҳволи (ҳолати) ни тавсифлайди. Баланс тадбиркорлик субъектининг ҳўжалик воситалари ҳақида маълумот беради. У актив ва мажбуриятлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасининг „**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**“ги 1996 йил 30 август қонунининг **4- моддасига** асосан бухгалтерия ҳисоби объектлари асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан бағлиқ ҳўжалик операцияларидан иборат.

Тадбиркорлик субъекти мол-мулкларининг ҳўжалик юритишда мавжуд асосий маблағлар ва номоддий активларнинг ҳамда айланма маблағларнинг ҳуқуқий режими бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва башқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан чиқарилган Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби объектлари асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан бағлиқ ҳўжалик операцияларидан иборат.

Тадбиркорлик субъекти мол-мулкларининг ҳўжалик юритишида мавжуд асосий маблағлар ва номоддий активларнинг ҳамда айланма маблағларнинг ҳуқуқий режими бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан чиқарилган Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби стандартлари 5- сонли „**Асосий маблағлар**“ (1998 йил 23 сентябрда 491- сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган) ва 7- сонли „**Номоддий активлар**“ (1998 йил 20 октябрда 506- сон билан рўйхатга олинган) билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **14- моддаси** 2- қисмига асосан „Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан бағлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин“.

2- §. Тадбиркор мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тартиби ва усуллари

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркор ўзининг фуқоролик ҳуқуқларини ФКнинг 9- моддасига асосан амалга оширади. Тадбиркор фуқоролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади. Тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари маълум процессуал тартибда амалга оширилади. Фуқоролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг шакли деганда, шахсларнинг субъектив ҳуқуқи ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ташкилий тадбиркорлар, тартиблар тушунилади.

Фуқоролик ҳуқуқи фанида ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг юрисдикцион ва ноюрисдикцион шакли, бу фуқоролик ҳуқуқларини давлат ёки унинг ваколатли органлари томонидан ҳимоя қилинишидир. Ҳимоя қилишнинг юрисдикцион шакли фуқоролик ҳуқуқларини суд орқали ёки маъмурий тартибда ҳимоя қилишнинг ноюрисдикцион (юрисдикцион бўлмаган) шаклида, бу ҳуқуқи бузилган шахсларнинг фуқоролик ҳуқуқларини давлат ва бошқа ваколатли органларга мурожаат қилмасдан ўзи мустақил ҳимоя қилишидир.¹ Ушбу фуқоролик ҳуқуқининг умумий қоидалари бевосита мулкчилик муносабатларига, шу жумладан, тадбиркорнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳам тааллуқлидир.

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни фуқоролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш деганда, фуқоролик қонунчилиги нормаларида акс эттирилган, фуқоролик ҳуқуқи субъектларининг мулкий ҳуқуқларини бузган, уларни амалга оширишга қарши қаратилган тўсқинликларни бартараф этиш ҳамда бу ҳуқуқларни белгилаш ва ҳимоя қилишга доир фуқоролик ҳуқуқий усуллар (чоралар) йиғиндиси тушунилади.

¹ Қаранг: Гражданское право. Учебник / отв. ред. проф. Е. А. Суханов. — М.: БЕК, Т.1. 1998, 412- бет.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ ги Қонуннинг **18- моддасига** асосан, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Ушбу норма тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини давлат томонидан кафолатланганлигини мустаҳкамлаб, ҳар бир шахс тадбиркорлик фаолияти билан ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишда, ўз манфаатларидан келиб чиқиб ташаббускор фаолият олиб боришлик эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди.

Бизга маълумки, тадбиркорлик фаолияти хусусий мулк билан узвий боғлиқдир, чунки, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий асосини мулк ташкил этади. Бу унинг ҳуқуқий асосларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи Асосий Қонунимиз — Конституциянинг **53- моддаси 2- қисмида** „*Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир*“ деб белгиланиши ва ушбу қоида қонуннинг **18- моддаси 2- қисмида** акс этиши тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулкка асосланганлигини вабу уларнинг асосий иқтисодий ривожланишини ташкил этишини кўрсатади.

Тадбиркор мулкдор сифатида мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Конституцияда мустаҳкамланган юқоридаги қоида қонуннинг **23- моддасида** ривожлантирилиб, „Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза қилинади. Мол-мулк мулкдори ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли“ деб берилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектидан унинг мулкани олиб кўйишга, унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилишга, шунингдек бундай ҳуқуқларни чеклашга йўл кўйилмайди, қонунда назарда тутилган баъзи ҳолатлар бундан мустаснодир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари қонунларда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

Тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бир кўриниши бўлиб, унга фуқаролик

кодексининг **11- моддасида** белгиланган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг қуйидагилари тегишлидир:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишдан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш;
- шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарни тўлаш;
- ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ва ўзгартириш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини судда қўлламаслиги.

Шулар билан биргаликда, фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган мол-мулкни ушлаб қолиш, гаров, ипотека каби мажбуриятларни таъминлаш усулларини тадбиркорнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари қаторига киритиш мумкин.

Тадбиркорнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ашёвий-ҳуқуқий усуллари. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ашёвий-ҳуқуқий усуллари деб, мулкий ҳуқуқларини мутлоқ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилиш учун мулкдорни ўзига тегишли бўлган ашёга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни вужудга келадиган тўсиқлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратиладиган усуллар йиғиндисига айтилади.

Ашёвий-ҳуқуқий усулларнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин: ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиш хавфини туғдирадиган ҳаракатини олдини олиш. Ашёвий-ҳуқуқий усулларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация);

б) мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво);

в) мулк ҳуқуқини тан олиш.

Тадбиркорлик субъекти мулкдор сифатида ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи бунини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агарда мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотиб юборилган бўлса, мол-мулкни юқорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олинганда инсофсиз эгалловчи ушбу мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни мулкдорга қайтариб бериши лозим (ФКнинг 229—230- м.).

Мулкдор мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Мулк ҳуқуқини тан олиш деб, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар ёки давлат органи томонидан мазкур мол-мулкни маълум бир шахсга тегишли эканлигини эътироф этишга айтилади.

Мулк ҳуқуқини тан олиш қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда вужудга келади, масалан, мулкдор бўлмаган шахсга эгалик ҳуқуқининг вужудга келтирувчи муддат (ФКнинг 187- м.) асосида тадбиркор мол-мулкка нисбатан ўзиники каби ошқора ва узлуксиз эгалик қилганда бу мол-

мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни шу мол-мулкка нисбатан мулкдор деб эътироф этилади.

2. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мажбурият-ҳуқуқий усуллари. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мажбурият-ҳуқуқий усуллари деб, мулк ҳуқуқини мутлоқ ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилувчи эмас, балки фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳимоя қилувчи усулларга айтилади. Ушбу усуллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки уни бузилиш хавфини туғдирадиган ҳаракатларни олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, бурчни аслича бажаришга мажбур қилиш, зарарни тўлаш, неустойка ундириш ва ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш.

Мажбурият ҳуқуқий усуллар мулк ҳуқуқини тўғридан-тўғри, мутлақ маънода эмас, балки нисбий ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилинади. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мажбурият ҳуқуқий усуллари икки кўринишда бўлади: шартномали муносабатлар — мулкдор билан бошқа шахслар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида вужудга келадиган мажбуриятларда мулкдорни мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шартномадан ташқари муносабатлар — қонун ҳужжатларида бевосита белгиланган ҳолларда тадбиркорнинг мол-мулкига путур етказилганда ёки у бирон бир бошқача ҳолда шикастланганда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилади. Бундай ҳуқуқбузарликлар зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (деликт мажбуриятлар) институтига бирлашган.

3. Мулк ҳуқуқи давлат ҳокимияти ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қарори асосида бекор қилинганда мулкдорнинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Мулк ҳуқуқи давлат ҳокимияти ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қарори асосида бекор қилинганда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш деб, мулкдорнинг ҳуқуқлари давлат ёки бошқа маъмурий органлар томонидан чиқарилган норматив ҳужжатларга асосан бекор қилинганда уларни ҳимоя қилиш усуллари тушунилади. Бу усулларга қуйидагилар киради: давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Мулк ҳуқуқини давлат органлари қарори асосида бекор қилинганда мулкдорнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш икки турга ажратилади:

1. Мулкдорнинг ҳуқуқлари қонуний асосларда бекор қилинганда, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

2. Мулкдорнинг ҳуқуқлари ноқонуний тартибда бекор қилинганда, унинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Тадбиркорнинг мулкӣ ҳуқуқлари давлат органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қабул қилган ҳужжатлари асосида бузилганда, у бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд органларига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Суд органлари тадбиркорнинг даъвосига биноан ноқонуний қарор қабул қилган органнинг қарорини *ҳақиқӣ эмас* деб топади.

Тадбиркор ўз мулкидан фойдаланганида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қуриқ ланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

3- §. Тадбиркорларнинг интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Тадбиркорлик фаолиятида моддий-ашёвий объектлар билан бир қаторда ғоявий негизга эга бўлган объектлар - интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган воситалар (Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситалари) кенг қўлланилади. Бундай объектларнинг тадбиркорлик соҳасида қўлланиш доираси ва соҳалари тобора ривожланиб ва кенгайиб бормоқда. Шунга мувофиқ равишда интеллектуал мулк соҳасига ихтисослашган тадбиркорлар қатламлари ва уларга хизмат қилувчи инфратузилмалар бугунги кунда кенг муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Айни вақтда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида интеллектуал мулк эвазига олинаётган даромадлар салмоғи ҳам жадал ортиб бормоқда.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан бўлган ҳуқуқлар ФКнинг IV бўлимида, шунингдек, **қатор қонунларда** (Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун, Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари

тўғрисидаги Қонун, Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун, Маҳсулот ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги қонун, Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ва шу кабилар) мустаҳкамлаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг **36-моддаси**да тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига ҳамда уни индивидуаллаштириш воситаларига (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.) бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мутлақ ҳуқуқлар объектлари бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларидан учинчи шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин деб кўрсатилган.

Интеллектуал мулк объектлари бу объектларнинг қандай фаолият маҳсули эканлиги, уларнинг ҳуқуқий режими ва шу каби хусусиятларига қараб қўйидаги турларга бўлинади.

Интеллектуал фаолият натижаларига қўйидагилар киради:

- фан, адабиёт, санъат асарлари;
- эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттириш ва кўрсатувлари;
- электрон ҳисоблаш машинкалари учун дастурлар ва маълумот базалари;
- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуқлари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (нау-хау).

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳам мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади. Маълумки Фуқаролик муомаласида турли-туман объектлар ва хизматлар ҳам ҳаракатда бўлади. Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини, унинг ишлаб чиқарган товарлар, бажарадиган ишлар ва кўрсатадиган

хизматларининг хусусий аломатлари (индивидуал белгиларини) акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади. Бундай алоҳида фарқлаш белгиларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- фирма номлари;
- товар (хизмат кўрсатиш) белгилари;
- товар чиқарилган жой номи.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мутлақ ҳуқуқлар дейилганда, бундай ҳуқуқ соҳиблари (эгалари) ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ҳ.к.) ҳақдорлиги, ваколатлигини ва айна вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишни таъқиқланиши таъминловчи субъектив мутлақ ҳуқуқ тушунилади¹.

Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидай эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳибининг мулкий ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир. Бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас, бўларнинг фарқлари ҳақида юқорида муфассал фикр юритдик.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектларига ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар, агар ФКда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс— ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Ушбу белгиланган қоидага интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Бунда назарда тутилган ҳуқуқлар фақат мулкий тусга эга бўлади, шахсий ҳуқуқларга нисбатан ушбу қоида тааллуқли эмас.

¹ Қаранг. Гражданское право. М.: БЕК. 1994 й. т.1. 314- бет.

Ўтказилаётган мулкীয় ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқиши ва фақат ҳуқуқ эгасига тегишли бўлиши шарт. Мулкীয় ҳуқуқлар деганда интеллектуал мулк объектідан шахсан фойдаланиш ёки уни ҳақ эвазига фойдаланишга бериш бўйича ҳуқуқ эгасига тегишли ваколатлар тушунилади. Мулкীয় ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқлардан маҳрум бўлади ва у учинчи шахсларда вужудга келади. Мулкীয় ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси унинг маълум қисмини ўзида сақлаб қолиб, қолган қисмини ўтказилади. Мулкীয় ҳуқуқлар фақат шартнома асосида ўтказилади. Шартнома мулкীয় ҳуқуқ эгаси ва бу ҳуқуқ тўлиқ ёки қисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Бундай шартномаларга нисбатан агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ФКнинг 26- боб (шартнома тушунчаси ва шартлари), 27- боби (шартнома шартларини ўзгартириш ва шартномани бекор бўлиши) белгиланган қоидалар қўлланилади.

Шартнома тузувчи тарафлар — интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ва мутлақ ҳуқуқдан вужудга келувчи мулкীয় ҳуқуқлар ўзига ўтказилаётган шахс номлари, агар мутлақ ҳуқуқ ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳуқуқীয় муҳофаза ёрлиғи асосида вужудга келган бўлса, ушбу ёрлик номи ва қайд рўйхати рақами, унинг амал қилиш муддати, ўтказилаётган мулкীয় ҳуқуқ мазмуни ва ҳажми, ундан фойдаланиш шартлари, муддати, агар шартнома ҳақ бараварига тузилаётган бўлса, тўланадиган ҳақ миқдори ва тўлаш тартиби, мулкীয় ҳуқуқ қисман ўтказилганда ундан фойдаланиш устидан ҳуқуқ эгасининг назорат қилиш бўйича ваколатлари, тарафларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва шу кабилар кўрсатилиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт. Шартнома шакли турли интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари учун турлича бўлиши қонунларда белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мулкীয় ҳуқуқлар ўтказилганда шартнома ёзма равишда тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиши лозим¹. Мутлақ ҳуқуқ ваколатли давлат органи томонидан

¹ Адабиётларда муаллифлик шартномаси оддий ёзма ва ҳатто оғзаки тузиш кифоя деган нуқтаи назарларда ҳам мавжуд. Қаранг: Гражданское право. М: Проспект, 1998 й. т.3. 92- бет.

интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) асосида вужудга келган бўлса, бунда мулкӣ ҳуқуқни ўтказиш ҳақидаги шартнома ёзма тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиб, ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтказтирилиши лозим. Ушбу қоида ноу-хоуга нисбатан ҳам амал қилади. Акс ҳолда шартнома ҳақиқӣ саналмайди.

ФКда ва амалдаги қонунларда айрим интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи мулкӣ ҳуқуқларни ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсларга ўтказиш масаласида юқоридаги қоидалардан истиснолар мавжуд. *Масалан*, **ФК 110- моддаси**, 3- қисмига асосан товар чиҳарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди ва мабодо шундай шартнома тузилган бўлса, у ҳақиқӣ саналмайди. **ФКнинг 1101- моддаси**да фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб, у юқоридаги умумий қоидалардан фарқ қилади. **ФКнинг 1105- модда**, 2- қисмига асосан товар белгиси бўлган ҳуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқга эга бўлган тараф (лицензиар), бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат беради.

Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахсларни фойдаланишга имкон берувчи муҳим Фуқаролик-ҳуқуқӣ восита ҳисобланади. Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақида келишув ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқлар эгаси (патент эгаси, товар белгиси соҳиби, муаллифлик ҳуқуқи объекти соҳиби, ошкор этилмаган ахборотлар эгаси)нинг ҳуқуқӣ муҳофаза остидаги объектдан фойдаланиш ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда ва маълум шартлар асосида учинчи шахсларга беришга лицензия (рухсатнома) дейилади¹.

¹ Қаранг. Гражданское право. М.: БЕК, 1994 й. 248—249- бетлар.

Лицензия шартномасининг предмети бўлиб ҳуқуқий муҳофаза остидаги ижодий фаолият натижаси (фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютер дастурлари, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва ҳ.к.) ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита (фирма номи, товар, хизмат белгиси) ҳисобланади. **ФКнинг 1109-моддаси** 3- қисмига асосан товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи *лицензия шартномаси предмети* бўла олмайди. Шартномада қатнашувчи тараф — интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби — *лицензиар* ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқлари қонуний асосга кўра вужудга келган ёки ваколатли давлат идораси берган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи билан гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Шартномада қатнашувчи бошқа тараф-интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома олган шахс-лицензиат деб аталади.

Лицензия шартномасида бериладиган ҳуқуқларнинг фойдаланиш чегаралари ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Юқорида кўрсатилганидек, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар доираси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг. *Бундай ҳуқуқлар шартли равишда уч гуруҳга бўлиниши мумкин:* ҳуқуқ эгасининг объектдан шахсан фойдаланиши, бошқаларга фойдаланишга рухсат бериши, бошқаларни фойдаланишини гаъқиклаб қўйиш. Айни вақтда бу ҳуқуқлар ҳам турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин: ўзи фойдаланиши, бошқача ҳам фойдаланишга рухсат бериш, фақат ўзи фойдаланиш, ўзи фойдаланмай бошқага фойдаланишга рухсат бериш. Бошқага фойдаланишга беришда бундай фойдаланиш ҳудуди, фойдаланиш ҳажми ва миқёслари (масалан, маълум технологик жараён ёки ишлаб чиқаришда, маълум маҳсулотга нисбатан қўллаш ва ҳ.к.) ҳам аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

ФКнинг 1095—1097-моддаларида ошкор этилмаган ахборотлардан ғайриқонуний фойдаланганлик учун Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва ҳажми белгилаб қўйилди.

Ошкор этилмаган ахборот деганда, учинчи шахслар учун маълум бўлмаган махфий, сир бўлиб ҳисобланувчи маълумотлар тушунилади.

Техникавий ахборот машина, механизмлар, қурилмалар, ускуналар, технологик жараёнларни яратиш, тайёрлаш улардан фойдаланиш, қўллашга оид бўлган маълумотлар ҳисобланади.

Ташкилий ахборот юридик шахнинг ташкилий структураси, хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларини ташкилий механизмга, меҳнат (иш) жараёнларини ташкил этиш, уларга таъсир қилиш, бошқаришга оид маълумотлар тушунилади.

Тижорат ахбороти ёки корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) тижорат сир деганда, корхонанинг (субъект) ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириш, молияси ва бошқа фаолият билан боғлиқ булган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши)нинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сир бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар тушунилади.

Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби, ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби раҳбари томонидан белгиланади.

Ноу-хау деганда, фуқарога ёки юридик шахсга фактик монополия асосида тегишли бўлган, фойдани ташкилий ёки бошқа маълумотлар тушунилади.

Ҳар қандай маълумот ошкор этилмаган ахборот сифатида тан олинishi учун:

а) бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши, яъни ахборотга эга ушбу ахборотга эгаллиги сабабли ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти кўрсатадиган иши, бажарадиган иш бошқа рақобатдаги субъектлар ёки уларнинг маҳсулотлари, хизматлари, ишларига нисбатан афзалликка, имтиёзга эга бўлиши шарт:

б) ахборот эгаси унинг махфийлиги, сирлигини сақлашга доир чоралар кўрган (бундай ахборотлардан хабардор шахслар доираси қатъи чекланган, бу шахслар сир сақлаш мажбурияти ҳақида огоҳлантирилган, маълумотлардан фойдаланишнинг ёпиқ тизими ишлаб чиқилган ва ҳ.к.) бўлиши шарт.

Юқоридаги уччала шарт **ФКнинг 98- моддасида** мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ушбу бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва уларга риоя қилинган ҳолларда ошкор қилинмаган ахборот эгаси ундан бошқа шахсларни ғайриқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш, ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсади-

да ҳар қандай усулда тўплаш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191- моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ошкор этилмаган ахборот эгаси бу ахборотга нисбатан муглақ ҳуқуқга эмас, балки фактик мавқега эга. Шу сабабли ҳам у фақат бошқаларни гайриқонуний фойдаланишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга, айна вақтда бундай ахборотларни ўзлари мустақил равишда яратган, ишлаб чиққан, инсофли асосларда олган шахсларни ундан фойдаланишни ёки уни ошкор этиш, эълон қилишни таъқиқлашга ҳақли эмас.

Ошкор қилинмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи ахборот эгасида фактик монопол ҳолати вужудга келиш билан пайдо бўлади ва бунда бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажариши (уни рўйхатдан ўтказтириш, реестрга киритиш, патент ёки гувоҳнома олиш, экспертиза қилиш, сертификат олиш ва ҳ.к.) талаб этилмайди. Бироқ, баъзи ҳолларда Ўзбекистон ҳудудига ноу-хау лицензия асосида олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳақидаги шартномалар ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш шартлиги ҳақида қоида мавжуд. Бироқ, бунда давлат идораси зиммасига ноу-хау махфийлигини сақлаш ва таъминлаш мажбурияти юкланади.

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш қондаси қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ушбу қоида хўжалик юритувчи субъектларни хизмат ёки тижорат сири ниқоби остида ҳар хил суиистеъмолчиликлар, ўзбошимчаликлар ва бошқаларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этишини олдини олади, унга ҳуқуқий тўсиқлар қўяди.

Хизмат ёки тижорат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар (банкларда омонатга қўйилган маблағлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари) ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар, битимлар, шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар, умуман назорат-контроль функциясини бажарувчи давлат идораларига даврий равишда тақдим этилиб турадиган (фуқаролар ва юридик шахслар томонидан) ҳар қандай маълумотлар, ҳисоботлар киради. Худди шунингдек, илгари ошкора-оммавий эълон қилинган маълумотлар, ҳамда ҳар бир шахс эркин топишини, билишни

талаб қилиш ҳуқуқига ёки имкониятига эга бўлган маълумотлар ҳам хизмат ёки тижорат сирлари бўлиб ҳисобланмаслиги лозим. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар (*масалан*, теварак-атрофни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятларни яширишни олдини олиш мақсадида) ошкор қилинмайдиган ахборотлар ҳуқуқий режимга эга бўла олмаслиги қонун ҳужжатларида алоҳида ифода қилиб қўйилган.

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи муддат билан чегараланмаган, Бироқ **ФКнинг 98- моддаси**да назарда тутилган шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва қатъи риоя қилинган пайтга қадар амал қилади. Бу шартларни бирортаси мавжуд бўлмаса ёки бузилса ошкор этилмаган ахборотдан бошқа шахсларни фойдаланишдан ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотни қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик (олганлик, тарқатганлик) натижасида етказилган зарарни тўла ҳажмда тўлаши шарт. Зарар ошкор этилмаган ахборотни ахборот эгаси учун мутлақ ёки нисбий тижорат қиймати (самараси)нинг пасайишида, камайишида ёки йўқолишида (касб-кор, нуфузи, маҳсулот (хизмат)ни рақобатдошлик даражасига, нархига салбий таъсир қилишда) намоён бўлади. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланган шахс бунинг натижасида даромад олмаганлиги зарарни ундирмаслик учун асос бўлмайди. Агар даромад (фойда) олинган бўлса, у ахборотни қонунан эгасига ундириб берилиши лозим.

ФКнинг 1096- моддасида ошкор этилмаган ахборот эгаси олдида жавобгарликни вужудга келиш вақти белгиланган. Ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлигини билган вақтдан бошлаб, агар ахборотдан фойдаланишни давом этгирса ахборот эгаси олдида жавобгар бўлади ва унга зарарни тўлаши шарт. Шу сабабли ҳам ахборотни қонуний эгаси инсофли эгалловчини ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгалловчи ахборотни олган, тарқатган ёки ундан фойдаланган вақтдан бошлаб жавобгар бўлади. Ошкор этилмаган ахборотни

инсофсиз тарзда эгаллашнинг кенг тарқалган усуллари — бу саноат жосуслиги ва ахборот эгаси бўлган субъектнинг ишчи-хизматчисини сотиб олиш, фирром рақобат ҳисобланади ва у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари тегишли ҳолларда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади. Афсуски дунё бозорида фирром рақобатнинг бу кўриниши турли шаклларда намоён бўлиб турмоқда¹.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан бошқа шахслар ноқонуний фойдаланганлигини билган заҳоти бундай фойдаланишни тўхтатилишини талаб қилишга ҳақли. Айни вақтда ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланишни қонуний асосга ўтказилишини сўраб ахборот эгасига, у билан келишувга эриша олмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли. Агарда инсофли эгалловчи бу ахборотдан фойдаланиш учун сарфхаражатлар қилган (ускуналар, қурилмалар, иншоотлар гайёрлаган, қурган, сотиб олган бўлса), суд унга бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинадиган мутлақ лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишга рухсат беришга ҳақли. Ҳақ миқдори тарафлар ўртасида келишув асосида ёки суд томонидан белгиланади.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни ўзи мустақил тарзда олган шахс, ўзи яратган, ишлаб чиққан, аниқлаган ёки унинг топшириғи, буюртмаси асосида бошқа шахслар яратган, ишлаб чиққан аниқланган бўлса ва бундай ахборотни қонунан олган шахс (ахборотни қонун эгасидан ҳақ бараварига сотиб олган, фойдаланишга лицензия олган, ҳуқуқий ворислик тартибида олган ва ҳ.к.) бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди. Ахборотнинг қонунан эгаси ахборотни мустақил ва қонунан олган бошқа шахсларга ундан фойдаланишларини таъқиқлаб қўйишга, ҳақ талаб қилишга, шунингдек бошқача тарзда эркин тасарруф қилишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эгалик қилувчи шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг

¹ Қаранг. Промышленный шпионаж. // Известия, 1991 г. 27 ноября. Шпионы держат нас по ветру. — Труд, №. 1999 г. 30 апреля 1991 г.

ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шахсда ахборотлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ билан бир вақтда ушбу ахборотдан бошқа шахсларни ноқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотлар ичида ноу-хауни лицензия асосида ўтказиш кенг тарқалган. Баъзи адабиётларда ноу-хауни соҳибида унга нисбатан мутлақ ҳуқуқ мавжуд бўлмагани учун уни бошқа шахсга топшириш лицензия шартномаси эмас, чунки бунда шартноманинг предмети бўлиб ноу-хаудан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ эмас, балки ноу-хауни ўзини топшириш ҳисобланади деган ҳарашлар ҳам мавжуд¹. Ноу-хауни ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар устав жамғармалари эгаси томонидан улуш, ҳисса, пай сифатида қўшиш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири топширилаётган ахборотнинг махфийлигини, сирлилигини сақлашни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Бунда лицензиат зиммасига ахборотнинг конфиденциаллигини муҳофаза қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланади.

Лицензиат ҳам ошкор этилмаган ахборотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилинишида лицензиарларники каби ҳуқуқларга эга (ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш, ноқонуний фойдаланишни тўхтатишни талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.)

Маълумки, лицензия шартномаси маълум муддат давомида амал қилади. Бироқ ошкор этилмаган ахборот моддий-ашёвий эмас, ғоявий негизга эга. Бундай ахборот у билан танишган, хабардор бўлган шахсдан бегоналаштирилиши, хотирадан ўчириб ташлаш амалда деярли мумкин эмас. Шу сабабли ушбу ФКнинг **1097-моддасида** ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарги тегишли мажбуриятлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиат зиммасида қолиш ҳақидаги қоида назарда тутилади (агар шартномада бошқача келишилган бўлмаса). Лицензияларнинг

¹ Қаранг. Гражданское право. М.: БЕК, 1994. 252- 6.

ошкор қилинмаган ахборотларга нисбатан фактик монополия мавқеини йўқотиш билангина лицензиатнинг бу мажбурияти бекор бўлиши мумкин.

Маълумки, бозор қиймагни белгиловчи асосий ҳакамдир. Бироқ интеллектуал мулк бозорида сотувчи-мулкдор ҳам, олувчи харидор ҳам бу масалада ўз субъектив нуқтаи назаридан эмас, балки илмий ва иқтисодий асосланган мезонлардан келиб чиқмоғи лозим. Фикримизча, бундай мезонлар қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

1) интеллектуал мулк объектларини яратишга сарфланган харажатлар;

2) интеллектуал мулк объектини ҳуқуқий муҳофаза қувватига эгаллиги (патентланганлиги, рўйхатдан ўтгани ва ҳ.к.);

3) интеллектуал мулк объекти қўлланишдан олинadиган самара (шу жумладан, маҳсулот сифатини, рақобатбардошлигини ошиши, иқтисодий тежам ва ҳ.к.);

4) худди шундай гурдаги ўхшаш объектларни бозордаги баҳоси;

5) интеллектуал мулк объектини қўллаш, ундан фойдаланишда олинishi мумкин моддий самара(экологик, эргонометрик ва ҳ.к.);

6) интеллектуал мулк объектини қўллаш билан боғлиқ қўшимча сарф харажатлар, шу жумладан муаллифга тўланиши лозим бўлган мукофотлар.

Амалдаги қонунчиликда интеллектуал мулк объектлари тадбиркорлик тузилмалари устав фондларига улуш сифатида киритилишига ҳеч қандай монеълик мавжуд эмас, „**Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақида**“ги Қонуннинг **4-моддасида** хўжалик жамиятлари ва ширкатлари иштирокчиси унинг мол-мулки таркибига бинолар, иншоотлар, қурилмалар, бошқа моддий қимматликлар, қимматбаҳо қоғозлар, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, бинолар, иншоотлардан, қурилмалардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек бошқа мулкий ва номулкий ҳуқуқларни, пул маблағларини улуш сифатида киритиши мумкин. Кириллаётган мол-мулк қиймати жамият аъзоларининг биргаликдаги қарори асосида белгиланади. Устав фондига қўшилган улуш пул қиймати кўринишида белгиланмоғи лозим. **Фуқаролик кодексининг 58- моддасига** асосан хўжалик ширкати ва жамиятнинг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланadиган бошқа буюмлар ёки мулкий

ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин. Уларнинг қиймати хўжалик жамиятининг муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса мустақил эксперт текширувидан ўтказилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 августда қабул қилинган „Баҳолаш фаолияти тўғрисида“ги Қонунда интеллектуал мулк объектларини пул қийматини баҳолаш шарт бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган.

Баъзи ҳолларда интеллектуал мулк объекти мавжуд бўлмайди, Бироқ машҳур олим, ижодкорни тадбиркорлик тузилмасида муассис сифатидаги иштирокининг ўзи устав фондига қўшилган мол-мулк сифатида пул қиймати кўри-нишида баҳоланади. Бунда ўша шахснинг интеллектуал қобилиятини ўзи фалон миллион долларга баҳоланди, деган шов-шувлар матбуотда учраб туради¹. Бироқ бу юридик жиҳатдан хато, чунки инсон мияси, унинг ижодий қобилияти товар ҳам, мол-мулк ҳам эмас. Бундай ҳолларда ижодкор шахсни обрў-эътибори (яъни, шахсий номулкий ҳуқуқи) пул-қиймат кўринишида баҳоланиб, устав фондига улуш сифатида ифодаланмоқда. Чет мамлакатлар қонунчилигида бу *гудвилл* деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунининг 3-моддасида ҳам *гудвилл* инвестиция сифатида ҳаралиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

4- §. Пул ва пул мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 94-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир.

Сўм ёзиб қўйилган қиймати бўйича қабул қилиниши шарт бўлган қонуний тўлов воситасидир. Тўловлар нақд пул билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади.

Пул — бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. Ҳамма товарлар сингари пул ҳам, қиймат ҳам истеъмол қийматга эга. Шу маънода у бошқа оддий товарлардан фарқ қилмайди.

¹ Сколько стоит моя голова?. — Труд, 1999 й. 5 март.

Пул олди-сотдида ишлатилади. Пул ёрдамида товарни харид этиш, пулга товар айирбошлаш (П—Т) ёки товарни сотиш, яъни товарни пулга айирбошлаш (Т—П) юз беради. Бу жараёнда пул воситачилик қилади, у муомала воситаси назифасини бажаради. Пулнинг бу вазифасини фақат реал пуллар ва уларнинг муомаладаги қиймат белгилари бажаради. Пул ҳамма товарга айирбошланганидан, ҳамма ерда қабул қилинади. Агар пул бўлмаганида, керакли товар топиб олиш учун ўз товарини бошқа товарга, бошқасини ва яна бошқасига алмаштириш кўп марта юз бериб, ниҳоят керакли товар учрагунча давом этган бўлар эди. Пул бундай мушкулликларни осон қилди. У керакли товарни тез топиб, танлаб олиш имконини берганидан, айирбошлашга кетган вақтни, бинобарин, унинг харажатларини тежаб қолади, олди-сотди бевосита товар айирбошлашга нисбатан юқори самарага эга бўлади.

Пул — жаҳон пули вазифасини ҳам бажарган. XX асрнинг биринчи ярмига қадар унинг ўрнини соф олтин бажарган. Яъни мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, товарлар ва хизматлар учун тўловлар бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга соф қуйма шаклдаги олтинни кўчириш йўли билан амалга оширилган.

Қоғоз пулнинг муомалада бўлиш қонуни ҳам пул муомаласининг қонунига риоя қилади. Муомала учун зарур бўлган қоғоз пулларнинг миқдори муомаладаги товар ва пуллик хизматлар миқдори ҳамда қоғоз пулларнинг ўргача айланиш тезлигига боғлиқдир.

Аммо бу ерда шуни қайд этиш лозимки, муомаладаги қоғоз пуллар, муомала учун зарур бўлган ҳақиқий пулларнинг қиймат белгилари бўлиб ҳисобланади. Айтайлик, агар муомалага 100 млрд. сўмлик реал пул зарур бўлса-ю, ҳақиқатда эса муомалага 200 млрд. сўмлик қоғоз пул қатнашаётган бўлса, у ҳолда 2 сўмлик қоғоз пул 1 сўмлик ҳақиқий пулнинг муомаладаги қиймат белгиси ҳисобланади.

Муомаладаги қоғоз пулларнинг миқдори муомала учун зарур бўлган аниқ пул миқдоридан ошиб борган сари уларнинг қадрсизланиш даражаси ҳам юқорилаб боради ёки аксинча¹.

¹ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т. Пул: 100 савол ва жавоб // —Т.: „Меҳнат“. 1996 й. 7—9- бетлар.

Пул — бу Фуқаролик ҳуқуқининг махсус (специфик) объекти бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 94- моддаси бағишланган ва у ўз ичига пулнинг ҳуқуқ объекти сифатида бир қанча умумий қоидалар мужассамлаштирилганини билдиради. Ушбу модда Ўзбекистон Республикасида пул бирлиги бўлиб сўм ҳисобланишини ва у Ўзбекистоннинг барча ҳудудида унда кўрсатилган қийматда қабул қилиниши шартлигини белгилайди. Пулларнинг ҳуқуқий режими тўлиқ ҳолда Фуқаролик кодексининг махсус қисми ҳуқуқий нормалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг „Пул муомаласи тўғрисида“ги Қонуни ва ҳоказо.

Пулнинг иқтисодий вазифалари жуда кўп бўлиб, у иқтисодиётга оид адабиётларда таҳлил қилинган. Пулнинг асосий мақсади унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тусга эгаллигида намоён бўлади. Пулнинг ҳуқуқий режими унинг иқтисодий вазифалари, бажарадиган ишлари билан белгиланади.

Пул тўлов воситаси, жамғарма тўплаш ва баҳо тусга эга. Пулнинг ҳуқуқий режими унинг иқтисодий вазифалари, бажарадиган ишлари билан белгиланади. Пул тўлов воситаси, жамғарма тўплаш ва баҳо ўлчови бўлиб хизмат қилади.

Пулнинг нақд ёки нақд пулсиз ҳолда чиқиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Пул белгиларини банкнот ва чақа пул ҳолатида чиқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади. Бу банкнотлар ва чақа пуллар Марказий банкнинг мажбуриятлари бўлиб, у банкнинг бутун активлари билан таъминланган.

Пул белгиларининг банкнот ҳамда чақа пул шаклида бўлиши бу ашё (буюм) бўлиб, ундаги пул мажбуриятини ўзига олади ва у маълум бир миқдорда пул сўм беришни ўзига олади. Бу билан банкнот ва чақа пуллар қимматли қоғозларга ўхшаб кетади. Битта пул белгиси бир неча пул белгиларига тўғри келиши мумкин. Бундай ҳолатда пул бирлиги бир хил бўлиб қолиши керак.

Нақд пулли ва нақд пулсиз пул эмиссиясини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалга оширади.

Моддий дунё предметлари каби пуллар буюм бўлиб, умумий келиб чиқиш белгиларига эга, бу ҳолатда фақат

пул белгилари назарда тутилади. Шундан келиб чиқадики, пуллар ҳуқуқий нуқтаи назардан ўзгара оладиган ва жисмий белгилар таркибига кириб, улар фуқаролар муомаласидаги бошқа ашёлар билан алмаштирилиши мумкин, яъни пуллар умумий *эквивалент* ролини ўйнайди. Ҳуқуқий мулкӣ муносабатларда пулнинг истеъмол қиймати ишлатилиб, унинг алмаша олиш хусусияти намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасининг муомаласи қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Пуллар пул белгилари (нақд пуллар) шаклида ёки банкнинг пул мажбуриятлари, яъни банк миждозларининг ҳисоб рақамларидаги ёзувлар шаклида бўлиши мумкин. Пул белгилари *номинал* ва *чақа пул* кўринишида, қийматга эга бўлган кўринишда чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг пул муомаласи ўз ичига нақд пуллар ва нақдсиз пулларнинг товарлар ва хизматлар кўринишидаги ҳаракатини ўз ичига олади.

Тўловлар ва пул кўчиришлар фуқаролик ҳуқуқий битим, хизмат кўрсатиш ва ҳар хил тўловларни амалга оширишга кўра фуқаролик муносабатлар пуллар орқали келиб чиқиши асосини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида пулларни ўтказиш ва тўловларни амалга оширишнинг ҳар хил усуллари мавжуд. *Масалан*: нақд пулларни бериш (топшириш), тўлов топшириқномаларини бериш, чек бериш, векселлар бериш ёки уларда *индоссамент* қўйиш, тўлов карточкаларидан фойдаланиш ёки қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа ҳолатлар.

Тўловлар фуқаролик ҳуқуқий битимлар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда суднинг қарорлари асосида амалга оширилади. Фуқаровий ҳуқуқий битимлардан келиб чиққан ҳолда тўловлар эркин ҳолда амалга оширилади.

Тўловлар нақд пул бериш ёки нақд пулсиз ҳолда амалга оширилади.

Нақд пул кўринишидаги тўловлар пулни топшириш орқали амалга ошади. Нақд пул билан тўловни амалга ошириш пулни жисмоний тарзда тўловчи (қарздор) тўлаши шарт бўлган шахсга (мажбурияти бор шахсга) пулни бериш билан якунланади.

Нақд пулсиз кўринишдаги тўловлар: 1) тўлашни кўрсатадиган, пул мажбуриятини ўз ичига олган тўлов ҳужжатла-

рини бериш билан; 2) пул мажбуриятини ёки пулни тўлашни кўрсатаётган тўлов ҳужжатини кўрсатиш билан; 3) пулни тўлашни кўрсатаётган электрон топшириқномани ёки тўлов ҳужжатини беришда амалга оширилади.

Пуллар икки асосий шаклда бўлади: пул белгилари шаклида (нақд пуллар) ва банкларнинг пул мажбуриятлари шаклида ва уларнинг банк миждозларининг ҳисоб рақамларидаги ёзувлар кўринишида бўлади. Банк мажбуриятлари кўринишдаги пуллар *нақд пулсиз* пуллар ҳисобланади.

Пул белгилари банкнот ва чақа пул кўринишида чиқарилиб тўлов қийматига эгадир ва улар сўм ва тийин кўринишида бўлади. Нақд пулсиз пуллар эса банк ҳисоб варақасидаги ёзувлар кўринишида бўлиб, пулнинг сони нақд ва нақд пулсиз сўм ва тийинларда ифодаланади. Шундай қилиб нақд ва нақд пулсиз пул сони пул бирликлари билан ўлчанади.

Нақд ва нақд бўлмаган пулларнинг ҳуқуқий режими ҳар хилдир. *Масалан*: нақд пуллар билан тўлов, пулни бериш орқали амалга ошса, нақд пулсиз тўлов эса тўлов топшириқномаларини тақдим этиш, чеклар бериш, векселлар бериш ва индоссаментга қўл қўйиш, тўлов карточкаларидан фойдаланиш билан амалга ошади.

Фуқаролик ҳуқуқи дарсликларида пулни кўпинча ашё кўринишидаги буюм шаклида кўришади ва улардаги нақд ва нақдсиз пулларнинг фарқига эътибор беришмайди¹. Нақд ва нақд бўлмаган пулнинг фарқини алоҳида кўрсатадиган адабиётларда ҳам пулнинг ҳуқуқий режимига ва уларнинг ҳуқуқ объектлигига эътибор берилмайди². Пуллар буюм тариқасида қаралганлиги ва уларнинг ҳуқуқий режими дифференция қилинмаганлиги учун улар *умумий эквивалент* сифатида ҳаралади. Аммо, пулнинг ҳуқуқий табиатида ва уларга бўлган ҳуқуқнинг фарқига қараб, муомалада пуллар олтин ёки кумуш тангалар сифатида қатнашаётганига қараб фарқ этади. Тўлов ўлчови сифатида пул ҳар доим фарз қилинадиган пул кўринишида намоён бўлиб келган. Шунинг учун олтин ва қоғоз кўринишидаги пуллар уларнинг ҳуқуқий табиати каби ҳар хил бўлиб бир-биридан фарқ қилган.

¹ Фуқаролик ҳуқуқи. Т.1 / Е. А. Суханов раҳбарлигида / М.: 1993 й. 116-бет.

² Қозоғистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик (умумий қисм). Алматы: „Билим“. 1998 й. 175—176-бетлар.

Пулнинг икки турлилиги уларни буюм (ашё) сифатида Фуқаролик ҳуқуқ объектига (нақд пуллар назарда туғилади) ва талаб қилиш объектига пуллар „номоддий“ кўринишда (нақд бўлмаган пуллар) бўлади.

Ҳуқуқ субъектларининг юридик табиати нақд ва нақд бўлмаган пуллар учун ҳар хил. Нақд пулларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқ, нақд бўлмаган пулларга эса мажбурият ҳуқуқи жорий этилади.

Нақд пуллар махсус келиб чиқиш хусусиятига эга. Бундан пулларга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар келиб чиқади. Нақд пулларга нисбатан бўлган мулкӣ ҳуқуқлар, бу ашёларнинг муайян бир кишида индивидуаллаштирилганидан бошлаб юзага келади. Муайян бир фуқародан ёки юридик шахсдан пулнинг чиқиб кетиши бу пулларга бўлган мулкӣ ҳуқуқлари уларнинг банкдаги пул маблағларига тадбиқ этилмаслиги кўрсатилган. Уларнинг фикрича, ташкилот ёки корхона томонидан банкка қўйилган пул маблағлари ўзгартирилади ва банкда ҳисоб рақамига эга бўлган шахснинг пул қўювчининг банкка нисбатан фақат талаб қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади¹.

Шу билан бирга бир неча муаллифлар томонидан мулкӣ ҳуқуқлар объекти фақатгина мулк бўлиб қолмасдан, номоддий нарсалар пуллар тимсоли ҳам киришини кўрсатишган.

Юридик шахсларга берилган пул маблағларини уларга биркитиш шакли тасарруф этиш ҳуқуқи (фойдаланиш ҳуқуқи эмас) бу мажбурият ҳуқуқининг мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун фуқаролар ва юридик шахсларга нақд бўлмаган пулларни тасарруф этиш ҳуқуқини берган экан, қонун чиқарувчи банк ҳисоби шартномаси билан расмийлаштирилган мажбурият ҳуқуқининг мавжудлигини кўрсатади.

Қоғоз ва чақа пуллардан ташкил топган қиймат белгиси махсус (специфик) ашёлардан иборат бўлиб, нақд бўлмаган пуллар эгасининг, яъни ҳисоб эгасининг нақд пул билан тўловни амалга ошириш истаги мавжуд бўлган пайтда пайдо бўлади.

¹ Басин Ю. Г., Покровский Б. В., Сулейменов М. К., Қурилиш ташкилотларида ҳўжалик ҳисоб китобининг ҳуқуқӣ шакллари. Алмати. 1978 й. 63—69- бетлар, Брагинский М. И., Витрянский В. В. Шартнома ҳуқуқи. М.: „Статут“. 1997. 234- б.

Бундай пайтда мажбурият ҳуқуқининг нақд пулларни олиниши билан мулкӣ ҳуқуқ юзага келади, хусусан мулк ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ҳам шулар жумласидан, яъни моддий объектнинг мавжудлиги пайтида мулкӣ ҳуқуқ вужудга келади. Ушбу айтилганлар „электрон“ пулларга ҳам тааллуқли, нега деганда охириги пайтларда ушбу атама компьютер базасида қайд этилган пулларга тааллуқли, лекин биз „электрон пуллар“ бу нақд бўлмаган пулларнинг бир шакли деган фикрдамиз.

Бундан ташқари ҳар қандай ашё ҳам умумий эквивалент қийматига эга бўлган олтинга алмаштирилмайди, лекин пуллар товарга ва яна товардан пулга айланиш хусусиятига эга.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатидаги пулнинг специфик ҳолати унинг товар айирбошланишидадир. Фақат ушбу хусусият ҳар бир ҳуқуқий тизимда қонун ҳужжатлари, суд амалиётида пул мажбурияти алоҳида ҳуқуқий категорияга эга.

Пул мажбуриятлари бошқа мажбуриятлар каби вужудга келади. Ҳар бир мажбуриятнинг бузилиши натижасида у пул мажбуриятига айланиши мумкин. Агар унда мажбурият мужассамлашган пул бирлиги бир хилда бўлса у ҳолда тарафлар мажбуриятининг ўзгаришига олиб келмайди. Агар мажбурият пайдо бўлган пайт билан унинг тугаши пайтидаги вақт орасидаги пул бирлиги *девальвация* ёки *ревальвацияга* учраса, ўзининг олтин миқдорини йўқотади, шунда назарий ва амалий маънодаги муаммолар юзага келади ва сон жиҳатдан пул мажбуриятлари ўзгаради¹.

Пул тизими деганда, мазкур мамлакатда пул муомаласини қонуний ва мутаносиб равишда ташкил қилишда қўлланиладиган услублар мажмуаси тушунилади. Пул тизими тарихан шаклланган ва қонун асосида мустақамланган бўлади. Ҳозирги пул тизими XVI—XVII асрларда вужудга келган. **Ўзбекистон Республикаси** мустақилликка эришганидан кейингина, яъни 1992 йилдан бошлаб ўзининг **мустақил миллий пул тизимига эга бўлди.**

Пул тизимининг қуйидаги асосий унсур (элемент) лари мавжуд:

¹ Фуқаролик ҳуқуқи. 1- том. (Олий ўқув юртлари учун дарслик). Алмати, Қозоғистон давлат юридик Академияси нашриёти. 2000 й. 241—246- бетлар.

пул бирлиги, баҳо масштаби, пул турлари, эмиссия гизими, муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат муассасаси.

Пул бирлиги — мамлакатдаги тўлов воситаси бирлиги бўлиб, асосан товарлар қийматини ўлчаш ва муомала воситаси сифатида хизмат қилади. *Масалан:*

- АҚШда — доллар;
- Буюкбританияда — фунт стерлинг;
- Голландияда — гульден;
- Россияда — рубль.

Ўзбекистон Республикасида муомаладаги пулларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Қоғоз пуллар (1,3,5,10, 25,50,100, 200, 500 ва 1000 сўмлик);

- кредит пуллар (Давлат банки билетлари);
- тангалар (5, 10, 15, 20, 50 сўмлик).

Тангалар икки хил никель ва бронзадан тайёрланиб, пул муомаласи учун керакли ҳажмда чиқарилади ва қоғоз пулларга алмаштирилади.

Муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат муассасаси бўлиб Марказий банк ҳисобланади.

Кредит пуллари бу кредит алоқаларида ишлатиладиган пуллардир. Кредит пуллар олтин ўрнига пайдо бўлган, қарз берувчи ва қарздор ўртасидаги ҳамда банк воситасида амалга ошадиган ҳаракатларда қўлланилади. Кредит муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида кредит пуллари вужудга келади. Улар қуйидаги кўринишларда бўлади: *банкнотлар, векселлар, чеклар ва кредит картчакалари.*

Банкнот — бу марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билетидир. Банк билетлари давлатнинг аҳолига сотадиган товарлари ва давлатнинг олтин захирасига асосланади. Мамлакатимизда банкнотлар 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200 ва 500, 1000 сўм қийматида муомалага чиқарилади ва чақаларга майдаланади.

Пул ҳаракати банкдан бошланади. Нақд пул банкдан чиққач, корхона, ташкилотлар кассасига ва аҳоли муомаласига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, яна банкга қайтади. Нақд пул қўлланадиган пул муомаласи қуйидаги субъектлар ўртасида бўладиган пулли ҳисобларда намоён бўлади. Давлат ва корхона, ташкилотлар, муассасалар

ўртасида (иш ҳақи, товарлар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш учун тўловлар); давлат ва аҳоли ўртасида (пенсия, нафақа, ютуқлар пулини тўлаш, бюджетга тўловлар, солиқлар ва бошқалар); кредит тизими билан аҳоли ўртасида (қарз олиш ва уни қайтариш, жамғармага қўйиш ва уни олиш); корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро пулли ҳисоблар. Бундай кўринишдаги пул обороти жуда кам ҳолларда бўлиб, улар ўртасида ҳисоб-китоблар асосан нақд пулсиз амалга оширилади.

Корхона ва ташкилотлар томонидан товар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бири-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини ҳисоб рақамига ўтказиш орқали амалга оширадilar. Ҳозирги кунда пул айланмасининг (оборотининг) асосий қисми (90 фоиздан ортиқроғи) нақд пул иштирокисиз ҳисоб рақамдан бошқа ҳисоб рақамга ўтказиш орқали амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобга ўтиш солиқ тизими фаолиятини аниқ амалга оширишга катта ёрдам беради. Чунки барча тўловлар ҳисоб рақамлари орқали олиб борилгани туфайли барча солиқ тўловчиларнинг хатти-ҳаракати қатъи назоратда бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг „**Нақд пулсиз ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида**“ги Қарорининг аҳамияти ҳам мана шунда¹.

5- §. Қимматли қоғозлар тушунчаси ва турлари

Қимматли қоғозлар — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи *дивиденд* ёки фоиз кўришида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи *ҳужжатлардир*.

Қимматли қоғозларнинг фундаментал хусусияти уларнинг *айланувчанлиги* ва *ликвидлигидир*. Айланувчанлик — бу қимматли қоғозларнинг бозорда харид қилинишига ва сотилишига, шунингдек, кўпчилик ҳолларда бошқа товарнинг айланишини осонлаштирувчи мустақил тўлов воситаси сифатида қўлланишга қодирлигидир. Ликвидлик эса қим-

¹ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т. Пул: 100 савол ва жавоб. // — Т.: „Меҳнат“. 1996 й. 44—45-, 67- бетлар.

матли қоғозларнинг бозор нархининг камроқ ўзгариб туриши ҳамда сотиш учун унчалик кўп бўлмаган харажатлар билан, шунингдек, қимматли қоғозлар эгаси учун деярли зарарсиз ҳолда тезда сотилиш ва пул маблағларига (нақд ва нақдсиз шаклда) айланиш қудратидир.

Қимматли қоғозлар тушунчаси аниқ бир тарзда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **96-моддаси**да берилган бўлиб, унга кўра: „Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизи́тларга амал қилган ҳолда гасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади“¹.

Қимматли қоғозларнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

1. Ҳужжатнинг мулкий характери, яъни қимматли қоғоз ўз матнида қандайдир мулк ҳуқуқини ифодалаш керак. Лекин акция фақатгина мулкий ҳуқуқларни ўзида акс эттириб қолмасдан, у бундан ташқари, ўзида номулкий ҳуқуқни яъни, ташкилотни бошқаришда *овоз бериш ҳуқуқини (корпоратив ҳуқуқни)* ҳам ўзида мужассамлаштирган.

2. Қимматли қоғозда мужассамлашган ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқлиги ва тушунарли эканлиги билан ажралиб турган бўлиши шарт. Бундан ташқари қоғозда фақатгина ҳуқуқ мужассамлашган бўлиб, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ифодаланиши ўринсиздир.

3. Қоғоз ва унда мужассамлашган ҳуқуқ узвий боғлиқ бўлиши шарт. Чунки қимматли қоғоз эгаси, қоғознинг субъекти ҳисобланиб, қоғоз бўйича ҳақни талаб қила олиш ҳуқуқига эгадир.

4. Қимматли қоғоз юридик ҳужжатларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади ва у керакли реквизи́т (шарт)ларга тобеъ бўлмоғи шарт, яъни у керакли, шартли белгиларга эга бўлиши зарур².

¹Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, —Т.: „Адолат“, 1996 й. 51- бет.

² Назаров Ю. „Хўжалик ва ҳуқуқ“. 1996 й. 6- сон, 33—34-бетлар.

Қимматли қоғозлар, уни ким чиқарган бўлса, ўша на унинг эгаси орасидаги мулккий ҳуқуқнинг мавжудлигини ифода этувчи воситадир.

Шундай қилиб юқорида кўрсатилган ҳуқуқий муносабатда ҳар доим икки тараф иштирок этади. Чек ва ўтказма вексель бундан мустасно. Уларда қимматли қоғозни ёзиб берувчи ва қимматли қоғоз эгасидан ташқари учинчи шахс яъни, тўловчи ҳам иштирок этади.

Қимматли қоғозлар ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлишига қараб қуйидагиларга бўлинади: а) *тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар*, б) *номи (эгаси) ёзилган қимматли қоғозлар* ва в) *ордерли қимматли қоғозлар*.

1. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғоз. Мулккий ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш учун қимматли қоғозни тақдим этишнинг ўзи етарли бўлса, қимматли қоғозлар тақдим этувчига тегишли ҳужжатлар деб ҳисобланади.

Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар эркин муомалада бўлади. Бундай қимматли қоғозларни бошқага бериш, қимматли қоғозда мужассамлашган ҳақ-ҳуқуқни бошқа кишига ўтказиш, бундай қимматли қоғозни унга тақдим этиш билан тугаган ҳисобланади. Бундай қимматли қоғоз бўйича тўловчи вазифасини ўтаётган шахс қимматли қоғозни тақдим этаётган шахс ҳақ-ҳуқуқини текшириш ҳуқуқига эга эмас. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғознинг кўрсатилиши билан қарздор қарзини тўлаши шарт. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар турига: *облигация, акциялар* (лекин, кўпинча акция номи (эгаси) ёзилган турда чиқарилади), *коносамент* ва тақдим этувчига тегишли чек киради.

2. Номи (эгаси) ёзилган қимматли қоғозлар. Мулккий ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш учун эмитент (қимматли қоғозни чиқарувчи) томонидан ёки унинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар борасида касб фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томонидан эгасининг номини қайд этиш зарур бўлиб ва бундай ёзув қимматли қоғозда киритилган бўлса қимматли қоғозлар номи (эгаси) ёзилган *қимматли қоғоз* деб ҳисобланади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчи бир мулк эгасига бериш пайтида ҳисобкитоблардаги зарурий ёзувлар ўзгартирилади. Бундай қимматли қоғозлар бўйича қарздор, яъни қимматли қоғоз

бўйича тўловни амалга оширувчи шахс, эгаси ёзилган қимматли қоғозни топширган шахсга нисбатан шахсий эъгирозларини билдириши мумкин. Ушбу турдаги қимматли қоғозлар бўйича қарздор маълумотлар тўплаши, қоғозда кўрсатилган шахсни аниқлаши ва бошқа ҳар хил усулда текширишлар олиб бориши шарт. Қимматли қоғозда кўрсатилган шахснинг кимлигини аниқламасдан тўловни амалга оширган қарздор, акс ҳолда, иккинчи марта қайтадан тўлашга мажбур. Номи (эгаси) ёзилган қимматли қоғозларга эгаси ёзилган *акция* киради. Россия Федерациясида эса бундай турдаги қимматли қоғозларга товарни қабул қилувчи, юкни сақловчи омборхоналарнинг берган квитанциялари киради.

3. Ордерли қимматли қоғозлар. Ордерли қимматли қоғозларга эга бўлган шахслар қимматли қоғозлар бўйича қарздор бўлганлар дафтарида қайд этилган бўлиб, қарзни бериш шу қимматли қоғоз соҳибига тўғри келиб қолган бўлса, бундай қимматли қоғоз *ордерли қимматли* қоғоз ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ордерли қимматли қоғозлар асосида қарздорнинг қимматли қоғозда кўрсатилган шахсга ёки у кўрсатган шахсга қарзини тўлаш мажбурияти ётади. Ордерли қимматли қоғозларнинг турларига оддий ва ўтказма векселлар киради.

Қимматли қоғозлар турлари.

Қимматли қоғозлар турларига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96- моддасининг 3- бандида кўрсатилганидек қуйидагилар киради: *акция, облигация, вексель, чек, депозит* ва *жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент* ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради. Негадир, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги „**Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида**“ги Қонунига қимматли қоғознинг бир тури сифатида киритилган Хазина мажбуриятлари кодексдан ўрин олмаган. Демак, қонунда қимматли қоғозларнинг турлари чекланиб қолмасдан, балки янги турлари ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозларнинг энг кенг тарқалган тури *акциялар* ҳисобланади.

1993 йил 2 сентябрдаги „**Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида**“ги Қонунига мувофиқ, *акция* — бу акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний

шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва, одатда, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

Акция ўз эгаларига, яъни акциядорларга ҳиссадорлик жамияти ихтиёридаги умумий мулкдан ўзига тегишли улушига ҳуқуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Акциядорлар эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятининг жамоа мулкдорларидир.

Мулкчилик ҳуқуқлари ва уларнинг қўлдан-қўлга ўтказиш нуқтаи назаридан акциялар номи ёзилган ва тақдим этувчи турларига бўлинади.

Номи ёзилган ва тақдим этувчи акцияларининг асосий фарқи шундан иборатки, номи ёзилган акцияларнинг ўз эгасидан бошқа кишига ўтиши ушбу жараённинг ҳиссадорлик жамияти акциядорлари реестрида албатта қайд қилишни назарда тутади. Тақдим этувчи турдаги акциялар бундай қайд қилинишни талаб қилмайди. Агарда номи ёзилган акцияларнинг *эмитенти* айна пайтда акцияларнинг эгаси ким эканлиги тўғрисида ишончли ахборотга доимо эга бўлиб турса, тақдим этувчига акциясининг эгасини эмитент фақатгина қоғознинг эгаси тегишли қимматли қоғозни кўрсатганидан сўнг билиши мумкин.

Акциядорларнинг ҳуқуқлари нуқтаи назаридан акциялар *оддий* ва *имтиёзли* акцияларга бўлинади.

Оддий акциялар ўз эгаларининг дивиденд олиш ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилиш пайтида овоз бериш ҳуқуқларига эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Оддий акциялар жамият акцияларининг асосий қисмини ташкил этади.

Имтиёзли акциялар эгалари оддий акциялар эгаларига қараганда бир қатор имтиёзларга эгадирлар: улар олдиндан белгиланган миқдорда дивиденд олишади, имтиёзли акцияларга дивидендлар оддий акциялардан олдин тўланади, имтиёзли акциялар эгалари акциядорлик жамиятининг фаолияти тугатилган пайтда жамият мулкининг маълум улушини олишга устунлик ҳуқуқларига эгадир. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар, акцияли жамият жорий йилда олган фойдасидан қатъи назар, илгари уларнинг номинал қийматига белгиланган қатъи фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Имтиёзли акциялар жамият устав фондининг 10 фоизидан ортиқ қийматида чиқарилиши мумкин эмас.

Акциялар қуйидаги реквизитларга эга бўлиши шарт: акциядорлик жамиятининг номи ва унинг жойлашган манзили; қимматли қоғознинг номи — „акция“; акциянинг тартиб рақами, серияси, чиқарилган санаси; акциянинг тури (оддий ёки имтиёзли); акциянинг белгиланган қиймати; эгасининг исми (номи ёзилган акциялар учун); акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилган кундаги устав жамғармаси миқдори; чиқарилган акциялар миқдори; дивидендларни тўлаш муддати; акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ва бош ҳисобчисининг имзоси; акциянинг санаси ва рўйхатдан ўтказган идора томонидан берилган коди.

Акциялар бир турдан бошқа бир турга, қимматбаҳо қоғозларнинг акцияга алмашиши мумкин. Бу ҳол акцияларни қимматбаҳо қоғозларнинг ичидаги энг нуфузли эканлигини кўрсатади¹.

Қимматли қоғозларнинг кенгроқ тарқалган иккинчи тури облигациялар ҳисобланади. Облигация чиқариш билан ташкилотлар ва бошқа давлат корхоналари ўзининг пулга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Ўзбекистон Республикасининг „Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида“ги Қонуннинг 5- моддасига кўра, облигациялар уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қиймагини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятларини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир².

Облигация чиқарган ташкилот (эмитент) қарздор бўлиб, харидор (сармоядор) эса кредит берувчи сифатида қатнашади.

Республикамызда қуйидаги турда облигациялар чиқарилади:

- республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари;
- корхоналарнинг облигациялари.

¹ Долинская В. В. Акциядорлик ҳуқуқи (Дарслик). — М.: „Юридик адабиёт“ нашриёти. 1997 й. 158—159- бетлар.

² Акционер ва тадбиркорнинг маълумот берувчи қўлланмаси. (Муаллифлар ҳайъати Ходжаев Б. А., Фафуров Ш. Р. ва бошқалар) —Т.:1997 й. 137- бет.

Облигациялар *оддий* ва *ютуқли*, *фоизли* ва *фоизсиз* (мақсадли), *эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган* қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реқвизит (шарт)лари облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу моллар (хизмат)ларни акс эттириши шарт.

Республика ички заёмларининг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади. Корхоналар ва акциядорлик жамиятлари облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишли маъмурият ва ижроия органи томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Акциядорлик жамиятлари чиқарилган барча акциялар ҳақи тўлиқ тўлангандан кейингина устав фонди миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган суммада облигациялар чиқаришлари мумкин.

Облигация, акцияга ўхшаб пул маблағларини жалб қилиш — *инвестиция* қилишдир. Лекин улар бир биридан фарқлидир. Улар орасидаги фарқ қуйидагича:

Облигация эгаси ташкилот *кредитори* бўлиб ҳисобланади. Агар ташкилот ҳамкорлик жамияти бўлса, у ҳолда акциядор ташкилотнинг хусусий эгаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Акция эса хусусий мулкни тасдиқловчи ҳужжатдир.

Облигация эгаси облигация бўйича фоиз олади. Олинadиган фоиз аниқ ва қайд этилган бўлади. Бундай қимматли қоғоз фақат аниқ ва унда кўрсатилган муддат бўйича фойда келтиради. Акциядор эса дивидендлар олади. Дивидендларнинг олиниш муддати аниқ кўрсатилмаган. Агар ташкилот биз дивиденд тўлай олмаймиз деса, акциядор бирор эътироз билдиришга ожиздир.

Облигация эгаси ташкилот бошқарувида қатнаша олмайди, овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Акциядор эса бундай ҳуқуқларга эга. Облигациялар ҳам акциядек номинал ва бозор баҳосида сотилади.

Ҳиссадорлик жамиятлари ҳам облигациялар чиқара олади. Ушбу облигациялар бирор бир гаров эвазига, учинчи шахслар кафолати остида ёки ҳеч нарсага (учинчи йил тўлаш

мажбурияти билан, акциядорлик жамиятининг Низоми тасдиқлагандан сўнг икки йилдан кейин ва ҳоказо.)¹.

Векселлар ҳам қимматбаҳо қоғозларнинг бир турига киради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида вексель муомаладан чиқарилган бўлсада, у ўзининг тарихига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида 1994 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг „**Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида**“ Қонун қабул қилинди ва унга 1995 йил 13 сентябраги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу қонунга кўра „Векселлар уларда кўрсатилган муддат келганда вексель берувчи муайян пул суммасини вексель эгасига (вексель олувчига) сўзсиз тўлаши лозим бўлган мажбуриятдан гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир“.

Вексель қуйидагича тавсифномага эга:

1. Векселдан юзага келувчи ҳар бир мажбурият векселда ёзма равишда қайд этилган бўлиши шарт.

2. Векселда мужассамлашган мажбуриятлар вексель билан баробар бир кишидан бошқасига осон ўтиши, сотилиши мумкин.

3. Векселда кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини фақат вексель ушлаб турувчи шахс талаб қилиши мумкин.

4. Векселга эга бўлган шахс ўзидан олдинги вексель эгаларидан ҳам кўпроқ ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлади. Векселда ҳар доим уч кишилик ҳуқуқий муносабат намоён бўлади: илк бор вексель берувчи (трассант) ва векселни олувчи (ремитент) ҳамда ундан кейин вексель бўйича тўловчи (трассант) орасида пайдо бўлади. Векселлар ўтказувчи, **оддий**, **хазина** ва **тижорат** векселларга бўлинади.

Юбориладиган вексель. Юбориладиган вексель бўйича бир томон (вексель берувчи) иккинчи томон (вексель тўловчи)дан маълум бир миқдордаги пулни учинчи томонга тўлашни илтимос қилади. Илтимосни қабул қилувчи тараф, яъни векселни тўловчи — *акцептант* ҳисобланади ва векселни қабул қилиб олади. Векселни қабул қилиб олиш „қабул қилинди“ ёки „акцепт қилинди“ ёзувларининг векселда ёзилиши билан қабул қилиб олиш тугалланган ҳисобланади.

Ўтказма векселда қуйидаги белгилар мавжуд бўлиши шарт:

— „вексель“ ёзуви;

¹ Анасянц С. А. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш асослари. — М.: „Контур“ 1998 й. 56- бет.

- ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолдаги маълум бир миқдор пулни тўлаш мажбурияти;
- тўловчининг номи;
- тўлов жойи;
- кимга тўланиши керак бўлса, ўша шахснинг исми, фамилияси;
- вексель тузилган жой ва кун;
- вексель берувчининг имзоси ва исми шарифи.

Агар ўтказма векселда юқорида кўрсатилган белгилардан бирортаси бўлмаса, у қонуний кучга эга бўлмайди. Агар тўлов муддати кўрсатилган бўлса, у ҳолда бундай вексель шу муддатда тўланиши шарт бўлган вексель ҳисобланади.

Агар векселда тўлов жойи кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда тўлов жойи тўловчининг манзилгоҳи ҳисобланади. Агар ўтказма векселда векселнинг ёзилган жойи кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда вексель жойи деб, векселни ёзган шахснинг манзилгоҳи ҳисобланади.

Оддий вексель. Оддий вексель худди ўтказма вексель каби реквизитларга (белгиларга) эга. Оддий векселда икки шахс қатнашади. Улардан бири вексель берувчи, яъни қарздор, иккинчиси эса векселни олувчи, яъни қарз берувчи бўлиб ҳисобланади. қарз берувчи қарз тилхатини, яъни, оддий векселни олади.

Векселларни чиқариш ва рўйхатга олиш қоидаларини Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда белгилайди.

Векселлар хазина ва тижорат, оддий ва ўтказма векселларга бўлинади. Оддий вексель вексель берувчининг (қарздорнинг) муайян пул суммасини муайян муддатда ва муайян жойда вексель тугувчига ёки унинг буйруғига биноан тўлаш мажбурияти кўрсатилаган оддий ва ҳеч нарса билан шартланмаган ёзма ҳужжатдир.

Оддий векселнинг бошқа қарзга оид пул мажбуриятларидан фарқлари қуйидагича:

- вексель узатиш ёзуви бўйича қўлдан қўлга берилиш мумкин;
- вексель бўйича масъулият унда иштирок этувчи шахслар учун солидар (умумий) ҳисобланади, оборотсиз ёзув ёзган шахслар бундан мустасно;
- имзони тасдиқлаш учун нотариал муассасага келиш талаб қилинмайди;

— белгиланган муддатда вексель тўланмаган чоғда нотариал протест (эътироз) тақдим қилиниши лозим;

— вексел мавҳум пул ҳужжати ҳисобланади ва шу сабабли зақалат, гаров ёки неустойка билан таъминланмайди.

Ўтказма вексель (трассант) вексель берувчининг тўловчига муайян пул суммасини муйян муддатда ва муайян жойда олувчига ёки унинг буйруғи бўйича сўзсиз тўлаш буйруғи кўрсатилган ёзма ҳужжатдир.

Ўтказма векселнинг моҳиятига кўра қарз тилхати бўлган оддий векселдан асосий фарқи шундаки, у бойликларни (қимматликларни) бир шахс тасарруфидан бошқа шахс тасарруфига ўтказиш, олиб ўтиш учун мўлжалланган.

Ўтказма векселни бериш (трассантлаш) ўз зиммасига унга доир акцепт ва тўлов кафолати мажбуриятини қабул қилиш демақдир.

Бинобарин, трассант (вексель берувчи) трассант (тўловчи) қўлида трассантланган вексель суммасидан кам бўлмаган бойликни тасарруф этган тақдирдагина, бошқага трассантлаш мумкин.

Оддий векселдан фарқ қилиб, ўтказма векселда икки эмас, балки уч шахс иштирок этади: вексель берувчи (трассант), биринчи олувчи (ёки вексель тутувчи), у вексель билан бирга унга доир тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади ва тўловчи (трассант), унга вексель тутувчи тўловни амалга оширишни таклиф қилади (векселда бу нарса „тўланг“ сўзи билан белгиланади).

Бу ерда трассантнинг мажбурияти шартли: агар тўловчи (трассант) вексель суммасини тўламаса, уни тўлаш мажбуриятини олади.

Агар трассант вексель бўйича акцептламаган ва тўламаган бўлса трассант томонидан бундай мажбурият бажарилиши зарурияти юзага келади. Охирги ҳолатда трассант оддий векселнинг вексель берувчисига тенглаштирилади ва унга нисбатан тўламаслик хусусида *протест* пайдо бўлади. Ўтказма векселнинг вексель тутувчиси охирги қабул қилиш (акцепт) ва тўловга нисбатан бунини ўз вақтида изҳор этиш керак, чунки акс ҳолда ана шу шартларни бажармаслик унинг ўз айби деб баҳоланиши мумкин. Оддий векселлар билан уларни акцепт учун тўловчига тақдим этиш, бинобарин қабул қилмаслик протестини тузиш ҳам талаб қилин-

майди, яъни вексель пайдо бўлишининг энг аввалидан қарздор мавжуд. Ўтказма вексель бўйича бундай бевосита қарздор вексель тўловчи томонидан акцептлаш пайтидагина юзага чиқади. Бу пайтгача фақат шартли қарздор (трассани) мавжуд эди.

Тижорат вексели ортида аниқ товар битими туради. Тижорат векселида молия тизимида товар ва хизматларнинг етказиб берувчи (сотувчи) уларнинг истеъмолчисига (харидорга) тақдим этадиган кредитни расмийлаштиришнинг биргалиги воситаси сифатида кенг қўлланилади. Ҳар қандай қарз воситасида бўлганидек, бу ерда ҳам ортиқча ва тақчил молиявий мавқелардаги субъектлар бор.

Векселда иккита энг муҳим функция — *кредит* ва *ҳисоб-китоб* функциялари бирлаштирилган. Бир томондан, бу кредитни товар битими тарафларидан бирига бериш усули, бошқа томондан эса, вексель пул ўрнини босувчи қоғоз бўлиб, бошқага берилиш хусусияти туфайли пул ўрнини оладиган тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, векселларни тижорат банклари воситасида Марказий банкда ҳисобга олиш нақд пулларнинг пул муомаласи каналларига келиб тушиши усуларидан бири ҳисобланади.

Вексель — сўзсиз ва шак-шубҳасиз қарз мажбуриятидир. Бунинг маъноси шуки, тарафлар тўловни бирор-бир воқеанинг бошланишига боғлиқ қилиб қўйиши мумкин эмас. Вексель бўйича тўлов уни тақдим этиш сабабларидан қағъи назар, амалга оширилиши керак. Низомда қарздор ундан бош тортган тақдирда қарзни ундиришнинг жадал ва таъсирчан тартиби белгиланган. Тўловдан бош тортиш ёки қарз муддатини узайтириш мумкин эмаслигидан векселнинг шак-шубҳасизлиги намоён бўлади.

Вексель мустақил тўлов мажбуриятидир, яъни унга доир қарз вексель пайдо бўлишига сабаб бўлган аниқ товар етказиб беришлардан пайдо бўладиган бевосита қарз мажбуриятларидан тўлиқ ажралиб туради.

Вексель унинг биринчи эгаси томонидан ўз қарзини тўлаш ҳисобига бошқа шахсга берилиши биланоқ товар битими билан алоқа бутунлай йўқолади. Вексель бўйича қарздор унга доир ҳуқуқни янгидан олган шахсга, ҳатто агар у дастлабки битимни тўлашдан воз кечиши мумкин бўлса-да (тўлиқ етказиб бемаслик, сифат нормативларига

номувофиқлик ва ҳоказолар), қарз суммасини тўлаши шарт. Лекин ушбу ҳолда қарздорда векселнинг биринчи эгасига тўлаш тўғрисида қайтадан талаб қилиш ҳуқуқи қолади.

Вексель реквизитлари вексель низоми билан қатъи тарзда белгиланган, векселга ўз имзосини қўйган барча шахслар мазкур пайтдаги ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб берадилар. Кейинчалик вексель мазмунига киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар унга ўз имзосини қўйган шахсларнинг мажбуриятларида ҳеч ҳам акс этмайди.

Векселни тақдим этиш, муомалада бўлиш тартиби, гарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва бу билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар махсус вексель низоми билан тартибга солинади. Халқаро савдо муносабатлари ва вексель муомаласи кенг ривожланиш муносабати билан 1930 йил 7 июнда Женевада Векселлар тўғрисидаги халқаро конвенция имзоланиб, у миллий вексель қонунларини бирхиллаштирди.

Векселлар тўғрисидаги халқаро конвенцияга биноан саккизта мажбурий реквизит мавжуд бўлиб, улар формулярда мустаҳкамланиб қўйилган. Векселда қўйидаги реквизитлар мавжуд бўлса, у *вексель* деб ҳисобланади:

1. „Вексель тамғаси“, яъни аввал бошдан вексель мажбурияти бўлмаган қоғозни векселга айлантиришни қийинлаштириш мақсадида „вексель“ сўзи.

2. Тўлов суммаси (вексель валютаси) кўрсатилиши керак. Вексель бўйича фоиз тўлови вексель валютасига кириши, эҳтимоли алоҳида кўрсатилиши ҳам мумкин. Кейинги ҳолда бу ёзув вексель валютасига ўхшаган қоидалар бўйича расмийлаштирилади.

3. Тўловчи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Булар юридик шахс реквизитлари ёки жисмоний шахснинг фамилияси, шунингдек унинг манзили бўлиши мумкин.

4. Мазкур қарз мажбуриятида унинг фойдасига тўлов амалга оширилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. У тўлов мўлжалланган шахс ёки вексель қўйилган шахс бўлиши мумкин. Ушбу ҳолда *„менинг фойдамга (бизнинг фойдамизга) тўлансин“* деган ёзув бўлиши керак. Агар учинчи шахс маълум бўлмаса, ёзув матни қўйидагича бўлади: „Бизнинг буйруғимиз бўйича тўлансин“.

5. Тўлаш жойи кўрсатилади. Бу юридик шахс жойлашган жой, жисмоний шахснинг истиқомат жойи ёки исталган бошқа жой бўлиши мумкин. Агар векселда тўлов жойи

кўрсатилмаган бўлса, унинг тузилган жойи (оддий вексель) ёки унга доир тўловчи номи билан ёнма-ён белгиланган жой (ўтказма вексель) тўлаш жойи деб ҳисобланади. Тулаш жойи ва тўловчининг жойлашган жойи мос тушмайдиган векселлар *домицилланган векселлар* деб номланади. Тўловчидан ташқари тўлов олинishi керак бўлган шахс-домицилият ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бундан ташқари, векселда тўлов амалга оширилиши керак бўлган шахс номи (одатда банк) кўрсатилиши мумкин.

6. Тўлов муддатига эга бўлади: кун, ой, йил (вексель муддати). Уни ифодаланишнинг кўплаб усуллари мавжуд: муайян кунга, тузилганидан бошлаб шунча вақтга, кўрсатилган пайтга, тақдим этилганидан бошлаб шунча вақтгача. Кўпинча векселда муайян календарь санаси кўрсатилади. Мисол учун, *„май бошида“*, *„июн ўртасида“*, *„октябрь охирида“* деб белгиланиши мумкин, бу эса ойнинг биринчи, ўн бешинчи ва охири кунларини англатади. Берилган кунидан бошлаб ҳисоблаб ёзилган муддатли вексель „бир ойдан кейин“, *„олти ойдан кейин“* каби ёзувлар шаклида бўлади. Бунинг маъноси шуки, вексель тақдим этилган сана *бошлангич сана* деб ҳисобланади. Тўлов муддати кўрсатилган ойлар сони ўтгач, айна ўша куни келади. Агар мазкур ойда тегишли кун бўлмаса, тўлов муддати ушбу ойнинг охири кунida бошланади. Агар тўлов муддати дам олиш кунига тўғри келса, тўлаш ундан кейинги иш кунida амалга оширилади. Бундан ойнинг охири куни мустасно, бу ҳолда сўз бундан олдинги иш куни хусусида боради. Агар вексель кўрсатилган кунда муддат билан тузилган ва бошқа ҳеч қандай муддат кўрсатилмаган бўлса, у тузилган кунидан бошлаб бир йил давомида тўлашга тақдим этилиши керак. Векселни тақдим этувчи ундан олдин вексель тўлашга тақдим этилиши мумкин бўлмаган кунни ҳам кўрсатиши мумкин. Вексель эгалари уни топширишда уни тўлаш муддатини қисқартиришлари мумкин.

7. Тақдим этиш вақти (санаси) ва жойи мавжуд бўлади. Бундан қарздорнинг истиқомат жойи ва векселни тақдим этиш жойи ҳар хил бўлиши мумкин. Агар векселда бундай маълумотлар бўлмаса, тақдим этиш жойи деб истиқомат жойи ёки юридик шахснинг жойлашган жойи ҳисобланади. Тузилган жой муҳим ўрин тутаети, чунки у тарафлар ўртасидаги низолар ҳал этиладиган муайян қонун ҳужжатларини

белгилайди. Векселни тақдим этиш вақтсиз тузилган пайтда вексель берувчи ҳуқуқий лаёқатли бўлган-бўлмаганини аниқлаб бўлмайди.

8. Векселни тақдим этган шахснинг ўзи имзо чеккан бўлади. Бунинг устига у албатта қўлда имзоланиши керак. Факсимал имзоларга йўл қўйилмайди. Бунда векселни тақдим этган жисмоний шахснинг тўлиқ исми ёки юридик шахснинг номи албатта кўрсатилиши керак. Агар векселни юридик шахс тақдим этса, уни фирма томонидан берилган ишончномага биноан имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахс имзолайди¹.

Чек қимматли қоғознинг муҳим бир турига киради.

Чек қонун бўйича — ордерли қимматли қоғоз бўлиб ҳисобланади ва у давлат ҳимояси остида туради. *Вексель кредит бериш* воситаси бўлиб хизмат қилса, *чек эса — тўлов воситасидир*. Чекда векселда бўлгани каби уч киши иштирок этади, яъни чекни ёзган, чек олувчи ва чек бўйича тўлаши керак бўлган шахслар.

Чек иқтисодий томондан жуда фойдали қимматли қоғоз ҳисобланади. Чунки чек қўлланганда нақд пул ишлатилмайди. Пул йўқолишининг олди олинади.

Республикамикан банклари аҳоли қўлидаги ортиқча пуллар ўрнига чек бериб, уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ишлатса жуда фойдали бўларди. Чекларнинг умумий моҳияти қуйидагича:

— чек қўлловчи учун фойдали тарафи шундаки, чек воситасида тез ва фойдали тарзда қарздорлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилади;

— чек билан операциялар банк орқали амалга оширилиб, чек эгасининг нақд пулини йўқолиш хавфидан қутқаради;

— чек билан ҳисоб-китоб нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишдан кўра анча қулайдир;

— банкларда қўйилган пулларга фоиз тўланади.

Чекда мажбурий, яъни бўлиши шарт бўлган ва альтернатив (қўшимча) белгилар мавжуд. Чекнинг мажбурий белгилари қуйидагилар:

— чек сўзи чек тузилган тилда бўлади;

¹ Қимматли қоғозлар (акциядор ва тадбиркорнинг маълумот берувчи қўлланмаси) // —Т.: „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ Нашриёт уйи. 2000 й. (Тузувчилар Ш. Фафуров, Д. Шаулов, У. Кан). 43—49- бетлар.

- чекда кўрсатилган пул миқдорини тўлаш мажбурияти;
- чек тўловчининг (банкнинг) номи;
- чекнинг ёзилиш санаси;
- чек ёзиб берувчи шахснинг имзоси.

Чекнинг муқобил белгилари:

Чек бўйича тўловнинг амалга оширилиши жойи. Агарда жой кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда тўлов ҳақини олувчининг фамилияси ёнида кўрсатилган жой тўлов жойи ҳисобланади.

Чекнинг қаерда ёзилганлиги кўрсатилиши шарт. Агар жойи кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда чекни ёзиб берган шахснинг манзилгоҳи, ёзиб берилган жой бўлиб ҳисобланади. У ер ҳам кўрсатилмаган бўлса, чек ноқонуний ҳисобланади.

Агар чекда тўлов жойи кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда фирма ёки ташкилот маъмуриятининг жойлашган манзилида чек тўланади. Чекни қабул қилиб олувчи, яъни *индоссан* чекга қўл қўйгандан кейин, у чек *индоссамент* қилинган ҳисобланади. Индоссамент эса чек ушлаб турган шахсга ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин. Чекни қабул қилиб олган шахс, уни бошқаларга ҳам ўтказиши мумкин.

Агар чек қандайдир йўл билан бошқалар қўлига тушиб қолса ва даъвогар чек уники эканлигини исботласа, унда чекни ушлаб турувчи уни ҳақиқий эгасига топшириши шарт. Чек бўйича тўлиқ ва қисман тўлов кафолат бериш йўли билан амалга оширилади. Чек чет эл валютасида тўланиши керак бўлса, у ҳолда, ўша ердаги миллий валюта, шу кунги валюта ҳисоби бўйича тўланади.

Чекларнинг қўлланишига кўра турларга бўлиниши.

Чек икки турга бўлинади: *оддий чек* ва *ҳисоб-китоб чеки*. Чекни чизикли чекга айлантириш учун иккита чизик юри-тилади холос.

Чизикли чек фақат унда кўрсатилган банкирга тўланади. Чекни кўрсатган шахс олдида чек билан боғлиқ бўлган мажбуриятни олган шахслар тўлиқ жавобгардирлар. Шундай ҳуқуққа чекни тўлаб ўзига олган шахс ҳам эга бўлади. У ўзидан олдингилардан:

- а) тўланган миқдордаги пулни;
- б) ўзининг харажатларини талаб қила олади.

Чекни ўз вақтида тўлов учун қўйишга табиий офатлар ёки бошқа бирор сабаб йўл қўймаса, у ҳолда шу ҳолатлар учун белгиланган муддатлар узайтирилади.

Амалиётда сохта чекларни тўлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай пайтларда „ким жавобгар?“ — деган савол пайдо бўлади. Сохта чек туфайли етказилган зарарни, чекни тўлаган, яъни банк қоплайди. Агар банк чек берган шахснинг айбини исботласа, у ҳолда, банк жавобгарликдан қутулади. Чек ёзиб берган шахс айбдор бўлса ва банк тўлагандан кейин буни билиб қолса, бу ҳолда банк унга нисбатан қарши даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Йўқолган ёки қўллаб бўлмайдиган аҳволга келиб қолган чекни тиклаш учун судга даъво йўли билан чиқилса, бундай чек ноқонуний деб топилиши мумкин. Йўқолган ёки қўллаб бўлмайдиган аҳволга келиб қолган чек даъво талабномасига асосан ушбу чекнинг сақланиб қолган нусхаси асосида маълумотнома билан алмаштирилиши мумкин.

Чекни бериш ва улардан фойдаланиш қоидалари.

Бизнинг республикамызда чек фақат ташкилотлар ва муассасалар ўртасида ишлатилади.

Чеклар тижорат банклари орқали банкларда ҳисоб-китоб рақамлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Чекка бўлган талабга кўра лимит белгиланади. Чекни беришда банк ҳар бир қоғозда қуйидаги реквизитларни тўлдиради:

— банкнинг номи, тўловчининг ҳисоб рақами, коди (МФОси);

— тўловчининг корреспондентлик ҳисоб-китоб рақами;

— чек берилиши зарур бўлган ташкилотнинг номи.

Чеклар билан ҳисоб-китоб, қоида бўйича, юридик шахслар орасида амалга оширилади. Чек билан ҳисоб-китоб топширилган маҳсулот, товар, бажарилган иш ёки хизмат учун ҳам амалга оширилади.

Чек берувчи тўлов суммасини аниқлашда *қуйидаги реквизитларни* тўлдириб чек ёзади:

— тегишли қаторларга суммани рақамлар ва ёзув билан, тийинларни рақам билан ифодалайди;

— „Кимга“ деган сатрда тўловни олувчининг номи ёзилади;

— тўлов амалга оширилган сана, ойи ёзув билан кўрсатилади;

— ёзилган чек тўлов бажарилган пайтда бевосита чек берувчи томонидан, унинг имзоси билан тасдиқланади. Тўловни амалга оширишдан аввал тасдиқлашга йўл қўйилмайди;

— чек берилётганда чек ҳисоб варақа (карточка)си билан баробар берилади. Чек бўйича тўлов амалга оширилганда ташкилот чек ҳисоб варақа (карточка)сини, жисмоний шахс эса паспортини кўрсатиши зарур. Чек ҳисоб варақа (карточка)сидаги маълумотлар билан чек таққослагандан кейингина тўлов амалга оширилади ва чек ҳисоб варақаси (карточка)си эгасига қайтариб берилади.

Чек карточкасини фақат маблағларга жавоб берувчи шахслар имзолаши мумкин.

Чек билан тўлов ҳаракатларини, ташкилот номидан ҳаракат қилувчи ишончли киши ҳам амалга ошириши мумкин.

Агар чекда кўрсатилган лимитдан оз пул миқдориди чек берган бўлса, у ҳолда ортиб қолган пул миқдори чек берган шахсга, унинг аризаси орқали қайтарилиб берилади.

Чекни ушлаб турган шахс 10 кун ичида унга хизмат қилувчи банкка мурожаат қилади ва шундан кейин унинг ҳисоб рақамига маблағ ўтади. Агар чекни тўлаш байрам ёки дам олиш кунига тўғри келиб қолса, у ҳолда чек кейинги биринчи иш кунига тўланади. Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин чек тўловга қабул қилинмайди.

Ҳазина мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҳазина мажбуриятлари уларнинг эгалари бюджетига пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар туридир.

Ҳазина мажбуриятлари 1 йилдан 10 йилгача ва 10 йилдан 30 йилгача чиқарилади. Улар давлатнинг қарз мажбуриятларидан бири бўлиб фақат ички давлат қарзлари учун чиқарилади. Фоизлар бўйича тўлов йилда икки марта амалга оширилади.

Ҳазина мажбуриятларининг қуйидаги турлари чиқарилади:

— узоқ муддатли — беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган ҳазина мажбуриятлари;

— ўртача муддатли — бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган ҳазина мажбуриятлари;

— қисқа муддатли — бир йилгача бўлган муддатда мўлжалланган мажбуриятлари.

Узоқ муддатли ва ўртача муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш ҳақидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси гомонидан қабул қилинади, қисқа муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан қабул қилинади. Хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарорларда даромадларни ҳамда мажбурият қарзларини тўлаш шартлари белгилаб қўйилади¹.

Депозит сертификатлари.

Депозит сертификатлари — бу пул маблағлари, омонат қўйилгани тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий вори сининг белгиланган муддат тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк — *эмитент* гувоҳномасидир.

Депозит сертификатларини чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Сертификатлар эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли ҳолда чиқарилади. Ордерли сертификатлар чиқариш Республикамиз қонунчилигида ёки норматив ҳужжатларда кўрсатилмаган. Депозит ва жамғарма сертификатлари орасида фарқ бор. Жамғарма сертификатлари фақат фуқароларга, депозит сертификатлар эса ташкилотларга берилади.

Депозит сертификатларини олиш ва сотиш бўйича пул ҳисоб-китоби нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

Сертификатлар қисқа муддатли бўлиши шарт. Депозит сертификатларининг муомалада бўлиш муддати бир йил, жамғарма сертификатларининг муомала муддати уч йил билан чегараланади. Агар тақдим қилиш муддати ўтказилиб юборилган бўлса, бундай ҳолатда сертификат кўрсатилганда тўланиши шарт бўлган ҳужжатлар қаторига киради. Агар сертификат соҳиби сертификат бўйича пулни тезроқ олишни истаса, унга шартнома бўйича кам фоизли пул миқдори сертификатда кўрсатилган пулга қўшиб берилади².

¹ Қимматли қоғозлар акциядор ва тадбиркорнинг маълумот берувчи қўлланмаси, (Тузувчилар Ш. Фафуров, Д. Шаулов, У. Кан). „Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси“ Нашриёт уйи. — Т.: 2000 й. 80- бет.

² Анасянц С. А. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш асослари. — М.: „Контур“. 1998 й. 56- бет.

Қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг дастлабки жойлаштирилиши ўзига хос хусусиятга эгадир.

Қимматли қоғозларни уларнинг дастлабки эгалари юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан муомалага чиқариш *эмиссия* деб номланади. Дастлабки (биринчи) ва қайта (такрор, иккиламчи) эмиссиялар бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг дастлабки эмиссияси қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— мавжуд корхонани қайта ташкил этиш ёки янги корхона барпо қилиш йўли билан акциядорлик жамияти таъсис этилганда;

— юридик шахслар, давлат ва давлат ҳокимияти органлари томонидан облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан заём капиталининг жалб қилиниши чоғида.

Қимматли қоғозларнинг қайта эмиссияси акциядорлик жамиятлари, давлат ва давлат ҳокимияти органлари томонидан қўшимча акциялар, облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш йўли билан амалга оширилади. Қўшимча чиқарилган акциялар акциядорлик жамияти томонидан улар капитал бошқарувининг самарадорлигини ошириш учун фойдаланилади. Акциядорлик капиталига бошқарув таъсирининг мақсадига қараб қайта эмиссиянинг тури танланади, яъни акцияларнинг ёки облигацияларнинг муайян тури чиқарилади.

Агарда капитал бошқарувининг вазифаси хусусий маблағлар улушининг оширилишини талаб қилса, у ҳолда устав фондиди ошириш ва қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Агар заём маблағларини тезроқ жалб қилишга зарурият туғилса облигациялар чиқарилади. Агар акциядорларнинг сонини секин-аста ошириш қарори қабул қилинса, у ҳолда кейинчалик оддий акцияларга алмаштириладиган облигациялар чиқарилади. акциядорлик жамияти устидан назоратни сақлаган ҳолда маблағ билан таъминланишни кенгайтириш керак бўлган пайтда облигациялар ёки имтиёзли акцияларни чиқаришга тўғри келади.

Қимматли қоғозларнинг ёпиқ (хусусий) жойлаштириш ёпиқ — эълонларсиз, рекламаларсиз, эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказмасдан ҳамда эълон қилмасдан сармоядорларнинг олдиндан маълум бўлган чекланган доираси ичида ўтказилади.

Қимматли қоғозларни очиқ (оммавий) жойлаштириш эса сармоядорларнинг потенциал чекланмаган доираси ичида очиқ эълонлар билан, реклама компаниялари ўтказилган ҳолда, шунингдек, эмитент тўғрисида кераклича ахборотга эга бўлган эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш билан кузатилади.

Эмитентлар ўзларининг қимматли қоғозларини банклар, инвестиция компаниялари ва молиявий брокерлар орқали бевосита мукофотлар эвазига сотиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг очиқ жойлаштирилишини тез ва самарали ўтказиш учун эмитент томонидан, одатда, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари — воситачи фирмалар жалб қилинади. Инвестиция компаниялари ҳамда молиявий брокерлар қимматли қоғозлар бозорида воситачи фирма сифатида қатнашиши мумкин¹.

Қимматли қоғозлар муомаласи ва бозорларнинг турлари.

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда, уларни сотиш ёки харид қилиш, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келувчи бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Қимматли қоғозлар дастлабки ва иккиламчи бозорларда муомалада бўлади. Дастлабки бозор — бу қимматли қоғозларнинг биринчи ва қайта эмиссиялари бозори бўлиб, унда сармоядорлар ўртасида қимматли қоғозларни дастлабки жойлаштирилиши амалга оширилади.

Қимматли қоғозларнинг дастлабки бозорида давлат ва муниципал облигацияларнинг, шунингдек, молия ва молияга алоқаси бўлмаган ихтисосликдаги турли акциядорлик компаниялари томонидан чиқариладиган акциялар ва облигацияларнинг эмиссияси амалга оширилади. Дастлабки бозорнинг энг муҳим вазифаси сармоядорларга пул маблағларини сарфлаш учун қимматли қоғознинг турини асосли равишда танлашга имконият яратувчи ахборотларни тўлиқ равишда очиб беришдан иборатдир.

Акция ва облигацияларни тўғридан тўғри ёки бўлмаса, биржа фирмалар ва инвестиция банклари ёрдамида сотиб олувчи инвестиция ва тижорат банклари, инвестиция фонд-

¹ Қимматли қоғозлар бозори (Муаллифлар жамоаси: Ш. Ғофуров, Б. Беркинов, О. Пичугина). — Т.: 1996 й. 12—16- бетлар.

лари, компаниялар, институционал инвесторлар одатда қимматли қоғозларнинг дастлабки бозорида бевосита сармоядор сифатида қатнашади.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида олдин дастлабки бозорда жойлаштирилган қимматли қоғозлар муомалада бўлади. Иккиламчи бозорнинг асосий вазифаси қимматли қоғозларнинг сотувчиларини ва харидорларни бири бири билан учраштириш ҳамда капитални самарали фаолият доирасига эркин қўйилишини таъминлашдан иборатдир.

Иккиламчи бозорнинг муҳим аломати — унинг *ликвидлигидир* (чаққонлиги), яъни талайгина ҳажмдаги қимматли қоғозларни курснинг кам ўзгариб туриши шароитида ва сотиш учун кам харажат қилган ҳолда қисқа муддат ичида ўзлаштира олиш қудратига эгаллигидир.

Ҳозирги кунда бизнинг республикамизда қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг асосий хусусияти, қимматли қоғозлар дастлабки бозорнинг мутлақ устунлигидир, иккиламчи бозор эса ҳали тўлиғича шаклланганича йўқ. Қимматли қоғозлар биржа ва нобиржа (кўча) бозорларида муомалада бўлади.

Биржа бозори фонд биржаси тушунчасини ўз ичига олади. *Фонд биржаси* — бу махсус уюшган бозор бўлиб, унда энг сифатли қимматли қоғозлар муомалада бўлади ва қимматли қоғозлар билан амалларни мазкур биржада қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари амалга оширади. Нобиржа бозори эса фонд биржасидан ташқарида юзага келадиган қимматли қоғозлар билан амаллар қилишни ўз ичига олади.

Қимматли қоғозларнинг нобиржа бозори, қимматли қоғозларнинг айланишига хизмат қилишда муҳим ўрин тутди. У фонд биржаларининг бир вақтнинг ўзида ҳам *рақобатчиси* ҳам уларни *тўлдирувчиси* ҳисобланади. Масалан, облигациялар билан савдо қилишда нобиржа бозори биржа механизминини тўлдиради, биржанинг акциялари билан савдо қилишда эса нобиржа бозори *рақобатчи* ҳисобланади.

Инвестиция институтлари.

Жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, инвестиция институти — бу юридик шахс бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади: воситачилик фаолиятини, қимматли қоғозлар чиқаришни ташкил қилишни ва уларни учинчи шахс фойдасига жойлаштириш

бўйича кафолат беришни, сармоядорларнинг пул маблағларини сафарбар қилиш мақсадида акциялар чиқариш ва уларнинг турли эмитентларини қимматли қоғозларга сарф қилиш, қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомаласи бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва ҳоказолар. Инвестиция институтлари сафига молия брокерлари, инвестиция компаниялари, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция фондлари ҳамда хусусийлаштириш инвестиция фондлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг „Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида“ги Қонунида инвестиция институтларини қуйидаги турлари фаолият кўрсатиши мумкинлиги кўрсатилган. Улар:

- инвестиция воситачиси (молия брокери ва дилери)
- инвестиция маслаҳатчиси;
- инвестиция компанияси;
- инвестиция фонди;
- бошқарувчи компанияси;
- депозитарий;
- ҳисоб-китоб — клиринг палатаси (ташкilotи);
- қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини сақловчи;
- қимматли қоғозларни номинал сақловчи;
- инвестиция институтларининг бошқа турлари мавжуддир.

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) инвестиция фондларининг бир тури ҳисобланади.

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш мақсадида ташкил этилади ва уларнинг вазифаси аҳолининг пул маблағларини жамлаб, хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари акцияларини сотиб олишга сарфлашдан иборат¹.

Фонд биржаси.

Фонд биржаси — қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Фонд биржаси — бу ўзаро улгуржи амаллар қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари гомонидан ташкил этилган андоза (стандарт) молиявий

¹ Хусусийлаштириш инвестиция фондлари (1- нашр). (Муаллифлар жамоаси: В. Чжен, А. Адбуқодиров, А. Расулев, Ш. Файзуллаев, В. Николаев). — Т.: 1996, 3—4- бетлар.

воситалар (акциялар, облигациялар, векселлар, сертификатлар) билан савдо-сотик қилиш учун уюштирилган бозордир.

Қимматли қоғозларни сақлаш ва уларни ҳисобга олиш учун ихтисослашган ташкилотлар (депозитарийлар).

Фонд бойликларни сақлаш вазифасини амалга оширишга замонавий ёндашиш уларни махсус ихтисослашган ташкилотларда, яъни депозитарийларда жамлашдан (марказлаштиришдан) иборат. Сақлашнинг марказлашган тури қимматли қоғозларнинг айланишида хизмат кўрсатиш харажатларини арзонлаштиради, уларни ҳисобга олишни осонлаштиради ва тезлаштиради. Марказлашган депозитарий мавжуд бўлган жойларда қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси бўйича битимлар тузиш чоғида сертификатларнинг жисмоний кўчирилишига зарурият бўлмайди. Депозитарийларнинг асосий вазифалари қимматли қоғозлар сертификатларини сақлаш ҳамда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатишдан иборат.

Қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича депозитарийнинг хизматларидан фойдаланувчи шахс — *депонент* деб номланади.

Депозитарийлик фаолияти бўйича муносабатларни бошқарувчи депозитарий ва депонент ўртасидаги шартнома *депозитарий шартномаси* деб номланади (депо счёти тўғрисидаги шартнома). Депозитарий шартномаси ёзма равишда тузилиши керак. Шартнома *концессуал* ҳисобланади. Уни тузиш чоғида депонентдан ҳеч қандай қимматли қоғозларни зудлик билан деполлаштириш талаб қилинмайди, балки депонентнинг қимматли қоғозларни сақлашга ҳуқуқларини ҳисобга олиш учун депонинг балансдан ташқари счёти очилади.

Депозитарий шартномасини тузиш депонентнинг қимматли қоғозларга бўлган мулкчилик ҳуқуқларининг ва ушбу қимматли қоғозлар туфайли унга берилган ҳуқуқларнинг депозитарий ихтиёрига ўтишни билдирмайди. Агар депонентнинг қимматли қоғозлари депозитарий томонидан ишлатилиши учун ушбу шахс билан бошқа шартнома тузилмаган бўлса, депозитарийнинг бу қимматли қоғозлардан фойдаланишга ҳаққи йўқ. Депозитарлик фаолиятини фақат юридик шахслар — банклар, фонд биржалари (биржанинг фонд бўлимлари), инвестиция институтлари (инвестиция маслаҳатчилари ва инвестиция фондларидан ташқари), депозитарийлар амалга ошириши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтиришга Президентимиз ҳар доим аъло эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги Фармони, „Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида“ги Фармони, „Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва Республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги Фармони ва бошқалар¹.

Хулоса қилиб айтганда, қимматли қоғозларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилиши ва уларнинг Фуқаролик муомиласида иштирокининг кенгайтирилиши бозор муносабатларини ривожлантиришга ёрдам беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995—1999 й.й.). —Т.: „Адолат“.

**1- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан
тартибга солиш заруриятининг асослари**

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнида бозор иқтисодий жиҳатдан ўзининг талаб ва таклиф қонуниятлари асосида ижтимоий зарурий ишлаб чиқариш ривожини, товар баҳосини, унинг сифатини, маҳсулотларнинг истеъмолбоп хусусиятларини белгилайди, илмий-техник тараққиётга туртки беради ва шунинг билан бирга кераксиз, самарасиз, рақобатга бардошсиз бўлган ишлаб чиқаришни четга суриб ташлайди. Ана шу тариқа бозор тадбиркорлар манфаатларига таъсир кўрсатади, бу соҳада ишлаб чиқаришни ва товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бозор иқтисодиётини ривожлантирувчи мезони бўлган рақобат тадбиркорларни ишлаб-чиқариш харажатларини камайтиришга ва баҳоларни пасайтиришга мажбур этади.

Бироқ, ҳар қандай жамиятда унинг иқтисоди қандай бозор моделига мослаштирилган бўлишидан қатъи назар, унинг иқтисоди ва хусусан тадбиркорлик соҳасида давлатнинг туган ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш зарурияти юзага келиши табиий. Чунки бозор иқтисоди шароитида тадбиркорлар фаолиятини эркин ривожланишини давлат-хуқуқий механизмнинг ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, унга таъсир кўрсатиш заруриятини жамият манфаатларини муҳофаза қилишнинг қуйидаги талаблари билан асослаш мумкин:

- иқтисодий-ижтимоий тараққиётда устувор бўлган давлат ва жамият эҳтиёжларини таъминлаш;
- давлат бюджетини шакллантириш;
- агроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олиш;

- мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш;
- тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини ва рақобатни амалга ошириш ҳамда монополиядан ҳимоя қилиш;
- тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, қонунийликни таъминлаш;
- чет эл инвестиция фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш.

Юқорида келтирилган давлат томонидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар рўйхатидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заруриятининг асослари жамият оммавий манфаатларидан келиб чиқади. Айтиш керакки, бозор шароитида хусусий манфаатлар одил судлов йўли билан, агарда қачон ва қандай даражада оммавий (жамоат) манфаатлар билан қўшилиб келса, мумкин қадар давлат аралашуви йўли билан ҳимоя қилинади. Тадбиркорлик фаолиятига ва хусусан тадбиркор ишига давлат аралашувининг чегараси, бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қамрови жамият учун керак бўлган йўналишда иқтисодий ривожланишни инобатга олган ҳолда бозор муносабатларининг муҳим элементларини сақлаб қолиш зарурияти билан белгиланади.

2- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш турларининг таснифи

1. Тадбиркорлик соҳасини тартибга солишда давлат фаолияти кўп қиррали бўлиб, бунда давлат (унинг органлари) қуйидаги даражаларда ҳаракат қилади:

- бутун жамият (мамлакат) манфаатлари вакили сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди миқёсида;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар аҳолиси манфаатларининг вакили сифатида мазкур ҳудудлар миқёсида;
- туманлар ва шаҳарлар аҳолиси манфаатларининг вакили сифатида мазкур ҳудудлар миқёсида.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ юқорида кўрсатиб ўтилган барча маъмурий-ҳудудий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг субъектлари ҳисобланиб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда ўзларининг қонунда белгиланган ваколатлари доирасида ҳаракат қиладилар.

2. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг аҳамияти ва юзага келиш асосларига кўра, тартибга солишни икки турга: *умумий* ва *алоҳида* турларга бўлиш мумкин. Умумий тартибга солишда давлат ва унинг органлари халқ номидан ва жамият манфаатлари учун тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатса, унинг алоҳида турида давлат (унинг органлари) маъмурий-худудий тузилма доирасида унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аҳоли манфаатлари учун тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўлади. Бунда ҳар доим алоҳида тартибга солиш тадбиркорлик фаолиятини умумий тартибга солиш йўналишидан чиқиб кетмаслиги керак. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни бундай турларга ажратишга сабаб шуки, бу соҳада давлат фаолияти маълум даражада алоҳидалаштирилган бўлиб, умумийдан ташқари, худудий тусдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ҳаракатда бўлади. Умумий тартибга солиш тадбиркорлик фаолиятининг турли томонларини бугун мамлакат миқёсида бирдек қамраб олади ва барча учун умуммажбурий аҳамият касб этади. Масалан, тадбиркорлар фаолиятининг эркинлиги „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонун, тадбиркорларни солиққа тортиш масаласи эса солиқ, таннархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги қонунлар билан ҳал қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг алоҳида турида, масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар бериши ёки тадбиркорлар учун қўшимча кафолатлар белгилаши мумкин.

3. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг мазмунига кўра, уни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- а) тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил қилиш ва тугатиш;
- б) режалаштириш;
- в) тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.

Режалаштириш тадбиркорлик фаолиятига давлат томонидан таъсир этишнинг шакли сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини мамлакат ком-

индекс иқтисодий ривожланиши йўналишида амалга оширилишини таъминлайди. Режалаштирилган фаолият мамлакат миқёсидаги муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланиб, вилоят, туман ва бошқа маъмурий-ҳудудий бўлинмалар ёки айрим тармоқ, соҳа тадбиркорларига йўналтирилади. Бундан мақсад мамлакат ва халқ манфаатларининг устунлигини таъминлашдан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш, ва рағбатлантириш асосида жамият фаровонлиги учун хизмат қилишдан иборат.

Режалаштирилган фаолият кўрсаткичларига эришишда давлат иқтисодий чораларидан, хусусан *молиялаштириш, субвенция, кредит, солиқ имтиёзларини бериш* кабилардан фойдаланади. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан режалаштириш асосида давлат эҳтиёжлари учун товар ва маҳсулотлар сотиб олиш давлат бюджети ва давлат эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган бошқа хил маблағлар ҳисобидан қoplanади.

Тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолиятини тартибга солиш, хўжалик фаолиятини юритишга йўл қўймаслик, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш, ёки аксинча ушбу фаолиятнинг мувофиқ ҳолатини қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти субъекти (субъектлари)га нисбатан давлат томонидан таъсир этишдан иборат.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини юритишга йўл қўймаслик (таъқиқлаш) атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш тартибида учраши мумкин. Масалан, экология зарар етказиши мумкин бўлган объектлар қурилишини давлат қонун йўли билан таъқиқлайди. Хўжалик юритиш фаолиятини ўзгартириш атроф-муҳитга, табиатга зарарли фаолият турини чеклаш ёки уни бутунлай тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш натижасида содир бўлади.

Тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолиятини тартибга солиш масалани бевосита (директив) ечиш (таъқиқлаш, рухсат этиш) ва билвосита, яъни иқтисодий рағбатлантириш ёрдамида ҳал қилиш йўллари билан амалга оширилади.

Хўжалик юритиш фаолиятини тартибга солиш имкониятлари фақат қонунга таянмоғи лозим. Айтиш керакки, бундай нормалар (қоидалар) бир қанча норматив актлардан жой олган. Масалан, тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолияти ҳақидаги асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси „**Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигининг кафолатлари**

тўғрисида“ги Қонунда назарда тутилган бўлса, унинг айрим соҳалари ва жиҳатлари тегишли қонунларда, жумладан „Инвестициялар тўғрисида“ги, „Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида“ги, „Табиатдан фойдаланиш тўғрисида-ги“ги, „Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ги ва бошқа қатор қонун ҳужжатларида белгиланади.

Хўжалик юритиш фаолиятининг назорати деганда, давлат органлари учун тадбиркорнинг хўжалик (иш) ҳолатини кузатиш ва белгиланган тартибда текшириш, қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли чоралар қўллан бўйича қонуний имкониятлари тушунилади.

„Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги, „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида“ги Қонунларда тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун назорат қилинувчи соҳалар ва назорат қилиш тартиби: бухгалтерия ва статистика ҳисоботи юритиш, солиққа тортиш учун зарур бўлган ахборотлар бериш, текшириш асослари ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи нормалар белгиланган.

Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятининг айрим субъектлари учун хўжалик юритиш фаолиятининг махсус назорат қилинувчи соҳалари назарда тутилиши мумкин. Масалан, „Табийий монополиялар тўғрисида“ги (№ 815—1), „Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида“ги (№ 543—1), „Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида“ги (№ 353—1) Қонунларда махсус назорат қилиш белгиланган.

3- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари ва услублари

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий табақаланиш жараёнининг енгилроқ ўтишини таъминлаш, қолаверса, иқтисодий барқарорликни сақлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан тартибга солиб турилади. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бир неча йўналишда олиб борилади. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шундан иборатки, бундай фаолиятни олиб бориш жараёнида тадбиркорларнинг шахсий манфаатлари ва жамиятнинг оммавий манфаатлари ўзаро тўқнашади. Бу манфаатлар ўзаро мутаносиб бўлиши

на бир-бири билан қарама-қарши келмасликлари учун турли йўллар ва услублар ёрдамида ушбу манфаатлар уйғунлашувига эришилади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг барча турлари актнинг ҳуқуқий шаклига эга бўлади. Тартибга солиш бўйича ҳокимият ёки бошқарув органининг ҳаракатлари актнинг турли номдаги ҳуқуқий шаклида (режа-акт, дастур, рухсатнома, квота, лицензия, фармойиши) маълум мақсад (вазифа)ни амалга оширишга қаратилади. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи бундай актлар (қандай номланишидан қатъи назар) давлат хоҳиш-иродасини ифода этганлиги сабабли фақат ёзма шаклда бўлиши мумкин. Давлат томонидан тартибга солиш актнинг ҳуқуқий шаклларида бошқача тарзда (шаклда) амалга оширилмайди.

Режа-акт (дастур) — бу субъектлари ўзида кўрсатилган норматив ёки конкрет (аниқ) тусдаги топшириқ бўлиб, унга кўра субъектлар зиммаларига юкланган талабларга риоя қилишлари ёки ушбу талабларни белгиланган муддатда бажаришлари лозим ва бунинг учун моддий-молиявий таъминот галаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Масалан, тадбиркор давлат буюртмачиси сифатида давлат эҳтиёжи учун зарур бўлган товарни дастурда белгиланган тартиб ва муддатда етказиб беришга мажбур ва айни пайтда бунинг учун ажратилган молия маблағларини галаб қилиб олишга ҳақли.

Режа-актлар (дастурлар) турли вазифани бажариш учун мўлжалланади ва турли даражадаги ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинади. Масалан, дастурлар республика, маълум бир вилоят ёки туман миқёсида қабул қилиниши мумкин.

Дастурлар асосида тадбиркорлик фаолиятининг уларда кўрсатилган субъектлари ўзларининг режаларини тузадилар ва амалга оширадилар.

Режа-акт (дастурлар) давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш, умуммиллий муаммолар, ижтимоий-иқтисодий, муҳофаа, илмий-техникавий, табиатни муҳофаза қилиш борасида ва бошқа аниқ мақсадга йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш акти — бу ваколатли давлат органининг белгиланган

шаклга келтирилган *Ўқўрсатмаси* бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти субъектлари ёки аниқ бир субъект учун мўлжалланади ва йўналтирилади. У белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ёки уни белгиланган ҳолатда келтириш тўғрисидаги талабни қўяди. Агар бундай акт бир қанча (ноаниқ) тадбиркорлар доираси учун йўналтирилган бўлса, демак, *норматив тартибга солиш* ҳисобланади. Аксинча, давлат органининг аниқ бир тадбиркорлар учун қабул қилган *қўрсатмаси* (акти) бўлса, унда бундай тартибга солиш конкрет (аниқ) тартибга солиш ҳақида сўз юритилади.

Норматив тартибга солиш актлари қаторига, масалан, эркин тасарруф қилиш таъқиқланган маҳсулотлар рўйхатини ёки махсус рухсатнома (лицензия)лар асосидагина шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларининг рўйхатини киритиш мумкин. Тартибга солишнинг бу тури ўзининг тезкор таъсир этиш табиати билан ажралиб туради. Булар қонуности тусга эга бўлиб, одатда аниқ вазибаларни зудлик билан ҳал этиш учун қабул қилинади.

Конкрет (аниқ) тартибга солиш деганда, давлат органи томонидан тадбиркорлик соҳасидаги хўжалик-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги актни қабул қилиш тушунилади. Демак, аниқ тартибга солиш акти ҳар вақт юридик факт бўлади.

Бу турдаги актлар турли мақсадни ҳал қилиш учун мўлжалланиши ва айна пайтда ҳар турли ҳуқуқий шаклда бўлиши мумкин. Бундай актларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларига *кўра уч турга*, яъни: *ҳуқуқ пайдо қилувчи*, *ҳуқуқни ўзгартирувчи* ва *ҳуқуқни бекор қилувчи* турларга ажратиш мумкин.

Ҳуқуқ пайдо қилувчи актлар жумласига рухсат этувчи актларини ёки имтиёзлар, лимитлар, квоталар ва тақдим этиш ҳуқуқларини, ҳуқуқни ўзгартирувчи актлар қаторига эса, тадбиркорлик фаолиятини ҳудудий ёки тармоқ бўйича ривожлантириш учун дотация, субсидия, субвенция, ссуда ва шунга ўхшаш шаклдаги ёрдамни назарда тутган давлат инвестиция дастурларига мувофиқ қабул қилинган давлат молиявий ёрдами тўғрисидаги актларни киритиш мақсадга мувофиқ келади.

Ҳуқуқни бекор қилувчи актлар бўлиб, тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятини таъқиқловчи актлар ҳисобланади ва улар қаторига, масалан, давлат бош санитар

шифокорининг санитария қоидаларига мувофиқ келмайдиган хом-ашёдан тайёрланган ва улар билан алоқада бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб-чиқаришдан олиб ташлаш ҳақидаги қарорини киритиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий шаклларида яна бири — бу *давлат назорати актидир*. Давлат назорати акти ўз мазмун-моҳиятига кўра тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолиятини қонунга мувофиқ амалга ошириш асосини ўзида ифода этган, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган ваколатли давлат органининг ҳаракатидан иборат.

Бу актлар хўжалик юритувчи тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланади. Тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**“ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади ва асосий мақсад қонун устуворлигини таъминлашга қаратилади.

Қонуннинг устуворлик тамойили иқтисодий соҳа ва тадбиркорликнинг бошқаруви аҳамиятининг ошишида ўз аксини топади. Иқтисодиёт бошқаруви соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга, уни ривожлантиришга қаратилади. Шунга қарамай, ҳуқуқий актларда директив қоидалар тўплами тадбиркорлик фаолиятининг турли аспектларига ўз муносабатини сақлаб қолади. Тадбиркорларнинг рўйхатдан ўтиш мажбурияти, алоҳида фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия олиш, маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)ни мажбурий сертификациялаш талаб қилинадиган ҳолларда сертификатга эга бўлиш ва бошқалар шулар жумласидан. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин, шу билан бирга хўжалик юритишнинг бозор шароитида турли хил воситалар ва услубларни қўллаш ёрдамида аста-секин тадбиркорлик фаолиятини билвосита тартибга солишга ўтилади. Бундай воситалар ва услублар жумласига имтиёзли қарзлар бериш, дотация ва ёрдам пули тақдим этиш, имтиёзли солиқ жорий этиш ва бошқалар киради.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда давлат куйидаги услублардан фойдаланади:

а) тадбиркорлик фаолияти асосларини норматив тартибга солиш (фаолият турлари, йўналиши, мазмуни ва ҳоказо);

б) тадбиркорлик субъектлари мақомини ва улар амалга ошираётган фаолият турларини тасдиқлаш, расмий тан олиш (рўйхатга олиш, лицензия бериш ва ҳоказо);

в) тадбиркорларнинг ҳужалик юритиш фаолияти тартибини аниқлаш;

г) тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва сифатига меъёрий талаблар белгилаш;

д) тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш;

е) қонунга риоя қилишни назорат остига олиш;

ж) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда белги-ланган меъёрлардан оғишмасликни таъминлаш мақсадида таъқиқ ва санкциялар киритиш.

Бу услублар иқтисодий вазиятга мосланувчан ва моҳиятан ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, уларни шартли равишда *уч турга* ажратиш мумкин: *нисбатан барқарор* (масалан, тадбиркорларни рўйхатга олиш); *бирмунча ўзгарувчан* (масалан, солиқлар, лицензиялар турлари) ва *тез ўзгарувчан*. Жамият иқтисодий негизини сақлашга хизмат қилувчи банк, биржа, ахборот марказлари, суғурга компаниялари каби шаклланган бозорга тааллуқли тузилмалар фаолиятини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳужалик юритишдаги ташаббуси ва мустақиллигини рағбатлантириш бу услубларнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Демак, давлат тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни қонун актларида давлат органларининг ушбу фаолиятни назорат қилиш ҳуқуқини мустақкамлаш орқали амалга оширади.

4- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан – қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мулкдорлар синфини шакл-лантириш ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган Фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади. ҳар қандай юксак тараққий этган жамият ўз тадбиркорини ҳимоя қилади ва қонуний рақобатни таъминлайди.

Тадбиркорликнинг муҳим аҳамияти унинг мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда тутган ўрни билан белгиланади.

Давлат ва тадбиркорлик мақсадларининг уйғунлиги (умумийлиги) қуйидаги йўналишларнинг бирлигида намоён бўлади:

1. Давлат учун вазифаларни мувафаққиятли амалга ошириш, тадбиркорлик учун эса даромад (фойда) олиш имкониятини яратувчи жамиятдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

2. Аҳолининг товар (хизмат)га бўлган эҳтиёжини имкон қадар тўлароқ қондириш. Бунда тадбиркор ўз товарларини сотиш (реализация қилиш) орқали даромад (фойда) олса, давлат ишлаб-чиқаришини ривожлантириш, янги технологияларни жорий қилиш, солиқ ундириш орқали миллий иқтисодиётнинг тараққиётига эришади.

3. Рақобатбардош товар (хизмат)ларни кўпайтириш, уларни экспорт қилиш, жаҳон бозоридан муносиб жой олиш. Бунда тадбиркор янги сотув бозорларидан жой олса, давлатнинг халқаро майдонда нуфузи ошади.

Демак, давлат ва тадбиркорлик бир-бирига муҳтож ва бир-бирини қўллаб-қувватлаши, бозор иқтисодий муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим омилidir.

АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорликни ривожлантиришни мамлакат иқтисодий тараққиётининг умумий йўналишларидан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига доир асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ривожланиш дастурлари доирасида ўз фаолиятларини белгилашлари ҳамда юритишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, авваламбор, унинг мустақкам ва жамият билан чамчарчас боғлаб турувчи ҳуқуқий тизимини яратишдан иборат. Бунда ҳуқуқий тизимнинг, қонунларнинг республикамиз иқтисодиётининг бозор шароитига мос келадиган ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий асосининг шаклланишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат истеъмолчилари ҳуқуқининг устунлигини инобатга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини кафолатлайди. Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради. Айтиш лозимки, хўжалик юритувчи субъект сифатида тадбиркорларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда ва улар

ўртасидаги мулкый муносабатларни тартибга солиниши
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси алоҳида ўрни
тутади.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий тизимини мукаммаллаш
тириш мақсадида 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республи
касининг „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафола
лари тўғрисида“ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун
хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини мус
таҳкамлашга хизмат қилди, унда давлатнинг тадбиркорликни
қўллаб-қувватлашга йўналтирилган хоҳиш-иродаси яна бир
қарра ўзининг амалий ифодасини топди. Қонунда умумий
қоидалар, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асос
лари белгиланган бўлиб, тадбиркорларнинг қатор ҳуқуқ
лари ҳар томонлама кафолатланди. Тадбиркорлик фаолияти,
тадбиркорлик субъектларининг ўз маҳсулоти (иш хизмати)
ва даромадларини тасарруф қилиш, тадбиркорларнинг ташқи
иқтисодий фаолият, уларнинг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий
ҳуқуқлари, хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига
эркин кириш, кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш,
ахборот олиш, тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик,
эркинликларининг кафолатлари шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, юқорида қайд этилган қонунларда
тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувват
лаш элементлари бир бутунликда яққол акс этирилган бў
либ, уларнинг мазмуни қуйидагича:

а) давлат тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ва
ҳуқуқларининг амалга ошишини кафолатлайди;

б) тадбиркор хўжалик фаолиятини амалга оширишда
қонунга зид бўлмаган барча турдаги хатти-ҳаракатларни
қилишга ҳақли;

в) тадбиркорнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига давлат,
жамоат ёки бошқа органларнинг ноқонуний аралашувига
йўл қўйилмайди;

г) давлат ваколатли органлари ва уларнинг мансабдор
шахслари тадбиркорлар ва улар фаолиятига алоқадор масала
лар юзасидан фақат қонун асосидагина қарор қабул қилиш
лари лозим ва ўз хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида
жавобгардирлар. Муҳими, давлат органлари ва мансабдор
шахслар тадбиркорларга қонунда белгиланган ваколатлари
доирасидагина кўрсатма (фармойиш) беришлари мумкин.
Агарда давлат ёки бошқа ваколатли орган томонидан қонун-

чилик талабларига зид бўлган акт қабул қилинса, тадбиркор бундай актни *ҳақиқий эмас* деб топиш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

д) давлат тадбиркорларни мулк шаклларида қатъи назар ҳўжалик юритишнинг бир хил ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлари билан таъминлайди;

е) давлат бозорни ривожлантиришга имкон яратади, якка ҳокимликка қарши курашади, истеъмолчиларни ижтимоий ҳимоя қилади;

ж) давлат янги технология жорий этиш, товар, (иш, хизмат) сифатини яхшилаш ва миқдорини кўпайтириш орқали ишлаб-чиқаришни ривожлантирган тадбиркорларга имтиёзли шароитлар яратади;

з) давлат ва бошқарув органлари тадбиркор билан ўзаро муносабатларини билвосита иқтисодий воситалар ва услублар воситасида шакллантиради.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган ва амалда бўлган қонун ҳужжатлари нормаларини тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларнинг вужудга келиш доираси ҳамда тартибга солиш йўналишига кўра, шартли равишда *тўрт гуруҳга* ажратиш мумкин:

— тадбиркорлик фаолияти субъектларнинг ички муносабатларини белгиловчи нормалар;

— тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат ва бошқарув органлари билан муносабатларини тартибга солувчи нормалар;

— тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқа ташкилотлар, хусусан банк, суғурта ташкилотлари, жамғармалар билан муносабатларини тартибга солувчи нормалар;

— тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи нормалар.

Қонунда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган бўлиб, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган ваколатлари доирасида қатор ишларни амалга оширишлари мумкин. Масалан, давлат тадбиркорлик фаолияти субъектлари *кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш* ва *малакасини ошириш* тизимини ривожлантирилишини таъминлайди (қонуннинг 47- моддаси).

Бундан ташқари, қонунда тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан рағбатлантириш йўллари, хусусан инвестицияларни, замонавий технология ва ускуналарни жалб этиш учун шароитлар яратиш, солиқлар, йиғимлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар белгилаш ва бошқалар назарда тутилган. Айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг қонуний асосини мустақамлаш ва уни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. *Масалан*, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига энергия таъминоти манбаи истеъмолидаги имтиёзлар, асосий фондларнинг тезлаштирилган амортизацияси бўйича имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Бу соҳадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги Фармонига кўра ташкил қилинган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес-Фонд) етакчи аҳамият касб этади. Ушбу жамғарма тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантириш, илгор иш услубларини кенг жорий қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Республика-миздаги энг яхши уч тадбиркорга ҳар йили „**Ўзбекистон тадбиркори**“ деган унвон берилиши белгиланди.

Кичик ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фондлари:

- кредитлар бериш асосида тадбиркорларни молиявий таъминлаш;
- устав сармоясида иштирок этиш;
- маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник жиҳатдан кўмаклашиш;
- инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш;
- кредиторлар учун кафолатлар ва кафилликлар бериш йўли ҳамда қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида ташкил қилинади.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ҳамда кредиторларга қарз эвазига кафолатлар берилишини кўзда тутувчи дастурларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида „**Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил этиш тўғрисида**“ги Фармон эълон қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ „Мадад“ суғурта

агентлиги ташкил қилиниб, унинг асосий йўналишлари ниб, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни имтиёзли шартлар асосида суғурта қилиш, кредиторлар қопланмаганлиги учун қарзларнинг маъсулиятини суғурталаш, хорижий сармояларнинг суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш белгилаб берилди.

5- §. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш

Лицензиялаш мазмун-моҳияти билан давлат хавфсизлиги ва мамлакат муҳофаазини таъминлаш, фуқаролар саломатлиги ва маънавияти, уларнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сари йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг бир тури ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялаш талаб қилинадиган фаолият турлари белгиланганки, улар жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради. Лицензиялаш талаб қилинадиган фаолият турлари қонун билан белгиланади.¹

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49- моддаси, Ўзбекистон Республикаси „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 13- моддаси, Ўзбекистон Республикаси „Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида“ги Қонуни¹ ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда фаолиятнинг аниқ турлари лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Лицензиялаш соҳасини лицензияловчи органлар амалга оширади.

Қонунга кўра, *лицензиялаш* деганда, лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицен-

¹ Кейинги матнларда „Қонун“ деб юритилади.

зияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси тушунилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар — лицензияловчи органларга қонун уларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қатор ваколатларини белгилаб беради. *Масалан*, лицензия талаблари ва шартларига лиценциаторлар қатъириоя этишини назорат қилиш, лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш, лицензияларнинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш ва бошқалар. Шу билан бирга лицензияловчи органларнинг шу органлар лицензиялайдиган фаолият турлари билан шуғулланаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар тузиши ёки улар фаолиятида муассислар сифатида иштирок этиши таъқиқланади. Лицензияловчи органларни ва лицензиялаш тартибини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини юритиш тартибини белгилаш, лицензияловчи органларнинг қонун ҳужжатларига, риоя этган ҳолда иш юритишни назорат қилиш ҳамда лицензиялашнинг айрим турларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари доирасига киради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) фаолиятнинг лицензиялаётган айрим турларини амалга оширишини таъқиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Қонуннинг 3-моддаси 1-қисми 1-бандида келтирилган таърифга кўра, лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ) *лицензия* бўлиб ҳисобланади.

Лицензияларни икки турга ажратиш мумкин: *намунавий* (оддий) ва *якка тартибдаги* (махсус) лицензиялар. Чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар *намунавий лицензиялар* турига киради. Юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқ-

қорий чекланган лицензиялар *якка тартибдаги лицензиялар* ҳисобланади. Айтиш керакки, якка тартибдаги лицензияларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва қоидалар асосида танлов (тендер) ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури ёки унинг бир қисми (қисмлари) учун алоҳида берилиши мумкин. Лицензиядан фақат лицензияни олган юридик ёки жисмоний шахсгина фойдаланади. Лицензияни ёки унга доир ҳуқуқларини лицензиат бошқа шахсларга бериши таъқиқланади. Агар лицензияда бошқача ҳол кўзда тутилган бўлмаса, у Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича амалда бўлади.

Лицензия одатда лицензия даъвогарнинг аризасида сўралган муддатга бериледи ва амал қилиш муддати чекланмайди. Қонун ҳужжатларида лицензиянинг амал қилиш муддати чекланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги керак. Айрим ҳолларда лицензия даъвогарнинг хоҳишига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, кўрсатмасига кўра бу муддат камайтирилиши мумкин. Айтиш лозимки, қонунда лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда, лицензиат лицензияловчи органга муддат тугашидан камида икки ой олдин ариза билан мурожаат қилиши ва умумий тартибда лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби назарда тутилган.

Қонун ҳужжатларида, шунингдек, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомларда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган лицензия талаблари ва шартлари белгиланганки, улар лицензиатнинг қонунга риоя этиши шартлиги, лицензия даъвогарларига қўйиладиган махсус билим ва тегишли малакага эга бўлиши лозимлиги, фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, техник воситалар ва бошқалар талабга жавоб бериши зарурлиги тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олади.

Лицензиат, яъни фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс бўлиш учун лицензия даъвогари лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- 1) лицензия бериш ҳақидаги ариза;
- 2) юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган

нусхаси; жисмоний шахслар учун — якка тартибдаги тал биркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

3) аризани кўриб чиқиш учун лицензия даъвогарни томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

4) фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажаришга қодир эканлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Лицензияловчи орган ҳисоб varaғига лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлиги учун йиғим ундирилади. Йиғим миқдори ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бунда йиғимнинг энг кўп миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ошиб кетмаслиги керак.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини қабул қилиб олинган кундан эътиборан ўттиз кундан ошмаган муддат ичида намунавий лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва тегишли қарор қабул қилинганлиги ҳақида лицензия даъвогарини уч кун ичида хабардор қилиши шарт. Лицензия бериш тўғрисида ёзма шаклдаги хабарномани олгандан кейин лицензия даъвогари уч ой муддат ичида давлат божини тўлаб, лицензия шартномасини имзолаган тақдирдагина лицензияни олиши мумкин бўлади. Лицензия шартномаси лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат сифатида алоҳида ўрин тутати. Шартнома икки нусхада ёзма шаклда тузилади. Агар ушбу муддат ичида лицензиат лицензия учун давлат божини тўламаса ёхуд давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли.

Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома ёзма шаклда рад этиш сабаблари, уларни бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия даъвогарига юборилади. Лицензия даъвогари томонидан ҳужжатлар қайтадан тақдим қилинган тақдирда, лицензияловчи орган аризани аввалги тўланган йиғим ҳисобидан ўн кун муддат ичида кўриб чиқади. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрса-

гилган муддат ўтгач, қайтадан берилган ариза янгитдан берилган ариза деб ҳисобланади ва уни кўриб чиқиш учун қайтадан йиғим ундирилади.

Лицензия беришни рад этишга қонуннинг **17- моддасида** санаб ўтилган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бошқа асосларга кўра, лицензия беришни рад этиш мумкин эмас. Акс ҳолда, лицензия даъвогари лицензияловчи органининг лицензия беришни асоссиз рад этилганлиги ва ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

Лицензияларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган лицензиялар бланкаларининг намуналари ва уларни тайёрлаш тартиби асосида амалга оширилади. Лицензиялар қатъи ҳисобот ҳужжати ҳисобланган, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлган бланкаларда расмийлаштирилади. Юридик шахс бўлмиш лицензиат қайта тузилган, унинг номи ёки манзили ўзгарган тақдирда, шунингдек, жисмоний шахс бўлмиш лицензиат фамилияси, исми, отасини исми ёки турар жойи ўзгарган тақдирда, лицензияни қайта расмийлаштирилмагунча лицензиат унда кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланишга ҳақли эмас. Лицензияловчи орган лицензиатдан лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани қабул қилиб олган кундан эътиборан беш кун ичида лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиб, янги лицензия бериши лозим.

Фаолиятнинг аниқ турлари учун лицензиялар реестри лицензияловчи органлар томонидан олиб борилади. Уларда қуйидагилар қайд қилинади:

- лицензиатлар тўғрисида маълумотлар;
- лицензияни беришга масъул лицензияловчи орган ҳақида маълумотлар;
- амалга ошириш учун лицензия берилган фаолият турлари;
- лицензиянинг тартиб рақами ва бериш санаси;
- лицензиянинг амал қилиш муддати;
- лицензиянинг реестрда қайд этилганлиги тўғрисида маълумот, лицензия фаолиятини тўхтатиш ва қайта расмийлаштириш учун асос ҳамда амалга оширилган сана;
- лицензияни бекор қилиш учун асослар ва сана;
- бошқа маълумотлар.

Қонунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки амал қилишини тугатиш лицензиянинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни қайта расмийлаштириш тартиби ва асослари назарда тутилган.

Лицензияловчи органлар қуйидаги ҳолатларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эгадирлар:

— лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

— лицензияловчи органларнинг лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлари лицензиат томонидан бажарилмаганда;

— лицензияни қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган муддат давомида.

Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида чиқарган қарорида бундай ҳолатни бартараф этиш учун муддат белгилаши шарт бўлиб, кўрсатилган муддат олти ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар бартараф этилиши билан лицензияловчи орган ўн кун муддат ичида лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— лицензиат ариза билан мурожаат қилганда;

— юридик шахс тугатилганда;

— якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилганда;

— якка тартибдаги тадбиркорнинг муомала лаёқати чекланганда ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

— лицензиат лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир марта кўпол равишда бузганда;

— лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турган ҳолатларни кўрсатилган муддатда бартараф этмаганда;

— лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

— лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш суд қарорига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лицензиат лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги

қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақли. Агар суд маъмур қарор юзасидан чиқарилган қарорни асоссиз деб топса, лицензияловчи орган лицензиатга етказилган зарар миқдоридида жавоб беради.

Маъмурий тартибда лицензияни қуйидаги ҳолларда бекор қилиш мумкин:

— лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинган кундан тўнбдоран уч ой мобайнида лицензиат томонидан давлат божи тўланмаган ёки лицензия шартномаси имзоланмаганда;

— лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза берганида;

— лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Бундан ташқари, лицензия суд тартибидида ҳам бекор қилинади:

— лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқ ва янглиш маълумотлар қайд этилганда;

— лицензиат лицензия талаблари ва шартларини бир мартадан ортиқ ёки қўпол равишда бузган тақдирда;

— лицензия бериш ҳақида қарорнинг ноқонунийлиги фож этилган шароитда.

Лицензияловчи орган ёки давлат ҳоқимияти органи ўз иколати доирасида ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Судга мурожаат қилган вақтдан бошлаб лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Лицензиялаш шарт бўлган фаолият турини лицензиясиз ёки лицензия шартларига зид ҳолда амалга ошириш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Агар бу фаолият фуқароларга, ташкилотларга ёки давлатга йирик ҳажмда моддий зарар етказса, жиноят саналиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси билан жиноий иш қўзғатилишига асос бўлади.

6- §. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш, хизмат) таннархини шакллантиришни ҳуқуқий тартибга солиш

Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб-чиқариш ва реализация қилиш юзасидан қилинадиган, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги 1995 йил 27 январда қабул қилинган Низом ҳозирда тадбиркорлик

соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) тан нархини шакллантириш жараёнини тартибга солувчи асосий норматив акт бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Низомга кўра, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, асосий жамғармалар, меҳнат ресурслари, шунингдек, уни ишлаб чиқариш ва сотишда сарфланадиган харажатларнинг қийматий баҳосини қамраб олади.

Маҳсулот таннархини шакллантирадиган харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги қисмлари бўйича гуруҳларга бўлинади:

- материал харажатлар;
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ижтимоий манфаатлар учун ажратмалар ажратиш;
- асосий жамғармаларни амор пизациялаш;
- бошқа харажатлар.

„Материал чиқимлар“ қисмида муомаладаги жамғармаларнинг ишлаб чиқариш жараёнида сарфланадиган харажатлари ўз ифодасини топади. Булар асосан маҳсулот тайёрлаш, транспортировка қилиш ва сотиш жараёнида сарфланадиган материал ресурслар қийматидир. Улардан муҳими хом ашё ва материаллардан фойдаланиш ҳисобланади, негаки улар ишлаб чиқарилган маҳсулот сирасига киради ва унинг асосини шакллантиради ҳамда ишлаб чиқаришнинг зарурий қисмларини ташкил этади.

Шунингдек, нормал технологик жараённи таъминлаш учун харид қилинадиган материаллар ёки ишлаб чиқариш ва хўжалик манфаатлари учун сарфланадиган бошқа маблағлар, бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган иш ва хизмат кўрсатиш турлари, хусусан, транспорт хизмати, технологик мақсадлар учун фойдаланиладиган ёнилғининг барча турлари ва бошқа ресурслар шулар жумласидандир.

Асосий эътибор материал ресурсларнинг қийматини аниқлаш тартибига қаратилади. Уларнинг қиймати, ишлаб чиқариш баҳоси, (КҚС ҳисобисиз), нарх, кўшимча қиймат, комиссия мукофотлар, товар биржалари хизмат ҳақи, бунда брокерлик хизмати ҳам ҳисобга олинади, божхона солиқлари, транспорт хизмати учун ҳақ тўлаш, бошқа ташкилотлар томонидан маҳсулотларни сақлаш ва етказиб бериш ҳақлари асосида шаклланади. Материал ресурслар қийматига

ина таралар учун кетган маблағлар ва тарани ўрашнинг фойдаланиш имконияти шундай ҳолатда ҳисобга олинадики, унга кўра бу ресурсларга жуда юқори нарх қўйилади. Маҳсулотнинг таннархини шакллантириш учун кетган маблағнинг қийматини аниқлашда материал ресурслар маблағидан қайтарилган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу элементнинг таннархини ҳисоблаб чиқишда арзон нархга эга ва тез эскиришга мойил меҳнат воситалари ҳам эътиборга олинаши керак, Бироқ, улар асосий воситаларга кирмайди.

Қонунчиликда материал чиқимлар қийматининг ҳисобга олиш тартибини тўла ёритилиши бежиз эмас. Чунки мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият туридан қатъи назар, тадбиркорларнинг бу чиқимлар қийматининг ягона ҳолга келишига эришиши жуда муҳимдир.

Материал ресурслар орасида хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий хом ашё учун ажратган маблағлари ҳисобга олинади. Бунга материал хом-ашё базаларини қайта ишлаш, ерни такрор культивация қилиш, сув учун тўлов, ўрмон жамғармасидан фойдаланганлик учун пул тўлови киради.

„Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари“ қисмида гуруҳланган маҳсулотлар таннархи, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра ишлаб чиқаришда иштирок этган ишчи кучи қийматини, яъни нормал сифатга эришиш учун лозим бўлган ҳаётий воситаларнинг қийматини ифода этади.

„Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари“ қисмида ўз ифодасини топган тадбиркорларнинг чиқимларини шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) ҳақиқатда бажарилган иш учун тўланадиган тўловлар;

б) рағбатлантирувчи характердаги тўловлар. Бу тўловлар ҳақ тўлашнинг асосий тизими ҳисобга олинмаган ҳолда, меҳнат шакларини моддий рағбатлантириш сифатида меҳнат қонунчилигида белгиланган тарзда амалга оширилади;

в) компенсация характеригаги тўловлар, масалан, ташкилот билан меҳнат муносабатида бўлган оналарга болани уч ёшгача парвариш қилиш таътилида тўланадиган тўловлар ёки амалдаги қонунга мувофиқ иш тартиби ва меҳнат шароити юзасидан тўланадиган тўловлар;

г) кафолатланган характердаги тўловлар. Буларга жумладан, йиллар давомида хизмат кўрсатганлиги учун тўлана-

диган мукофот пули, навбатдаги ва қўшимча таътиллари тўланадиган ҳақ киради;

д) корхона штатида турмайдиган ишчилар меҳнати тўланадиган ҳақ, жумладан:

— улар томонидан фуқаровий-ҳуқуқий характерда тузилган шартномадаги ишларни бажариши, агар ишчилар билан ҳисоб-китобни корхонанинг ўзи юргизса;

— уларнинг бир маротабалик ишларини бажариши (инвентарни таъмирлаш, экспертиза ўтказиш ва бошқалар);

— штатдан ташқари ишчиларга бериладиган гонорарлар (маъруза ўқиганлик учун, радио ва телевидениеда чиқишлар учун, таржималар учун ва бошқалар).

Низом булардан қайсилари корхонанинг жорий йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таннархига киритилишини, қайсилари даромад ҳисобидан амалга оширилишини аниқ белгилаб беради.

Амалдаги қонунчиликда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармаларга мажбурий маблағ ажратишлари кўриб чиқилган. Низомга мувофиқ, бу маблағлар „ижтимоий манфаатлар учун маблағлар ажратиш“ қисми сифатида маҳсулот таннархига киритилади. Бу қисмда давлат ижтимоий таъминот, нафақа жамғармаси, тиббий суғурта ва бандлик тўғрисидаги давлат жамғармаларига маблағ ўтказиш мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Бадалларни ҳисоблаш ишчиларга меҳнат ҳақи тўлаш харажатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, бунда бу харажатлар („Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари“) қисмига (суғурта бадаллари олинмайди) мувофиқ маҳсулот таннархи таркибига киритилади. Суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш турларини рўйхатга олиш ва суғурта бадаллари суммасини ҳисобга олиш тартиби тегишли йўриқномалар билан белгиланади.

„Асосий жамғармаларни амортизациялаш“ қисмида асосий ишлаб чиқариш жамғармаларини тўла қайта тиклаш, тезкор амортизацияни киритган ҳолда амортизация ҳисоблаш миқдори ўз ифодасини топган.

Бешта қисмдан охиригиси яъни, „бошқа харажат“ни Низомда табиатидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишдаги иқтисодий моҳиятга эга харажатлар сифатида баҳолаб, корхонага маҳсулот (иш, хизмат) таннархига уларни юклаш йўли билан молиялаштиришни амалга ошириш ҳуқуқи

берилди. Бу қисмга киритилган харажатлар рўйхати бир чиқишда эмас, чунки, бундай ҳисобга олиш амалий режанинг нуқулайлигини келтириб чиқаради.

„**Бошқа чиқимлар**“ қисмига *масалан*, ихтиро учун мукофотлар, кредит олишда фоиз тўлаш харажатлари, маҳсулотни мажбурий сертификация қилишларига ҳақ тўлаш, хизмат сафарига ажратиладиган маблағлар, ёнғиндан сақлаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ҳақ тўлаш, алоқа ва ҳисоблаш марказлари хизмати учун ҳақ тўлаш ва бошқа харажатларни амортизация қилишлар киради.

Таҳлил этилаётган қисмга шунингдек, солиқлар, йиғимлар, махсус бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига ажратмалар киради.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳсулотнинг таннарихига қуйидагилар ҳам киради: *ер солиғи, транспорт солиғи, йўл жамғармалари* ташкил этишда манбаи бўлиб хизмат қиладиган солиқлар, *герб йиғими, давлат бож*, *табиий муҳитга зарарли чиқиндиларни ташлаганлик учун тўловлар*, (ушбу тўловлар табиатдан фойдаланувчилар ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан қопланади).

Эътиборни шунга қаратиш муҳимки, таннарх таркибига хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бевоқиф харажатлар билан бирга, билвосита харажатлар ҳам киритилади.

Солиққа тортиш мақсадида ишлаб чиқариш ташкилотининг харажатлари белгиланган тартибда тасдиқланган *лимит, норма* ва *нормативларни* ҳисобга олган ҳолда текширилади. Масалан, хизмат сафари чиқимлари учун харажат нормалари, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, тақдим этилган чиқимларнинг чегараланган миқдори, шахсий енгил автомобилларнинг хизмат сафари учун компенсация тўлаш нормалари, йилига бир марта реклама қилишнинг чегараланган ҳисоб-китоблари учун нормативлар мавжуд.

7- §. Молиявий натижани шакллантиришни ҳуқуқий тартибга солиш

Молиявий натижани шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг II—III бўлимлари, „**Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан қилинадиган, маҳсулот (иш, хизмат)**

таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида“ги ҳамда „**Бухгалтерлик ҳисоби бўйича ташкилотлар даромади ва харажати тўғрисида**“ги Низомлар билан тартибга солинади.

Якуний молиявий натижа (кирим ёки чиқим) ташкилот фаолиятининг оддий турлари, тадбирлар юзасидан кетадиган харажатлар миқдорига камайтирилиши операцион ва амалга оширилмаган (фойдаланилмаган) даромадлардан ташкил топади.

Хизмат кўрсатиш, иш бажариш билан маблағлар маҳсулот ва товар сотишдан тушган тушум фаолият оддий турларнинг даромади ҳисобланади. Маблағлар ҳажми ташкилот ва харидор (буюртмачи) ўртасида тузилган шартномада белгиланади, агар ижара шартномаси бўйича бўлса, ташкилот активидан фойдаланувчи томонидан аниқланади. Агар маҳсулот нархи шартномада қайд этилмаган бўлса ва шартнома талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳақ белгилаш имкони бўлмаса, унда ташкилот муганосиблик асосида тушган маблағнинг ўхшаш маҳсулотлар (товар, иш, хизмат, кўрсатиш)га қиёслаш орқали маблағ ҳажмини аниқлайди. Агар мажбуриятни амалга ошириш пулсиз воситалар билан белгиланса, унда маблағлар ҳажми ташкилот томонидан олинган ёки олинishi лозим бўлган товар (қимматбаҳо қоғозлар) қиймати бўйича бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади.

Маҳсулот тайёрлаш, товар харид қилиш ва сотиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар фаолиятининг оддий турлари бўйича харажатлар ҳисобланади. Бунга хом ашё, материал, товар, бошқа моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар, таъмирлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида юзага келадиган харажатлар, тижорат ва бошқарув харажатлари киради. Фаолиятнинг оддий туридан ташкилотнинг молиявий натижасини шакллантириш учун товар, иш, хизмат кўрсатишнинг таннархи аниқланади.

Операцион даромадлар қаторига асосий воситалар ва бошқа активларни сотиш билан боғлиқ даромадлар, ташкилотнинг ҳамкорликдаги фаолиятдан олинadиган фойда, фойдаланиш учун берилган пул маблағлари фоизи ва бошқалар киради. Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқарилиши, турли бошқа ташкилотларнинг устав сармояларида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек кредит берувчи ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизмати эвазига тўланган ҳақ *операцион* харажатлар ҳисобланади.

Фойдаланилмаган даромадлар таркибига қарздор томонидан тан олинган ёки қарздор зиммасига юклатилган жарималар, пеня, неустойка ва хўжалик шартномалари талабларини бузганлик учун қўлланиладиган санкциянинг бошқа турлари, текинга олинган активлар, ҳисобот жорий йилда аниқланган ўтган йил фойдаси, ташкилотнинг келтирган зарарини қоплаш учун зарур маблағ ва бошқалар киради.

Фойдаланилмаган харажатга суд харажатлари, хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар пеня, неустойка, қўшимча солиқлар, етказилган зарар учун харажатлар, шубҳали қарзлар суммаси, дебиторлик қарзини ҳисобдан чиқаришдаги харажатлар, ёнғин, авария, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар, экстремал шароитлар, етказилган зарарлар суд қарори билан аниқланмаган ўғирлик шикимлари киради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоблаб чиқилган даромадлари солиқ тўлашда солиққа тортиш манбаи ҳисобланади. Шунинг билан бирга, турли солиқ турларини тўлаш учун объектни аниқлашнинг махсус қоидалари ҳам мавжуд.

Ташкилотнинг солиқ тўлангандан сўнг қоладиган даромади хўжалик манфаатлари учун қонунга мувофиқ ёки муассислик ҳужжатлари асосида жамғармалар тузиш, шунингдек, бошқа мақсадларда ишлатилиши мумкин. Масалан, даромад ҳисобига истеъмол жамғармасини очиш мумкин. Ташкилот ҳисобидаги даромад хўжалик юритувчи субъектнинг давлат олдидаги мулкӣ маъсулиятидан фойдаланишнинг манбаи ҳисобланади.

8- §. Агроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Ишлаб-чиқаришнинг зарарли оқибатларини олдини олиш, имкон қадар камайтириш давлат олдида турган асосий вазифалардан биридир. Бу соҳада ҳам қонунчилик фаолиятининг мақсади ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳуқуқларни бузилишдан ҳимоя қилиш сари йўналтирилган. Экологик қонунчилик талабларини иккига: умумий (барча тадбиркорларга тааллуқли) ва махсус (табиатан фойдаланиш турига боғлиқ ҳолда) турларга ажратиш мумкин.

Умумий талаблар Ўзбекистон Республикасининг „**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги Қонунида акс эттирилган.

Қонунда барча тадбиркорлар риюя қилиши лозим бўлган табиатни муҳофаза қилиш принциплари белгилаб берилган. Асосий принципларга қуйидагилар киради:

— инсон саломатлиги ва ҳаёти муҳофазасининг устуворлиги;

— жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларининг илмий асосланган бирлиги;

— табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш;

— табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларга риюя қилиш;

— қонунни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;

— фаолиятда ошкоралик, халқаро ҳамкорлик.

Табиатни муҳофаза қилишнинг умумий талаблари ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида: жойлаштириш, лойиҳалаштириш, фойдаланишга топшириш ва объектлардан фойдаланишда амалга оширилади. *Демак*, техник-иқтисодий асосланганликда илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги даражаси ва атроф-муҳитга салбий таъсир қилувчи мураккабликларни *иноватга олиш*, атроф-муҳитнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланишини *бартараф этиш* учун огоҳлантиришнинг ишончли ва мақбул чораларини *кўриб чиқиш*, уларни *зарарсизлантириш ва утилизация қилиш*, ресурсларни сақлаб қолувчи, кам чиқинди чиқарадиган ва чиқиндисиз технология ва ишлаб чиқаришни *жорий этиш*, табиий ресурслардан тўғри *фойдаланиш* ва қайта *ишлаб чиқариш*, атроф-муҳитни соғломлаштириш *ҳисобга олиниши* лозим. Қурилиш ўрнини аниқлаш, хўжалик фаолиятининг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш, фойдаланишга рухсат бериш экологик экспертиза ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Экологик экспертиза соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси „**Экологик экспертиза тўғрисида**“ги Қонун билан тартибга солинади. Экологик экспертизада режалаштирилаётган ҳар қандай фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик *хавфлилиқ презумпцияси*, экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги, *холислик*, *қонунийлик*, *асослилиқ* ўз ваколатларини амалга оширишда ва атроф табиий муҳитга ва фуқаро соғлиғига таъсирини баҳолашнинг *комплекслилиги принципларига* асосланади.

Экологик экспертиза давлат ва жамоат, шунингдек *экологик аудит* тарзида амалга оширилади. Давлат экологик экспертизаси амалдаги Қонуннинг II моддасида белгиланган

объектларда мажбурий тартибда амалга оширилади. Барча тарзда экспертиза ўтказилгандан сўнг текширув натижасига кўра хулоса чиқарилади. Хўжалик фаолияти объектнинг табиий муҳитга таъсири ўрганиб чиқилгач, давлат экологик экспертизаси объектдан фойдаланиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги яқунлари *давлат экологик экспертиза хулосаси* ҳисобланади. Салбий маънодаги хулосанинг ҳуқуқий натижаси бундай фаолиятни таъқиқлаш билан яқунланади, масалан, шартномалар тузиш бекор қилинади. Мажбурий экологик экспертиза ўтказиш талабларига риоя қилмаслик халқаро шартнома лойҳасини *ҳақиқий эмас* деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Экспертиза хулосаси буюртмачига ва шунга мувофиқ амалга ошишини назорат қилиш учун атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида махсус инспекторларга эга ташкилотга юборилади.

Давлат экологик экспертизаси салбий хулоса чиқарган ҳолатда буюртмачи хулосада қайд этилган камчиликларни қайта ишлаган ҳолда материалларни такрорий экспертизага бериш ҳуқуқига эга. Давлат экспертиза комиссиясининг хулосасига айлантирилган суд тартибида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Объектни фойдаланишга топширишда ҳам экологик қонунчилик талабларига риоя этиш шарт. Зарарли чиқиндиларни йиғиш ва ташлаш, чиқиндиларни кўмиб ташлаш рухсат асосида амалга оширилади, бунда чиқиндиларни йиғиш ва ташлаш доирасига рухсат нормативлари белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўловни тасдиқлаш тартиби ва атроф муҳитни ифлослантиришнинг мувофиқлаштирилган миқдори, чиқиндиларни жойлаштириш, зарарли таъсирининг бошқа турлари учун тўловларни тасдиқлайди. Белгиланган лимитлар доирасидаги табиий муҳитни ифлослантириш учун тўлов ишлаб чиқариш таннархига киради. Лимитдан ташқари даромад, ташкилот ихтиёрида қолади. Чиқинди чиқариш тўғрисида расмийлаштирилган рухсатнома мавжуд эмаслиги ташкилотни тўловдан озод қилмайди. Бундай ҳолатда ифлослантиришнинг бутун ҳажми лимитдан ташқари ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланувчилар учун махсус мажбуриятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси „**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги Қонунда табиатдан комплекс фойдаланиш ҳақида шартнома тузиш лозимлиги белгиланган. Табиатдан комплекс фойдаланиш — бу турли табиий ресурс-

ларни ишлатиш ва табиатдан фойдаланувчи томонидан табиатнинг муайян ҳудудига таъсир ўтказиш ҳисобланади. Тавсия этилаётган ҳўжалик фаолияти тўғрисида табиатдан комплекс фойдаланиш шартномаси экологик экспертиза хулосаси ва лицензияси (рухсатномаси)га асосан табиатдан фойдаланувчи ва давлат ваколатли органи ўртасида тузилади.

Шартнома табиий ресурслардан фойдаланиш шартлари ва тартиби, табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўлов миқдори, томонлар маъсулияти, зарарни бартараф этиш, келишмовчиликларни ҳал қилиш каби масалаларни ўзида акс эттиради. Табиатдан фойдаланиш пулли мақсадли ҳисобланади. Табиатдан фойдаланиш тўлови табиий ресурслардан фойдаланганлик атроф-муҳитни ифлослантирганлик, ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштирганлик учун жорий этилади. Бундан ташқари, тадбиркорлар бюджетдан ташқари экологик жамғармаларга маблағ ажратишга мажбурдирлар. Махсус ваколатга эга давлат органлари томонидан бериладиган лицензияда (рухсатномада) табиий ресурслардан фойдаланувчи ҳўжалик фаолиятининг тури, ҳажми ва лимити, уларга қўйиладиган экологик талаблар, объектлардан фойдаланишда бу талабларга риоя қилмаслик оқибатлари кўрсатилади.

Табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни тадбиркорлар экологик мониторинг ўтказувчи ташкилотга тақдим этиши лозим, ҳўжалик юритувчи субъектлар экологик ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиққан зарарларни бартараф этишлари шарт. Зарарни қоплаш пул тўлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Табиатдаги зарар ўрнини тўлдириш фақат икки томоннинг розилиги бўлсагина амалга оширилади. Агар тарафлар келишмовчилиги натижасида низо келиб чиқса, суд тартибида кўриб чиқилади. Бунда суд ўз қарорида табиий муҳитни асл ҳолига келтиришнинг аниқ чора-тадбирлари ва муддатини белгилаши лозим. Тадбиркор табиий муҳитга етказган зарари ўрнини тўла қоплаши керак. Йўқотишларнинг ҳажмини белгилаш учун экспертиза тайинланиши мумкин. Бир неча ташкилотлар томонидан зарар етказилганда (лойиҳада камчиликлар, биноларни тозалаш билан боғлиқ қурилиш ишларини сифатсиз бажарилиши) суд ҳар бир ташкилотга тегишли зарарни қоплаш ҳажмини белгилаб беради.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тадбиркорларга қўйиладиган талаблар табиатнинг муайян бир туридан фойдаланиш билан боғлиқ равишда амалга оширилади: ердан фойдаланиш, сувдан фойдаланиш, ер ости қазил-

манаридан фойдаланиш, ўрмондан фойдаланиш ва бошқалар. Бу талаблар Ўзбекистон Республикаси „Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида“ги, „Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида“ги Қонунлари, Ер кодекси ва бошқа экологик қонун ҳужжатларида белгиланган.

Тадбиркорларнинг хўжалик юритиш фаолияти давомида юзага келадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари айлинишининг давлат томонидан тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга. Чиқиндилар айланиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан мақсад, инсон саломатлиги ва табиий чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан сақлашдан иборатдир. Бундан ташқари, чиқиндиларни хўжалик фойдасига хом ашёнинг қўшимча манбаи сифатида жалб қилиш ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб беради.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари — бу хом ашё қолдиқлари, материал, полуфабрикат ва бошқа хом ашё ҳамда маҳсулотлар йиғиндиларидан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқариш ёки фойдаланиш жараёнида юзага келади.

Чиқиндилар айланиши — бу чиқиндилар юзага келадиган жараён билан боғлиқ фаолият бўлиб, у ўз ичига чиқиндиларни тўплаш, фойдаланиш, зарарсизлантириш, транспортда олиниш ва жойлаштириш билан боғлиқ муносабатларни қамраб олади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва хўжалик юритиш жараёнида чиқинди айланиши соҳасидаги талабларни бажармаслик қонунларга риоя қилмаслик маъмурий, Фуқаролик — ҳуқуқий ва жиноий жавоғарликни келтириб чиқаради.

9- §. Тадбиркорлар томонидан санитария ва гигиена талабларини таъминланишининг ҳуқуқий асослари

Аҳолининг санитария-эпидемиологик саломатлигини таъминлаш мақсадида давлат тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун санитария қоидалари ва эпидемиологик нормативлар соҳасида қўллаб талаблар қўяди. Санитария эпидемиологик, саломатлик — бу ижтимоий соғломлик ва янаш муҳитининг шундай ҳолати, унда инсон организмига хавfli ва зарарли одимлар бўлмайди ва инсон ҳаёти учун яхши шароит мавжуд бўлади.

Ана шу маънода яшаш муҳити омилларини хавфсизлантириш ва зарарсизлантириш мезонлари ҳамда шундай хавфсизликни таъминлаш чоралари, тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришда, ташишда, хом ашёларини сотишда, истеъмол моллари, хорижий давлатлардан маҳсулот харид қилишда, аҳолини хўжалик моллари билан таъминлашда, радиоактив моддалар билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда рия қиладиган махсус санитария қоидалари ва нормативлари белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг „**Ветеринария тўғрисида**“ги Қонуни мезонларини ҳаётга татбиқ этиш аҳолининг санитария-эпидемиологик саломатлиги муваффақиятларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ, чорва эгалари ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари қуйидагиларни амалга оширишга:

— чорва касалликларидан огоҳлантириш ва чорвачилик маҳсулотларининг ветеринар-гигиена муносабатлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хўжалик ва ветеринар тадбирларни амалга оширишга, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ем-озуқаларни сақлаш учун чорвачиликка мўлжалланган бино ва иншоотларни яхши ҳолатда сақлашга, чорва чиқиндиларининг табиий муҳитни ифлослантиришга йўл қўймасликка;

— чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, чорва молларини боқишга мўлжалланган жой, қурилиш, объектларда зоогигиеник, ветеринар-санитария талабларига рия қилишга;

— ветеринария соҳасидаги мутахассисларнинг талабларига биноан чорва молларини текшириш учун тақдим этишга, тўсатдан содир бўлган ёки бир пайтда чорванинг оммавий касалликка чалиниши, шунингдек, уларнинг ғалати аҳволи тўғрисида тезда хабар беришга, ветеринария соҳасидаги мутахассислар келгунга қадар касалликка чалинишда гумон қилинган чорва молларини ажратиб олиш чораларини кўришга;

— чорва молларини ташиш ва жўнатишда, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда белгиланган санитария-гигиена талабларига рия этиш, ветеринария-санитария текшируви ўтказиш учун мутахассисни таклиф этишга;

— ветеринария соҳасидаги мутахассиснинг чорва касалликлари профилактикаси ва унинг олдини олиш чоралари юзасидан берган топшириқларини бажаришга мажбурдирлар.

„Ветеринария тўғрисида“ ги қонунга мувофиқ, гүшт, гүшт маҳсулотлари ва бошқа чорва маҳсулотлари, суг, суг маҳсулотлари, тухум, чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ветеринария-санитария экспертизаси томонидан истеъмолга мўлжалланган чорвачилик маҳсулотларини сотиш ва фойдаланиш қатъиян ман этилади. Ветеринария назорати давлат ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

10- §. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тадбиркорларга қўйиладиган ҳуқуқий талаблар

Тадбиркорларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш мажбуриятлари „Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида“ ги Қонунда баён этилган бўлиб, унга мувофиқ модда, материал, маҳсулот ва асбоб-ускуна ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) техник ҳужжатларда бу маҳсулотларнинг ёнғин хавфсизлиги кўрсаткичларини шунингдек, бу маҳсулотлардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги чораларини қайд этишлари шарт.

Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбиркорлар зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юклатилган:

— ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъи риоя қилиш;
— ёнғинга қарши ҳимоя воситаси ва тизимини тайёр ҳолатда асраш (сақлаш);

— содир бўлган ёнғинни ўчиришда ёнғиндан сақлаш органи билан ҳамкорлик қилиш, ёнғинни келиб чиқиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда олдини олиш;

— ёнғин хавфсизлиги мансабдор шахсларининг бино, иншоат ва ташкилотнинг бошқа объектларига киришлари учун имконият яратиш, уларнинг талабларига мувофиқ ташкилотда ёнғин хавфсизлиги ҳолати бўйича ҳужжат ва маълумотларни тақдим этиш;

— ёнғин юзага келганда тезда ёнғин хавфсизлиги идорасига муружаат қилиш.

Тадбиркорлар ёнғин хавфсизлиги тартибини бузган шароитда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг сифатини давлат томонидан тартибга солиниши**1- §. Сифат тўғрисидаги қонунлар ва уларнинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатидаги тараққиёти аҳолининг моддий ашёларга ва турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга кенг имконият яратади. Шу сабабли республикамызда товар ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ва иш бажариб бериш борган сари ривожланиб бормоқда.

Эндиги асосий вазифалардан бири ишлаб чиқарилган товарнинг, кўрсатилган хизматнинг сифатли бўлишига эришишдир. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган тадбиркор рақобатга бардош беролмай, синиб қолиши мумкин. Ҳар бир тадбиркордан сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга истеъмолчи билан самимий ишчанлик муомаласида бўлиш ҳам талаб этилади. Бунинг асосий мезони хизмат кўрсатувчининг иши натижасидан истеъмолчиларнинг мамнунлигидир.

Шу сабабли товар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчилар бажарилган ишнинг миқдор кўрсаткичи билан бирга унинг сифатини ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни, мавқеи асосан истеъмолчиларга кўрсатилган сифатли хизмати билан белгиланади. Ушбу муносабатлар Олий Мажлис томонидан қабул қилинган тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Бундай қонунлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг „Стандартлаштириш тўғрисида“ги, „Метрология тўғрисида“ги, „Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида“ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларини киритиш мумкин.

Бу қонунларнинг ҳар бири ишлаб чиқиладиган маҳсулот, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматларнинг аввало

аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига ва ресурсларни тежаш масалаларига истеъмолчиларнинг ва давлат манфаатини ҳимоя қилиш билан биргаликда уларнинг сифатли бўлишини ҳам белгилаб беришга қаратилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг „**Стандартлаштириш тўғрисида**“ги Қонуни маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг аҳоли учун хавфсиз бўлишини маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан, маҳсулотларнинг сифатини ва рақобат қила олишини, фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда бўлишига мувофиқлаштиришдан иборат.

Стандартлаштиришнинг мақсади яна барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан, ижтимоий-иқтисодий илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларини амалга оширишдан, халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан; истеъмолчиларни маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Метрология тўғрисидаги қонун ҳам ишлаб чиқиладиган маҳсулотни, бажариладиган ишнинг ва кўрсатиладиган хизматнинг сифатли бўлишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Чунки *метрология* — ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллар ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари, усулларига қаратилганлиги билан унинг асосий мақсади аниқланади. Маълумки, ишлаб чиқилган товар, маҳсулот, бажариладиган иш ва истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат ҳам аниқ бир ўлчов билан, аниқлик билан амалга оширилади.

Метрология — ўлчовларини таъминлаш усули ва воситаларига бу борада давлат назоратини амалга оширилишига қараб бир неча хилда олиб борилади ва фойдаланилади. Жумладан ягона ўлчов бирлиги — бу ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилганлиги

бўлса, ўлчов воситаси эса ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситасидир.

Маҳсулотларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг сифатли бўлишини таъминлашда яна *давлат эталони, бирлик эталони* кабилардан ҳам фойдаланилади. Жумладан, бирлик эталони — бу физик ўлчов бирлигини бошқа ўлчов воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчов воситаси бўлса, давлат эталони эса ваколат берилган органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчов бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталондир.

Ўзбекистон Республикасида метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан иборат. Шунга кўра метрология хизмати давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолиятдан иборатдир.

Метрологиянинг тўғри олиб борилиши устидан давлат назорати олиб борилади. Давлат метрология назоратини давлат метрология хизмати органлари амалга оширади.

Маҳсулотлар, ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини таъминлашда маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг „**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**“ги Қонуни билан белгилаб берилган. Ушбу қонунда белгиланишича, маҳсулотларни сертификатлаштириш — маҳсулотларнинг белгиланган талаблари мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолиятдир.

Сертификатлаштиришнинг асосий мақсади одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотларнинг реализация қилинмаслигини назорат этиб бориш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш, мамлакатимизнинг корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш, истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсиз-

лиги, инсофсизлигидан ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчи (сотувчи, ижрочи) таъкидланган сифат кўрсаткичларини қанчалик мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

2- §. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни амалга оширувчи ташкилотларнинг тизими ва уларнинг ваколатлари

Ишлаб чиқариладиган товарлар ва маҳсулотлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларни стандартлаштириш, шунингдек, сертификациялаш республикамиз аҳолисининг ва давлатимизнинг манфаатларини ҳисобга олиб, тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Бундай ташкилотларнинг тизими ва уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг „**Стандартлаштириш тўғрисида**“ ги Қонуни билан белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг **2-моддасида** белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади. Булар Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (Ўздавстандарт); Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси); Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси)дир. Ушбу ташкилотларнинг бири умумий тартибда фаолият кўрсатса, иккинчиси эса махсус тартибда стандартлаштириш фаолиятини амалга оширади.

Стандартлаштириш фаолиятини умумий тартибда амалга ошириш Ўздавстандарт зиммасида бўлиб, у Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни, шунингдек халқ хўжалиги тармоқларида стандартлаштириш фаолиятини амалга оширади. Шунингдек, метрология хизмати билан боғлиқ масалаларга, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштиришга доир ишларга ҳам раҳбарлик қилади. „**Ўздавстандарт**“ томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари) ҳам бу соҳада фаолият кўрсатиши мумкин.

Махсус соҳалар бўйича стандартлаштириш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар қўйидагилар бўлиб, улар ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида фаолият кўрсатади. Жумладан, **давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси** — *қурилиш, қурилиш индустрияси, шунингдек лойиҳалаш ва конструкциялаш* соҳасида фаолият кўрсатади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси эса табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш фаолиятини амалга оширади.

Тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек, импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалалари — Ўзбекистон Республикаси соқлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Бу ташкилотларнинг стандартлаштириш ва сертификацияни амалга ошириш борасидаги ваколатлари тегишли қонунлар билан белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг „**Стандартлаштириш тўғрисида**“ ги Қонунга мувофиқ „**Ўздавстандарт**“ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, шунингдек, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усуларини белгилайди.

Бундан ташқари, „Ўздавстандарт“ Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, қурилиш индустрияси соҳасида, лойиҳалаш ва конструкциялашда фаолият кўрсатади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Республикамининг табиий ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитнинг ифлосланишида ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳаси бўйича ўзига берилган ваколат доирасида фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси соқлиқни сақлаш вазирлиги эса аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлашга қаратилган фаолият билан шуғулланади. Бунинг учун улар тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек, импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалалари юзасидан фаолиятни амалга оширади.

3- §. Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг турлари ва уларнинг қўлланиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг „Стандартлаштириш тўғрисида“ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифалардаги норматив ҳужжатлар қўлланилади: халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар; Ўзбекистон Республикаси стандартлари; тармоқ стандартлари; техник шартлари; корхона стандартлари; хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек, стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификациялари ҳам қиради. Мазкур ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби „Ўздавстандарт“ давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартномада кўрсатилганига нисбатан кам ёки кўп миқдорда товар топширилган ҳолларда, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек, халқаро қоидалар ва нормалар шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини „Ўздавстандарт“ давлат қўмитаси ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ваколатлари доирасида белгилайдилар.

Шартномада товарнинг сифати стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатни кўрсатиш йўли билан белгиланади. Агар товарнинг сифати тўғрисида шартномада ҳеч қандай кўрсатма бўлмаса, бундай ҳолда товар сифати одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши, яъни ундан мақсадга яраша фойдаланиш мумкин бўлиши керак.

Республикада ишлаб чиқиладиган ҳар бир товар ёки маҳсулот тегишли норматив ҳужжатларга мувофиқ реализация қилинади. Демак ишлаб чиқиладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматлар стандартларга мос, мувофиқ бўлиши лозим. Агар стандартдан ташқари маҳсулот тайёрланадиган бўлса у ҳам тегишли қонун талаблари доирасида бўлиши талаб этилади.

Республикада қўлланиладиган стандартлаштиришга доир ҳужжатлар Ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

Чет эл истеъмолчиларига етказиб бериладиган маҳсулотнинг доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгаришлар тегишличилиги „Ўздавстандарт“, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги органларида ёки уларнинг, стандартларни ишлаб чиқувчи жойлашган ердаги минтақавий органларида давлат рўйхатидан ўтказилади. Бундай тартибда рўйхатдан ўтказиш текинга бажарилади.

Стандартларни ишлаб чиқиш ва белгилашда Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишига ва ишлаб чиқиладиган маҳсулотнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун стандартларда истиқболга мўлжалланган анъанавий технологияларнинг имкониятларидан тезлашган талаблар ҳам белгилаб қўйилади.

Стандартларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги стандартларининг мажбурий талаблари қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, бундай маҳсулотнинг етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

Халқаро савдо оборотида олди-сотди шартномасининг стандартлаштириш шартларидан кенг фойдаланилади ва улар, хусусан, суғурта масаласига ҳам оид бўлади. Масалан, стандартлаштирилган битим шартларида товар етказиб бериш чоғида товар нархига унинг қиймати, шунингдек, келишиб олинган жойга етказиб борилгунча суғурта қилиш ва *фрахт*, яъни кемада юк ташиш ҳақи, кира пули қиймати киритилади. Бунда товарни етказиб беришнинг бутун даври мобайнида товарни суғурталаш мажбурияти сотувчининг зиммасига юклатилади. СИФ халқаро қоидалари халқаро ҳуқуқ уюшмаси томонидан 1928 йилда (СИФ халқаро Варшава қоидалари) ишлаб чиқилиб, нашр этилган. 1993 йилда бу қоидалар қайта кўриб чиқилган эди. Ушбу қоидалар расмий халқаро битим бўлмаганлиги туфайли, муайян савдо эслатиб ўтилган ҳолдагина қўлланилади¹.

¹ Раҳмонкулов Х. „Олди-сотди шартномаси“. Т.: „Адолат“: 2000 й. 21- бет.

Стандартлаштиришга доир ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби шундаки, (маҳсулотнинг қўлланилиши тартиби шундаки) маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатидан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиш ва ўзаро алмашувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари борлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектларига ривож этиши учун мажбурий эканлиги белгиланганлигидир.

4- §. Маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар сифатини ҳуқуқий тартибга солиш

Истеъмолчиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш масаласи товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу сабабли Республикамизда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни тобора ривожлантиришга ҳамда унинг сифатини яхшилаб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумки, товар ишлаб чиқаришнинг ва хизмат кўрсатишнинг янада ривожланишини давлат ва жамият манфаатлари тақозо этса, унинг сифатли бўлишини истеъмолчиларнинг манфаати талаб қилади.

Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб товар (иш, хизмат)нинг юқори сифатли бўлишига алоҳида талаб қўйилди. Чунки, мустақил тараққиётимиз борган сари бозор муносабатларининг ривожланишини тақозо этади. Бозор муносабатлари эса ўз навбатида истеъмолчиларнинг дидига, истагига мос келадиган, сифатли товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни янада кўпайтириб боришни ва унинг қонуний базасини ташкил этишни талаб қилади.

Маълумки, қабул қилинаётган қонунлар мустақил Республикамизнинг хўжалик тузилишини мустаҳкамлашга, турли хилдаги мулк шаклларида инсонларнинг манфаати йўлида фойдаланишга, шартнома интизомини, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга, қурилиш ишларини бажаришга ва ажратилган маблағлардан яна ҳам самаралироқ фойдаланишга, қишлоқ хўжалик маҳсулоларини харид қилишни амалга оширишга, тижорат-савдони ривожлантиришга, фуқароларнинг моддий ва маиший манфаатларини таъмин-

лаш ва бу манфаатларни бутун жамият манфаатлари билан тўғри уйғунлаштиришга, фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасида ижодий ташаббусни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, мулкый ва мулкый тусда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиди.

Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатлари ҳам Фуқаролик қонунлари билан тартибга солинадиган муносабатлардан иборат бўлиб, олди-сотди, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби шартномаларни тузишда давлат манфаати эмас, энг аввало шу шартномалардан баҳраманд бўлувчи истеъмолчиларнинг манфаати ҳисобга олинади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон шу кундаги иқтисодий тараққиётини белгилувчи асосий омиллардан бири бозорни ташкил этиш, бозор иқтисодий муносабатларини ривожлантириш ва уни қонун билан кафолатлашдир. Бозор муносабатларини тартибга солишни кафолатланиши, товар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатишни амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларига катта имконият яратади. Шу сабабли, республикада бозор иқтисодий муносабатларини борган сари ривожлантириб боришга ва унинг тараққиётини қонун билан кафолатлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилинганлиги бу борада муҳим воқеа бўлди.¹

Фуқаролик кодексининг мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахс эгалигига ўтишига қаратилган шартнома хусусидаги қоидалари бевосита бозорни ташкил этишга, уни товарлар ва хизматлар билан тўлиқ таъминлашга, бозорда эркин савдо-сотик қилишни йўлга қўйишга, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бозор муносабатларининг ривожланиши эса тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган турли товар (иш, хизмат)ларнинг ҳажми, сифати билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Албатта, товар (иш, хизмат)лар бозорининг фаоллашиши ўз навбатида товар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: „Адолат“, 1996 й.

хизмат кўрсатувчилар ўртасида шунга яраша иқтисодий рақобат кучайиб боришига ҳам сабаб бўлади. Рақобатда синиб қолмаслик учун рақобатбардош моллар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш кўпаяди ва ривожланади. Бу эса ўз навбатида нарх-навонинг арзонлашувига, халқ турмушининг фаровонлашувига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини таъминлашга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг „Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатишни сертификатлаш тўғрисида“, „Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида“ ги ва бошқа қонунлармуҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонунлар товар (маҳсулот) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларини ривожлантириш, бозорларни турли хилдаги сифатли истеъмол моллари ва хизмат турлари билан тўлдиришда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар сифатини ҳуқуқий тартибга солишда, айниқса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қабул қилинган „Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ ги Қонун алоҳида ўринга эга¹. Унда истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қоидалар белгилаб берилди. Жумладан, истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари, товар (иш хизмат)лари тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқлари бузилганида уни ҳимоя қилиш тартиби, истеъмолчиларнинг савдо ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари соҳасида шартнома тузиш, шартномаларни ижро этишда истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, яъни истеъмолчиларнинг товар (иш хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи, нуқсонли товар сотиладиган бу ҳақда истеъмолчининг талаб қўйиши, нуқсонли товар алмаштириб бериш тартиби, нуқсонларни бепул бартараф этиш тартиби, истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нархини мутаносиб равишда камайтириш ёки шартномани бекор қилиш ҳуқуқи, истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 13- сон. Т.: „Адолат“. 1996 й. 50—71- бетлар.

истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳамда товар (иш хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкий жавобгарлик, маънавий зарар учун жавобгарлик, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби қоидалар белгиланган.

Бундан ташқари ушбу қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилувчи давлат органларининг ваколатлари, истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳимоя қилишни, молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳамда истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин эканлиги хусусида қоидалар белгилаб берилди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва бозор фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Буларга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги „**Бозорларнинг фаолиятини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**“¹ги, 2000 йил 5 июндаги „**Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**“²ги Фармонларини кўрсатиш мумкин. Бу ҳуқуқий ҳужжатларда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига ҳурмат билан қараш, уларнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган¹.

Шунингдек, истеъмолчиларнинг товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш ва истеъмол моллари билан савдо-сотиқ қилишни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрда тасдиқланган „**Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида**“²ги Қарори² муҳим аҳамиятга эга. Бу қарор билан 1998 йил 10 сентябрдан бошлаб мулкчилик шакл-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995—1999 й.й. Т.: Адолат. 2000 й. 59—62- бетлар.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998 й. 9- сон, 32- модда.

ларидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ун, қанд-шакар, ўсимлик ва мол ёғи, маргарин, қуруқ сут, болалар озиқ-овқати, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, алкогольли ва алкогольсиз, ичимликлар, турли-туман маҳсулотлар билан чакана ва майда улгуржи савдо қилиш, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, мувофиқлик ва сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддатлари, нархномалари, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар мавжуд бўлишини назарда тутувчи савдо қоидаларига албатта риоя қилинган ҳолда фақат савдо қорхоналари орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шу билан биргаликда мазкур шартномаларга риоя қилинмаганда, шунингдек товарлар савдо қоидалари бузилган ҳолда сотилганида, шу товарлар савдоси тўхтатилиши, унинг сотувчиларига нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ қаттиқ маъмурий жавобгарлик, қонунчиликда белгиланган тартибда товарни олиб қўйиб, кейинчалик уни мусодара қилишгача бўлган жазо чоралари қўллаш назарда тутилган. Бу эса ғайриқонуний савдо қилишга ҳар хил шаклдаги чайқовчиликка, шунингдек, белгиланмаган жойларда савдо қилишга қатъий чек қўйишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрда чиқарилган „**Товарларнинг айрим турларини чакана сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**“ги Қарори қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги автоматотранспорт воситаларини чакана сотиш қоидалари тасдиқланди¹.

Бу қоидалар билан „**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**“ Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган автомобиллар, мотоцикллар, тиркамалар, гартиб рақами қўйиладиган агрегатлар сотувчиларга, шунингдек, аниқланган камчиликлар масаласида автоматотранспорт эгасининг талабларини қондириш борасида ишлаб чиқарувчиларга қўйиладиган асосий талаблар белгиланган.

Бундан ташқари истмолчиларга сотиладиган алкогольли ичимликларнинг сифатли бўлишини таъминлаш, бу ичимликларни истеъмол қиладиган фуқароларнинг саломатлигига

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1997 й. 10- сон, 36- модда.

зарар етказилмаслиги, ҳуқуқининг ва қонуний манфаатларининг бузилмаслигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоғолли ичимликлар билан чакана савдо қилиш қоидалари тасдиқланди. Бу қоидалар билан сертификатланган алкоғолли маҳсулотларнинг баъзи турларини чакана савдода сотишни амалга оширувчи сотувчиларга қўйиладиган асосий талаблар белгилаб қўйилди¹.

Истеъмолчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун деҳқон бозорларидаги фаолиятни ҳам тўғри йўлга қўйиш, бозорлар фаолиятини яхшилаш, бозорларда истеъмолчиларга, харидорларга, деҳқонларга қулай шарт-шароитлар яратиш лозим эди. Шу сабабли деҳқон бозорлари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Бундан асосий мақсад акциядорларнинг манфаатдорлигини ошириш, бозор хизматини истеъмолчиларга мос қилиб ташкил этиш, қулай шароит яратишдан иборатдир.

Шу сабабли истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги „**Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**“ги Қароридир². Бу қарор билан деҳқонларнинг ўз маҳсулотларини келтириши, сақлаш, сотиш учун шарт-шароит яратиш, чайқовчи олиб-сотарларга қарши кураш олиб бориш, санитария аҳволини яхшилаш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, янги савдо ўринларини ташкил этиш, бозорларнинг моддий базасини яхшилашга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

Республикаимиз Президенти ва Ҳукумати томонидан кўрилган ҳар бир чора-тадбирлар бевосита бозор муносабатларини тартибга солишга қаратилиши билан биргаликда, маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг сифатини ошириш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1997 йил. 10- сон, 36- модда.

² „Правда Востока“ газетаси. 2000 й. 23 июн.

5- §. Стандартлар ва сертификатлар тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш юзасидан текшириш ва назорат ўтказишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши

Стандартлар ва сертификациялар тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш юзасидан белгиланган тартибда текшириши ва назорат ўтказилиб борилади. Бу вазифа тегишли давлат идоралари зиммасига юклатилган. Жумладан стандартлаштириш, метрологияга оид фаолият, сертификатлаштириш соҳасидаги ишларга „Ўздавстандарт“ раҳбарлик қилади ва ўз ваколати доирасида ушбу ишларни ўтказишнинг умумий қоидаларини белгилайди. Шу билан биргаликда „Ўздавстандарт“, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, соғлиқ сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек, бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида хўжалик фаолияти субъектларининг стандартлаштиришнинг мажбурий талабларига стандартлаштиришга тааллуқли бошқа ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини олиб борадилар.

Давлат назорати, идоравий бўйсунуви ва мулк шаклларида қатъи назар хўжалик субъектларининг, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотли, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқиш, гайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдали суратда ишлатиш босқичларида қонун ҳужжатларига қанчалик риоя этилган ҳолда амалга оширилаётганлигига қаратилади.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан назорати Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспекторлари, вилоят шаҳарлар бўйича бош давлат инспекторлари томонидан бевосита амалга оширилади.

Маҳаллий жойларда эса уларга итоат этадиган давлат инспекторлари назорат қиладилар.

Давлат инспекторлари стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар. Улар давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланади.

Давлат инспекторлари қонун билан белгилаб берилган ваколатлар доирасида стандартлар ва сертификатлар тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб борадилар. Давлат назоратини амалга оширишда улар хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш биноларига монеликсиз кириш, ўз фаолиятига доир керакли ҳужжатлар ва маълумотлар олиш, стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналарини ҳамда нусхаларини танлаб олиш ўтказиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқларга эга. Хўжалик субъектларига маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, ишлаб чиқиш, уни реализация қилиш, ундан фойдаланиш, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида стандартларнинг талаблари бузилган бўлса уни баргараф этиш тўғрисида кўрсатмалар беришга ҳақли.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъект текширувдан бўйин товлаганида маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторлари стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш айбдор бўлган хўжалик юритувчи субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш, стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар аниқлашгандан ушбу маҳсулотларни реализация қилишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатмалар беришга ҳақли.

Шунингдек, стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган импорт маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Давлат инспекторларининг маҳсулотларини реализация қилиш, ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик юритувчи субъектлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар. Хўжалик юритувчи субъектлари берилган кўрсатмаларни ва қарорларни бажармаган тақдирда давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширади.

Давлат метрология текшируви ва назорати, давлат метрология хизмати органлари томонидан талонлар, ўлчов воситалари, ахборот-ўлчов тизимлари, ўлчовларни бажариш

услугиётлари, метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга ошириладиганлиги устидан ўтказилади.

Сертификатлаш қоидаларига риоя қилинганлиги устидан белгиланган тартибда текшириш ва назорат ўтказилади. Жумладан тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг) синов лабораторияларининг (марказларининг) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини „Ўздавстандарт“нинг давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Шунингдек, ихтиёрий сертификатлаштиришни „Ўздавстандарт“ белгилаб қўйган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга ошириши мумкин.

6- §. Маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг сифатини таъминлашда шартноманинг роли

Республикамиз аҳолисининг моддий ва маиший эҳтиёжи ишлаб чиқариладиган товарларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, бажариладиган ишнинг ва кўрсатиладиган хизматнинг миқдори, ҳажми, сифати билан таъминланади. Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тадбиркорларнинг янада кўпайишига ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган товар, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилаяпти. Сифат билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусида тегишли қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикасининг „Стандартлаштириш тўғрисида“, „Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида“, „Метрология тўғрисида“ги қонунларини кўрсатиш мумкин. Ушбу қонунлар билан биргаликда маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг ва кўрсатилган хизматнинг сифатини таъминлашда томонлар ўртасида тузилган шартнома ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларининг ҳуқуқий шакли сифатида тузиладиган шартномаларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин. Улар маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқариш ва топшириш; ишларни бажариш; хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар шаклида бўлиши мумкин.

Бу шартномалар бозор иқтисодиётида халқ хўжалигининг барча соҳаларида мулкчилик шакллари турлича бўлган шахслар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини юритиш жараёнида ижтимоий муносабатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келади. Ушбу ижтимоий муносабатлар ичида маҳсулот тайёрлаш ва уни топшириш билан боғлиқ мулкий муносабатлар ўзига хос алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу мулкий муносабатлар шахсларнинг бевосита тадбиркорлик фаолиятлари орқали амалга оширилади ва товар — пул тусига эга бўлиб, мазкур муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаси бўлган маҳсулотларни (мулк) тайёрлаш ва сотишга оид шартномалар асосида тартибга солинади. Бундай гуруҳ шартномалар ишларни бажариш, хизмат кўрсатишга оид шартномаларидан ўзининг баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилади. Товар ишлаб чиқаришга оид шартномаларнинг асосий фарқи шундаки, улар хўжалик юритиш фаолиятининг маҳсулот тайёрлаш ва сотиш соҳасида қўлланилади. Уларнинг яна бир ўзига хос томони — товар ишлаб чиқаришга оид шартномаларнинг предмети бўлган мулк ёки маҳсулот шу мажбуриятларни объекти ҳисобланиб, у бир шахсдан иккинчи шахснинг тасарруфига ўтказилади. Маҳсулот тайёрлаш ва сотиш тўғрисидаги шартномалар чунончи: *олди-сотди; маҳсулот етказиб бериш*; контрактация; улгуржи савдо; энергия ва газ етказиб бериш каби шартномалар бўлиши мумкин. Мазкур шартномаларни бир гуруҳга бирлаштирилганлигининг сабаби улар маҳсулот (мулк)ни олувчи ёки сотувчи шахслар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга, ўзгартиришга ва бекор қилишга қаратилганлигидадир. Бошқача қилиб айтганда уларнинг барчаси томонлар ўртасида маҳсулот (мулк) тайёрлаш ва сотиш борасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишида муҳим ўрин тутади.

Товар ишлаб чиқаришга оид шартномаларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини, уларнинг элементлари (субъектлари, объектлари, мазмуни)дан ҳам кўриш мумкин. Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларнинг субъектлари сифатида икки томон иштирок этади. Биринчи томондан маҳсулот (мулк)ни топширувчи тадбиркор шахс сотувчи бўлса, иккинчи томондан шартномага кўра келишилган маҳсулот (мулк)ни қабул қилувчи ва унга тегишли суммани тўловчи шахс, *сотиб олувчи* ҳисобланади.

Товар ишлаб чиқариш ва мулкларни топширишга оид шартномаларнинг субъектлари бўлган томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни аниқ бажаришлари шарт. Бу эса етиштирилган ва истеъмолчига топшираётган маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлаш шартноманинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларнинг объекти маҳсулот (мулк) тайёрлаш ёки сотиш мажбуриятини бажариш учун қилинган ҳаракатлардан ва унинг предметидан иборат. Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича мулкни топшириш, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича эса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бажариладиган ишларни ва кўрсатиладиган хизматлардан фарқ қилиб, тайёр маҳсулот (мулк) ёки тайёрланиши керак бўлган маҳсулот товар ишлаб чиқариш ва сотиш шартноманинг объекти ҳисобланади. Ушбу маҳсулот (мулк)ни тайёрлаш, олиш, сотиш ҳужаликларнинг бевосита фаолиятлари билан боғлиқ.

Олди-сотди шартномасида сотиладиган маҳсулот (мулк) гайёр ҳолда бўлади ва шартноманинг тузилиши ва ижро этилиш вақти бир вақтга тўғри келади, яъни реал бўлади. Маҳсулот етказиб бериш ҳужалик шартномалари (контрактация, энергия ва газ таъминоти)да мулк (маҳсулот)нинг топширилиш вақти шартноманинг тузилиш вақтига тўғри келмайди.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ёки олди-сотди шартномаси орқали ташкилотлар бир-бирларига ишлаб чиқариш фаолияти ёки ҳужалик зарурати учун керак бўлган қишлоқ ҳужалик машиналари, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ҳамда халқ истеъмолига оид товарларни сотадилар.

Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларда томонлар бир-бирига нисбатан аниқ ҳуқуқ ва бурчга эга бўладилар. Шартномаларнинг асосий шартлари (бандлари, реквизиц-лари) мулкий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларининг мазмунини ташкил этади. Бундай шартларга маҳсулот (мулк)нинг номи, сифати, комплекти, ассортимент ва бошқа шартлар киради. Биринчи томон (қарздор) мулкий характердаги муайян ҳаракатни бажариш мажбуриятига, иккинчи томон (кредитор) ушбу мажбуриятни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Товар ишлаб чиқаришга оид мажбуриятларга икки томонлама шартномалар кирганлиги туфайли тарафларнинг ҳар қайсиларида сотувчининг асосий бурчи ва ҳуқуқи сотилган мулкнинг шартномага мувофиқ олувчининг эғалигига топширишдан ва унинг учун белгиланган ҳақни олишдан иборат, олувчининг асосий ҳуқуқи ва бурчи сотилган ашёни қабул қилиши ва бунинг учун белгиланган баҳони тўлашдан, агар сотилган нарса шартнома шартларига мувофиқ топширилмаса, унинг ўзига топширилишини сотувчидан талаб қилишдан иборат бўлади.

Контракция шартномасида эса:

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори (маҳсулотнинг турлари бўйича), сифати, уларни етказиб бериш муддатлари, тартиби ва шартлари ҳамда топшириш жойи;

— тайёрловчи ташкилотлар ва корхоналарнинг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш ва белгиланган баҳолар билан унинг ҳақини тўлаш юзасидан олган мажбурияти, пул аванслари бериш муддатлари ва уларнинг миқдори;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ҳамда уларни қабул пунктларига ва корхоналарга ташишни ташкил қилишда хўжаликларга ёрдам кўрсатиш;

— тарафлар бурчларини бажармаган ҳолда уларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги кўрсатилган бўлади. Тарафлар шартноманинг ана шу шартларига тўлиқ риоя этиши топширилдиган маҳсулотнинг сифатли бўлишига олиб келади.

Тадбиркорлик муносабатларида иш бажариш билан боғлиқ шартномавий муносабатларда ҳам ишларни сифатли бажаришни таъминлашда шартнома бўйича тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини лозим даражада бажаришга ҳам боғлиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятида тузиладиган шартноманинг ушбу тури бошқа фаолиятлар (маҳсулотлар тайёрлаш ва сотиш, хизматлар кўрсатиш)дан асосан ўзининг тартибга солиниш предмети билан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, ишлар мажбуриятлар хўжаликлар ўртасидаги ишларни бажариш ҳақидаги муносабатларда вужудга келади ва ишларни бажаришга доир шартномалар воситасида тартибга солинади, яъни шартномалар иш бажариш муносабатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакли бўлиб ҳисобланади.

Ишларни бажаришга доир мажбуриятларга бир қатор шартномалар яъни: *пудрат, қурилиш пудрати, илмий-тек-*

шириш ва конструкторлик ишларини бажариш учун тузиладиган, лойиҳалаш ва қидирув ишларини бажариш учун тузиладиган шартномалар киради.

Бу шартномаларда буюртмачи ва пудратчи сифатида қатнашувчилар тадбиркор шахслар бўлиши мумкин. Шартномада бир томондан буюртмачининг топшириғига биноан маълум бир ишни унинг ёки ўзининг материалдан бутун маъсулиятини ўз зиммасига олиб бажариш мажбуриятини олувчи шахс — *пудратчи* бўлса, иккинчи томондан, бажарилган ишни қабул қилиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олувчи шахс — *буюртмачи* ҳисобланади.

Пудратчи шартнома бўйича ўз зиммасига олган ишнинг сифатига оид мажбуриятларини қонун ва шартнома талаблари асосида бажариш лозим. Пудрат шартномасида пудратчи, яъни маиший хизмат кўрсатиш корхоналари буюртмачи корхоналарнинг кийим-кечак, пойафзал маҳсулотларининг кичик партиясини ёки мебель, тери маҳсулотларини тайёрлаш учун берган буюртмаларини сифатли тайёрлаб бериши тарафлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятни бажаришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Бинобарин, пудрат шартномасида пудратчи ишни лозим даражада, сифатли қилиб белгиланган муддатда бажаришга мажбур. Ишнинг сифати шартнома шартларига, буюртмачининг топшириғига, шунингдек, агар стандартларга, техник шартларга ёки ўшандай ишлар учун одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ белгиланади. Пудратчи ишни ўзи ташкил этиб, унга раҳбарлик қилиши лозим. У ҳамма ишларни бажаришга буюртмачи олдида жавобгар шахс ҳисобланиб, бош пудратчи сифатида айрим ишларни бажариши учун бошқа ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномасини тузиши мумкин. Буюртмачининг бурчлари асосан пудратчи томонидан бажарилган ишни қабул қилиш ва бунинг учун ҳақ тўлашдан иборат бўлади.

Бозор муносабати шароитида тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган мулк билан боғлиқ бўлмаган муносабатларни тартибга солувчи хизмат кўрсатиш шартномалари ҳам аҳамиятга эга. Хўжалик фаолиятининг ушбу тури бошқа фаолият турлари маҳсулот тайёрлаш ва сотиш, ишларни бажаришдан ўзининг фақат хизмат кўрсатишга доир мажбуриятлар (шартномалар) орқали амалга оширилиши билан фарқ қилади. Хизмат кўрсатишга доир мажбуриятларда ҳам

хизматларнинг шартли кўрсатилишида ҳам тарафларнинг хизмат кўрсатувчининг ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятни бажаришни таъминлашни зарурият қилиб кўяди.

Юқоридагиларга асосан хулоса қилиш мумкинки, шартнома — мажбурият, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат сифатини таъминлашда энг муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган шартномалар бўйича белгиланган мажбуриятларнинг аниқ бажарилиши кўрсатилган хизматнинг сифатли бўлишини таъминлайди. Агар хизмат сифатли бўлмаса, айбдор томон шартномада белгиланганидек жавобгар бўлади. Шартномада қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шартнома шартлари бажарилмаганида жавобгарликнинг қўлланилиши ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг ва кўрсатилган хизматнинг сифатини таъминлашга хизмат қилади.

**Товарлар, ишлар ва хизматларга
баҳоларнинг ўрнатилиши ва қўл-
ланилишини давлат томонидан
тартибга солиниши****1- §. Товарлар, ишлар ва хизматлар учун
баҳоларнинг аҳамияти ва вазифаси**

Бозор муносабатлари шаклланиб боришида хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейинги йилларда қабул қилган қонунларининг аксарияти айнан шу муаммони ҳал қилишга қаратилди ва натижада турли мулк шаклларига асосланган корхоналар товар ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнининг кўпгина йўналишларини мустақил амалга ошириш имкониятига эга бўла бошлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар турли мулк шакллари асосида ҳуқуқий муносабатга киришиб, алоҳида бир қоидаларга эмас, балки умумий қоида, яъни ўзга шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмасликни ва *„Ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин“* — деган қоидаги амал қилишининг ўзи кифоядек кўринади.

Аммо хўжалик юритувчи субъектларнинг бу фаолиятини амалга оширишини давлат томонидан тартибга солиниши давр тақазосидир. Бозор муносабатларини шакллантиришда иқтисодий ислохотларни амалга оширилишининг асосий тамойилларидан бири бу *„давлатнинг бош ислохотчилиги“* тамойилидир. Хўжалик юритувчи субъектларининг хўжалик фаолиятини амалга оширишда ишлаб чиқарувчиларнинггина манфаатлари ётмасдан балки давлат ва жамият манфаати, истеъмолчилар манфаатлари ҳам ётади. Шунинг учун ҳам ана шу турли манфаатларни мувофиқлаштириш талаб этилади, яъни бир томондан тадбиркорнинг фаолиятини эркинлаш-

тириш билан бирга иккинчи томондан табиий атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, санитария, стандартлаштириш қонунларининг амал қилишига, нарх-наво, интизомга риоя қилинишига солиқларни ўз вақтида тўланишига, соф рақобатли шувни ташкил этишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни ишлашни таъминлаш вазифаси туради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши кўп жиҳатдан турли субъектлар манфаатларинини муштараклигидан келиб чиқади.

Шу нақтаи назардан олиб қараганимизда товарлар ишлар, хизматларга баҳоларнинг ўрнатилиши ва қўлланилиши ҳам давлат томонидан тартибга солиб борилмоғи лозим.

„Баҳо“ иқтисодий категория сифатида сотувчи ва харидорнинг келишувига мувофиқ харидорга берилган товар (иш ёки хизмат) учун тўлашга рози бўлинган пул ёки бошқа *мулквий эквивалентдир*.

Баҳо талаб ва таклифнинг таъсири асосида шаклланади. Келиб чиқиши бўйича, баҳо-товарни ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарур сарфланган харажатни аңглатиб, товарнинг қийматига тўғрироқ келади. Талаб ва таклифнинг мавжудлиги ёки унинг бўлмаслигидан келиб чиқиб ишлаб чиқарувчи талаб кўпроқ бўлган тармоққа капитални ўтказишга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёки аксинча, талаб бўлмаган тармоқларда ишлаб чиқаришни қисқартиришга, бозорда талаб умуман бўлмаган товар (ишлар, хизмат) ларнинг баҳосини ўзгартиришга ёки мажбур бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларнинг шаклланиши бозор қонунлари асосида амалга ошади.

Маъмурий-буйруқбозлик даврида иқтисодиётимизда талаб ва таклиф қонуни баҳога билвосита таъсир қилар эди. Талаб ва таклиф қонуни фақат иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг ҳисоб механизми орқалигина ўзига йўл очар эди. Бу механизм бозор талабларини акс эттира олмас, баҳоларни бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда эмас, балки давлат томонидан белгиланган режа топшириқ ларига мувофиқ тарзда ижтимоий вазифалардан, мудофаа, алоҳида фаолият ва тармоқларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан қатъи белгиланар эди.

Албатта баҳоларни давлат томонидан қатъи белгиланиши давлат бюджетининг шакллантирилиши, ижтимоий ва жами-

яг аҳамиятига молик соҳаларга марказлаштирилган тартибда маблағларни ажратилиши масалаларини самарали ҳал қилинишига имконият берар эди. Лекин баҳоларни шакллантиришнинг бозор услубидан воз кечилиши иқтисодий қонунларни самарали ишлаши учун тўсқинлик қилар эди. Ишлаб-чиқаришда иқтисодий манфаатдорликнинг бўғилишига, талабгор бўлган товарларни ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишнинг сўнишига, сифатсиз товарлар ишлаб чиқаришга капиталнинг самарали ишлашига эришишга бўлган ҳаракатларни бўғишга, хуллас бозорни ўз-ўзидан ҳаракатга келтирувчи механизмларнинг қотиб қолишига олиб келган эди.

Баҳоларни директив ўрнатилиши ижтимоий зарур ҳаракатларни аниқ белгиламасдан, уларни ишлаб чиқаришга жалб этилиши ҳисобга олинар эди.

Бундай ёндошув ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмас, илмий-техника тараққиётига бўлган қизиқишни оширмас, товарларни рақобатбардошлигини таъминламас эди. Бунинг натижасида жамиятда хўжасизлик, бошбошдоқлик, рақам кетидан қувиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, охир-оқибат ўзи яратган маҳсулотдан ўзининг бош тортишига олиб келиб қолди. Бу эса жаҳон бозорига чиқариладиган товарларнинг рақобатбардошлилигини ҳам таъминламас эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври баҳоларни шакллантиришда талаб ва таклиф қонуниятларига асосланиш заруриятини келтириб чиқарди. Дастлабки йиллар тажрибаси „Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, айниқса истеъмол нархлари ва тарифларининг „эсанкиратадиган“ тарзда қўйиб юборилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, тўловларни амалга оширмаслик билан боғлиқ тангликнинг кескинлашуви, пул муомаласининг бузилиши кўпчилик янги мустақил давлатларда истеъмол нархларининг кескин ўсишига, жамғармаларнинг қадрсизланишига, аҳолининг анчагина қисми турмуш даражасини пасайишига, бутунлай ёки қисман ишсизлар сонини ўсишига олиб келди“¹.

Шунинг учун ҳам давлат ва жамият олдида баҳоларни бозор қонуниятларига мувофиқ ташкил этишдек қийин вазифани бажариш билан бирга баҳоларни стихияли шаклланишини олдини олишдек муҳим вазифани бажармоқ лозим эди.

¹ **И. А. Каримов** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка гаҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. „Ўзбекистон“ 1997 й., 214- бет

Биз „эсанкиратадиган“дан қатъиян воз кечдик ва ташқари ридан бўлган тазйиққа қарамай, нархларни аста-секин, олдиндан ишлаб чиқилган тартиб асосида эркинлаштиришни қарор қилдик.

Бундай ёндашув корхоналар ва аҳолининг бозор муносибатлари ҳамда эркин нарх белгилаш шароитларига ларзани тушмасдан мослашиб олиш имконини берди“¹.

Юридик категория сифатида баҳо қатор аҳамиятларга эга.

Баҳо Фуқаролик ҳуқуқий шартноманинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланган. Ана шу шартнома шартини келишиши уни тузишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. “ФКнинг **418- моддасининг** мазмунидан шу нарса маълумки, шартномадаги товар баҳога оид шартлар, аввалги қонун ҳужжатларида бўлгани каби, асосий шартлар сирасига кирмайди. Шартнома тарафлар келишуви билан белгиланган баҳо бўйича ижро этилади. Ушбу умумий қоидадан истиснолар шартномаларнинг айрим турлари ҳақидаги қонун-ҳужжатларида белгилаб берилади“². Хусусан „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонунга мувофиқ, баҳо хўжалик шартномаларининг муҳим бандларидан бири ҳисобланади. Қонуннинг 10-моддасида хўжалик шартномаларига нисбатан қўйиладиган талаблар кўрсатилган бўлиб, унда товар (иш, хизмат)нинг баҳоси ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган муҳим шартлар жумласига киритилгандир. Хўжалик фаолиятини амалга оширишда ҳисоб-китоб қилиш тартиби хўжалик шартномасида белгиланаётганда товарлар, (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгилангандан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши лозим³. Мазкур қоидага риоя қилмаслик баҳо интизомининг бузилиши ҳисобланиб, бундай ҳолатлар санкция ва жавобгарлик чоралари қўллаш учун асос бўлади.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. „Ўзбекистон“ 1995 й., 94- бет.

² Х. Раҳмонқулов. „Олди-сотди шартномаси“. „Адолат“. 2000 й., 13- бет.

³ Биржа ва ярмарка савдоларида тузилган контрактлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш, сотиб олиш ва уларни олиб чиқиб кетиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1999 йил. , 15- апрель, 174- сон.

Томонларнинг келишувига мувофиқ ўрнатилган баҳо-ларда ҳамда белгиланган баҳоларда ҳам қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларининг шаклланишига асос бўлади.

Баҳо, шунингдек, савдо устамалари ва бошқа устамаларнинг белгиланиши ва қўлланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни қайд этиб ўтмоқ лозимки, ҳатто эркин баҳо ҳам ўз-ўзидан белгиланмайди. Балки улар муайян қоидаларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бунда нарх-навони ҳуқуқий тартибга солинишига эътибор бериш лозим. Нарх-навонинг шаклланиши устамалар қўшилган қиймат солиғи, акцизлар билан амалга оширилади ва улар барча баҳоларга тааллуқли.

Бевосита баҳолар давлат томонидан директив белгиланиши асосида айрим товарларга нисбатан тўғридан-тўғри белгиланади. Баҳони тўғридан-тўғри белгилаш турли услубларда бўлиши мумкин.

2- §. Баҳоларни белгилаш ва қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Баҳоларни белгилаш ва қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари моҳиятини таҳлил қилишда бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларни белгилашда давлатнинг аралашувига (фақат алоҳида истисноли ҳолатлар бўйича йўл қўйилиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндошмоғимиз лозим.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқ устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баровар муҳофаза этилишини кафолатлайди...

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади...“ , деб белгилаб қўйилган.

Бундан кўриниб турибдики, республикамиз фуқаролари тенг ҳуқуқлилиқ асосида эркин тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари, ўз мулкларига ўз хоҳишларича эгалик қилишундан фойдаланиш, тасарруф қилиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Корхона ўз маҳсулотларини, ишларни, хизматларни, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифларда сотишга ҳақлидир.

Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин хўжалик фаолияти юритишидан дарҳи беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг товарлар, ишлар ва хизматларни бажарганлик учун шартномада кўзда тутилган тарафларнинг келишуви асосида ҳақ тўланиши белгиланган (356- м., 418- м., 523- м., 636- м., 662- м., 715- м.) янги тадбиркор фуқаро ўзининг контрагентига товар (иш, хизмат) учун хоҳлаган нарҳини белгилаши мумкин, агар бу товар (иш, хизмат) тури учун нарх-навони тартибга солиш давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолар доирасига кирмаса.

Айрим ҳолларда тарафлар баҳо тўғрисидаги шартни назарда тутмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда товар ҳақи қиёсланадиган шароитларда ўхшаш товар учун одатда белги ланадиган баҳо бўйича тўланиши керак!

Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ жараёнларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолияти субъект ларининг эркин ҳаракат қилиши учун ҳар томонлама шароит яратиш уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, „**Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“¹, „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“², „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“³ Қонун лар, „**Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисида**“⁴ги Президент Фармонлари шулар жумласидандир. Бу қонун ҳужжатлари давлат буюрт маларининг қисқартирилиши, шартнома муносабатларини шакллантириб, нарх-навони эркин белгилаш имконият ларини яратиб бермоқда.

Республикамизнинг босқичма-босқич бозор муносабат ларига ўтиш ҳамда нарх-навони изчиллик билан эркин лаштириб боришни кўзда тутган ҳолда айрим турдаги ишлаб- чиқариш техник товарларга ҳамда асосий истеъмол товарлари ҳамда хизматларга нисбатан жорий этилиши мумкин бўлган

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. „Адолат“. 15- сон.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. „Адолат“. 20- сон.

³ „Халқ сўзи“, 2000 й. 15 июнь.

баҳоларнинг энг юқори даражасини давлат томонидан белгилаб қўйилиши кўзда тутилди. Чунки буларга нисбатан тўғридан-тўғри эркин нархларнинг жорий этилиши аҳолини ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволга олиб келиб қўйиши, Республика иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Ана шу нуқтаи назардан товар бозорларида „**Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги, „**Табий монополиялар тўғрисида**“ги қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунларга мувофиқ табиий монополия субъектлари доираси уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек уларнинг фаолиятлари устидан давлат назоратини ўрнатилиши бўйича асосий қоидалар белгиланган. Қонунда табиий монополия субъектлари фаолиятида нархларни тартибга солиниш тартиби белгиланган бўлиб, унга мувофиқ товарларга нарх (тариф)лар белгилаш учун табиий монополия субъектлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибга мувофиқ ваколатли органга нархларнинг (тарифларнинг) лойиҳаларини ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Табий монополия субъектлари товарларига тааллуқли нархлар (тариф)лар лойиҳалари ваколатли орган томонидан истеъмолчи маҳсулоти нархларига уларнинг таъсири ҳисобга олинган ҳолда бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқилади.

Ваколатли органнинг нархлар (тарифлар) бўйича қарори табиий монополия субъектлари томонидан ўн беш кун аввал оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шу билан бирга табиий монополия субъектлари фаолиятида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида муайян чеклашликлар ҳам белгиланган. Хусусан, товарлар, хизматлар ва ишлар учун ваколатли орган белгилаган миқдордан ортиқ ҳақ олиш,... табиий монополия субъектларининг товарлари истеъмолчиларини камситишига ёхуд истеъмолчилардан белгиланган нархлар (тарифлар)да ҳисобга олинмаган ҳақ ундириш ҳисобига даромад олишга олиб келадиган бошқача хатти-ҳаракатларни содир этиш ман этилади.

Баҳоларни белгилаш ва қўллаш тўғрисидаги қонунлар ичида „**Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги**“ Қонун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиди¹.

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: „Адолат“. 2000 й., 22- сон.

Бу қонун аввало баҳолаш фаолиятига тушунча бериб, баҳоловчининг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолияти эканлигини эътироф этилади.

Баҳолаш фаолияти лицензия асосидагина амалга оширилади.

Қонун баҳолаш объекти доирасини, баҳолаш объекти қийматининг турларини, баҳолаш стандартлари, баҳолашни ўтказиш асослари, баҳоловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, низоларни ҳал этиш тартибини қатъий белгилаб қўйган.

Баҳоларни белгилаш ва қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ичида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан чиқарилган Фармонлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларга мисол тариқасида „Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида“; „Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисида“ги 1994 йил 22 август; „Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида“, „Бошоқли дон экинларининг харид нархларини ошириш тўғрисида“, „Республикада дори дармонларни сотишни тартибга солиш тўғрисида“ги мазкур фармонларни келтиришимиз мумкин. Бу фармонлар, аввало, қонунчилигимизни тўлдириш ҳамда амалда қўлланилиши механизмини йўлга қўйиш; иқтисодиётимизни босқичма-босқич эркинлаштира бориш, ҳисоб-китоб, солиқ тўлаш, механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ҳам айнан ана шу вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, улар жумласига қуйидаги қарорларни кўрсатиб ўтиш мумкин. „Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида“, „Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“, „Биржа ва ярмарка савдоси самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида“ги қарорлари шулар жумласидандир.

Демак, баҳоларни белгилаш ва қўллаш тўғрисидаги юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар республикамизда истеъмол бозорларида мувозанатнинг сақланишига ва барқарорликнинг таъминланишига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган.

3- §. Баҳо интизомига риоя қилиш юзасидан текшириш олиб боровчи давлат бошқарув идоралари

Режали иқтисодиёт даврида ягона нарх сиёсати белгиланган бўлиб, социалистик мулк муносабатлари ва иқтисодиётнинг режалилиги ҳукмронлиги нарх-навони бошқаришда, нархларни шакллантиришда, давлат нарх сиёсатининг асосини ташкил этишни талаб қиларди.

Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда нарх-наво соҳасида бошқарувни амалга ошириш тартиби ҳам белгиланган эди. Собиқ СССРнинг асосий қонунига мувофиқ ҳолда нарх сиёсатини белгилаш Иттифоқнинг мутлақ ваколати доирасига киритилган бўлиб, иттифоқдош республикалар бундай ваколатга эга эмас эдилар. Бу ваколат Министрлар Совети зиммасига юклатилган бўлиб, у баҳо белгилаш уни қўллаш бўйича бошқарувни амалга оширар, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, балиқчилик, мўйнали ҳайвонларнинг мўйналарини, овчилик маҳсулотларининг, юк ташиш бўйича тарифларни, алоқа корхоналарининг хизматлари ҳақини ва бошқа баҳоларнинг умумий миқдорини аниқлар эди. Айрим маҳсулотлар бўйича эса ҳаттоки иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматларига аниқ нарх белгилаган ҳолда топшириқлар берар эди.

Махсус нарх-навони бошқариш бўйича давлат органи сифатида собиқ Иттифоқ ва иттифоқдош республикаларда Давлат нарх-наво қўмитаси фаолият кўрсатар эди.

Бу орган зиммасига халқ хўжалигининг барча тармоқларида белгиланган нарх-наво ва тарифнинг асослилигини ва тўғри қўлланилиши устидан назорат олиб бориш юклатилган эди.

Баҳоларни марказлашган тартибда бундай белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин ҳаракат қилишига халақит қилар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига эътиборсизлик, хўжасизлик муҳитини келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бозор муносабатларини қарор топтириш мақсадида, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг ўртасида шартномавий муносабатлар устунлигини белгилаб қўйди.

Шунинг учун ҳам собиқ Иттифоқ давридаги марказлашган режали бошқарувдан воз кечилди ҳамда республика камизда давлат бошқарувининг янги тизими шакллантирилди.

1992 йил 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „**Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида**“ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ келишилган ягона молия, солиқ ва нарх сиёсатини амалга ошириш, республика иқтисодиётининг молиявий соғломлашувини таъминлаш, бозор муносабатлари шаклланиши шароитида нарх-навони тартибга солишнинг иқтисодий усуллари аҳамиятини кучайтириш мақсадида:

— аввало республика ҳудудида нархларга доир давлат сиёсатини ўтказиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топширилиб, собиқ Иттифоқ даврида амалда бўлган Давлат нархлар қўмитаси аппарати билан Молия Вазирлиги аппарати бирлаштирилди.

Молия вазирлигининг зиммасига:

Республика ҳудудида ягона молия, солиқ ва нарх сиёсатини шакллантириш ҳамда ўтказиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг барқарор молиявий негизини вужудга келтириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, молия ва нарх белгилашни бошқариш тизимини такомиллаштиришга, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтиришга, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишнинг молиявий жиҳатларига оид таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, нархлар ва тарифларни иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш чораларини амалга ошириш, уларни эркинлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказиш вазифаси юклатилди.

Республикада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида монополияга қарши давлат сиёсатини фаоллаштириш, рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 15-майдаги 1464- сонли Фармонига мувофиқ дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Бу орган зиммасига бошқа вазифалар билан бир

қаторда истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларга риоя этилиши устидан, товарлар нархини чиқариш ҳамда нархларни қўллаш тартибига риоя этиш устидан назоратни олиб бориш вазифаси юклатилди¹.

Ушбу вазифаларни Қорақалпоғистон Республикаси Молия Вазирлиги хузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳарларда-туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари молия бўлимлари хузурида монополияга қарши қонунчиликка ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича инспекторлар лавозими жорий этилди¹.

2000 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2676- сонли „**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида**“ги Фармони қабул қилиниб, унга асосан Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси-рақобатни ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш, табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва реклама фаолияти соҳасидаги сиёсатни ўтказиш бўйича *давлат бошқаруви органи*, деб белгиланди.

Ушбу Фармонга мувофиқ „**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**“ги 2000 йил 2 август 300- сонли қарори ва унга илова сифатида „**Ўзбекистон Республикаси Монополиядаги чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида**“ги Низом қабул қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси „Табиий монополиялар тўғрисида“ги қонун, 9- модда.

¹ „Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 15- май. 1464- сонли Фармони.

Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ушбу фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига буйсунади ва ҳисоб беради, деб қонунлаштирди.

Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вазифалари, функцияларини, ҳуқуқларини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вазифалари ичида истеъмол товарлари нархлари ва хизматларга тарифлар мониторингини ўтказиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи инсофсиз рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга қўмита товар бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополиялар субъектларининг Давлат реестрларини шакллантиради ва юритади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги билан биргаликда минтақаларда келишилган дастурлар бўйича нархларнинг суъий равишда оширилиши, бозордаги монопол мавқеини суистеъмол қилиш ва инсофсиз рақобат ҳолларини аниқлаш мақсадида истеъмол бозори конъюктурасини текширади:

— нарх белгилаш тартибига риоя этилиши ва товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар (тарифлар) қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади;

— табиий монополиялар субъектлари томонидан истеъмолчиларга соғиладиган товарлар ҳажмлари бўйича шартномаларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, ... жойлардаги давлат ҳокимияти органларига ва давлат бошқаруви органларига:

— эркин бошқариладиган ва қайд қилинган нархларни қўллаш соҳасининг ўзгариши тўғрисида тавсиялар юборади.

Шу ўринда яна бир қонун, яъни 1999 йил 19 августда „**Табиий монополиялар тўғрисида**“ги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилинганлигини эслаб ўтиш лозим.

Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмаслиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигидан келиб чиқиб, табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар доирасини аниқлайди ва уларнинг фаолияти давлат томонидан тартибга солинишини белгилайди.

Мазкур соҳаларга қуйидагилар киритилган:

— нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш;

— нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали транспортировка қилиш;

— электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш;

— темир йўлларда ташиш;

— умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари;

— сув қувурлари ва канализация хизматлари, шунингдек портлар ва аэропортларнинг хизматлари ҳам шулар жумласига киритилган.

Бу субъектларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у ваколат берган орган томонидан, яъни Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тартибга солинади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини бу органлар томонидан қуйидаги усулларда тартибга солинади:

— нархларнинг (тарифлар) даражасини белгилаш (ўрнатиш) воситасида нархларни тартибга солиш;

— хизматлар кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш орқали Низомга мувофиқ қўмита ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида кўпгина ҳуқуқларга эга.

Улар жумласига қуйидагилар киреди:

— бозорда устунлик мавқеини эгаллаб турган ва монопол фаолиятни амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектларни мажбуран бўлиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

— товар ва молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектларнинг устунлик мавқеини белгилаш;

— ўз ваколатига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни ва уларнинг раҳбарларини, шунингдек, мансабдор шахсларни монополияга қарши қонунчилик, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги, шунингдек, монополияга қарши органнинг ёзма кўрсатмалари бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

— берилган ваколатлар доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

— шартномавий (эркин) нархлар (тарифлар) иқтисодий жиҳатдан асоссиз шакллантириш ва уларнинг оширилиши, давлат маблағлари ва ҳукумат кафолатлари остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган қурилиш соҳасидаги бажарилган ишлар ҳажмларига қўшиб ёзилиши натижасида олинган маблағлар (даромад, фойда)ни олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш киритилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан гайриқонуний олинган маблағлар (даромад, фойда), шунингдек жарималар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан акцептсиз тартибда Молия вазирлигининг „**Нархларни бошқариш жамғармаси**“ махсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ундирилади ёки қонунчиликда белгиланган ҳолларда қарор (ёзма кўрсатма) қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ой давомида тегишли бюджетга ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағларни „**Нархларни бошқариш жамғармаси**“га ҳисобга ўтказиш навбатлилиги маблағларни бошқа мақсадли бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказишга тенглаштирилади.

Низомнинг 8- бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ва ёзма кўрсатмалари вазирликлари, идоралар, давлат қўмиталари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарувчи органлари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажаришлари учун мажбурий ҳисобланади.

4- §. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўлланиладиган баҳоларнинг турлари

Белгиланиш тартибига кўра, баҳоларни бозор (эркин) ва тартибга солинувчи белгиланган турларига ажратиш мумкин (ФК 356- м), товар (иш ва хизмат)ларнинг бозор (эркин) баҳоси бевосита давлатнинг аралашувисиз, хўжалик юритувчи субъектларнинг келишувига мувофиқ вужудга келади.

Бозор (эркин) баҳосидан фарқли равишда тартибга солинувчи баҳолар давлатнинг бевосита иштирокида, яъни ваколатли бўлган давлат органи ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан белгиланган ва тартибга солинадиган баҳолар ҳисобланади.

Бунда давлат тадбиркорлар томонидан баҳоларни аниқлашда қўйилиши мумкин бўлган устамаларнинг, баҳоларнинг энг юқори даражали рентабеллиликнинг юқори меъёрларини белгилашда ўзининг таъсирини ўтказиши.

Тартибга солинувчи баҳолар жумласига ички хўжалик баҳоларини ҳам киритишимиз мумкин. Чунки ички хўжалик ҳисобидаги корхона ўзининг бўлинмалари учун ўзи баҳоларни белгилайди.

Иқтисодий белгиланишига кўра, юқоридаги баҳо турларини улгуржи, чакана ва харид (тайёрлов) баҳоларига ажратиш мумкин.

Улгуржи баҳо тайёрловчи ва истеъмолчи (ёки тегишли давлат органлари) томонидан белгиланувчи баҳо бўлиб, у ўз ичига қўшилган қиймат солиғини ва агар товарга нисбатан акциз солиғи назарда тутилган бўлса, унинг белгиланган ставкалар бўйича баҳоси ҳам қўшилади¹.

Бу баҳолар аҳолидан ташқари барча истеъмолчилар, жумладан воситачилар билан ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади.

Маҳсулотларни воситачилар орқали эркин баҳода реализация қилишганда воситачи билан истеъмолчи ўртасидаги келишувга мувофиқ қўшимча ҳақларни (ФК 833- м) ҳам кўзда тутиши мумкин. Бу қўшимча ҳақларда комиссия тўловлар, транспорт ва бошқа харажатлар ҳам акс этади.

Хорижий маҳсулот етказиб берувчилардан (сотувчилар) сотиб олувчи корхона ва ташкилотлар томонидан импорт

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ Нашриёт уйи. 1998 й. 72- бет.

маҳсулотлар (товар) ларга ҳам улгуржи баҳолар белгиланади. Бу баҳоларда сотувчининг счегида кўрсатилган сумманин тўлов кунигаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валютанинги суммага нисбатан қийматидаги баҳоси билан бирга маҳсулот (товар)ни сотиб олиш ва чегарагачи олиб келиш билан боғлиқбарча корхоналар, шунингдек импорт товарларга нисбатан белгиланган ставкадаги солиқ, божхона пошлинаси, товарларни сотиб олишни ташкил қилувчи ташқи иқтисодий фаолият ташкилотларига ва бошқа ташкилотларига бериладиган мукофат пулларини ҳам қўшиб ифода этилади.

Чакана баҳо улгуржи баҳодан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи ва савдо устамасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Эркин чакана нарх аҳолига товарларни сотишни амалга оширувчи чакана савдо корхоналари ёки бошқа ташкилотлар ва алоҳида юридик шахслар томонидан аниқланади.

Савдо устамаси бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, сотувчининг транспорт ва бошқа чиқим харажатларини ўз ичига олади.

Худуд бўйича ҳаракатга кўра баҳоларни давлат ичидаги, яъни Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган ва жаҳон баҳоларига ажратиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси худудидаги амалдаги бўлган баҳолар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда шаклланади.

Ташқи иқтисодиёт соҳасидаги баҳолар эса жаҳон савдо-сида амал қилувчи баҳолар асосида белгиланади. Бунда уларнинг шартномада белгиланиш тартиби ҳамда товарларни етказиб бериш, уларни суғурга қилиш бўйича харажатлар, божхона йиғимларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар сотувчи ва харидор ўртасида бу харажатлар қайси пунктгача сотувчи зиммасида ва кейинчалик эса харидор зиммасидалигига боғлиқ ҳолда тақсимланади.

Давлат ичида бундай тақсимланиш одатда *франко* услубида амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда эса олдиндан муайян ҳисоб-китобни кўзда тутовчи баҳоларни қўллаш асосида амалга оширилади.

Барча баҳоларни назорат қилинувчи ва назорат қилинмайдиган баҳоларга ажратилади.

Назорат қилинувчи баҳоларга барча тартибга солинувчи баҳолар киради. Таъминот — етиштириш устамалари, савдо устамаларининг миқдори чегаралаб қўйилиши билан боғлиқ қоидалар эркин баҳоларга нисбатан қўлланилгани тақдирда эркин баҳоларни ҳам назорат қилинувчи баҳолар жумласига киритиши мумкин. Асосан барча баҳолар назорат қилинувчи баҳолар жумласига киритилади. Фақат улгуржи нархларда, товарлар воситачиларсиз реализация қилинган тақдирда қўлланилади.

Эркин баҳолар таркибида (деклариреусмий) баҳоларни ажратиш лозим. Баҳоларни қўйдириш асосан давлат реестрига киритилган табиий монополия субъектлари учун белгиланган бўлиб, бунда монополист-корхона реализация қилаётган тегишли рўйхатга киритилган товарнинг эркин баҳосини оширгани тақдирда бунга тушунтириш бериши лозимлигини аниқлатади.

„Табиий монополиялар тўғрисида“ ги Қонунда „Товарларга нарх (тариф) лар белгилаш учун табиий монополия субъектлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибга мувофиқ ваколатли органга нарх (тариф)ларининг лойиҳаларини ҳамда улар бўйича ҳисобкитобларни тақдим этадилар. Табиий монополия субъектлари товарларига тааллуқли нархлар лойиҳалари ваколатли орган томонидан истеъмолчи маҳсулоти нархларига уларнинг таъсири ҳолда олинган ҳамда бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқилади ва қабул қилинган қарор кучга киришидан ўн беш кун аввал оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Баҳоларни директив ўрнатилувчи ҳамда давлат томонидан иқтисодий чоралар билан, яъни бюджетдан дотациялар қўллаш билан таъсир қилувчи баҳоларга ҳам ажратиш мумкин.

Баҳоларнинг директив ўрнатилиши турли тартибларда, масалан, баҳоларнинг энг юқори даражасини белгилаб қўйиш (**„Табиий монополиялар тўғрисида“** ги Қонун, 5- модда), уларнинг қайд қилинган миқдорини белгилаш, рентабеллиликнинг энг юқори даражасини белгилаб қўйиш, баҳоларни энг юқори ва энг паст ўзгариш даражасини қўллаш асосида (бунда давлат хом ашё ва товарларни пасайтирилган баҳоларда четга чиқариб юборилишини олдини олишни кўзда тутати) амалга оширади.

Баҳоларга иқтисодий чоралар билан таъсир ўтказилиши турлича бўлиши мумкин.

Бюджет дотацияларини тегишли ишлаб чиқарувчиларга йўналтирилиб, уларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг тегишли қисмига устама сифатида белгиланиши мумкин.

Имтиёзли кредитлар бериш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш орқали, баҳонинг пасайтирилишига таъсир кўрсатилади.

Худди шундай таъсирни ишлаб-чиқарувчиларга бериладиган компенсацион харажатлар ҳам ўтказилади.

5- §. Нарх-навони белгилашда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтишини таъминлаш, бозор механизми самарали фаолият кўрсатиши учун республикамизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилди. Чунки, *„Иқтисодий жиҳатдан собитқадам ва барқарор жамиятни шакллантириш масалаларини кўриб чиқар эканмиз, энг аввало тадбиркорлик ва умуман мулкдорлар синфи давлат ва жамоат қурилишида, ижтимоий сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашда қандай роль ўйнашини назарда тутиш лозим. Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган Фуқаролик жамиятининг таянчидир“¹.*

Шунинг учун ҳам республикамизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиб борилмоқда.

Тенг ҳуқуқлилиқ асосида тадбиркор фаолиятини амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бири бу унинг мулккий мустақиллигидир.

Демак, мулккий мустақил бўлган тадбиркор қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Тадбиркор фуқаро фаолият турини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлиш билан бир қаторда ўзининг ишлаб

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. „Ўзбекистон“ 1997 й. 80- бет.

чиқариш дастурларини шакллантиришда, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг истеъмолчиларини танлашда ҳам мустақилдир. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари доирасига „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунга мувофиқ, „ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш ҳуқуқи ҳам киритилган. Қонунда бундай ҳуқуқнинг кафолатланиши „чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиш бозор иқтисодиётининг гоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди“¹.

Ваҳоланки, собиқ Иттифоқ даврида хўжалик юритувчи субъектлар на ўз истеъмолчиларини танлаш имкониятига, на ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни реализация қила олган эдилар ва нарх-наво белгилашда марказлаштирилган тартибда қатъий белгиланган нарх ва тарифлардан четга чиқа олмас эдилар. Буларнинг барчаси мамлакатда нарх белгилашда адолатсизликнинг келиб чиқишига олиб келди, яъни „хом ашё тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ниҳоят даражада пасайтириб юборилди, ишлов берувчи, қайта ишловчи тармоқлар товарларининг нархлари эса сунъий равишда ошириб юборилди“. Бунинг натижасида айрим республикалар сунъий равишда „*бюджет ҳисобига*“ яшовчи минтақаларга айлантирилиб, хўжалик юритувчи субъектлар анчагина зарар кўриб ишлар эди.

Шунинг учун ҳам собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган бундай шароит хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолияти юритишига ҳар томонлама тўғаноқ бўлиб, бозор муносабатлари шароитига мутлақо тўғри келмасди.

Тадбиркорларнинг иқтисодий мустақиллигининг кафолати сифатида республикамизда сўнгги йилларда босқичма-босқич ҳамма турдаги хом-ашё ва тайёр маҳсулотларнинг олдиндан белгилаб қўйилган нархлардан эркин нархларга ўтилди, ҳамма истеъмол молларининг нархлари устидан тўғридан тўғри давлат назорати бутунлай бекор қилинди.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. „Ўзбекистон“ 1995 й. 88- бет

Ишлаб чиқарувчилар (тадбиркорлар) ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, шартнома, нарх-наво интизомига риоя қилиш мақсадида Республикамизда қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинганки, улар тадбиркорлар ҳуқуқларини кенгайтириш, тадбиркорларга имтиёзлар белгилашга қаратилгандир.

Хусусан, 2000 йил 5 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан „**Экспорт маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**“ги Фармонига кўра, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни эркин валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)дан даромад солиғи тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек бу фармонга мувофиқ:

— экспорт қилувчи корхоналар учун умумий савдосотиқ ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспорти улушига қараб мулк солиғи ставкалари бўйича имтиёзлар ҳам белгиланди.

2000 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан „**Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**“ги Қарорига мувофиқ тадбиркорлар томонидан тўланадиган акциз солиғи тўлаш юзасидан имтиёзлар белгиланди.

2000 йил 5 августдаги „**Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**“ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш, нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетиши ҳолларига барҳам бериш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида дори-дармон воситаларига қўлланиладиган савдо устамаси ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича ҳам имтиёзлар белгиланди.

Тадбиркор хўжалик фаолиятини амалга оширишда нарх-наво интизомига риоя қилиши, яъни нарх-навони асоссиз равишда кўтармаслиги, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи рақобат қонунларига риоя қилиш каби мажбуриятларга эга.

6- §. Давлат нарх-наво интизомини бузганлик учун тадбиркорларнинг жавобгарлиги

Тадбиркор давлат нарх-наво интизомини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Бундай ҳолда тадбиркорларнинг жавобгарлиги давлат томонидан тартибга солинувчи баҳоларга риоя этмаслик оқибатида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар оқибатида келиб чиқади.

Давлат нарх-наво интизомини бузиш сифатида тадбиркорларнинг қуйидаги ҳаракатларини қайд этиш мумкин:

1. Товарлар, маҳсулотлар, хизматларни давлат томонидан тартибга солинадиган баҳоларни тарифларни ошириш;

2. Улгуржи нархларни ошириш.

3. МДҲ ва бошқа давлатларнинг ҳукуматлараро битимларига мувофиқ етказиб берилаётган маҳсулотларнинг баҳосини ошириш ёки камайтириш.

4. Нархларга (тарифларга) белгиланган устамаларни ошириб юбориши кўзланмаган устамаларни белгилаш, белгиланган камайтирилган миқдордаги чегирмаларни харидорга бериш ёки бермаслик.

5. Хизмат қийматига киритилган, аммо амалда бажарилмаган ёки тўлиқ ҳажмда бажарилмаган ишларни хизмат баҳосига киритиш, шунингдек, комплектланмаган маҳсулот етказиб берилганда, комплектланган маҳсулот етказиб беришга келишилгандаги баҳони қўллаш.

6. Умумий овқатланиш, коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тартибга солинувчи нарх қўлланилсаю, лекин улар томонидан амалга оширилаётган хизматлар доирасининг бу нарх, устама ва тарифларни белгилаш вақтида кўзда тутилган тавсифига мос келмаслиги.

7. Тадбиркор-монополистлар томонидан эркин баҳо ва тарифларни қўллаш тартибини бузиш.

8. Рентабеллиликнинг меъёрий даражасини ошириш ҳисобига олинган даромадларни бюджетга ўтказмаслик.

9. Келишув вақтида стандартларга мувофиқ хусусиятлари белгиланган маҳсулотнинг технологик ва конструкторлик камчиликлари туфайли истеъмолчилик даражасига эришилмаганда уларнинг баҳосини ошириб белгилаш.

10. Лозим тартибда истеъмолчилар билан келишилган эркин баҳо, тариф, устамаларни қўллаш.

Товарлар (ишлар, хизматлар) нархларини шакллантириш нормаларининг асосланганлиги ва уларга риоя этилиши, улар нархларининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига юклатилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларни ва уларнинг рақобатларини, шунингдек, мансабдор шахсларни нарх-навога оид қонунчиликни бузганлик, шунингдек, монополияга қарши органининг ёзма кўрсатмаларини бажармаганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг мансабдор шахсларига жарима солиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, жиноятчилик аломатлари бўлган тақдирда эса жиноий иш қўзғаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун материалларни прокуратура органларига юбориш масалаларини ҳал қилади.

Одатда монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ғайриқонуний олинган маблағлар (даромад, фойда), шунингдек жарималар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан акцептсиз тартибда Молия вазирлигининг „**Нархларни бошқариш жамғармаси**“ махсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ундирилади ёки қонунчиликда белгиланган ҳолларда қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ой давомида тегишли бюджетга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ва ёзма кўрсатмалари вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажаришлари учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарорига

мувофиқ олиб қўйилиши керак бўлган маблағ белгиланган утгиз кунлик муддатда ўтказилмаган тақдирда хўжалик юригувчи субъект муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун олиб қўйилиши керак бўлган маблағнинг 0,15 фоизи миқдориди пеня тўлайди. Агар кечиктириш банкнинг айби билан юз берган бўлса (хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов гошшириғи тушган кундан бошлаб уч кундан ортиқ) 0,15 фоиз миқдориди пеня банк томонидан тўланади.

Тадбиркорларнинг давлат нарх-наво интизомига риоя қилиниши ўз навбатида, уларнинг қонун талаблари асосида фаолият юритишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

1- §. Шартнома тушунчаси, турлари ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома тушунчасининг мазмуни тубдан ўзгариб, иқтисодий муомала муносабатларининг асосий тартибга солувчи воситасига айланди. Тадбиркорлик соҳасидаги шартнома (савдо битими) ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра фуқаролик-ҳуқуқий шартноманин алоҳида кўринишидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353- моддаси 1- бандига мувофиқ *„Шартнома икки ва ундан кўп шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, қўллаш ва тўхтатиш ҳақидаги келишувидир“*.

Тадбиркорлик соҳасидаги шартнома тадбиркорлик фаолияти субъектлари — тарафлар ўргасидаги ёки тадбиркор иштирокидаги шу тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш ҳақидаги келишувдир.

Тадбиркорлик соҳасидаги шартномага шундай таъриф бериш мумкинки, у фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бир кўриниши бўлиб, унинг тарафлари тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар бўлади.

Тадбиркорлик соҳасидаги шартнома — айнан шундай ҳуқуқий шаклдорки, у тадбиркорлар — мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ва тижоратчиларга товар-пул алмашинувида хос бўлган эквивалентлик тамойиллари ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда ўз мустақиллигини намоён қилишга имкон беради.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома каби, тадбиркорлик соҳасидаги шартнома ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича умумий тамойилларга бўйсунди. Лекин иқтисодий муомаланинг барча соҳаларидаги шартнома ҳуқуқий шакл сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тегишли ҳуқуқий шаклни — тадбиркорлик соҳасидаги шартномани белгилаб беради.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартнома тушунчасини очиб бериш концепцияси тўғрисида мунозара олиб ўрганда шунга эътибор бериш керакки, савдо муомаласидаги битимлар ва товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасидаги шартномалар субъектларнинг императивлиги ва воситаланганлиги билан шаклан ўзгаради.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари хўжалик шартномаси тушунчасининг классик шаклини Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 февралда қабул қилинган „**Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳақида**“ ги Қонунда белгилаб берган. Унда шартнома томонларнинг бири маҳсулотни, хизмат ёки иш бажарилишини қабул қилиб олиш ва бунинг эъвазига ҳақ тўлаш мажбуриятини оладиган келишув, деб таъриф берилади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаровий ҳуқуқи назариясининг ривожланиши нуқтаи назаридан „**хўжалик**“ ва „**савдо**“ атамалари совет давридан ўтиб келган маънода ҳам, савдо ҳуқуқининг тарихий аҳамиятига нисбатан олганда ҳам бирмунча зиддиятли қўлланилади.

„**Ал-Ҳидоя Ал-Фурурь**“ номли диний трактатда диншунос олим ва ҳуқуқшунос Бурҳониддин Ал-Маргиноний мусулмон қонунчилигида савдо ҳуқуқи, жумладан, олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий муаммолари таҳлилига алоҳида эътиборни қаратади.

Мусулмон ҳуқуқи бўйича шартноманинг хусусиятлари **қуйидагича белгиланади:**

- шариатга мувофиқ келадиган ёки мувофиқ келмайдиган (қонуний ёки ноқонуний);
- ўз хоҳиши билан тузилган ёки мажбуран тузилган;
- муомалага лаёқатли ёки муомалага лаёқатсиз шахслар билан.

Шариатда шартномалар шаклига нисбатан қўйилган талаблар бўш деб бўлмайдди. Кўп ҳолларда шартномалар оғзаки шаклда тузилган, чунки тарафлар ўзаро ишончга ва ваъдаларга асосланганлар. Ишончни оқламаган тараф жамиятда ўз обрўсини йўқотиши мумкинлигини ва кейинчалик жиддий муносабатларда иштирок этиш имконидан маҳрум бўлишини билган.

Иқтисодий муомалада қўлланиладиган шартномаларнинг асосий турлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгилаб берилган. Шартномаларнинг аксарият қисми учун уларни тайёрлаш, амалга ошириш ва бажаришни тартибга солишчи махсус миллий ва халқаро меъёрлар қабул қилинган. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги „**Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳақида**“ги Қонунни келтириш мумкин. Бу Қонун тадбиркорлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий қоидаларини, шунингдек, иқтисодий муомалада шартномавий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасини белгилаб берган. Ёки 1980 йилги Халқаро олди-сотди контрактлари тўғрисидаги Вена конвенциясини олайлик. Бу контракт муносабатлари амалиётда кенг қўлланиладиган ҳужжат бўлиб, **110- моддадан** иборат.

Ҳуқуқий табиатига кўра шартномалар *консенсуал* ва *реал* бўлиши мумкин. Кўпгина шартномаларни тузиш учун тарафларнинг розилиги етарли, шунинг учун бундай шартномалар *консенсуал шартномалар* деб аталади. Реал шартномаларни тузиш учун муайян ҳаракатлар, *масалан*, банк кафолати, кредит, мулк гарови, мулкдорнинг ёки таъсисчининг розилиги бўлиши лозим.

Кўп шартномалар орасида асосий ва таъминловчи (товар ҳаракати, воситачилик) шартномаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Таъминловчи шартномалар товарнинг сотувчидан сотиб олувчигача бўлган йўли билан боғлиқдир. Асосий шартномаларга олди-сотди, ижара, лизинг ва бошқа шартномалар киради.

Тижорат товар муомаласини таъминловчи шартномаларга юк ва йўловчи ташиш, суғурта, факторинг, банк ҳисоб-китоби бўйича хизмат кўрсатиш ва бошқа шартномалар киради. **Қуйида шартнома турларининг қисқа баёнини келтирамиз.**

Олди-сотди шартномаси

Олди-сотди шартномаси мулккий муносабатларни тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий шаклидир. Режали тақсимлаш тизими шароитида олди-сотди шартномасини қўллаш соҳалари анча чекланган эди, хўжалик юритишнинг бозор

шароитида маҳсулот ва товарларни эркин сотишга ўтиш бу шартномани кенг қўлланила бошлашига зарур шароитларни яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **386-моддасига** мувофиқ, „Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади“.

Шартнома бўйича сотувчи сотиб олувчига мулкни беришга мажбур. Мулк берилиши деганда нафақат сотиб олувчига буюмнинг факт билан берилиши эмас, балки **ЎЗР ФК 185-моддасида** кўрсатилган бошқа ҳаракатларнинг бажарилишидан ҳам эътироф этилади.

Корхоналарга „қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага ружсат берилган“ деган тамойилга асосан берилган ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳолда, улар муайян ҳолларда товар учун тўловларни амалга ошириш тартибини, яъни банк муассасалари орқали ёки нақд пул билан тўланишини мустақил белгилашлари мумкин. Ушбу фикрнинг исботи тариқасида яна шуни таъкидлаш лозимки, корхоналар ва тадбиркорлар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар сифатида қимматбаҳо қоғозлар бозорида иштирок этишлари ва қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш учун акциялар чиқариши, мақсадли заёмларни амалга оширишлари мумкин. Хўжалик амалиёти ҳам айнан шу йўналишда ривожланиб бормоқда. Нақд тўловлар биржа битимларида, маҳсулот етказиб бериш муносабатларида, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида оддий ҳол бўлиб қолди. Юқорида келтирилган фикрга мувофиқ олди-сотди шартномаси тушунчаси **қуйидаги таҳрирда берилиши мумкин:**

„Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи сотиб олувчига мулкни (буюм, товар)ни мулк қилиб (ёки тўла эгалик қилишга) бериш, сотиб олувчи эса мулк учун белгиланган пул суммасини (баҳосини) тўлаб, уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади“.

Бу таърифдан келиб чиқадики, олди-сотди шартномаси тарафлари сифатида мулк ҳуқуқи субъектлари ёки тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи субъектлари бўлган фуқаролар ҳам, корхоналар ҳам, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин. Айни ҳолатда шундай қоида белгилаб қўйилганки, унга кўра олди-

сотди шартномаси истеъмолчи маҳсулот етказиб бериш шартномасидан фарқли равишда мулкни қабул қилиб олиш ва унинг баҳосини тўлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бир вақтда бажариши лозим.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси

Барча фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар каби, маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳам *эквивалент* ҳақ тўлаш асосидаги муносабатларни, яъни товарни унинг баҳосини пул билан қоплаш орқали сотиш муносабатларини тартибга солади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган етказиб берувчи (сотувчи) шартлашилган муддат ичида ўзи ишлаб чиқарган ёки харид қилаётган товарни сотиб олувчига шахсий, оилавий ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланиш учун етказиб бериш мажбуриятини, сотиб олувчи эса товарнинг ҳақини тўлаб, уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси **437- моддаси**да таърифланган хусусиятлари бугунги кунда ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотган. Энди маҳсулот етказиб бериш шартномасини олди-сотди шартномасидан бажарилиши бўйича алоҳида хусусиятига кўра ажратиш мумкин. У сотиб олувчининг олдиндан берган буюртмасига асосланган бўлиши, бажарилиш муддати эса шартнома тузилган муддат билан мос келмаслиги ҳам мумкин.

Юридик адабиётларда маҳсулот етказиб бериш шартномасига бошқа турдаги шартномаларга нисбатан кўпроқ эътибор берилади. Айниқса давлат мулки асосида шаклландиган муносабатлар кенг тадқиқ этилган (**ФК 29- боб, 457—464- моддалар**). Бунинг маъноси шуки, маҳсулот етказиб бериш шартномаси давлат режа топшириқларини бажариш бўйича муносабатларни тартибга солишнинг оптимал ҳуқуқий шакли бўлган бўлса керак.

Бозор муносабатлари шароитида маҳсулот етказиб бериш шартномаси умуман бошқача аҳамият касб этади. Унга аввало тарафларнинг эрки, хоҳишини акс эттирувчи ҳужжат деб қаралмоғи даркор, яъни бу шартномада тарафларнинг ўзаро розилиги мустаҳкамлаб қўйилган ҳолдагина у *ҳақиқий* деб тан олинishi лозим.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва тушунчаси, унинг иқтисодий мазмуни, гузилиш, бажарилиш асослари ва тартиби, шартнома мажбуриятлари бузилиши учун жавобгарлик масалалари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномаси

Бундай шартнома умумий амалиётдан *истиснолардан* бири бўлиб, қонун бўйича *контракт* деб аталади.

Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шу мақсадда тузилган давлат контракти асосида, шунингдек, унга мувофиқ тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади (**462- модданнинг 2- банди**). *Давлат эҳтиёжлари* деб Ўзбекистон Республикасининг қонунда белгиланган тартибда аниқланадиган ҳамда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари молия манбалари ҳисобидан таъминланадиган эҳтиёжлари тан олинади. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича муносабатларга нисбатан, агар ФК ва бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид қоидалар қўлланилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш давлат контракти бўйича етказиб берувчи (бажарувчи) товарни давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан бошқа шахсга бериш мажбуриятини, давлат буюртмачиси эса етказиб берилган товарларнинг ҳақини тўлашни таъминлаш мажбуриятини олади. Давлат контракти давлат буюртмачисининг давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш тўғрисида етказиб берувчи (бажарувчи)га берган буюртмаси асосида тузилади. Буюртма берган давлат буюртмачиси учун, агар етказиб берувчи буюртмани қабул қилган бўлса, давлат контрактини тузиш мажбурийдир. Етказиб берувчи (бажарувчи) учун эса фақат қонунда белгиланган ҳолларда, унда ҳам агар давлат буюртмачиси етказиб берувчи (бажарувчи) давлат контрактини бажараётган пайтда унга етказилиши мумкин бўлган зарар давлат буюртмачиси томонидан қопланадиган бўлсагина давлат контрактини тузиш мажбурийдир. Агар товар етказиб бериш учун буюртма танлов бўйича амалга оширилаётган бўлса, давлат буюртмачисининг танлов ғолиби бўлган етказиб берувчи (бажарувчи) билан давлат контрактини тузиши мажбурийдир.

Контракция шартномаси

Контракция шартномаси ўзининг иқтисодий мазмунини жиҳатидан олди-сотди шартномасидан фарқ қилмайди, лекин айна вақтда **ФК 465—467- моддаларида** таърифланган шартноманинг мустақил тури сифатида характерловчи хусусиятларга эга.

Контракция шартномасининг алоҳида хусусиятларини шундаки, унинг воситасида ҳали ишлаб чиқарилмаган, лекин ишлаб чиқарилиши керак бўлган маҳсулот (техник экинлар, мева-сабзавот маҳсулотлари)ни, шунингдек, саноатда қайта ишланмаган маҳсулотни сотиш бўйича муносабатлар расмийлаштирилади. Бу белгилар табиий шароит, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги ва шу билан боғлиқ равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича муносабатларнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқади. Юқорида кўрсатилган хусусиятлар контрактация шартномасини тузишда ва уни бажаришда иштирок этувчи шахслар таркибини белгилаб беради. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи шартномада тараф сифатида ва товар маҳсулотини сотишни амалга ошириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарувчи сифатида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида контрактация шартномаси тушунчасининг таърифи берилмаган. **ФКнинг 465- моддасида** гап асосан ширкатлардан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов режасига мувофиқ давлат томонидан сотиб олиниши тўғрисида боради. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик корхоналари ҳуқуқларининг ҳажми ва мазмунида янги қонунларга мувофиқ равишда рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бу меъёрлар қайта кўриб чиқишга муҳтож..

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бошқа шартнома шакллари, аввало олди-сотди шартномасини қўллаган ҳолда сотилиши мумкин. **Хўжаликларга:**

- маҳсулотнинг режадаги ҳажмидан муайян қисмини;
- контрактация шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилгандан сўнг давлат буюртмаси бўйича етиштирилган маҳсулотнинг режадан ортиқ қисмини;
- тайёрлов ташкилоти қабул қилишни рад этган маҳсулотни мустақил сотиш ҳуқуқи берилган.

Умумий иқтисодий шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фақат контрактация шартномаси бўйича эмас, балки олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, комиссия ва бошқа турдаги шартномалар бўйича ҳам сотилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августда қабул қилинган 438- сонли қарори билан „қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича контрактация шартномаларини тузиш тартиби тўғрисидаги Низом“ тасдиқланган бўлиб, бу Низомга мувофиқ шартномалар тузишда тарафларга хоҳиш-истакларини билдириш эркинлиги берилган ва контрактация шартномасини мажбурий тузиш қонуний гақиқланган.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси

Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотувчи ер майдони, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма равишдаги битта ҳужжат шаклида тузилади. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси бўйича кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўгиши давлат рўйхатига олинishi шарт. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шу шартнома бўйича сотиб олувчига берилаётган кўчмас мулкни аниқ белгилашга имкон берувчи маълумотлар, шу жумладан, кўчмас мулкнинг муайян ер майдонида жойлашганлигини ёки бошқа бир кўчмас мулкнинг таркибида эканлигини аниқловчи маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Бу маълумотлар мавжуд бўлмаса, кўчмас мулкни сотиш шартномасидаги тегишли шартлари келишилмаган, шартноманинг ўзи эса тузилмаган ҳисобланади.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномаси бўйича сотиб олувчига шу кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи билан бирга шу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер майдонининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади. Сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер майдонининг мулкдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер майдонининг тегишли қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи, ёки ижара ҳуқуқи, ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ берилади.

Корхонани сотиш шартномаси

Корхонани сотиш шартномаси бўйича сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкӣ мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус *рухсатнома* (лицензия) асосида олинган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхона сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топшириладиган корхона билан бирга махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли соғиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни топшириш сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида *солидар* жавобгар бўладилар.

Корхонани сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, унга қонунда белгиланган ҳужжатлар албатта илова қилинади. Шартноманинг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Корхонани сотиш шартномаси давлат рўйхатига олиниши лозим ва шундай рўйхатга олингандан кейингина у тузилган ҳисобланади.

2- §. Шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари тадбиркорлик соҳасидаги шартномавий муносабатларни етарлича кенг ва ҳар тарафлама тартибга солади. Иқтисодий муомалада шартнома энг муҳим омиллардан биридир ва шартноманинг ҳуқуқий асослари ривожланиб бормоқда. Бу ҳуқуқий асосларнинг мақсади шартномавий-ҳуқуқий ва иқтисодий алоқаларнинг аниқ ва рационал ташкил этилишига кўмаклашиш, ҳамкорларнинг тенглигини таъминловчи ҳуқуқий муҳит

ирагиш, ҳар турдаги иқтисодий тадбиркорлик муносабатларини бозор иқтисодиётидаги турли тузилмаларнинг ўзаро самарали ишлашини таъминловчи ягона ҳуқуқий тизимга бириштиришни таъминлашдан иборат. Шу билан бирга ҳужжатлар жамиятнинг манфаатлари ҳамда истеъмолчиларни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий муомала ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунийлик мезонларини белгилайди.

Савдо ва тадбиркорлик муомаласидаги товар-пул муносабатларини тартибга солувчи умумий хусусиятдаги ҳужжат — бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидир. Унда шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар, уларнинг мазмунига ва тузилиш тартибига нисбатан қўйиладиган талаблар, шартнома мажбуриятларининг асосий кўринишлари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тамойиллари, шартномани (битимни) ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўладиган шарт-шароитлар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунлари шартномаларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи қатор қонунлар ва махсус актларни ўз ичига олади. 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, 1998 йил 29 августда қабул қилинган „**Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонун, „**Гаров тўғрисида**“ги, „**Сугурта тўғрисида**“ги, „**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида**“ги, „**Банкротлик тўғрисида**“ги ва бошқа қатор қонунлар, махсус меъёрий ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 январда чиққан ПФ—1702- сонли „**Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича кўшимча тадбирлар тўғрисида**“ги, 1998 йил 4 мартда чиққан „**Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида**“ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августда қабул қилинган 344- сонли „**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида**“ги, 2000 йил 4 мартда қабул қилинган 75- сонли „**Фермерлар, хусусий тадбиркорлар ҳамда кичик**

ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида“ги қарорлари шулар жумласидандир.

Шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонуннинг ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўллаганда ҳужжатлар ўзаро мувофиқлигининг умумий тамойилларидан: қонуннинг бошқа меъёрий ҳужжатларга нисбатан устуворлиги, кейинроқ қабул қилинган ҳужжатларнинг аввалгиларига нисбатан устуворлиги, шунингдек, махсус ҳуқуқий меъёрларнинг умумий меъёрларга нисбатан устуворлиги тамойилларидан келиб чиқиш лозим. Шартномаларга оид илгари қабул қилинган меъёрларнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида зид бўлмаган қисмигина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида шартнома муносабатларини тартибга солишда диспозитивлик тамойили кенг амал қилади. Табиийки, тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам диспозитив равишда қўлланиши, яъни тарафларга шартномада ўз истагига биноан у ёки бу масалани ҳал эта олиши имконияти берилиши лозим. Муайян масалада қонунда императив регламентация зарур бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар истисно ҳисобланади (*масалан, „Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида“ги Қонуннинг 21- моддасида кўрсатилганидек, „...шартномани юридик бўлим ёки жалб қилинган адвокат имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди“*). Бу истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит ҳақида қайғуриш билан боғлиқдир. Бундай ҳолларда қонунда белгилаб қўйилган легал қарор (кўрсатма) мажбурий кучга эга бўлади ва шартнома тузишда у ҳисобга олиниши лозим.

3- §. Шартнома тузиш эркинлиги

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1- моддасида Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги билан бир қаторда шартнома эркинлиги ҳам Фуқаролик ҳуқуқининг асоси сифатида таърифланади. Шартнома эркинлигининг моҳияти ва маъноси ФКнинг 354- моддасида очиқ берилган. Бу моддада шартнома тузишда барча фуқаролар ва юридик шахслар эркин деб эътироф этилади.

Шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Фуқа-

ролик кодексида, қонунда ёки ўз хоҳиши билан олинган мажбуриятда шартнома тузилиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тегишли шартлар қонунда белгилаб қўйилган ҳоллардан ташқари шартнома шартлари тарафларнинг истагича белгиланади. Масалан, агар тегишли маҳсулот турига давлат буюртмаси тушган бўлса, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш мажбурийдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари конгротация шартномасида бошқа шартлар билан бир қаторда хўжаликни аванслаш ҳам назарда тутилмоғи лозим.

Жамиятнинг демократлашиши, шахс эркинлиги, хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги, ташаббус ва тадбиркорликни намойиш этиш имконияти кишиларга ўз масалаларини ҳал этишда ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин қонунга зид бўлмаган қоидаларни қўллашга даъват этади. **ФКнинг 354-моддаси**да агар шартнома шартлари тарафлар томонидан ёки диспозитив меъёрлар билан белгиланмаган бўлса, бундай шартлар ишбилармонлик муомаласининг аъёналарига мувофиқ белгиланади деб айтилган.

Шундай қилиб, кодекс шартномани мажбурий тузишга йўл қўйилмаслигини эътироф этади. Бу билан кўп йиллардан бери ҳукмронлик қилиб ва мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини қатъий чеклаб келган режа шартномалари тизими йўққа чиқди. Бу тизим бўйича бўлажак контрагентларга мўлжалланган маъмурий ҳужжатларни (фондлар, нарядлар, титул рўйхатлари, ташиш режалари ва б.) қабул қилиш ҳуқуқи тегишли ижроия органларига — маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар бўйсунадиган вазирлик ва идоралардан тортиб то собиқ Иттифоқ Министрлар Советигача берилган бўлиб, бу ҳужжатлар уларни ижро этиши керак бўлган корхоналарни шартнома тузиш мажбуриятини келтириб чиқарар ва шартноманинг мазмуни ҳам шу ҳужжатда белгилаб қўйилар эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу тизимга бажарилиши мажбурий бўлган наряд шаклидаги шартномалар маънавий яқун ясади. Бу шартномалар бўйича тарафлар ҳеч нарсани келишиб олмас, ўзаро шартнома тузиш истагини эса сукут сақлаш билан билдирар эдилар. Режа акти юборилган тарафлар белгиланган муддат ичида сукут сақлаб тураверса, бу сукут актида белгиланган шартларда шартнома тузишга розилик аломати деб қабул қилинар эди.

Таърифланаётган тизим ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, шартнома тузишдан бош тортган тараф маъмурий тартиббузарлик ҳисобланиб, давлат ҳисобига жарима тўлаш билан жазоланган.

Режага асосланувчи шартномалардан воз кечиш 1991 йилдаёқ Фуқаролик қонунлари асосида биринчи марта изчил ўтказиб борилди. Бу ҳужжатдан режа, режани бажариш учун мажбурий тузиладиган хўжалик шартномалари (маҳсулот етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиниши, капитал қурилиш пудраги, ташкилотларга тегишли юкларни ташиш назарда тутилмоқда) умуман чиқариб ташланди, маҳсулот етказиб бериш ва контрактация — олди-сотди шартномасига, капитал қурилиш пудрати — қурилиш пудрати шартномасига, корхоналарга тегишли юкларни ташиш — юк ташиш шартномасига айланди, бунда шартномаларнинг турини белгилашда юридик белгиларни аниқлаш билангина амалга оширила бошланди. Шартномаларни ҳуқуқий тартибга солишда юз берган бу ўзгаришлар кейинчалик МДХ мамлакатлари Фуқаролик кодексларида охиригача ўз ечимини топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси шартнома эркинлигини фақат қуруқ сўз билан таъкидламайди, балки кафолатлайди ҳам. Бу кафолатлар аввало алдов, зўрлик, кўрқитиш, бир тарафнинг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсири остида тузилган битимларни ёки бир тараф вакилининг оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) *ҳақиқий эмас* деб топилишида акс этади.

Аввало бу истиснолар асосий масалага — шартномани тузиш эркинлиги масаласига тааллуққидир. Аниқ белгиланган ҳоллардагина шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилади. Бу қаторга шундай мажбурият ўз хоҳиши билан зиммасига олинган ҳолларгина (қисман, илк шартнома тузиш, мукофотни ошқора ваъда қилиш ёки оммавий танлов) эмас, балки Фуқаролик кодекси ёки бошқа қонунлар белгилаб қўйилган ҳолатлар ҳам киради.

Шартноманинг мазмуни қонунга мувофиқ бўлиши керак. Бу шуни англатадики, мажбурият олган шахс бажариши керак бўлган ҳаракат қонунга зид бўлиши мумкин эмас.

Шартноманинг бузилиши учун жавобгарликка оид муайян шартларни тақиқлаш шартнома мазмунини чеклаш билан боғлиқдир. *Масалан*, сўз мажбуриятини қасддан бузганлик учун жавобгарликни аввалдан келишиб олган ҳолда чеклаш ёки бекор қилиш ёки кредитор фуқаро бўлган шартномада қарздорнинг шартнома бўйича жавобгарлиги ҳажмини чеклаш ҳақида бормоқда, бунда жавобгарлик ҳажми қонунда белгилаб қўйилган, битим эса жавобгарликни келтириб чиқарган ҳолатлар юзага келмасдан аввал тузилганлиги ҳисобга олиниши керак.

Фуқароларнинг ҳаёти ёки саломатлигига етказилган зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларга, шунингдек, алимент тўлаш бўйича мажбуриятларга нисбатан *новацияни* назарда тутган шартномаларни тузишни, ёки ижарага берувчи ва ижарага олувчининг ижара шартномасини узайтириш тўғрисидаги таклифини рад этган бўлса ёки суғуртачи билан ўз мулкни суғурталаш шартномасини тузишдан бош тортган бўлса, эски ижара шартномаси муддати тугагандан сўнг бир йил ўтмасдан янги ижара шартномасини тузишини тақиқлаш ҳоллари бошқа ҳолларга киради (ФКнинг III—V бўлимларига қаранг).

Шартнома эркинлигини чеклаш учун қонунга ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ бўлмаган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги умумий қоидалар ва ҳуқуқий тартиб асосларига қарши мақсадда, шунингдек, ёлғондан тузилган битимларни тузиш каби махсус ҳолларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик қонунлари шартномалар эркинлигини чеклабгина қолмай, балки бу чеклашларнинг чегараларини ҳам белгилайди. Сўз ФКнинг **1-моддаси** ҳақида бормоқдаки, унда муомала иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва шартноманинг қонунга зид бўлмаган ҳар қандай шартларини белгилашдаги эркинлиги таъкидланган ҳолда, фақат қонун асосидагина фуқаролик ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилади ва шу билан бирга амалга ошириш чекланиши мумкин бўлган мақсадлар рўйхатини ўз таркибига олади. Бу рўйхатга бошқа шахслар маънавиятини, саломатлигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш кабилар киради.

Фуқаролик кодексига тегишли равишда чеклашларни, кириш учун муайян чегараларнинг мустаҳкамланганлиги,

масалан, мажбуриятнинг бажарилиши юридик жиҳатдан мумкин бўлмаганлиги билан боғлиқ низо келиб чиққанда аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунда давлат ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжат билан қарздорга ўз мажбуриятини бажаришга имкон бермайдиган бирор тақиқ киритилган ҳоллар назарда тутилмоқда. *Масалан*, мамлакатга олиб кириш кейинчалик тақиқлаб қўйилган товарлар импорти билан шуғулланувчи фирма ёки лицензиясидан маҳрум бўлган тадбиркор айнан шундай аҳволда қолиши мумкин. Охиригача товар етказиб берилмаганлиги юзасидан келиб чиққан низони ҳал этаётган суд бундай ҳолатда ФКнинг **1- моддасидан** келиб чиққан ҳолда, тегишли ҳужжатнинг қонунийлигини баҳолайди.

Шартнома эркинлигининг аҳамияти шундаки, муомала иштирокчиларига шартномани тузиш ёки тузмасликни, агар шартнома тузиладиган бўлса, унинг мазмуни қандай бўлишини ҳал этиш имконияти берилади. Шу билан бирга, шартнома эркинлигининг асосини ташкил этувчи индивидуал эркинлик нисбийдир. Тегишли қарорни қабул қилаётганда фуқаролар ва юридик шахслар бу борадаги қонунларга қараб иш тутишлари лозим. Бу ҳолда қонун шартнома эркинлигини чекловчи омил ролини ижро этади.

Юқорида келтирилган ва бошқа чеклашларни **икки гуруҳга** ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳда* чеклашлар негатив, *иккинчисида* эса позитив хусусиятга эга бўлади. Биринчи гуруҳ қонунда кимлар ўртасида қандай шартномалар тузилиши мумкин эмаслиги олдиндан назарда тутилган ҳолатларни ўз ичига олади. Иккинчиси эса шартномаларни мажбурий тузиш ва (ёки) уларга муайян шартларни мажбурий киритишни назарда тутати. Иккала гуруҳ таркибидаги чеклашлар ҳам субъектларга, ҳам объектларга нисбатан қўлланиши мумкин. Субъектлар бўйича чеклашлар фақат тадбиркорлар иштирокига мўлжалланган. *Масалан*, айнан тадбиркорлар чакана олди-сотди шартномасида сотувчи сифатида, маиший пудрат шартномасида пудратчи сифатида, маҳсулот етказиб бериш ёки тижорат концессияси шартномасида иккала тараф сифатида ҳам иштирок этишлари мумкин. Юқорида санаб ўтилган чеклашларга шундай аҳамият бериладигани, улар шартноманинг тегишли кўриниши (тури) учун асосий белги бўлиб хизмат қилади.

Юридик шахсларга нисбатан қўлланганда муайян чеклаш нотижорат ташкилотлари ва айрим турдаги тижорат таш-

котиловлари учун сақланиб қолган махсус, яъни таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган фаолият мақсадлари билан чекланган ҳуқуқий лаёқат бўлиши мумкин. Банк ташкилотлари ва товар биржалари учун муайян шартномаларни тузишни тақиқловчи меъёрлар ҳам ана шундай чекловчи меъёрлардандир. Қонунда қатор бошқа чекловчи меъёрлар ҳам мавжуд.

Шартнома субъектларига қўйиладиган талабларнинг бузилиши муайян ҳолатларда шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши (вазиятга қараб — низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиши) ўрнига, уни бошқа ҳуқуқий режимга ўтказилишига олиб келиши ҳам мумкин. *Масалан*, чакана олди-сотди шартномасида сотувчи ёки маиший пудрат шартномасида пудратчи сифатида тадбиркор бўлмаган ҳар қандай шахс иштирок этаётган бўлса, бу шартнома учун умумий режим қўлланилади ва олди-сотди ёки маиший пудрат шартномалари учун белгиланган режим бу шартномага нисбатан амал қилмайди.

Баъзи ҳолатлар учун қонун қатъи белгиланган турдаги шартномаларни назарда тутаяди. *Масалан*, ФКнинг **34-моддасига** биноан бедарак йўқолган фуқаронинг мулкини бошқариш учун васийлик ва ҳомийлик органи бирор шахс билан ишончли бошқарув тўғрисида шартнома тузиши лозим. Аксинча, молия ижараси (лизинг) шартномаси табиатига кўра, истеъмол қилинмайдиган, ер майдонлари ва бошқа табиат объектларидан ташқари ҳар қандай ашёлар унинг объекти бўлиши мумкин (ФКнинг **588-моддаси**).

Мулкнинг муайян турларини бошқаларга бериш билан боғлиқ шартномаларни тузишга имкон бермасликка йўналтирилган бошқа кўплаб махсус ҳужжатлар ҳам мавжуд. *Масалан*, устав капитали (фонди)да давлат улуши 25 % дан ортиқ бўлган юридик шахслар ўртасида ўзаро улушларни (улушнинг бир қисмини, акцияларни) бир-бирига бериш, айирбошлаш тақиқланган.

Ниҳоят, шартнома эркинлигининг чекланиши унинг асоси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, кўплаб шартномаларнинг асосий белгисини уларнинг мақсади ташкил қилади. Шу билан боғлиқ равишда, агар муайян шартноманинг асоси тарафлар танлаган моделга тегишли мақсадга мос келадиган бўлса, шундагина тарафлар айнан шу моделдаги шартномани тузишлари мумкин. *Масалан*,

чакана олди-сотди ва маиший хизмат шартномалари тегишли эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Ақс ҳолда бу шартномаларни на чакана олди-сотди ва на маиший пудрат шартномалари деб атаб бўлмайди ва тарафларнинг муносабатларига нисбатан олди-сотди ва маиший пудратнинг фақат умумий қоидаларини қўллаш мумкин бўлади, ҳоло

4- §. Шартноманинг асосий шартлари

Шартнома шартлари — бу ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб олиш усулидир. Шу сабабдан, шартноманинг ҳуқуқий муносабат жиҳатидан мазмуни ҳақида гап кетганда контрагентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилади. Ундан фарқли равишда шартнома — битимнинг мазмуни шартнома шартлари ташкил этади. Муайян вақтдан берилган қонунчиликда ва адабиётларда шартноманинг шартлари синоними сифатида унинг бандлари қўлланиб келинган лигига сабаб шартнома шартларининг фиксация ролини ижро этиши билан боғлиқ.

Шартнома шартлари муайян гуруҳларга ажратилади. Шартларнинг учта асосий гуруҳлари айниқса кенг қўлланилади, бўлар: *муҳим шартлар*, *оддий шартлар* ва *тасодифий шартлар*. Қонунчиликда фақат биринчи гуруҳ, яъни муҳим шартларнинг маъноси очиб берилади.

Муҳим шартларни бир гуруҳга бирлаштирувчи белги ҳақида баҳслашмаса ҳам бўлади. Сўз умуман шартномаларни ва қисман уларнинг алоҳида турларини шакллантирувчи шартлар ҳақида бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда шартномани тузилган деб ҳисоблаш ҳамда унинг тарафлари учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтириш учун зарур ва етарли бўлган шартлар муҳим шартлар деб аталади.

Муҳим шартлардан фарқли равишда оддий ва тасодифий шартлар фақат адабиётларда алоҳида таърифланади.

Қонуннинг диспозитив меъёрларидан келиб чиқадиган шартлар оддий шартларга киради. Бу меъёрлар шартноманинг ўзида ҳеч қандай ақс этмаслиги ҳам мумкин, Бироқ, шунга қарамасдан, улар шу меъёрлардан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан албатта қўлланиши лозим.

Муайян турдаги барча битимлар (шартномалар) учун асосий шарт бўлмаса ҳам, тарафлар ўртасида келишилган ва баъзан қонуннинг диспозитив меъёрларига мос келмайдиган шартлар тасодифий шартлар деб эътироф этилади.

Яна шундай фикрлар ҳам мавжудки, шартноманинг оддий шартлари — бу шундай шартларки, уларнинг бор ёки йўқлиги шартноманинг тузилишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бунинг устига, оддий шартларни шартномага киритишга эҳтиёж ҳам йўқ, чунки улар қонунда ва меъёрий ҳужжатларда аллақачон белгилаб қўйилган; контрагентлар муайян шартномани тузишга келишиб олган бўлсалар, демак, улар қонун бўйича барча шартномавий муносабатларга тегишли бўлган шартларга бўйсунушга рози деб ҳисобланадилар. Ниҳоят, тасодифий шартлар ҳам шартноманинг тузилиши учун аҳамиятга эга бўлмаган шартлардир, лекин оддий шартлар қонунда назарда тутилган ва шартнома тузилиши факти билан кучга кирадиган бўлса, тасодифий шартлар шартномага киритилган ҳолдагина юридик таъсирга эга бўлади.

Бундан ташқари, шартноманинг оддий ёки муҳим шартлари тарафларнинг ўзаро келишувини акс эттирадиган бўлса, у ҳолда мажбурий, императив меъёр маъносида келиб чиқадик — сўз тарафлар тегишли меъёрнинг амал қилишига рози ёки йўқлиги ҳақида бормаётир. Бу ерда тарафлар шартларни келишиб олган ҳолда шартнома тузган бўлиб чиқади. Тарафлар ҳуқуқий тартибга бўйсунуш ҳақида келишиб олмайдилар, фақат шартноманинг алоҳида шартларини белгилашда ва уни тузишда шу ҳуқуқий тартибнинг зарурлигини эътиборга оладилар.

У ёки бу меъёрни шартноманинг шартлари деб эътироф қилишга олиб келувчи ғоя масаласига келганда, тарафлар шартнома тузгандагина у қоидага айланади. *Масалан*, шахс ёки юк мамлакат чегарасидан ўтгандан кейингина Божхона қоидалари, шахс автомашина рулига ўтирганда эса йўл ҳаракати қоидалари амал қила бошлайди.

5- §. Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар

Шартнома икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган битим бўлганлиги сабабли у камида икки босқичдан ўтади: бу босқичлар шартномани тузиш ҳақидаги таклиф ва шу таклифнинг қабул қилинишидан иборат. Таклиф *оферта*, таклифни киритган шахс эса *оферент* деб аталади. Таклифнинг қабул қилиниши *акцепт*, таклифни қабул қилган шахс эса *акцептант* деб аталади.

Шартномани тузиш бўйича умумий тартиб ва юқоридаги босқичларнинг юридик меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **27- бобида** белгилаб қўйилган.

Шартномани тузиш офертадан бошланади. Оферталар қилки турга бўлинади: булар жавоб муддати кўрсатилган ва ўрсатилмаган оферталардир.

Офертада унга берилиши керак бўлган жавоб муддати ўрсатилган бўлса, оферент шу муддат ичида ўз офертасига жавоб кутиши лозим. Акс ҳолда, агар у муддатнинг охиригача кутмай туриб, бошқа шахс билан шартнома тузса, офертани биринчи қабул қилган ва шу билан шартнома тузган деб ҳисобланган тарафга етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади. *Масалан*, бирор уйни ижарага бериш ҳақидаги таклифни қабул қилган шахс шу уй жойлашган жойга келиб, оферент белгиланган муддат ичида уни кутмасдан уйни бошқа шахсга ижарага бериб юборган бўлса, у ҳолда шу шахс йўлга сарфланган харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Офертада жавоб муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда музокаралар қандай усулда олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар оғзаки ва ёзма тарзда олиб борилиши мумкин.

Оғзаки берилган оферта, музокаралар юзма-юз мулоқот, телефон ёки радио орқали олиб борилаётганлигидан қатъи назар, агар у дарҳол акцептланса, оферентни „**боғлаб**“ қўяди. Ёзма берилган оферта эса аввал унинг матни билан танишиб чиқишни, жавоб матни тузишни ва уни оферентга топширишни талаб қилади. Шунинг учун оферент жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида оферта билан „**боғланган**“ бўлади.

Офертада кўрсатилган ёки жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида акцепт етиб келганлиги шартнома тузилганлиги билан тенг. Аксинча, агар кўрсатилган муддат ичида акцепт келмаса, у ҳолда офертанинг оферентни „**боғлаб**“ турган кучи йўқолади ва оферент аввал ўзи берган таклифдан келиб чиққан мажбуриятлардан озод бўлади.

Бироқ, агар акцепт ўз вақтида юборилган-у, лекин алоқа органларининг айби билан оферентга кечикиб етиб келган бўлса, унда нима қилиш керак? Ахир оферент бу вақтга келиб бошқа шахс билан шартнома тузиши ёки умуман шартнома тузиш фикридан воз кечиши ҳам мумкин эди-ку. Шартнома тузилди деб ўйлаган ҳолда муайян миқдорда

маблағ сарфлаб шартнома бўйича ишга киришган акцептантининг харажатлари нима бўлади? Ўз вақтида юборилган акцепт оферентга кечикиб келган бўлса, шартнома тузилмай қолгани туфайли етказилган зарарни ким қоплаши керак?

Бир қараганда бу мажбуриятни шундай оқибатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган алоқа органларига юклаб қўйишдан осони йўқдек кўринади. Лекин амалдаги қонунларда юборилган нарсанинг баҳоси кўрсатилган ҳолдагина унинг кечикиб етиб бориши учун алоқа органларига жавобгарлик юклатилади, у ҳам бўлса нисбатан кичик сумма билан чекланган. Бу қонданинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки алоқа органлари жуда кўп сонли мижозларга хизмат кўрсатади ва ҳар битта кечиккан корреспонденция учун ҳақ тўлайверса, умуман иш тўхтаб қолган бўлар эди. Шунинг учун зарарни қоплашни оферентга ёки акцептантига юклатилиши лозим.

Агар кечикиб келган акцептдан унинг ўз вақтида юборилганлиги маълум бўлса ва оферент шартномани тузилган деб ҳисоблашни истамаса, у дарҳол акцептантига бу ҳақда хабар бериши лозим. Шунда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади ва зарар акцептантининг зиммасида қолдирилади. Агар оферент бу мажбуриятни бажармаса, у ҳолда у акцептнинг кечикиб келганига қарамасдан шартномани бажариши ёки акцептантига етказилган зарарни қоплаши керак бўлади.

Шундай қилиб, оферта ва акцепт уларни амалга ошираётган шахслар учун муайян мажбуриятларни келтириб чиқаради. Оферент белгиланган муддат ичида офертанинг қабул қилиниши мумкинлиги туфайли оферта билан „боғланган“ бўлади, акцепт эса шартномани тузилган деб ҳисоблашни тақозо этади. Бироқ, шартнома тузиш ҳақидаги ҳар қандай таклиф ҳам *оферта* бўла олмайди ва таклифнинг қабул қилиниши ҳар доим ҳам *акцепт* бўлавермайди.

Шартномани тузиш учун берилган таклиф қуйидаги ҳолларда оферта деб ҳисобланади:

— агар унда бўлғуси шартноманинг барча муҳим шартлари акс эттирилган бўлса;

— агар у юборилаётган шахс аниқ кўрсатилган бўлса.

Агар берилган таклифда бу бандлардан биттасига риоя қилинмаган бўлса ҳам, у *оферта* деб эмас, балки офертага *даъват* деб ҳисобланади ва уни берган шахсга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Бундай даъватга турли жавоблар

келиши мумкин. Балки улардан баъзиларида шартномани тузиш учун зарур бўлган барча шартлар санаб ўтилган ва офертага даъват этган шахс номига юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай жавоб оферта кучига эга бўлади, лекин уни шартноманинг тузилишига олиб келадиган *акцепт* деб бўлмайди, чунки у ҳуқуқий маънодаги шартнома тузиш ҳақидаги таклифга келган жавоб эмас.

Офертага қўйиладиган биринчи талаб (унда бўлғуси шартноманинг муҳим шартлари акс эттирилиши лозимлиги) ФКнинг **364—367- модда**ларидан келиб чиқади. Бу моддаларда баён этилган қоида бўйича, шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан келишувга эришилган ҳолдагина шартномани тузилган деб ҳисоблаш мумкин. Лекин бу шартлардан бирортаси таклифда тилга олинмай қолган бўлса, у ҳолда таклифнинг қабул қилиниши шартномани тузилган деб ҳисоблаш имконини бермайди ва таклифнинг ўзи ҳам оферта кучига эга бўлмайди.

Оферта жавоб бериши лозим бўлган иккинчи талаб (муайян шахсга шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиш) қуйидаги сабабларга боғлиқ. Айтайлик, шартнома тузиш тўғрисидаги бир қанча ноаниқ шахсларга қаратилган таклиф оферта кучига эга (*масалан*, газетада берилган ёки эълонлар тахтасига осилган эълон). Бундай таклифга сон-саноксиз акцептлар келиб, уларнинг ҳар бири шартнома тузилганлигини англатган бўлар эди. Оқибатда битта акцептант билан шартнома тузиб, қолганларига етказилган зарарни қоплаб беришга ва келгусида бундай шароитда газета эълонлари, реклама ва бошқа шундай мурожаат турларидан умуман воз кечишга тўғри келган бўлар эди. Мана шунинг учун ҳам бундай таклифлар *оферта* эмас, офертага *даъват* деб ҳисобланади.

Бироқ, бундай вазият ҳар доим ҳам юзага келавермайди. *Масалан*, бекатда турган таксини ёки дўкон пештахтасига қўйилган товарни олайлик. Бу ҳолда ҳам таклиф аниқ бир шахсга қаратилган эмас. Лекин бундай вазиятда бир офертага бир неча акцепт келиши мумкин эмас: охириги таксига йўловчи ўтириб кетгандан кейин ёки товарнинг охиригиси сотилгандан кейин оферта ўз-ўзидан йўқ бўлади ва акцептга ҳам ўрин қолмайди.

Офертанинг қабул қилиниши ҳам акцепт кучига эга бўлиши учун муайян талабларга жавоб бериши лозим. Агар

оферта шундайлигича, яъни ҳеч қандай қарши таклифлар киритилмаган ҳолда қабул қилинса, бундай қабул қилиниш тўлақонли *акцепт* деб эътироф этилади. Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, юборилган офертага розилик бериб жавоб йўллаган тараф шартномани бир оз ўзгартиришни, *масалан*, нархларни бирмунча туширишни ёки шартноманинг бажарилиш муддатини узайтиришни таклиф этиши мумкин. Бундай жавоб акцепт эмас, балки янги *оферта* деб ҳисобланади ва оқибатда тарафлар ўрни алмашади: офертани қабул қилган тараф ўзи *оферент* бўлиб қолади, биринчи тараф эса ўзи биринчи юборган офертадан келиб чиққан мажбуриятлардан озод бўлади.

Шартнома тузиш ҳақидаги музокаралар баъзан узоқ вақт давом этади, музокара олиб бораётган шахслар эса кўпинча бир-биридан узоқ жойларда бўладилар. Шунинг учун шартноманинг қачон ва қаерда тузилган деб ҳисобланиши жуда муҳим, чунки шартноманинг бажарилиш муддати унинг тузилган вақтига боғлиқ, шартнома тузилган жой эса унга нисбатан қайси мамлакат қонунлари амал қилишини белгилайди. **ФКнинг 366- моддасидан** шундай қоида келиб чиқадикки, битим муайян ҳолларда тегишли кўринишда шакллангандан сўнг *шартнома тузилган* деб ҳисобланади.

Агар шартнома ёзма ёки нотариал расмийлаштирилиши лозим бўлмаса, у ҳолда акцепт оферентга етиб келган пайдан бошлаб ва айнан шу жойда тузилган деб ҳисобланади. Агар тарафларнинг келишувига биноан шартнома муайян кўринишда шаклланган бўлса, у ҳолда шартнома шундай кўринишда шаклланган пайдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Шартноманинг нотариал шакли нотариат органларида тасдиқланган ягона ҳужжат кўринишида бўлса, оддий ёзма шакли эса тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжат ёки тарафлар ўртасидаги хатлар, телеграммалар, телефонограммалар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Лекин агар шартнома ҳақиқий эмас деб топилмаслиги учун ягона ҳужжатда акс эттирилиши лозим бўлса, ундан олдинги музокаралар ва хатлар юридик кучга эга бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳар бир тараф ҳужжатга имзо қўйгандан сўнг юридик жиҳатдан „**боғлиқ**“ деб ҳисобланади.

Юқоридаги умумий тартибдан ташқари шартнома тузишнинг соддалашган шакли ҳам мавжуд. У буюртмани бажаришга қабул қилиш деб аталади ва фуқароларнинг

баъзи савдо ташкилотлари билан муносабатларида қўлланилади. Буюртма муайян хизматга муҳтож тарафдан (масалан, харидордан) шу хизматни кўрсатувчи шахсга (*масалан*, савдо ташкилотига) тушиши мумкин. Буюртманинг қабул қилиниши уни тасдиқлаш ёки бевосита бажариш орқали амални оширилади.

6- §. Ким ошди савдоси

Ким ошди савдоси — сотиладиган маҳсулотга танлов асосида даъвогарларни танлаб олишнинг ташкилий шаклидир. Дунё амалиётида ким ошди савдоси чуқур анъаналарга эга. Ким ошди савдосининг моҳияти ўзига хос қоидаларга биноан ўтказиладиган даъвогарлар танловидан иборат. Ким ошди савдосининг асосий тамойиллари — барча иштирокчи-даъвогарлар учун тенг танлов шароитларини яратиш, ошкоралик, холис баҳолаш, қўйиладиган талабларнинг бир хиллигидир.

Нисбатан умумий таърифга кўра, ким ошди савдоси — энг фойдали шартларни таклиф қилган ҳар қандай шахс билан юридик битим тузиш демакдир. Маҳсулотлар ва хизматлар савдосида воситачиликни ташкил қилиш назарияси ва техникаси нуқтаи назаридан, ким ошди савдоси — оферта ва акцепт механизмини қўллаган ҳолда тузиладиган битимлардан бир туридир. Асосан давлат ташкилотлари ва жамоатчилик идоралари пудрат шартномасига қўшилиш пайтида ошкора ким ошди савдоси ва маҳсулотни биржага қўйиш кабилардан фойдаланадилар.

Ким ошди савдосини ўтказишдан мақсад — *масалан*, бирор йирик объект, яъни завод, комбинат қурилиши ёки фойдали қазилмалар конини ўзлаштириш учун ҳамкор топиш, бирор *квота* ёки *лицензияга* тушган ариза-таклифлардан энг самаралисини танлаб олишдир.

Ким ошди савдосининг шакли ва усуллари савдога нима қўйилганига боғлиқ. Уларнинг ҳар бирига оид алоҳида қоидалар, регламент ва процедуралар ишлаб чиқилади. Ким ошди савдосининг ошкора, ноошкора, очиқ ва ёпиқ турлари мавжуд. Ошкора ким ошди савдосида тендер қўмитаси даъвогар-иштирокчилар олдида тендер таклифларини очади ва асосий шартларни эълон қилади. Ким ошди савдосининг натижалари очиқ матбуотда чоп этилади, буюртма ҳажми ва имзоланган контрактнинг суммаси ҳам эълон қилинади. Ноошкора ким

ошди савдосида эса тендер қўмитаси даъвогар иштирокчилар олдида конвертларни очмайди ва натижаларни ҳам эълон қилмайди. Голиб ва контракт тўғрисидаги маълумотлар матбуотда чоп этилмайди. Бундай ким ошди савдоларини одатда такрорланаб турадиган буюртмаларни жойлаштириш билан шуғулланувчи ва даъвогарлар ўртасидаги рақобатнинг пасайишини истамайдиган фирмалар ўтказди.

Очиқ ким ошди савдосида мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этишлари мумкин. Ёпиқ ким ошди савдосида эса иштирокчилар сонӣ чекланган бўлади ва унда тендер қўмитасидан расмий таклифнома олган даъвогарлар иштирок этишлари мумкин. Ташкилотчилар даъвогарлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлгани учун, бу савдо ҳақида ахборотлар матбуотда чоп этилмайди. Иштирокчилар камчилик бўлгани учун рақобат кураши ҳам унчалик кескин бўлмайди. .

Ким ошди савдосида рақобат механизмини қўллаган ҳолда маҳсулот ва хизматлар нархини назорат қилиб туриш, шунингдек, сифат кафолатлари ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг тегишли равишда бажарилиши юзасидан қатъи талабларни қўйиш мумкин.

Ким ошди савдосининг ташкилотчиси — *ҳукумат, вазирлик, идора* ёки бошқа *ташкилот* савдога *ҳима* қўйилишини белгилайди, савдонинг ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва тендер қўмитасини тайинлайди.

Тендер қўмитаси — ким ошди савдоси ташкилотчиси томонидан тузилган коллегиял органдир. Унинг таркибига ташкилотчи вакилларида ташқари жалб қилинган шахслар — маслаҳатчилар ва экспертлар ҳам киради. Тендер қўмитаси ким ошди савдосини эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади, савдо низомини, савдога қўйиладиган нарса, савдонинг ўтказилиши шартлари ва шакли тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқади ва уларни чоп этади. Ёпиқ ким ошди савдоси ўтказиладиган бўлса, маълумотлар иштирокчиларга почта ёки бошқа алоқа воситалари орқали юборилади.

Тендер қўмитаси тендер ҳужжатларини тайёрлайди.

Тендер ҳужжатлари одатда тўрт бўлимдан ташкил топади:

— ким ошди савдоси иштирокчиларининг йўриқномаси. Йўриқномада савдонинг ўтказилиши услуби, аризалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари,

қўмитага тендер таклифини юбориш ва расмийлаштириш тартиби, тендер қўмитасига юборилаётган таклифнинг қайғиб олинмаслигини кафолатловчи пул депозитини киритиш ва қайтариш тартиби, савдо ғолиби билан контракт расмийлаштириш ва имзолаш тартиби, муддати, ахборотнинг конфиденциаллиги кафолатлари кўрсатилган бўлади. Тендер қўмитаси ва маслаҳатчилар билан алоқа ўрнатиш учун реквизицлар келтирилади;

— тендернинг техник қисми иштирокчилар таклиф этаётган маҳсулотнинг кўрсаткичлари ва характеристикалари таърифидан иборат;

— тендернинг тижорат қисми товарлар ёки маҳсулотларнинг нархига, етказиб берилиши ва суғурталанишига, тўлов услублари ва муддатларига, молиялаш ва кредитлаш манбаларига, маҳаллий ва давлат бюджетига ўтказиладиган маблағларга нисбатан талаблар таърифидан иборат;

— битим ёки контракт проформаси. (Расмиятчилик)

Тендер ҳужжатлари ким ошди савдосига пул тўлаб қатнашаётган иштирокчиларга тақдим этилади. Уларнинг тўлаган пулларида тушган маблағлар ташкилий харажатларни қоплашга йўналтирилади. Ким ошди савдосида чет эллик иштирокчилар ҳам қатнашадиган бўлса, ҳужжатларнинг қайси тилда тайёрланиши, таржиманинг тўғрилиги, кафолатлар, лицензиялар ва бошқа ҳужжатларга нисбатан қўшимча талаблар қўйилади.

Тақдим этилган тендер таклифларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва баҳолаш тендер қўмитасининг ваколатига киради. Тендер қўмитаси ким ошди савдосининг натижаларини чиқаради ва ғолибни аниқлайди.

Ким ошди савдосида даъвогар — мулк шаклидан, шунингдек, муайян ҳолларда қайси давлатда рўйхатга олинганлигидан қатъи назар, савдо шартлари ва қонунга асосан савдода иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай ҳуқуқий субъект бўлиши мумкин.

Ким ошди савдосини ташкил этиш ва ўтказиш бир неча босқичда амалга оширилади. Тендер қўмитаси савдога нима қўйилишини, сотиладиган нарсага ва иштирокчиларга нисбатан қўйиладиган талабларни аниқлайди, савдо услубини ва регламентини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Ёпиқ ким ошди савдоси ўтказилаётганда тендер қўмитаси потенциал даъвогарларни аввалдан белгилайди ва уларга таклифномалар

юборади. Бир вақтнинг ўзида ким ошди савдосининг ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари учун эълон тайёрланади ва чоп этилади. **Унда:** *ким ошди савдосининг ташкилотчиси, унинг реквизитлари, почта манзили, телефон, телефакс, телетайп ёки телекс рақамлари, e-mail;* ким ошди савдосининг тури ва савдога нима қўйилиши; буюртма ёки объект қурилишининг шартлари ва бажарилиш муддатлари; савдода иштирок этиш учун даъвогарларни аввалдан танлаш муддати; тендер ҳужжатларининг баҳоси ва унга буюртма бериш жойи; тендер таклифи берувчи иштирокчилар учун банк реквизитлари ва ҳисоб рақамлари, депозит суммаси; тендер таклифларини тақдим этиш муддатлари акс этирилади. Тендерни тайёрлаш муддатларининг эълон қилиниши айниқса муҳим аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситаларида эълон берилган сана очиқ ким ошди савдоси очиладиган сана ҳисобланади. Ёпиқ ким ошди савдоси учун эса потенциал иштирокчиларига таклифномалар юборилган кун очиладиган сана ҳисобланади.

Ким ошди савдосида иштирок этиш учун даъвогарларни малака жиҳатидан олдиндан танлаш мақсадида махсус йўриқномалар ишлаб чиқилади. Фаол равишда тендер ҳужжатларини тайёрлаш ишлари олиб борилади. Бу ишга тегишли йўналишда иш олиб борувчи маслаҳатчилар ва мутахассислар жалб қилинади. **Ким ошди савдосининг потенциал иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатларни қабул қилувчи ҳайъат тузилади.** Тушган аризалар асосида даъвогарлар танлаб олинади. Танлаб олишда амалий тажрибага ва товарларни самарали экспорт қилишга ташқи савдо операцияларини амалга ошириш имкониятига эга бўлган даъвогарларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ким ошди савдосида иштирок этишга ёзма ариза берган ва юқоридаги танловдан муваффақиятли ўтган даъвогарларга савдода иштирок этишига рухсат берилади. Аризани **телефакс** ёки **e-mail** орқали юбориш ҳам мумкин. қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган; ўзи ҳақида ёлғон маълумотлар берган; танловда иштирок этиш учун зарур ва етарли ҳужжатларни тақдим этмаган; молиявий, тижорат ёки бошқа кўрсаткичлар бўйича тендер қўмитасининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ким ошди савдосида иштирок этишига рухсат берилмайди.

Даъвогарлар тендер ҳужжатларини тўлдирадилар, давлат бюджетига товарларни етказиб бериш ва валюта тўловларини тўлаш юзасидан банк кафолатларини тақдим этадилар. Тендер қўмитасига тақдим этиладиган ҳужжатлар қаторига қўшимча қуйидаги ҳужжатлар ҳам талаб қилиниши мумкин: савдо иштирокчисининг тўла реквизитлари, таъсис ҳужжатларининг нусхалари, алоҳида фаолият турлари учун мавжуд лицензиялар ва ҳ.к. Бундан ташқари, иштирокчининг *презентация — тақдимномаси* — умумий маълумотлар, ишлаб чиқариш салоҳияти, тижорат муомаласи бўйича молиявий кўрсаткичлари, ташкилий тузилмаси, шартномалар географияси; жорий йилдаги молиявий ҳисоботлари, баланс ҳисоботи нусхаси, тўлов қобилияти тўғрисидаги банк кафолати, сўнгги 12 ой ичида тузилган шартномалар рўйхати; ташкилотнинг ким ошди савдосида иштирок этувчи ва юридик ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган вакиллари фамилиялари ҳам тақдим этилиши лозим.

Танловдан ўтган ва ким ошди савдосида иштирок этишга рухсат олган иштирокчилардан тендер таклифлари қабул қилиб олинади ва бу таклифлар тендер қўмитаси томонидан мутахассислар иштирокида баҳоланади.

Тендер таклифларини тайёрлаш муддати тендер қўмитасининг алоҳида қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

Тендер таклифлари муҳрланган икки қаватли қалин конвертларда қабул қилинади. Ташқи конвертда ким ошди савдоси ташкилотчисининг номи ва манзили кўрсатилади. Унинг ичида иштирокчининг *депозит* киритганлигини тасдиқловчи банк кафолати ёки бошқа ҳужжат солинади. Ички конвертда тендер таклифининг ўзи солинган бўлади. Бундай кўринишдаги бандерол буюртма қилиб юборилади ёки тендер қўмитасининг котибига бевосита тилхат билан келтириб берилади. қабул қилинган тендер ҳужжатлари махсус сейфда сақланади. Ташқи конверт устига у олинган кун ва вақти ёзиб, делога тикиб қўйилади.

Тендер қўмитаси ким ошди савдоси ёпиладиган кунни, тендерлар солинган конвертларнинг очилиши вақти ва жойини белгилайди. Ким ошди савдоси ёпилгандан сўнг тушган материаллар қабул қилинмайди ва конвертлар очилмасдан эгаларига қайтариб юборилади. Қабул қилинган конвертлар тендер қўмитасининг мажлисида очилади.

Ҳайъат қабул қилинган тендерларни йўриқномада эълон қилинган муайян муддат ичида кўриб чиқади. Ким ошди савдоси иштирокчилари тендерларни кўриб чиқишда қатнашишларига йўл қўйилмайди, лекин кўмита ёки маслаҳатчилар даъвогар иштирокчини қўшимча маълумотлар олиш мақсадида таклиф қилишлари мумкин. Тендерларнинг кўриб чиқилиши тўғрисидаги маълумот сир сақланади ва у тендерларни кўриб чиқишга расман алоқадор бўлмаган учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Маълумотларнинг ошкор бўлиб қолиши учун тендер кўмитасининг барча аъзолари, маслаҳатчилар ва экспертлар тенг равишда жавобгардирлар.

Тендер материалларини кўриб чиқиш натижаларига кўра тендер кўмитаси тендер ҳужжатларида баён этилган мезонлар асосида энг яхши таклифни танлаб олади ва ғолибни аниқлаб, эълон қилади. Тендер кўмитасининг қарори тегишли тартибда баённома орқали расмийлаштирилади. Тендер кўмитаси ўзининг қарори юзасидан тушунтириш беришга мажбур эмас.

Ким ошди савдосининг ғолиби 5 кун ичида хабардор этилади ва битим ёки контракт имзолаш учун музокарага таклиф қилинади. Агар ғолиб ким ошди савдоси ташкилотчиси билан битим лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида қатъи бўлса ва қабул қилиб бўлмайдиган талабларни қўядиган бўлса, тендер кўмитаси бу иштирокчидан воз кечиб, ундан кейинги ўринни олган иштирокчи билан музокарага киришиши мумкин.

Ким ошди савдоси ташкилотчиси ғолиб эълон қилинган кундан бошлаб, 5 банк куни ичида бошқа иштирокчиларга депозитларни қайтариб юборади. Агар бирор иштирокчи ўз таклифини қайтариб олган бўлса ёки савдо бошлангандан сўнг ўз шартларини ўзгартирса, унинг депозити қайтарилмайди. Агар ғолиб ким ошди савдоси ташкилотчиси билан тендер шартларига кўра битим имзолашни рад этса, унинг ҳам депозити қайтарилмайди.

Қуйидаги ҳолларда ким ошди савдоси ўтказилмаган деб эълон қилинади:

— белгиланган муддат ичида бирорта ҳам таклиф тушмаган бўлса;

— барча тендерларда депозит тўланганлиги тўғрисидаги банк кафолати ёки бошқа шундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

— барча тендерлар талабга ва самарадорлик кўрсаткичларига ёки бошқа муҳим мезон талабларига жавоб бермаса.

Тендер кўмитаси ўтказилмаган деб эълон қилинган ким ошди савдоси бўйича ҳеч қандай даъволарни қабул қилмайди ва унга мулкий ёки юридик жавобгарлик ҳам юклатилмайди. Бундай ҳолларда фақат иштирокчиларга депозитлар қайтариб юборилади. Ташкилотчилар муваффақиятсиз ўтган ким ошди савдосини яна қайтадан ташкил қилиш ва ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

Биржа — доимий фаолият кўрсатувчи улгуржи бозорнинг асосий шаклидир. Биржа — қимматбаҳо қоғозлар (фонд биржаси), валюта (валюта биржаси) ёки стандартлар ва намуналар асосида сотиладиган товарлар (товар биржаси) олди-сотдиси амалга ошириладиган идорадир.

Биржалар муайян турдаги маҳсулот бўйича шартномалар тузилишида воситачилик фаолиятига ихтисослашган. Биржа битимлари — миллий қонунлар ва биржа уставларида белгиланган тартибда биржа савдосида брокерлар ёки брокерлик идоралари томонидан тузиладиган алоҳида турдаги битимлардир. **Биржанинг асосий хусусиятлари:**

- савдоларнинг доимийлиги;
- савдоларнинг доимо бир жойда ўтказилиши;
- товар сифати, уни етказиб бериш шартлари ва муддатларига нисбатан қўйиладиган асосий талабларнинг бир хиллиги;
- харидорлар ва сотувчиларнинг таклифлари асосида савдо олиб борилиши;
- товарни тўғридан-тўғри омбордан ва келажакда етказиб бериш шарти билан битимлар тузилиши.

Товар биржаси — улгуржи бозорни шакллантирувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган махсус ташкилот томонидан амалга ошириладиган очиқ ким ошди савдосидир. Аксарият ҳолларда биржалар ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида бўлади, чунки бу ҳолда иштирокчилар доираси чекланган бўлиб, назорат қилиб турилади. Акцияларнинг эгалари акцияларни ўзлари истаганича сотиб юбора олмайди, ҳар қандай истаган шахс бу акцияларни сотиб ҳам ололмайди — бунга биржанинг директорлар кенгаши рухсати бўлиши зарур. Биржада кўп миллионлик битимлар тузилади ва кўпинча уларнинг бажарилиш муддати кечиктирилган бўлади. Иштирокчилар шаънига доғ тушмаган

бўлиши лозим, ёпиқ акциядорлар жамияти шароитида даввогарларни синчиклаб танлаб олиш мумкин. Маҳаллий шахслар ҳам, чет эллик шахслар ҳам биржа аъзолари бўлишлари мумкин, фақат бу шахсларга тадбиркорлик билан шуғулланиш қонун билан тақиқланмаган бўлиши, улар биржа аъзоларига нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб беришлари, брокерлик жойига ҳақ тўлашга қодир бўлишлари ва уни тўлаб боришлари лозим.

Фьючерс биржаси — товар биржасининг замонавий ва истиқболли шаклидир. Бундай биржада келажакда турли товарларни етказиб бериш бўйича фьючерс контрактлари билан савдо қилинади. Фьючерс биржаси капитал муомаласида нарх-навонинг номақбул равишда ўзгариб бориши хавфини камайтиришга, номақбул конъюнктура вазиятида талаб қилинадиган захира капитали ҳажмини пасайтиришга, авансланган капиталнинг пул шаклида қайтарилишини тезлатишга, савдони кредитлашни арзонлаштиришга ёрдам берди.

7- §. Аукционда шартнома тузиш

Аукцион — миллий ва халқаро савдонинг анъанавий шакли бўлиб, у очиқ ким ошди савдосининг бир кўринишидир. Унда муайян номенклатурага мансуб аукцион товарлари (*балиқ, тамаки, тахта, чой, мўйна, отлар, қимматбаҳо қоғозлар* ва ҳ. к.), қимматбаҳо буюмлар, антиқа гиламлар ва санъат асарлари сотилади.

Аукцион учун товарлар бир хил хусусиятлари бўйича *партияларга* — *лотларга*, бир хил хусусиятли лотлар ундан ҳам йирикроқ гуруҳларга — *стрингларга* ажратилади. Ҳар бир лот ва стрингдан намуналар танлаб олинади. Аукцион бошланишидан аввал харидорлар намуналарни ва махсус чоп этилган аукцион каталогларини кўриб чиқадилар. Савдо қилиш пайтида фақат сотувга қўйилган лот ва стрингларнинг рақамлари эълон қилинади. Савдони аукционист ва унинг ассистентлари очиқ (харидорлар очиқ равишда нархларни ошириб борадилар) ёки ёпиқ (харидорлар шартли ишоралар бериб турадилар ва аукционист харидорни айтмай туриб, янги нархни эълон қилади) тарзда олиб борадилар. Агар эълон қилинган нархдан баландроқ нархга харидор топилмаса, аукционист болғачани уриб, лотнинг сотилганини маълум қилади. Қалбаки аукционлар ўтказилишига йўл

қўймаслик мақсадида иштирокчилар муайян суммада депозит киритишлари лозим. Бу депозит иштирокчи лотни сотиб олишдан воз кечган тақдирда жарима санкциялари учун гаров вазифасини ўтайди.

Аукционда ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган *закалат* суммаси шартнома мажбуриятларининг бажарилишида ҳисобга олинади.

Аукционда ғолиб чиққан шахс ва аукцион ташкилотчиси аукцион ўтказилган куни савдо натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар ва бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Аукцион ғолиби баённомани имзолашдан бош тортса, у тўлаган закалатидан маҳрум бўлади. Агар аукцион ташкилотчиси баённомани имзолашдан бош тортса, у закалатни икки ҳисса қилиб қайтариши ва ғолибга аукционда қатнашганлиги туфайли етказилган зарарнинг закалат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт.

Агар аукционга шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар аукцион тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин кечи билан 20 кунда ёки хабарномада кўрсатилган бошқа муддатда имзолашлари керак. Тарафлардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этишни, шунингдек, уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Харидорлар нархни ошириб борадиган анъанавий аукциондан фарқли равишда „**Ҳолланд аукциони**“ (Dutch auction) ҳам мавжудки, унда аукцион сунъий равишда оширилган нархдан бошланади ва нарх борган сайин пасайиб боради. Лотни биринчи бўлиб „ҳа“ деган харидор сотиб олади. Бундай аукционлар аксарият ҳолларда автоматлаштирилган бўлади. Нархнинг ўзгариб боришини циферблатда пастга қараб бораётган стрелкадан билиш олиш мумкин. Стрелкани тўхтатувчи тугмани биринчи бўлиб босган харидор лотни қўлга киритади. Айнан шундай аукционларда баъзи Европа мамлакатларда сабзавотлар ва АҚШда хазина векселлари сотилади.

Аукционлар — одатда йирик тижорат фирмалари бўлиб, улар аукцион савдоларини, аукционга қўйиладиган товарлар экспертизасини амалга оширади, улар шахсий ёки ижарага

олинган махсус биноларга, ускуналарга ва малакали ходимларга эга. Аукционлар харидорлар ва сотувчиларга пул ва товар шаклида кредитлар беради ва шу кредитлардан фойда олади.

Ўзбекистонда антиквариат ва замонавий санъат асарлари аукционлари фаол ўтказиб келинмоқда.

8- §. Шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва унинг оқибатлари

Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда шартнома тарафлардан бирининг талаби билан суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки катта фарқ билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши деб ҳисобланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиши ижтимоий манфаатларга зид бўлган ҳолатларда ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулудда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади.

Шартнома ўзгартирилганда тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

Шартнома абадий бўлиши мумкин эмас. У доимо бирор сабаб билан бекор қилинади. Бундан ташқари, узоқ муддатга тузилган шартномаларни мутгасил равишда контрагент билан муҳокама қилиб ва зарур ҳолларда унга тузатишлар киритиб туриш лозим. Шартнома ва ундаги мажбуриятларнинг кўриб

чиқилиши, шартнома мазмунининг ўзгартирилиши ёки ўзгаришсиз қолдирилиши тўғрисида тегишли шаклда акт ёки баённома тузиш лозим.

Ҳаммаси меъёргадек кечган ҳолатларда мажбуриятлар бажариб бўлингандан сўнг шартнома бекор бўлади ва унда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг амал қилмайди. Тарафлар битимнинг муваффақиятли яқунланиши билан бир-бирларини табриклашлари ва бу воқеани байрам қилишлари ҳам мумкин. Йирик лойиҳалар яқунланганда, эришилган натижалар жамоатчилик олдида тақдим маросимлари асосида ўтказилади.

Баъзи ҳолатларда шартномани бекор қилиш заруриятини келтириб чиқарувчи вазиятлар юзага келади. Шартноманинг бекор қилиниши экстремал ҳаракат бўлиб, ҳужжатларни расмийлаштиришда алоҳида эътиборни талаб қилади. Яхшиси, бундай ҳаракат тарафлар томонидан назарда тутилиши ва шартноманинг бекор қилиниши тартиби шартнома шартларида акс эттириб қўйилгани маъқул.

Харидор тараф учун шартномани бекор қилишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- ишларни давом эттиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд;
- илмий-техник маҳсулотлар шартнома шартларидан сезиларли даражада оғиб кетган ёки шу маҳсулотлар харидор томонидан фойдаланишга ярамайдиган ҳолга келтирувчи бошқа камчиликларга эга;
- ишларни давом эттиришга учинчи шахслар томонидан тўсқинлик қилинган (масалан, вазирлик ишни молиялашни рад этган);
- етказиб берувчи тараф ишни ўз вақтида бошламаган ёки ишни шундай секин олиб бораётгани, уни шартномада кўрсатилган муддатда тугаллашга ҳеч қандай умид йўқ;
- иш жараёнида етказиб берувчи тараф илмий-техник маҳсулотни кераклича сифатли даражада бажара олмаслиги маълум бўлган;
- худди шундай маҳсулот ёки товарни нисбатан фойдали шартлар билан ёки нисбатан сифатлироғини олиш имконияти пайдо бўлган.

Етказиб берувчи тараф ҳам қуйидаги ҳолларда шартномадан воз кечиши мумкин:

- иш жараёнида салбий натижа олиниши муқаррар эканлиги маълум бўлса;
- харидор тараф қўйган шартлар техник жиҳатдан бажарилиши мумкин бўлмаса ва у етказиб берувчи тарафнинг бу шартларни ўзгартириш тўғрисидаги таклифини бажармаса;
- харидор тараф шартнома шартлари бўйича хом ашё, материаллар ва ускуналарни етказиб бермаса;
- маҳсулот учун нисбатан юқори нарх таклиф қилаётган бошқа харидор ёки буюртмачи чиқиб қолса.

Юқорида келтирилган вариантлардан баъзилари кишининг гашини келтириши мумкин, Бироқ доимо ўзгариб гурувчи бозор конъюнктураси ҳамкорларга ўз таъсирини утказмай қолмайди ва уларни ё шартнома шартларига ўзгартириш киритишга, ё бўлмаса шартнома муносабатларини лўхтатиб, бошқа ҳамкор топишга мажбур қилади.

Бошқа томондан, узоқ муддатга тузилган шартномалар қатъи шартлар билан нархларни ўзгартиришсиз қолдиради. Бундай шартномалар иқтисодий эмас, балки сиёсий сабабларга боғлиқ.

Шартноманинг бекор қилиниши тарафларнинг ўзаро розилиги билан, вакиллар йиғилиши мажлисининг баённомаси орқали тасдиқланган ҳолда, шунингдек, суднинг қарорига кўра амалга оширилади. Шартнома бир тарафлама ҳам бекор қилиниши мумкин.

Агар тарафлар вазиятни тўғри баҳолай олсалар, шартномани белгиланган тартибда тинч йўл билан бекор қилишлари мумкин. Лекин барибир шартноманинг бекор қилиниши тарафларнинг манфаатлари чекланишига олиб келмаслиги керак.

Масалан, қуйидагилар эътибордан четда қолмаслиги лозим:

- ишларни тугатиш, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун етарлича муддат, *масалан*, уч ой ёки ундан ортиқроқ вақт берилиши;
- харажатларнинг қошланиши;
- моддий маблағлар, ускуналар ва ҳужжатларнинг топширилиши;
- маҳсулот етказиб беришни охиригача етказиб қўйиш;
- тарафларнинг ўзаро тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари учун шароит яратилиши.

Одатда тарафлар қабул қилган қарорлари тўғрисида акт ёки баённома тузадилар, унда шартноманинг бекор қили-

ниши муддати ва тарафларнинг ундан кейинги ҳаракатларни аниқ акс эттирилган бўлади.

Шартноманинг бир тарафлама бекор қилиниши тарафларнинг муносабатларида бир оз тарангликни вужудга келтирилади. Аввало шартноманинг бир тарафлама бекор қилиниши мумкинлиги шартнома шартларида назарда тутилган бўлиши керак. Қонун ҳам, *масалан*, Фуқаролик кодекси муайян сабаблар мавжуд бўлган пайтда тарафларга шундай имкониятни беради.

Шартнома бир тарафлама бекор қилинганда бунинг ҳужжатлар билан тасдиқланган жиддий сабаблари кўрсатилиши лозим. Шартноманинг бир тарафлама бекор қилиниши тўғрисида иккинчи тарафга камида бир ой олдин хабар берилиши керак. Шундай хабарни олган етказиб берувчи тараф дарҳол ҳамма ишларни тўхтатиши зарур, чунки хабар олингандан сўнг бажарилган ҳар қандай иш етказиб берувчи тарафнинг мажбуриятида қолади, етказиб берувчи тараф харидор тарафнинг шартномадан асоссиз воз кечганлигини исбот қилиб бера олиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Шартноманинг бир тарафлама бекор қилиниши тўғрисидаги огоҳлантириш ёзма равишда почта орқали юборилади. Огоҳлантириш муддати, агар шартномада бошқача шарҳ кўйилмаган бўлса, умумий ҳолларда бир ойни ташкил этади. Шартнома муносабатлари иштирокчилари шартноманинг бир тарафлама бекор қилинишига жиддий эътибор беришлари ва асоссиз қарорлар қабул қилмасликлари лозим.

Агар тарафлар шартномани бекор қилиш тўғрисида келишиб ололмасалар, шартномада эса уни бекор қилиш тўғрисидаги шартлар аниқ кўрсатилган бўлмаса, бундай ҳолларда низони *арбитраж* ҳал этади. Шартноманинг бекор қилиниши бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш учун малакали юристни жалб қилиш зарур.

Агар техник ёки бошқа ҳолатлар шартнома мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилаётган бўлса ёки шартноманинг давом эттирилиши оқилона сабабларга кўра мақсадга мувофиқ бўлмаса, тарафлар бундай шартномани бекор қилиш ҳақида тинч йўл билан қарор қабул қилишлари лозим. Бунда тарафларга етказилган зарар масаласи бағафсил ўрганиб чиқилиши керак. Илгари, социалистик тузум даврида ҳамма нарса умумий бўлар ва шартноманинг бекор қилиниши ҳеч қандай низоли вазиятларни келтириб чиқармас эди.

Ишлар тўхтатилиб, харажатлар эса оддийгина „ўчирилиб“ юборилар эди. Тадбиркорликда эса иш бир оз мураккаброқ бўлиб, шартноманинг бекор қилиниши баъзи қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Тарафлар эришилган натижалардан бошқа мақсадларда фойдаланишлари, ортиб қолган материаллар ва ярим фабрикатларни сотиб юборишлари ва шу билан харажатларни қоплашлари мумкин. Харажатларни тақсимлаш тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилади ва бу ҳақда батафсил баённома тузилади. Баъзи ҳолларда суғурта ҳам қўлланиши мумкин, масалан, қурилиш-монтаж ишларида суғурта кенг қўлланилади.

Баъзан шартнома шартларининг жиддий бузилиши натижасида ҳам шартнома бекор қилиниши мумкин. Бунда жабрланган тарафга нафақат етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш, балки шартномадан воз кечиш ҳуқуқи ҳам бериледи. *Масалан*, сотувчи шартномада кўрсатилган товарни етказиб беришдан ёки харидор шартномада кўрсатилган товарни қабул қилишдан бош тортса, бу шартнома шартининг жиддий бузилиши деб ҳисобланади. Шартнома шартини бузган тараф бундай салбий натижа келиб чиқишини аввалдан билиши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Шартнома шартини бузган тараф салбий натижа келиб чиқишини аввалдан билиш мумкин бўлмаганлигини исботлай олса, у ҳолда шартнома шартининг бузилиши жиддий деб топилмаслигига эришиши мумкин.

Агар тарафлар ўзаро келиша олмасалар ва иш судгача бориб етса ва учлик суди ёки арбитраж шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарса, тарафлар бу қарорни бажаришга мажбур. Бир вақтнинг ўзида тарафларнинг молиявий даъволари ҳам кўриб чиқилади.

9- §. Шартномани бажариш тамойиллари ва тартиби

Мажбуриятни реал бажариш тамойили

Шартнома мажбурияти тайинланганми — демак, у бажарилиши лозим. Лекин мавҳум фикр юритганда мажбуриятларнинг турли шаклларда бажарилишини тасаввур қилиш мумкин. *Масалан*, маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлса, етказиб берувчи маҳсулотни етказиб берса ҳам ёки бунинг ўрнига харидор билан пул орқали

унинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш ҳам шартнома мажбуриятини бажарган ҳисобланади, деб тахмин қилиш тўғридек туюлади. Хўжалик юриктидан мақсадли фойда олиш бўлган бозор шароитида бундай муқобилликка йўл қўйилади. Тадбиркор шартномада унга етказиб берилиши лозим бўлган товарни оладими, ёки унинг ўрнига шу товардан олишни ўйлаган фойдани бирдан оладими — сўнги кўрсаткич барибир бир хил бўлади. Шунинг учун қонуни тарафлардан мажбуриятни асл ҳолида бажаришни ёки мажбурият бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб этади (ФКнинг 330- моддаси).

Тарафлардан бирортаси мажбуриятни бузмагунча у ўз мазмунига кўра аниқ бажарилиб борилиши лозим. Бунда реал бажарилиш тегишлича бажарилишни англатади. Реал бажарилиш тамойили бу босқичда икки тарафлама мажбурийдир: нафақат қарздор бу мажбуриятни тегишлича бажариши лозим, балки кредитор ҳам қарздор бажараётган мажбуриятни қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас. Мажбуриятдан бир тарафлама бош тортиш ва унинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди (ФКнинг 237-моддаси).

Бироқ, қарздор ўз мажбуриятларидан бирортасини бузиши биланоқ вазият кескин ўзгаради. Мажбурият бузилдими — демак, унинг тўлақонли бажарилишига имкон йўқ; энди аввалги муддатларга тўла риоя қилишнинг иложи ҳам йўқ. Лекин мажбуриятнинг асосий мақсадини ташкил этувчи ҳаракатларни амалга ошириш имконияти ҳали сақланиб қолади. Қарздор неустойка тўлаганлиги ёки ўзи мажбуриятни бузганлиги туфайли етказган зарарни тўлаган бўлса ҳам, кредитор ундан шу ҳаракатларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Бундан келиб чиқадикки, реал бажарилиш тамойили аввало асл ҳолда, фақат асл ҳолда эмас, балки лозим даражада бажарилиш шартларига риоя этган ҳолда бажарилишда акс этади.

Реал бажарилиш тамойили Фуқаролик қонунларида нафақат юзаки айтиб ўтилади, балки қонуний таъминланади ҳам. Бунга мисол қилиб етказилган зарарнинг ундириб олиниши ва тегишли ҳолларда неустойка белгиланишида акс этади. Бундан ташқари, узоқ муддатга (бир йилга, чоракка, мавсумга) мўлжалланган хўжалик шартномаларида муайян муддат ичида бажарилмаган мажбурият кейинги муддатга

ўниб бораверади ва бунга нисбатан санкциялар ҳам ўсиб бораверади. Бундай чоралар ниҳоят қарздорни ўз мажбуриятларини реал бажаришга ундаши лозим.

Мажбуриятларни лозим даражада бажариш тушунчаси ФКнинг 236- моддасида қуйидагича ёритилади: „Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак“.

Қонунда мажбуриятни лозим даражада бажарилган деб ҳисоблаш учун риоя қилиниши зарур бўлган шартлар батафсил таърифланган. Лекин қонун қоидалари умумий хусусиятга эга бўлиб, улардан аниқ тайинланган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича махсус усулларни топиб бўлмайди. Тарафлар шартнома ёрдамида қонуннинг умумий қоидаларини аниқлаштирадилар, агар мажбурият давлат органи ҳужжатига асосланган бўлса, у ҳолда шу ҳужжат кўрсатмалари ҳам айнан шу мақсад йўлида хизмат қилади.

Бироқ, мажбуриятни бажариш жараёнида вужудга келган муайян бир масала на қонунда ва на шартномада акс этмаган бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда бу масала ташкилотлар ва фуқаролар орасида шаклланган иш муомаласи одатларига мувофиқ равишда ҳал этилиши лозим.

Мажбуриятнинг бажарилиш жойини зарур аниқлик билан белгилаш шунинг учун ҳам зарурки, бошқа қатор муҳим масалаларнинг ечими айнан шунга боғлиқдир. қисман, агар бир мамлакатда вужудга келган мажбурият бошқа мамлакатда бажарилаётган бўлса, у ҳолда тарафлар бу мажбуриятнинг маҳаллий қонунларга бўйсунуши ҳақида шартлашиб олишга ҳақлидирлар.

Умумий қоидага кўра, қарздор фуқаро яшайдиган ва қарздор юридик шахс жойлашган жой *мажбуриятнинг бажарилиш жойи* деб ҳисобланади. Бироқ, бунда мажбурият вужудга келган пайтга *мувофиқ жой* назарда тутилади. Кейинчалик бу жой ўзгарган ва бу ҳақда кредитор хабардор этилган бўлса, мажбуриятнинг бажарилиши ҳам янги жойда (қарздор фуқаронинг янги яшаш жойида ёки қарздор юридик шахснинг янги жойлашган жойида) амалга оширилиши мумкин. Мажбуриятнинг бажарилиш жойи ўзгариши муносабати билан сарфланган харажатлар қарздорнинг зиммасига юклатилади.

Юқоридаги қоидадан икки мустасно ҳолат келиб чиқади:

— иморатни бериш мажбурияти — хоҳ у мулк қилиб бериш бўлсин, хоҳ у фойдаланишга бериш бўлсин, ер майдони биланми ёки бузиладиганми — шу иморат жойлашган жойда бажарилади;

— пул мажбурияти — хоҳ у қарзга олинган бўлсин, хоҳ у бошқа ҳар қандай асосдан келиб чиққан бўлсин — кредитор мажбурият вужудга келган пайтда яшаб турган жойида бажарилади. Агар кредитор кейинчалик яшаш жойини ўзгартирган ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса, у ҳолда мажбурият кредиторнинг янги яшаш жойида бажарилади ва мажбуриятнинг бажарилиш жойи ўзгариши билан боғлиқ ҳаражатлар айнан унинг зиммасига юклатилади.

Бажариш предмети. Бир тарафнинг иккинчи тараф фойдасига мажбуриятларни бажариш бўйича амалга ошириши керак бўлган ҳаракатлар *бажариш предмети* деб аталади. Агар бу мажбуриятлар бирор мулкни топшириш билан боғлиқ бўлса, шу мулк ҳам бажариш предметининг умумий тушунчасига киритилади.

Пул тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар *пул мажбурияти* деб аталади. Пул мажбурияти мустақил ёки бирор бошқа мажбуриятнинг таркибий қисми бўлиши мумкин.

Аксарият ҳолларда мажбурият бирор-бир предметга нисбатан тайинланади. *Масалан*, уй-жойни сотиб олиш тўғрисида шартнома тузилаётганда шу уй-жойни топшириш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар тегишли мажбуриятнинг бажарилиш предмети саналади. Агар бу ҳаракатлар амалда бажарилган бўлса, мажбурият ҳам лозим даражада бажарилган деб ҳисобланади.

Баъзан икки ёки ундан ортиқ предметли мажбуриятлар ҳам учраб туради ва улар шу предметларнинг биттаси ёрдамида бажарилади. *Масалан*, ёзув столи ёки китоб жавонини сотиб олиш ҳақида шартнома тузилади. Булардан қайси бирини олишни харидор ҳал қилади. Унгача ёзув столи ва китоб жавонини топшириш билан боғлиқ ҳаракатлар икки предметли мажбурият бўлиб қолаверади. Мажбуриятнинг бажарилиши пайтига келиб харидор бу предметлардан қайси бирини олишини ҳал қилиши лозим. Ёзув столи ёки китоб жавони харидорга топширилгандан кейин мажбурият лозим даражада бажарилган деб ҳисобланади.

Бажариш усули. Бажариш предмети бирор ягона нарса билан боғлиқ бўлса, қарздор шу нарсани кредиторга дарҳол на тўлалигича топшириш йўли билан мажбуриятни бажаради. Бироқ, мажбурият кўп сонли нарсалар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин: *масалан*, қарз шартномасида маълум миқдордаги пул, олди-сотди шартномасида эса кўп сонли бир хил нарса ҳақида сўз бораётган бўлса. Бу ҳолда бажариш бир марталик ҳаракат шаклида эмас, балки кетма-кет бажариладиган бир неча ҳаракатлар шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлади.

Кетма-кет бажариш қонунда ҳам назарда тутилган. *Масалан*, узоқ муддатга (олти ойга, бир йилга) мўлжаллаб тузилган шартномалар буюртмачига муттасил хизмат кўрсатиб туришни таъминлайди. Шунинг учун шартномада кўрсатилган умумий сумма олти ой ёки бир йил ичида белгиланган муддатларда кетма-кет бажарилиб боради. Ёки кредит шартномасини олайлик. Бунда ҳам шартнома харидорга говарнинг нархини маълум муддат ичида кетма-кет тўловлар орқали қоплаш ҳуқуқини беради. Лекин шартномада мажбуриятни кетма-кет бажариш назарда тутилмаган бўлса, кредитор уни қисмларга ажратилган ҳолда бажарилишини қабул қилмасликка ҳақли. Албатта, кредитор бу ҳуқуқидан фойдаланмаслиги мумкин, унинг розилиги билан қисман бажарилган мажбурият эса лозим даражада бажарилганга тенг. Шунинг учун ҳам қисман тўловни қабул қилган кредитор қарзнинг ўз вақтида тўланмаган қисми учун фоизлар талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ кредитор қарзнинг қисман тўланишини рад этса, фоизлар қарзнинг ҳаммасига нисбатан талаб қилиниши мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тадбиркорлик фаолиятининг хўжалик механизмини такомиллаштиришда шартномаларнинг ўрни муҳимдир. Тадбиркорлик асосан шартномалар орқали амалга оширилади. Шартномаларсиз тадбиркорлик режаларини амалга оширишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Тадбиркор ишлаб чиқарини ва хўжалик фаолияти жараёнида муайян шартномалар тузади.

Тадбиркорлик шартномалари — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишнинг *ҳуқуқий воситасидир*. Тадбиркорлик шартномасининг мазмуни уни тузиш тартибига асосан бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири — бу *тадбиркорлик шартномаларининг аҳамиятини ошириш ва шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришдан* иборат.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шартномаларни, хусусан, тадбиркорлик шартномаларини тартибга солишга оид қоидалар кенг берилган. Бундан ташқари шартнома муносабатларини янада мувофиқлаштириш мақсадида „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонун қабул қилинган.

Маълумки, шартнома — икки ёки бир неча шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги ўзаро келишувдир. Шартнома ўзаро муносабатга киришган томонларнинг келишувини акс эттирувчи ҳужжатдир. Тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар қонунлар билан бир қаторда шартномалар билан ҳам тартибга солинади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ютуғи биринчи навбатда тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг мукамал ва унинг қонунчилик доирасида тузилганлигига бевосита боғлиқдир.

Тадбиркорлик шартномаларининг мукамаллиги эса аввало, унинг тарафлар манфаатларини ифодалаш, амалдаги

қонунчиликка мос бўлиши ва унинг қонуний мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик шартномалари унинг тарафлари бўлиши — ўрта ва кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар нисбатан янги тузилмалар сифатида хўжалик муносабатларида нотенг мавқега эгаллиги, уларда шартномалар тузиш тажрибасини етарлича эмаслиги ва аксинча, шартноманинг иккинчи томони — тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг монополистик мавқега эгаллиги, уларда юридик хизматнинг йўлга қуйилганлиги, шартномалар тузиш тажрибасининг мавжудлиги билан характерланади.

Тадбиркорлик шартномаларини бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар каби характери, мазмуни ва мақсадига қараб **қуйидагича тавсифлаш мумкин:**

а) мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалар (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация, айирбошлаш, ҳадя, тармоққа улаш орқали энергетика ва бошқа ресурслар билан таъминлаш ва бошқа шартномалар);

б) мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топширишга қаратилган шартномалар (мулк ижараси, прокат, қарз мулкдан текин фойдаланиш, лизинг ва бошқа шартномалар);

в) муайян ишни бажаришга қаратилган шартномалар (пудрат, маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати ва бошқалар);

г) хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи, багаж, юк ташиш, транспорт экспедицияси, комиссия, воситачилик, омонат ва бошқа шартномалар)¹.

1- §. Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалар

Мазкур тоифадаги шартномаларнинг асосий хусусияти - товарга бўлган эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга (сотувчидан сотиб олувчига) ўтишидан иборатдир.

Бу турга мансуб тадбиркорлик шартномалари мол-

¹ Эволюция договорного право. II Под.ред. Х. Рахманкулова / — Т: „Мир, экономика и права“, 1997 й. 23- бет.

мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга қаратилган бошқа шартномалардан **қўйидаги белгилари билан фарқланади:**

а) ҳеч бўлмаганда шартноманинг бир тарафи махсус субъект — тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект эканлиги билан;

б) шартномаларнинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий талабини қондиришга қаратилганлиги билан;

в) тадбиркорга нисбатан „қаттиқроқ“ қоидаларнинг ўрнатилганлиги, жумладан, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун кучайтирилган жавобгарлик чораси белгиланганлиги,

г) айрим ҳолларда шартнома субъектлари эркиннинг чекланганлиги билан.

Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга қаратилган тадбиркорлик шартномалари орасида олди-сотди шартномаси муҳим ўрин тутаяди.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши олди-сотди шартномасининг тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишдаги ҳуқуқий восита сифатидаги аҳамиятини оширди.

Социалистик хўжалик тизими даврида олди-сотди шартномаси институти учун унчалик эҳтиёж бўлмаган. Маҳсулотлар, товарлар қатъий режа асосида ишлаб чиқарилган ва „фонд“, „наряд“ларга мувофиқ тақсимланган. Шартноманинг предмети асосан моддий-маиший аҳамиятга эга бўлган товарлар, ташкилотлар учун эса ёрдамчи воситалардан иборат бўлган.

Мамлакатимизда мулккий муносабатларнинг ривожланиши, бозор муносабатларининг таркиб топиши иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий шакли бўлмиш олди-сотди шартномасидан кенгроқ фойдаланиш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **386-моддасига** биноан **олди-сотди** шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятларини, сотиб олувчи эса товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

Олди-сотди шартномасида бир тараф товарни сотувчи, иккинчи тараф товарни сотиб олувчи ҳисобланиб, шартноманинг тадбиркорлик шартномаси „*мақомини олиш учун*“

тарафлардан бири — қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахс бўлиш, шартноманинг предмети ҳам тадбиркорлик мақсадига йўналтирилган бўлиши лозим.

Жумладан, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро ўз шахсий ёки оиласи эҳтиёжлари учун автомобиль сотиб олса, шартнома фуқаролик-ҳуқуқий битим хусусиятига эга бўлади. Агарда у автомашинани йўловчи ва юк ташиш мақсадида сотиб олса, олди-сотди битими тадбиркорлик шартномаси „мақоми“ни олади.

Юридик шахс мақомини тузмасдан Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, аммо белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган тадбиркор-фуқаро томонидан тузилган битимларга ҳам Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар ҳақидаги қоидаларни қўллаш мумкин.

Демак, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ олди-сотди шартномаларини тузишдан кўзланган асосий мақсад — товарга бўлган эгаллик ҳуқуқини сотувчидан сотиб олувчига утказишдан иборат.

Шартнома белгиларидан яна бири — унинг икки томонлама шартномалар туркумига кириши билан боғлиқдир. Шартнома бўйича тарафларнинг ҳар бирида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади.

Олди-сотди шартномаси **консенсуал** хусусиятга эга, яъни гузилган шартнома билан уни ижро этиш вақти ҳар доим бир-бирига мос бўлавермайди. Олди-сотди шартномасининг асосий белгиларидан яна бири — унинг ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар туркумига киришидир. Сотиб олувчи қабул қилиб олинган товар учун белгиланган ва келишилган пул суммасини (баҳосини) тўлаши лозим.

Эркин муомалада бўлган ҳар қандай мол-мулк, ашё-товар олди-сотди шартномасининг предмети бўлади. қонунда кўзда тутилган ҳолларда айрим товарлар муомаладан чиқарилган ёки уларнинг муомалада бўлиши чекланган бўлсада, шартнома предмети бўлиши мумкин.

Товарнинг номи ва унинг миқдори олди-сотди шартномасининг асосий шартларидан ҳисобланади. Бу шартлар шартномада аниқ кўрсатилмаган бўлса ва уларни белгилаш учун имконият бўлмаса, шартнома тузилган, деб ҳисобланмайди.

Товарнинг номи ва миқдори шартномада аниқ кўрсатилиши лозим. Товарнинг номи — адабий тил қоидаларига мувофиқ умум эътироф этилган атамада аниқ белгиланиши лозим. Товарнинг миқдори тегишли улчов бирликларида (метр, дона, тонна ва бошқалар) ёки пул бирлигида ифодаланиши мумкин.

Товарнинг баҳоси, сифати ва унинг топширилиш муддати барча ҳолларда ҳам шартноманинг асосий шарти ҳисобланмаслиги мумкин. Аммо, шартноманинг айрим турлари бўйича, хусусан, кўчмас мулкни ва корхонани сотиш шартномаси учун баҳо, контрактация учун — муддат олди-сотди шартномасининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини юритишда айниқса, шартнома муддати муҳим ўрин тутади. Негаки, товарнинг ўз вақтида топширилмаганлиги ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини издан чиқаради, тадбиркорга жиддий зарар келтиради. Масалан, фермер хўжалиги пахта етиштириш учун ўғитни шартномада кўзда тутилган вақтда ололмаса, ҳосилдорлик пасайиб кетади ва фермерга жиддий зарар етади.

Олди-сотди шартномасининг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Сотувчининг асосий мажбурияти ва ҳуқуқи — ўз тасарруфида бўлган, ёки келажакда ўзи яратадиган ёхуд оладиган ашёларни шартномада кўрсатилган миқдорда, муддатда, сифатли, бут ва тегишли идишга жойлаштирилган ва ўралган тарзда топширишдан ва бунинг эвазига тегишли ҳақни олишдан иборат.

Олувчининг асосий ҳуқуқ ва мажбурияти — сотилган товарни қабул қилиб олиш ва белгиланган ҳақни тўлашдан, агар сотилган товар шартномага мувофиқ топширилмаган бўлса, уни топширилишини талаб этишдан иборат бўлади.

Мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалар тизимида олди-сотди шартномасига турдош шартномалар — чакана олди-сотди, кўчмас мулкни сотиш, корхоналарни сотиш, маҳсулот етказиб бериш, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти, контрактация, энергия таъминоти шартномалари ҳам ўрин олган.

Чакана олди-сотди шартномаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчининг сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган товарларни топшириш мажбуриятларини ифодалайди.

Шартноманинг ўзига хос томони унда иштирок этувчи субъектларнинг таркиби билан боғлиқ. Шартнома бўйича соғувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс чиқиши мумкин. Шартноманинг иккинчи тарафи — истеъмолчи товарни қайта ишлаб чиқариш ёки сотиш учун эмас, балки шахсий маиший эҳтиёжлари учун сотиб олувчи фуқародир.

Чакана олди-сотди шартномасининг турлари сифатида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш йўли билан сотиш, намуналар бўйича сотиш, товарларни кредитга сотиш, товарларни илгаридан берилган буюртма бўйича сотиш ва ҳоказо шартномаларни кўрсатиш мумкин.

Чакана олди-сотди шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодексидан ташқари „Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“ ги, „Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва ҳавфсизлигини стандартлаштириш ва ўлчаш тўғрисида“ ги, „Маҳсулотлар ва хизматини сертификатлаштириш тўғрисида“ ги Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июндаги „Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари алоҳида турларини чаканалаб сотиш қоидалари“ ва бошқа ҳужжатлар билан гартибга солинади.

Олди-сотди шартномасининг турларидан бири — кўчмас мулкни сотиш шартномасидир. ФКнинг 83—85- моддаларига кўра шартноманинг хусусиятларини ифодаловчи асосий белги унинг объектдан иборат. ЎЗР янги ФК да Фуқаролик ҳуқуқларининг объекти бўлмиш мол-мулк биринчи марта кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк — ер участкалари, ер ости бойликлари, бино ва иншоотлар, мулккий комплекс сифатида корхоналар, шунингдек кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат.

Ҳаво, денгиз ва **дарё** транспортлари ҳам кўчмас мулк қаторига киритилиши мумкин. Кўчмас мулкнинг барча турлари ҳам бу шартноманинг объекти бўлавермайди. Чунончи, ер ости бойликлари сотилмаслиги мумкин. Кўчмас мулк сифатида сотиладиган ҳар қандай мулк давлат рўйхатидан ўтказилади.

Кўчмас мулкни сотиш ким ошди савдосида, танлов орқали, юридик шахсларнинг ўзаро келишуви асосида ва қонунда тақиқланмаган бошқа усулларда амалга оширилади. Шартноманинг бошқа олди-сотди шартномаларидан фарқи

уни тузишга нисбатан алоҳида усул қўлланилишидан иборат. **ФКнинг 480- моддасига** кўра кўчмас мулкни сотиш шартномаси битта ҳужжат тарзида тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиш талаб этилмайди.

Шартноманинг яна бир хусусияти кўчмас мулка бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Буни шартноманинг ўзини давлат рўйхатидан ўтказилишидан фарқлаш лозим. Сотиб олувчининг кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ушбу ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида вужудга келади.

Олди-сотди шартномасининг тизимига кирувчи кўчмас мулкни сотиш шартномасининг яна бир тури — корхонани сотиш шартномасидир. **ФКнинг 489- моддасига** биноан корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи харидорга бутун корхонани мулкый мажмуа сифатида топшириш мажбуриятларини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Корхона фақатгина ҳуқуқ субъекти эмас, балки мол-мулкларнинг мажмуаси сифатида ҳуқуқ объекти ҳам бўлади ва бутунлай ёки унинг бир қисми ёхуд қисмлари олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин. Шу билан у бошқа олди-сотди шартномаларидан фарқланади.

Корхона таркибига мол-мулкларнинг мажмуаси сифатида унинг ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, тайёр маҳсулотлар, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек, корхона ва унинг маҳсулот, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий белгилари (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари)га бўлган ҳуқуқлар ва бошқа ҳуқуқлар киради.

Шартнома субъекти жисмоний шахслар (улар корхонани бошқариш учун бошқа тадбиркорни жалб этиши мумкин), юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин. Сотилаётган корхона мулк ҳуқуқи асосида сотувчига тегишли бўлиши ва ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинган бўлиши керак. Корхонани сотиш шартномаси доимо ёзма шаклда тузилади ва нотариал гувоҳлантирилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик амалиётида товарлар олди-сотдиси бўйича кенг тарқалган шартномалардан бири — маҳсулот етказиб бериш шартномасидир. **ФКнинг 437- моддасида** маҳсулот етказиб бериш шартномаси қуйидагича таърифланади: „Маҳ-

сулот етказиш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи - сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади“.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси турдош шартномалардан ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

а) маҳсулот етказиб бериш шартномаси предмети ҳар қандай товарлар эмас, балки етказиб берувчи томонидан ишлаб чиқариладиган ёки сотиб олинadиган товарлардир. Олди-сотди шартномасининг предмети эса тайёр товарлардан иборат бўлиши мумкин;

б) маҳсулот етказиб бериш шартномасига қўра, товарни топшириш муддати шартноманинг асосий шарти саналса, олди-сотди шартномасида муддат унинг асосий шарти ҳисобланмайди;

в) маҳсулот етказиб бериш шартномасида шартномани тузиш ва ижро этиш даври деярли бир вақтга тўғри келмайди, олди-сотди шартномасида уни тузиш пайти ижро этиш вақтига тўғри келади;

г) маҳсулот етказиб бериш шартномаси нисбатан узоқ давом этадиган муносабатларни тартибга солиб, бир неча муддатда, қисмларга бўлиб ижро этилади. Олди-сотди шартномаси эса қисқа, одатда бир марта бўладиган муносабатларни тартибга солади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш шартномаси орқали ўз фаолиятлари учун зарур бўлган хом ашё, ускуналар, материаллар ва бошқа товарларни оладилар ва шу билан бирга ишлаб чиқарган товарларини сотиш имконига эга бўладилар.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмунини гашкил этувчи асосий шартлар — товарнинг миқдори, ассортимент, сифати, бутлиги, нархи ва бошқа шартларга ФКнинг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Мол-мулкка нисбатан эгалик кишиш ҳуқуқини ўтказиш-га қаратилган тадбиркорлик шартномалари орасида Фуқаролик ҳуқуқининг янги институтларидан бири бўлган - давлат контракти бўйича маҳсулот етказиб бериш шартномаси муҳим ўрин тутди.

Айрим турдаги товарлар билан жамият ва давлат эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги ФКда олди-сотди шартномасининг бир тури бўлмиш давлат контракти жорий этилди.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий, мудофаа, илмий-техникавий манфаатлари ва бошқа умуммиллий эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат контракти бўйича алоҳида турдаги товарлар маълум чекланган миқдорда ва давлат нархида тегишли давлат ташкилотлари, корхоналарига етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг **458- моддасига** кўра давлат эҳтиёжлари учун товарлар еказиб бериш юзасидан давлат контракти бўйича маҳсулот *етказиб берувчи* (ижрочи), давлат буюртмасига ёки унинг кўрсатмасига биноан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга келишилган муддатда товарлар етказиб беришни, *давлат-буюртмачиси* эса етказиб берилган товарлар ҳақини белгиланган муддатда тўланишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

Шартнома бўйича бир тарафдан товар етказиб берувчи ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъект, иккинчи тарафдан, албатта давлат ёки давлат ташкилоти иштирок этади. (*Масалан*, „Ўздонмаҳсулот“ давлат акциядорлик корпорацияси, „Ўзпахтасаноатсотиш“ уюшмаси ва бошқалар.)

Давлат контракти бўйича муносабатларда маҳсулотни етказиб берувчи (ижрочи), давлат буюртмачиси ва унинг кўрсатмасига кўра бошқа шахслар иштирок этади. Давлат буюртмачиси билан ижрочи ўртасидаги муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий, ижрочи билан бошқа шахслар ўртасида муносабатлар эса фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга.¹

Давлат контрактининг ўзига хос хусусиятларидан бири шартнома томонларидан бири бўлган тадбиркорлик субъекти ҳамма вақт ҳам шартномавий муносабатлардан фойда олавермайди. Баъзи ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъект

¹ Х. Раҳмонқулов. Олди-сотди шартномаси. Т., „Адолат“ 2001 й. 93- бет.

шартномавий муносабатлардан маълум зарар кўриши ёки кулаган фойдани ололмай қолиши мумкин. Албатта, товар ва маҳсулотлар бошқа хўжалик юритувчи субъектларга „эркин“ сотилганда кўпроқ даромад олинishi мумкин бўларди.

Шу сабабли ФКнинг **459- моддаси** 9- қисмида давлат буюртмачиси давлат контрактини бажариш натижасида товар етказиб берувчи кўриши мумкин бўлган барча зарарларни қоплаш мажбуриятини олади.

Мазкур тизимга кирувчи тадбиркорлик шартномалари орасида контрактация шартномаси кўп учрайди.

ФКнинг **465- моддасига** кўра контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Контрактация шартномаси субъекти ва предмети бўйича олди-сотди шартномаси ва унинг бошқа турларидан фарқланади. Шартнома тарафларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиб, ундириб, етиштирувчи шахс бўлса, иккинчи тараф бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи тадбиркор ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган „Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида“ги Низом билан тартибга солинади. Баъзи асосий турдаги маҳсулотлар (пахта, галла ва ҳоказо) бўйича маълум миқдорда давлат контрактига асосан топшириш ҳам контрактация шартномаси тузиш орқали амалга оширилади.

Шартнома тарафлари сифатида бир тарафдан, мулкчилик шаклидан қатъи назар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик юритувчи хўжаликлар — жамоа, ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари, иккинчи тарафдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олувчи, уни қайта ишловчи, тайёрловчи ва сотиш учун харид қилувчи корхона, ташкилотлар қатнашади.

Шартноманинг хусусиятларидан яна бири давлат кон-тракти бўйича сотиладиган маҳсулотларнинг баҳоси олинани-дан давлат томонидан белгиланган бўлади.

Ортиқча топширилган маҳсулотлар учун юқори нарх тўлаш махсус қарорларда кўрсатилиши ёки шартнома тарафларининг келишуви билан эркин равишда белгиланиши мумкин.

Олди-сотди шартномасига турдош шартномалар орасида энергия таъминоти шартномалари турмушда кўп учрайди. **ФКнинг 468- моддасига** кўра энергия таъминоти шартнома-сига мувофиқ, **бир тараф** энергия билан таъминловчи таш-килот туташтирилган тармоқ орқали, **иккинчи тараф** — аба-нентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул килинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек, шартномада белгиланган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика ша-хобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойда-лананидиган энергияни истеъмол қилувчи асбоб ва ускуна-ларнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Шартномада *бир томондан*, уланган тармоқ орқали энергия билан таъминловчи ташкилот, *бошқа томондан*, абонент (истеъмолчи) қатнашади.

Шартнома предмети — уланган тармоқ орқали берилани-дан энергия манбасидир.

Шартномага кўра энергия таъминоти ташкилоти аба-нентнинг тармоғига узлуксиз ёки келишилган жадвал асосида белгиланган миқдорда энергия узатиш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича истеъмолчи — белгиланган тариф асосида олинган энергия учун ҳақ тўлаш, энергия тармоқла-рининг ишлаш хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш мажбу-риятини олади.

ФКнинг 478- моддасига биноан, энергия таъминоти шартномасига тааллуқли қоидалар туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига ҳам қўлланилади.

2- §. Мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топширишга қаратилган шартномалар

Мазкур тоифага кирувчи шартномалар орасида мулк ижараси, прокат шартномаси, транспорт воситалари ижараси шартномаси, бинолар ва иншоотлар ва уй-жой ижараси

шартномаси, корхонани ижарага бериш шартномаси, лизинг шартномаси, текин фойдаланиш шартномаси амалиётда кент қўлланилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулкдан фойдаланишга оид муносабатларнинг қўлланиши ҳам кенгая боради. Мулк эгаси ўз мулкдан унумли фойдаланиш мақсадида уни бошқа шахсларга вақтинча фойдаланиш учун бериши мулкнинг фойдаланилмасдан бекор ётишининг олдини олиш билан бирга мулкдорга катта фойда олиш имконини ҳам беради.

Айни пайтда ўзида тадбиркорлик фаолиятини самарали юритиш учун керакли мол-мулкларга эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар бундай мулкни бошқа шахслардан вақтинча фойдаланиш учун олиш ва шу йўл билан бу мулкка бўлган эҳтиёжини қондириши мумкин бўлади.

Шартноманинг аҳамиятли томони шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига тегишли мол-мулкдан тўла фойдаланишлари учун қулай имконият яратилади.

Ижара — бу мулк эгасининг ўзaro келишувига мувофиқ ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа буюмларни муайян тўлов эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа бировга топширишдир. Мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкнинг бошқа биров (ижарачи)га ишлатиш ва фойдаланиш учун берар экан, ҳар иккала тараф ҳам фойда олишни кўзда тутади.

ФКнинг **535-моддасига** кўра ижара шартномаси деб шундай келишувга айтиладики, бунга асосан **бир тараф** ижарага берувчи, маълум бир мулкни **иккинчи тараф** — ижарага олувчига ҳақ бараварига вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Ижарачи шартнома муддати тугаши билан ижара мулкни қайтаришга мажбур бўлади.

Шартноманинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга кўра ижарачига мулкка эгалик қилишнинг **икки жиҳати**: *мулкни эгаллаш* ва *ундан фойдаланиш* ҳуқуқи ўтади. Мулкни *тасаруф этиш* ҳуқуқи эса мулк эгасида қолади.

Шартнома объекти истеъмол қилинмайдиган ва ҳуқуқий аломатлари билан белгиланадиган ер участкалари, корхоналари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа ашёлар бўлиши мумкин.

Мулк ижараси шартномасининг алоҳида турларидан бири — **прокат шартномасидир**. Ўзбекистон Республикаси

ФКнинг 558- моддасига кўра, прокат деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун кўчар мол-мулкни топшириш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича ижарага берувчи сифатида барча ҳолларда, тадбиркорлик субъектлари — юридик ва жисмоний шахслар, ижарага олувчи эса фақат фуқаролар бўлади. Шартномага мувофиқ буюмларни ижарага берувчи тадбиркорнинг бурчи — фойдаланиш учун яроқли ашёни тақдим этиш, прокатга берилаётган ашёнинг фойдаланишга яроқли эканлигини ижарага олувчи ҳузурида текшириш, прокатга олинган ашё бузилганда, йўқолганда ёки комплексиз қайтарилганда мулкий жавобгарлиги тўғрисида ижарачини огоҳлантиришдан иборат.

Ижарага олувчининг бурчлари эса ижара ҳақини вақтида тўлаш, мулкдан унинг вазифасига мувофиқ фойдаланиш, прокатга олинган мулкни бошқа шахсга фойдаланиш учун бермаслик, ашёни таъмирламаслик ва шартнома муддати тугагач, уни бутун ҳолда ижарага берувчига қайтариб топширишдан иборатдир. Хусусий аломатлари билан белгиланган ва истеъмол қилинмайдиган ҳар хил ашёлар, хусусан муסיқа асбоблари, техника воситалари, уй-рўзғор буюмлари, спорт анжомлари ва х.к шартноманинг предмети бўла олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома предмети кенга боради. *Масалан*, автотранспорт воситалари, компьютер техникалари ва ҳ.к.ларни прокатга бериш ривожлана боради.

Прокат шартномаси аниқ муддатга тузилиши билан бошқа шартномалардан фарқ қилади. *Масалан*, прокат шартномаси мол-мулк ижараси шартномасидан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга тузилиши ҳамда прокат нарчасини яхшилаш, таъмирлаш учун фойдаланувчи мажбурият олмаслиги билан фарқланади.

Амалиётда тадбиркорлик субъектлари транспорт воситаларини ижараси шартномасидан ҳам кенг фойдаланадилар. Айниқса, бозор иқтисоди шароитида тадбиркорлик субъектлари ўзларининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмайдилар. Шу сабабли вақтинча фойдаланиши учун уларни ижарага олиш зарурияти тугилади. Транспорт ижараси шартномасининг турли шакллари мавжуд.

ФКнинг 564- моддаси 1- қисмига биноан транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича эса ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатилмаган ҳолда вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради.

Транспорт воситаларидан тижорат мақсадларида фойдаланаётган ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш муносабати билан ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар ҳақини тўлаш мажбурияти ижарага олувчи зиммасида бўлади.

Ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини экипажи билан ёки экипажсиз ижара шартлари асосида ижарага берувчининг розилиги билан бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришга ҳақли бўлади.

Транспорт воситасини ижарага олувчи ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш имкониятига эга. У ижарага берувчининг розилигисиз ўз номидан учинчи шахслар билан юк ва йўловчилар ташиш ва бошқа шартномалар тузишга ҳақли. Бунда у транспорт воситаларидан фойдаланиш мақсадларига, бундай мақсадлар шартномада кўзда тутилмаган ҳолларда эса транспорт воситасининг вазифасига ва техник имкониятларга ҳилоф бўлмайдиган равишда фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги талабларга амал қилади.

Транспорт воситаларининг айрим турларини ижарага беришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Булар транспортни сақлаш, бошқариш, техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш билан боғлиқдир. Жумладан, сув ва ҳаво транспорти, автомобиль транспортини ижарага бериш ўзига хос хусусиятларга эга. Уларни ижарага беришда транспорт Низомлари, кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатларида алоҳида қоидалар белгиланган бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ишлаб чиқариш, маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш

мақсадида бошқа шахсларнинг бино ва иншоотларини вақтинча фойдаланишга олиш зарурияти туғилади.

Бино ва иншоотлар ижарасида ижара муносабатларини тартибга солишнинг умумий қоидалари қўлланилади. Бу шартнома биринчидан, муддатли ва ҳақ тўлаш назарда тутилган шартнома ҳисобланади. Иккинчидан, шартнома бўйича бинолар ва иншоотлар вақтинча эгаллаш ва фойдаланишга ёки вақтинчалик фойдаланишга берилади.

Шартнома бошқа ижара шартномаларидан предмети бўйича характерланади. Шартнома предмети бўлиб бинолар ёки иншоотлар ёхуд кўчмас мулкнинг бошқа турлари ҳисобланади. Бундан ташқари бу шартноманинг яна бир хусусияти бино ва иншоотлар билан бир вақтда улар жойлашган ер участкаси ҳам *шартнома предмети* ҳисобланади.

Қонунда бино ва иншоотлар тушунчаси берилмаган. Турмушда, умум фойдаланишдаги маъносида бино - одамлар яшаш ва ишлаш мақсадида қурилган иншоотлардир.

Бино ва иншоотлар ижараси тўғрисидаги қоидалар уларнинг бир қисмини ижарага берганда ҳам қўлланилади. ФКнинг **574- моддасига** кўра мазкур шартнома тарафлар имзолайдиган ягона ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади.

Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ижара шартномаси шаклларида бири корхонани ижарага бериш шартномасидир. ФКнинг **579- моддасига** кўра, корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун мулккий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиш мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Корхонани ижарага олишдан асосий мақсад тадбир-корлик соҳасида ишлаб чиқариш ва хўжаликни юритишда ундан самаралироқ фойдаланишдан иборатдир.

Шартнома қуйидагича ўзига хос хусусиятларга эга:

— шартнома предмети — бутун корхона, яъни мол-мулк комплексидан иборатдир;

— корхонани ижарага бериш уни хусусийлаштиришнинг ўзига хос шаклидир;

— шартнома бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига корхонанинг асосий фондини ташкил этган асосий объект-

шир, жумладан, ер участкаси, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг топшириш мажбуриятларини олади. Корхонанинг айланма маблағлари ҳам шартномада белгиланган тартибда ижарага олувчига ўтказилади;

— ижарага берувчининг интеллектуал мулкдан фойдаланиши ҳуқуқи ҳам корхонани ижарага олувчига ўтади;

— корхонани ижарага олувчига ижарага берувчининг учинчи шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи ва қарз мажбуриятлари ҳам ўтиши мумкин;

— ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас.

Корхонани ижарага бериш муддати 5 йилдан кам бўлмашлиги керак.

Агар қонун ҳужжатлари ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт.

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса, мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши зарур.

Шунингдек, ижарага олувчи шартнома амалда бўлган даврда *корхонани техник ҳолатда сақлаб туриши, жорий ва капитал таъмирлаши, корхонани ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб туриши* лозим.

Бундан ташқари ижарага олувчи корхонани ижарага берувчининг розилигисиз қайта қуришга, кенгайтириб, техник созлаш, корхонани вақтинча фойдаланиш ёхуд қарзга бериш, қўшимча ижарага бериш, ижарага берувчининг розилиги билан сотиш, айирбошлашга ҳақли бўлади.

Ижара шартномаси шакллари орасида лизинг шартномаси ҳам муҳим ўрин тутиб, иқтисодий ҳаётга тобора кўпроқ кириб бормоқда. Бу шартнома бўйича **лизинг берувчи** (ижарага берувчи) *бир тараф*, **лизинг олувчи** (ижарага олувчи) *иккинчи тарафнинг* топшириғига биноан **ишлаб чиқарувчи** (сотувчи) *учинчи тараф* билан ўз маблағлари ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса, бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини олади.

Бошқа шартномалардан фарқли ўлароқ лизинг шартномасида **3 та тараф — сотувчи, лизинг олувчи ва лизинг берувчи** иштирок этади.

Истеъмол қилинмайдиган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини учун зарур бўлган ҳар қандай ашёлар **лизинг объекти** бўлади.

Мол-мулкдан фойдаланиш юзасидан тузиладиган шартномалар гуруҳига **мулкдан текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси** ҳам киради. Шартномага кўра *бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тараф (ссуда олувчи)*га ашёни вақтинча текин фойдаланиши учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ёйилишини ҳисобга олиб, худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Текин фойдаланиш шартномаси мулк ижараси шартномасидан ҳақсиз тузилиши билан фарқланади. Бундан ташқари шартнома — **бир томонлама шартномалар** туркумига киради. Шартноманинг яна бир хусусияти шартнома бўйича текин фойдаланувчига мулкдорнинг фақат *икки ҳуқуқи* — **мулкка эгалик** ва **ундан фойдаланиш** ҳуқуқи ўтади.

Бу шартнома хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида кўп қўлланилмаса-да, баъзан учраб туради. Корхона, ташкилотлар бир-бирларига ўзларида вақтинча фойдаланилмай ётган асбоб-ускуналарни вақтинча текин фойдаланиш учун топширишлари мумкин.

Ссуда шартномаси ссуда берувчилар манфаатларини кўзлаб тузилмайди, балки фақат ссуда олувчининг манфаатларини кўзловчи мажбуриятларини ўз ичига олади.

Шартноманинг предмети истеъмол қилинмайдиган ашёлар — ер участкалари ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин.

3- §. Муайян ишни бажаришга қаратилган шартномалар

Бозор иқтисоди шароитида тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини самарали юритишлари учун бажарилиши махсус билим ва малака талаб этадиган баъзи ишларни, жумладан, маиший пудрат, қурилиш, лойиҳалаш, қидирув, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни амалга оширишга янада кўпроқ эҳтиёж сезадилар.

Корхоналар қурилиш, таъмирлаш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун тегишли қурилиш-таъмирлашга ихтисослашган ташкилотлар билан шартнома муносабатларига киришади.

Бу муносабатлар ишни бажаришга қаратилган шартномалар — пудрат шартномаси орқали тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 631- моддасига кўра пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушун натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Пудрат шартномасининг объекти — маълум бир бажарилган ишнинг натижаси ҳисобланади. Шартноманинг тарафлари бўлиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар ва фуқаролар ҳисобланади.

Агар қонун ва тарафларнинг келишуви билан ишни пудратчининг шахсан ўзи бажариш белгиланмаган бўлса, пудратчи маълум бир ишларни бажариш юзасидан бошқа пудратчилар билан шартномалар тузиши мумкин. Бундай ҳолда асосий ишни бажарувчи тараф — **бош пудратчи** деб, маълум бир қўшимча ишни бажариш учун бош пудратчи билан шартнома тузган пудратчи — **ёрдамчи пудратчи** деб аталади.

Бош пудратчи ёрдамчи пудратчиларни шартнома бўйича ишни бажариш билан боғлиқ зарур материаллар билан таъминлашга мажбур бўлади.

Пудрат шартномасининг асосий ва турмушда кенг учрайдиган турларидан бири — **маиший пудрат шартномасидир**.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи — фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятларини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартнома тарафлари — бир томондан маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, иккинчи тарафдан фуқаро ҳисобланади. Шартнома фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Мазкур гуруҳга кирувчи шартномалар орасида **қурилиш пудрати шартномаси** муҳим ўрин тутади. ФКнинг 666- моддасига кўра, бу шартнома бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан

муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси бошқа пудрат шартномаларидан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади. *Биринчидан*, шартнома консенсуал, ҳақ бараварига ва икки томонлама шартнома ҳисобланади. *Иккинчидан*, қурилиш пудрати шартномаси корxonани, бинони, иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. *Учинчидан*, шартнома тарафлари — буюртмачи пудратчини танлаш имкониятига эга бўлганидек, пудратчини қабул қилиш, танлаш (тендер асосида) имкониятига эга бўлади. *Тўртинчидан*, пудратчи қурилиш ва бошқа ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Шартноманинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш давлат қабул комиссияси томонидан буюртмачи, бош пудратчи ва субпудратчилар иштирокида амалга оширилади.

Қурилиш пудрат шартномаси илгариги капитал қурилишга оид пудрат шартномасидан фарқ қилиб, фақат янги бино ва иншоотларни қуришни эмас, мавжуд бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ва қуриш билан боғлиқ бошқа ишларни бажаришни ҳам назарда тутди.

Пудратчи одатда қурилиш объектини тўла якунлаш учун шартнома тузади. Бунга ишларни лойиҳалаштириш, объектни қуришга тайёрлаш, тозалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш ва бошқа ишлар киради.

Шартноманинг тарафлари сифатида **буюртмачи** ва пудратчи иштирок этиб, **буюртмачи** — ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс бўлиши мумкин, пудратчи — тегишли лицензия (рухсатнома)га эга бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахс иштирок этиши мумкин.

Пудратчи қонунда ва шартномада назарда тутилган ҳолатларда қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида битказиш мақсадида бошқа шахслар билан *субпудрат* шартномасини тузишга ҳақли бўлади. Пудратчи шартнома ва қонунга мувофиқ топшираётган қурилиш объектини якун-

лаб фойдаланишга кафолат бериши шарт. Кафолат муддати қурилиш муддати қабул қилинган кундан бошлаб, шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, 10 йилдан иборатдир.

Шартноманинг бажарилишини таъминлаш мақсадида шартномада пудрат шартномаси бўйича томонларнинг жавобгарлиги ҳақидаги қоидалардан ташқари қўшимча жавобгарлик, хусусан, мулкый жавобгарлик чоралари ҳам кенг қўлланилади.

Фуқаролик кодексида лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси ҳам пудрат шартномасининг тури сифатида кўзда тутилган. Аммо, бу шартнома қурилиш пудрати шартномаси билан узвий боғлиқдир. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (лойиҳаловчи, қидирувчи) буюртмачининг топшириғи бўйича шартномада белгиланган муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қидирув ишларини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Баъзан шартнома ва қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи бир шахс бўлиши мумкин. Шартнома предмети бўлиб пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки қидирув ишларини бажариш ҳисобланади. Шартнома субъектлари сифатида буюртмачи ва пудратчилар иштирок этади. Буюртмачи сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиши мумкин. Пудратчилар сифатида махсус рухсатнома (лицензия) асосида тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхона, ташкилотлар чиқади. Бундан ташқари буюртмачининг топшириқларини бажаришда субпудратчилар ҳам иштирок этиши мумкин.

Пудратга оид тадбиркорлик шартномаларининг яна бир тури **илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудратчи шартномасидир.**

ФКнинг 693- моддасига кўра илмий-текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижрочи) буюртмачи берган вазифасида кўрсатилган илмий текширишларни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича эса — янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш

мажбуриятини олади. Бунда буюртмачи пудратчига (ижро-чига) техникавий топшириқ бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартнома консенсуал, икки томонлама ва ҳақ баро-барига тузиладиган шартномалар гуруҳига кириб, анъанавий пудрат шартномаларидан амалга ошириладиган ишлар ҳар доим интеллектуал, ижодий фаолият бўлиши, эришиладиган натижани ҳам, унга кетадиган сарф-харажатларни ҳам олдиндан аниқ белгилаб қўйиш мумкин эмаслиги ва ҳ.к белгилари билан фарқланади.

Шартнома субъекти — буюртмачи ҳар қандай тадбир-корлик корхонаси — юридик шахс ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин. Ишларни ижро этувчи (пудратчи) сифатида ҳар қандай ташкилотлар эмас, балки ўзларининг махсус ҳуқуқларига кўра илмий-текшириш ишларини амалга ошира оладиган ташкилотларгина қатнаша олади. Масалан, илмий-текшириш институтлари, конструкторлик бюрolari, олий ўқув юртлари шулар жумласига кириши мумкин.

Шартнома предмети — бу пудратчининг ижодий (интел-лектуал) фаолияти, ижодий меҳнатлари натижаси бўлиб ҳисобланади. Одатда умумий қоида бўйича шартнома предме-тида назарда тутилган илмий-тадқиқотлар пудратчининг шахсан ўзи томонидан амалга оширилиши лозим. Фақат буюртмачининг розилиги билан у шартномани бажаришга учинчи шахсларни жалб этиши мумкин.

Тажриба конструкторлик ва технология ишларини бажаришда пудратчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларни жалб этишга ҳақли, аммо учинчи шахслар асосий ишларни эмас, балки ёрдамчи ишларни бажариши мумкин.

4- §. Хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар

Бозор иқтисоди шароитида аҳолига турли хизматлар кўрсатиш орта боради. Хизмат кўрсатишга қаратилган тадбир-корлик шартномалари орасида **ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари** кўпроқ учрайди.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижро-чи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятини амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Бу шартнома бўйича „хизмат кўрсатиш“ тушунчаси бир қадар тор маънода бўлиб, ФКнинг бошқа бобларида кўзда тутилмаган хизмат турлари — алоқа хизмати, тиббий хизмат, маслаҳат хизмати ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

Шартнома субъектлари сифатида буюртмачи бўлиб (фуқаролар ва юридик шахслар, ижрочи эса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ва хизмат кўрсатиш учун белгиланган тартибда рухсат олган ташкилотлар қатнашадилар. Шунингдек, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳақ эвазига хизмат кўрсата оладилар.

Шартноманинг асосий хусусиятларидан бири унинг предмети ашёвий шаклда бўлмаган ҳаракат ёки фаолият эканлигидир. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари асосан оммавий шартномалар (алоқа, тиббиёт, меҳмонхона, сайёҳлик бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича) таркибига кирилади.

ФКнинг **704-моддасига** биноан шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизматни шахсан ўзи кўрсатиши шарт. Ижрочи шартнома билан хизмат кўрсатишни учинчи шахсга юклаш ҳуқуқига эга. Аммо, ижрочи жисмоний шахс бўлган ҳолларда хизмат кўрсатиш шахсан у томонидан кўрсатилиши шарт.

Иқтисодий алоқаларнинг такомиллашуви, техниканинг ривожланиши, транспорт воситаларидан кўпроқ фойдаланиш зарурияти — **йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномаларининг** аҳамиятини оширади.

Йўловчи ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини, йўловчи багаж топширган бўлса — багажни ҳам белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади.

Шартнома субъекти сифатида йўловчи — ташувчи хизматдан фойдаланувчи жисмоний шахс бўлади. Ташувчи эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳақ эвазига йўловчи ва багажни манзилга элтувчи шахс бўлиши мумкин.

Шартноманинг асосий хусусиятларидан бири ташиш бўйича хизматдан фойдаланувчи тараф сифатида фуқаро қатнашади. Бундан ташқари шартнома — консенсуал характерга эгалиги, икки томонлама шартномалар гуруҳига кириши, ҳақ баробарига тузилиши билан характерланади.

Ташиш шартномасининг яна бир тури — юк ташиш шартномасидир. Бу шартнома бўйича юк ташувчи, жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича ташувчи сифатида тегишли рухсатномага эга бўлган шахс қатнашади. Булар темир йўл корхонаси, автохўжаликлар, аэропорт ва бошқалар бўлиши мумкин. Юкнинг қайси транспорт турида ташилишига қараб, **юк ташишнинг бир неча турлари учрайди:** *автомобиль транспорти орқали ташиш, ҳаво транспорти орқали ташиш, сув транспорти орқали ташиш* ва бошқалар.

Ташиш қандай йўллар билан амалга оширилишига қараб уч турга бўлинади: ички қатнов бўйича юк ва йўловчилар ташиш, халқаро қатнов бўйича йўловчи ва юк ташиш, аралаш қатнов бўйича юк ва йўловчи ташиш. Мазкур гуруҳга кирувчи шартномалар ичида транспорт экспедицияси шартномаси тадбиркорлик фаолиятида кўпроқ учрайди.

ФКнинг 726- моддасига кўра, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедитор ҳақ эвазига ва мижоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

Экспедитор сифатида транспорт экспедицияси хизматини кўрсатиш учун махсус рухсатнома олган юридик ва jisмоний шахслар қатнашади. Мижоз сифатида кўрсатиладиган экспедиция хизматларига буюртма берадиган ҳар қандай шахслар (юк жўнатувчи, юк олувчи) бўлиши мумкин. Шартнома предметини экспедитор томонидан кўрсатиладиган юкларни ташиш билан боғлиқ хизматлар ташкил қилади.

Омонат сақлаш шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк ташувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолда қайтариш мажбуриятини олади.

Шартноманинг асосий мақсади ашёларнинг бутунлигини сақлаш, бошқалар томонидан зарар етказилиши, ўзлаштириб олинишидан асрашдан иборат. Омонатчи ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлмайди, балки уни сақлаб бериш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича омонат сақловчи фуқаро ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи — юридик шахс бўлиши мумкин. Омонат топширувчи бўлиб эса мулкнинг эгаси бўлган ёки ундан фойдаланувчи фуқаро ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Шартнома предмети хусусий аломатлари билан белгиладиган ва жузъий аломатлар, яъни сон, ўлчов билан белгиладиган ашёлар бўлиши мумкин. Бозор иқтисоди шароитида тадбиркорнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида омонат сақлашнинг турлари кўпая боради. Жумладан, товар омборлари, банкларда, транспорт корхоналарида, кийиниш хоналарида, меҳмонхоналарда омонат сақлаш кўп қўлланилади.

XII БОБ | **Тадбиркорлик соҳасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари**

1- §. Мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишининг аҳамияти

Бозор муносабатлари тизимида мажбуриятларни лозим даражада бажариш жамият манфаатлари ҳамда унинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий талабларини қондиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик соҳасида шартномавий алоқадорликларнинг вужудга келиши ва уларни қонунларда кўрсатилган тартиб-қоидаларга ҳамда ўзлари тузган шартномаларга риоя қилиш ва уларни лозим даражада бажаришга ҳамда шартномавий муносабатларнинг принципларига амал қилишга ҳам боғлиқдир. **Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари нималардан иборат деганда:**

— улар билан бўладиган хўжалик шартномаларининг эркинлиги;

— шартномадан тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;

— шартнома интизомига риоя этиш;

— тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги ва бошқалар.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган келишувлардан фойдаланиши мумкин.

Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир ёки бўлмасам юридик шахс ташкил этмасдан юқоридаги ҳолат талабларни бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас, яъни ўзига олган мажбуриятни бажаришдан озод қилади, бекор қилишади дейилган нарсани келтириб чиқармайди. Суд бундай битимларга ФКнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларни қўллаши мумкин (ФКнинг **24- моддаси**).

Тадбиркорлик фаолиятида мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг хилма-хил

ҳўғиёжларини қондириш, таъминлаш мақсадларида ўрнатилади. Мажбуриятлар тўғрисидаги нормалар мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари орқали хилма-хил хизматлар кўрсатилишини тартибга солади.

Мажбуриятлар воситасида мулк ва мулкӣ ҳуқуқлар қўриқланиши таъминланади. Фуқаронинг соғлиғига зарар етказилганда, фуқаро ўлдирилганда кўриладиган зарарлар қопланади ва ҳоказо.

Мажбурият ҳуқуқи фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатни ҳам, жумладан, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларини олишда, уй-жой сотиб олиш ва бошқа ҳолларда бўладиган ўзаро муносабатларни ҳам тартибга солади. У ташкилотлар ва фуқаролар, тадбиркорлик субъектларига етказилган мулкӣ зарарнинг тўланишини, шунингдек, қонун ёки шартномалар билан белгиланган асослар бўлмай туриб олинган нарсаларнинг қайтарилишини таъминлайдиган ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади.

Мажбурият ҳуқуқининг тизими икки асосий бўлимдан: мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар ва мажбуриятларнинг айрим турларига оид махсус қоидалардан иборат.

Мажбурият тўғрисидаги умумий қоидаларда (**ФКнинг 234 — 252- моддалари**) мажбуриятларнинг келиб чиқиш ва бажарилиши, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, галаб қилиш ҳуқуқини бировга ўтказиш ва қарзни кўчириш мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик ва ниҳоят мажбуриятларнинг бекор қилиниши асослари белгиланади.¹

Мажбурият — фуқаролик, ҳуқуқӣ муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (**ФКнинг 234- моддаси**). Мажбуриятларнинг бажарилишига махсус чоралар ёрдам бериб, улар мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари деб номланади.

Бу чоралар қарздор зиммасига мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса, қўшимча мажбу-

¹ И. Зокиров., Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент, „Адолат“. 1996 й. 184 - бет.

рийатларни юклаш ёки мажбуриятнинг бажарилишига эришиш учун қарздор мулкни резерв (запас) қилиб қўйиш (гаров, закат) ёки мажбуриятни бажариш учун қарздор билан бир қаторда учинчи шахсни жалб этиш (кафиллик) ёхуд муайян пул суммасини кредиторга тўлаш ҳақида тегишли органнинг ёзма мажбурият бериши (банк кафиллиги) билан ифодаланади.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари дейилганда асосий мажбуриятнинг бажарилишини етарли даражада кафолатловчи ва қарздорни тегишли ҳаракатга даъват қилувчи махсус чоралар тушунилади².

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари асосий мажбуриятга қарам (қўшимча) бўлиб ва асосий мажбурият *ҳақиқий эмас* деб топилса ёки ўз ҳаракатини тўхтатса, *қўшимча мажбурият* ҳам бекор қилинади.

Аммо қонунчилик билан мажбуриятларни таъминлашда мустақил бўла олувчи усуллар ҳам назарда тутилган, масалан, банк кафолати.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи усуллар кредитор манфаатини кўзлаб ўрнатади. Бу усулларнинг барчаси ҳам санкция ҳисобланмаса-да, улар қарздор учун бевосита ёки билвосита қўшимча мажбуриятларни юклайди. Масалан, гаровда кредитор гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондириши мумкин. Аммо бу мол-мулк ҳисобидан, шунингдек, кредиторнинг қўшимча талаблари — неустойкани тўлаш, етказилган зиённи қоплаш ҳам амалга оширилиши мумкин.

Томонлар томонидан танланган таъминлаш усули ёзма равишда шу мажбуриятда ёки қўшимча (ёхуд махсус) келишувда расмийлаштирилиши керак. Баъзи усуллар нафақат ёзма, балки нотариал тасдиқланган, ҳаттоки махсус рўйхатга олинган шаклда (гаров, банк кафолати) тузилади.

Таъминлашнинг барча усуллари мажбуриятли - ҳуқуқий характерга эга бўлиб, ўз олдига мажбуриятни бажаришга ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган.

Мажбуриятларни таъминлаш усуллари. Амалдаги қонун а мувофиқ мажбуриятларни бажариш *неустойка, гаров, мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, банк кафолати, закат* ҳамда қонун ёки шартномада назарда тутилган *бошқа усуллар* билан

¹ Холматов Р., Миронова О. Обеспечения исполнения обязательств // Российская юстиция, 1996 й. 5- сон. 18-20 бетлар.

таъминланиши мумкин. ФК мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари доирасининг банк кафолати ва мулкни ушлаб қолиш ҳисобига кенгайтирди. Тўғри, мулкни ушлаб қолиш илгариги қонунда ҳам мавжуд эди, лекин мажбуриятларнинг алоҳида турларига нисбатан (масалан, комиссия ва юк ташиш билан боғлиқ мажбуриятларда) қўлланилар эди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, амалдаги ФК 1964 йилги ФКга қараганда таъминлаш усуллариининг қатъий эмас, балки намунавий рўйхатига эга. Шунинг учун қонунда назарда тутилган мажбуриятларни таъминлаш усуллари билан бир қаторда тарафлар томонидан ўзгача усуллар ҳам белгиланиши мумкин, масалан, товар неусгойкаси.

Ундан ташқари нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг баъзи бир шакллари мажбуриятни таъминлаш хусусиятларига эга: аккредитив, инкассо, чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш ва ҳоказо. Шартномаларнинг баъзи турлари ҳам таъминлашнинг муайян сифатига эга: хусусан, **кредит, лизинг, факторинг, суғурта** шартномалари.

Асосий мажбуриятларни таъминлашда субъект сифатида гарафлардан ташқари, учинчи шахсларнинг иштирок этиш ҳолатлари ҳам кенгайтирилган. Айнан шундай банк кафолати муносабатлари шаклланади.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш деб, қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чорага айтилади. Бундай чора қонун ёки шартномага биноан асосий мажбуриятга қўшимча қилиб белгиланади. Мажбурият бажарилишини таъминлашнинг моҳияти шундан иборатки, қарздор зиммасида бўлган мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаса ёки бошқача тарзда бузилса, кредитордан зиёнларни ундиришга бўлган ҳуқуқдан ташқари мажбуриятнинг объектини ташкил этган ҳаракатни қилишга қарздорни мажбур қиладиган бошқа мулкий таъсир чораларининг қўшимча равишда тадбиқ этилишини талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усуллар билан таъминланади. Мазкур усуллар ё қонун билан белгиланиши ёки шартномага асосланган бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунчилигида мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжат-

лари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкинлиги кўрсатилган (ФКнинг 259- моддаси).

Юқорида қайд этилган усулда ҳеч қайсиси ўзича мустақил равишда қўлланилмайди. Буларнинг ҳаммаси бирон-бир мажбуриятнинг мавжуд бўлишини кўрсатиб, мазкур мажбуриятнинг бажарилиши мақсадлари кўзлаб белгиланади. Бундай мажбурият асосий мажбурият бўлиб, унинг бажарилишини таъминлаш усули эса қўшимча мажбурият ҳисобланади. Масалан, тадбиркорлар кредит олиш учун кредит шартномаси тузганда ёки маҳсулот етказиб бериш бўйича бирон нарсани ишлаб чиқарганда ва бошқа ҳолатларда асосий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланган неустойка мазкур асосий мажбуриятнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қўшимча мажбурият ҳисобланади.

Мажбуриятларни лозим даражада бажаришдан нафақат мажбурият ўз фойдасига бажарилаётган субъект, балки охир - оқибатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатдор бўлади. Чунки барча хўжалик юритувчи субъектлар бир-бирлари билан ўзаро алоқада бўлгани сабабли қайсидир субъект томонидан ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаслиги бошқа субъектлар учун ҳам, гарчи улар бевосита бунда кредитор сифатида қатнашмасалар-да, салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Мажбуриятларни лозим даражада бажариш уларни қонун ҳужжатларига, шартнома шартларига, иш муомаласи одатларига одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда шартнома нарсасининг сифати, миқдори, ҳажми бўйича ўз вақтида бажарилишини таъминлашда аҳамияти каттадир.

Мажбуриятларни лозим даражада бажариш, уни тегишли субъект томонидан, тегишли жойда, тегишли вақтда, тегишли предмет билан ва тегишли равишда бажарилишини назарда тутати.

Мажбуриятларни бажаришга қаратилган ушбу қоидалар фуқаролик оборотининг (муомаласининг) барча субъектларига қаратилгандир (ФК- 21- боб). Ундан ташқари, фуқаролик муомаласида оддий фуқаролар билан бир қаторда таваккалчилик асосида фаолият юритаётган, товар-пул муносабатларида профессионал ҳисобланган тадбиркорлар ҳам иштирок этишади. Ва шунинг учун тадбиркорларнинг мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажарма-

ганлиги бўйича жавобгарлиги уларнинг таваккалчилигига асосланади. **ФКнинг 333- моддаси** 3-қисмида белгиланишича, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Бунинг мазмуни шундан иборатки, тадбиркорлар мажбуриятларни бажаришдан (лозим даражада бажаришдан) манфаатдор бўлишлари лозим, чунки улар тадбиркорлик фаолиятида эҳтиётсизлик орқасидан (айбсиз) мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса ҳам жавобгар ҳисобланади. Агарда тадбиркор мажбуриятда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича иштирок этса, унинг жавобгарлиги таваккалчилик эмас, балки айблилик (айб) асосларидан келиб чиқади.

Бундан ташқари, мажбурият ҳуқуқидаги санкция масаласига келсак, фуқаролик, ҳуқуқий нормаларига мувофиқ қўлланиладиган мажбурлаш чоралари кўпинча ҳуқуқ бузилишида мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик учун қўлланилади. **Санкция** фуқаролик, ҳуқуқий муносабатида иштирок этаётган тарафлар ўз зиммаларидаги мажбуриятни бажармаганларида ёки лозим даражада бажармаганларида ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган *мажбурлаш чорасидир*. Бузилган мажбуриятлар юзасидан қўлланиладиган санкциялар ҳар хил. Мажбурий чора сифатида қўлланиладиган санкциялар умумий характерга эга бўлиши ҳамда махсус, яъни аниқ бир ҳуқуқий муносабатда юзага келган ҳаракатларга нисбатан қўлланиладиган бўлиши мумкин. Юзага келган ҳаракатларга нисбатан қўлланиладиган бўлиши мумкин. Умумий характердаги санкциялар мажбуриятнинг бажарилишини кечиктириш, бирор ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик учун қўлланилади.

Махсус санкцияларга мисол қилиб сотилган ашёларнинг сифати тегишли даражада бўлмаслиги учун сотувчининг жавобгарлигини кўрсатиши мумкин.

Санкция мажбуриятларида иштирок этувчи ва ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажармаган тараф кредитор ва қарздорга нисбатан қўлланилади.

Мажбурият бажармаганлиги учун қарздорнинг жавобгарлигини белгилайдиган шарт сифатида кўриладиган айб қонунда назарда тутилган. Жумладан, **ФКнинг 333-модда**сида кўрсатилганидек, қарздор айби бўлгани тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки уни лозим даражада бажармаганлиги учун агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса жавоб беради. Агар мажбурият ҳар икки тарафнинг айби билан бажарилмаган бўлса у ҳолда суд ёки хўжалик суди қарздорнинг жавобгарлигини тегишлича камайтиради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мажбуриятларнинг ташкилотлар, тадбиркорлар томонидан ҳам фуқаролар томонидан ҳам, лозим даражада бажарилиши учун барча моддий шарт-шароитлар мавжуд бўлса, бунинг учун қарздордан ўз ижодий қобилиятлари ва иродасининг муайян даражада кучайтирилиши талаб этилади.

Мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни йўқотиш учун ҳар икки тарафнинг — қарздор ва кредиторнинг ҳам маълум даражада ташаббус кўрсатиши, диққат билан иш қилиши фаол, ҳаракат қилишлари зарур. Яна шуни таъкидлаш жоизки, мажбурият субъектлари бўлган тарафлар, яъни тадбиркорлар ўзларида мавжуд бўлган ҳамма ички имкониятларни қидириб топиш ҳамда мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини таъминлаш зарур бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқи мажбуриятларнинг бутунлай бажармасликда ёки лозим даражада бажармасликда ва шу билан ҳуқуқ нормаларини бузилишида айбли бўлган фуқаро, тадбиркор, яқка тадбиркор ва юридик шахсларга мулкый жавобгарлик юклаш йўли билан тарбиявий вазифани амалга оширади.

2- §. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга оид умумий қоидалар

Мажбуриятнинг бажарилишини Ўзбекистон Республикаси **ФКнинг 259-, 260-, 312- модда**ларида мажбуриятларни таъминлашнинг умумий қоидалари, усуллари кўрсатилган бўлиб, янги кодексда мажбуриятларни таъминлаш усулларига хусусий мулк ҳуқуқи субъектларининг тадбиркорлик соҳасида эркин ҳаракатда бўлишлари ҳисобга олинган ҳолда маълум

даражада ўзгаришлар киритилди. *Масалан*, закат ва кафолат мажбурият тарафлари кимлардан иборат бўлишидан қатъий назар мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллар сифатида барча ҳолларда қўлланиши мумкинлиги назарда тутилади.

Асосий мажбурият билан унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усул (усуллар) нинг ўзаро боғлиқ бўлишига аниқлик киритилди. Бажарилиши таъминлашга қаратилган усулнинг ҳақиқий эмас деб тан олинishi асосий мажбуриятни *ҳақиқий эмас* деб ҳисоблашга олиб келмайди. Агар асосий мажбурият *ҳақиқий эмас* деб тан олинса, унинг бажарилишини таъминловчи усул ҳам *ҳақиқий эмас* деб ҳисобланилади.¹

Бундан ташқари юқоридаги моддада янги усуллар ҳам кўзда тутилади, масалан, қарздорнинг мол-мулкани кредитормонидан ушлаб қолиш ва бошқалар.

Биз ўрганмоқчи бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг алоҳида турларидан бири неустойкадир.

Неустойка мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи усул сифатида қонун ёки шартнома билан белгиланган бўлиши назарда тутилади (**260- модда**). Қонуний неустойка бўйича тарафларнинг келишувида назарда тутилган бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар кредитор қонунда белгиланган неустойка тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. қонуний неустойканинг миқдори ҳақида ҳам аниқлик киритилади. Агарда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган тақдирда бундай миқдорнинг кўпайтирилишига йўл қўйилади, аммо унинг камайтирилиши мумкин эмас.

Навбатдаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг алоҳида усули гаровдир.

Гаров мулкий муносабатларда энг кўп қўлланиладиган, турли хил битимлар бўйича вужудга келадиган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга, кредиторнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишга қаратилган муҳим воситалардан биридир.

Гаров билан тартибга солинадиган муносабатлар унинг предмети (нарсаси) бўлиши мумкин бўлган мулкнинг асосан икки гуруҳи, яъни *кўчмас* ва *кўчар мулкларга* бўлиниши билан белгиланади.

¹ Х. Раҳмонқулов. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1-қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ Нашриёт уйи. Тошкент. 1997 й. 422- б.

Гаров тўғрисидаги қоидалар ҳақида Фуқаролик Кодексининг 265-, 276-, 266-, 165-, 177-, 267-, 272-, 227-, 280-, 281-, 282-, 289-, 284-, 287- моддаларида берилган. Масалан, бино ва иншоотларни ер участкаси билан биргаликда, ер участкасининг ўзини алоҳида, ер участкасига жойлашган бино ва иншоотларни гаровга қўйиш билан боғлиқ муносабатлар эса хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий тартибга солинади.

Бино ва иншоотни *ипотека* қилиш, ушбу бино ва иншоот, уларни таъминлайдиган ва ижарага берилган қисмлари жойлашган ер участкасини ипотека қилиш билан бир вақтнинг ўзида битта шартнома бўйича амалга оширилади.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг алоҳида усулларида бири кредиторга тегишли бўлган мол-мулкнинг кредитор томонидан вақтинча ушлаб турилиши мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашда самарали чора вазифасини бажаради. (Масалан, пудрат, юк ташиш, воситачилик, омонат ва бошқа мажбуриятлар бўйича). Баъзи шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бундай усул ёрдамида таъминлаш қонунчиликдан олдин ҳам маълум бўлган. Энди ушбу ушлаб туриш ҳақидаги қоида умумий норма сифатида турли мажбуриятлар бўйича биринчи марта ФКга киритилди (290—291- моддалар).

Ҳозирги вақтда шартномавий муносабатларда ва уларнинг субъектлари бўлган тadbirkorлар ўртасида ушбу юқорида биз фикр юритаётган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг алоҳида усуллари бўлган гаров тўғрисидаги муносабатлар ҳақида жуда ҳам кўп мисоллар келтиришимиз мумкин, сабаби ҳозирги вақтда ушбу усулга бўлган талаб ошмоқда.

Навбатдаги мажбуриятларни таъминлашнинг алоҳида усули бўлган кафиллик тўғрисида тўхталадиган бўлсак: кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкинлиги (292- модда, 2- қисм), қарздор учун мажбуриятни бажармаган кафилнинг қарздорга нисбатан ҳуқуқлари (295- модда), шунингдек, кафилнинг бекор бўлиши (298- модда) ҳақидаги қоидалар кодексга киритилган янгиликлардан ҳисобланади. Бундан ташқари кафилнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кафилликни бекор қилиш учун бир неча янги асослар назарда тутилади. Шунинг билан бирга кредитор

томонидан кафилга нисбатан мажбуриятни бажариш ҳақида қўзғатилиши мумкин бўлган даъво муддати узайтирилади. Кафилни қарздорнинг мажбуриятлари бўйича *солидар* (шерик) ёки *субсидар* (қўшимча) жавоб бериши тегишли равишда ўз аксини топади (**293- модда**).

Амалиётда юридик шахслар, тадбиркорлар ўртасида ишларнинг бажарилиши, маҳсулотларнинг етказиб берилиши, қарзларнинг олиниши ва бошқа муносабатларда кафиллик шартномаси келгусида бўладиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг алоҳида **усули бўлган кафолат Фуқаролик кодексига** мустақил усул (восита) сифатида киритилди (ФКнинг **299—310- моддалари**). Кафолат бизнинг фуқаролик қонунчилигимиз учун янгилик ҳисобланади. Лекин унинг айрим қўринишлари гаров ва кафилликка оид қоидаларда маълум даражада ўз аксини топган эди.

Кафолат бўйича иккита ўзаро мустақил бўлган мажбуриятларнинг тарафлари сифатида **учта шахс** қатнашади: **кафолат берувчи** (кафил), **кафолатни илтимос қилувчи** (принципиал), **кафолатни олувчи** (бенефициар) шахслар. Бу учала шахсларнинг ҳар бирлари тадбиркорлар бўлиши мумкин, кафолат берувчи сифатида иштирок эта олиши ҳам мумкин.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи бошқа усуллардан кафолатга хос яна бошқа хусусиятлар шундан иборатки, у бажарилишини таъминлашга қаратилган асосий мажбурият билан юридик жиҳатдан боғлиқ эмас ва кафил асосий қарздорнинг (принципиалнинг) ўз мажбуриятлари учун жавобгар бўлишдан қатъий назар у кафолат берилган шахс (бенефициар) олдида олган ўз мажбуриятини бажаради (**301, 308- моддалар**). Шунинг учун ҳам кафолат кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас (**302-модда**). Кафолат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга ўтказилмаслиги (**303- модда**), кафилнинг мажбуриятлари доираси белгиланиши (**307—308- моддалар**), кафолатни бекор қилиш асослари ва бошқа қоидалар кафолатни ифодаловчи белгилардир.

Мажбуриятларни бажарилишини таъминлашнинг алоҳида усули бўлган *закалат* янги кодексга мувофиқ мажбуриятнинг тарафлари ким бўлишидан қатъий назар унинг

бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллардан ҳисоб ланади. Шунингдек, янгилик сифатида яна шуни айтиш мумкинки, агар зақалат тўғрисидаги келишув ёзма равишда тузилмаган бўлса ва бу ҳақда шубҳа туғилса, зақалат деб берилган сумма бўнак (аванс) сифатида тўланган деб ҳисобланади (**311- модда**). Илгариги кодекста биноан зақалат фақат фуқаролар қатнашган мажбуриятларга нисбатан қўлланиши мумкин эди (**222- модда**).

ФК қарздор тадбиркорни фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришга мажбур қилувчи қатор чораларни назарда тутади. Бундай чоралар қаторига биринчи навбатда, тадбиркор зиммасига ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун кредиторга етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклатиш киради (ФКнинг **324- модда 1- қ.**). Етказилган зарарни тўлаш зарурлиги шу билан изоҳланадики, у тадбиркорни фуқаролик муомаласида (тадбиркорлик фаолиятида) лозим даражада ҳаракат қилишга ундайди. Аммо, зарарлар ҳар доим ҳам бўлавермайди, уларнинг миқдорини ҳамда етказилган зарар ва мажбуриятни бажармаслик ўртасидаги салбий боғланишни аниқлашда ва исботлаб беришда қийинчиликлар туғилади. Шунинг учун қонун билан мажбуриятни таъминловчи қўшимча усуллари белгиланган.

ФКнинг **259- моддасига** асосан, мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, зақалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Баъзи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш махсус қонунларда назарда тутилмаган бўлса, бундай мажбурият, таъминлаш Фуқаролик кодексида берилган умумий қоидалар билан тартибга солинади. Шу билан бирга муайян мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари бир вақтнинг ўзида қонун билан ҳам, шартнома билан ҳам белгиланиши мумкин. *Масалан, неустойка ва гаров* бир вақтнинг ўзида шартнома билан ҳам, қонун билан ҳам назарда тутилиши мумкин. Бошқа усуллар эса, *масалан, зақалат* фақат *келишув* бўйича белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг мазкур институти мажбуриятларнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги натижасида кредиторга келиши мумкин бўлган зиён оқибатларнинг олдини олишга қаратилади.

Неустойка ва закат қарздор томонидан мажбуриятнинг асли ҳолатда бажарилишини таъминлайди ва мажбурият ижро этилмаган ҳолда қарздорга муайян жавобгарлик белгиланишини назарда тутади. *Неустойка ва закат баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зиённинг кредитор томонидан ундирилишини енгилаштиради*¹.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Таъминлашнинг барча усуллари мажбурий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, ўз олдига мажбуриятнинг бажарилишига ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган.

3- §. Неустойка, унинг шакллари ва қўлланиши

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаларидан бири неустойкадир. **Неустойка** - қарздор ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган тартибда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир. Баъзи адабиётларда неустойка атамаси „*айбона*“, „*бурдсизлик тўлови*“ атамалари шаклида ҳам ишлатилади.

Неустойка мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида амалиётда кенг қўлланилади. Бунинг боиси шундаки, неустойка шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида кредиторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг энг қулай усули ҳисобланади. Шу маънода **неустойка қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради**: шартномада қатнашувчи тарафлар мажбуриятни бажармаслик оқибатида вужудга келадиган жавобгарлик миқдорини олдиндан аниқ билади; неустойкани мажбуриятни бузиш ҳолларининг ўзи учун ҳам ундириш мумкин, бунда кредиторга етказилган зарарнинг мавжудлигини исботлаш талаб қилинмайди; шартнома тарафлари қонуний неустойкадан бошқа ҳолларда неустойка тўғрисидаги кели-

¹ И. Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент. „Адолат“. 1996 йил, 213- бет.

шув шартларини, хусусан, унинг миқдори, етказилган зарар билан мутаносиблиги ва уни ҳисоблашни ўзаро келишиб олишлари мумкин.

Неустойка мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашнинг кенг тарқалган усулларидан бири бўлибгина қолмасдан, шу билан биргаликда у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳамдир. Чунки, неустойка тўлаш бурчининг келиб чиқиши ва қарздорга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юклашнинг асослари бир-бирига мос келади.

Неустойканинг пул суммасини ҳисоблаш турлича: шартнома суммасидан ёки шартноманинг бажарилмай қолган қисмидан фоиз сифатида; шартнома суммаси ёки шартноманинг бажарилмай қолган қисмига мутаносиб ҳажмдаги жарима сифатида; пул бирлигида ифодаланган қатъий сумма сифатида бўлиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилигида неустойканинг анъанавий турлари сифатида жарима ва пеня қўлланиб келинади.

Қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда тўлайдиган ва қоида тарихида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жаримадир.

Пенянинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у мажбуриятнинг бажариш муддати кечиктириб юборилганда қўлланилади ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланади.

Неустойкани қўллашда қонун унинг ҳам штраф, ҳам пеня шаклини бир вақтда қўллашни тақиқламайди. Лекин тажрибада мажбурият бузилган ҳолларда неустойкани ундиришда айрим муаммолар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ўзининг 1999 йил 5 февралдаги 77-сонли „**Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида**“ги қарорида тушунтириш берилган. Унга кўра, агар битта мажбурият бузилган бўлиб, бунинг учун шартномада ҳам жарима шаклида, ҳам пеня шаклида неустойка тўлаш назарда тутилган ҳолларда, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, агарда қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор фақатгина бир шаклдаги неустойка қўлланилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Неустойка икки хил асосда, яъни *шартнома* ҳамда *қонун* ҳужжатлари асосида келиб чиқади.

Шартномадан келиб чиқадиган неустойканинг миқдори, уни ҳисоблаш тартиби ва қўлланиш шартлари фақат гарафларнинг келишувига биноан белгиланади.

Қонуний неустойка мажбуриятларнинг муайян турлари учун қонун билан махсус белгиланган неустойкадир. Бунга кўра неустойка, гарафларнинг келишуви назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъий назар қўлланилади. Бундай неустойканинг миқдори, унинг ундирилиши шартлари ва тартиби ҳам қонун билан белгиланади.

1998 йил 29 августда қабул қилинган „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида**“ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун, яъни хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун гарафларнинг **қуйидагича жавобгарликлари кўзда тутилган:**

— товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлаши кўзда тутилган, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

— агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортиментни ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортиментни ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир;

— бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) етишмаётган қисмлар қийматини

қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли;

— марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировкаланмаган товарларни, шунингдек, идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди;

— товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди;

— жўнатишган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатишганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди;

— товарларни танлаб олмаслик, шунингдек, етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек, ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чекни бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўловсуммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қонуний неустойканинг қўлланиш доирасида ёки унинг тақдири неустойка қандай ҳуқуқий нормада назарда тутилганига ҳам боғлиқ, Масалан, қонун ҳужжатларида неустойка *императив* нормаларда белги-ланган бўлса, унинг қўлланиши мажбурийдир. Агар неус-гойка *диспозитив* нормаларда берилган бўлса, унда тараф-ларнинг ўзаро келишувида неустойка миқдори аниқланмаган бўлса, шунингдек, тарафларнинг келишувида кўрсатилган неустойкани миқдори қонунда кўзда тутилган неустойканинг миқдоридан кам бўлса, қонуний неустойка қўлланилиши лозим.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонунда бошқача гарзда ифодаланган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра фақат кўпайтирилиши мумкин. қонуний неустойканинг миқ-дори тарафлар томонидан кўпайтирилишига йўл қўйил-маслиги қонун ҳужжатларида кўзда тутилиши мумкин. Бунга мисол қилиб **Темир йўл Уставининг 143- моддасини** келти-риш мумкин.

Неустойка миқдорини камайтириш эса фақат суднинг ваколатига киради. Агар суд неустойка миқдорини мажбу-риятнинг бажармаслик оқибатида етказилган зарарга номута-носиб деб топса, неустойкани камайтириш мумкин. Лекин неустойкани тўлашдан қарздорни озод қила олмайди.

Бу нормани қўллаш бўйича ҳам Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ҳўжалик суди Пленуми юқоридаги қарори билан тегишли тушунтириш бериб ўтган. Агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги аниқ кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли.

Мазкур қонидани амалиётда қўллашда **судлар қуйидаги-ларни эътиборга олишлари лозим**: агар талаб қилинган неустойканинг миқдори асосий қарз миқдоридан ошиб кетмаган тақдирда, суд томонидан зарар ҳажмини аниқла-масдан талаб қилинган суммада ундирилиши мумкин. Агарда неустойканинг суммаси асосий қарз суммасидан ортиқ; бўлса, суд даъвогардан зарарнинг асосли равишда зарар ва неустойкага мутаносиблигини аниқлаш учун асослангирилган ҳисобни талаб қилиши лозим. Улар мутаносиб бўлмаганида суд, суд амалиётидан келиб чиқиб, қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятларда қатнашувчи тарафларнинг мулкий ҳолатини, шунингдек,

кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, неустойканинг миқдорини асосий қарз миқдоригача камайтиришга ҳақлидир.

Бунда суд айрим ҳолларда қарздорнинг ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтиришга ҳақлидир. Мазкур қоида амалиётда **қуйидаги йўсинда қўлланилиши лозим:** агар неустойка асосий қарз суммасидан ошиб кетмаса-ю, лекин унинг қарздор томонидан тўланиши унинг фаолиятини ёмон оқибатларга, ҳатто иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга олиб келиши аниқ бўлган ҳолатда неустойка камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолатда неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг **327- моддаси**да кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Неустойкани камайтириш жавобгарнинг илтимосномаси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, хўжалик суди томонидан ҳамма суд инстанцияларида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **263- моддаси** 2- қисмига мувофиқ тарафларнинг келишуви билан қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка) миқдорининг оширилиши ўз-ўзидан ундирилаётган неустойкани камайтиришга сабаб бўлмайди.

Неустойканинг қўлланиши бир қараганда оддий туюлса-да, мажбуриятни бажармаганлик учун неустойка ундиришда амалиётда мутахассислар кўп қийинчиликларга дуч келадилар.

Фуқаролик кодекси неустойканинг тўрт хил турини белгилайди, **булар:** *ҳисобга ўтказиладиган неустойка, жаримали неустойка, алоҳида неустойка, муқобил неустойка*дир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **325- моддаси**га мувофиқ мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Бундай неустойка ташкилотлар ўртасида маҳсулот етказиб бериш, капитал қурилишига оид пудрат шартномаларида қўлланилади.

Жаримали неустойка кредиторга қарздордан неустойканинг ўзини, шунингдек, неустойкадан ташқари зарарни ҳам тўла ҳажмда ундиришга имкон беради (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **325- моддаси**).

Алоҳида неустойкада етказилган зарар эмас, фақат неустойканинг ўзи ундирилади. Масалан, электр энергияси ҳақининг тўланиши ёки бошқа коммунал хизматлар ҳақини тўлаш кечиктирилганда алоҳида неустойка ундирилади. Одатда алоҳида неустойка (пеня) шаклида бўлади.

Муқобил неустойка юқорида кўрсатиб ўтилган неустойкалардан шу билан фарқ қиладики, у кредиторга қарздордан белгиланган неустойкани ёки мажбурият бажарилмаганлиги туфайли кўрилган зарарларни ундириш ҳуқуқини беради.

4- §. Гаров, унинг тушунчаси ва вужудга келиш асослари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шартномавий муносабат иштирокчиларининг ўз олдидagi мажбуриятларини лозим даражада бажаришлари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири бўлмиш гаров тажрибада кенг миқёсида қўлланиб келинмоқда.

Миллий қонунчилигимизда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, 1998 йил 1 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „**Гаров тўғрисида**“ги (янги таҳрири) қонунда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **264-моддаси**да бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун берилиши гаров ҳисобланиши кўзда тутилган.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи) нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин ҳақли бўлади.

Гаров туфайли кредитор (гаровга олувчи) қарздор мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулки қийматидан ўз қонуний манфаатларини қаноатлантириш имкониятига эга бўлади.

Умумий қоидага кўра, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари асосий мажбуриятга нисбатан акцес-

сорлик характериға эга бўлади. Шу боис, кредиторнинг ҳақиқий талабигина гаров билан таъминланиши мумкин. Яъни, асосий мажбуриятни келтириб чиқарадиган шартнома ҳақиқий эмас деб топилса, у ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома ҳам ҳақиқий саналмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига гаровнинг акцессорлик характериға эғалиги аниқ кўрсатилмаган, лекин, унда асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги кўшимча мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиғига олиб келишини кўрсатувчи умумий қоидалар ўз аксини топган (**283- модда**).

Гаров ашёвий ҳуқуқнинг характериға хусусияти бўлган — эрғашиш ҳуқуқига ҳам эга.

Эрғашиш ҳуқуқи — гаровға қўйилган ашёнинг кетидан унга бўлган ҳуқуқни эрғашиб юришини англадади.

Гаров нарсаи қаерда бўлмасин, кимнинг тасарруфида бўлмасин асосий мажбурият бекор бўлғунига қадар гаров нарсаи бўлиб қолади. Гаровнинг ушбу хусусияти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **284- моддаси**да мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг „Гаров тўғрисида“ги қонунида ҳам шундай қоидалар ўз аксини топган.

Гаровнинг эрғашиш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқида янада ривожлантирилиб, ашёға нисбатан мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи мулкни гаровға қўйган шахсдан бошқа шахсға ўтганида гаров ҳуқуқи ўз кучини сақлаб қолади. Бинобарин, гаровға олувчи шахс — кредитор гаровға қўйилган мулкнинг эғаси ёки уни бошқарувчи субъект бошқа шахс бўлганида ҳам ўз ҳуқуқини гаровға қўйилган мулк ҳисобидан ундиришға ҳақли.

Гаров — бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи муҳим воситалардан биридир. У яна, мулкий масалалар билан тадбиркорларни нопок, ноинсоф ҳамкорлардан ҳимоя қилишнинг дастлабки воситалари билан боғлиқ бўлгани учун ҳам муҳимдир.

Гаров — қарздорни шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажаришға мажбур қилишға ёрдам берувчи асосий усул сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирға, қарздордан етказилган зарарни тўлиқ қоплашға ундовчи зарурий чора ҳамдир, чунки, кўп ҳолларда қарздорда етарли даражада маблағ йўқлиги туфайли зарарни ундиришни имкони бўлмайди.

Гаров мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашда бир неча афзалликларга эга.

Биринчидан, гаров тўғрисидаги шартнома қарздор томонидан ўз қарзини тўлаш вақтида гаровга қўйилган мулкнинг мавжудлиги ва унинг сақланишини таъминлайди. Шу билан бирга гаровга қўйилган мулкнинг баҳоси инфляция даражаси билан пропорционал равишда ошиб боради.

Иккинчидан, кредитор гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришга бошқа кредиторларнинг олдида бирмунча имтиёзга эга бўлади.

Учинчидан, мулкдан айрилиб қолиш хавфининг реаллиги қарздорни ўз мажбуриятини лозим даражада бажаришга ундовчи энг яхши омилдир.

Кўриниб турибдики, гаров қарздор томонидан ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариши учун кредитор талабларини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан қондиришга кафолат бўлиб хизмат қилади. Шундай мулкнинг мавжудлиги гаровни бошқа мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи воситалардан ажратиб туради.

Шу боис, гаров мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи ишончли восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, шунингдек, „Гаров тўғрисида“ ги Қонунда гаровнинг вужудга келиш асослари билан бирга гаров ҳуқуқининг вужудга келиш асосларига бағишланган алоҳида нормалар ёритилган. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки, гаровнинг вужудга келиши билан гаров ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ўртасида катта фарқ бор. „Гаров тўғрисида“ ги Қонуннинг **3- моддаси**да гаров шартнома ёки қонун ҳужжатлари асосида юзага келиши кўзда тутилган. Гаров қонун ҳужжатлари асосида юзага келса, у ҳолда қандай мажбурият туфайли ва айнан қайси мол-мулк гаровда турган деб эътироф этилиши лозимлиги қонун ҳужжатларида қайд қилинган бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Қонун асосида вужудга келадиган гаров бир қатор қонунларда кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **421- моддаси** 7- қисмига кўра, товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунга қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади.

Қонун асосидаги гаров тарафлар эрки ва иродасидан қатъи назар вужудга келади ва шу сабабли ҳам тарафлар учун мажбурий ҳисобланади. Қонун асосида вужудга келадиган гаровни қўллаш учун қонун нормаси императив характерга эга бўлиши шарт. Агар қонунда бу ўринда диспозитив норма қўлланилган бўлса, у ҳолда гаровни қўллаш ёки қўлламаслик тарафларнинг эрки ва иродасига боғлиқ бўлади.

Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши битимлар ва унинг асосий шакли бўлган шартномалар билан узвий жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг 9- моддасига биноан гаров ҳуқуқи гаров тўғрисидаги шартнома тузилган пайтдан ёхуд башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Маълумки, гаров тўғрисидаги шартнома фақат ёзма тарзда тузилиши керак. Шунингдек, қонунларда гаровга тегишли баъзи шартномаларга алоҳида талаблар қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг ўзида **ипотека** тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинadиган мажбуриятни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулк ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт, шунингдек, ипотека тўғрисидаги шартнома, тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Юқоридаги талаблар бажарилган ҳолдагина гаров ҳуқуқи вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ҳам гаров шартномалари мажбурий тарзда нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши кўрсатиб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 50- сонли қарори билан тасдиқланган „Гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида“ги вақтинчалик Низомда кўчмас мулкни гаровга қўйиш ва унга бўлган ҳуқуқ

ҳақидаги, шунингдек, оборотдаги ва қайта ишланаётган товарларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар мажбурий тарзда нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтиши шарт деб кўрсатилган.

Агар, шартномага ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ гаров нарсаси гаровга олувчида туриши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтда, агар гаров нарсаси шартнома имзолангунга қадар берилган бўлса, шартнома имзоланган пайтдан вужудга келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, гаров ҳуқуқи вужудга келиши гаров билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **265-моддаси**да ҳамда „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг **4-моддаси**да гаров закатат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Гаров нарсаси кимнинг қўлида сақланишига қараб закатат, гаровга қўювчида сақланадиган гаров ҳамда учинчи шахслар қўлида сақланадиган гаров турларига ажратилади.

Гаров предметларининг хусусиятларига кўра гаровни кўчмас мол-мулк гарови, кўчар мол-мулк гарови, қимматбаҳо қоғозлар ва пул гарови, мулкый ҳуқуқлар гарови каби турларга бўлиш мумкин.

Вужудга келиш асослари бўйича гаров қонун асосида ҳамда шартнома асосида вужудга келадиган гаровга бўлинади.

Гаров ашёси фуқаролик муомаласидаги ҳаракатлиниш даражасига қараб қуйидагича туркумланиши мумкин:

а) фуқаролик муомаласида фаол ҳаракат қиладиган гаров — муомаладаги товарлар гарови;

б) фуқаролик муомаласида чекланган доирада ҳаракат қиладиган гаров;

в) гаровга олинган мол-мулкни фуқаролик муомаласидаги ҳаракатини тўхтатиб қўядиган гаров (бунда гаров ашёси ҳеч ким томонидан фойдаланилишига йўл қўйилмайди, гаров нарсаси гаровга олувчи томонидан кулфланган ва муҳрланган ҳолда гаровга қўювчи қўлида қолдирилади).

Гаровни турли асослар бўйича юқоридаги каби туркумлаштиришни тугалланган деб айтиб бўлмайди. Чунки, бозор муносабатлари ривожланган сайин хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш зарурати туғилади. Шу сабабли ўз-

ўзидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида гаровни қўллаш ҳам тобора кенгайди. Бу эса табиий равишда гаровни қўллаш турларининг кенгайишига олиб келади.

Гаров турлари ичида закалат алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **265-моддасига** асосан гаровга қўйиладиган мулк, гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда закалат деб ҳисобланади. Айтиш мумкинки, закалат ибораси Фуқаролик кодексига икки хил маънода ишлатилган. *Биринчиси*, юқоридаги ҳолатда Фуқаролик кодексини **265-моддаси** 2-қисмида, шунингдек, „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг **33-моддаси**да закалат тушунчаси худди шундай маънода берилган. *Иккинчиси*, закалат тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **311-моддаси**да ҳам ишлатилади. Бу моддада кўрсатиладигани, шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади. Бинобарин, амалиётда икки турдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи меъёрлар бир хил иборада ишлатилмоқда.

Закалат гаров тури сифатида қўлланилганида гаров ашёси, яъни гаров нарсаси гаровга олувчи қўлига топширилади. Бу ҳолда бу мол-мулкнинг сақланиши, уни ҳимоя қилиш ва айтиш пайтда бу мол-мулкдан фойдаланиш муаммоси келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **277-моддаси**да закалат қўлланилганида, гаровга олувчи гаров мол-мулкдан шартномада кўзда тутилган ҳолдагина фойдаланишга ҳақли бўлиб, гаровга қўювчига мунтазам равишда ҳисобот бериб туриши лозимлиги кўзда тутилган. Айтиш пайтда, шартномага мувофиқ гаровга олувчи зиммасига асосий мажбуриятини бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчи манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида гаров нарсасидан ҳосил олиш бурчлари юклаб қўйилиши мумкин. *Масалан*, сигир гаровга қўйилганида гаровга олувчи бу сигирни соғиб, ҳосилдан фойдаланиб туриши лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси „Гаров тўғрисида“ги Қонунининг **34-моддаси**да гаровга олувчининг гаровга қўйилган мол-мулк йўқолгани ёки шикастлангани учун жавобгарлик асослари ва ҳажмлари белгилаб қўйилган. Ашёларни ломбардда гаровга қўйилиши „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг **35-моддаси**) ҳам закалатнинг ўзига хос турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Гаров тўғрисидаги амалдаги қонуннинг таҳлили шуни кўрсатадики, ипотека, ҳуқуқлар гарови, шунингдек, муомаладаги товарлар гарови закат бўла олмайди.

Гаров турлари ичида ипотека муҳим ўрин эгаллайди. „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг **37- моддаси**да гаров нарсаи кўчмас мол-мулк бўлган гаров — ипотека деб эътироф этилади. Ипотекада белгиланган мол-мулк гаровга олувчига бериб қўйилмаслиги кўзда тутилади.

Қонуннинг **38- моддаси** ер билан боғлиқ мол-мулк, бинолар, иншоотлар, кўп қаватли уйлардаги квартиралар, корхоналар ва бошқа мулкый мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, тураржой хоналари, улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонун ҳужжатлари билан кўчмас мол-мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулклар ҳамда ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ипотека нарсаи бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйди.

Ипотека нарсаи бўлиб кўчмас мол-мулк ҳисобланар экан, шу муносабат билан кўчмас мулк тушунчасини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Кўчмас мулк тушунчаси Фуқаролик кодексиде берилган бўлиб, кўчмас мулк ер участкалари, ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар, иншоотлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси **269- моддаси** 2-қисмида ипотека деб белгиланган мол-мулк, шунингдек гаровга қўйилган муомаладаги товарлар ҳам гаровга олувчига топширилмаслиги кўрсатилган. Бинобарин, ипотекада гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчининг ўз қўлида қолдирилар экан, бу ҳолда савол туғилади: гаровга қўювчи гаров мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эгами? Ушбу саволга жавоб Фуқаролик кодексининг **277-моддаси**да кўзда тутилган бўлиб, бунда агар шартномада ўзгача шарт кўзда тутилган бўлмаса ёки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарсадан унинг вазифаси бўйича фойдаланишга, шу жумладан, ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли деб кўрсатилади. Айни пайтда, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва гаровнинг моҳиятидан англашилмаса гаровга қўювчи фақат гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсаини ижара ёки бепул тарзда фойдаланишга бошқа шахсга

топширишга ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақлидир деган қоида ҳам белгиланган.

Гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиши ҳақидаги юқоридаги қоидалар мантиқан олганда тўғри ҳисобланади.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақидаги битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳаммага бериши шарт. Ахборот рўйхатдан ўтказиш қаерда амалга оширилганидан қатъи назар, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказувчи ҳар қандай орган томонидан берилади. Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ёки у ҳақида тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузилиши устидан судга мурожаат қилиниши мумкин. Демак, Фуқаролик кодексининг **84- моддаси**да кўзда тутилган қоидалар ипотека учун ҳам жорий қилинади. Бу ҳақида ипотека гарови қоидаларини белгиловчи норматив ҳужжатларда алоҳида кўрсатиб қўйилиши шарт эмас.

Ипотекани ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси „Гаров тўғрисида“ги Қонунининг **40- ва 41- моддалари**да ўз ифодасини топган. Бинолар ёки иншоотлар ипотекасига уша шартнома бўйича бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёки ер участкасини гаровга қўйилаётган объект ишлаб туришини таъминлайдиган қисмини ёхуд, бу участкани ёки унинг тегишли қисмининг гаровга қўювчига тегишли бўлган, ижарага олиш ҳуқуқини бир пайтни ўзида ипотека қилган ҳолда йўл қўйилади. Ер участкаси ипотекасида эса агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаров ҳуқуқи гаровга қўювчининг шу участкада жойлашган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига нисбатан тадбиқ этилмайди.

Корхона ёки ўзга мулккий мажмуани тўлиғича ипотекасида гаров ҳуқуқи ва унинг таркибига кирувчи барча мол-мулкка, кўчар ва кўчмас мулкка, талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқни қўшган ҳолда, шу жумладан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотека даврида сотиб олинганларга нисбатан тадбиқ этилади.

Корхоналар ипотекасининг энг муҳим хусусияти яна шундаки, ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга олувчи корхонанинг молиявий

аҳволини соғломлаштириш юзасидан ипотека шартномасида назарда тутилган чора-тадбирларни кўришга, шу жумладан корхона раҳбар органларига ишлаб-чиқарилган маҳсулотни ҳамда корхонанинг бошқа мол-мулкани тасарруф этиш ҳуқуқи чекланган вакиллар тайинлашга ҳақлидир. Гаровга олувчи томонидан кўрилган ушбу соғломлаштириш тадбирлари кутилган натижа бермаса, гаровга олувчи қонунда белгиланган тартибда ундирувни ипотекада турган корхонага қаратишга ҳақлидир.

Гаровга олувчи томонидан ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши гаров мол-мулкани мулкдори ёки унга нисбатан хўжалик юритувчи хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ашёвий ҳуқуқни амалга оширувчи субъектнинг ҳуқуқларини бирмунча чеклайди ва унинг фаолиятига маълум даражада аралашиши мумкин.

Гаровнинг турларидан яна бири ҳуқуқлар гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фақат мол-мулк эмас, балки унга бўлган ҳуқуқлар ҳам гаровга қўйилиши мумкинлиги эътироф этилган.

„Гаров тўғрисида“ги Қонунда ҳуқуқлар гаровига алоҳида боб ажратилган. Қонуннинг **43- моддаси**да ҳуқуқлар гарови гаров нарсаси сифатида қандай тартибга солиниши белгиланган. Бунга асосан гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, шу жумладан, ижарачининг ҳуқуқлари, мажбуриятларидан келиб чиқадиган бошқа ҳужжатлар (талаблар) ва ўзга мулкый ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ талаблар, хусусан, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги ёки бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан ман қилинган ўзга талаблар ҳуқуқ гарови бўлиши мумкин эмас.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек, ўзга табиий ресурсларга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилган меъёр ва шартларда йўл қўйилади.

Муддатли ҳуқуқ уни амал қилиш муддати тугагунга қадар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Гаровга қўювчи ўз қарздорини амалга оширилган ҳуқуқлар гаровидан хабардор қилиши шарт. Агар шартномада

бошқача шарт белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчига нисбатан қарздор бўлган шахс гаровга олувчи олдида гаровга қўювчининг мажбуриятини бажариши лозим.

Юқоридаги модда мазмунидан англашилишича, ҳуқуқлар гаровга қўйилган пайтда бундай ҳуқуқ албатта мулкий мазмундаги ҳуқуқ бўлиши керак.

Шахсни ўзидан бегоналаштириш мумкин бўлмаган, бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлмаган ҳуқуқлар гаров нарсага бўла олмайди. Гаровга қўйилган мулкий ҳуқуқ ўзининг иқтисодий мазмунига, қийматига, баҳосига эга бўлиши шарт. Аини пайтда гаровга қўйилган мулкий ҳуқуқ ушбу мулкий ҳуқуқни амалга ошириши лозим бўлган ўз қарздорига эга бўлмоғи лозим. Бундай қарздор сифатида гаровга қўювчилар ҳам, учинчи шахслар ҳам қатнашишлари мумкин. *Масалан*, муаллиф ўз асарига нисбатан мутлақ ҳуқуқни гаровга қўйган ҳолда ушбу асарни нашр этувчи ноширлар гаровга қўйилган мулкий ҳуқуқ бўйича қарздор ҳисобланади, яъни гаровга қўювчи муаллиф гаровга олувчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда ноширлар муаллифга тўлаши лозим бўлган гонорар ҳақи ҳисобидан гаровга олувчини талабларини қаноатлантириши лозим бўлади.

Гаровга қўйиладиган ҳуқуқни эгаси бўлган шахсина ҳуқуқни гаровга қўйиши мумкин. Қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **266- моддаси** 3- қисмида мустақкамланган ҳуқуқлар гарови ҳақидаги масала юридик адабиётларда жуда кам тадқиқ қилинган. Шу сабабли ҳам амалиётда ҳуқуқлар гаровига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинмоқда ва деярли қўлланилмайди.

Ваҳоланки, қуйидаги ҳуқуқлар гаровини у ёки бу даражада қўллаш мумкин, яъни:

- ижарачининг ҳуқуқлари;
- интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, масалан, патент, гувоҳнома-лар асосидаги мутлақ ҳуқуқлар;
- маълум мулкий манфаат олинишини гувоҳлантирувчи ҳуқуқлар, шу жумладан, акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқи.

Ҳуқуқлар гаровида одатдаги шартлар билан бир қаторда гаровга қўювчига нисбатан ким қарздор бўлиб ҳисобланиши албатта ўз ифодасини топиши лозим. Гаровга қўювчи қарздорга ўз ҳуқуқини гаровга қўйилганлигини хабардор қилиши шарт. Гаровга қўювчи, шунингдек, ўзининг гаровга қўйилган ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман бекор бўлишига олиб келувчи бирон ҳаракатларни содир этмаслиги, бошқа бирон киши фойдасига бу ҳуқуқдан воз кечмаслиги, гаровга қўйилган ҳуқуқни учинчи шахслар томонидан қилинадиган турли тажовузлардан ҳимоя қилиши лозим. *Масалан*, ихтирога берилган патент ҳуқуқи гаровга қўйилган тақдирда, ушбу ихтирога нисбатан бошқа шахс томонидан шу патент ҳуқуқига даъво қилиб судга талаб қўйилганида, патент эгаси албатта ўз патент ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларини кўриши шарт.

Айни пайтда ҳуқуқ эгаси ўзи гаровга қўйган ҳуқуқ бўйича содир бўлган ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида, учинчи шахслар томонидан бу ҳуқуқнинг бузилиши ҳақида ва ушбу ҳуқуққа нисбатан учинчи шахсларнинг турли даъволари ҳақида гаровга олувчини хабардор қилиб туриши шарт.

Ҳуқуқлар гаровга қўйилганида яна бир нарсага эътибор бериш лозим, яъни баъзи мулкӣ ҳуқуқлар маълум бир муддат давомида амал қилади. *Масалан*, ихтирога берилган патент йигирма йил давомида амал қилади.

Бинобарин, гаровга олувчи бу ўринда ушбу ҳуқуқ қачон вужудга келганлигини, қачон тугашини ҳисобга олиши лозим.

Келажақда вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқлар ҳам гаровга қўйилиши мумкинми? Бу ўринда шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, келажақда вужудга келиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқлар ҳам гаровга қўйилиши мумкин. Энг асосийси, гаровга олувчи томонидан келажақда вужудга келадиган мулкӣ ҳуқуқларни гаровга олишга тавакқалчилик асосида розилик берилишидир. Чунки, келажақда вужудга келиши мумкин бўлган айрим мулкӣ ҳуқуқлар баъзи сабабларга кўра вужудга келмаслиги ҳам мумкин. *Масалан*, ихтирочи ўзи яратган ихтиросига патент олиш учун талабнома беради. Маълумки, бундай талабнома давлатнинг тегишли идораси томонидан маълум бир муддат ичида кўриб чиқилади ва ушбу ихтирочига патент берилиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса патент ҳуқуқи ушбу ихтиро-

чидан олдин бошқа шахсга айнан ўшандай патент берилганлиги натижасида вужудга келмаслиги ҳам мумкин. Демак, бундай ҳолатда гаровга олувчи вужудга келиши эҳтимолидан узоқ бўлган мулкӣ ҳуқуқни гаров нарсаи сифатида расмийлаштирган бўлади. Шу сабабли ҳам гаровга олувчи келажақда вужудга келадиган мулкӣ ҳуқуқни гаровга олишдан аввал ушбу ҳуқуқнинг келажақда вужудга келиши қай даражада реаллигини ҳисобга олиб, тегишли хатти-ҳаракатлар қилиши лозим.

Баъзи соҳаларда, айниқса қишлоқ хўжалигида келажақда вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқ гаров нарсаи сифатида кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „**Кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида**“ ги 1998 йил 27 майдаги 232- сонли Қарорида хорижий кредит линияларини ваколатли ижрочи банкларига кичик ва ўрта бизнес субъектида гаров таъминоти етарли бўлмаган тақдирда келгуси ҳосил учун *фьючерс контрактларини* ёки кредит ҳисобидан сотиб олинган асбоб-ускуналар билан ишлаб-чиқарилган маҳсулотни гаров сифатида қабул қилиш тавсия этилган.

Юқоридагилардан мавжуд мулкӣ ҳуқуқ келгусида вужудга келиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқ сифатида ҳам гаров нарсаи бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Келгусида ўтиб келиши мумкин бўлган ҳуқуқ албатта реал бўлиши ва гаровга қўювчи томонидан ушбу ҳуқуқ вужудга келиши учун барча чоралар кўрилиши ҳақидаги талаблар алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам келгуси йилнинг иш ҳақини ёки ёзиладиган асарнинг қалам ҳақини гаровга қўйиш мумкин деган фикрларни унчалик жиддий деб бўлмайди. Бу масалада юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биринчи галда гаровга олувчи ўз ички ишончи билан асосланган ҳолда таваккал қилиши ва бунда гаровга қўювчи шахсини ҳисобга олиши, гаровга қўювчи томонидан ҳақиқатан ҳам келажақда мулкӣ ҳуқуқни вужудга келишига реал ҳолат мавжудлиги ва гаровга қўювчи томонидан ушбу ҳуқуқни вужудга келишига барча чоралар билан ҳаракат қилинишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Мана шундай ҳолдагина келажақда вужудга келадиган мулкӣ ҳуқуқлар гаров нарсаи сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **267-модда**сида гаров шартномасининг нарсаси (предмети) сифатида ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулккий ҳуқуқлар (талаблар) бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Гаров нарсаси сифатида қўйилаётган мол-мулк гаровга қўювчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши шарт. Бинобарин, мулккий ҳуқуқ гаровга қўйилганда ҳам ушбу ҳуқуқ гаровга қўювчига тегишли бўлиши лозим. Қонунда ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишда мулкдорнинг розилиги олиниши шарт қилиб қўйилган. Бу ҳолат хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида мол-мулк бириктириб қўйилган давлат корхоналари ва оператив бошқариш ҳуқуқи асосида мол-мулк берилган давлат муассасаларининг ушбу мол-мулкларни гаровга қўя олиш имкониятларини жиддий равишда чеклайди.

Фуқаролик кодексининг тегишли меъёрлари мазмунидан англанишича ҳар қандай ашё ҳам гаров нарсаси бўла олмайди.

Суд ҳукмига асосан мусодара қилиниши мумкин бўлмаган мол-мулклар, шунингдек, фуқароларнинг мажбурий тартибда ҳақ ундириш учун ижрога қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулклари ҳам гаров нарсаси бўла олмайди.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг **267-модда**сида гаров нарсаси бўлиши мумкин бўлмаган фуқаролик ҳуқуқи объектлари доирасини кенгайтиши имкониятини берувчи қоида мавжуд. Мазкур қоидага мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган айрим турдаги мулклар, жумладан, фуқаролар мулклари гаров предмети бўлиши қонун билан тақиқлаб ёки чеклаб қўйилиши мумкин.

Фуқароларнинг ундирувга қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулклари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган.

Гаров шартномасининг тарафлари (субъектлари) — **гаровга олувчи** ва **гаровга қўювчи** ҳисобланади.

Гаровга олувчи фақат гаров билан таъминланган асосий мажбурият бўйича кредитор бўлиши мумкин.

Бир шахснинг асосий мажбурият бўйича кредитор бўлиши ҳамда гаров шартномасида гаровга олувчи бўлиши гаров мажбуриятини бажарилишини таъминлаш воситаси сифатидаги моҳиятидан келиб чиқади. Гаровга олувчининг ҳуқуқий мақомини ўрганишда Фуқаролик кодексининг **286-модда**сида акс эттирилган қоида эътиборга лойиқдир. Ушбу

қоидага биноан гаровга олувчи гаров шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга беришида, асосий мажбурият юзасидан қарздордан талаб қилиш ҳуқуқи ҳам берилган тақдирда қонуний ҳисобланади.

Мазкур норма Фуқаролик кодексининг **315- моддаси**да назарда тутилган қоидага асосланган. Унга кўра қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, биринчи кредитор қандай ҳажмдаги ҳуқуққа эга бўлган бўлса, янги кредиторга ҳам шу ҳажмдаги ҳуқуқ ўтади. Бироқ, кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш Фуқаролик кодексининг **313—323- моддалари**да кўзда тутилган талабларга риоя қилинган ҳолда гаровга олувчининг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш лозим. Мазкур қоидалар бўйича гаровга олувчи асосий мажбурият бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказишда қарздорнинг розилигини олиши талаб қилинмайди. Лекин, ушбу қоидага қонун ёки шартномада истисно бўлиши ҳам мумкин.

Кредитор ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказишда қарздорнинг розилигини сўрамаса ҳам уни хабардор қилиб қўйиш лозим, акс ҳолда янги кредитор манфаатига зарар етказилиши мумкин.

Ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказётган кредитор янги кредиторга талаб қилиш ҳуқуқларини берганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам бериши керак. Ҳолбуки, кредиторга шундай ҳужжатлар тақдим қилинмаса, янги кредитор ҳуқуқни қабул қилишдан бош тортишга ҳақлидир.

Кредитор талабларини бошқа шахсга ўтказиш амалиёти (процедураси) ҳам маълум тартибга бўйсунди. Умумий қоидага кўра талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишда ҳам ушбу ҳуқуқ қандай шаклда расмийлаштирилган бўлса, айнан шундай тартибга риоя қилиниши керак. Масалан, оддий ёзма шаклда тузилган битим ёки нотариал идорада тасдиқланган шартнома бўйича кредитор талаблари бошқа шахсга ўтказишда айнан шундай процедурага риоя қилиш талаб қилинади.

Гаровга олувчига айрим ҳолларда гаров билан таъминланган мажбуриятларни муддатидан аввал бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Кредиторнинг бундай ҳуқуқлари Фуқаролик кодексининг **282- моддаси**да акс этирилган. Мазкур қоидага асосан қуйидаги ҳолларда гаровга олувчи мажбуриятини муддатидан аввал бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

— гаров ашёси гаровга қўювчида қолдириладиган гаров шартномаси қоидаларига зид равишда гаров нарсаси гаровга қўювчи эгалигидан чиққанда;

— қўювчи гаров нарсасини алмаштириш тўғрисидаги қондани бузганда;

— гаровга қўювчи жавобгар бўлмайдиган ҳолатда гаров нарсаси нобуд бўлса;

— гаровга қўювчи навбатдаги гаров тартибини бузганда;

— гаровга қўювчи унга қолдирилган гаров мулкни сақлаш ва қўриқлаш бўйича мажбуриятларини бажармаганда;

— гаровга қўювчи гаров нарсасини тасарруф қилиш қоидаларини бузганда.

Сўнги уч ҳолат юз берганда гаровга олувчи нафақат мажбуриятни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилишга, балки талаби бажарилмаганда муддатидан аввал ундирувни гаров нарсасига қаратиши мумкин.

Гаровга қўювчи сифатида асосий мажбурият бўйича қарздор ёки учинчи шахс бўлиши ҳам мумкин. Қонунда гаровга қўювчига нисбатан қўйиладиган асосий талаб — гаровга қўйилган мулкнинг эгаси бўлишдир. Зеро, мулк гарови, уни сотиш имкониятининг мавжудлигини кўзда тутати. Шунинг учун мулк эгаси гаровга қўювчи бўлиши мумкинлиги муҳим аҳамиятга эга.

„Гаров тўғрисида“ги Қонун бўйича мулк эгасидан ташқари хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Хўжалик юритиш ҳуқуқининг мазмуни Фуқаролик кодексининг 14- бобида белгиланган меъёрлар доирасида мулкдан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини англатади. Фуқаролик кодексининг **177- модда**сида мулк турига қараб унга бўлган ҳуқуқ доираси белгиланган. *Масалан*, кўчмас мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхона мулк эгасининг розилигисиз уни тасарруф қилиши мумкин эмас. Бошқа мулкка нисбатан эса хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхона, агар қонунда бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, ўз ихтиёри билан тасарруф қилиш ҳуқуқига эга.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилган мулкни гаровга қўйиш қонунда мулк эгасининг розилиги билан йўл қўйилади (**8- модда**).

„Гаров тўғрисида“ги қонунининг **10- моддасида** гаров шартномасини асосий мазмуни белгилаб қўйилган. Унга асосан гаров тўғрисидаги шартномада томонларнинг номи, жойлашган жойи, гаров тури, гаров нарсаси, унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиш муддати, гаровга қўйилган мол-мулк рўйхати, шунингдек, томонларнинг келишуви бўйича эришилган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши зарур. Унда гаровга қўйилган мол-мулк томонларнинг қайси бирида эканлиги кўрсатилиши шарт.

Ушбу шартлар гаров тўғрисидаги шартномада албатта кўрсатилган бўлиши керак. Бу шартларнинг бирортаси шартномада кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади. **ФКнинг 364- моддаси 2- қисмига** кўра шартномани нарсаси тўғрисидаги шартлар қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ва зарур деб ҳисобланган шартлардир. Шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига мувофиқ келишиб олинishi лозим бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Бинобарин, „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг **10- моддасида** кўрсатилган шартлар гаров шартномасининг шартлари ҳисобланади ва амалиётда унга қатъий риоя қилиниши шарт. Гаров тўғрисидаги шартномани ушбу шартларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси гаров муносабатларининг тартибга солишга қаратилган барча қонун ҳужжатларида гаров тўғрисидаги шартномани ёзма шаклда бўлиши кўзда тутилган.

Умумий қоидага кўра шартноманинг ёзма шаклига риоя қилмаслик тарафларнинг ўзлари учун уни ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармаслиги мумкин. Лекин улар ўртасида низо чиққан ҳолда шартномани тузилганлигини, шартноманинг бошқа хусусиятларини ёки умуман битимнинг ҳақиқийлигини исботлаш имкониятидан маҳрум бўладилар.

Бироқ қонунда ёки шартномада битимнинг ёзма шаклда расмийлаштириш шарт қилиб қўйилган бўлса, бундай қоидага риоя қилмаслик шартномани ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Гаров тўғрисидаги шартномалар ҳам шундай битимлар жумласига киради. Яъни, гаров тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **271- моддасига**, „Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг **11- моддасига** асосан фақат ёзма шаклда тузилиши керак.

Гаров муносабатлари ўз моҳиятига кўра мураккаблашган муносабатлар тоифасига киради, шу сабабли ҳам гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳақидаги талаб ўринли ва мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда, гаров тўғрисидаги шартнома тарафларнинг гомонидан бундай ҳужжатни имзолаши орқали тузилади ва айрим ҳолларда шартномага гаровга қўйилган мулк рўйхати илова қилиб қўйилиши мумкин.

Ёзма шаклдаги шартномани икки тури мавжуд. Оддий ёзма шаклдаги шартнома ва нотариал идорада тасдиқланган шартнома. Айрим ҳолларда шартномани нотариал тасдиқлаш билан бирга уни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинади.

Қонунда қайси ҳолларда гаров тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши кераклиги хусусида нормалар акс эгтирилган. Агар гаров билан таъминланган асосий мажбурият нотариал тартибда тасдиқлаш лозим бўлган шартнома билан расмийлаштирилган бўлса, гаров тўғрисидаги шартнома ҳам нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

Шартномаларни нотариал тартибда тасдиқлаш лозимлиги икки ҳолатдан келиб чиқади. *Биринчиси*, гаров шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши лозимлиги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, *иккинчиси* шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш тарафларнинг келишуви тўғрисида амалга оширилиши мумкин.

„Гаров тўғрисида“ги Қонунда (11- модда) гаров шартномасини рўйхатдан ўтказишга нисбатан бирмунча соддалаштирилган талаблар қўйилди, **яъни:**

- гаров шартномаси фақат ёзма шаклда тузилиши;
- ипотека тўғрисидаги шартнома нотариал гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши;
- нотариал тасдиқланиши лозим бўлган шартномага мувофиқ олинанидан мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома нотариал гувоҳлантирилиши шартлиги кўзда тутилди. Юқоридаги талабларга риоя қилмаслик эса гаров ҳақидаги шартномани ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Айрим ҳолларда гаров тўғрисида ёзма шартнома тузиш ва уни нотариал тартибда тасдиқлатишнинг ўзи гаров шартномасини кучга кириши учун, яъни гаров ҳуқуқининг вужудга келиши учун етарли эмас, бундай ҳолларда гаров шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинади.

Гаров шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш кейинги гаровга олувчиларнинг ёки гаровга қўйилган мулкни сотиб олувчилар манфаатини ҳимоя қилишда кагга аҳамиятга эга. Гаровни давлат рўйхатидан ўтказиш, аввало, гаровдаги мулкни сотиб олувчиларга тегишли мулкнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақида маълумот беришга хизмат қилади. Шубҳасиз, бу кун низоларни олдини олади.

Лекин, шунини таъкидлаш керакки, гаров шартномасини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилмаслиги ёки қанчалик мукамал ишлангани қонунни самарали ишлашига ўзини таъсирини кўрсатади.

Гаров ҳуқуқини расмийлаштирувчи норматив ҳужжатлар тизимига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб-чиқилган „Гаров тўғрисидаги шартномаларни нотариал тасдиқлаш ҳақида“ги 1994 йил 1 мартдаги Инструкция ҳам киради.

„Гаров тўғрисида“ги Қонуннинг 32- моддасида гаров куйидаги ҳолларда бекор бўлиши белгиланди:

- 1) гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда;
- 2) гаровга олувчи гаров тўғрисидаги қонуннинг гаров нарсасини суғурта қилиш ҳақидаги қоидаларини қўпол равишда бузган тақдирда гаровга қўювчи талаби билан;
- 3) гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида;
- 4) гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек, уни реализация қилиш мумкин бўлмаган тақдирда;
- 5) гаров нарсаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда;
- 6) агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун жавоб беришга розилик бермаган бўлса, гаров билан таъминланган мажбурият бошқа шахсга ўтказилган тақдирда;
- 7) даъво муддати ўтганлиги сабабли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича ўз талабларини қондириш кредитор учун мумкин бўлмай қолган тақдирда;
- 8) гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқни амал қилиш муддати тугатилган тақдирда ва, ниҳоят, ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

Гаровга олувчининг талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминлаган мажбуриятни ўзи

жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Умуман олганда гаров ҳуқуқида кредиторнинг талабини гаров нарсасидан қондириш икки босқичга эга бўлади, яъни *биринчидан*, ундирувни гаров нарсасига қаратиш ва *иккинчидан*, гаровга қўйилган мулкни сотиш.

Гаров тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун қарздор томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги асос бўлади. Бу ерда шунга эътибор бериш керакки, агар сўз мажбуриятни лозим даражада бажармаганлик ҳақида бораётган бўлса, бу ўринда мажбуриятни қандай даражада бажарилмаганлигини аниқлаш муҳимдир. Зеро, **Фуқаролик кодексининг 279- моддасига мувофиқ** „агар қарздор томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни бузиш унча катта бўлмаса ва кредитор талаби гаровга қўйилган мулк қийматига номутаносиб бўлса, ундирувни гаров нарсасига қаратишни рад этиш мумкин“. Шунингдек, **Фуқаролик кодексига** гаров нарсасидан қондирилаётган кредитор талабининг ҳажми ҳам кенгайтирилган, яъни гаров нарсасининг қийматидан гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ бўлган харажатлар, хусусан, фоизлар неустойка, мажбуриятнинг ўз вақтида бажармасликдан келиб чиққан зарарни қоплаш, шунингдек, гаров нарсасини сақлаш ва ундирув билан боғлиқ харажатлар ҳам қопланиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, ундирувни кўчмас мулкка қаратиш суд қарори асосида амалга оширилади. Лекин, тарафларнинг келишувига мувофиқ кўчмас мулкнинг ундириш суднинг аралашувисиз ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бунинг учун тарафлар махсус битим тузиши керак бўлади. Бу каби битимларга кодексда икки талаб қўйилади. *Биринчидан*, бундай битимлар нотариал тартибда расмийлаштирилиши керак. *Иккинчидан*, битим ундирувни гаров нарсасига қаратишга асос вужудга келгандан кейин тузилиши мумкин.

Мазкур қоида ундирувни муқаррар равишда нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида амалга оширишдан жиддий фарқ қилади. Ҳолбуки, аввал нотариус томонидан тасдиқланган гаров тўғрисидаги шартнома нотариусга муқаррар равишда ижро этиш ёзувини киритишга асос бўлган. Энди

гаров шартномасини нотариус томонидан тасдиқланиши ундирувни гаров нарсасига муқаррар равишда қаратишга етарли эмас. Бунинг учун махсус битим тузиш талаб қилинади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасида тузиладиган ундирувни муқаррар равишда амалга ошириш ҳақидаги бу махсус қўшимча битим ўз навбатида, нотариал тартибда расмийлаштирилиши лозим.

Ундирувни гаровга қўйилган кўчар мулкка қаратиш умумий қоидага кўра суд қарори билан амалга оширилади, агар тарафлар махсус битимга мувофиқ бошқача тартибни кўзда тутмаган бўлса шуни эътиборга олиш жоизки, бу ўринда гаров шартномасини судга мурожаат қилмай амалга ошириш ҳақидаги қоидани кўзда тутиши тўғрисида гап бораётгани йўқ. Фуқаролик кодексининг **280- моддасининг 2- қисмига мувофиқ** бу борада ҳам қўшимча махсус шартнома тузилиши лозим. Лекин, кодекснинг кўрсатилган моддасида қўшимча битим ундирувни гаровга қўйилган кўчар мулкка қаратишга асос вужудга келгандан кейин тузиш кераклиги кўрсатилмаган. Мазкур қоидалар (Фуқаролик кодекси 280- моддасининг 1- ва 2-қисмлари)нинг ўхшашлигидан ҳамда уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, ундирувни суднинг аралашувисиз муқаррар равишда кўчар мулкка қаратиш қўшимча битим ундирувни гаров нарсасига қаратишга асос пайдо бўлганидан кейин тузилиши керак, деган фикрга келиш мумкин.

5- §. Кафиллик шартномаси, унинг тушунчаси ва қўлланиш шартлари

Тадбиркорлик фаолиятининг субъектига кредитлар беришда банк муассасалари бошқа кредит муассасалари ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Бу ҳақда „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг **15- моддасида** қуйидагича қайд қилинган:

Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредит берилаётганда банк муассасалари, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин дейилган. Бундан

гашқари, тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятларни таъминлаш тариқасида ўз мол-мулкидан, шу жумладан, ашёлар ва мулкӣ ҳуқуқлардан, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи суғуртаси тўғрисидаги суғурта полисидан фойдаланиш мумкин.

ФК 292- моддасига кўра, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул-кредит муносабатларида кенг тарқалган мажбуриятни таъминлаб турувчи усулдир.

Янги **ФК** кафиллик шартномасини келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкинлигини белгилайди (292- модда 2- қисм). Бу қоида амалий аҳамиятга эга бўлиб, қатор ҳолларда тадбиркорлик фаолиятида шартномани тузишда асосий мажбуриятни таъминоти талаб этилади. Масалан, кредит шартномасининг бир шарти бўлиб, банк кредитини қайтариш тўғрисидаги таъминот усули ҳисобланади.

Кафиллик шартномаси кредитор ва кафилнинг келишуви бўйича вужудга келади. **ФК** кафил сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар доирасини маълум даражада чеклайди. Масалан, бюджет ташкилотлари, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида мулки бўлган давлат корхоналари, унитар корхоналар, қонун бўйича юридик шахс филиаллар ва ваколатхоналар кафил бўла олмайди (**ФК** 117- модда 3- қисм, 178- модда, 180- модда.).

Ундан ташқари хусусий корхоналарнинг филиаллари ва ваколатхоналари ҳам кафил бўла олмайди, чунки буларнинг ҳаракатлари учун юридик шахс (хусусий корхона) жавобгар бўлади.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Одатда, кафиллик шартномаси текинга тузилади, лекин шартномада бошқача тартиб белгиланмаса, кафил қарздорга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Кафиллик учинчи шахс томонидан, қарздор томонида туриб мажбуриятни ижро этмаган тақдирда уни ўз зиммасига олиш ҳақида қўшимча мажбурият олиш ҳисобланади. Агар

шартномада кафилнинг жавобгарлиги *субсидиар* деб кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда, у *салидар* жавобгар бўлади. Агар қонун ёки шартномада бу ҳол белгиланмаган бўлса, кафил тўлиқ ҳажмда жавобгар бўлади.

Кафил мустақил субъект, у кредиторга нисбатан қарздорнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Даъво қилиш ҳуқуқида, ҳатто қарздор даъводан воз кечганда ҳам сақланиб қолади.

Қарздор учун мажбуриятни бажармаган кафилга кредиторнинг ҳуқуқлари ўтади. Кредитор талаб қилиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни кафилга бериши шарт. Кафиллик билан таъминланган мажбуриятни қарздор бажарса, бу ҳақда дарҳол кафилни хабардор қилиши шарт.

Кафил кўрсатилган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Кафиллик шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

— кафиллик билан таъминланган асосий мажбурият бекор бўлса;

— кафиллик шартлари жиддий ўзгарса, бунда кафилнинг розилиги олинмаган бўлса;

— қарз бошқа шахсга ўтган тақдирда;

— ижро муддати етган мажбуриятни кредитор қабул қилиб олмаса;

— кафиллик муддати ўтса, агар муддат белгиланган бўлмаса мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаса ва бошқа ҳолларда.

Тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликка асосланганлиги сабабли, кафиллик шартномаси бўйича кафилнинг жавобгарлиги ҳам ўз хусусиятларига эга. **ФКнинг 293- моддасига** асосан кафил, агар кафиллик билан таъминланган мажбурият тадбиркор томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда кредитор олдида *солидар* жавобгар бўлади, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса *субсидиар* жавобгар бўлади. Кафил шартномада назарда тутилган ҳолларда, қарздорнинг асосий мажбуриятидан келиб чиқадиган зарарлар учун жавоб бермайди (**ФК 293- модда 2- қисм**).

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг

талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда утади. Ундан ташқари, кафил кредиторга тўлаган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарни тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.

Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт (ФКнинг 295-модда).

Шартнома лозим даражада бажарилганда (асосий мажбурият) унинг асосида ўрнатилган кафиллик ҳам бекор қилиниши лозим. Ундан ташқари кафиллик асосий мажбурият (шартнома)нинг шартлари жиддий ўзгарганда бекор қилинади (ФК 298- модда).

6- §. Кафолат, унинг тушунчаси, қўлланиш асослари ва шартлари

Кафолатга биноан банк, бошқа **кредит муассаси** ёки **суғурта ташкилоти** (кафил) **бошқа шахс** (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ *принципалнинг* кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципиалга ёзма мажбурият беради (ФК 299- модда).

Банк кафолат беришдан олдин, қоида тариқасида, принципал (тадбиркор) билан гарант (кафил) ўртасида битим (шартнома) тузилиб, унга асосан банк кафолат бериш мажбуриятини, тадбиркор эса бу хизматга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади (ФК 300- модда 2- қисм).

ФКда банк кафолати берилиши (кимга, нимага асосланиб) аниқ белгиланмаган.

Умумий қоидага асосан банк кафолати банк томонидан тўловга қобилиятли деб ҳисобланган тадбиркорга берилади. Банк кафолати тадбиркорлар томонидан кредитор олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилишини таъминлашга йўналтирилган. ФКда тадбиркорнинг кафолатни (муддатини) узайтиришни сўраб мурожаат қилиш назарда тутилмаган. Банк кафолати бир томонлама шартнома бўлганлиги учун уни узайтириш кафилнинг хоҳиш-иродасига боғлиқдир.

Кафолат кафил томонидан ҳеч қандай ҳолатда чиқариб олиниши мумкин эмас, шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ФК 302- модда).

Агар кафолатда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, у берилган кундан эътиборан кучга кириди.

Кафолатда белгиланган тўлов кафолат муддати ўтмасдан олдин бенефициарнинг талаби бўйича тўланиши шарт.

Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак. (ФК 305- модда)

Умумий қоида бўйича кафил бенефициардан принципал томонидан асосий мажбурият бажарилмаганлигини исбот қилувчи далилларни талаб қилишга ҳақли эмас. Лекин бенефициар принципиалнинг таъминлаш кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак, аммо тасдиқлаши шарт эмас. (ФК 307- модда. 1- қисм.)

Кафил икки асос бўйича бенефициарнинг талабини қондиришни рад қилиши мумкин:

1) Агар талаблар ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса;

2) Талаблар кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилса. (ФК 307- модда 1- қисм.)

ФК қоида бўйича, кафил томонидан бенефициарнинг талабини қондирилиши бўйича аниқ муддатни белгиламаган. Халқаро амалиётга кўра, *кафил бенефициарнинг талаби ва унга илова қилинган ҳужжатларни кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун мутаносиб ва оқилона, тушунарлик қилиб кўрсатишни белгилайди.* (ФК 306- модда 2-қисм.). Ҳар бир ҳолатда қандай муддат оқилона ҳисобланиши суд томонидан белгиланади.

Юқорида таъкидланганидек, кафилнинг мажбуриятлари асосий мажбуриятга боғлиқ бўлмай, кафолат шартлари билан белгиланади. Масалан, тадбиркор кредит шартномасини ўз вақтида бажара олмаса ва унга (кредиторга) катта фоиздаги суммани тўлаш мажбуриятини олган бўлса, кафил бенефициар олдида кафолатда кўрсатилган сумма доирасида жавоб беради.

Агарда шартномада ўзгача ҳолат назарда тутилмаса, кафил кафолат бўйича мажбуриятларни асоссиз бажармаса, ФКга асосан бенефициарнинг пул маблағларидан фойдаланганлиги учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўлаши керак. (ФК 307- модда 1- қисм).

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўлаган суммаларни **регресс** тартибида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг приципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади. (ФК 310- модда 1- қисм).

Кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- а) кафолат берилган сумма тўланганда;
- б) кафолатда белгиланган мудат тамом бўлганда;
- в) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- г) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида (ФК 309- модда 1- қисм).

Ундан ташқари амалиёда бенефициар томонидан кафилга кафолат хатининг асл нусхасини қайтариши ҳам мазмунига кўра кафолат бўйича мажбуриятни бекор бўлганлигини билдиради.

Шундай қилиб, банк кафолати, тадбиркорлик муносабатларида (фаолиятида) кредиторлар учун бу усулдаги таъминот асосида кредит беришнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Айни пайтда, банк кафолати кафил сифатида иштирок этаётган шахсларда зарарни вужудга келтирувчи сабаб деб ҳам баҳоланиши мумкин. Тадбиркорлар, яъни кредит олувчилар олаётган кредитни суғурталаш мақсадида суғурта ташкилотлари билан тузган шартномасини ҳуқуқий кучга кирмаган кафолатини тақдим этиб, банкдан кредит олганлиги, кейинчалик кредитни қайтарувчи тадбиркор олган кредитларини нотўғри фойдаланганлиги, унинг оқибатида кредитни қайтаришга имконият бўлмаганда, банк суғурта ташкилотларни ишга жалб қилган вақтда суғурта ташкилотлари суғурталанувчи ҳали суғурта бадалларини тўламаганлиги сабабли шартнома кучга кирмаганлигини билдирганлиги ҳамда жавобгарликдан бўйин товлаётганлиги маълум бўлган. Ҳақиқатан ҳам шартнома кучга кирмаган бўлса, уни

жавобгарликка тортиб бўлмаслиги тўғрисида ФКнинг 927-моддасида ва „Суғурга тўғрисида“ги Қонунда ҳам қайд қилинган.

Кредит бўйича кафолат ҳар қандай молиявий мустақкам корхонадан қабул қилинади.

Кафилликни қабул қилиш учун, кафил банк — эмитетига (кредит берувчи банк) бошқа банкдан мазкур молиявий мустақкамлиги ҳақида кафилни олиб келиши керак.

Кредитни қайтаришни таъминлаш бўйича яна қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 22- бобида назарда тутилган усуллар кредит шартномаси мажбуриятини бажаришга ҳам тааллуқлидир.

Асосий мажбуриятни етарли даражада кафолатлайдиган қарздорни тегишли хатти-ҳаракат содир этишга ундайдиган, агар қарздор мажбуриятни бажармаса ёки лозим даражада бажаролмаса унинг учун салбий оқибатлар вужудга келишини назарда тутувчи махсус чораларга мажбуриятлар ижросини *таъминлаш усуллари* дейилади. Унинг турлари: неустойка, гаров, кафиллик, кафолат ва закатат. Шулардан кафолатга қисқача тўхталадиган бўлсак-кафолат ҳам кафиллик каби, асосий мажбуриятни бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, қарздор томонида туриб, жавобгарликни ўз зиммасига олишида ифодаланади.

Кафолат муносабатларида уч субъект катнашади:

1. **Кафолат берувчи тараф** — банк, бошқа кредит муассасалари, суғурга ташкилотлар.

2. **Бенефициар** — кредитор асосий мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқига эга шахс.

3. **Принципал** — қарздор зиммасига бурч юклатилган шахс. Кафолатда бенефициар олдидаги мажбурияти принципал томонидан ҳақ эвазига таъминланади. Айни вақтда, кафолат, асосий мажбуриятдан мустақил характерга эга бўлади. Кафолат кафил томонидан бериладиган ёзма ҳужжат бўлиб, унда бенефициар ва принципал аниқ кўрсатилиши шарт.

Кафолат чиқариб олинмайди, бенефициар алмаштирилмайди. Кафолат ёзма бўлиб, берилган кундан бошлаб кучга киради.

Принципал бенефициар олдидаги асосий мажбуриятни бузган тақдирда бенефициар кафолат берган томонга ёзма талаб қўйишга ҳақли. Кафолат берган томон талабни олгандан

сўнг принципални бу ҳақда хабардор қилади ва буни оқилона ҳал этишни сўрайди. Кафолат берувчи томонинг бенефициар олддаги жавобгарлиги шуки, у мажбуриятни кафолатланган суммасини тўлайди. Бироқ кафолат берувчи томонидан кафолат мажбуриятлари бузилса, у етказилган зарарни ҳам тўлайди.

Кафил принципалга *регресс* талаб қўйишга ҳақли. Кафолат шартларига номувофиқ ёки кафолат мажбуриятларни кафил томонидан бузилганлиги учун тўланган суммага регресс талаб қўйилмайди.

Кафолат қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- кафолат амалга оширилса;
- кафолат муддати тугаса;
- бенефициар кафолатдан воз кечса.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

7- §. Закалат, унинг тушунчаси ва қўлланилиши

Закалат деб шартнома тузаётган тарафлардан бири шартноманинг тузилаётганини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммасига айтилади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак (ФКнинг 311-моддаси).

Закалат шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган сумма закалат эканлигига, хусусан ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага риоя қилмаслиги оқибатида шубҳа туғилган тақдирда, бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бунак (аванс) сифатида тўланган деб ҳисобланади.

Закалат кўп ҳолларда фуқаролар ўртасида мажбуриятларни бажарилишини таъминлашни алоҳида усули сифатида кўпроқ қўлланилади. Масалан, фуқаролар ва тадбиркорлар ўзларига уй-жойларини ва дачаларини арендага олишда ёки бўлмаса сотиб олишда ҳам закалатдан фойдаланиши мумкин.¹

Закалат қуйидаги 3 та вазифани бажаради:

Биринчиси, закалат берилиб тузилган шартнома ҳақиқатан тузилганлигини исботловчи далил ҳисобланади;

¹ Ю. К. Толстой, А. П. Сергеева. „Гражданское право“. Издательство „ТЕИС“, Часть 1. Санкт-Петербург., 1996 й., 534- б..

Иккинчиси, закат шартнома юзасидан аввалдан тўлаб қўйиладиган пул суммаси бўлиб, тегишли тўловлар ҳисобига муайян суммани тўлаган тараф шартномани қисман ижро этган ҳисобланади. Закат олувчи тараф учун ҳам бу ҳол маълум аҳамиятга эга. Масалан, бирон бир уй-жой ижарага берилишида уй-жой эгаси турар-жойни яшаш учун яроқли ҳолга келтириш мақсадида зарур таъмирлар қилади ва ҳоказо.

Учинчиси, закат тарафлар ўртасида тузиладиган шартномалар ва келишувларда келиб чиққан мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлаш учун белгиланади. Закатнинг ушбу вазифаси шундан иборатки, агарда закат берган тараф шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бажармаганда берган закатини йўқотади. Агар закат берган тараф шартномадан воз кечган бўлса, бу ҳолда у берган закатининг қайтариб барилишини талаб қилиб олмайди. Агар закат олган тараф ўз мажбуриятларини бажармаса, у иккинчи тарафга закат суммасини тўлашга мажбур бўлади.¹

Баъзи ҳолларда закат уни берган тарафга бир неча миқдорда қайтарилиши лозим. Агар мажбуриятни тарафлардан ҳеч қайсисининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилмаса, ўзаро келишув бўйича бериладиган закат қайтарилади. Фуқаролик Кодексининг **312- моддаси** 3- қисмида кўрсатилганидек, шартноманинг бажармаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

Агар закат суммаси зарар суммасидан бирмунча кўпроқ бўлса, у ҳолда фақат закатгина ундирилади. Амалиётда жуда кўп учрайдиган, жумладан, тадбиркорлар, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида мажбуриятни бажармаслиги натижасида кўрилган зарар закат суммасидан ошиқ бўлган ҳолларда закат суммаси ҳам, зарарни қоплаш учун етишмаган сумма ҳам ундирилади. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашининг алоҳида усули сифатида кўрилатган закат фуқаролар ўртасидаги муносабатда, тадбиркорлар ўртасидаги муносабатда, шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасидаги муносабатда қўлланилиши мумкин.

¹ И. Зокиров, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Тошкент. „Адолат“, 1996 й. 235- бет.

Биз фуқаролик қонунчилигидаги айрим шартномалар шартларида учраб турадиган авансдан закатнинг фарқини ажрата била олишимиз лозим бўлади. Закат билан аванс бир-бирига ўхшатган нарса шундаки, буларнинг ҳар иккиси ҳам келажакда тўланадиган суммалар ҳисобидан тарафлардан бири томонидан иккинчисига аввалдан тўланиб қўйилган пул суммаси бўлиб ҳисобланади. Аммо аванс закатдан фарқ қилиб мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламай, у қуйидаги муносабатларда, масалан, *контрактация* муносабатларида, пудрат муносабатларида, кўрилишга оид пудрат муносабатларида ва шунга ўхшаган бошқа муносабатларда тарафлардан бири иккинчисига берадиган аванс муайян ишларни бажаришни ташкиллаштириш учун зарур бўлган харажатларни қилиш имкониятини беради. Келажакда тўланадиган суммалар ҳисобига аввалдан берилган пул маблағлари ёки бошқа моддий бойликлар шартномани тузилганлигини исботлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш мақсадларида берилган қоллардагина закат ҳисобланади. Агар бу икки белгидан ҳеч қайсиси бўлмаса, берилган суммани аванс қаторида ҳисоблаш лозим бўлади.

ХИИ БОБ | **Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик**

1- §. Шартнома мажбуриятларининг бузилганлиги учун жавобгарликнинг тушунчаси ва аҳамияти

Шартномалар мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келишининг асосидир. Шунга кўра шартномалар тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда асосий восита саналади.

Шартнома шартларини бузишликни олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг асосий йўлларидан, воситаларидан бири ҳуқуқий жавобгарлик нормаларини қўллаш, шунингдек, бу ҳилдаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларидан фойдаланишдир. Амалиёт шуни кўрсатадики, айрим шартнома мажбуриятларини бажарувчилар баъзан уларни бажарилишига масъулиятсиз қарайдилар. Бундай ҳолларда мажбуриятни маълум ҳуқуқий чораларни қўллаш воситасида мажбуран бажарилиши таъминланади.

Жавобгарлик — унда кўрсатилган санкцияларни қўллаш хавфи билан шартнома томонларини керакли ҳаракатларни қилишга мажбурлайди.

Х. Р. Раҳмонкулов таъкидлайдики, „шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ташкилот, корхоналарнинг мулкӣ манфаатдорлигини ҳимоя қилишни таъминлайди, бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун имконият яратади, бу ҳуқуқни бузганларга қонуний талаблар билдириш имкониятини беради“¹.

Ҳуқуқий жавобгарлик чораларини аниқ ва тўғри қўллаш шартнома муносабатлари иштирокчиларининг қонун нормалари ҳамда шартнома шартларини бузилишини олдини олишга, қонундан ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини мажбурий бажарилишини таъмин этишга, у ёки бу томоннинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкониятини беради.

Маълумки, ҳўжалик шартномаларига биноан томонлар ўзларига бир қатор мажбуриятларни оладилар. Булар, мол-мулкдан, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш,

¹ Раҳмонкулов Х. Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. —Т.: Фан. 1989 й. 90- б.

моддий-техника таъминоти, атроф-муҳит муҳофазаси, ижара ҳақи, ишлаб чиқариш объектлари, асбоб-ускуналарнинг сақланишини таъминлаш, техникадан фойдаланиш қоидалари, ветеринария талаблари, техника хавфсизлиги, ёнғиндан ҳимоя қилиш қоидалари талаблари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шартномалардан келиб чиқадиган ушбу талаб ва шартларга риоя қилмаслик, уларни қўпол равишда бузиш ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатларда жавобгарликнинг функциясини инкор этиб бўлмайди. У жуда фойдали роль ўйнайди. Ишлаб чиқарувчи корхона билан сотиб олувчи корхона ўртасидаги олди-бердиларнинг эквивалентлигини таъминлайди (зарарларни қоғлаш, неустойкани тўлаш). Аммо шунинг билан жавобгарликнинг роли ниҳояга етмайди. Унинг вазифаларидан бири қарздорни мажбуриятларини бажармаслиги натижасида юзага келадиган зарарнинг олдини олишдир. Жарима санкциялари ва кредитор томонидан қарздорга нисбатан қўлланиладиган тезкор таъсир чоралари шунга хизмат қилади. Аммо юридик жавобгарликнинг моҳияти шундаки, у „**корхонанинг хўжалик юритиш фаолиятдан келиб чиқадиган барча салбий иқтисодий оқибатларнинг корхонанинг мулкӣ доирасидаги инъкосидир**“, шунинг учун, агар бу оқибатлар бошқа ташкилотнинг фаолият юритиши сабабли юзага келган бўлса, улар ўша ташкилот зиммасига ўтказилиши лозим.

Шартномавий мажбурият ижросини рағбатлантиришнинг иқтисодий усуллари билан фойдаланиш ва тарафлар ахлоқига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали таъминланади. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий рағбатлантириш усуллари алоҳида аҳамият касб этади. Мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи субъектлари бўлган корхоналар ва ташкилотлар мажбуриятларнинг тегишли равишда ижро этилишидан манфаатдордирлар, чунки улар, биринчи навбатда, ўзларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашдан ва иккинчидан, шартномавий мажбуриятларнинг бузилганлиги учун юклатилган мулкӣ жавобгарлик билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларидан халос бўлишдан манфаатдордирлар. Иқтисодий рағбатлантириш усуллари билан фарқли ўлароқ ҳуқуқий чоралар мажбур қилиш характеридаги кучга эга ва маълум санкциялар қўллаш билан амалга оширилади.

Шартномавий жавобгарлик асосларининг моҳияти худди *шартномавий бўлмаган* (дилект) жавобгарлик асосларининг моҳияти сингаридир. Зеро, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам жавобгарлик юклаш учун ҳуқуқбузарлик таркибининг тегишли элементлари мавжуд бўлиши талаб этилади. Аммо шартноманинг маълум шартларини бузганлик учун юклатиладиган шартномавий жавобгарликнинг шакли ва миқдорлари (ҳажми) қонунда олдиндан белгилаб қўйилган ва шартномада тарафлар томонидан шарт қилиб қўйилган ёки тарафлар ўртасида ўзаро келишиб олинган бўлса, ношартномавий, яъни шартномадан ташқаридаги жавобгарлик ҳаминша қонунда белгиланган бўлади. Бундай жавобгарликнинг шакллари ва ҳажмларини аниқлаш, шунингдек қарздор ва кредиторни аниқлаш ҳам қонун томонидан юридик жавобгарлик юклаш учун етарли асос сифатида тан олинган маълум ҳолат юзага келиши муносабати билан зарурий ҳисобланади¹.

Мажбуриятни бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир қисмидир деб бўлмайти, чунки фуқаролик ҳуқуқӣ мажбуриятда мулкӣ жавобгарлик асосий ўринни эгаллайди.

Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарнинг айби мавжуд бўлган ҳоллардагина вужудга келади. Жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик ҳуқуқӣ нормалар фақат қонун бўйича ёки товар етказиб бериш, ёхуд олди-сотди шартномаси бўйича шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Қоида бўйича шартнома тарафларидан бири бўлмаган шахсларнинг зиммасига жавобгарлик юклатилишига йўл қўйилмайди. Мажбуриятлар бузилганда қонунда ва шартномада назарда тутилган ҳуқуқӣ таъсир чоралари қўлланилади. Шартномавий жавобгарлик жиноий ва маъмурий жавобгарликдан фарқли бузилган фуқаролик ҳуқуқларини тиклашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шартномавий жавобгарлик умуман мажбуриятларни бузиш натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплаш тамо-

¹ Қаранг: Раҳманқулов Х. Р. Правовые формы регулирования имущественных отношений хозяйственных организаций. Тошкент. 1976 й., 240- б.

йили асосига таянади. Моддий зарар етказилишида айбдор бўлган корхона-тайёрловчи жавобгарликдан озод этилмаслиги лозим.

Шартномавий жавобгарлик шартнома тарафлари-маҳсулот тайёрловчи корхона ва маҳсулот истеъмолчиларининг бузилган иқтисодий тенг ҳуқуқлигини тиклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари фаолияти натижалари ўз-ўзини қоплаш учун бу корхоналар мажбуриятларни бажармаганликлари туфайли етказилган зарар учун мулкий жавобгарлика тортилишлари шарт. Кредитор қарздорнинг айби билан унга етказилган зарарнинг қопланишидан манфаатдордир. Мустақил мулкий жавобгарликни тақазо этадиган шартномавий жавобгарлик ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар фаолиятидаги шартнома интизомини мустаҳкамлаш ишида муҳим ўрин тутади.

Шартномавий жавобгарлик корхонанинг улгуржи савдо бўйича мулкий муносабатлари асосини ташкил этадиган моддий рағбатлантириш тамойилларини ҳаётга татбиқ этишнинг усулларида биридир.

Ўтмишда маъмурий-буйруқбозлик методи ҳукмронлик сурган даврда мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгарлик давлат томонидан ўрнатилган мажбурий ҳолат сифатида қабул қилинарди. Бозор иқтисодиёти шароитида жавобгарликни, биринчи навбатда, тарафларни уларнинг ўзлари томонидан шартномада назарда тутилган санкциялар таъсири остида мажбуриятларни ижро этишга ўзаро мажбур қилиш ҳолати деб тушуниш керак. Шундай экан, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик юклаш воситасида фақат қонунда назарда тутилган эмас, балки шартномада назарда тутилган *санкциялар* ҳам амалга оширилади¹.

Баъзи бир мажбуриятларнинг бузилганлиги учун қонунга биноан жавобгарлик юклатилади, аммо мажбуриятлар шартномавий характерга эга бўлса, яъни улар шартнома гузилиши натижасида юзага келган бўлса, уларнинг бузилганлиги учун фақат шартномага биноан жавобгарлик юклатилади. Шартноманинг бузилганлиги учун қонунда жавоб-

¹ Рахмонкулов Х. А. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. Ташкент. Фан. 1989 й. 202 - б .

гарлик назарда тутилган бўлса, яъни тарафлар шартнома тузаётган чоғларида унинг бузилганлиги учун қонунда назарда тутилган жавобгарликни қўллашга келишиб олган бўлсалар, шартномани бузган тарафга нисбатан қонунга биноан жавобгарлик қўлланилади. Шу сабабдан, мажбуриятларни бузганлик учун тарафларга уларнинг ўзлари қонунга асосан шартномада назарда тутилган ёки шартномада келишиб олишган санкциялар бўйича жавобгарлик юклатилади, дейиш тўғрироқ бўлади.

Шартнома тузиш амалиётининг тўғри йўлга қўйилиши, унинг муҳим иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ролини ошириш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, хўжаликни юритиш муаммоларини такомиллаштиришнинг ажралмас таркибий қисмидир. Шартнома тарафларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарлигини аниқлаб беради, хўжалик интизомини мустаҳкамлаш учун замин яратади, корхоналарнинг мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли адо этиш масъулиятини оширади.

Тадбиркорлик соҳасида шартнома тузишдан асосий мақсад кўшимча даромад олиш, фойда кўришдан иборат. Бунингсиз барча чоралар, шу жумладан манфаатдорликни кучайтиришга йўналтирилган жавобгарлик ҳам етарли эмас. Манфаатларни мулкий жавобгарликдан халос бўлиш мақсадида мажбуриятларни тегишли равишда ижро этишга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатларга боғлаш лозим.

Шартномавий жавобгарлик деганда, шартнома бўйича юзага келган мажбуриятларни умуман ижро этмаган ёки лозим даражада бажармаган тарафга нисбатан қўлланиладиган мажбурий таъсир чоралари тушунилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун юклатилладиган жавобгарлик қоида бўйича *шартномавий характерга* эга бўлади. Шу сабабдан ҳам, у *шартномавий жавобгарлик* деб аталади, зеро, шартномадан ташқари (жинойй) жавобгарликдан фарқли ўлароқ у шартнома шартларининг бузганлиги сабабли юклатилади.

Жавобгарлик куйидаги хусусиятлари ва талабларга жавоб бериши билан шартномавий характерга эга бўлиши мумкин:

а) шартнома хўжалик юритувчи субъектлар томонидан „қонунда ман этилмаган ҳамма нарсага рухсат этилади“ деган тамойилга мос равишда тузилган бўлиши ва унинг тарафларининг хоҳиш-иродаси эркин ифода этилиши билан;

б) жавобгарликни белгилашда шартнома тарафларининг иқтисодий мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлиги шартномада назарда тутилган бўлиши билан;

в) шартномада унинг мазмунини ташкил этувчи маълум шартларнинг бузилганлиги учун юклатиладиган жавобгарлик, унинг шакллари ва миқдори (ҳажми) тарафлар томонидан келишилган, тўғри ва аниқ белгиланган бўлиши билан;

г) жавобгарлик шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилганлиги (ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги) сабабли қўлланилиши мумкин эканлиги билан.

Шартноманинг аҳамиятини ошириш сезиларли даражада қонунда мустаҳкамланган ва шартномада назарда тутилган жавобгарлик ҳуқуқи нормаларининг тўғри қўлланилишига боғлиқдир. Мажбуриятларни бузганлик учун юклатиладиган жавобгарликнинг самарадорлигига бозор иқтисодиёти шароитларида шартнома шартларининг бузилиши жавобгарликсиз қолдирилмаган ҳамда хўжаликка етказилган моддий зарарни қоплатиш учун барча таъсир чоралари қўлланилган тақдирдагина эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти йўлига ўтиш ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши, тадбиркорлик фаолияти доирасида шартноманинг моҳияти ҳамда ўрнининг ошиши билан узвий боғлиқдир.

Шартнома хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаси сифатида тарафларнинг ўз зиммаларига олган иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини (мажбуриятларини) бажаришда ифодаланади.

Давлат мулкчилигининг танҳо ҳукмронлиги даврида шартнома уни тузган томонларнинг эркин хоҳиш-иродасини ифода этувчи тўла ҳуқуқли юридик ҳужжат деб қаралмасдан, у шунчаки режа-топшириқларни бажариш учун бир восита ўрнида қўлланиларди. Шартнома тарафларининг тенг ҳуқуқлигини тан олиниши уларнинг мажбуриятни бажаришга бўлган масъулиятини оширади, мажбурият бузилган тақдирда қандай салбий оқибатлар юзага келишини тўлиқ ҳис қилади ва уни олдини олишга ҳаракат қилади.

Бозор муносабатлари шароитида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ҳамда мазмуни ва мажбуриятини бузганлиги учун жавобгарлик амалдаги қонун асосида

келишувлари билан белгиланади. Шартнома томонлар қонунда кўзда тутилмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам белгилашлари мумкин, лекин улар амалдаги қонунларнинг умумий меъёри ва моҳиятига зид келмаслиги керак.

Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бузган томонга нисбатан жавобгарлик қонун ҳужжатларидан ташқари шартноманинг ўзида жарима ёки пеня шаклида белгиланиши мумкин. Бу эса шартнома мажбуриятларини бажариш масъулиятини ва шартноманинг моҳиятини янада ҳам оширади.

Тарафлардан бири (қарздор) ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли жабрланувчи (кредитор)га етказилган зарарни қоплаш тўғрисида мурожаат этиш ҳуқуқи қонун асосида жабрланувчига берилган. Демак мажбурият бузилганлигини исботлаш вазифаси жабрланувчи (кредитор)нинг зиммасига юклатилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида умумий тушунчалар, жавобгарликнинг турлари (шакллари) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (ФК) 324—339- моддаларида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 330-моддаси 2-қисмида *„Башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятини асл ҳолида бажаришдан озод қилади“* деб кўрсатилган. Ўтмишда амалда бўлган қонунларга асосан, қарздор мажбуриятни бажармагани учун неустойка, жарима тўлашдан ва етказилган зарарни қоплашидан қатъий назар, мажбуриятни асл (натура) ҳолида бажаришдан озод қилинмас эди. Тадбиркорлик фаолияти учун мажбуриятнинг қандай усулда бажарилишидан қатъи назар, асосий мақсад фойда олишдан иборат эканлиги ҳисобга олиниб, ўтмишда белгиланган қоидалардан чекинилди. ФКнинг 330-моддасининг 2- қисмига асосан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўланган ва зарар қопланган бўлса, қарздор мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод бўлиши мумкин. Хусусий белгили ашёни (индивидуально определенная вещь) топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатида ашёни ўрнига зарарни қоплашни талаб қилиш (ФКнинг 332-модда), мажбуриятни бажарилиши кечиктирилганлиги

оқибатида кредитор ўзи учун аҳамиятини йўқотмаган (ФК-нинг 337- моддасининг 2- қисми) ижрони қабул қилишдан бош тортиш, шунингдек, пул тўлаш, мол-мулк олиш билан мажбуриятнинг бажарилишидан воз кечиш ҳам (ФКнинг 342- модда) қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмаслик ҳақида қоида энди мажбурият лозим даражада бажарилмаган ҳолларда қўлланиши мумкин (ФКнинг 330- моддасининг 1- қисми). Шунингдек, кодекснинг 436- моддасига мувофиқ „*Сотувчи чакана олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди*“, деб қайд этилган.

Демак, тарафлардан бири (қарздор) умумий миқдорда маҳсулотни бермаса, яъни мажбуриятни асл ҳолида бажармасдан бунинг учун неустойка тўлаган ва зарарни қоплаган бўлса, у мажбуриятни бажаришдан озод этилиши мумкин. Лекин мажбуриятни лозим даражада бажармаган, яъни маҳсулотни муддатида етказиб бермаган ёки сифатсиз маҳсулот етказиб берган бўлса, у мажбуриятни бажаришни давом эттиришдан озод бўлмайди. Чакана савдода эса сотувчи, харидорнинг манфаатларини кўзлаб, зарарни қоплаш ва неустойкани тўлашдан ташқари, мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги „**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**“ ги Қонунининг 14- моддасида ҳам истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (модели, артикулли) товарга етти кунлик муддатда алмаштириб бериши шартлиги, ана шу муддат ўтказиб юборилганда ҳар бир кун учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлаши қайд этилган.

Масалани тўғри ҳал этилиши мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули, айбдор тарафга қўшимча мулкий таъсир чораларини қўллаш ёки қўллашни рад этиш билан ифодаланади.

Мулкий жавобгарлик шартнома мажбуриятлари бажаришнинг энг кучли воситаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик кредиторга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **9-моддаси** 1- қисмида „*Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар*“ деб кўрсатилган.

Шартномага асосланган мажбуриятлар бузилган тақдирда ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, биринчидан, шартномага оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, иккинчидан, шу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунда ва шартномада белгиланган жавобгарлик чоралари бўлишлиги ҳисобланади.

Шартноманинг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришга мажбур этувчи чора тадбирларнинг қўлланилиши шартнома интизомини мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни таъминлайди.

2- §. Шартномавий мажбуриятлар бўйича жавобгарликнинг шакллари

Шартномавий жавобгарликнинг иккита асосий шакли мавжуд: булар неустойка ва зарарни қоплашдир. Бу шаклларнинг қўлланилиши умумий шартномавий ҳуқуқ нормалари томонидан назарда тутилади, шунингдек, улар шартноманинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳўжалик юритишнинг у ёки бу соҳасида бевосита ифода этилган алоҳида норматив актлар томонидан назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг маълум бир тури учун қонунда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликнинг белгиланишини охириги, ҳал этувчи қарор деб ҳисобламаслик керак. Қонунчилик нормаларида назарда тутилмаган мажбуриятларнинг бузилганлиги учун ҳам жавобгарлик юклатилиши мумкин. Бу, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитларида жуда зарурдир. Битим шартларини ва шартномавий мажбуриятлар бузилишининг баъзи турлари учун жавобгарлик мустақил равишда белгиланиши мумкин.

Шартномавий муносабатлар ўрнатилиши сабабли юзага келадиган мажбуриятларнинг бузилганлиги учун қонунчиликнинг моҳиятига зид келмайдиган тегишли жавобгарлик шакллари назарда тутилиши ва қўлланилиши мумкинлиги қонун билан инкор этилмайди.

Зарарни қоплаш ва неустойкани ундириш мулкӣ жавобгарлик шакли бўлганлиги учун ўзларига хос хусусиятларга эга:

— гарчи зарарни қоплаш жавобгарлик чораси (шакли) сифатида қонунда назарда тугилса ҳам, унинг миқдори, қоида бўйича етказилган зарар миқдорига боғлиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади ва у исботланган бўлиши лозим. Демак, зарарни ҳақиқатан ҳам мавжудлигини исботлаш вазифаси зарар кўрган шахснинг, яъни кредиторнинг зиммасига юклатилади. Ҳуқуқбузарликнинг у ёки бу шакли учун қўлланиладиган неустойка (пеня, жарима) ва уларнинг миқдори ҳар қандай ҳолларда ҳам қонунда ва шартномада назарда тугилади;

— зарарларни қоплаш учун умумий даъво муддати амал қилади. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **150- моддаси**);

— зарарларни қоплаш учун жавобгарлик асосларининг тўлиқ таркиби мавжуд бўлиши лозим. **Булар:** ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат, зарар, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, зарар етказувчининг айбидан иборат. Неустойка эса бундай таркиб мавжуд бўлмаганда ҳам ундирилиши мумкин. Неустойкани ундириб олишда етказилган зарар ва сабабий боғланиш борлигини исботлаш талаб этилмайди, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат ва қарздорнинг айби неустойкани ундириш учун етарлидир (ҳуқуқбузарлик ва қарздорнинг айби)¹.

Шартномавий жавобгарлик шакллари, гарчи улар битта ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланилиши мумкин бўлса-да, бир-биридан жиддий фарқ қиладилар. Жавобгарликнинг маълум бир шаклининг қўлланилиши ва унинг миқдори маълум ҳуқуқбузарлик тури характери билан аниқланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакллари ичида *зарарни ундириш* алоҳида ўрин эгаллайди, чунки фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқбузарлик, жумладан, мажбуриятларни ба-

¹ Қаранг: Х. Раҳмонкулов. Договорные отношения в агро-промышленном комплексе. Тошкент. Фан, 1989 й. 202- б.

жармаслик кўпгина ҳолларда зарар етказишга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам жавобгарликнинг ушбу шакли умумий аҳамиятга эга ва агар қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса (ФКнинг **14- моддаси**), зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқбузилиши юз берган барча ҳолларда қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари бундай умумий аҳамиятга эга эмас, улар муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан бевосита қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. *Масалан*, агар ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкка шикаст етказса, ижарага берувчи ундан етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлиши ёки бўлмаслиги аҳамиятга эга эмас. Шикаст етказилганлиги учун неустойкани ундиришга фақат қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқи бузилганлиги учун зарарни ундириш, қонун ёки шартномада назарда тутилган айрим истиснолардан ташқари, барча ҳолларда қўлланилиши мумкин бўлганлиги туфайли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ушбу шаклини умумий чора деб ҳисоблаш мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари махсус чоралар деб ҳисоблаш жоиз, чунки улар фақат қонун ёки шарномада назарда тутилган ҳоллардагина ва муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланилиши мумкин.

Зарарни ундириш умумий чора сифатида бузилган барча мажбуриятларга нисбатан қўлланилади. **ФКнинг 324- моддасининг 1- қисмига** мувофиқ қарздор мажбуриятни бузганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Демак зарарни қоплаш ҳақидаги кредиторнинг талаби, албатта амалга оширилиши керак. Шунинг учун ҳам фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг ушбу шакли алоҳида эътиборга сазовар.

Зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шаклларига тааллуқли бўлган умумий белгилари билан бир қаторда ўзига хос махсус хусусиятларга эга. Мажбуриятни бузган шахс зарарни пул эвазига ёки бошқа мол-мулк эвазига қоплаши мумкин. Шунинг учун ҳам зарарни қоплаш асосан мулкий характерга эга.

Ўзининг шу хусусияти билан бошқа шахсий номулкий ҳуқуқий муносабатлардан, яъни номулкий характерга эга

бўлган жавобгарликдан фарқ қилади. Зарарни ундириш бўйича мол-мулк фуқаролик муомалада қатнашувчи бир шахснинг (жавобгарнинг) эгалигидан фуқаролик муомалада қатнашувчи иккинчи (зарар кўрган) шахснинг эгалигига ўтказилади. Шундай экан, зарарни ундириш фуқаролик муносабатларида қатнашувчи бир шахснинг иккинчи шахс олдидаги жавобгарлиги ҳисобланади. Шунинг билан зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилишга қаратилган фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шаклларида фарқланади. *Масалан*, Фуқаролик кодексининг **116- моддасига** мувафиқ, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқтарғибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бундай битимга нисбатан Фуқаролик кодексининг **114- моддаси** иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар назарда тутилади. Битим ҳақиқий бўлмаганлиги туфайли, унинг тарафларининг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқдан маҳрум бўлади.

Ўтказилган зарарни қоплаш чораси ҳуқуқбузарнинг мол-мулки ҳисобидан зарар кўрган тарафнинг йўқотган мол-мулк салоҳиятини тиклашга қаратилади. Ҳуқуқбузар зарарни қоплаш йўли билан зарар кўрган шахсни ундан мажбурият бузилмасдан олдин мавжуд бўлган мулк ҳолатни тиклайди. Бундай тиклаш ҳуқуқбузар мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам зарарни ундириш барча ҳолларда дастлабки мулк ҳолатни тиклаш характерига эга.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли сифатида зарарни ундириш ҳақида талаб қўйиш учун мажбурият бузилиши натижасида зарар ҳақиқатан мавжуд бўлиши керак. Зарар деганда кредиторнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилинган ёки қилиши лозим бўлган сарф-харажатлар, унинг мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, қарздор мажбуриятини бажарганида у олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлар (бой берилган фойда) тушунилади (ФКнинг **14-модда 2-** қисм).

Таъкидлаш лозимки, зарар қаторига, биринчи навбатда, кредитор қилган ва қарздор томонидан қопланиши лозим бўлган сарф-харажатлар қиради. Бой берилган ва шикастлан-тирилган мулкнинг баҳоси ҳам ўтказилган зарар таркибига қиради. Масалан, кредитор (молни қабул қилиб олувчи ёки

юк жўнатувчи) қарздорнинг интизомсизлиги туфайли йўқотилган ёки шунинг натижасида шикастлантирилган мулкнинг баҳосини (ҳақини) интизомсиз қарздордан талаб қилишга ҳақлидир. қопланадиган зарарлар миқдори қоида бўйича шартномани ижро этмаганлик ёки лозим даражада ижро этмаганлик натижасида кредиторга етказилган амалдаги зарар суммасига мос келиши лозим. Бу зарарни тўлиқ қоплаш тамойилидан келиб чиқади. Қонунчиликда ва шартномада белгиланган ҳолларда неустойка (жарима, пеня) мажбуриятини бузган шахсларга нисбатан санкция сифатида қўлланилади. Неустойка умуман ижро этилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбурият суммасига нисбатан маълум фоиз сифатидаги пул суммасида ифодаланади. Неустойкани тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади. Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида зарарни қоплаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик сабабли зарар етказишда айбдор бўлган шахслар зиммасига амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва миқдорда моддий жавобгарлик юклатилади. Бундай қоида шартнома томонлари учун муҳим огоҳлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади. У зарар кўрган хўжалик юритувчи субъектларни мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги сабабли юзага келган зарарни аниқлаш ва уларнинг тўлиқ хажмини исботлаш каби оғир ва мураккаб вазифани бажаришни талаб қилади. Бу қоиданинг кенг ёйилиши мулкий муносабатларнинг барча соҳаларида шартнома интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар зиммасига жарима санкцияларини юклаб, улар ёрдамида ундирилган маблағларни рағбатлантириш фондларига ёки давлат бюджетига ўтказиш корхоналар ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда қарзлари бўйича мулкчилик ҳуқуқи ёхуд хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича ўзларига тегишли бўлган мулк билан мустақил равишда жавобгар бўлишлари тенденциясига мос келмайди. Фуқаролик кодексининг **72- моддасига** биноан оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар

корхонаси ҳам ўз мажбуриятлари бўйича биринчи галда ўзи жавобгар бўлади (**48- модда**), унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда давлат унинг мажбуриятлари бўйича **субсидиар** жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шартномавий муносабатларда қўлланиладиган мулкий санкцияларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишнинг асосий омили, неустойкани тўлаш ва зарарларни қоплашнинг манбаларини аниқ билиб олишдир.

Мулкий санкциялар тўлашнинг ва зарарларни қоплашнинг манбаларини тўғри белгилаш бу муаммога жуда жиддий ёндашишни талаб этади. Мавжуд кўп омиллар мулкий санкциялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, уларни бартараф этмасдан шартномавий муносабатларни такомиллаштириб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида жарима санкциялари йўналтирилиши лозим бўлган манбаларни қонун тартибида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Хўжалик юритувчи субъектнинг мустақил жавобгарлиги тамойили бўйича жавобгарлик учун моддий манбалар тўғрисидаги масалани корхонани ўзи ҳал этиши лозим, яъни жарима санкцияларини тўлашни ва кредиторларга тўланиши лозим бўлган қарз суммаларини қайси манбалардан олишни биринчи галда ўзи ва уни ташкил этган муассислари ҳал этиши керак.

Ўтмишда давлат корхоналари ва колхоз-кооператив хўжалиklarининг мол-мулки иккита, яъни асосий ва муомаладаги (оборот) фондларга ва махсус фондлардан ташкил топган бўларди. Асосий фондларга нисбатан қатъий ҳуқуқий режа ўрнатилган бўлиб, улар кредитор олдида, қарздор олдида қарздордан қутилиш учун, яъни етказилган зарарни қоплаш ёки неустойкани ундириш учун манба бўлиши мумкин эмас эди. Мажбурият бажарилганлиги учун жавобгарлик асосан муомаладаги фондларга қаратилган бўлиши мумкин эди. Мукофотлаш ва рағбатлантириш фондлари махсус фондлар ҳисобланиб, улардан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш мумкин эди. Ҳозирги даврда корхоналарнинг мол-мулки Устав фондлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибий қисми ўтмишдаги асосий ва муомала фондини бир қисмидан иборат бўлган пул маблағларидан ҳам ташкил топган бўлиши мумкин. Корхоналарнинг мол-мулкига бўлган қонуннинг ўзгариши ушбу мол-мулкдан зарарни қоплаш, неустойкани ундириш учун манба сифатида

фойдаланишга оид қоида-тартибни ўзгартиришга олиб келади. Корхона ўз қарзи бўйича қарздор олдидан бутун мол-мулки билан, унинг қандай фондлардан ташкил этилишидан қатъий назар тўлиқ жавобгар бўлади. Шундай экан, ҳозирги шароитда жавобгарликни ёки санкцияни мукофот ёки рағбатлантириш фондига қаратиш кераклиги ҳақида таклиф киритиш учун ўрин қолмади. Фуқаролик кодексининг **56- моддаси**да юридик шахс кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги қоидалар назарда тутилган. Мазкур кодекснинг **48- моддаси** 1- қисмига мувофиқ юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бўлган мол-мулк билан жавоб беради. Бундай мол-мулк қаторига бинолар ва иншоотлар билан бирга пул маблағлари, қимматли қағозлар ҳам киради. Демак, ушбу мол-мулкларни мажбурият бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш, неустойкани ундириш учун манба деб ҳисоблаш мумкин.

3- §. Шартнома мажбуриятлари бўйича жавобгарликнинг асосларига умумий тавсиф

Бозор иқтисодиёти шароитида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланиши ва бунинг учун унинг асосларини аниқ белгиланиши зарурий аҳамиятга эгадир. Бундай шароитда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг самарадорлиги шартнома мажбуриятларининг беками кўст бажарилишини таъминлаш билан боғлиқдир.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, шартномавий мажбуриятлар бузилганлиги учун юклатиладиган жавобгарликни белгилашда қонун чиқарувчи орган қуйидаги „*иккита муҳим, конституциявий асосланган принципга: мулкчиликнинг турли (шу жумладан хусусий) шаклларининг эркинлиги ва тенглиги принципи ва иқтисодий фаолият эркинлиги принципи*“¹ амал қилиши лозим.

Шартнома мажбуриятларининг ижро этишга таъсир кўрсатадиган сабаблар жуда турличадир. Улар ички, яъни бевожуб шартнома тарафларининг хатти-ҳаракатлари билан

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий принциплари. Т. „Ўзбекистон“ 1995 й. 28- б.

боғлиқ ва ташқи, яъни унинг боғлиқ бўлмаган сабаблардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу сабабларнинг шартномаларни бажарилишига таъсири турли ҳолатларга боғлиқ бўлиши мумкин. Улар баъзи бир ҳолларда у ёки бу шартнома томонининг тегишли чора тадбирлар қўрилмаганлигига, баъзан эса тасодифий фактларга ўзаро боғлиқ бўлади. Шартноманинг шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликнинг олдини олиш ва бунга йўлга қўймаслик шартнома тарафларидан ҳар бирининг эҳтиёткорлиги ва фаоллигига, мажбуриятларни ўз вақтида бажариш учун зарур чора-тадбирлар қўллашига боғлиқдир.

Мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгарлик асослари объектив ва субъектив тусдаги маълум шарт-шароитлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлганда жавобгарликни қўллаш мумкинлигига шубҳа йўқ. Объектив тусдаги шарт-шароитлар деганда шартнома тарафларидан бирининг хатти-ҳаракатларнинг ғайриқонунийлиги, яъни мажбуриятни бажармаслиги бунинг натижасида вужудга келган зарар ҳамда ушбу шарт-шароитлар ўртасида сабабий боғланиш тушунилади. Зарар етказувчининг айби эса, *субъектив шарт-шароит* дейилади. Ушбу тўртта таркибнинг ажратиб кўрсатилиши ҳуқуқбузарликнинг ягона асосини таснифлаштиришдан далолат беради. Лекин улар қандай шаклда таснифланишидан қатъий назар қонунда ёки шартномада белгиланган жавобгарликни қўллашда мажбуриятнинг қандай даражада бузилганлиги инобатга олинади. Агар мажбурият бузилганлиги натижасида зарар етказилмаган бўлса, шартнома шартларини бузган, шартномада назарда тутилган тегишли талабларга риоя қилмаган шахсга нисбатан қонунда, шартномада белгиланган санкцияларни қўллаш воситасида жавобгарлик мажбурият бузилганлиги ва бунинг учун шахснинг айби мавжудлиги ҳисобга олинади.

Хўжалик фаолияти доирасидаги шартномаларнинг бузилганлиги учун юклатиладиган мулкый жавобгарлик айбдор тарафнинг моддий шароитига қарши қаратилган, унинг камайиши кўринишдаги юз берадиган салбий оқибатдир. Жавобгарликнинг ҳажми хўжалик юригувчи ташкилот томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликнинг миқёсига боғлиқдир.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фақат қонунда кўрсатилган шарт-шароитлар вужудга келганда келиб чиқиши

мумкин. Бу шарт-шароитлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил қилиб, шу ҳилдагилар ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. **Булар қуйидагилар:**

- а) зарарнинг мавжудлиги;
- б) ҳуқуққа зид ҳулқ-атвор (мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик);
- в) ҳуқуққа зид ҳулқ-атвор билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- г) айбнинг мавжудлиги.

Мана шу элементлар бўлсагина фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Хўжалик шартномаларида шартнома шартларини бузиш орқали етказилган зарарни тўлаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Негаки, шартнома субъектларига етказилган моддий зарар ундирилмаса, бу ҳолат уларнинг моддий-иқтисодий, ишлаб чиқариш манфаатларига жиддий таъсир қилиши мумкин. Шу сабабдан етказилган зарарни тўлаш жабрланувчи томоннинг бузилган ҳуқуқларини тикланишига олиб келиб, хўжалик шартномаси шартларини тўғри бажарилишини таъмин этишга ёрдам беради.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик асосларини аниқлашда иккита ҳолатга эътибор қаратмасдан бўлмайди: қарздорнинг, зарар етказувчининг айбдорлик *презумпцияси* ва айбини суд амалиётида кўриб чиқиш. Айбдорлик презумпциясига кўра, айбсизлик ҳолати исботланмагунча, ҳуқуқбузар **айбдор** деб ҳисобланади. Гумон қилинаётган айбдорлик хусусида низони манфаатдор шахс қўзғатишга ҳақлидир. Презумпция ҳам худди бошқа *презумптив* нормаларга ўхшаб типик реал муносабатларнинг умумлаштирилган ифодасига асосланади. Шартномавий мажбуриятларни бузган тарафнинг айби фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг муҳим асосларидан биридир. Фуқаролик қонунчилигига биноан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган мажбуриятларни ижро этмаган шахслар қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари фақат айб мавжуд бўлган ҳоллардагина мулкий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига биноан, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик фақат айб мавжуд бўлган ҳолларда юклатилади.

Айбсиз жавобгарликка эса фақат қонунда ёки шартномада махсус назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда айб шартномавий жавобгарликнинг асоси сифатида жавобгарликнинг бошқа шаклларида қатъий назар барча ҳолларда мавжуд бўлиши керак (зарарларни қоплашда, неустойкаларни ундириб олишда).

Айб фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шартли сифатида доимо устунлик қилади, шартномавий мажбуриятларнинг кўпчилигида у шахснинг ўз гайриҳуқуқий ахлоқи ва унинг натижасига нисбатан руҳий муносабатини англатади. Қоида бўйича айбнинг даражаси ва шакли шартнома бўйича фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шартлари ва ҳажми (миқдори)га таъсир кўрсатмайди.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шартномага асосланган ва асосланмаган мажбуриятлар бузилганлиги учун юзага келиб чиқади, аммо қонунда назарда тутилган баъзи бир ҳолларда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарни қоплашга бўлган жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқининг бутун тизимида учрайди. Уларга жумладан қуйидагилар киради: умумий фалокат, реквизиция, давлат ва жамият эҳтиёжларини кўзлаб ерларни олиб қўйишда етказилган зарар, охириги зарурат ҳолатида етказилган зарарни қоплаш киради. Уларни бошқа гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар натижасида вужудга келадиган мажбуриятлардан фарқлаш лозим. Бундай мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни амалга оширишни шаклидир. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ўз моҳияти бўйича фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва функцияларига эга эмас. У гулиқ мустақил ва ўз юридик табиатига кўра фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш чораси бўлиб, шартномага асосланган мажбуриятлардан ва бундай мажбуриятлар бузилганлиги учун қўлланиладиган жавобгарликдан фарқ қилади.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларнинг йиғиндиси фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил қилади. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни барча ҳолларда қўллаш учун зарур бўлган сабаблар умумий қоидага биноан ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат

ва қарздорнинг, яъни мажбуриятни бузган тарафнинг айбидан иборат. Зарарни қоплаш бўйича жавобгарликка тортиш учун бундай зарар ҳақиқатан етказилган бўлиши, шунингдек ҳуқуқ зид хатти-ҳаракат, яъни шартнома шартларининг бузилиши билан унинг оқибатида етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланишнинг борлиги маълум бўлиши керак.

Демак, шартномага асосланган мажбурият бузилганлиги учун жавобгарликни қўллашда бундай бузилиш оқибатида зарар етказилган ёки етказилмаган бўлишидан қатъи назар, барча ҳолларда шартнома шартларининг бузилганлиги ва бундай бузилишда шартнома тарафининг айби борлиги ҳисобга олинади. Агар шартнома бузилиши натижасида зарар етказилган бўлса, фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил қилувчи барча элементларининг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Шартномага асосланган мажбуриятларнинг бузилганлиги учун ҳуқуқбузарлик таркибининг фақат икки элементи (шартнома шартининг бузилиши ва бунда айбнинг бўлиши) ёки барча элементларининг мавжуд бўлишига қараб, жавобгарликнинг шакллари (зарарни ундириш, неустойкани, штрафни, пеняни қўллаш) белгиланади.

4- §. Учинчи шахслар ҳаракатлари учун жавобгарлик

Учинчи шахснинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги (ФК 324- модда) умумий фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги асосларига мувофиқ вужудга келади (ФК 333- модда). Қарздор ўзини жавобгарликдан озод қилиш учун ўзининг ҳам, шунингдек, учинчи шахснинг ҳам айби йўқлигини исботлаши керак.

Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш кўпинча ушбу шахс билан қарздор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига, шартномага ва мажбуриятнинг моҳиятига мувофиқ мажбуриятни бажариш шахсан қарздорнинг зиммасига юклатилган бўлиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексини 241- моддасининг 2- қисмига мувофиқ, агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт.

Ушбу модданинг 2- қисми кредитор учун императив тусга эга. Учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони кредитор албатта қабул қилиб олиши керак. Қабул қилиб олинганлиги ҳақида қарздорга хабар қилиш ва бу ҳақда қарздор кредитордан талаб қилиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг **240- моддасига** биноан бажарилган мажбуриятни шахсан кредиторнинг ўзи ёки у ваколат берган шахс томонидан қабул қилинганлигини исботлаш учун ҳужжат талаб қилиниши Фуқаролик кодексига киритилган янги қоида бўлиб, қарздорга ўз мажбуриятини шахсан ўзи ёки учинчи шахс томонидан бажарилганлигини тасдиқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай қоиданинг белгиланиши, айниқса, ҳозирги тадбиркорлик соҳасида ривожланган, нақд пул ҳисобига амалга ошириладиган, вужудга келган мажбуриятларнинг бажарилганлигини исботлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш ҳақидаги қоида 1963 йил қабул қилинган Фуқаролик кодексига ҳам назарда тутилган эди (**183- модда**). Амалдаги Кодекс ушбу қоидага қисман ўзгартириш ва қўшимча киришти билан сақлаб қолинди. Мажбуриятни учинчи шахс зиммасига юклаш фақат шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилади. Шунинг билан бирга бундай, юклаш учинчи шахснинг маъмурий жиҳатдан бўйсунуши сабабли мумкин бўлиши ҳисобга олинмайди. Янги қоидага мувофиқ мажбуриятни бажаришни қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлган қоидаларда учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг **241- моддасининг** 3- қисмида учинчи шахс иштирокида бажариладиган мажбурият бўйича бевосита ким жавоб бериши ҳақидаги қоида ҳам назарда тутилди. Ушбу қоидага биноан мажбурият бўйича учинчи шахс қонун ҳужжатларида ёки шартномада махсус назарда тутилган тақдирдагина жавобгар бўлиши мумкин. Бошқа ҳолларда, умумий қоидага биноан, жавобгар бўлиш бевосита шартномада тарафларнинг ўртасида вужудга келади. Қонунга биноан мажбурият бўйича тўғридан-тўғри учинчи шахснинг жавобгар бўлиши ФКнинг **1017- моддасида** назарда тутилади. Унга мувофиқ, товар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқи-

батида етказилган зарар товарни сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) қопланиши зарур. Маҳсулотни етказиб бериш (поставка) шартномаси бўйича маҳсулотнинг сифати учун жавобгарлик шартнома тарафлари эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчига етказиб берувчи учинчи шахс — корхона зиммасига юклатилади.

Шартномада ҳам тўғридан-тўғри учинчи шахснинг — ижрочининг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Фуқаролик кодекси **598- моддасининг** 3- қисмига биноан лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни учинчи шахс мол-мулк сотувчи олдига ҳам қўйиши мумкин.

Лизинг шартномасига асосан вужудга келадиган мажбурият иштирокчилари уч шахсдан иборат — **лизинг берувчи** (ижарага берувчи), **лизинг олувчи** (ижарага олувчи), **лизинг нарчасини ишлаб чиқарувчи** (сотувчи)лар. Сотувчи лизинг олувчига нисбатан мажбуриятни бажаришда учинчи шахс сифатида иштирок этади. Лизинг олувчи мол-мулк сотувчи ва лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва сотувчи томонидан шартнома лозим даражада бажарилмаган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда мол-мулкнинг нуқсонлари учун тўғридан тўғри сотувчи у билан тузилган олди-сотди шартномасининг иккинчи тарафи бўлган лизинг олувчи олдига эмас балки олди-сотди шартномасини тузишда қатнашмаган лизинг олувчи олдига жавобгар бўлади.

Учинчи шахснинг ҳаракати учун жавобгар бўлган қарздор, унга нисбатан қайтарма (регресс) талаб қўйиши мумкин. Бундай талаб мажбуриятнинг учинчи шахс айби билан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашга қаратилган даъводан иборат бўлиши мумкин.

Мажбуриятни учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган жавобгарликнинг асоси сифатида айбга фуқаролик ҳуқуқи назарияси турлича изоҳ берилади:

а) бировнинг айби учун жавобгарлик; б) фақат учинчи шахснинг айби билан боғлиқ ҳаракат учун эмас, балки учинчи шахснинг хўжалик соҳасида содир бўлган қутилмаган ҳолат учун жавобгарлик; в) фақат бировнинг айби эмас, ўз айби учун ҳам жавобгарлик.

Биринчи тушунча мазмуни жиҳатдан бир-бирига ўхшаш қуйидаги, масалан „бировнинг айби“ учун „бировнинг қилмиши“ учун ёки „бировнинг хатти-ҳаракати“ учун деган иборалар билан ифодаланади. Аммо, хулоса қилиб айтганда, ушбу мулоҳазаларни барчасини умумлаштирганда битта маънодан иборат, у ҳам бўлса айб билан боғлиқ ҳаракатлардан, „бировнинг айби“ учун жавобгарликдан иборат. Ушбу хулоса тарафларининг фикрича, айб учун жавобгарлик тамойили умумий талаб сифатида бировнинг айби учун ҳам, учинчи шахснинг айби учун ҳам, қарздор ўзининг айби бўлмаган тақдирда ҳам жавобгарлик учун асос бўлиб ҳисобланади. Қарздор ўзининг айби эмас, балки бировнинг айби учун жавобгар бўлиши учун асос унинг учинчи шахсни танлашда ва унинг ҳаракатлари устидан назорат олиб боришдан иборат.

Иккинчи нуқтаи назарга мувофиқ, мажбуриятни бажариш учун учинчи шахсни жалб қилувчи қарздор маълум хўжалик фаолиятни амалга оширар экан, у нафақат жалб қилинган шахс ёки ташкилотнинг айбли ҳаракатлари учун жавобгар бўлиши керак, шунингдек ушбу хўжалик соҳасида вужудга келадиган хавф-хатарни ҳам ўз зиммасига олиши керак.

Учинчи нуқтаи назарга мувофиқ, мажбурият бўйича қарздорга нисбатан даъво қўзғатилганда нафақат мажбуриятни ижро этувчининг айби, шунингдек, қарздорнинг айби ҳам аҳамиятга эга. Қарздорнинг айби мажбуриятни бажариш учун учинчи шахсни танлашда йўл қўйган хатосидан ёки ҳуқуқбузарликни олдини олиш учун тегишли чора — амалда бажарувчи учинчи шахснинг айби, унга топширилган вазифани бажаришда қўйган хатолардан иборат бўлиши мумкин.

Умумий қоидага риоя қилинган ҳолда мажбурият бажарилмаганлиги албатта айбдор бўлган шахс, яъни учинчи шахс жавобгар бўлиши керак, лекин учинчи шахсни танлаган, унинг ишбилармонлиги, интизомлилиги учун кредитор олдида кафил бўлган қарздорни, учинчи шахснинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан озод қилиб бўлмайди.

Агар қарздор ҳам, учинчи шахс ҳам ўз айблари учун ўзлари мустақил жавоб бериши ҳақида қоида ўрнатилмаган бўлса, қарздорда шартномага асосан вужудга келган мажбуриятни, албатта бажарилишини таъминлашга бўлган масъулият йўқолади, унда мажбуриятга нисбатан бетарафлик

ҳиссиётлари вужудга келади, учинчи шахснинг хатти-ҳаракатлари учун назорат олиб боришнинг сусайиб кетиши учун сабаб бўлади.

Мажбуриятни учинчи шахснинг айби билан бажарилмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан озод қилиб қўйиш кредиторнинг манфаати учун ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки у мажбурият бажарилмаганлиги натижасида вужудга келган зарарни қопланмай қолган қисмини қарздордан ундириш имкониятидан маҳрум бўлади, унга нисбатан *субсидиар* жавобгарлик бўйича даъво қўзғатиш учун асос қолмайди. Шундай экан мажбурият бажарилмаганлиги учун ҳам қарздорни, ҳам учинчи шахсни ҳам айбдор, деб ҳисоблаш зарур. Демак, қарздор фақат ўзининг айби учун эмас, шунингдек, учинчи шахснинг айби учун ҳам жавобгар бўлади. Бундай хулосага келиш учун Фуқаролик кодексининг **333-, 334-** моддаларида ўрнатилган қоидаларга амал қилиш лозим. Ушбу қоидаларга биноан учинчи шахснинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги умумий фуқаролик ҳуқуқи жавобгарлиги асосида вужудга келади. Қарздор ўзини жавобгарликдан озод қилиш учун ўзининг ҳам, шунингдек, мажбуриятни бажаришни юклаган учинчи шахснинг ҳам айби йўқлигини исботлаши керак.

XIV БОБ | **Тадбиркорлик фаолияти соҳасида юридик хизмат кўрсатиш**

1- §. Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бунинг учун мамлакатимизда босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, Конституция ва Қонунларнинг устуворлигини таъминлаш зарур.

Бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати муҳим роль ўйнайди.

Республикаимизда мустақилликка бўлган даврда собиқ Иттифоқ қонунчилик ҳужжатларидан ташқари юридик хизмат тўғрисида республика ҳукумати томонидан иккита низом тасдиқланган, йигирмадан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб бир қатор қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 10 октябрдаги қарори билан тасдиқланган „Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш қондалари“ да қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишига ҳалқ хўжалиги тегишли тармоқларининг юридик хизматларини жалб қилиш белгиланган. Бу билан давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида юридик хизмат роли кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги „Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида“ ги Фармони юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда

муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, унда биринчи марта Адлия вазирлигига юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 12 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида“ги 523-сонли қарори билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан умуммажбурий тусдаги норматив ҳужжатларни Адлия вазирлигига ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилишни таъминлашни ҳамда ҳар 5 йилда адлия органлари билан юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида шартномалар тузишни топширди. Мазкур қарор билан Адлия вазирлиги ҳақидаги Низом тасдиқланди. Низомда республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идораларининг юридик хизматларига услубий ёрдам кўрсатиш, ушбу идораларнинг уларга қарашли республика корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Шу муносабат билан бу соҳада Адлия вазирлигининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. *Масалан*, унга бошқарув идоралари ва корхоналарнинг юридик хизматлари ҳуқуқий иши ва фаолияти аҳволини текшириш ҳуқуқи берилди. Адлия вазирлигининг юридик хизмат фаолиятини ва ҳуқуқий ишларни яхшилаш борасидаги йўриқнома ва кўрсатмалари мажбурий тусга эга эканлиги қайд қилинди.

Иқтисодиётдаги чуқур ўзгаришлар, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, корхоналар юридик хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш, қонунчиликни таъминлаш борасида уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан „Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида“ги Низомни тасдиқлади.

Ушбу Низом — мустақил Ўзбекистон Республикасининг юридик хизмат ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи биринчи норматив ҳужжати бўлиб, у 12 бандни қамраб олган қуйидаги 3 бўлимдан иборат:

1) юридик хизмат ходимлари лавозимини эгаллаш тартиби;

2) бошқарув органлари ва корхоналар юридик хизматининг вазифалари;

3) юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти.

Мазкур Низом нафақат давлат бошқарув органлари ва корхоналари юридик хизматининг, балки барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар юридик хизматининг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятларини белгилайди.

Низомга мувофиқ олий ўқув юртлари кейинчалик юридик хизмат ходими бўлиб ишлайдиган талабалар учун таҳсилнинг охири курсида амалий кўникмалар ҳосил қилиш учун бевосита давлат бошқарув органлари ва корхоналарда стажировка ташкил этадилар.

Низом юридик хизматнинг ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини текшириш борасида ҳуқуқ ва масъулиятини оширган. Низомнинг 9-в бандига мувофиқ корхона ҳуқуқий актларини, уларнинг амалдаги қонунга мувофиқлиги тўғрисидаги юридик хизматнинг визаси бўлмаса, чиқарилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Низомда юридик хизмат ходимларининг унда кўзда тутилган вазифаларни бажармаганликлари учун жавобгарлиги янада аниқ белгиланган ва адлия органларига юридик хизмат ходимларини жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимномалар қилиш ҳуқуқи берилган.

1997 йил 30 августда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида“ ги қонуннинг 3- моддасида яна бир бор қонун лойиҳаларини тайёрлашга халқ ҳўжалиги тегишли тармоқларининг юридик хизматлари жалб қилиниши кўрсатиб ўтилди. Бу билан юридик хизматнинг қонун ижодкорлигидаги иштироки қонун даражасида мустақамланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги „Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида“ 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938- сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида“ ги 177- сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси

билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя қилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан жойларда амалий ишлар олиб борилишини таъминлаш, бунда юридик хизматлар ўрнини мустақкамлашни, барча қонун ҳужжатларининг амал қилишини ва хўжалик судлари қарорларининг сўзсиз ижро этилишини назарда тутишлари лозимлиги таъкидланди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат органлари томонидан асосиз аралашиларни олдини олиш мақсадида қонун ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда юридик хизматга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли қарори билан тасдиқланган „**Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни ўтказиш Тартиби**“да кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоларининг ишлаб чиқариш ва молия фаолиятларининг барча талабномаларини текшириш Палата ва унинг ҳудудий тузилмалари юридик хизматларининг мажбурий иштирокида амалга оширилиши қайд қилинган.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонунида аниқ белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда амалда бўлган юридик хизмат, ҳуқуқий ишлар ва унга услубий раҳбарлик қилиш тўғрисидаги қонунчилик:

— ҳуқуқий ишлар ва юридик хизмат мазмуни, моҳияти, вазифалари ва тамойилларини очиб беради;

— ҳуқуқий ишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ва давлат ҳамда жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлашда юридик хизматнинг иштирок этишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат сифатини ошириш учун халқ хўжалигида ҳуқуқий иш аҳамиятини белгилайди;

— юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми — функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда масъулиятини белгилайди;

— мамлакатда юридик хизмат тизимини, уни ташкил қилишни ва давлат бошқаруви органлари ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар фаолияти асосларини белгилайди;

— юридик хизмат фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифаларини, унинг моҳияти, йўналиши ва шаклларини таърифлайди.

2- §. Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати

Тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган „**Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида**“ги Низом ва бошқа бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Шунингдек, юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми тегишли тармоқ ва корхоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички низомлар, юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномалари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам белгиланиши мумкин.

Низомга мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бошқарув органларида ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарда юрисконсулт бўлиб ишлаши мумкин. Вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва республиканинг бошқа бошқарув органи юридик бўлинмасининг бошлиғи ёки юрисконсулт лавозимини эгаллаш учун камида 5 йиллик юрисконсулт иш стажига эга бўлиши зарур.

Давлат бошқарув органлари ва корхоналар, ёш мутахассислар ва ҳомиладор аёллардан ташқари, барча юридик хизмат ходимларини 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармаларига қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш учун юборишга мажбурдирлар.

Республикамизда илгари амалда бўлган низомлардан фарқли ўлароқ, 1993 йилги Низомда юридик хизматнинг асосий вазифалари алоҳида кўзда тутилмаган. Бироқ, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб корхоналар юридик хизматининг мажбуриятлари янада аниқроқ баён қилинган.

Низомнинг 9- бандида корхоналар юридик хизмати:

а) корхона ишининг ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади; бўлинмаларнинг ўзаро муносабатларини ва бўлинмаларнинг иқтисодий жавобгарлигини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг бошқа масалаларини тайёрлаш ва жорий қилишда иштирок этади;

— корхонада белгиланган ички хўжалик даъволарини қўзғаш ва кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

— иқтисод, молия, ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилади, самарасиз харажатларнинг таркибини ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, баланс ҳисобидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомоди ва уларни ўғрилашлар бўйича материалларни расмийлаштиради;

б) қонунчилик актлари, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатларини, корхона маҳаллий норматив актларининг тартибга солинган ҳисобини ва сақланишини ташкил этади; бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг идоравий ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради;

в) корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруғлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди.

Корхона ҳуқуқий актларини, уларнинг амалдаги қонунга мувофиқлиги тўғрисидаги юридик хизматнинг визаси бўлмаса, чиқарилишига йўл қўйилмайди;

д) бошқа корхоналар билан хўжалик шартномалари, шунингдек, чет эл компаниялари ва фирмалари билан контрактлар тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашади, шартномалар ва контрактлар лойиҳаларига виза қўяди;

е) талабнома — даъво ишларини олиб боради, судда, хўжалик судида, шунингдек, бошқа органларда ҳуқуқий масалалар кўрилатганда белгиланган тартибда корхона манфаатларини ҳимоя қилади; талабнома ишлари агар бошқа бўлинмалар томонидан олиб борилса, бу ишга раҳбарликни амалга оширади;

ж) моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари, бузилишлари ва суистеъмолликлар топилган тафтиш ва қайта рўйхатга олиш актлари бўйича ҳуқуқий ҳулосалар беради;

з) меҳнат жамоаси томонидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этишда, ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишига ёрдам беради; жамоа шартномасини тайёрлашда ва тузишда қатнашади, меҳнат жамоаси кенгашига, касаба уюшмаси қўмитасига ва бошқа жамоат ташкилотларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

и) юридик умумий ўқувни ташкил этишда ва уни амалга оширишда, ходимларни амалдаги қонунлар билан таништиради, уларни қўллаш тажрибасини тушунтиради;

к) корхона фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳолларини олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш учун раҳбарни хабардор қилади.

Низомнинг 10-бандига мувофиқ юридик хизмат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) давлат бошқарув органи, корхона, тузилма бирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи билан танишиш; тафтиш ўтказишларда ва қайта рўйхатга олишларда қатнашиш;

б) мансабдор шахслардан давлат бошқарув органларида, корхоналарда белгиланган тартибда ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар ва ўз бурчларини бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни олиш;

в) раҳбариятга қонун бузилишларни бартараф этиш, келтирилган зарарни қоплаш, амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминламаган ёхуд бузаётган бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарларини, бошқа ходимларни жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар тақдим этиш;

г) давлат бошқарув органи ва корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ юридик хизмат томонидан ўтказиладиган тadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг ходимларини жалб этиш;

д) давлат бошқарув органи, корхона раҳбарияти томонидан чақириладиган ҳайъат мажлисларида, тегишли кенгашларда иштирок этиш.

Муайян ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга юридик хизмат ўзига юклатилган мажбуриятларни бажарилиши учун, юридик хизмат бошлиғи эса юридик хизмат фаолияти ва ўзига юклатилган функцияларни бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Юридик хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ушбу Низомда кўзда тутилган вазифаларни бажармаганликлари учун интизомий ва моддий жавобгардирлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари давлат бошқарув органлари, корхоналарнинг юридик хизмат ходимларини ўтказиладиган текширишлар натижалари бўйича улар ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидирлар.

Юридик хизмат ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустақил ва уларга турли ҳилдаги тоифалар сифатида қараб бўлмайди. Агар фуқаро давлат томонидан берилган у ёки бу ҳуқуқдан фойдаланиш -фойдаланмасликни ўзи ҳал қилса, юридик хизматга берилган ҳуқуқ эса унинг давлат олдидаги бажарилиши зарур бўлган вазифаси ҳам ҳисобланади. Масалан, юридик хизмат ўз корхонасида қонунчиликка амал қилишни текшириш ҳуқуқига эга бўлибгина қолмай, балки бундай текширишларни амалга ошириши ҳам лозимдир. Шу билан бирга юридик хизмат ҳуқуқи корхона маъмурияти ёки бўлинмаси учун мажбурият ҳисобланади. *Масалан*, юридик хизматнинг норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун бошқа бўлинмалар ва хизматлар ходимларини жалб қилиш ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида тегишли бўлинма ва хизматлар раҳбарларининг зарур ходимларни ажратиш мажбурияти ҳамдир.

Шунингдек, Низомнинг 7- бандида кўзда тутилган корхонанинг юридик хизматни бир маромда ишлаши учун шароитлар яратиш мажбуриятига юридик хизматнинг ушбу шароитни яратишни талаб қилиш ҳуқуқи сифатида қараш мумкин.

Юридик хизмат ходимларига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган бошқа ишларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

Юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга мансабдор шахслар томонидан қаршилик кўрсатилиши оқибатида

қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етса, бундай мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича юридик жавобгарликка тортиладилар.

Шундай қилиб, юридик хизматнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилиши унинг ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитларида қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришда, обрў-эътиборини ва аҳамиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

3- §. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида юридик хизмат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар кўп қиррали ва кенг қамровлидир. Уларнинг барчасини тўлиқ ёритишни имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, корхоналар юридик хизматининг фақат қуйидаги асосий йўналишларидаги фаолиятини баён қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчиликни таъминлашда юридик хизматнинг роли.

Юридик хизматнинг корхона фаолиятида қонунчиликни таъминлаш борасидаги ишлари — унинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Корхоналар юридик хизматининг бу соҳадаги фаолияти қуйидаги функцияларни — *ташқиллий, назорат, ҳуқуқий тарбия, ахборот-маълумотнома ишларини* олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг ташқиллий функцияси — унинг қонунчиликни таъминлаш бўйича ташқиллий ишлари, шунингдек, ҳуқуқий ишлар даражасини янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда ўз ифодасини топади.

Ушбу функция бошқарув органлари юридик хизмати вазифаси сифатида қонунчиликда аниқ белгиланган. Унга кўра юридик хизмат бошқа тарбия бўлинмалари билан биргаликда марказий аппаратда ҳамда бошқарув органи тизимида қонунчиликнинг тўғри қўлланишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади (юридик хизмат тўғрисидаги Низомнинг 8- а банди) .

Юридик хизматнинг назорат функцияси — у бажарадиган вазифалар ҳажми ва ваколат доираси бўйича асосий функция ҳисобланади.

Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши унинг қонунчиликни таъминлашга қаратилган фаолиятида мустақиллигини кучайтиришга йўналтирилганлигини кўрсатмоқда. Натижада юридик хизмат ходимлари нафақат корхона раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсларга ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар беради, балки қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат қилиш функциясини ҳам кенг қўламда амалга оширади.

Юридик хизмат корхона фаолиятига тааллуқли бўлган барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини, шу жумладан юқори бошқарув органлари норматив ҳужжатлари, корхона *локал* (маҳаллий) ҳужжатлари ижроси устидан назоратни олиб боради.

Юридик хизматни назорат функцияси — ички идоравий назоратнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у **қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади.**

1. Юридик хизмат корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган бўйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза (кўрсатма) қўяди.

Ҳужжатнинг ҳуқуқий хусусияти тушунчаси деганда нима тушунилади? Ахир ҳар қандай ҳужжатни ё мажбурий кўрсатмаларни белгилагани, ё юридик аҳамиятга эга вазиятларни тасдиқлагани учун ҳуқуқий деб аташ мумкин. Шундай экан энг аввало: а) корхона раҳбари тасдиқлайдиган ёки имзолайдиган; б) ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатлар тушунчаси остида нима назарда тутилишини аниқлаши лозим. Ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар деганда нафақат меъёрий ҳужжатлар (йўриқнома, низоми) балки шахсий кўрсатмалардан иборат ҳужжатлар ҳам тушунилади.

Юридик хизмат бўйруқлар ёки ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳасини таҳлил қила туриб, **қуйидагиларга эътиборни қаратади:**

— ушбу ҳужжатни қабул қилиш зарурияти етарли даражада асосланганми?

— корхонанинг бундай ҳужжатни қабул қилишга ҳаққи борми?

— у амалдаги қонунчиликка мувофиқ келадими?

— унда бошқа меъёрий ҳужжатларга тўғри таянилганми?
— ушбу масала бўйича аввал қабул қилинган ҳужжат йўқми?

— лойиҳада кўзда тутилган ҳуқуқий мазмундаги чоралар асосланганми?

— ҳужжат шакли тўғри танланганми?

— янги ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ушбу масала бўйича аввал қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш кўзда тутилганми?

Ҳуқуқий таҳрир қилиш — юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан ўтказадиган ишининг асосий мазмунидир. Турли хил вазиятлар юрисконсултдан *юқори тезкорликни, (жиддий) принципlilikни, муайян ички сезгини* ва албатта *қонунчиликни, ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини* билишни талаб қилади. Матнларни юрисконсулт томонидан таҳрир қилиниши қабул қилиниши лозим бўлган ҳужжатда ноаниқликларни олдини олишга, кўрсатмаларни ҳар хил изоҳлаш имкониятини йўқотишга қаратилган.

Юридик хизмат томонидан лойиҳани қонунга зид келмаслигини аниқлаш ва изоҳлаш билан чегараланиш осон бўлар эди, бироқ унинг вазифаси мураккаброқ бўлиб, юридик хизмат лойиҳа муаллифи ва раҳбарга масалани қонунан қандай ҳал қилиш лозимлигини кўрсатиб бериш, лозим бўлганида эса, зарур тарифларни асослаб бериши керак.

Корхона ҳуқуқий актларини, уларнинг амалдаги қонунга мувофиқлиги тўғрисидаги юридик хизматнинг *визаси* бўлмаса, чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Юридик хизмат — биринчидан, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олиш ва сақлашни ташкил қилган ҳолда уларни тўғри қўлланилишини таъминлаш чораларини кўради; иккинчидан, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида таклифлар тайёрлашда фаол иштирок этади; учинчидан, хўжалик шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш, уни тузиш ва ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашади; тўртинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларни олдини олиш бўйича тегишли ҳуқуқий чоратадбирларни кўради, судда ва бошқа органларда корхона манфаатларини ҳимоя қилади.

Корхона ҳуқуқий ҳужжатларини, уларнинг амалдаги қонунга мувофиқлиги тўғрисидаги юридик хизматнинг визаси бўлмаса, чиқарилишига йўл қўйилмайди. Виза деганда, юридик хизмат ходимнинг лойиҳадаги имзоси ва текширилган сана тушунилади.

2. Корхонанинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларини қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текшириш — юридик хизмат назорат функциясини амалга ошириш воситаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолатда юридик кучга кирган ҳужжат текширилади ва бундай ҳужжатнинг қонунга зидлиги аниқланса, юридик хизмат томонидан тегишли чоралар қўрилади. Бундай чоралар жумласига: таркибий бўлинма раҳбарига қонун бузилиши моҳиятини тушунтирган ҳолда, ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш ёки бекор қилишни таклиф қилиш; корхона раҳбарини таркибий бўлинма раҳбари томонидан қонуний ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилиш киради.

3. Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш, тартибга риоя этилишини назорат қилиш ҳам юридик хизматнинг қонунда белгиланган назорат функцияси ҳисобланади.

4. Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида қонунчиликка риоя қилишини ўрганиш ва умумлаштириш ҳам юридик хизмат томонидан назорат функциясини амалга оширишнинг алоҳида воситаси ҳисобланади. Бу ишлар, одатда, бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда олиб борилади. *Масалан*, юридик хизмат иқтисод, молия, ҳисоб-китоб хизматлари билан биргаликда корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларининг иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилади, самарасиз харажатларнинг таркибини ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, баланс ҳисобидаги *дебиторлик* ва *кредиторлик* қарзлар аҳволини ўрганади.

Юридик хизматнинг назорат функцияси корхона фаолиятида қонунчиликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, у қонун бузилишларини бартараф қилиш ва олдини олиш, амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминламаган ёхуд бузаётган бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарларини, бошқа ходимларни моддий ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

Раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларни ҳуқуқий тарбиялаш корхоналар фаолиятида қонунчилик муҳим аҳамиятга эга. Юридик адабиётларда ҳуқуқий тарбиялашнинг **қуйидаги асосий шакллари фарқланади:** *ҳуқуқий таълим* (ўқитиш ёки ўқиш); *ҳуқуқий тарғибот* (*оғзаки ва оммавий ахборот воситалари орқали*); *қонунлар ва юридик амалиёт тарбиявий таъсир*; *ҳуқуқий таъшиқот, ҳуқуқий ахборот бериш, шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш.*

Ҳуқуқий тарбия тўхтовсиз бўлиши лозим, чунки қонунчиликнинг ўзи (айниқса ҳозирги пайтда) доимий ривожланишдадир.

Ҳуқуқий тарбия ишларини амалга оширишда корхоналар юридик хизмати фаол иштирок этадилар. Юридик хизматнинг раҳбарлар ва ходимларни ҳуқуқий тарбиялашдаги иштироки нафақат ҳуқуқий мавзулардаги маърузалар, суҳбатлар ва маслаҳатлар каби анъанавий шаклларда, балки ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини текширишда, хўжалик низоларини кўришда, иштирок этишида, ҳуқуқий ишлар аҳволини текширишда ҳам намоён бўлади. Бошқача айтганда, юридик хизмат фаолиятининг барча йўналишлари, шакллари ва услубларида, қонунчиликка қатъий амал қилиш, юқори касб маҳорати ва қатъиятлилигида намоён бўлади.

Корхоналар юридик хизмати томонидан олиб бориладиган ҳуқуқий масалалар бўйича **маълумотнома-ахборот фаолияти** алоҳида эътиборга лойиқдир.

Амалдаги қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатлари, корхонанинг локал ҳужжатларини тартибга солинган матнларининг мавжуд бўлиши қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Юридик хизматнинг маълумотнома-ахборот фаолияти ўз ичига қуйидагиларни олади:

- а) норматив ҳужжатлар фондини ташкил қилиш;
- б) таркибий бўлинмаларни норматив ҳужжатлар матни билан таъминлаш;
- в) норматив ҳужжатлар матнига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиб бориш, бекор қилинган норматив ҳужжатларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш;
- г) хўжалик, жиноят ва фуқаролик судлари амалиёти материалларини йиғиш;

д) амалдаги қонунлар билан ходимлар, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотларини таништириш (бунда жумладан, компьютерлар, деворий газеталар, стендлар ва бошқа етказиш йўлларида фойдаланиш мумкин);

е) амалдаги қонунларни ва суд амалиётини қўллаш тартибини тушунтириш.

Хулоса қилиб айтганда, юридик хизматнинг корхона фаолиятида қонунчиликни таъминлаш борасида олиб борадиган ишлари—қонун устунлиги, яъни давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларни таъминлашга хизмат қилади.

2. Юридик хизматнинг хўжалик шартномалари (контрактлар) тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда иштироки.

Мустақил республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар, маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни ва биринчи навбатда, ишлаб чиқариш хўжалик алоқалари ўрнатишнинг бозор муносабатларига мос шакл ва услубларни яратишни тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шароитида эса шартномалар — барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек, тадбиркорлар ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Шартномаларнинг хизмат роли ва иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг янги тамойиллари ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси; мулк; кооперация; ижара; тадбиркорлик; деҳқон, фермер, ширкат хўжаликлари; хўжалик жамиятлари ва ширкатлари; акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; банклар ва банк фаолияти; чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг кафолатлари; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2000 йил 1 февралдаги „**Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар**

ҳақида“ги Қарорида шартнома муносабатларининг аниқ ва гушунарли механизмини амалда шакллантириш, шартнома мажбуриятларининг қатъий бажарилиши учун назорат ва масъулиятни кучайтириш устувор йўналиш сифатида қайд қилинган.

Корхона шартнома-ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унда деярли корхонанинг барча таркибий бўлинмалари иштирок этади. Шунинг учун ҳам бу ишни ташкил қилиш бўйича корхонада локал ҳужжат (низом, йўриқнома ва) ишлаб чиқилади.

Ушбу ҳужжатда куйидагилар назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир:

— шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг таркибий бўлинмалар (тегишли мутахассислардан) ўтиш тартиби ва муддатлари;

— шартномани расмийлаштириш учун масъул бўлган тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва мутахассислар вазифаларини тақсимлаш;

— шартнома лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартиби, шунингдек шартнома шартларини тегишли бўлинма ва хизматлар билан келишиш тартиби;

— шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида вужудга келган келишмовчиликларни контрагентлар билан ҳал қилиш бўйича бўлинма, хизматлар ва мансабдор шахсларнинг вазифалари;

— шартномалар ва бошқа шартномавий ҳужжатларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби;

— шартномани бажарилишини таъминлаш мақсадида корхона таркибий бўлинмаларига шартнома шартларини етказиш тартиби;

— шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш тартиби;

— шартномавий ишлар таҳлили ва уни мукамаллаштириш бўйича таклифлар киритиш тартиби;

— шартнома интизомини мустаҳкамлаш мақсадида корхона мажбуриятларининг бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ талабномалар ва даъво аризаларини тақдим қилиш (кўриб чиқиш) учун материалларни йиғиш тартиби;

— талабномалар, даъво аризалари ва уларга жавобларни (фикрномаларни) тайёрлаш тартиби;

— ушбу материалларни қайд қилиш ва сақлаш тартиби;
— корхона ва контрагентлар талабномалари ва даъво аризаларини кўриб чиқилиши, шунингдек, хўжалик судлари қарорлари бажарилиши устидан назорат қилиш;

— талабнома-даъво ишлари, шунингдек, талабнома-даъво ишларини ташкил қилишнинг бошқа масалаларини таҳлил қилиш.

Бу вазифаларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юридик хизматнинг ўзига хос ўрни бор.

Ўзбекистон Республикасининг „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган „**Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида**“ги Низом ва бошқа бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда юридик хизмат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ижросини таъминлашда иштироки аниқ белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати:

— хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек, талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

— шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низо-лар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

— хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

— хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

— тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

— шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқ-

дорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари юридик хизматнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада қонда тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

— хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

— хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

— тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий ишларнинг асосий босқичларидан ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳуқуқий таъминлашнинг самарали воситаларидан бири талабнома ва даъво ишларини тўғри ва ўз вақтида юритишдир.

Талабнома ва даъво ишлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, ҳар бирининг мустақил роли, вазифалари, аҳамияти ва алоҳида тартиби бор.

Талабнома ишларини юритишни тўғри ташкил этиш хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этгандан кейингина хўжалик судида даъво қўзғатиши мумкин.

„Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида“ги Низомда (9„е“ - банди) юридик хизмат ходимлари талабнома ишларини юритишда икки хил шаклда иштирок этишлари белгиланган: талабнома ишларини бевосита юридик хизмат ходимлари томонидан юритилиши; талабнома ишларини бошқа таркибий бўлинмалар томонидан юритилганда, бу ишга раҳбарлик қилиши.

Юридик хизмат ходимлари томонидан олиб бориладиган талабнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) талабномани расмийлаштириш учун керакли бўлган маълумот ва ҳужжатларни йиғиш, талабнома матнини ёзиш

ва уни расмийлаштириш ҳамда тегишли хўжалик юритувчи субъектларга юбориш;

б) хўжаликка келиб тушган талабномаларни кўриб чиқиш, улар бўйича керакли ҳужжатларни ўрганиб, талабно-мани тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш ҳақида хулоса бериш ва жавобни расмийлаштириб, уни жўнатиш;

в) юборилган ва келиб тушган талабномалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, уларни таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш, хўжалик, молия, ҳисоб-китоб, меҳнат интизом-ларини бузилиши каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таклифлар киритиш ва чора-тадбирлар белгилаш.

Талабнома ишлари бошқа таркибий бўлинмалар (бухгал-терия, молия, таъминот, маҳсулотларни реализация қилиш ва ҳ.к.) томонидан олиб борилганда юридик хизмат ходим-лари талабнома ишларига **қуйидагича раҳбарлик қиладилар:**

— бошқа бўлинмалардаги талабнома ишларини юритувчи ходимларга иш юритиш тартибини тушунтирадилар;

— амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан таништи-радилар;

— зарур ҳолларда уларни ҳуқуқий тайёргарликдан ўтқа-задилар;

— вақти-вақти билан уларнинг ишини текшириб тура-дилар ва уларга амалий ёрдам берадилар;

— мураккаб масалалар бўйича талабномаларни тайёрлашда уларга зарур маслаҳатлар берадилар;

— талабнома юритиш ишини тегишли бўлинмалар билан яхшилаш юзасидан хўжалик раҳбарига таклифлар кирита-дилар.

Хўжалик низосини судгача ҳал қилиш — талабнома юбориш ва унга ўз вақтида жавоб бериш орқали ҳал қилиш ҳар икки тараф учун ҳам фойдалидир. Бунда биринчидан, талабнома юборувчи томон ўзининг бузилган ҳуқуқи ёки қонуний манфаатларини қисқа муддатларда тиклашга эри-шиши; иккинчидан, хўжалик муносабатларига киришган тарафлар даъво аризасини расмийлаштириш ва уни хўжалик судига тақдим этиш, хўжалик судида ишни кўриш жараё-нида иштирок этиш ва ҳақозо ҳаракатлар учун сарфланадиган вақт ва харажатларни тежайдилар; учинчидан, давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашга кетадиган маблағлар, яъни самарасиз сарф-харажатлар олди олинади; тўртинчидан,

шартномавий муносабатларга киришган тарафларнинг бири-бирига бўлган ишончи ортади ва ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга ортиқча монелик бўлмайди.

Қонун ва Низомда юқорида қайд қилинганидек даъво ишларини олиб бориш, хўжалик судида белгиланган тартибда хўжалик манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юридик хизмат зиммасига юклатилган.

Даъво ишларини олиб бориш қўйидагиларни ўз ичига олади:

— даъво аризаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни хўжалик судига тақдим қилиш;

— корхонага даъво аризасининг нусхаси тушганда у ҳақда ёзма фикр билдириб, уни тегишли хўжалик судига ва даъвогарга юбориш;

— корхона вакили сифатида суд мажлисида иштирок этиш, иш юзасидан сўзга чиқиш;

— ҳал қилув қарори, қарор ёки ажримнинг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида апелляция ва кассация шикоятларини, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга аризаларни тайёрлаш ва тегишли хўжалик судига, мансабдор шахсларга юбориш;

— корхона фойдасига чиқарилган ҳал қилув қарорининг ижросини назорат қилиш ва уни тезроқ бажарилиши учун барча қонуний чораларни кўриш.

Корхоналарнинг юридик хизмат ходимлари даъво аризалари ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлашни, агар талабнома юбориш қонун ёки шартномада кўрсатилган бўлса, талабнома ва унга келган жавобларни ўрганишдан бошлайди. Агар талабнома бошқа бўлинмаларда бўлса, улардан талабнома материаллари билан бирга барча иловалар ҳамда хўжалик судига ва жавобгарга юбориш учун зарур нусхаларни талаб қилиб олади.

Даъво аризасига қандай ҳужжатларни илова қилиш, улар нусхасининг сони, давлат божи миқдори, қайси хўжалик судида даъво кўзгатиш ва бошқа масалалар юридик хизмат томонидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилади.

Агар иш манфаатлари даъво материалларини тузишда мутахассис иштирок этишини ёки хўжалик судида унинг қатнашини тақозо қилса, юридик хизмат хўжалик раҳбари билан келишилган ҳолда уларни бу ишга жалб қилиши мумкин.

Иш бўйича жавобгар сифатида қатнашиш учун ҳам тегишли тайёргарлик кўриш зарур. Бунинг учун юридик хизмат ходими: даъвогарнинг дастлабки талабномасини; талабномага ёзилган жавобни; даъво аризасида баён қилинган талабларни чуқур ўрганиши; ушбу ишга тааллуқли барча материаллар билан, жумладан низо келиб чиққунгача даъвогар билан жавобгар ўртасидаги ёзишмалар, шартномага киритилган ўзгартиришлар, ўз мажбуриятини бажариш учун кўрган чора-тадбирларга қарамасдан объектив сабаблар билан уни бажариш имкони бўлмаган ҳолатларни исботловчи ҳужжатлар ва бошқалар билан танишиши; даъво аризаси ҳақидаги ёзма фикрни тайёрлаши, уни даъвогарга ва хўжалик судига юбориши, хўжалик суди мажлисида қатнашиши лозим.

Юридик хизмат ходими даъвогар ёки жавобгарнинг вакили сифатида хўжалик судида ишда иштирок этиши учун хўжалик томонидан ишончнома берилиши лозим. Ишончномага хўжаликнинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган шахс имзо чекади ва бу имзо хўжаликнинг муҳри билан тасдиқланади.

Юридик хизмат ходимининг ишда иштирок этувчи тарафларнинг (даъвогар ёки жавобгарнинг) вакили сифатидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари **Хўжалик процессуал кодексининг 35- ва 52- моддаларида белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:**

- иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш;
- рад қилиш тўғрисида арз қилиш;
- далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш;
- саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш;
- хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;
- ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш;
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш;
- суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ва Кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлар.

Агар корхона ўз вакили — юридик хизмат ходимига қонунга мувофиқ берган ва расмийлаштирган ишончномасида: даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлар судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз

кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсларга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколатлари махсус назарда тутилган бўлса, улар бу ҳаракатларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Юқорида баён қилинган хўжалик шартномалари (контрактлар) тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда юридик хизматнинг роли юридик шахс ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларга тааллуққидир.

Юридик шахс ташкил қилмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ҳам корхоналарда кам бўлмаган даражада юридик хизмат ёрдамига муҳтожлар. Хўш, уларга бундай ёрдамни ким кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**“ги Қонунда белгиланганидек, уларга шартнома асосида жалб этиладиган адвокатлар ҳуқуқий хизмат кўрсатиши мумкин. Тадбиркорлар адвокатлар (адвокатлик фирмалари ва бюрolari) билан ҳуқуқий ёрдам олишнинг ҳажми, муддатлари ва мазмунига қараб, **қуйидаги шакллардаги шартномаларни тузишлари мумкин:**

- а) ахборот-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси;
- б) алоҳида топшириқлар бўйича юридик хизмат кўрсатиш;
- в) барча масалалар бўйича ҳуқуқий хизмат кўрсатиш.

Ахборот-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича адвокатлар тадбиркорларни амалдаги қонун ҳужжатлари билан таништирадилар ва уларни амалда тўғри қўллаш бўйича маслаҳатлар берадилар. Бундай шартнома маълум бир муддатга (масалан, бир йилга) ёки бир марта ахборот олиш учун тузилиши мумкин.

Алоҳида топшириқлар бўйича юридик хизмат кўрсатиш шартномасига қўра тадбиркорлар адвокатларга, жумладан, маълум шартномани тузишда ёзма ҳуқуқий хулоса беришни ёки хўжалик низоси бўйича унинг вакили сифатида қатнашишни талаб қилишлари мумкин. Ушбу шартнома бир марталик шартнома ҳисобланиб, у ижро қилингандан кейин ўз кучини йўқотади.

Барча масалалар бўйича ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси, одатда, маълум бир муддатга (бир йил ёки ундан

ортиқ, муддатга) тузилиб, адвокатлар тадбиркорларда юзага келадиган барча ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашадилар.

Ҳозирги вақтда ҳар доим ҳам тадбиркорлар адвокатлар хизматидан фойдаланишга моддий имкон топа олмаётдилар, натижада улар томонидан тузилаётган шартномалар ва шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳар доим ҳам қонун талабларига ва тадбиркор манфаатларига тўғри келмаяпти.

Юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга (шу жумладан, деҳқон хўжаликларига) ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг қулай имкониятларини яратиш лозимдир. Фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уларга Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун махсус ташкил этилган бошқа тузилмаларда юридик хизматни сон ва сифат жиҳатидан кенгайтириш орқали, уларга аъзо бўлиб кирган тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишни аниқ чораларини белгилаб, унга олинадиган ҳақни камайтиришлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳозирги кунда тижорат банкларида юридик хизмат яхши йўлга қўйилганлигини ҳисобга олиб, улар томонидан ҳам ўз мижозлари бўлган тадбиркорларга беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга эътибор берилса, фойдадан холи бўлмасди.

3. Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш.

Бозор тизимига ўтиш кўп жиҳатдан мулкчиликнинг турли шакллариغا, уларнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнига бўлган муносабатларнинг ўзгариши билан юзага келади. Аввало, ўтмишда мулкчиликнинг реакцион хусусияти, давлат ва колхоз-кооператив мулкчининг яқинлашуви ва тўлиқ қўшилиши тўғрисидаги назариянинг асоссизлиги намоян бўлди. Деярли барча ишлаб чиқариш воситаларини, жамоат мулкчининг улкан қисмини қамраб олган „*мулкчиликнинг умумхалқ шакли*“ амалда хўжасиз ва эгасиз бўлиб чиқди. Давлат мулкчининг алоҳида имтиёзли мақомининг қонунчилик тартибида мустаҳкамланиши ва уни муҳофаза қилиш бўйича оғир жиноий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий жазолаш чоралари амалда ҳамма вақт ҳам ижобий натижа бермас эди.

Бирор-бир мулкчилик шаклининг монопол ҳолати бозор иқтисодиётига хос эмас. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси **53- моддасида** *“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисо-*

диётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир“ — дейилган. Бу тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очиб берди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида иқтисодиётда давлат мулки улушини тобора камайтириш жараёни бошлаб юборилди. Бироқ, бу борада давлат мулкнинг жамоат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътибордан четда қолдириш хато бўлади. Айрим соҳаларда (масалан, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, илм-фан ва маданият соҳаларида) унинг ҳукмрон мавқеи сақланиб қолиши лозим. Давлат тасарруфидан чиқариб ва хусусийлаштириб бўлмайдиган давлат мулки объектлари ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулки ҳам жамият фаровонлигини мунтазам ошириш ва кўтариш манбаси сифатидаги ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотмайди. Шунинг учун ҳам барча шаклдаги мулкларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кўпайтириш лозим, бу, ўз навбатида, уларнинг сақланишини зарур даражада таъминлашга боғлиқ.

Мулкни сақланишини таъминлаш тушунчасига кенг ва тор маънода қараш керак. Кенг маънода бу корхоналар тасарруфидаги моддий бойликларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий, ташкилий, гоаявий, ҳуқуқий воситалари ва услублари қўлланиладиган фаолият жараёнидир. Тор маънода, бу моддий бойликларни ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза қилишни ташкил қилишдир.

Юридик хизмат тўғрисидаги Низомга мувофиқ, у мулкни сақлашни ҳуқуқий таъминлаш ишларини **қуйидаги шаклларда амалга оширади:**

— мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунга мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

— бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда ўғирлик, камомад ва самарасиз харажатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ва уларни бар-тараф қилиш тадбирларини амалга оширади;

— моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаси ҳамда бузилишлар ва суиистеъмолликлар аниқланган тафтиш ва қайта рўйхатга олиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

— корхонага етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўради;

— дебиторлик қарзларни тугатиш ишларида қатнашади;

— суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва уларни ўғирлашлар бўйича материалларни расмийлаштиради;

— мулкни сақлашни таъминлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини ташвиқот қилади.

Юридик хизмат бошқа таркибий бўлинмалар билан бир-галикда корхонага келиб тушадиган моддий бойликларни қабул қилишни ташкил қилиш, уларни омбордан ишлаб чиқаришга ўтказиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳисобини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини юритишни; корхонага моддий зарар етказилган ҳолатлар аниқланганда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгиловчи буйруқ, (йўриқнома) лойиҳасини тайёрлаши мақсадга мувофиқдир. Мазкур буйруқда юқоридаги вазифаларни бажариш учун масъул бўлган шахслар аниқ кўрсатилиши лозим. Юридик хизмат маҳсулотларни сони ва сифати бўйича қабул қилишини хўжалик шартномасида ва қонунчиликда белгиланган тартибга риоя қилиниши, қабул қилиш далолатномаларини тўғри тузилиши устидан назоратни олиб боради.

Корхонада мулкни сақлашни таъминлашда моддий жавобгар шахслар алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам юридик хизмат бундай лавозимга илгари қасддан жиноят содир қилган ва суд томонидан моддий жавобгарлик билан боғлиқ, лавозимни эгаллашдан маҳрум қилинган шахсларни қабул қилмаслик; моддий жавобгар шахслар билан ўз вақтида тўлиқ, моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузиш; ҳар бир моддий жавобгар шахсни лавозими бўйича ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги мансаб йўриқномаси билан тилхат орқали мажбурий таништириш; моддий жавобгар шахсларга ҳар йили моддий бойликларни топшириш йўли билан меҳнат таътили бериш чораларини кўришга эътиборини қаратади.

Юридик хизмат корхонада аниқланган ўғирлик, камомад ва самарасиз ҳаражатлар бўйича материалларни тергов ва

суд органларига топшириш билан чекланиб қолмасдан, балки бунга йўл қўйган шахсларни тегишли жазога тортилиши ҳамда етказилган зарарни тўлиқ ва тезроқ ундирилишини таъминлаш чораларини ҳам кўради.

Барча мулк шаклидаги корхоналарда уларнинг мулкани сақлашни ҳуқуқий таъминлаш, аввало, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини шакллантиришга, мулк эгаси бўлган тадбиркорлар, акциядорлар ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса жиноят ва етказилган зарар учун жазони муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

4. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка амал қилишни таъминлаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш корхона юридик хизмати бошқа таркибий бўлинмалар билан биргалликда амалга оширадиган ҳуқуқий ишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Корхоналар юридик хизматининг бу борадаги асосий ишлари қуйидагилардан иборат:

— корхонанинг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, мукофотлаш ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш;

— меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга келмаганлик, кечикиш ва ишлаб чиқаришдаги бошқа тартиб ва интизомни бузганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини тўғри қўллашда корхона раҳбари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

корхонада меҳнат ҳақидаги қонунчилик ва корхона ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини назоратда тутишни тартибли ҳисобга олиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

— меҳнат жамоасидаги мавжуд касаба уюшмаси қўмитаси, меҳнат низолари комиссияси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

— меҳнат жамоаси аъзоларига меҳнат қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтириш.

Корхонада меҳнат қонунчилигини қўллаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни юридик хизмат тегишли таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда, айрим ҳолларда мустақил тайёрлайди.

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Жамоа шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш ва уни тузишда, юридик хизмат иштирок этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаши лозим. Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиқилиши (конференцияси) эга эканлиги назарда тутилиши шарт.

Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органи орқали, иккинчи тарафдан, бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

Юридик хизмат жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкинлиги эътибор бериши лозим:

— меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, кўшимча тўловлар;

— нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

— ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;

— иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари;

— ходимларнинг, шу жумладан, аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш;

— корхонани ва идорага қарашли турар-жойни хусу-сийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

— ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар;

— ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;

— жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш. Юридик хизмат жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинландиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкинлиги тўғрисидаги тарифларга ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

Башарти, амалдаги қонунларда норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустақамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилиши лозимлиги ҳақида юридик хизмат белгиланган тартибда таклиф киритади.

Юридик хизмат нафақат жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлашда, балки уни корхонанинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиш, билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олинган ҳолда ишлаб такомиллига етказиш ҳамда лойиҳани меҳнат жамоасининг умумий йиқилиши (конференцияси) муҳокамасига қўйиш каби ташкилий ишларда ҳам фаол иштирок этади.

Жамоа шартномаси юридик кучга эга бўлиши ва амалда қўлланиши учун юридик хизмат қўйидагиларга:

— жамоа шартномасини муҳокама қилаётган меҳнат жамоасининг йиғилишида (башарти унда) ходимларнинг

ярмидан кўпроғи, меҳнат жамоасининг конференциясида башарти унда эса, делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланишига;

— жамоа шартномаси, (башарти уни) умумий йиқилишида (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоиздан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқуллаган ҳисобланишига; жамоа шартномаси имзоланган вақтдан (у умумий йиғилишида (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари томонидан уч кун ичида имзоланади) эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киришига ҳамда тарафлар белгиланган муддат давомида амал қилишига;

— белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлишига;

— жамоа шартномаси иш берувчи ва мазкур корхонанинг ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилишига;

— корхона қайта ташкил этилганда шу қайта ташкил қилиш даврида жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолишига, шундан кейин тарафлардан бирортасининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилиши мумкинлигига;

— корхона таркиби, тузилиши, бошқарув органининг номи ўзгарган, корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолишига;

— корхона мол-мулкнинг эгаси ўзгарганда жамоа шартномаси ўз кучини олти ой мобайнида сақлаб қолишига;

— корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида тугатилаётганда жамоа шартномаси бутун тугатиш ишлари олиб борилаётган муддат давомида ўз кучини сақлаб қолишига эътиборни қаратади.

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш ҳуқуқига эга бўлган органлар меҳнат қонунчилигида белгиланган бўлиб, улар — тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигидир.

Юридик хизмат жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида *меҳнат*

жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб туришлари ҳақида умумий меҳнат жамоасига тушунтиришлар беради.

Меҳнат қонунчилигини қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳисобланади. Унда жумладан иш берувчи ва ходимнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Юридик хизмат корхона Ички меҳнат тартиби қоидаларини ишлаб чиқишда иштираётган этар экан, мазкур корхона иши хусусиятини иложи борида тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаши керак. Шу мақсадда тегишли таркибий бўлинма мутахассисларини мазкур ҳужжатни тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида таклиф киритиши ва Ички меҳнат тартиби қоидалари иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланишига эътиборни қаратиши лозим.

Корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш юридик хизматнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бу вазифани бажарар экан, юридик хизмат биринчи навбатда қуйидагиларни аниқлайди: корхона раҳбари мазкур масала бўйича буйруқ чиқаришга ҳақлими ёки лойиҳада кўзда тутилган масалаларни ҳал қилиш бошқа органларга тегишлими; мазкур лойиҳа касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишишни талаб қилади; қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга тўғри таянилганми.

Корхонанинг деярли ҳар кунлик фаолиятида қабул қилинадиган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқдир.

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Юридик хизмат меҳнат шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш жараёнида уни ёзма шаклига риоя қилинган-

қилинмаганлигини; унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлар: иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмасы), ходимнинг меҳнат вазифаси-мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати, меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари ёритилган-ёритилмаганлигини кўриб чиқиб, у тўғри расмийлаштирилган бўлса, меҳнат шартномасининг корхонада сақланадиган нусхасига *виза* қўяди.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаларини текширишда юридик хизмат қуйидагиларни аниқлаши лозим: буйруқ лойиҳасига тузилган меҳнат шартномаси асос қилиб олинганми, унинг мазмунига тўла мувофиқ келадими, синов муддати уч ойдан ошиб кетмаганми ва ҳ.к.

Юридик хизмат ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ лойиҳасини текширишда **қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши зарур:**

— агар ходим бошқа доимий ишга ўтказилаётган, яъни унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид иш топширилаётган бўлса, у бунга розими, янги иши бўйича барча шартлар билан танишми;

— меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилганми, буйруқ, меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилганми;

— агар бошқа ишга ўтказиш вақтинча, ишлаб чиқариш заурурияти билан ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан амалга оширилаётган бўлса, унда ишлаб чиқариш заурурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар, бошқа ишга ўтказиш муддати, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори белгиланганми.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқларни текширганда юридик хизмат ишдан бўшатишнинг қонуний ва асосланганлигига эътибор беради. Шу мақсадда ходимни бўшатилишида қонун белгилаган тартибга риоя қилинганлигини текшириш керак. Жумладан, ишдан бўшатишга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олинганми (жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда), меҳнат шартномасини бекор қилишда ходим қонунда белгиланган муддатларда ёзма

равишда огоҳлангилганми; маълум тоифадаги ходимлар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ҳисобга олинганми; бўйруқда қонуннинг тегишли модда ва бандлари тўғри кўрсатилганми.

„Бизда интизом бўлмас экан, — деган эди И. Каримов — биз олдимизга қўйилган мақсадларга эриша олмаймиз“. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — жамоат бойлигининг сармоя сарфлашни талаб қилмай, улкан самара берадиган захира-сидир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, саноатда иш вақтининг йўқотилишини икки барабар қисқартириб, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналиш ва услублари қонун ҳужжатларида белгиланган. Улар интизомни мустаҳкамлашга комплекс ёндашишни, интизомни бузиш ҳисобини такомиллаштиришни, корхоналар ва уларнинг бўлинмалари раҳбарларининг интизом аҳволи учун жавобгарлигини оширишни, интизомни бузувчиларга муросасозлик билан ёндашиш фактларини йўқотишни, бу мақсадларда амалдаги қонунчилик меъёрларидан самарали фойдаланишни, сид-қидилдан қилинган меҳнат учун моддий ва маънавий рағбат-лангириш чораларини кенг қўллашни, меҳнат жамоалари ва жамоатчилик ташкилотлари ролини оширишни, уларнинг ҳуқуқларидан самарали фойдаланишни ўз ичига оладилар. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича иш ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланишни кўзда тутати.

Юридик хизмат корхонада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Бунинг учун юридик хизмат кадрлар бўлими билан ҳамкорликда иложи борича жамоатчилик ташкилотлари иштирокида ҳам бутун корхона, ҳам алоҳида таркибий бўлинмалар бўйича меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари ҳақидаги маълумотларни вақти-вақти билан таҳлил қилиши, бу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаши ва уларни бартараф этишда ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш борасида таклифлар киритиши керак. Юридик хизмат меҳнат интизомини бузувчиларга қонунчилик нормаларини қўллаш тажрибаларини умумлаштиришда иштирок этади. Бунда ҳуқуқий чораларни жамоатчилик таъсири тадбирлари билан моҳирона қўшиб қўллаш, ишга келмовчи ва бошқа меҳнат интизомини

бузувчиларга интизомий чоралар қонунчиликда (Меҳнат кодексининг **181- моддасида**) кўзда тутилган жазоларни (жумладан “ҳайфсан”, “ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима „меҳнат шартномасини бекор қилиш“) қўллашга, қўлланган чоралар ҳақидаги ахборотни жамоа аъзоларига етказилишига, яъни ошкораликка эътибор бериши лозим. Чунки, интизомий жазо чорасини нотўғри қўлланилиши ёки қонунда кўрсатилмаган чорани (масалан, “танбеҳ”, „огоҳлантириш“, „қаттиқ ҳайфсан“ каби) қўлланиши, бундай чораларни бекор қилиш ёки ноқонуний деб топишга олиб келади. Натижада меҳнат интизомини бузган ходим ҳақиқатан жазосиз қолиши мумкин, чунки кўпчилик ҳолларда интизомий жазо қўллашнинг бир ойлик муддати ўтиб кетади. Бу, ўз навбатида, жамоада меҳнат интизомини бўшашиб кетишига олиб келади.

Юридик хизмат томонидан ўтказиладиган маъруза ва суҳбатлар корхонада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартиб учун барча ҳуқуқий воситалар ҳамда қонун кучидан фойдаланиш зарурлигини ҳар томонлама таъкидлаш муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишни таъминлаш ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали фаолиятини, хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлигини ҳимояланишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

1- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси, зарурати ва моҳияти

Маъмурий бўйруқбозликка асосланган иқтисодиёт шароитида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш, ялпи ишлаб чиқариш воситаларига, яъни мулкка давлат монополияси ўрнатилган Республикада мулк ислоҳоти ўтказилиши билан узвий боғлиқ эди. Мулкчилик соҳасида ислоҳотлар ўтказиш шунчалик пишиб етилдики, оқибатда Ўзбекистон собиқ Иттифоқ субъекти маҳалидаёқ (ўтган асримизнинг 80-йиллар охирлари) „Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, граждандарнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида“ Қарор¹ қабул қилиб, унга кўра фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, уй-жой қуриш учун 0,25 гектаргача ер участкаси ажратиш белгиланди. 1990 йилнинг 31 октябрида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги соҳасида муҳим воқеа юз берди: Ўзбекистон Республикасининг „Мулкчилик тўғрисида“ги Қонуни қабул қилинди.

Бу республикаимиз тарихида мулк тўғрисидаги биринчи яхлит ва мукамал қабул қилинган қонун² бўлди. Ушбу сатрларни айнан мазкур қонун шарҳловчиларининг сўзбошидан олганимиз ҳам бежиз эмас. Чунки, мулк ислоҳотларини амалга оширишда ушбу қонун катта роль ўйнади ва унинг негизида бозор муносабатларига мулкка оид нормалар қонун ҳужжатларида ривожлантирилди.

Тан олиш керакки, қонун ўз даврида ҳам, бутунги кунда ҳам прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлигини таъминлади. Ушбу қонун оз бўлсада, фуқароларга мулк нима эканлигини, мулкдор кимлигини танитди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда амалда бошланган ислоҳотларнинг ўзига хос ҳуқуқий асоси бўлди.

¹ „Қишлоқ ҳақиқати“ газетаси, // 1989 й. 17- август.

² Ўзбекистон қонунларига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни. Т.: „Адолат“. 1994 й. 3- б.

Бу орада Давлат Мустақиллигига эришилди ва у ислохотларга жуда катта туртки берди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон кучли ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришни, бозор муносабатлари орқали мустаҳкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилди. Шубҳасиз, „*бозор муносабатларига ўтишининг асосий шарти кўп укладли иқтисодий ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришининг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат*“¹ эди. „*Шу сабабли иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизимини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодий ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришдан иборат*“ бўлди.

Шу маънода 1991 йил 19 ноябрда „*Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида*“ Қонун қабул қилинди.² Қонуннинг муқаддимасида белгиланганидек, самарали ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни ўзгартиришининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради³. Дарҳақиқат, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бозор муносабатларининг энг зарурий шартидир.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш янги мулкдорларда мулк ҳуқуқи вужудга келишининг **циви-листикада** қарор топган ҳосила усулига тегишли бўлиб, унга кўра ушбу мулкнинг эгаси (мулкдори) давлат ўз органлари орқали қайси мол-мулкни ўз тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ўзи ҳал қилади. Бироқ, бундан давлатнинг ваколатлари бошқа субъектлар (масалан, давлат корхонаси ходимлари, турли юридик шахслар, чет эллик инвесторлар) га нисбатан кенг ва кўпроқ экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди. Бу — ҳуқуқнинг алоҳида субъекти ҳисобланган давлатнинг *иммунитет* ҳуқуқидан келиб чиқади.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., „Ўзбекистон“, 1995 й. 45- б.

² И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., „Ўзбекистон“, 1995. 45—46- бетлар.

³ Ўзбекистон Республикаси. Қонун ва Фармонлар китобида. Т., „Ўзбекистон“, 1992 й. 66- б.

Давлат тасарруфидан чиқариш — давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш — жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан соғиб олишидир.

Кўриниб турибдики, давлат мол-мулкни бошқа мулкдорларга беришнинг ҳар икки шакли-давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мазмун-моҳиятан бир-бирига жуда яқин. Фақат давлат тасарруфидан чиқаришда мол-мулк аллақандай гуруҳ (кооператив) бошқарувига ўтса, хусусийлаштиришда эса якка жисмоний шахслар ҳам уни қўлга киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган давлат бошқаруви идораларига, коммунал мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи маҳаллий ҳокимият бошқаруви идораларига берилади.

Масаланинг моҳияти шундаки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали у ҳақиқий мулкдорларга топширилади. Гарчи, қонун ва амалиёт мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни пулсиз амалга оширилишини истисно этмаса-да (хусусан, шифокорлар, ўқитувчилар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари истиқомат қилиб келган уй-жойлар уларга бепул хусусийлаштириб берилади), аммо асосан катта ҳажмдаги мол-мулклар муайян пул суммаси эвазига янги мулкдорларга топширилади. Шуниси аҳамиятлики, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтда қарор топган ҳақиқий бозор баҳоси ҳисобга олинади. Худди шу ерда масаланинг моҳияти унинг зарурати билан изоҳланади. Хўш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишнинг зарурияти нималарда эди? **Ушбу заруриятни қуйидагилар билан изоҳлаш ўринли бўлур эди:**

— мулкнинг ҳаддан ташқари марказлашуви ва унинг мавҳум субъект — давлат қўлида тўпланишидир. Умумхалқ

(давлат) мулки деб аталмиш мулк шаклига алоҳида имтиёзли мақом белгилаш, уни қайтариб олишга нисбатан хато даъво муддатларини қўллагаслик, мулкнинг бошқа шакллари зўрлик билан давлат мулкига қўшиб олиш ва охир-оқибатда унинг мутлақ ҳукмронлигини таъминлашга интилиш тескари натижага олиб келди. Маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг иқтисодий негизи бўлган давлат мулки амалда қаровсиз ва хўжасиз қолди, чунки у ҳамманики ва айни вақтда ҳеч кимники ҳам эмас эди. Кишиларда бу мулкка нисбатан хўжайинлик туйғуси ва унда бевосита манфаатдорлик йўқлиги давлат мулкига нисбатан ташмачилиқ, талон-тарож, хўжасизликнинг вужудга келишига сабаб бўлганди. Бу ҳолатлар мулккий муносабатларнинг мазмун моҳиятини тубдан ўзгартиришни объектив зарурият қилиб қўйганди.

Бугунги кунда биз сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатлар тизимига ўтмоқдамиз. Бозор муносабатлари деб аталмиш бу тизимни қарор топтириш учун жамиятда мулкдорлик ва мулккий муносабатлар тизими ўзгартирилмоғи лозим эди. Бошқача айтганда, мулклар ўз хўжайинларига қайтарилмоғи ва жамиятимиз мулксиз, оддий ишловчилар жамиятидан ишловчи мулкдорлар жамиятига айлантирилмоғи шарт эди.

2- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг турли-хил шаклларда намоён бўлади. **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш:**

— давлат қорхонасини жамоат қорхонасига, хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш:

— ижарага олинган мулкни келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш эҳтимоли билан давлат қорхонасини ижара қорхонасига айлантириш:

— давлат мол-мулкни танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш каби шаклларда амалга оширилади.

Шунингдек, бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларни, уларнинг акцияларини Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки у ваколат берган идора томонидан белгиланган тартиб бўйича сотиб оладилар.

Давлат қорхонасини жамоа қорхонасига айлантириш қонун ҳужжатларига кўра, меҳнат жамоаси аъзолари томонидан давлат мулкнинг ҳақини бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиб олинishi, ёки бу мулкнинг уларга текинга берилиши йўли билан амалга оширилади. Мол-мулк жамоа эгалигига сотиб олинishi чоғида жамоа қорхонасининг уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги улуши белгилаб қўйилади, бунда уларнинг иш стажи, маошининг миқдори ва бошқа омиллар эътиборга олинади.

Бинобарин, давлат қорхонасини жамоа қорхонасига айлантириш орқали ушбу мол-мулкка давлатнинг мулк ҳуқуқидан, у янги мулкдор-жамоа қорхонаси (яъни, юридик шахс)га эгалитига ўтади. **Ушбу ҳолда давлат мулкнинг жамоа қорхонаси мулки шаклига ўтиши:**

1) давлат мулкнинг ҳақини бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиб олинishi;

2) бу мулкнинг уларга текинга берилиш йўли билан амалга оширилади.

Янгидан вужудга келган хўжалик юритувчи субъект - жамоа қорхонаси мулкнинг субъекти ушбу қорхонанинг меҳнат жамоаси ҳисобланади. Қорхонанинг меҳнат жамоаси - ўз меҳнати билан қорхона фаолиятида меҳнат шартномаси асосида иштирок этаётган унинг барча ходимларидир¹.

Жамоа қорхонасининг мол-мулки, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлар ушбу жамоа аъзоларининг умумий мулки ҳисобланди. Аммо қорхонанинг мол-мулки шакллантирилаётганида ходимларнинг хиссалари белгилаб қўйилади. „Бундай ҳисса белгилаш, одатда, натура шаклида, масалан, ишлаб чиқариш қурол ва воситалари, анжомлари ва маҳсулотларни шартли равишда ходимларга тақсимлаш орқали эмас, балки қиймат шаклида тақсимлаш орқали амалга оширилади“². Энг муҳими, давлат мол-мулки

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 19- моддаси. Т., „Адолат“, 1996 й.

² Ўзбекистон қонунларига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни. Т., „Адолат“, 1994 й., 61—62- бетлар.

янги мулкдорга ўтгандан бошлаб, унинг мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар бўлмайди, ўз навбатида, жамоа корхонаси ҳам давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат корхонасини хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш ҳам давлат мол-мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг алоҳида шакли бўлиб, ушбу жараённинг амалдаги қонунчиликка кўра **қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:**

— ушбу қарорни қабул қилишга давлат мол-мулкани тасарруф этиш ваколатига эга бўлган орган ҳақи;

— фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина давлат ва унинг органлари жамият муассислари бўлиши мумкин;

— давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлан-тирилаётганда таъсис йиғилиш ўтказилмайди;

— давлат корхонасини қайта ташкил этиш йўли билан тузилган акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўткази-лаётган пайтда уставинигина тақдим этади;

— жамият давлат мулки негизда тузилганда корхона мол-мулканинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади:

— жамият мол-мулканинг бозор қийматини аниқлашда давлатнинг ўзи жамият акцияларининг эгаси бўлган тақдир-да, давлат молия органини жалб қилиш мажбурий ҳисоб-ланади (одатда, холис баҳоловчи (аудитор) жалб қилинади);

— давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида дивидендлар устав фондининг бошланғич миқдорига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли ҳақи тўланиши тўғрисидаги қарор қабул қилинаёт-ган пайтда сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади¹.

Корхонанинг юридик шахс ҳисобланмайдиган тармоқ бўлинмасини хўжалик жамиятига ва ширкатига айлантириш

¹ Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Акция-дорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга 1998 йил 29 августда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар // Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 й., 9- сон., 181-модда.

мулкдорнинг ёки у вакил қилган идоранинг розилигига биноан уларни олдиндан мустақил давлат корхонасига айлантирмай туриб амалга оширилади.

Одатдагидек, давлат ва унинг органлари ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, айтилиши вақтда жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

Қуйидагилар хўжалик жамиятлари ёки ширкатларининг муассислари ёки акциялар (улуш, пай) эгалари бўлишлари мумкин:

— меҳнат жамоасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари;

— давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий идоралари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонига кўра, давлат ўз улушини сақлаб қоладиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг устав сармойясини шакллантириш чоғида хусусийлаштирилган корхоналар **акцияларининг қуйидаги пакетлари кўзда тутилди:**

- давлатга — акцияларнинг кўпи билан 25 фоизи;
- меҳнат жамоасига — акцияларнинг кўпи билан 26 фоизи;
- хорижий инвесторга сотиш учун — акцияларнинг камида 25 фоизи;
- қолган қисми — эркин савдога.

Жамиятнинг устав фонддини кўнайтиришда агар акциядорларнинг умумий йиғилишида овозларнинг йигирма беш фоиздан зиёдини ташкил этадиган давлатга қарашли акциялар туркуми мавжуд бўлганда, қўшимча акциялар чиқариш йўли билан бу ваколат Давлат мулки қўмитасига берилган.

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий инвесторлар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2001 йил 9 мартдаги „**2001—2002 йилларда хори-**

жий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида“ги Қарорига асосан акциядорлик жамиятларининг устав фондини кўпайтиришга инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишда давлат улуши камайтирилишига йўл қўйилади. Бинобарин, унга кўра хорижий инвесторларга 39 фоиздан 70 фоизгача миқдордаги акцияларни сотиб олиши таклиф этиляпти¹.

Ижарага олинган мулкни келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш эҳтимоли билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш ҳам белгиланган тартибда амалга оширилади. Ижара мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шакли бўлиб, унга кўра ҳар икки томон (ижарага берувчи ҳам, ижарага олувчи ҳам) манфаатдор ҳисобланади. Ижарага асосан корхоналар, бино-иншоотлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, ер каби объектлар мустақил фаолият юритиш (маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) учун ижарачига муайян ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун топширилади. Ижара муносабатларининг вужудга келиши асоси бўлиб ижара шартномаси ҳисобланади. Мазкур шартнома ҳақ бараварига, икки томонлама, *консенсуал* каби ҳуқуқий белгилар билан тавсифланади.

Ижара корхонасининг ҳуқуқий мақомига тўхталиб шуни айтиш кифояки, у давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ва мол-мулкни белгиланган тартибда қабул қилиб олгандан бошлаб юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятини мустақил юритади. Ижарага олувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширилишида мулкдор томонидан қилинадиган тўсқинликлардан ҳам ҳимояланиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, **232- модда**).

Давлат ўз объектларини ижарага берар экан, ундан самарали фойдаланиш, ҳақиқий „*мулкдор*“ қўлига топшириш, рентабелликни ошириш мақсадида танлов уюштириши, мол-мулкни танлов ғолибига топшириши ҳам мумкин.

Юқорида қайта этилганидек, ижара муносабатларида мулк ҳуқуқи тўлалигича ижарачига ўтмайди. Аммо, қонун-

¹ Кенг кўламли хусусийлаштиришни амалга ошириш борасидаги янги имкониятлар. // „Халқ сўзи“. 2001 й., 24- март.

чилик ижарачи давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг розилиги билан ўзи ижарага олган мол-мулкни (тўлиқ ёки қисман) сотиб олиши мумкинлигини белгилайди¹. Ер ва бошқа табиий ресурслар бундан мустаснодир (бу ҳақда кейинроқ, тўхталамиз).

Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш ижарачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бинобарин, ушбу мулкни сотиб олишда давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Ижарага олинган давлат корхонасини ҳақ тўлаб сотиб олиш қонунларидан келиб чиқиб (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг „**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**“ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг „Ижара тўғрисида“ги Қонуни), ушбу муносабат ҳам тўлалигича шартномага асосланади. Сотиб олинаётган мол-мулкнинг таркиби, баҳоси, тартиби, сотиб олиш муддатлари, сотиб олинаётган мол-мулкнинг сифати ва кафолатлар, сотиб олишда учинчи шахсларнинг қатнашуви, шартнома юзасидан келиб чиқадиган жавобгарлик каби масалалар ушбу шартноманинг асосий негизини ташкил этади.

Давлат мол-мулкни танлов йўли билан ва ким ошди савдосида, давлатга тааллуқли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ўзига хос хусусиятларга эга. Бозор муносабатлари шароитида давлат мол-мулкни танлов йўли билан ва ким ошди савдосида сотиш ғоят самарали шакллардан бўлиб саналади. Ўтказилган танлов ва ким ошди савдоси шартнома тузиш учун асос бўлиб хизмат килади. Шартнома ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилади. Ким ошди савдосининг ташкилотчиси, одатда, унинг мулкдори бўлади. Мазкур шартнома кўпинча оммавий тусда бўлиб, у номуайян доирадаги шахсларга йўлланади. *Масалан*, туман ва шаҳарларнинг хокимликларига фуқаро-

¹ Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 556- моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги таҳриридаги „Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида“ги Қонунининг 10- моддаси, Ўзбекистон Республикасининг „Ижара тўғрисида“ги Қонунининг 18- моддаси.

ларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини ким ошди савдоси асосида сотишга рухсат¹ берилганлигини оммавий, очиқ шаклдаги ким ошди савдоси деб тушуниш керак. Айни пайтда, ёпиқ аукцион (ким ошди савдосининг алоҳида бир шакли) ҳам мавжуд бўлиб, унда махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашади².

3- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш босқичлари

Иқтисодий эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, бунда асосий эътиборни кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратган мустақил Ўзбекистон Республикаси аввалбошдан оқ бу масалаларга жиддий эътибор қаратганди. Иқтисодий ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган мулкка давлат ҳукмдорлигини тугатиш ва хусусийлаштириш жараёнини муайян дастур асосида **босқичма-босқич** амалга ошириш кўзда тутилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қуйидаги тамойилларга асосланилиши белгилаб олинди:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари меҳнат жамоасининг ўзи мустақил тарзда белгилаши;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топширишни қўшиб олиб бориш;

— пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги „Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида“ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 3- китоб, Т.: Адолат., 1995 й., 104- б.

² Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (379—382- моддалар).

— ошкоралик, яъни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;

— монополияга қарши қонунлар талабларига риоя этиш.

Шуларга асосланиб, иқтисодий ислоҳотларнинг „*кичик хусусийлаштириш*“ деб ном олган **дастлабки босқичида** савдо объектлари, давлат уй-жой фонди, майда ва ўрта корхоналар, асосан хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар фуқароларга мулк қилиб берилди. Бир қатор *институционал* ўзгаришлар рўй берди, жумладан, Давлат мулки кўмитаси ташкил топди. Бир қатор вазирликлар тугатилиб, улар ўрнида хўжалик ҳисобида турли бошқарув шакллари („**Ўзбексавдо**“, „**Ўзбек-бирлашув**“, „**Маҳаллий саноат**“) қарор топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги „**Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**“ги Фармони амалда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасида ҳам ер участкаси хусусий мулк қилиб берилиши мумкин бўлди, яъни савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, шунингдек, улар жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари бўйича декларацияни улардан талаб қилмаган ҳолда танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга рухсат берилди. Шунингдек, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини фуқароларнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига эркин киришини таъминлаш мақсадида очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш, шунинг ҳисобига давлат ихтиёридаги акциялар улушини кескин қисқартириш, фуқароларнинг товарлар келтиришни ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилиши кабилар ифодасини топди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартдаги „**Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараё-**

нини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ги Фармони¹ ҳам муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида аҳамияти каттадир.

Хусусийлаштиришнинг **иккинчи босқичида** 1995-1996 йилларда халқ хўжалигининг айрим тармоқлари (базавий тармоқлардан ташқари) саноат, қурилиш ва транспорт, агросаноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва пахта тозалаш тармоқларидаги ўрта ва йирик корхоналар, туризм шохобчалари хусусийлаштирила бошланди. Бу босқичда ҳам бир талай бозор инфратузилмалари вужудга келди - **Республика фонд биржаси, Кўчмас мулк биржаси, Миллий депозитарий, Хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ)** кабилар.

1998 йилдан бошлаб республика иқтисодиётида йирик индустрия гигантларини, хусусан, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозликнинг айрим ёрдамчи корхоналарини хусусийлаштириш, бу жараёнга хориж инвестициясини кенг жалб қилиш йўналишлари белгиланган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 9 мартда „**2001—2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг келгусидаги чоратадбирлари тўғрисида**“ Қарор қабул қилди. Мазкур қарор Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг интеграциялашувини таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимотида фаол қатнашиш ва мамлакатни **экспортер** мамлакатга айлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилиши иқтисодиётни эркинлаштиришга, тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқини амалга оширишга, рақобатдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 3- китоб. Т.: „Адолат“, 1995. 56—58- бетлар.

4- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари ва объектлари

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахслар;
- ажнабий юридик шахслар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахслар¹ давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишлари, танлов ва ким ошди савдосида харидор сифатида қатнашишлари, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг **82- моддасида** фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши хусусиятлари белгиланган. **Унда:**

- эркин муомаладаги объектлар;
- муомаладан чиқарилган объектлар;
- муомалада бўлиши чекланган объектлар фарқланган.

Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳам шулардан келиб чиқиб, йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги „**Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида**“ги Қарорининг 1- иловасида давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларининг рўйхати келтирилган. Уларга, жумладан, республика ҳудуди доирасида ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тарихий-маданий ва табиий мерос объектлари кабилар киради². Ушбу

¹ Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги 103- сонли қарорида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати ифода этиб берилган.

² Батафсил қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11- сон Т.: „Адолат“, 1996 й. 162—164- бетлар

қарорнинг 2- иловасида давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Мақкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган объектлар ва корхоналарнинг рўйхати келтирилган. Уларга, жумладан, автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари, матбаа корхоналари ва нашриётлар, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар киради¹.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида сўз кетганда, албатта, ерга нисбатан мулкчилик масаласига ҳам тўхталиш лозим. Дарҳақиқат, „ерга эгаллик масаласи аҳолисининг аксарияти қишлоқда яшайдиган республика учун ўзак масалалардан биридир. Республикамизда экин экиладиган ерларнинг сезиларли қисми суғориладиган ерлар бўлиб, улар давлат ирригация тизимиغا муҳтождир“².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Шунга кўра, у доим давлат муҳофазасида ва назоратидадир.

Ер мулк ҳуқуқи асосида давлатга тегишлидир, қолган субъектларга эса ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлади.

Қуйидаги ҳолларда:

— савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, улар жойлашган ер участкалари, жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга танлов асосида³;

— фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдони ким ошди савдоси асосида⁴;

¹ Ўша ерда, 164—166- бетлар.

² С. Одилхўжаева. Ўзбекистонда мулк ислоҳотининг ҳуқуқий асослари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998 й. 7- сон., 36- б.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида“ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 3- китоб., —Т.: „Адолат“. 1995 й.

— Қорақалпоғистон Республикасида халқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабеллик қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари, тажриба тариқасида фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун ким ошди савдоси ва танлов асосида (бунда ажратиладиган ер майдонлари суғориладиган ерларда 5 гектардан ва суғорилмайдиган ерларда 15 гектардан ошмаслиги зарур)¹;

— дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкалари уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан, ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи, улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда²;

— чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат килувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкалари уларга уй-жой бинолари, шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинган (сотилганда) мулк ҳуқуқи вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари ва объектларининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши бозор муносабатларини қарор топтиришининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўша шартнома Фармон // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 3- китоб., Т.: „Адолат“. 1995 й.

² Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: „Адолат“. 1999 й.

**1- §. Тадбиркорлик фаолияти учун солиқ
ундиришнинг ҳуқуқий асослари**

Тадбиркорлик фаолиятида солиқ ва солиққа тортиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади, энг аввало, таъкидлаш керак, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатни иқтисодий воситаларидан, хусусан, солиқлардан давлат ва тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб самарали фойдаланишини тақозо этади.

Солиқлар бу — қадимий молиявий воситалардан бўлиб, давлат билан бирга вужудга келган ва давлат идоралари фаолиятини таъминлаш, давлат олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Солиқлардан иқтисодиётда бозор муносабатларини қарор топтиришда энг муҳим молиявий восита сифатида кенг фойдаланилади. Бинобарин, тадбиркорликнинг устувор йўналишларини рағбатлантириш, муҳим ижтимоий муаммоларни ечинг учун маблағлар зарур. Шунинг учун солиқлар роли ва аҳамияти тобора ошмоқда.

Давлат солиқлар орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради, ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишига ёрдам беради, маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг ҳажмини кўпайишига шароит яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши юзасидан муҳим қадамлар қўйилди. Бу борада давлатнинг солиқ сиёсати, солиқларнинг роли катта аҳамиятга эга бўлди. Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловларини ўз вақтида ҳамда тўла амалга ошириш республика бюджетини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон ҳамжамияти бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни эътибор билан кузатмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг олиб борилиши солиқ сиёсатини

олиб борилишига, давлат солиқ хизмати органларини ташкиллантирилиши ва фаолият кўрсатишига ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, „Республикада шаклланаётган солиқ тизими ўзига жуда катта эътибор жалб қилмоқда. Барчамизга аёнки, солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетларни тўлдиришда асосий манбаа ҳисобланади. Солиқлар хўжалик фаолиятининг барча йўналишларини ўзига жалб қилиш билан бирга, улар ҳар бир соҳага ва корхонага алоҳида муносабатни таъминлаши керак. Мен ўйлайманки, солиқларни оширилиши на давлатга, на жамиятга фойда келтирмаслигини биз тўлиқ англаб олишимиз лозим. Солиқлар даромаднинг бир қисmini қамраб олишдан ташқари, улар ҳар томонлама халқ хўжалиги ва аҳолига керакли бўлган маҳсулот ва товарларни кўпроқ ва яхшироқ ишлаб чиқараман деган ташкилотлар ва фуқароларни рағбатлантиришлари лозим“.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади, солиқларни ихчамлаштириш, уларни осонлаштириш ва рағбатлантириш кучини оширишдан иборат.

Биринчи тамойил — корхоналардан солиқлар юкини камайтириб бориш, уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицияларга эга бўлиш, янги технологиялар ўрнатиш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жихозлаш, кадрлар малакасини ошириш имкониятларига эга бўлишлари учун реал шарт-шароит яратиш.

Иккинчи тамойил — солиқларни корхоналар ва ташкилотларнинг даромадларидан эмас, балки уларнинг фойдаларидан олишга тўла ўтиш. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1996 йилгача) бундай солиқ жорий этиш учун ҳуқуқий ва ижтимоий шароитлар етишмас эди, улар ҳозир тайёрланган. Шунингдек, ҳозир фойдани солиқлардан яшириб қолиш каби ишлатга қарши алоҳида маъмурий чоралар ишлаб чиқилганлиги ҳам бундай тамойилни қўллашга шароит туғдирмоқда.

Учинчи тамойил — давлат ва маҳаллий солиқлар ўртасида оптимал (мақсадга мувофиқ) мутаносиблик ўрнатиш, маҳаллий солиқлар аҳамиятини ошириш, давлат бюджетидан маҳаллий солиқлар томон бурилиш қилиш. Гап шундаки, Президентимизнинг кўрсатишича, ислоҳотлар давомида микро-

иқтисодиётни ривожлантиришга, корхоналар, ҳудудий тармоқлар иқтисодиётини кўтаришга устуворлик бахш этиш кўзда тутилмоқда. Бундай шароитда маҳаллий солиқлар аҳамиятининг ортиши ўз-ўзидан маълум.

Тўртинчи тамойил — корхоналарни иқтисодий кучайтириш орқали уларнинг даромадларидан ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда ҳиссасини ошириб бориш. Бундай тамойил корхоналар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, барча соҳибкорларнинг ўз қишлоғи, шаҳари, тумани, вилояти, соҳасини ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар очади.

Солиқларнинг вужудга келиш тарихи инсоният тарихининг таркибий қисми бўлиб, у минг йиллар аввал пайдо бўлган. Қадимги Бобил давлатида амал қилган Хамурапи қонунлари ёки Қадимги Ҳиндистоннинг Ману қонунларими, Хитой, Юнонистон, Турон, Рим империяси қонунларими, барибир уларнинг барчасида бож-хирож, солиқлар тўплаш, давлат хазинаси ҳисоб-китоби каби масалалар ўз аксини топган. Уларда жамият ҳаётида мустақкам ўрин топган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий моносабатларга катта аҳамият берилган. Чунки молия соҳасида, солиқ-бож соҳасида тўғри сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шарт бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида солиқ муносабатларининг вужудга келиши тарихига назар ташласак, солиқларнинг у ёки бу шакллариининг тушунчаси милоддан олдинги биринчи минг йилликка олиб боради. Ўша вақтда Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган қадимги Бақтрия, Суғдиёна давлатларида ҳам солиқлар мавжуд бўлган. Кейинчалик Кушонлар ҳам Аҳмонийлар ҳукмронлигида Ўрта Осиёни Александр Македонский, кейин араблар томонидан босиб олинганда, Сомонийлар, Қорахонийлар шажаралари ҳукмронлигида, Мовароуннаҳрни мўғуллар томонидан ишғол қилинганида ҳам давлатни моддий таъминлаш учун маблағлар керак бўлган, улар аҳолидан нагура шаклидаги солиқлар ва йиғимлар шаклида ундирилган.

Амир Темур Ўрта Осиёни мўғуллар ҳукмронлигидан озод қилиб, ўзининг молия ва солиқ тизимини яратди. Республикамизнинг тарихчилари фикрича, **Адам Смит** кўрсатиб ўтган **тўрт тамойилни Амир Темур** тўрт аср аввал эътироф этган. Жумладан, амалда ҳосил йиғиб олинганидан сўнг солиқ

солиниши зарурлиги, бунда суғориладиган ерлардан хазинага ҳосилнинг *учдан бир қисми*, суғорилмайдиган майдонлардан эса *тўртдан бир қисми* ундириш кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, даромадларни ҳаддан ортиқ солиқлар билан қамраб олмаслик хусусида билдирилган фикрлари бугунги кундаги аҳамияти беқиёсдир. Солиқ сиёсатининг тамойиллари унинг **Тузуқларида** баён этилган. **Хусусан, унда:** „*Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлашни керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади*“, дея солиқларнинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб ўтган.

Бозор иқтисодиёти шароитида самарали солиқ сиёсати юритиш ҳар бир давлат учун муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг ягона солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари яратилган.

Солиқлар бозор иқтисодиёти тизимида алоҳида ўрин тутади. Зеро, улар иқтисодиётни меъёрлаштириш, бошқариш ва рағбатлантирувчи восита вазифасини ўтайди. Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаи, давлат бошқариш, унинг мудофаасини, хавфсизлигини таъминлашнинг, халқни ижтимоий ҳимоя қилишнинг (нафақалар, бепул таълим бериш, малакасини ошириш, касбга йўналтириш, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбиялаш, спорт ишларини молиялаш, аҳолининг турли тоифаларига ҳар хил даражада имтиёзлар бериш ва ҳ.к.) пул манбаидир. Бошқача айтганда, солиқлар бозор муносабатларининг асосий бўғини ёки етакчи унсуридир. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсатини асосан солиқлар ёрдамида олиб боради ва солиқлар тўғрисидаги қонунлар орқали юргизади. Солиқлар тадбиркорлик фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида солиқлар иккиламчи иқтисодий институтдан давлатнинг корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг хўжалик фаолиятига таъсир қилишнинг иқтисодий воситасига айланди.

Солиқ тартибига риоя қилиш, солиқ саводлиги, давлат ва фуқаро ўрталаридаги муносабатларнинг солиқ маданияти, бу муносабатларнинг гармонизациялаши янги менталитетнинг ташкиллантирилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлат хазинасини сўзсиз тўлдирилишининг кафолатидир.

2- §. Солиқ тушунчаси, унинг турлари ва улар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Солиқлар ўзининг иқтисодий моҳияти жиҳатидан бир қатор вазифаларни бажаради. Бозор иқтисодиёти шароитларида улар, давлат томонидан жамоада рўй бераётган ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи воситалардан биридир. **Солиқлар бу** — мажбурий якка тартибда бепул (текинга) бюджетга ва давлатнинг нобюджет фондларига солиқ тўловчилардан қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда ундириладиган тўловлар ҳисобланади. Ёки, **солиқ бу** — қонунчиликда белгиланган ва солиқ тўловчи томонидан аниқ миқдорда ва аниқ муддатда амалга ошириладиган мажбурий бепул (текинга) тўлов. Ёки **солиқлар бу** — давлат ҳокимияти идоралари томонидан белгиланган миқдор ва муддатларда бюджет тизимларига ўтказиш лозимлиги белгиланган мажбурий ва юридик шаклига кўра якка тартибдаги, лекин юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлардир. Демак, солиқлар миқдори ва тўлаш муддати қонун билан белгиланган мажбурий тусга эга пул муносабатини билдиради ва бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида вужудга келади. Яъни давлат солиқларни нафақат ундиради, у уларни белгилайди ҳам. **Шундай қилиб, солиқлар қонун тартибида белгиланган ставка бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан давлат томонидан ундириладиган мажбурий йиғимлар деса бўлади.**

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, мажбурийлиги, хазинага тушиши, қатъийлиги ва доимийлиги аниқ солиқ тўловчи учун **эквивалентсизлик** белгисидир.

Бу ерда айтиб ўтиш керакки, солиқ тушунчаси ва бошқа мажбурий тўловлар тушунчасини ажратиш лозим. Ҳар иккаласи ҳам мажбурий ва якка тартибда бепул амалга ошириладиган тўлов бўлса-да, улар бири давлат бюджетига, иккинчиси шу тўловларни олаётган фондларнинг ёки бошқа уюшмаларнинг Низомлари билан белгиланган мақсадларга ишлатилади. Яъни солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар (йиғим, бож) бир хил маънони англатади.

Биринчи бўлиб солиқ тизимининг тамойилларини XVIII асрининг охирида Адам Смит ишлаб чиққан, улар қуйидагича:

1. Солиқлар ҳаддан ташқари оғир бўлиши керак эмас.

Яъни солиққа тортишнинг тенглиги — солиқ тўловчилар солиқларни ўз имкониятларига, яъни уларнинг давлат паноҳида оладиган даромадларига боғлиқ ҳолда тўлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, кўп даромаддан кўп солиқ, кам даромаддан кам солиқ тўлайди.

2. Улар солиқ тўловчилар учун тушунарли бўлиши керак.

Яъни солиққа тортишнинг мақбуллиги — тўловнинг муддатлари, тури ва суммалари ҳар бир солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши лозим.

3. Ҳар бир солиқ тўловчи қандай суммани, қандай муддатда ва нега тўлаши лозимлигини билиши керак.

4. Солиқлар адолатли бўлиши керак ва ўхшаш ҳолатларда ҳар хил солиқ тўловчилар бир хилроқ солиқ тўлашлари лозим.

5. Давлат катта маблағ ишлатмасдан солиқларни йиғишни билиши керак — солиққа тортишнинг арзонлиги, яъни солиқларни ундиришга доир харажатларнинг энг кам миқдорда бўлиши кераклигини англатади.

Ҳозирги кунда ҳам ушбу тамойиллар бевосита Солиқ кодексида кўрсатилмаган бўлса ҳам улар солиқ қонунчилигининг устувор йўналишларига мос келади десак муболага бўлмайди.

Солиқларни турли хил белгиларига кўра туркумлаш мумкин. қонун ҳужжатлари солиқларни *умумдавлат солиқлари*, ва маҳаллий *солиқлар* ва *йиғимларга* бўлади. Солиқ тўловчиларига (субъектларига) кўра: юридик шахслардан ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларга. Фойдаланиш мақсадига кўра: умумий ёки мақсадли солиқлар (ер солиғи, экология ва ҳ.к.). Юклатилиш шаклига кўра: тўғри ва эгри солиқлар (**акциз, кўшимча қиймат**).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида умумдавлат солиқлари қаторига:

1. Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи.

2. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи.

3. Қўшилган қиймат солиғи.

4. Акциз солиғи.

5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.

6. Экология солиғи.

7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдават солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар қаторига.

1. Мол-мулк солиғи.
2. Ер солиғи.
3. Реклама солиғи.
4. Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ.
5. Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
6. Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.
7. Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим.
8. Ободончилик ишлари учун йиғим.

Ушбу назарда тутилган маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг 1- ва 2- бандлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва Республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг миқдорлари (ставкаси ушбу Кодекс билан белгиланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3 — 8- бандларида назарда тутилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Бу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштирилиши лозим.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Бундан ташқари бир қатор мажбурий тўловлар ҳам Республика бюджетига тушиши белгиланган. **Улар:** *давлат божси, божхона йиғимлари, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ва ҳ.к.*

Ўзбекистоннинг солиқ тизими ўзида солиқларнинг қатор турларини жамлаган. *Масалан*, юридик шахслар томонидан тўланадиган асосий солиқлар: **қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад учун солиқ, корхонанинг мол-мулк солиғи** ва бошқалар. Жисмоний шахслар эса **қуйидаги асосий солиқларни тўлайдилар**: *даромад солиғи, мерослик* ёки *ҳадя тартибида олинган мол-мулк солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиғи* ва бошқалар.

Солиқ миқдори, ставкаси ва солиқ имтиёзлари ҳақидаги қонун ҳужжатларидаги қоидалар муҳим аҳамиятга эга. Солиқ миқдорини аниқлаш учун қонунда солиқ предметининг ўлчов бирлигини, яъни солиқ предметининг мезонлари, параметрлари белгиланади. Солиққа тортиш бирлигининг солиқ миқдори *солиқ ставкаси* деб аталади. Шу билан бирга ставкалар қатъий ва фоизли (квоталар) бўлади. Ставкалар одатда бевосита солиқ ҳақидаги қонунларда кўрсатилади.

Солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти миқдорини қисқартириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Улар ўз навбатида учта **гуруҳга бўлинади**:

- Солиқ солишининг айрим предметларини солиққа тортишдан чиқариш (озод қилиш);
- Солиқ базасини қисқартириш;
- Солиқ кредитлари — солиқ ставкаси ёки оклад суммасини камайтиришга қаратилган имтиёзлар.

Солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига келсак, Ўзбекистоннинг мустақил солиқ тизимини яратиш ҳаракати асосан 1992 йил 15 февралдаги „**Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари тўғрисида**“ги Қонун ва 1993 йил май ойида Олий Кенгашнинг „**Маҳаллий солиқлар тўғрисида**“ги Қонунининг қабул қилинишидан бошланди. Бу қонунлар бўйича чиқарилган солиқлар йилма-йил такомиллаштирилиб борилди. Ниҳоят, 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг „**Солиқ кодекси**“ қабул қилинди. Бу кодекс солиқ ва йиғимлар ҳақидаги қоидаларни ягона ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўз ичига қамраб олди.

Солиқ ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Конституцияда солиқлар ҳақидаги асосий қоидалар мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **51- моддасига** мувофиқ фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган Солиқ кодексининг **2-моддасига** мувофиқ солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари ушбу кодексдан, солиқлар ҳамда йиғимлар соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Солиқлар ва йиғимлар соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатлари бу турли хил қонунлар, йўриқномалар, низомлардан иборатдир. Масалан, 1999 йил 7 январдаги Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида **Йўриқнома**, 1999 йил 9 январдаги Газета ва журналлар таҳририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналари асосий фаолиятини солиққа тортишнинг баъзи масалалари ҳақида, 1999 йил 15 январдаги Эркин алмаштириладиган валютани харид қилиш учун йиғим тўлаш тартиби, 1998 йил 24 декабрдаги Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини давлат назорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1997 йил 29 августдаги Давлат солиқ хизмати ҳақидаги қонун, 1998 йил 13 июлдаги Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш тартиби ҳақидаги **Йўриқнома** ва бошқалар. Бундан ташқари бир қатор қонунлар солиққа тортишдаги имтиёзлар ҳақидаги қоидаларни ўзида ифода этган. *Масалан*, Ўзбекистон Республикасининг „**Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторларининг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида**“ги Қонунида чет эл инвесторлари учун солиқ бўйича имтиёзлар назарда тутилган.

Солиқ ҳақидаги қонунлар, Солиқ кодекси куйидаги асосий усулларни кўзда тутади:

- Солиқ тўловчилар доирасини белгилайди;
- Солиқ солиш объектларини аниқлайди;
- Солиқ солиш бирлигини белгилаб беради;
- Солиқ солиш объекти ёки бирлигидан олинadиган солиқ ставкасини ўрнатади;
- Солиқни тўлаш муддатларини белгилайди;
- **Имтиёз асослари, ҳажми, доирасини аниқлайди;**
- **Жавобгарлик чораларини кўзда тутади.**

Умуман солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, ундиришда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Аммо кўрсатилган нормалар ўзига хос белгиларига эга бўлгани

учун уларни мустақил гуруҳга жамлаш мумкин. Солиқ муносабатларини тартибга солувчи молия нормаларининг жамламасини молия ҳуқуқининг „солиқ ҳуқуқи“ тармоғи деб аталади. Юқорида айтганимиздек, солиқ ҳуқуқининг нормалари бир қатор норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган, бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Солиқ кодекси ва солиқ муносабатларини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар. Улар ҳаммаси солиқ қонунчилигини ташкил қилади.

3- §. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, бошқа тоифадаги солиқ тўловчилардан солиқ олиш юзасидан вужудга келувчи солиқ ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-молиявий муносабатлардан иборатдир.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг асосий мазмуни солиқ тўловчи томонидан қонунда белгиланган солиқлар ва солиқдан ташқари тўловларни белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаб боришдан, солиқ идоралари эса уларнинг тўла-нишини таъминлашдан иборатдир. Солиқ муносабатларида солиқ тўловчи, давлат солиқ инспекцияси, кредит ташкилотлари қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунларида солиқ муносабати иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгилаб қўйилган.

Солиқ ҳуқуқий муносабати бу — молия ҳуқуқий муносабатининг тури, яъни солиқ ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий—молия муносабатлари, ва унинг субъектларини солиққа тортишда вужудга келадиган ҳуқуқ ва бурчларига эга бўладилар. Солиқ ҳуқуқий муносабатларида турли хил субъектлар иштирок этади: солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар), Давлат солиқ хизмати органлари, кредитлаш ташкилотлари шулар жумласига киради. Айрим бир ҳолатларда солиқ муносабатларида бошқа субъектлар ҳам иштирок этади, масалан, иш берувчи (юридик шахс ва юридик шахс ташкил қилмай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар) ўзининг хизматчиларининг иш ҳақидан олинадиган солиқни тўлашида.

Солиқ муносабатларида банклар муҳим роль ўйнайдилар, чунки улар орқали барча молиявий оқимлар, шу билан бирга солиқларни ўтказиш ҳам олиб борилади. Бундай алоҳида ўрин оқибатида банкларга солиқ назорати, самарали солиқ мажбурийлиги ва бюджетларга солиқларни ўз вақтида тушириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилади. Банклар солиқ тўловчиларнинг солиқларни тегишли бюджет ёки фондларга ўтказиб бериш ҳақидаги топшириқларини ҳамда солиқ органининг солиқ тўловчининг пул маблағлари ҳисобига солиқ ундириш ҳақидаги қарорларини биринчи навбатда бажаришга мажбурдирлар.

Солиқ ҳуқуқида солиқ ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари учун ҳуқуқ ва бурчлар назарда тутилган. **Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчилар учун қуйидаги мажбуриятлар мустаҳкамланган:**

1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш;

2) солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек, солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш;

7) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ тўловчилар ушбу кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Солиқ тўловчининг мажбуриятлари солиққа тортиш объекти ва қонун ҳужжатларида мустақкамланган асослар мавжудлигидагина вужудга келади. Қонун солиқ тўловчи ҳуқуқий муносабатларнинг бекор бўлиши фактларини ҳам назарда тутати. Юридик шахс томонидан солиқни тўлаш имконияти бўлмаганлиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ушбу юридик шахсни ўрнатилган тартибда *банкрот* деб эътироф этишга асос бўлади. Юридик шахсни суд тартибида ёки эгасининг қарори бўйича тугатилганида, солиқ бўйича боқимандаларни тўлаш тугатиш комиссияси зиммасига юклатилади.

Солиқ тўловчилар нафақат мажбуриятлар, балки *ҳуқуқларга ҳам эгадирлар*:

1) солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2) солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3) бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан муурожаат қилиш;

4) солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5) солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш;

6) солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

7) солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар ушбу кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Солиқ мажбурияти деганда солиқ тўловчининг солиқ тўлаш мажбурияти тушунилади. Ушбу мажбурият солиқ тўлашни назарда тутувчи солиқ қонунчилигида мустақкамланган ҳолатлар вужудга келган заҳотидан солиқ тўловчи

зиммасига юклатилади. Солиқ мажбуриятлари носолиқ мажбуриятларига нисбатан биринчи навбатда туради.

Тўлашга тегишли бўлган солиқ (йиғим) суммасини солиқ тўловчи солиқ базаси, солиқ ставкаси ва солиқ имтиёзларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ҳисоблайди (агарда солиқ қонунчилигида бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса).

Солиқ тўловчининг асосий вазифаларидан бири бу керакли солиқ суммаларини ўрнатилган муддатда тўлаш йўли билан солиқ мажбуриятини бажариш бўлиб ҳисобланади. Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини бажариш учун унга тегишли барча мулк билан жавоб беради, агар Солиқ кодексида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса. Солиқ мажбуриятини бажариш қуйидаги чоралар билан таъминланади: мулк гарови, ҳисобланган пеняларни тўлаш, шунингдек, солиқ ундириш, солиқ тўловчининг ёки бошқа мажбур бўлган шахснинг мулки эвазига ҳам.

Солиқ мажбуриятини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик солиқ органи томонидан солиқ тўловчига (ёки бошқа мажбур шахсга) солиқ тўлаш учун талабнома қўйилишига асос бўлади. Мазкур талабнома 10 кун муддат ичида бажарилиши лозим. Талабноманинг бажарилиши, яъни пеняларни тўлаш ёки (ва) солиқни солиқ тўловчи ёки бошқа мажбур шахснинг пул маблағлари ёки бошқа мулки ҳисобидан ундириш йўли билан таъминланади. Ўрнатилган муддатда солиқ мажбуриятларини бажармасликда вужудга келадиган солиқ ҳуқуқбузарлик аломатлари солиқ жинояти ёки ҳуқуқбузарлиги ҳақида иш қўзғатиш учун асос бўлади.

Солиқ тўлаш ҳақидаги талабномани солиқ ундириш, пеня ҳисоблаш йўллари билан бажарилишини таъминлаш имкони бўлмаганида, солиқ органи хўжалик судига солиқ тўловчини банкрот деб эътироф этиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқ органлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги „**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**“ги Қонунида белгиланган.

4- §. Солиқ тўлашни текшириш натижалари бўйича тузиладиган акт

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги „**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**“ги Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга туши-

шини таъминлаш мақсадларида тузилади. Солиқ назорати солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат. Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортилиши лозим бўлган субъектлар ва объектларни ҳисобга олиш, солиқларга доир текширувлар ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўраб-суриштириш воситасида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий тузилмаларга эга бўлган махсус назорат-тафтиш бўлинмаси тузилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180- сонли қарорининг 4- Иловасига мувофиқ Бош назорат-тафтиш бошқармасининг **қуйидаги асосий вазифалари белгиланган:**

— Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатлар асосида текшириш (тафтиш)ларни ҳамда ҳукумат қарорлари билан назорат солиқ органларига юкланган масалалар бўйича назорат тартибидаги текширишларни белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

— Хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқаришда, ундиришда қонунийликка риоя қилиниши, тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш.

— Солиққа доир ҳуқуқ бузишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш;

— Солиқ мажбуриятларини бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам кўрсатиш;

— Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларни комплекс теширишларнинг истиқболли режаларини тайёрлаш, текширишлар ўтказиладиган объектларни аниқлаш ва уларни амалга ошириш;

— Ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш жараёни ҳамда тартиби устидан назорат ўрнатиш, шунингдек, уларни ўтказишда (барча даражадаги солиқ органларига) амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

— Давлат солиқ хизмати органлари томонидан текшириш материаллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиниши ва молиявий санкциялар қўлланилиши устидан назорат ўрнатиш;

— Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар якунлари бўйича бюджет олдидagi мажбуриятларнинг бажарилиши (қўшимча ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва шу кабиларнинг ундирилиши) устидан назорат ўрнатиш;

— Ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар натижасида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилишлари ва бошқа фактлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

— Фуқароларнинг солиқ қонунчилиги бузилишлари фактлари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш.

— Шунингдек, ушбу бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

— Солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилиги соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади;

— Бош бошқарманинг ҳудудий назорат-тафтиш бўлинмаларининг, солиқ бошқармалари ва солиқ инспекцияларининг ҳужжатлари асосида ҳамда назорат тартибидаги текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади, ишларни улар билан ҳамкорликда олиб боради;

— Белгиланган тартибда, Давлат солиқ қўмитаси иш режасига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, банклар бўлинмаларининг, шунингдек, мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъий назар, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини ҳужжатлар асосида комплекс ва назорат тартибидаги текширишларни ташкил этади ҳамда ўтказишга, уларнинг натижалари бўйича тегишли ахборотлар ва маълумотномалар тайёрлайди;

— Мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъи назар, солиқ қонунчилигини қўпол равишда бузаётган ва солиқ органларида ҳисобда туришдан ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширади;

— Ҳужжатлар асосида текширишлар давомида содир этилган операцияларнинг қонунийлигини ва тўғрилигини, ҳужжатларни аслилигини, улардаги ҳисоб-китобларнинг арифметик жиҳатдан тўғрилигини, ҳужжатларнинг ҳисобот ва бухгалтерия ҳужжатларининг белгиланган шаклларида мослигини аниқлаш учун назоратни амалга оширади;

— Ҳужжатлар асосида текширишлар давомида амалга оширилган операцияларнинг амалда содир этилганлигини, ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг амалда олинганлигини ёки берилганлигини, ишлар, хизматларнинг амалда бажарилганлигини ёки кўрсатилганлигини текширади;

— Ҳўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ва моддий бойликларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналарда моддий бойликларни корхоналар ҳудудига келтириш ва унинг ҳудудидан олиб кетишда рухсатнома тизими ишини ташкил этишнинг аҳволини текширади;

— Ҳужжатлар асосида текширишлар давомида ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини, солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи қўшиб ёзишлар ва ҳар хил хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини сўтлар бўйича текширади;

— Тафтиш қилинаётган ташкилотларда мавжуд бўлган ёзувларни, ҳужжатлар ва маълумотларни пул маблағлари, моддий бойликлар ва ҳужжатлар олинган ёки берилган ташкилотлардаги тегишли ёзувлар, ҳужжатлар ва маълумотлар билан солиштириб чиққан ҳолда белгиланган тартибда муқобил текширишлар ўтказилади;

— Ҳужжатлар асосида текширишлар давомида тафтиш қилинаётган ҳўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган тўлов ҳужжатлари нусхаларини мазкур топшириқни бажарган банк муассасасида сақланаётган асил тўлов ҳужжатлари билан солиштириб чиқилади;

— Хужжатлар асосида текширишлар давомида хом ашё, материаллар ярим фабрикалар ва тайёр буюмларни ўлчайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва тақдим этилган солиқ ҳисоб-китобларининг тўғрилигини аниқлаш учун хом ашё ва материаллар сарфи нормалари, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғри ҳисобдан чиқарилишини, тайёр маҳсулот тўлиқ кирим қилинишини, маҳсулот чиқиши нормалари ҳамда моддий бойликларни сақлаш ва ташишдан табиий йўқотиш нормалари тўғри белгиланишини аниқлаш учун хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришда назорат тариқасида ишлатиб кўради, хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни назорат тариқасида текширади;

— Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва давлатга солиқ тўлашдан, савдо ва хизматлар кўрсатиш, акциз солиғи солинадиган алкоғолли ҳамда тамаки маҳсулотларини сотиш ва маркалаш қоидаларига риоя қилишдан бўйин товлайётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш юзасидан назорат тариқасида текширишларни амалга оширади;

— Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса аппаратларини қўллашга доир қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, назорат касса аппаратларидан фойдаланган ҳолда олинган нақд пул маблағларини тўлиқ кирим қилиниши устидан доимий ва амалий назоратни амалга оширади;

— Ишлаб чиқариш ва тегишлича даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар ҳажмларини камайтириб кўрсатиш, моддий ҳужжатларни асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш ёки сунъий равишда кўпайтириш ёхуд моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини нормативлари (лимитлари) ва амортизация ҳисобини нотўғри қўллаш механизмларини ўрганади ва аниқлайди;

— Юридик шахслар томонидан ҳисобга олинмаган (яъни, тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар)ни сотиш механизмларини ўрганади ва аниқлайди;

— Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлайётган механизмларини аниқлайди;

— Хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)га ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар олиб борилаётганда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;

— Хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)ни ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидоги текширишлар натижалари билан таништиради ва бошқалар.

Хуллас, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини Давлат солиқ инспекциясининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари текширади. Юқорида келтирилган Низомда текшириш объектлари кенг ёритилган бўлиб, уларнинг тафсилоти тўлиқ берилган. Шунингдек, солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни текшириш жараёнидаги давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги „**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**“ги қонунда белгиланган. Хусусан, уларга солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, сметалари, даромадлар ҳақидаги декларациялари, солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш ҳуқуқи берилган. Шу билан бирга, солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиришлари, ўтказилган текширувлар натижаларини маълум қилишга мажбурдирлар.

Текшириш натижалари бўйича текширувчи солиқ органи далолатнома тузади ва у билан солиқ тўловчиларни таништиради.

Текшириш натижасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари аниқланган бўлса, солиқ органи дастлабки суриштирув органи сифатида ўз ваколати доирасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши иш юритувини Солиқ кодекси ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ олиб борадилар. Иш юритуви маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги баённомани тузиш пайтидан бошланади ва ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда олиб борилади. Иш юритуви у қўзғатилган пайтдан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ишлар бўйича бир ой, жиноий иш қўзғатиш ҳақидаги ишлар бўйича 10 кун муддат ичида тугатилиши лозим. Иш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича молиявий санкция қўллаш,

маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарилади. Шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **280-, 291-моддалари**даги умумий қоидаларга мувофиқ баённома тузадилар.

5- §. Солиқ қонунларини бузганлик учун жавобгарлик

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун нафақат солиқ тўловчилар, балки солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳам юридик жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикасининг „**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**“ги қонунда, Ўзбекистон Республикасининг солиқларнинг алоҳида турлари ҳақидаги тегишли қонунларида, ДСК ҳақидаги Низомда белгиланган. Маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари маъмурий жавобгарликка тортиш ва жиноят кодексларининг тегишли моддаларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишининг олдини олишда, назорат функцияларини амалга оширишда солиқ тўловчиларга нисбатан ҳуқуқий мажбурлаш усулларини, молиявий санкцияларини қўллайдилар. Солиқ қонунчилигининг бузилишини олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг мансабдор шахслари маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Шу билан бирга солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш, уни белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Солиқ кодексига мувофиқ солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчиларга ушбу кодексда назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади, жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса, шунингдек, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар (**132- модда**).

Шу билан бирга Солиқ кодекси солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ундириш тартибини ҳам белгилайди. Кодекснинг **134- моддасига** мувофиқ жисмоний шахслардан

солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни ҳамда тўланмаган жарималарни ундириш суднинг қарори асосида амалга оширилади. Юридик шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандаларни, шунингдек, молиявий жазо чораларининг суммалари ва пеня суммаларини ундириш солиқ органлари томонидан баҳссиз равишда амалга оширилади. Ушбу суммаларни ундириш баҳссиз равишда амалга оширилиши юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин деган нуқтаи назар ҳам мавжуд. Конституцияда шахсий мулкнинг дахлсизлиги белгиланиб қўйилганлиги сабабли солиқ қонунчилигини такомиллаштирини зарурияти борлигидан далолат беради.

Солиқ кодексининг 135- моддасида солиқ қонунчилигини бузганлик учун солиқ тўловчиларга қўйидаги миқдорда молиявий чоралар белгиланган:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан, норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қўйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

— агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

— агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса—энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади;

3) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юкоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан кўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) солиқлар ва йиғимлар бўйича тўловмуддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари солиқ тўловчиларга нисбатан мана шундай молиявий чоралар қўллашга ҳақли. Солиқ кодексининг **133- моддаси**да солиқ тўловчини жавобгарликдан озод қилиш ҳам белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ, агар солиқлар ва йиғимларнинг бир тури бўйича ортиқча тўланган суммалар бошқа тур

бўйича боқиманданинг ўрнини қопласа, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни тўламаганлик ёхуд тўлиқ тўламаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади. Солиқ тўловчи солиқ органи ҳужжатлар (ҳисоб варақалари) асосида текширув ўтказгунига қадар мустақил равишда ўз хатоларини тuzатса, у жавобгарликдан озод қилинади, пеня тўлаш бундан мустасно.

Шуни назарда тутиш керакки, қонунбузувчилардан пеняни ундириш уларни солиқ мажбуриятларидан озод қилмайди, чунки пеня тиклаш чораси ҳисобланади. Молиявий чораларнинг хусусияти бу улар одатда *носуд* тартибида маъмурий жазо билан бирга юридик шахсларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ тўловчилар маъмурий жавобгарлик билан бир қаторда уларнинг ҳаракатларида (ҳаракатсизликларида) жиноят аломатлари мавжуд бўлса жинойий жавобгарликка ҳам тортилишлари мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган солиқ тўловчиларга нисбатан бўлган хизмат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан ва Жиноят кодексларида улар учун белгиланган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Солиқ тўловчи хўжалик фаолияти билан шуғулланаётганида солиққа тортилишига тайёрланиши лозим. У ўзининг ҳаракатларининг солиқ натижаларини билиши керак. Ушбу ҳуқуқий қоидаларга риоя қилишлик, солиқ тўловчига нафақат солиқ органи, балки ўзининг конституциявий мажбуриятини бажаришида давлат билан тўғри муносабат тузишига олиб келади. Маъмурий ва жинойий жавобгарлик турлари тегишли кодексларда аниқ кўрсатилган. Давлат солиқ органлари, шунингдек дастлаб суриштирув органи ҳам ҳисобланади. Солиқ кодексидан белгиланганидек, солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги низолар юқори турувчи солиқ органлари ва суд томонидан кўриб чиқилади (**131- модда**). Шуни айтиш мумкинки, одил судлов ўзига хос кўпгина, солиқ органларининг ваколатида йўқ атрибутларга эгадир. *Масалан*, одил судловни амалга ошириш процессуал қонунлар билан расмийлаштирилган, одил судловни амалга оширишда хўжалик судининг судьялари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар, уларнинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди

ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади, судларнинг низоларни кўриб чиқиш юзасидан ваколатлари солиқ органининг ваколатидан анча кенгроқ ҳам. Яъни солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги низолар юқори турувчи солиқ органлари томонидан кўриб чиқилгандан кейин ҳам солиқ тўловчи судга мурожаат қилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик бу — солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузилишида олиб бориладиган солиқ иш юритувида энг кенг даражада қўлланиладиган жавобгарликнинг туридир. Солиқ органлари, шунингдек, дастлабки суриштирув органи бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг **264-моддасига** мувофиқ, давлат солиқ органларига ушбу Кодекснинг **164-моддасининг** биринчи ва учинчи қисмларида, **165-, 168-моддалари, 171-моддасининг** иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, **172-, 174-моддалари, 175-моддасининг** биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмида, **176-моддасининг** биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқдир. Давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари давлат солиқ органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат солиқ органлари ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида амалда бўлган иш ҳақининг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда, фақат жарима солишлари мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик одатда судланганликка ва ишдан бўшатишга олиб келмайди. Шу билан бирга маъмурий жавобгарликка тортишдан кейин бир йил ичида яна маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса у жиноят ҳисобланиб, жиноят кодекси нормалари бўйича ҳал қилинади. ҳуқуқбузарликлар ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши оқибатида қўлланиладиган чораларнинг турлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳақидаги **184-модда** мавжуд бўлиб, унда солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларни бузиш оқибатида

жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модданинг диспозициясига кўра, фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик барабаригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша қилмишлар такроран, кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик барабаридан етмиш беш барабаригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг учинчи қисмида худди шундай қилмишлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса энг кам иш ҳақининг етмиш беш барабаридан юз барабаригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Жиноят кодексига мувофиқ жисмоний шахслар, масъулиятли ва бошқа мансабдор шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин. Кўриб чиқилаётган жиноятлар қаторига иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ қилмишлар қўшилган, булар сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш кабилар киради. Бундай ҳуқуқбузарлик юзасидан текширув олиб бориш учун солиқ органларига дастлабки суриштирувни олиб бориш ҳуқуқи берилган. Солиқ органларининг дастлабки суриштирув органлари сифатида олиб борадиган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси билан тартибга солинади.

Сўз жавобгарлик ҳақида кетаётганда солиқ органларининг солиқ бўйича қарзлар билан ишлаш тартиби ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Солиқ органлари солиқ бўйича мавжуд бўлган қарзларга нисбатан талабномалар тақдим қиладилар. Давлат солиқ органлари фаолиятининг ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг „**Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан ҳисоб-китоб қилишларида масъулиятларини ошириш чоралари ҳақида**“ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган махсус Низомда белгиланган.

Кўрсатилган Низомга мувофиқ солиқ органлари ундирувни солиқлар бўйича қарзлари мавжуд бўлган корхонанинг мулкига қаратишга ҳақлидирлар. Богимандаларни ундириш давлат солиқ органлари томонидан баҳсиз равишда инкассо топшириқномасини қўйиш йўли билан амалга оширилади. Солиқ органларига бундай ҳуқуқ Солиқ кодексининг **134-моддаси** қоидалари билан ҳам белгиланган. Инкассо топшириқномасини олгач банк Низомда белгиланган муддат ичида унинг нусхаларини солиқ органи ва қарздор корхонага юборади. Мазкур талабни бузган банкка нисбатан молиявий санкциялар қўлланилади. Агарда қарздорнинг ҳисоб рақамида маблағ йўқ бўлса, ундирув унинг мулкига қаратилади. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387- сонли „**Бюджет олдидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни корхоналар ва ташкилотларнинг мулкига қаратиш ҳақидаги Низоми**“да белгиланган.

Олиб қўйилган молиявий маблағлар ўша кундаёқ тегишли бюджетга ўтказиш учун банкка топширилади. Олиб қўйиш акт билан расмийлаштирилади.

Олиб қўйишни мулкка қаратишда (маблағ йўқлигида) унинг рўйхатланиши ҳам акт билан расмийлаштирилади. Уни расмийлаштириш тартиби тегишли йўриқномада кўрсатилган. қарздор томонидан тегишли суммаларни бюджетга тўланганлигида, олиб қўйилган мулк унга қайтарилади.

Олиб қўйилган мулкни сақлаш ва сотиш тартиби ҳам тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган.

Солиқ органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига шикоят қилиш, ундирувни мулкка қаратишни тўхтатиб туришга асос бўлмайди, агар қонунда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса.

Солиқ тўловчилар билан бир қаторда давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари ҳам солиқ ҳақидаги ҳужжатларни бузганликлари учун жавобгарликка тортиладилар. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка, жиноят аломатлари мавжуд бўлганда жиноий жавобгарликка тортиладилар. Мансабдор шахслар Солиқ кодекси, „**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**“ги қонунда белгиланган қоидаларни бузганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан мансабдор шахсларга нисбатан хизмат ёки тижорат сирини ошқор қилиш, хизмат вазифасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Солиқ органларининг айби билан солиқ тўловчига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

6- §. Солиқ органлари қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг **131- мод-дасига** мувофиқ солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги низолар юқори солиқ органлари ва суд томонидан кўриб чиқилади.

Солиқ тўловчига нисбатан солиқ органининг чиқарган маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори устидан солиқ тўловчи томонидан юқори солиқ органларига ёки солиқ органи жойлашган жойдаги судга 10 кун муддат ичида *шикоят* (протест) қилиши мумкин.

Солиқ органи қабул қилган қарорга нисбатан прокуратура томонидан ҳам протест келтирилиши мумкин. Мазкур протест келиб тушган кундан бошлаб солиқ органи томонидан 10 кун муддат ичида кўриб чиқирилиши керак. Кўриб чиқиш натижалари ҳақида прокуратурага ёзма равишда хабар қилинади. Шикоят ёки протест киритилганда қарорнинг ижроси тўхтатиб турилади. Тегишли асослар мавжуд бўлганда солиқ органи томонидан қарор бекор қилинади. Иш ҳужжатлари бўйича иш юритуви тугатилганда солиқ тўловчига ундирилган солиқ суммаси (товарлар ёки ҳуқуқбузарлик предметлари) қайтарилади.

Солиқ органларининг маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорларининг ижроси амалдаги қонунчилик талаб-ларига асосан амалга оширилади.

Солиқ тўловчи юридик шахс бўлган тақдирда, солиқ органи қарори устидан, бошқа давлат органлари қарорлари устидан шикоят қилиш каби, умумий тартибига кўра Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига белгиланган қоидаларига риоя қилган ҳолда даъво ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Солиқ органининг жинойий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорлари юзасидан қабул қилинган суд актлари устидан шикоят қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида кўрсатилган.

1- §. Статистик ҳисобот тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

„Статистик маълумотларга қараганда...“. Кўпинча у ёки бу давраларда, анжуманларда, таҳлилий чиқишларда ушбу иборадан фойдаланамиз. Ушбу маълумотлар бизга соҳа юзасидан, унинг аҳволи юзасидан муайян хулосалар чиқариш имконини беради, турдоши билан қиёслаш, таққослаш имконини беради. Бу маълумотлар юзасидан биз келгусидаги фаолиятимизда айрим йўналишларни, кўрсаткичларни чамалаб оламиз. Мана, масалан, қуйидаги *„статистик маълумотлар“* ларга эътибор берайлик. **Мамлакатимизда 2001 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида** „ўтган йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 4,2 фоиз ўсди, давлат бюджетининг тушумлар ва харажатлар бўйича кўрсаткичлари мўлжалдагидек бўлди. Бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 0,4 фоиздан ошмади, ташқи савдо ҳажми 3,3 фоиз ортди ва ундаги ижобий фарқ 76,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди, аҳоли даромадлари 19,3 фоиз кўпайди“¹. Ёки, кичик ва ўрта бизнес натижалари **мамлакатимизда статистик маълумотларга кўра**, „хусусан, агар 1991 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши атиги 1,5 фоиз бўлган бўлса, 2000 йил натижаларига кўра, бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этди“².

Яна статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, „агар мустақилликкача собиқ Иттифоқда 190 дан ортиқ **„эгизаклар“** (муаллиф қўшма корхоналар демоқчи — М.Б.) мавжуд бўлган бўлса, шундан атиги 2 тасигина Ўзбекистонда эди“³. Қайд этилган статистиканинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, яъни бошқача айтганда, статистика халқ хўжа-

¹ „Халқ сўзи“. 2001й. 18- июл.

² И. Каримов. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш-тараққиёт гарови. „Халқ сўзи“. 2001 й. 18- июл.

³ Н. Тўхлиев. Қўшма корхона — қўша манфаат // „Халқ сўзи“. 2001 й. 6- март.

лигини, турмушимизнинг, кундалик режаларимизнинг якуни акс этган кўзгудир. Статистик ҳисоботнинг тузилиши, юритилиши бир қанча вазифаларни бажаради. У, биринчидан, рақамларда акс этган иқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўзига хос таҳлилидир. Табиийки, бу таҳлиллар бизнинг ижобий ва салбий, илғор ва қолоқ жиҳатларимизни юзага чиқаради. Шундай экан, бу ердан статистик ҳисоботга қўйиладиган биринчи талаб келиб чиқади. У — аниқ, холисона, тезкор ва барқарор, тўла-тўқис юритилиши керак. Иккинчидан ва ўз-ўзидан олинган маълумотлар бизни, хўжалик юритувчи субъектларни янгидан-янги ишларга, фаолиятни кенгайтиришга ёки тубдан ўзгартиришга сафарбар қилади. Мана, *масалан*, олиб борилган изчил **ислоҳотлар туфайли республикамизда** „ўтган йилнинг бошига келиб, 3,5 мингдан зиёд қўшма корхоналар рўйхатдан ўтди. Улардан аксарияти бевосита фаолият юргизиб, 267 миллиард сўмлик маҳсулот ва хизматларни яратдилар“¹. Учунчидан, олинган маълумотлар пировардида аҳоли турмуш даражасининг кўзгусидир. Тўғри, биз учун миқдор ўзгаришларидан кўра сифат ўзгаришлари муҳим, устувор. Аммо, очиғини айтганда, ўша „**сиам эгизаклари**“ мисолидаги **Uzdunrobita**нинг (ўзбек уяли телефон алоқасининг қалдирғочи) фаолияти таҳсинга сазовор. Аммо биз бу билан чекланиб қолсак, соҳада монополизм куртак ортиб, қарабсизки, хизмат турлари ва маданиятининг бир нуқтада депсиниб қолиш эҳтимоли йўқ эмасди. Натижада Ўзбекистоннинг ушбу соҳа оламида биринкетин **Coscom, Buztel-GSM, UzMacom, DAEWOO-Unitel** каби турдош корхоналар фаолият кўрсата бошлади. Демак, статистиканинг ўзига хос яна бир вазифаси унинг рақобат муҳитини яратишида ва бунга ундашида деса ҳам бўлади. Рақобат эса тараққиётга элтади. Статистиканинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти юқоридагилар билан изоҳланади.

„**Статистика**“ ва „**статистик ҳисобот**“ атамалари моҳиятан деярли бир нарсани ифодалайди. Статистиканинг ўлчов бирлигини шартли равишда рақамлар орқали ифодаланган фоизлар десак ўринли бўларди.

¹ Н. Тўхлиев. Қўшма корхона — қўшма манфаат. „Халқ сўзи“. 2001 йил. 6- март.

2- §. Статистик ҳисобот юритиш тартиби ва жавобгарлик

Статистик ҳисоботларни юритиш тартиби ва жавобгарлик асослари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган ва ҳозирда ҳам амалда бўлган „Давлат статистикаси тўғрисида“ги Қонун билан белгиланади. Статистиканинг, статистик маълумотларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги алоҳида аҳамиятидан келиб чиқиб, давлат миқёсида статистикани юритиш учун махсус давлат бошқаруви органи — Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги (2000 йил 26 майдан) ташкил этилди.

Статистик ҳисобот давлат органларида, корхона, муассаса, ташкилотларда, барча ҳўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектларида юритилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг **9- моддаси** тадбиркорлик фаолияти субъектлари статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда юритишларини мажбурият сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектлари давлат статистика органларига белгиланган шаклда ҳисобот тақдим этадилар. Қонунчиликда айрим бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, тадбиркорлик субъектлари давлат статистика кузатувлари ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни бепул тақдим этадилар.

Статистика маълумотлари аниқ бўлиб, тўла ҳажмда, белгиланган муддатда ва белгиланган манзиллар бўйича тақдим этилиши лозим.

Дастлабки статистика маълумотларидан, одатда, жамланма статистика ишларида, тўпламлар тузишда, ижтимоий-иқтисодий аҳволни шарҳлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланилади. Шуниси муҳимки, тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан тўпланган маълумотлардан фойдаланишда аниқ шахслар кўрсатилмаслигига ёки жамлама (умумий) маълумотлар тарзида фойдаланилишига ҳамда давлат ва тижорат сирларини сақланишига эътибор қаратилиши лозим. Акс ҳолда, юз берган оқибат турли жавобгарликка олиб келиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларида, илмий ишларда статистика маълумотларидан фақат ана шу маълумотлар олинган манба кўрсатилган ҳолдагина фойдаланилиши мумкин, деб ифода этилган („Давлат статистикаси тўғрисида“ги Қонуннинг **12- моддаси**).

Тўпланган статистик маълумотлар Республика минтақалари ва халқ хўжалиги тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилиши юзасидан, иқтисодий ва ижтимоий масалаларга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилиши юзасидан, иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилиши, ижтимоий соҳалар, бозор муносабатлари, давлатлараро ва минтақалараро алоқалар ривожланиши, меҳнат ва товар бозори шаклланиши, молиявий аҳвол, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги борасидаги тадбирлар бажарилишини кузатиб бориш, таҳлил қилиш ва истиқболда янги лойиҳалар, режалар тузилаётганда устувор йўналишларни белгилаб олишга кўмак беради.

Айни вақтда давлат статистика кузатуви ўтказиш учун статистик маълумотларни тақдим этмаган ёки уларни нотўғри ёхуд кечикиб тақдим этган, маълумотларни дастлабки тарзда рўйхатга олишни лозим даражада таъминламаган тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

3- §. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти

Маълумки, тадбиркорлик соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар деярли барча ҳолларда мулкий характерга эга бўлган муносабатлар ҳисобланади. Бу муносабатлар ҳар доим муайян моддий бойликларни, яъни товарларни бозор муносабатида ҳаракатда бўлишини ифодалайди. Товарлар, хизматлар ва турли моддий қийматли моллар бозор муомаласида бир субъектдан иккинчи субъектга ўтказилиши мумкин ва ҳатто тадбиркор ўз мол-мулкни бозор муомаласига қўймаган тақдирда ҳам, бу мол-мулк тадбиркорлик муносабатларида фаол иштирок этади. *Масалан*, тадбиркорни ўз ишлаб чиқариш воситалари орқали товар ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиши ва ҳ.к.

Тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини амалга оширишда содир бўладиган ҳар қандай мулкий операцияларнинг муайян ҳисоб-китобини юритмоғи лозим. Бу, биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Мол-мулк ҳаракатини мулкий операцияларни қайд этиб бориш орқали тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини бошланғич аҳволи, оралиқ ҳолати ва якуний натижалари бўйича муайян тасаввурга эга бўлади. Бу эса тадбиркорга тадбиркорлик фаолиятида стихияли вазиятларнинг вужудга келишини олдини олишда имкон беради. Таваккалчилик хавф-хатарини камайтиради.

Тадбиркор ўз фаолиятини аниқ мақсадга мувофиқ тарзда йўналтиришга имконият беради. Шу сабабли ҳам халқимизда „Пул ҳисобни яхши кўради“, „Ҳисобли дўст айрилмас“, „Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар“ каби мақоллар мавжуд.

Айниқса йирик тадбиркорлик ҳисобида, товарлар, пулларни ҳаракатланиши шиддатли, жуда мураккаб кўринишларда намоён бўлади. Бинобарин бундай шароитда ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини амалга оширишни бухгалтерия ҳисобисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади тадбиркорларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти маълумотлари билан таъминлашдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варагида активларнинг ҳолати ва ҳаракати мулкӣ ҳуқуқи ва мажбуриятларнинг ҳолати гўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш.

2. Самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш.

3. Молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари бўлиб барча тижорат ва нотижорат юридик шахслар, якка тадбиркорлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шубба корхоналари филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия молия ҳисоботини тақдим этади.

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжаликлар операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисоб варақаларида акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан мустақил равишда белгиланади.

4- §. Бухгалтерия ҳисоби ҳуқуқий асослари ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартиби

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ўзининг мустақкам ҳуқуқий негизига эга. 1996 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Айни пайтда 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган „**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**“ ги Қонунда, 2000 йил 25 майда қабул қилинган „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўғрисида**“ ги Қонунда, 2000 йил 26 майда қабул қилинган „**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**“ ги Қонунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибига доир муайян меъёрлар мавжуд.

Илгари тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 26 мартда 164-сонли қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўғрисидаги Низом билан тартибга солинган. Бухгалтерия ҳисобини юритишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси „**Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**“ ги Қарори (1997 йил 11 декабрда қабул қилинган 548-сонли қарор) ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 475- рақам билан рўйхатга олинган „**Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш**“ бўйича концептуал асослар, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17/86- сонли қарори билан тасдиқланган

ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474-рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сонли миллий стандарт — ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот), Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 августда 41-сонли қарор билан тасдиқланган Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоботини 2-сонли миллий стандарт (асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар) Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда 483-рақам билан рўйхатга олинган. Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сонли қарор билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида, 1998 йил 27 августда 484-рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини 3-сонли миллий стандартида тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисоботини юритишнинг асосий қоидалари мужассамлантирилган.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандарти билан шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади. Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги асосий қоидалари мавжуд:

1. **Ҳисоблаш** (начисления). Бунинг маъноси шуки бухгалтерия ҳисобида даромадлари ва харажатлари, улар келиб тушган ёки вужудга келган пайтдан бошлаб тан олинади ва молиявий ҳисоботларида қайд этилади (яъни пул олиши ёки ҳақ тўлаш асослари вужудга келган вақтдан).

2. **Бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш**, унинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркорлик субъекти бухгалтерия операцияларини икки ёқлама ёзув тизими асосида қайд этади. Яъни айнан бир операция бўйича айнан бир сумма бухгалтерия ҳисобини икки ҳисоб рақамида, бир ҳисоб рақамини дебетда, иккинчисини кредитда ифодаланиши лозим.

3. **Узлуксизлик**. Унинг маъноси шундан иборатки, тадбиркорлик субъекти узлуксиз фаолият кўрсатувчи субъект сифатида, яъни келажакда ҳам ўз фаолиятини давом эттирадиган субъект сифатида қаралади.

4. **Хўжалик операциялари, активлар ва пассивларни пулда баҳоланиши.** Барча операциялар ва воқеалар молия ҳужжатларида умумлаштириш мақсадида пулда баҳоланади.

5. **Аниқлик.** Маълумотлар уларда муҳим хато бўлмаса ва ноҳолислик бўлмаса аниқ ҳисобланади ва фойдаланувчилар бу маълумотларга асосланишлари мумкин. Операциялар ва воқеаларнинг аниқлиги бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланади.

6. **Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик).** Бу тамойилни моҳияти шундан иборатки, қарорлар қабул қилишда активлар ва даромадлар қайтадан баҳоланмаслигига, мажбуриятлар ва харажатлар эса кам баҳоланишига йўл қўймаслик лозим.

7. **Мазмуннинг шаклдан устуңлиги.** Агарда ҳисоб ҳужжатларига ва молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар операциялар ва воқеалар мазмунини аниқ акс этгирса, бу маълумотлар уларнинг ҳуқуқий шаклига қараб эмас, балки уларнинг моҳияти ва иқтисодий реаллигига қараб ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши лозим.

8. **Кўрсаткичларни қиёсланувчанлиги.** Молиявий маълумотлар мазмуни ва фойдали бўлиши учун бир ҳисобот даври бошқаси билан таққосланадиган бўлиши лозим.

9. **Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги (нейтраллиги).** Молиявий ҳисоботларда тақдим этиладиган маълумотлар ишончли бўлиши учун ноҳолислик билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

10. **Ҳисобот даври.** Даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги.

Ҳисобот даври (даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги) шуни англатадики, бу даврда олинган даромадлар, вужудга келган харажатларнигина акс эттиради. Агарда, даромадлар ва харажатларни айрим турлари ўртасида бевосита боғланишни аниқлаш қийин бўлса, харажатлар муайян тақсимлаш тизими асосида бир неча ҳисоб даврлари бўйича тақсимланади.

11. **Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.**

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши тамойили, уларни таннархи ёки харид баҳоси, уларни баҳолашда асосий мезон бўлишини назарда тутати. Стандартларда назарда тутилган баъзи ҳолларда фактик баҳолаш, харид баҳосидан фарқ қилиши мумкин.

12. **Тушунарлик.** Молия ва ҳисоботлардаги маълумотлар фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши лозим.

13. **Эътиборга сазоворлик.** Молиявий маълумот ундан фойдаланувчиларни молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширишда турли қарорлар қабул қилишда, операциялар ва воқеаларни баҳолашда эҳтиёжларини қаноатлантириш ва ёрдам бериши лозим.

14. **Муҳимлик.** Агарда маълумотларни молиявий ҳисоботларга қўшмаслик ёки уларни нотўғри тақдим этиш бу маълумотлардан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, маълумот муҳим ҳисобланади. Маълумотнинг муҳимлиги унинг моҳияти мазмунида ёки қийматида намоён бўлади.

15. **Тўғри ва холис тақдим этиш.** Молиявий ҳисоботлар тадбиркорлик субъектини молиявий ҳолати операциялари натижалари, пул маблағларининг ҳаракати ҳақида тўлиқ ва холис тасаввур бериши лозим.

16. **Тугалланганлик.** Молиявий ҳисоботларни ишчанлигини таъминлаш мақсадларида маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилиши лозим.

17. **Изчиллик.** Ҳисоб сиёсати ҳар бир даврда изчил равишда олиб борилиши лозим. Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар бу ҳисоботларни таққослаш турли даврлардаги ҳисоботларни қиёслаш, тадбиркорлик субъекти молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар йўналишини аниқлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

18. **Ўз вақтидалик.** Ҳисобот маълумотлари тақдим этиш асосиз равишда кечиктирилганда у ўз иқтисодий аҳамиятини йўқотади, бинобарин маълумотлар ўз вақтида, оператив, тез тақдим этилиши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни тадбиркорлик тузилмаси раҳбари амалга оширади. Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

— бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

— бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Тадбиркорлик тузилмаси раҳбари қуйидагиларни таъминлаши шарт:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқилишини;
- ҳўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;
- бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ ва аниқ юритилишини;
- ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланиши;
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёр ланишини;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳисоботлар тайёрланишини;
- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

Пул, товар моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар корхона, муассаса, ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар гомонидан имзоланади. Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг 2 та рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазибаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига бухгалтерия ва молиявий бошқарув вазибаларини амалга оширувчи шахслар киради.

Пул, товар ва моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар раҳбар ва бош бухгалтер имзосисиз ҳақиқий ҳисобланмайди. Бухгалтерия ҳисобини юритишда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлгандан кейин гузилади. Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб бухгалтерия ҳисобида амалга оширилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

- корхона, муассасанинг номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолда ва пулда ифодаланган ҳолда);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган

шахслар уларни ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун, уларнинг белгиланган муддатларида топширилиши учун жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига ҳужалик операциялари қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса пул ҳужжатларида тузатишлар, ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди. Бухгалтерия ҳисоби регистрларда қайд этиш орқали амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (формалар, шакллардир) кўринишида бўлади.

Регистрлар техника воситаларида фойдаланишда олинган машинограмма кўринишидаги, ёзувлар билан, шунингдек, магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа машиналарда бажарилиши мумкин. Регистрларни шаклантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби стандарти билан белгиланади. Бухгалтерия ҳисоби регистрга тасдиқланмаган тузатишларни киритилишига йўл қўйилмайди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, маълумотларнинг тўғрилиги ва аниқлиги активлар мажбуриятларини мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади.

Оборот активларини баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пастига бўйича баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади. Асосий маблағлар ва номоддий активлар (*масалан*, sanoat mulkiga nisbatan patentlar, mualliflik huquqlariga nisbatan mullaq huquqlar) уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга қадар ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган (эскиришини) амортизацияни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуннинг 45-моддасига асосан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тезлаштирилган амортизацияни қўллашга ҳақлидирлар. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чиқимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий фондларнинг тезлаш-

тирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан 2 мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўллашга ҳақли.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амортизация ажратмалари ажратиб келинган ва 3 йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизга қадарини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга. Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан 2 йил ўтгунга қадар тугатилган тақдирда қўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий корxonанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайтарилиши керак.

Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилгандан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди. Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ ҳисобга олинади. Мажбуриятлар тарафларнинг (кредитор қарздорнинг) келишувига биноан пул билан акс эттирилади. Суднинг қарори бўйича вужудга келган мажбуриятлар тегишли равишда акс эттирилади. Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта, сўмда юритилади.

Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб гушган санадан қатъи назар қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

Маълумки, тадбиркорликнинг мулкий асосини кўп ҳолларда хусусий капитал ташкил қилади, бухгалтерия ҳисоби бўйича хусусий капитални ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятга эга. Хусусий капитал устав капитали қўшилган захира капиталидан ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади. Устав капитали тадбиркорлик тузилмаси таъсисчиларининг қўшган улушларини (таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларини) пулда қиймат шаклидаги ифодасидир.

Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади. Қўшилган капитал акцияларда номинал қийматидан банд нархларда дастлабки сотишда олинadиган эмиссия даромадини акс эттиради. Захира капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция захираларини, шунингдек, текинга олинган мол-мулк

қийматини акс эттиради. Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан Устав капиталига қўшилиши мумкин.

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк қиймати, шу жумладан, пул маблағлари корхона томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулк қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари қиймати алоҳида, балансдан ташқари ҳисоб варақаларда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобини оралиқ, умумлашма натижалари бўлиб молиявий ҳисоботлар ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида тузилади. **Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- Бухгалтерия баланси.
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.
- Изоҳ, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади. „**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**“ги Қонуннинг 17-моддасига биноан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фақат статистика органлари ҳамда солиқ органларига белгиланган шаклда ҳисобот тақдим этадилар.

Шуъба корхоналари, шунингдек, тадбиркорлик тузилмаларини филиали ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади. Юридик шахслар ўз филиаллари ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг баланслари ва бошқа ҳисобот шакллари ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботларига киритишлари шарт. Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона унинг шуъба корхоналари филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Барча тадбиркорлик субъектлари учун 1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йил молиявий ҳисоботининг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик

шахслар вужудга келган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, якка тадбиркорлар учун эса улар туман ҳокимлигидан рўйхатга олинган санадан бошлаб 1- ҳисобот йили деб ҳисобланади. Агар юридик шахс 1 октябрдан рўйхатга олинган бўлса, 1- ҳисобот кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди. Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтишга ёки юридик шахс вужудга келишига қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар 1- ҳисобот йили молиявий ҳисоботи ҳисобланади. **Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:**

- солиқ органларига;
- таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;
- давлат статистика органларига;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошидан қўшилиб берувчи жамлама шартида йилнинг чорагида тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисоботининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвестрлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошқора ҳисобланади. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугагандан сўнг 1 майгача эълон қилишлари шарт. Гарчи молиявий ҳисоботлар ошқора эълон қилинса ҳам бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари мазмуни билан танишишга қорхона маъмурияти ёки якка тадбиркор рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда (прокурор, суд қарори асосида) йўл қўйилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Мажбурийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлар компьютерга киритилган ёки микрофильм қилинган бухгалтерия ҳисоби молиявий маълумотлар камида 3 йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ (прокуратура, суд, тергов, суриштирув идоралари қарори асосида) амалга оширилади.

Ҳўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади. Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юклатилади. Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди. Мажбуриятлар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлар билан тугатиш балансида акс эттирилади.

Савдо хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари нақд пулни қабул қилиш ва ҳисобга олишни ташкил этади. Мулкчилик шаклларида қатъи назар аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи ва ойлик иш ҳақининг Республикада белгиланган энг кам миқдоридан ортиқча кунлик тушумга эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар нақд пулни марказий банкнинг инкассация хизмати орқали ҳар куни топширишга мажбурдирлар. Кўрсатиб ўтилган миқдордан кам кунлик тушумга эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк муассасаларининг кундузги ва кечки кассаларига топширишга мажбурдирлар. Ойлик иш ҳақининг Республикада белгиланган энг кам миқдоридан ортиқча кунлик тушумга эга бўлган корхоналарга аҳолига нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар инкассациянинг тегишли хизмати билан тузилган шартнома мавжуд бўлган ҳолдагина берилади.

Аҳолига савдо ва хизмат кўрсатувчи савдо тузилмалари нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналаридан фойдаланишлари шарт. Ҳар бир назорат касса машиналари махсус давлат реестрларига киритилиши шарт.

5- §. Тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш энг аввало тадбиркорларнинг ўзи учун фойдалидир. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тадбиркор ўзининг мулк

аҳволи, товар моддий бойликлари ва пул маблағларининг ҳаракатланиши, ўз хўжалик тадбиркорлик фаолиятини қанчалик самарадорлиги ҳақида аниқ ва ишончли ахборотларга эга бўлади.

Тадбиркорлар томонидан бухгалтерия ҳисобининг юритилиши давлат ҳокимияти ва бошқа бошқарув идораларига ҳам муҳим аҳамияти бордир. Тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш, улар фаолиятига кўмаклашиш, солиқлар ва бошқа турли йигимлар тўлаш ваколатига эга бўлган давлат идоралари тадбиркорларни бухгалтерия ҳисоб маълумотлари асосида ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни олиш имкониятига эга бўладилар.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда инкассация хизматидан фойдаланиш, касса машиналарини жорий этилиши ҳам тадбиркорлар ҳамда давлат идоралари манфаатлари нуқтаи назаридан фойдалидир.

Шу сабабли ҳам тадбиркорлар зиммасига юкланган мажбуриятлар ичида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш қоидалари ва тартибига риоя этиш бурчи алоҳида ўрин эгаллайди.

Тадбиркорлар томонидан юқоридаги мажбуриятларни бажармаслик уларни ўзлари учун ҳам, давлат ва жамият учун ҳам жиддий салбий оқибатларни вужудга келтиради, иқтисодиётни ривожлантиришга путур етказди ва тадбиркорлик фаолиятига мақсадга мувофиқ таъсир этиш, улардан солиқ ва йигимлар ундириш, солиқлар ва йигимларнинг адолатли ҳажмини белгилаш имкониятини амалда йўққа чиқаради.

Тадбиркорлар томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича мажбуриятларни бузиш қуйидагича кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

а. Тадбиркорлик субъекти томонидан бухгалтерия ҳисобини юритмаслик.

б. Тадбиркорлик субъекти томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига риоя қилмаслик. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларни қалбакилаштириш.

в. Молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаслик.

г. Нотўғри маълумотларга асосланган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш.

д. Инкассация қоидаларини бузиш, касса машиналарини қўллаш қоидаларига риоя қилмаслик.

Тадбиркорлик субъекти томонидан бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидаларини бузиш тегишли ҳолатлар бўйича фуқаролик ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноят ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Шунингдек, тадбиркорлик тузилмалари, бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлик оқибатида бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидалари бузилса, бу ҳолда ходимлар меҳнат қонунчилиги асосида тегишли интизомий жавобгарликка тортилади.

Маълумки, „**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**“ ги Қонуннинг 7- **моддаси**га асосан агар тадбиркорлик тузилмасида ўз бухгалтерия хизмати бўлмаса бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига топширилиши мумкин. Бундай ҳолда тадбиркорлик тузилмаси бухгалтерия фирмаси ўртасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан шартнома тузилади ва бинобарин тарафлар ўртасида муносабатлар Фуқаролик кодексининг **703—708- моддалари** бўйича тартибга солинади. Агарда бухгалтерия фирмаси бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидаларини бузса, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибига риоя қилмаса, бунинг натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган барча зарарларни тўлаши лозим. Одатда амалиётда бухгалтерия фирмаси хизматидан якка тадбиркорлар кўпроқ фойдаланадилар.

Бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик муносабатлари бўйича ўз шерикларининг молиявий ҳисоботларини диққат билан кузатиб боради. Тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботлари — бу уларнинг ҳўжалик тадбиркорлик, мулкый-молиявий аҳволининг кўзгусидир. Худди шу сабабли ҳам „Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида“ ги Қонуннинг **20- моддаси**да ҳўжалик юритувчи субъектларининг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банк, биржалар, инвестрлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошқора ҳисобланади деб кўрсатилган. Ҳар қандай тадбиркорлик муносабатларида ўзига шерик танлашда муайян бир шартнома тузишда, албатта, тегишли тадбиркорлик субъектини молиявий ҳисоботларини диққат билан ўрганиб чиқади ва улардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Агарда молиявий ҳисоботларда тадбиркорлик субъекти ўзининг мулкый-молиявий аҳволини яхшироқ кўрсатиш, бошқа тадбиркор субъектларни чалғитиш, алдаш мақсадида нотўғри маълумот

юритган бўлса, у ҳолда ушбу нотўғри маълумотларга асосланиб ҳаракат қилган бошқа тадбиркорлик субъектлари олдида Фуқаролик кодекси бўйича ҳуқуқий жавобгардир. Агарда тадбиркорлик субъекти нотўғри молиявий ҳисоботларга ишониб хўжалик шартномалари тузган бўлса, бундай шартномалар Фуқаролик кодексининг **123- моддасига** асосан ҳақиқий ҳисобланмайди. Агарда нотўғри молиявий ҳисобот тузган тадбиркорлик субъекти ҳамда уларни тасдиқлаган аудиторлик фирмаси ҳам ушбу нотўғри молиявий ҳисоботларга асосланиб ҳаракат қилган тадбиркорлик тузилмалари олдида *солидар* жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **175- моддасида** бухгалтерия ҳисоби-ҳисоботи тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Унда кўрсатиладики, бухгалтерия ҳисоби-ҳисоботи тартибини бузиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 5 баравардан 10 бараваргача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 10 баравардан 15 бараваргача миқдорида жарима солишига сабаб бўлади. Агарда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш орқали солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, солиқлар солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операциялари тартибини бузиш содир бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **174- ва 175- моддаларида** назарда тутилган маъмурий жавобгарлик санкциялари қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидаларини бузганлик муайян манфаатларини кўзлаб содир этилганда ёки муайян оқибатлар келтириб чиқарганда, тегишли айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. *Масалан*, хўжалик юритувчи субъектларни ҳақиқатта тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, банкротликни яшириш жинояти сифатида баҳоланиб айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **181- моддасида** назарда

тутилган санкциялар қўлланилади. Агарда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш тадбиркорни фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашига сабаб бўлса, бу ҳаракат солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти сифатида ифодаланиб, айбдор шахсларга нисбатан **Жиноят кодексининг 184- моддасида** назарда тутилган санкциялар қўлланилади, бундан ташқари, тадбиркорлик тузилмаси раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этиш мажбуриятини бажармаслик **Жиноят кодексининг 207- моддасидаги** мансабга совуққонлик билан қараш жинояти таркибини ташкил этади. Агарда тадбиркорлик тузилмаси раҳбари ва бухгалтерия хизмати ходимлари ғаразгўйлик ва бошқа мақсадларни кўзлаб бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритса, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини қалбакилаштирса ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузса ва тақдим этса, агарда бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, мансаб сохталиги жинояти ҳисобланади. Бундай жиноятни содир этган шахслар **Жиноят кодексининг 209- моддасига** биноан жавобгарликка тортиладилар.

1- §. Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва унинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш оқибатида тадбиркорлик фаолиятига ўтиш кенг миқёсда амалга оширилиб бормоқда. Ушбу турдаги иқтисодий фаолиятни юқори даражада таъминлаш учун асл рақобатни ривожлантиришга кўмаклашадиган шартларни таъминламасдан татбиқ этиш мумкин эмас. Шу тарзда давлатга керакли асосларни яратиш мажбурияти юклатилган. Ушбу асослар ҳуқуқий, ташкилий ва бошқалар бўлиб, улар рақобатни бозорнинг асосий ҳаракат кучи сифатида таъминлаш ва фойда олишни кўзлаб нормал бозор муносабатларни айланиб (четлаб) ўтишга қаратилган монополистик йўналиш-ни чеклашга қаратилган ҳуқуқий тартибга солиш муҳим ўрин тутди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **53- моддасига** кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган, ҳар хил шаклдаги мулк ташкил этади. Ушбу конституциявий норма давлатга иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни, ҳамма шаклдаги мулкни тенглигини ва ҳуқуқий ҳимоясини, истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимоясини кафолатлаш мажбуриятини юклайди. Бошқача айтганда, рақобат ва монополистик фаолиятини чеклашни таъминлаш ва тартибга солишнинг умумий асосларни белгилайди.

Монополистик фаолиятни ва инсофсиз рақобатни огоҳлантириш, чеклаш, тўхташиш каби ташкилий ва ҳуқуқий асосларни аниқлаб берадиган, асосий меъёрий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, 1996 йил 26 декабрдаги (1999 йил 20 августдаги ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг „**Товар бозорларида монополистик фаолиятнинг чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги Қонун ҳисобланади. Қонуннинг асосий мақсади — товар бозорларини яратиш ва самарали амал қилиши учун шароитлар таъминлаши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги қабул қилинган „**Табиий монополиялар тўғрисида**“ги Қонун муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу қонуннинг асосий вазифаси—табиий монополиялар шароитидаги муносабатларни тартибга солиш.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда (антимонопол) монополияга қарши кураш талабларига риоя қилини керак бўлган бир қанча нормалар мавжуд бўлиб, улар ҳар хил қонун ҳужжатларида акс эттирилган (хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, „**Ер ости бойликлари тўғрисида**“, „**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**“, „**Реклама тўғрисида**“ ва бошқа қонунлар). Монополияга қарши қонунчилик тизимида меъёрий ҳужжатларнинг шу жумладан, монополияга қарши давлат органининг норматив ҳужжатлари катта аҳамиятга эга.

2- §. Монополистик фаолиятни чеклаш ва инсофсиз рақобатнинг олдини олишни ҳуқуқий шакллари

Энг аввало, рақобат, инсофсиз рақобат ва монополистик фаолият тушунчаларини аниқлаб олиш муҳим ўрин тутди.

Рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди. Инсофли рақобат ҳар хил воситалар ёрдамида таъминланиб, улар ичида ҳуқуқий таъминлаш катта мавқеини эгаллайди. Рақобатнинг мақсади тадбиркорларнинг бир томонлама тартибда товарларнинг муомаласи умумий шарт-шароитига таъсир этадиган мустақил ҳаракатларга йўл қўймасликдир. Рақобат ишлаб-чиқарувчининг ҳам, истеъмолчининг ҳам манфаатларини акс эттиради. Рақобатнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашувида амалга оширилиб, ундан сотиб олувчиларига керакли (эҳтиёжли) бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бозорнинг ҳамда нархнинг нормал конъюнктураси ишлаб чиқилади. Рақобатнинг моҳияти шундаки, у товарлар бозорининг идеал ҳолатини ўрнатади. Чунончи, рақобатчи муҳитга кўмаклашиш ва уни

ривожлантириш ҳамда инсофсиз рақобатнинг ҳар хил кўринишига йўл қўймаслик учун керакли ҳуқуқий кафолатларнинг бўлишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг „Товар бозорларида монополистик фаолиятнинг чеклаш ва рақобат тўғрисида“ги қонунининг 3- модда, 1- қисм, 6- бандига мувофиқ, инсофсиз рақобат — ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган, қонун ҳужжатларига ва иш муомаласи одатларига зид бўлган, улар ўртасида мусобақалашувни истисно этадиган ва амалга оширилиши натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли товар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳаракатлар тушунилади. Шунга ўхшаш ҳаракатлар тўғрилиқ, оқилоналик ва адолатга зид бўлиб, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг ишчанлик обрўсига зарар ва путур етказиши мумкин. Адабиётда инсофсиз рақобатнинг бир-неча белгилари ажратилади:

— инсофсиз рақобат фақат *актив* ҳаракатлар туфайли амалга оширилади, *пассив* ҳаракат, яъни ҳаракатсизликни назарда тутмайди;

— ушбу ҳаракатлар, нафақат қонунчилик, балки иш муомаласи одатларига зид бўлиб, улар *ҳуқуқбузарлик* деб тан олинади;

— инсофсиз рақобатнинг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини юритадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар, яъни ташкилотлар (шу жумладан, чет эл юридик шахслари) ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади;

— инсофсиз рақобат субъектларининг *актив* ҳаракатларининг мақсади — тадбиркорлик фаолиятининг имтиёзларини қўлга киритиш;

— рақобатчининг ҳаракати оқибатида зарарлар, шу жумладан ишчанлик обрўсига путур етказилиши мумкин. Шу туфайли, ушбу ҳуқуқбузарликни инсофсиз рақобат сифатида тан олиши учун зарарлар ёки ишчанлик обрўсига путур етиши мумкин бўлган хавфнинг ўзи кифоя.

Инсофсиз рақобатчи — тадбиркорнинг аниқ ҳаракатлари, мақсади ва мазмуни бўйича фарқланади. Мисол учун, ҳўжалик юритувчи субъектлар, инсофсиз рақобат ҳолатини

вужудга келтириб, ишлатиб тадбиркорлик фаолиятининг аниқ бир соҳасида ёки товар бозорида ўзининг монополиясини ўрнатишни мақсад қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг „**Товар бозорларида монополистик фаолиятнинг чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги Қонунининг 8- моддасида инсофсиз рақобатни тақиқланган шакллари ифода этилган:

1. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларга зарар келтирадиган ёки унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки ўзгартириб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш. Ушбу шаклнинг хавfli томони шундаки, рақобатчи муҳитни ва бозор муносабатлари ташкил этишни бузади ҳамда бир хўжалик юритувчи субъект томонидан бошқасининг шаъни ва тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган маълумотларни асоссиз тарқатишида намоён бўлади.

Бу ҳаракатлар аниқ бир ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга ишончини йўқотишга қаратилиб, сотиб олувчиларни ўз маҳсулотларига қизиқтиради. Ушбу ҳаракатлар, жумладан, радио, телевидение, рўзнома ва бошқа оммавий-ахборот воситалари рекламасида тарқатилади.

Аммо реклама фаолиятидаги инсофсиз рақобатчиларни ушбу ҳаракатларини 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „**Реклама тўғрисида**“ги Қонуни чеклайди. Ушбу қонуннинг асосий вазифаси ёлғон, ноаниқ маълумотларни реклама воситаси орқали тарқатилишини ва бунинг оқибатида истеъмолчиларни товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жорий, истеъмол хоссалари, сифати хусусида, сотиш шартлари тўғрисида чалғитишга олиб келадиган маълумотларни таъкидлайди. Бундай ёлғон ва ноаниқ маълумотларни тарқатиш нафақат асоссиз ёмонланган субъектга, балки чалғитишга олиб келинган сотиб олувчига ҳам зарар келтириши мумкин.

2. Юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиб товар сотиш. Ушбу ҳаракатлар сифатида бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг товар белгисидан фойдаланиб ўз маҳсулотини сотишидан билинади. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги (1997 йил 26 декабрдаги ўзгартиришлар билан) қабул қилинган „**Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида**“ги Қонунига зид бўлиб, улар товар

белгиси эгасининг мутлақ фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини тан олиб, уни рухсатсиз ишлатиш ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини ҳўжалик муомаласига киритиш товар белгиси эгасининг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақида далолат беради ва инсофсиз рақобатчига нисбатан жавобгарликни назарда тутати.

3. Инсофсиз рақобатчи, товар белгиси эгасининг ҳуқуқи бузилганлиги туфайли ва унинг талаби билан, ўз ҳисобидан тадбиркорлик обрўсини тиклаган суд ҳал қилув қарорини рад этиши, қонунга хилоф равишда товар белгисидан фойдаланишни тўхтатиш, товар белгиси тасвирлари, идиши ва ўровини йўқотиши шарт ва шу билан бирга, товар белгисининг қонуний эгасига етказилган зарарларни қоплаш ёки товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдалангандан олинган ҳамма даромадни бериши лозим.

Товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишга.

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг, шу жумладан, унинг реклама фаолияти жараёнида ҳам ўзи ишлаб чиқарадиган ёки сотадиган товарларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг товарлари билан қўпол таққослашига.

Бу бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг товарларига нисбатан қўпол камситиш ахборотни тарқатиш йўли билан, ўзининг товарларини устун қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Охир оқибатда бундай ахборот бозор муносабатларининг иштирокчиларни инсофсиз рақобатчининг товарини баҳосига нисбатан (янглишишга) чалғишига олиб келади.

Илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ёки савдо ахборотини, шу жумладан, тижорат сири эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этишга.

5. Янги хўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозорида киришини тўсишга йўл қўйилмайди.

Ушбу рўйхат (ёпиқ эмас ва) ҳар бир вазиятда монополияга қарши орган томонидан субъектнинг ҳаракатларига инсофсиз рақобатнинг умумий тушунчасидан келиб чиқиб баҳо бериш ҳуқуқига эга.

Монополистик фаолият — хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураши ҳақи-

даги қонун ҳужжатларига ҳилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки баргараф этишга қаратилган ҳаракатлари, ёки ҳаракатсизлиги тушунилади. Инсофсиз рақобатдан монополистик фаолият қуйидаги белгилар билан фарқланади.

Биринчидан, монополистик фаолият тадбиркорлик субъектининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган фаолият бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, субъектлар таркиби ниҳоятда кенг: хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари, ижро ҳоқимиятининг давлат органлари ва маҳаллий давлат органлари уларга берилган ваколатлар доирасида иштирок этиши мумкин.

Учинчидан, монополистик фаолият нафақат ҳаракатда, балки ҳаракатсизликда ҳам акс этади. Бу, албатта, субъектлар таркибига киритилган органлар ва уларнинг тегишли ваколатидан келиб чиқади.

Тўртинчидан, фаолиятни монополистик сифатида тан олиш учун ҳар хил ёмон оқибатларни келтириши шарт эмас, рақобатга йўл қўймаслик, чеклаш ва баргараф этиш мақсадида қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) ўрнатилиши кифоя қилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг „Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида“ги Қонунда монополистик фаолиятларни турлари берилган бўлиб, уларнинг ҳар биридаги монополистик ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) ҳар хил бўлиши мумкин.

Монополистик фаолиятнинг турларига қуйидагилар киради:

1. *Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг мавқесини суиистеъмол қилган ҳолда фойдаланиш* („Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида“ги Қонуни 5- модда). **Ушбу вазиятда қуйидаги белгилар бўлиши керак:**

1. Ушбу фаолият турининг субъекти сифатида алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар, ёки уларнинг гуруҳлари (қорхона, ташкилот, уюшма ва бошқа фуқаро ёки тадбиркорлар йиғиндиси) бўлиб, **уларга тааллуқли бўлган шартлардан иборат:**

а) битим ёки келишиб олинган ҳаракатлар натижасида, шу жумладан, олди-сотди, мол-мулкни ишончли бошқариш, биргаликдаги фаолият, топшириқ, ижара шартномалари асосида ёки бошқа битимлар асосида ҳал этувчи таъсир кўрсатиш учун етарли бўлган акциялар назорат пакетини, ёки овозлар

сонини бевосита, ёки билвосита биргаликда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки бир неча шахслар;

б) икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида шартнома тузилиб, унга қўра шартнома қатнашчиларидан бири ёки бир қанчасининг, ёхуд бошқа шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини белгилаш, ёинки уларнинг ижроия органи вазибаларини бажариш ҳуқуқи қўлга кирилади;

в) шахс юридик шахс ижроия органи ва (ёки) директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг 50% ортигини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади;

г) айна бир жисмоний шахсларнинг ўзи икки ва ундан ортиқ юридик шахс ижроия органи ва (ёки) директорлар кенгаши таркибининг 50% ортиқрогини ташкил этади.

2. Устунлик мавқеини борлиги, яъни устуворлик, бошлиқлик. Устун мавқеи — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёхуд бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида ўзига (ўзларига) рақобатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини ўзга тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқеи. Қонунда кўрсатилган *презумпция* бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги товарлар миқдори 65% ва ундан кўп бўлса, бу ҳолат устун мавқе деб ҳисобланади. Шу туфайли кўрсатилган миқдордан ошиб кетиш фактининг ўзи кифоя қилади ва бошқа қўшимча фактларни исботлаш шарт эмас. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши 35%дан — 65%гача бўлса, бу ҳолат ҳам устун мавқе ҳисобланади. Лекин ушбу фактнинг ўзи хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеини устуворлигини *автоматик* тарзда тан олишга асос бўла олмайди, бунинг учун монополияга қарши кураш органидан ушбу фактни аниқлаш учун қуйидаги асослар талаб этилади: хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улушининг барқарорлигига; бозордаги рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдорига; ушбу бозорга янги рақобатчиларнинг кириши мумкинлигига; муайян товар бозорини тавсифловчи бошқа мезонларга қараб аниқланган бўлса, унинг бозордаги мавқеи устун мавқе деб ҳисобланиши мумкин.

3. Нафақат устунлик мавқеи, балки уни суиистеъмол қилишнинг оқибатида юзага келадиган бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг манфаатини бузиш ва рақобатни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар мавжудлиги. Қонуннинг 5- моддасида шундай мумкин бўлган ҳаракатларнинг рўйхати берилган:

а) товарларни муомаладан олиб қўйиши, бундан қўзланган мақсад ёки эришилган натижа бозорда тақчилликни келтириб чиқиш ёки сақлаб туришда ёхуд нархларни оширишдан иборат бўлса;

б) монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш;

в) контрагентга шартнома моҳиятига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан, молия маблағлар (Ўзбекистон Республикасининг „**Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги Қонунининг 3- моддаси 15- банди).

Бошқа мол-мулк, мулкий ҳуқуқларни ўтказишга доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш;

г) контрагентни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш;

д) контрагент томонидан бошқа товарларни сотиб олиш ёки сотиш, ёхуд контрагентнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан товарлар сотиб олишдан, ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга товарлар сотишдан ўзини тийиш шarti билангина шартнома тузишга розилик бериш;

е) мутлақ монополиячи бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлганда шартнома тузишдан асоссиз бош тортиши;

ж) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришга тўсқинлик қилиш (ҳуқуқий, ташкилий, техник, иқтисодий, молиявий моҳиятга эга бўлган тўсиқлар).

II. *Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатини чеклаб қўядиган битимлар (келишиб қилинган ҳаракатлар)*. Шунга ўхшаш ҳаракатлар агар хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги бир товарнинг умумий улуши 35% дан ошса таъқиқланади. Шунга ўхшаш битимлар *горизонтал* даражада (рақобатчилар ўртасида бир бозорда) тузилиб, улар қатъий

нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловлар ёки ортиқча нархлар белгилаш, ёки уларни сақлаб туришга; эркин бозор нархлари қарор топишига тўсқинлик қилиб, уларни сунъий равишда ўстириш, ёки пасайтириш; аукционлар, биржалар ва бошқа кимошди савдоларида нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туришга; бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва харидорлар, буюртмачилар доираси бўйича бўлиб олишга ва бошқаларга олиб келади. Бундан ташқари, *вертикал* даражада (рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бири устунлик мавқеига эга бўлиб бошқалари эса унинг мақсулот етказиб берувчиси ёки харидори бўлган тақдирда) улар ўртасида тузилган битимлар бўлиб, улар харидорлар ҳудудини ёки доирасини чеклайдиган; ўзидан харидор сотиб олган товарларни қайта сотиш учун нархга чеклашлар белгилайдиган; хўжалик юритувчи субъектларга рақобатчилар ишлаб чиқарган товарларни сотишни ман этишга олиб келадиган битимлар (келишиб қилинадиган ҳаракатлар) деб тан олинади.

Айтиб ўтиш керакки, шунга ўхшаш битимлар қонуний деб ҳисобланиши мумкин, башарти хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳаракатларининг бозорда савдо қилиш шароитларини яхшилашга, товарнинг рақобат бардошлигини оширишга қўмаклашувчи, харидорларга сезиларли наф келтирувчи ижобий самараси кўриб чиқиладиган товар бозори учун салбий оқибатлардан ортиқ бўлишни исботлаб бера олмасалар.

III. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари ва ҳаракатлари (Қонуннинг 7- моддаси). Уларга хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлигини чеклайдиган (мисол учун, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, бирон-бир фаолият соҳасида айрим фаолият турларини амалга ошириш); айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шарт-шароитларни яратадиган (мисол учун, солиқ имтиёзлари ва бошқалар), агар буларнинг ҳаммаси бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаатини камситса (табиий офатлар, фалокатларнинг оқибатини тугатиш ҳамда касалликлар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида қилинган

бўлмаса) ҳужжатларни қабул қилиш ёки ҳаракат қилиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида монополияга қарши курашни тартибга солиш бир неча ҳуқуқий воситаларни (шаклларни) кўзлаб, улар бозорда соғлом рақобатни таъминлаши керак. Кўпинча шундай шакл сифатида монополияга қарши давлат органининг кўрсатмаси бўлиб, ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этилиши шарт. Шундай кўрсатмаларнинг мазмуни монополияга қарши қонун ҳужжатларига рияз этмаслик моҳиятига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Хусусан, кўрсатма дастлабки ҳолатни тиклашни (мисол учун, монопол нархларни барпо этиши оқибатида, рақобатини ривожлантиришни чеклайдиган ҳар хил битимлар тузиш оқибатида), монополияга қарши қонун ҳужжатларига хилоф шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартиришни талаб этиши мумкин.

Монополистик фаолиятни чеклаш ва инсофсиз рақобатни бартараф этишга қаратилган яна бир шакл ахборот олиш ҳуқуқи (**Қонуннинг 11- моддаси**) бўлиб, қуйидаги тарзда амалга оширилади:

1. Монополияга қарши давлат органининг ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳудудига кириш ҳамда сўров асосида зарур ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

2. Милиция органлари монополияга қарши ходимларининг мажбуриятларини бажаришда амалий ёрдам кўрсатиши шарт.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар монополияга қарши давлат органининг талабига биноан унга ҳужжатлар ва бошқа ахборотлар тақдим этишлари шарт (**Қонуннинг 12- моддаси**).

4. Монополияга қарши давлат органи ходимлари берилган ваколатларни амалга ошириш чоғида олган тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Монополияга қарши тартибга солишнинг кейинги шакли хўжалик юритувчи субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш устидан давлат назорати бўлиб (**Қонуннинг 14- моддаси**) унинг мақсади ташкил этишдан тортиб келажақда устунлик мавқеини суиистеъмол қилиш эҳтимоли бўлган ҳамда шунга ўхшаш бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг

тугатилишига олиб келаётган оқибатларни олдини олиш ва йўл қўймаслик ҳисобланади. Бундай вазиятда икки хил назорат мавжуд: олдинги ва кейинги шакли шулар жумласидандир.

Монополияга қарши давлат органи олдинги назоратни фақат хўжалик юритувчи субъектнинг ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатилиши қисқа муддат ичида бозор муносабатларига, иқтисодиётга сезиларли даражада салбий таъсир этиб, бозорда монополизмни кучайтириб юборса, эркин рақобатни бартараф этса, бу назорат амалга оширилади. Бундан ташқари, олдинги назорат юридик шахслар бирлашмаларини ташкил этиш, қўшиб юбориш ва бирлаштириш; хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва бирлаштириш, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларини ташкил этиш; корхоналарни тугатиш ва бўлиш устидан, агар бу бозорда устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг пайдо бўлишига олиб келиши, агар бу тугатиш суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилган бўлмаса, устидан назорат қилинади.

Шуни айтиш керакки, охирги икки вазиятда, ушбу қарорни қабул қилувчи шахслар ёки органлар монополияга қарши органига **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:**

— хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатишга розилик бериш тўғрисидаги илтимоснома;

— бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар бирининг асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозоридаги улуши ва бирлашмага киришга розилиги тўғрисидаги маълумотлар.

Олдинги назоратда монополияга қарши органи хўжалик юритувчи субъектни рўйхатга олиш учун розилигини бериши лозим (аксинча рўйхатга олиш оширилмайди), агарда хўжалик юритувчи субъектни ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши монополияга қарши қонун ҳужжатларига ҳилоф равишда амалга оширилган бўлса (хусусан, Қонуннинг **14- моддаси**), давлат рўйхатига олиш монополияга қарши органининг даъвосига биноан суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кейинги назоратда хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти жараёнида активлар жами қиймати ушбу субъектнинг товар бозорларида монопо-

лизацияга олиб келса ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшилиши ва бирлашиши шунга хавф солса, бу назорат амалга оширилади.

Ушбу вазиятда хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари қўшиб юбориш, бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органининг талабига биноан рақобат учун зарур шароитларни тиклаш чора-тадбирларни кўришлари шарт (**Қонуннинг 14-моддаси**, 8- қисми).

Монополияга қарши тартибга солишни яна бир шакли акциялар, улушлар ва бошқа мулккий ҳуқуқларни олиш вақтида монополияга қарши курашга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати ҳисобланади. Бу ерда ҳам икки хил назорат мавжуд: олдинги назорат (монополияга қарши кураш органига хўжалик юритувчи субъект томонидан акцияларни, Устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган улушларни олиши, бунда мазкур акциялар, улушларнинг 35%дан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олишга илтимосномасини юборади. Ушбу талаб хўжалик юритувчи субъектнинг ташкил этиш борасида унинг таъсисчиларига татбиқ этилмайди, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёхуд унинг ижроия органи вазибаларини амалга ошириш шартларини белгилаш имконини берувчи ҳуқуқларни олиши устидан назорат ва кейинги назорат (олдин айтиб ўтилган битимларни амалга ошириш ҳақида билдириш шакли устидан назорат).

Монополистик фаолиятни чеклаш ва инсофсиз рақобатни бартараф этишнинг охириги шакли хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиб юбориш (**Қонуннинг 16- моддаси**) ҳисобланади. Ушбу шакл фақат хўжалик юритувчи субъект томонидан, биринчидан, бозорда Ўзбекистон Республикасининг „**Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида**“ги Қонуннинг **15- моддаси** устун мавқеини эгаллаб турса, иккинчидан, монополияга қарши қонун ҳужжатларни бузган тақдирда ишлатилади, фақат шундай вазиятда монополияга қарши давлат органи рақобатни ривожлантириш мақсадида уни мажбурий тарзда бўлиб юбориш ёки унда таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни аж-

ратиб чиқариш (хўжалик юритувчи субъектларнинг таркибидан) ҳақида судга даъво аризаси беришга ҳақдидир.

Хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиб юбориш қуйидаги шартларнинг ҳаммаси бўлганида, яъни:

— бўлиб юборилаётган таркибий бўлинмалар ташкилий ва ҳудудий жиҳатдан ажралиб чиқиши мумкин бўлса;

— унинг таркибий бўлинмалари ўртасида технология жиҳатидан ўзаро узвий боғланиш бўлмаганида;

— бўлиб юбориш натижасида таркибий бўлинмалар муайян товар бозорида мустақил ишлаш имкониятига эга бўлганида амалга оширилиши мумкин.

3- §. Монополистик фаолиятни тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасида монополистик фаолиятни тартибга солиш монополияга қарши кураш, махсус давлат органи — **монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш** Давлат қўмитасига юклатилган. Бу орган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 август Фармойиши билан ташкил этилган. Орган, соғлом рақобатбардош муҳитни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг бозорларида эркин ва соғлом рақобатни ривожлантириш учун керакли бўлган ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратиш, бозорларда монополия ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва шу каби бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган давлат сиёсатини юргизиш ваколатлари берилган. Бундан ташқари, инсофсиз рақобатдан истеъмомчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳам қўмигага юклатилган. Давлат қўмитаси органлар тизимида бош ўринни эгаллаб, ваколати доирасида чиқарилган қарорлар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳамма вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, мулк шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари сифатида қуйидаги органлар иш олиб боради: Қорақалпоғистон Республикасида

— монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, тегишли қўмитаси бўлиб, унинг ваколати Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли ҳудудида кучга эга; вилоят ва Тошкент шаҳар эса тегишли ҳудудий бошқармалар томонидан бажарилиб, унинг ваколатлар вилоят ёки Тошкент шаҳрининг тегишли ҳудудида кучга эга.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси асосий йўналишларига қуйидагилар киради. Хусусан, монополияга қарши қонун ҳужжатлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш; давлат мулкани бошқариш давлат органи билан биргаликда товар бозорларида рақобат муҳитини яратишга, монополиядан чиқаришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни мувофиқлаштиришга нисбатан ягона услубий ёндошувини таъминлаш; Ўзбекистон Республикасида соғлом рақобат муҳитига керакли бўлган ташкилий, иқтисодий, молиявий шароитларни ҳамда мустақкам ҳуқуқий базани яратишга қаратилган мужассамлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи йўналишларни амалга ошириш; бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган рақобат қонунларини, умум қабул қилинган меъёрлар ва қоидаларни самарали бажаришни таъминлайдиган монополияга қарши курашни тартибга солишни кучли тизимини яратиш; рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини шакллантиришга кўмаклашиш; товарлар ва молиявий бозорларни ва биринчи навбатда истеъмолчилар товарлари бозорини инсофсиз рақобатчилар томонидан монополия ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, тўхтатиш ва чеклаш кабилар;

Монополияга қарши қонун ҳужжатларига амал қилиш устидан ҳамда тегишли ваколатига эга бўлган тақдирда табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилиш; монополиячи корхоналарнинг, шу жумладан, табиий монополия субъектларининг ҳам, давлат реестрини юритиш; истеъмол товарлари нархи устидан мониторинг олиб бориш; монополияга қарши курашни тартибга солиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини таҳлил этиш ҳам ишлар қаторига киради.

Бундан ташқари, мазкур Давлат қўмитасига ушбу вазифа ва йўналишларни амалга ошириш учун „Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида“ги Қонунни ва 2000 йил 2 августда қабул қилинган Фармойиш билан қуйидаги ваколатлар тақдим этилган:

— хўжалик юритувчи субъектнинг тақдим этган текшириш актлари, ахборот ва ҳужжатлар асосида товар бозорларида хўжалик юритувчи субъектларининг устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш;

— хўжалик юритувчи субъектларга монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишни тўхтатиш ёки бундай бузишнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, монополияга қарши қонун ҳужжатларни бузиш натижасида қўлга киритилган фойдани олиб қўйиш ва тегишли бюджетга ўтказиш;

— ўз ваколати доирасида монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиши натижасидаги қўзғатилган ишларни кўриб чиқиш ва хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

— давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзлари қабул қилган ва монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

— монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлиги тўғрисида судга ариза билан мурожаат этиш;

— монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополия тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларини, реклама тўғрисида қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериш;

— хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига жарималар солиш;

— монополистик фаолият, истеъмолчилар ҳуқуқини ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида ноқонуний олинган воситалар (фойда, даромад), хўжалик юритувчи субъектлардан тортиб олинishi ҳақида қарорларни қабул қилиш;

— қарорлар, истеъмолчи ҳуқуқи камситилганлиги туфайли, тақдим этган ариза ва шикоятлар асосида, текшириш

(назорат қилиш) органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда, ушбу ҳуқуқларни бузган хўжалик юритувчи субъектларни (молиявий — хўжалик фаолияти бундан мустасно) текшириш;
— қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4- §. Монополистик корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлат реестри

Товар бозорларида устунлик мавқеига, яъни 35% дан ортиқ улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб, улар Монополистик корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар давлат реестрига ёзиб қўйилади ва шу тариқа хўжалик юритувчи субъектлар назорат ости ҳолатида эканлигини билдирувчи юридик восита ҳисобланади. Ушбу реестрнинг мақоми ахборот ва назорат мақомини олади. Ўзбекистонда реестрни олиб бориш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича Давлат қўмитасига юклатилган (айтиб ўтиш керакки, табиий монополия субъектлари алоҳида реестри олиб борилади).

Ушбу реестрни олиб бориш мақсади устунлик мавқеига эга бўлган бозорда 35% дан ортиқ улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлари тўғрисида ахборот базасини тайёрлаш ва уларни монополияга қарши қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан давлат назоратини олиб бориш.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича Давлат қўмитаси ўзининг минтақавий органлари билан биргаликда реестрни олиб бориш тартибини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Агарда хўжалик юритувчи субъект республиканинг тегишли товар бозорларида улуши 35%дан ортиқ бўлса, у (қайси жойда давлат рўйхатидан ўтган бўлишидан қатъи назар) реестрга киритилади ва ундан қўмитанинг қарори асосида чиқариб юборилади. Бошқа вазиятларда эса реестрга киритилиши ёки ундан чиқарилиб юборилиши ушбу қўмитанинг тегишли минтақавий органи қарори асосида амалга оширилади. Реестрга киритиш (ундан чиқариб юбориш) ҳақидаги қарор монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси раисининг (минтақавий органнинг бошлиғи) бўйруғи билан амалга оширилади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектнинг асосланган

аризаси асосида ёки ўзининг ҳаракати асосида қўмита минтақавий органнинг қарорини бекор қилиши мумкин, агар у амалдаги қонун ҳужжатларига хилоф равишда ёки ваколати доирасидан чиқиб кетган равишда қабул қилинган бўлса.

Хўжалик юритувчи субъектга нисбатан қабул қилинган қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Монополист корхоналарни давлат реестрига киритиш ёки чиқариб юбориш учун хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги маъқеи тўғрисида етарли ва ишонарли маълумотлар лозим бўлиб, у қуйидаги элементлардан иборат:

— монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича Давлат қўмитаси, статистика органлари, илмий-текшириш ташкилотлари томонидан товар бозорларини текшириш натижаси;

— монополияга қарши кураш органи томонидан монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни, ҳамда монополияга қарши кураш органига тақдим этилган илтимоснома, билдирги ва маълумотларни кўриб чиқиш натижаси асосида;

— хўжалик юритувчи субъектларига, бошқарув органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органига, жамоат ташкилотларига, шу жумладан, истеъмолчилар ташкилотига, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларига тақдим этилган ахборотлар асосида.

Хўжалик юритувчи субъектнинг реестрига киритилиши охириги учун фойдали эмас, чунки монополияга қарши кураш органи *монополист* деб тан олинган корхонанинг маҳсулоти нархи устидан назорат олиб боради. Бундан ташқари, реестрга киритилган хўжалик юритувчи субъект учун бир неча салбий ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. **Шулар жумласига, хусусан:**

1) монополист-корхона томонидан маҳсулот тартибга солинган (ўрнатилган) нархлар асосида сотиш тартиби белгиланади;

2) монополист-корхона томонидан маҳсулотни эркин нархлар асосида сотиши ва нархлар ўзгариши туфайли ҳар хил вазиятда уни рўйхатдан ўтказиши керак, агар рўйхатга олиш нархлар ўрнатиш органи томонидан амалга оширилса, монополист нархни рўйхатдан ўтказиб, товарни янги нарх бўйича сотиш ҳуқуқига эга, агарда рўйхатдан ўтказишга рухсат этилмаса, монополист эски нархда маҳсулотни сотишга мажбур.

5- §. Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жавобгарлик ва чора турлари

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик — бу ўзига хос салбий оқибатлар бўлиб, улар айбдор шахслар томонидан қилинган ҳуқуқбузарликлардан келиб чиқади. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишга қаратилган айбдор ҳуқуқбузарлик ҳаракатлар учун **3 хил жавобгарлик ўрнатилган:**

1. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг хусусияти ҳўжалик юритувчи субъектга ёки бошқа шахсга айбдор шахсдан етказилган зарар ўрнини қоплаш учун зарарларни ундиришда мужассамланади. Ушбу вазиятда давлат бошқарув органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, монополияга қарши кураш органи ва унинг минтақавий бўлинмалари — агар улар монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид равишда меъёрий ҳужжат қабул қилиб ҳўжалик юритувчи субъектга зарар етказилган бўлса; ҳўжалик юритувчи субъект — агар унинг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги туфайли монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилган бўлиб, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектга зарар етказган бўлса ҳуқуқбузарлик сифатида кўрилади. Ушбу вазиятда зарарни қоплаш Фуқаролик процессуал ёки Ҳўжалик процессуал Кодекслари асосида даъво тартибида умумий суд ёки ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

2. Маъмурий жавобгарлик монополияга қарши қонун ҳужжатларида бузганлиги учун солинган жарималарни билдиради. Ушбу ҳуқуқбузарликни субъекти сифатида қуйидагилар бўлиши мумкин:

— ҳўжалик юритувчи субъектнинг, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари. Уларга монополияга қарши кураш органига ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш органига тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этканлиги учун энг кам иш ҳақининг 3 дан 5 баробаригача жарима солиши мумкин (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг **128- моддаси**). Шунинг эслаб ўтиш керакки монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача, қўмитанинг минтақавий орган-

ларининг бошлиғи ва унинг ўринбосарлари энг кам иш ҳақининг 4 баробаригача жарима солишга ҳақлидир (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг **268-моддаси**);

— бошқарув органлари хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар. Монополияга қарши кураш давлат органи томонидан қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик, ёки ўз вақтида бажармаганлик учун уларга энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан 500 баробаригача бўлган миқдорда жарима солиши мумкин;

— хўжалик юритувчи субъектлар — жисмоний шахслар. Монополияга қарши кураш давлат органи томонидан қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун уларга энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 7 баробаригача бўлган миқдорда жарима солиши мумкин.

Бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар. Монополияга қарши кураш давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан акцияларни, устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган улушларни олиши, бундан мазкур акциялар, улушларнинг 35%дан ортигини тасаруф этиш ҳуқуқини олиши, ушбу орган томонидан энг кам иш ҳақининг 40 баробаридан 50 баробаригача бўлган миқдорда жарима солиши мумкин;

— хўжалик юритувчи субъектлар — жисмоний шахслар. Худди шу ҳаракатларни содир этса, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 7 баробаригача бўлган миқдорда жарима солиниши мумкин (**Қонуннинг 18- моддаси**).

Монополияга қарши кураш давлат органи жаримани қўллашдан олдин, хўжалик юритувчи субъектга бажарилиши шарт бўлган кўрсатма юбориши мумкин. Агарда хўжалик юритувчи субъект томонидан жарима тўланган бўлса ҳам кўрсатмани бажармасликка асос бўла олмайди.

3. Жиноий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг **183- моддасида** кўрсатилган жиноятни содир этса жавобгарликка тортилиши мумкин. Ушбу жиноятнинг объектив томони икки ҳаракатдан иборат:

— монополияга қарши фаолиятни олиб борувчи органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб тақдим қилиш;

— монополияга қарши фаолиятни олиб борувчи органининг талабларини, қонун қоидаларни бузишни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаш, ёки уларни ўз вақтида бажармаганлик. Шунини айтиш керакки, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган ва шундай қилмишлар бир йил ичида қайта содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти бўлиб ҳўжалик юритувчи субъектнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг мансабдор шахслари ҳисобланади. Уларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 25 баробаригача бўлган миқдорда жарима солиниши ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо чоралари — объектив томонининг 1-гуруҳини ташкил этадиган ҳаракатлар учун ҳамда энг кам иш ҳақининг 25 баробаридан 50 баробаригача бўлган миқдорда жарима солиниши ёки 3 йилдан 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазо чоралари — объектив томонининг 2-гуруҳини ташкил этадиган ҳаракатлар учун қўлланиши мумкин.

6- §. Табиий монополияларни ҳуқуқий тартибга солиш

Табиий монополия деганда, бу технологик хусусиятлар ёки иқтисодий назардан фойдали бўлмаган аниқ бир товарларга (ишларга, хизматларга) талабини қондирадиган рақобат шароитини яратиш мумкин бўлмаган товар бозорининг ҳолати тушунилади.

Бундай ҳолатни вужудга келиши, ривожланиши объектив тарзда шу товарга, ишларга, хизматларга тегишли иқтисосидан, одамларнинг ҳаракатидан мустақил равишда ўтадиган ҳодисалар билан боғлиқдир.

Табиий монополия қуйидаги белгилар билан ажралиб туради¹:

¹ Ершов И. В., Иванов Т. Н. „Предпринимательское право“ Москва. 1999 й. 190- б.

1) бундай бозорда ишлаб чиқариш технологик хусусиятлари туфайли рақобатсиз бўлиб, талабни қондириш самаралироқ (ишлаб чиқариладиган товар бирлигига кетказиладиган харажатларнинг сезиларли даражада камайиши оқибатида шу билан бирга ишлаб чиқаришни ҳажми ошиб бориши);

2) табиий монополия субъектлари ишлаб чиқариладиган товарлар истеъмолда бошқа товарлар билан алмаштириб бўлмаслиги;

3) ушбу товар бозорида табиий монополия субъектлари ишлаб чиқарадиган товарга талаб ушбу товарнинг бошқа товарларга нисбатан, нархи ўзгаришидан кам даражада тобелиги.

Табиий монополия субъектлари сифатида табиий монополия шароитида товарларни ишлаб чиқариш (сотиш) билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар (юримдик шахслар) тан олинади.

Табиий монополиялар фаолиятини тартибга солишда асосий қонун ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикасининг „**Табиий монополиялар тўғрисида**“ги 1999 йил 19 августда қабул қилинган Қонун муҳим аҳамиятга эга.

Бир турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) билан бозорни таъминлаб турган ва бошқа рақобатчиларга нисбатан кам харажат кетказадиган хўжалик юритувчи субъектга тенг равишда бошқа шунга ўхшаш корхона қуриш иқтисодий назардан мақсадга мувофиқ эмас бўлган жойда, табиий монополия пайдо бўлади.

Табиий монополия субъектларининг фаолият соҳалари қуйидагича:

— нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш;

— нефть, нефть маҳсулотлари ва газни магистрал қувурлар орқали узатиш;

— электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш;

— темир йўлларда йўловчи, багаж ва юк ташиш;

— портлар ва аэропортларнинг хизматлари;

— ҳамма учун мўлжалланган электр ва почта алоқаси хизматлари;

— сув қувурлари ва канализация хўжалиги хизматлари.

Табиий монополияларнинг афзаллик томони шундан иборатки, хусусан, катта ҳажмдаги, ишлаб чиқаришдаги

иқтисодий имкониятлари; рақобат туфайли кичик харажатларга эришиш. Бундай ҳолатнинг эса салбий томони табиий монополия субъектлари томонидан бозорда мутлақ ҳокимиятни ўрнатиш эҳтимолини олдини олишга қаратилган.

Табиий монополияларнинг ўз мавқеини суиистеъмол қилишини чеклаш икки йўналишда амалга оширилади:

1. Табиий монополиялар соҳасида давлат мулкини ўрнатилиши. Мисол учун, давлат мулкида темир йўллар алоқалари, уларга хизмат кўрсатадиган станциялар, платформалар ва бошқа, электр, иссиқлик энергияси магистраллари, уларга хизмат кўрсатадиган тизимлар, нефть ва газ қувурлари ва бошқалар (**Ўзбекистон Республикасининг „Табиий монополиялар тўғрисида“ ги Қонунининг 4- моддаси**).

2. Табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши. Бундай тартибга солиш **Ўзбекистон Республикасининг „Табиий монополиялар тўғрисида“ ги Қонунининг 4- моддаси**, 3- қисмига асосан қуйидаги органлар томонидан амалга оширилади:

— Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
— Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органлари, хусусан, темир йўллари орқали ташиш соҳасида **„Ўзбекистон темир йўллари“** Давлат темир йўл компанияси; почта алоқаси соҳасида — Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги; нефть ва газ комплекси қазиб олиш ва узатиб беришда — **„Ўзбекнефтегаз“** Давлат корпорацияси; Сув қувурлари ва канализация хўжалиги хизматлари соҳасида — **Коммунал хўжалиги Вазирлиги**; ҳаво орқали ташиш хизматлари соҳасида — **„Ўзбекистон ҳаво йўллари“** Миллий Авиаккомпанияси ва бошқалар. Айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ушбу соҳалар фаолиятини умумий бошқаришни ва ваколат берилган органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни олиб боради, ваколат берилган органлар эса махсуслашган бўлиб, улар қонунда кўрсатилган соҳаларда табиий монополия субъектлар фаолиятини бевосита тартибга солишни амалга оширадилар.

Амалиётда асосан ҳар иккала йўналишдан фойдаланилади. Чунки, монополияга қарши қонун ҳужжатларини қўллаш ва уларнинг бажарилишини фақатгина текширишни ўзи кифоя қилмасдан ҳар бир табиий монополистни бевосита давлат томонидан тартибга солишнинг таъсири ва уни

бевосита таъбиқ этишнинг самарадорлигини оширишини ҳам тақозо этади. Бинобарин, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган давлатларда монополлашган жамоа транспорти, сув билан таъминлаш ва ахлатни, чиқиндиларни йўқотиш тизимида мавжуд бўлиб, уларни тартибга солиш учун умум-миллий ва маҳаллий даражада органлар тузилади (АҚШда тахминан ички маҳсулотнинг 10%дан ортигини тартибга солинадиган табиий монополия соҳаларида ишлаб чиқарилади).¹

Қонун табиий монополия субъектларининг фаолиятини тартибга солиш учун икки асосий усулни қўллайди:²

1) нарх усули, нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори даражасини белгилашда (ўрнатилишида) намоён бўлади. Ушбу усул фақат алоҳида вазиятларда фойдаланилади, чунки бу усул табиий монополия тушунчасидан келиб чиққан ҳолда унинг моҳияти товарнинг нархи ўзгаришдан эмаслигига асосланади

Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларда эса нархни тартибга солиш томонларнинг келишуви асосида белгиланади. Табиий монополия субъектлари ишлаб чиқарадиган (сотадиган) товарларнинг нархларини (тарифларини) ёки уларнинг энг юқори даражасини, ёки уларнинг ўзгариш кўрсаткичининг энг юқори ва энг паст даражасида белгилаш орқали тартибга солиш амалга оширилади;

2) нарх билан боғлиқ бўлмаган усул — хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва (ёки) уларни табиий монополия субъекти сотаётган товар, иш, хизмат билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилашда қўлланилади. Ушбу усул фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлигини, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ва ҳисобга олган ҳолда ишлатилади. Табиий монополия субъектлари ишлаб чиқарадиган товарлар кўпинча объектив сабабларга кўра захиралари чекланган ёки умуман тугатилган (нефть ва газ захираларини ишлатиб

¹ Шиминский С. Э. „Предпринимательское право“. Москва. 1999 й. 396- б. .

² Ўзбекистон Республикасининг „Табиий монополиялар тўғрисида“ги Қонунининг 5-, 7-, 8- моддалари..

бўлиш, уларни қазиб чиқаришни қисқартириш). Ушбу вазият табиий монополия субъектларига товарларни бир истеъмолчига сотиб, иккинчисига эса сотмасликни тақозо этади. Шундай ҳолатларда ҳамма истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат ҳокимиятининг аралашуви вужудга келади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган томонидан муайян табиий монополия субъектига нисбатан тартибга солиш усулларини қўллаш тўғрисидаги қарор бу усулларнинг ишлаб чиқарилаётган (сотаётган) товарларнинг сифатини ошириш ва уларга бўлган талабни қондиришдаги рағбатлантирувчи роли ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Бунда харажатларнинг қанчалик асосли бўлиши баҳоланади ва қуйидагилар ҳисобга олинади: товарлар ишлаб чиқириш (сотиш) харажатлари; солиқлар ва бошқа тўловлар; асосий ишлаб чиқарувчи воситаларнинг нархи, инвестицияларга эҳтиёжлиги; товарларни сотишдан кутилаётган фойда; турли гуруҳ, истеъмолчиларининг товарлар ишлаб чиқариладиган жойдан олислиги; ишлаб чиқарилаётган (сотилаётган) товарлар сифатининг истеъмолчилар талабига мувофиқлиги; давлат дотациялари ва давлат ёрдамининг бошқа чоралари; табиий монополия субъекти товари тўғрисида истеъмолчилар томонидан тақдим этилган ахборотнинг хусусияти кабилар шулар жумласидандир.¹

Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан тегишли назорат олиб боришнинг мақсади табиий монополия соҳасида самарали давлат сиёсатини юргизишдан иборатдир. Назорат табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишини олдини олишда қўлланиладиган ҳуқуқий воситадир. Унинг ёрдамида ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ҳаётга тадбиқ этилади. Назоратнинг асосий йўналишларидан бири — табиий монополия товарларни истеъмол қилувчиларни ҳимоя қилиш, чунончи, улар ушбу товарларни ваколатли орган томонидан ўрнатилган нархларда сотиб олиш ҳамда товар нуқсонлари оқибатида, табиий монополия субъектларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб этиш ҳуқуқига эга.²

¹ Ўзбекистон Республикаси „Табиий монополиялар тўғрисида“ги Қонунининг 6- моддаси.

² Ўзбекистон Республикаси „Табиий монополиялар тўғрисида“ги Қонунининг 17- моддаси.

Таъкидлаб ўтиш керакки, истеъмомчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситадиган ҳаракатлар назоратга олиниб, ушбу ҳаракатлардан қонунчиликка тегишли бўлган табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш давлат органи, монополияга қарши фаолият кўрсатадиган давлат органи ва бошқа ваколат берилган махсус орган томонидан ҳимоя қилинади¹.

Ўзбекистон Республикасининг „**Табиий монополиялар тўғрисида**“ги Қонунининг 9- мо дданинг 1- қисмига асосан табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади. Бу орган сифатида юқорида айтиб ўтган монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси бўлиб, ушбу орган табиий монополия субъектлари реестрини олиб бориш, табиий монополия субъектлари бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, жарима солиш ва бошқа ҳуқуқларга эга (Ўзбекистон Республикасининг „**Табиий монополиялар тўғрисида**“ги Қонунининг 10- моддаси), шунингдек, берилган ваколат доираси юридик шахслар (шу жумладан, чет эл), давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан табиий монополиялар тўғрисида қонун ҳужжатларини бузилишларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикасининг „**Табиий монополиялар тўғрисида**“ги Қонунининг 11- моддаси). Шунинг учун назорат органининг мансабдор шахслари талабига биноан табиий монополия субъектларининг фаолияти тўғрисида ҳамма керакли ахборотни табиий монополия субъектлари, давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тақдим этишлари шарт.

Бир неча аниқ ҳаракатларни бажариш учун табиий монополия субъектлари монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича Давлат қўмитасидан розилик олиши керак, акс ҳолда бундай ҳаракатларни бажаришга ҳақли эмас. **Улар жумласига қонун қўидагиларни киритган:**

— амалга оширилиши натижасида табиий монополия субъекти асосий воситаларига нисбатан мулк ҳуқуқини оладиган ёки товарлар ишлаб чиқариш (сотиш) учун мўлжалланмаган, уларга нисбатан давлат тартибга солиши

¹ Ўзбекистон Республикаси „Табиий монополиялар тўғрисида“ги Қонунининг 18- моддаси.

қўлланиладиган асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритгач, битимлар устидан, агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг 10%дан ортиқ бўлган ҳолатда, *мисол учун*, олди-сотди, пудрат, ижарага бериш, шартномалар устидан назорат, бошқа хўжалик фаолиятига табиий монополия йўналишини кириб келишига йўл қўймаслиги керак;

— агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг 10%дан ортиқ бўлса, амалга оширилиши натижасида табиий монополия субъекти асосий воситаларга нисбатан давлат тартибга солиш қўлланиладиган, товарлар ишлаб чиқариш (сотиш) учун мўлжалланган асосий воситаларнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини ёхуд уларга эгалик қилиш ва (ёки) улардан фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик юритувчи бошқа субъектга ўтказадиган битимлар устидан назорат қилади. Ушбу вазиятда табиий монополия субъектларининг табиий монопол товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланган мулкни ўтиб кетишининг олдини олиш мақсадида назорат олиб борилади. Бу эса, ўз навбагида, тегишли товар бозорлари ҳолатига салбий таъсир этадиган ва истеъмолчилар манфаатига зарар келтирадиган ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетиши, ҳаражатлар ва нархларнинг ошиб кетиши каби ҳолларни олдини олади. Айтиб ўтиш лозимки, табиий монополия субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиққан ҳолда унинг шахсий капитал таркиби аниқланади. Хўжалик жамиятида бу устав капитали, давлат унитар корхоналарида устав фондини ташкил этади. Булар жумласига ҳар хил фондлар (резерв ва бошқа), бевосита даромад (фойда) ва бошқа табиий монополия субъектининг иш юритиш фаолиятида орттиргани ҳам киради. Санаб ўтилган ҳар бир вазиятда олдинги назорат амалга оширилади.

Кейинги назорат қуйидаги фаолият устидан олиб борилади:

— истеъмолчилар билан тузилган шартноманинг товар ҳажмига риоя этиш. Бу ерда истеъмолчилар табиий монополия субъектлари томонидан асоссиз товарларни сотишдан бош тортишидан ҳимоя қилишнинг, ҳамда ўзига олган мажбуриятларни лозим даражада бажариши таъминланишини назорат қилади;

— товарларга нархни (тарифни) ўрнатиш ва ишлатиш тартибига риоя этиш. Ушбу назорат ёрдамида табиий монополия субъектларининг ўз устунлик мавқеини суиистеъмом қилиш ва назоратсиз товарларни нархини ўстиришнинг олди олинади.

Табиий монополия субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар устидан қўмита томонидан олдинги ҳам кейинги назорат олиб борилади.

Олдинги ва кейинги назоратнинг самарасини оширишда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи органга ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботларни ва капитал жамғариш режаларини тақдим этишлари муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, табиий монополияни ҳуқуқий тартибга солишни ўрганиш, уни амалиётга қўллашнинг самарадорлигини ошириш ўз навбатида, технологик хусусиятлар ёки иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаган аниқ бир товарларга (ишларга, хизматларга) яъни талабни қондирадиган рақобат шароитини яратиш мумкин бўлмаган товарлар бозорларининг ҳолатини аниқлашда ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА СУД АМАЛИЁТИ МАТЕРИАЛЛАРИ

І. Қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Т.: „Ўзбекистон“, 2000 й.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси // Т.: „Адолат“, 1996 й.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси // Т.: „Адолат“, 1996 й.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси // Т.: „Адолат“, 1995 й.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси // Т.: „Адолат“, 1995 й.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодекси // Т.: „Адолат“, 1998 й.

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси // Т.: „Адолат“, 1999 й.

Банкротлик тўғрисида (янги таҳрирда)ги 1998 йил 28 августда қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 й., 9- сон, 168- модда.

Ижара тўғрисидаги 1991 йил 11 ноябрдаги қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 й., 1- сон. 45- модда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 й., 5—6- сонлар, 59- модда.

Судлар тўғрисида (янги таҳрирда)ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Қонуни.

Табиий монополиялар тўғрисидаги 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 4—5- сонлар, 106- модда.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисидаги 2000 йил 25 майда қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 й., 5—6- сонлар, 140- модда.

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида (янги таҳрирда)ги 2000 йил 26 майда қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси. 2000 й., 5—6- сонлар, 148- модда.

Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси. 1997 й. № 2, 54- модда.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги 1997й., 1- сон. 112- модда.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси. 1999 й., 1- сон, 8- модда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси. 1998 й., 1- сон, 4- модда.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги 2000 йил 15 декабрдаги Қонуни // 2001 йил.

Экологик экспертиза тўғрисидаги 2000 йил 25 майда қабул қилинган Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси. 2000 й. 5—6- сонлар, 144- модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасини ташкил этиш тўғрисида“ 1996 йил 15 майдаги 1464- сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси. 1996 й., 5—6- сонлар, 83- модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида“ 1998 йил 4 февралдаги 1923- сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахбортомаси, 1998 й., 39- модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг Устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида“ 1999 йил 28 июндаги 2331- сонли Фармони // „Халқ сўзи“, 1999 й., 29 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Хўжалик тўғрисида“ 1997 йил 5 февралдаги 1704- сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий ночорлиги ва шартнома

мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида“ 1998 йил 4 мартдаги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбортномаси. 1998 й., 3- сон, 43- модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Хўсусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ 1998 йил 9 апрелдаги 1987- сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбортномаси. 1998 й., 4- сон, 64- модда.

Хорижий мамалакатлар ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенциясининг 1958 йил 10 июнда қўшилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг „Давлатлар билан хорижий шахслар ўртасида инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида“ги Конвенцияни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг „Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида“ 1996 йил. 25 апрелдаги 219- сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тўғрисидаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг „Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг товарларни халқаро олди сотди шартномалари тўғрисида“ги Конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фуқаролик жараёни масалалари бўйича 1954 йил 1 мартдаги Гаага Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисидаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 15 декабрдаги „ЕХХК доирасида ярашиш ва ҳакамлик бўйича Стокгольм Конвенциясига қўшилиш тўғрисида“ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ 1999 йил 19 июлдаги 347- сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7- сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Биржа ва ярмарка савдоларида тузилган контрактлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш, сотиб олиш ва уларни олиб чиқиб кетиш тартиби тўғрисида“ 1999 йил 15 апрелдаги 174- сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 4- сон.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси

публикаси Олий ҳужалик суди Пленуми қарорларининг тўплами // Нукус, „Билим“ нашриёти, 2000 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995 — 1999) // Т.; „Адолат“.

II. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг товарларни халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Конвенцияси. Вена, 11.04.1980 й.

Давлатлар билан хорижий шахслар ўртасида инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида Конвенция. Нью-Йорк, 1958 й.

ЕХҲК доирасида яшириш ва ҳакамлик бўйича Конвенция. 15.05.92 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 22.12.95 йилдаги 186—1- сонли қарори билан ратификация қилинган.

Фуқарорлик жараёни масалалари бўйича Конвенция. Гаага, 1.03.54 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 22.12.95 й.даги 183—1- сонли қарори билан ратификация қилинган.

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Конвенция. Минск, 22.01.93 й.

„Хорижий мамлакатлар ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида“ Конвенция. 10.06.58 й. 184—1- сонли қарори билан ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасида фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома. Тошкент, 27.11.96 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди билан Тожикистон Республикаси Олий иқтисодиёт суди ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборотни айрибошлаш тўғрисида битим.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси Олий арбитраж суди ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборот алмашиш.

III. Суд амалиёти материаллари

„Маҳсулотлар, товарлар етказиб беришда камомад чиқиши билан боғлиқ низоларни ҳал этиш амалиёти тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 3 июндаги 1993 йил 17- сонли Қарори.

„Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумнинг 3 июндаги 1993 йил 18- сонли Қарори.

„Маҳсулот ва молларни уз вақтида танлаб олиб кетмаслик билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 5 январдаги 1994 йил 20- сонли Қарори.

„Мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ва темир йўл орқали ташиш чоғидаги камомати ва бузилиб қолиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш амалиёти тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 5 январдаги 1994 йил 22- сонли Қарори.

„Низоларнинг ҳўжалик судлари судловига тегишли (тааллуқ-лиги)га доир айрим масалалар тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 18 октябрдаги 1999 йил 28- сонли Қарори.

„Суд қарори ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 1 мартдаги 1996 йил 54- сонли Қарори.

„Суд ҳоқимияти тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 20 декабрдаги 1996 йил 1- сонли Қарори.

„Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 6 феврал 1998 йилдаги 68- сонли Қарори.

„Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси „Банкротлик тўғрисида“ги қонунини (янги тарихда) қўллашнинг айрим масалалари ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 16 июл 1999 йилдаги 80- сонли Қарори.

„Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 28 февралдаги 1997 йил 62- сонли Қарори.

„Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиши амалиёти ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 28 январдаги 2000 йил 82- сонли Қарори.

„Назорат тартибида иш юритишда шикоятларни ўрганиш, қарорлар, ажримлар устида протест келтириш ва Раёсатда кўриш амалиёти тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 28 январдаги 2000 йил 83- сонли Қарори.

„Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик процессуал Кодексининг қўлланилиши ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 24 февралдаги 2001 йил 91- сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 24.07.1997 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Ишларни судда кўришга тайёрлаш бўйича суд амалиётини умумлаштириш тафсифи“.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 01.12.1997 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳўжалик низоларини кўриб чиқиш амалиётининг таҳлили“.

„Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 28.05.1998 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Суд харажатлари ҳақида“ги қонунчиликни қўллаш бўйича судлов ҳайъатининг тавсиялари“.

„Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 28.10.1999 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш бўйича суд амалиётининг таҳлили“.

„Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 29.02.2000 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Банкрот“ деб эътироф этилган корхоналарни тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш бўйича суд амалиётини умумлаштириш.“

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 31.05.2000 йилдаг қарори билан тасдиқланган „Хўжалик судларида суд жарималарини қўллаш амалиёти тўғрисидаги таҳлили“.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 28.09.2000 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ ариза ва низоларни кўриб чиқиш суд амалиёти таҳлили“.

„Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 31.05.2001 йилдаги қарори билан тасдиқланган „Келишув битимини тузиш ишлари бўйича Республика ҳўжалик судларининг амалиётни умумлаштириш натижалари ҳақида“.

Тавсия қилинаётган раҳбарий ва махсус адабиётлар

І. Раҳбарий адабиётлар

- И. А. Каримов. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. Т., 1992.
- И. А. Каримов. Буюк мақсад йулидан оғишмайлик. Т., 1993.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1993 й.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993 й.
- И. А. Каримов. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т., 1993 й.
- И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., 1994 й.
- И. А. Каримов.. Дехқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи. Т., 1994 й.
- И. А. Каримов. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Т., 1994 й.
- И. А. Каримов.. Иқтисодий ислоҳот: маъсулиятли босқич. Т., 1994 й.
- И. А. Каримов.. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., 1995 й.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида //Ўзбекистон. 1995 й.
- И. А. Каримов.. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий принциплари. //Ўзбекистон. 1995 й.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон. 1997 й.
- И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари //Ўзбекистон. 1998 й.
- Каримов И. А.Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таррақиёт йўли //Т., Ўзбекистон, 1992 й.
- И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузаси. „Хўжалик ва ҳуқуқ“ — „Хозяйство и право“ журналининг 2000 —№ 2, 9- 6.
- Жамиятда тadbиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови. И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми яқунларига бағишланган йиғилишдаги нутқи // „Халқ сўзи“. 2001 й. 18 июль.

„Адолат“ — Қонун устуворлигида. И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси. // „Халқ сузи“. 2001 й. 30 август.

II. Махсус адабиётлар

Абдуллаев Ё., Т.Қоралиев. Пул: 100 савол ва жавоб // Т.: „Меҳнат“ — 1996 й.

Абдуллаев, Фармонов Т., Ёқубов Н. Ширкатлар уюшмаси // „Халқ сўзи“. — 1994 й. 6 июль; Галеев И., Ақромов Б., Отамуродов Ш. Ижарачилар уюшмаси // 1994 й. 14 июль.

Абдусаломов М. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари. Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни. 1998 й. 35- бет.

Абдусаломов М., Отахонов Ф. Суд ҳужжатларини ижро этиш. (Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар) // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 йил 6- сон.

Абдусаломов М., Рўзиназаров Ш. Назорат тартибида иш юритишда қонун меъёрларини қўллашнинг айрим процессуал жиҳатлари, // Хўжалик ва ҳуқуқ — 2000 й., № 6.

Абдусаломов М. Тадбиркор суд ҳимоясида. — Т.: „Адолат“, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси, 2- сон).

Абова Т. Е. Охрана прав предприятий. М., 1982 г.

Абова Т. Е. Производственные кооперативы в России. Правовые проблемы теории и практики. // Государство и право. 1998. № 8.

Авдеев М., Кобзев Е. Как действует рынок ценных бумаг. // Закон. 1997. № 7.

Агарков М. Понятие хозяйственного права в германской литературе. // Право и жизнь. 1924. № 5.

Агарков М.М. Учение о ценных бумагах. М., 1993.

Адилходжаева С. Государственная поддержка малого и среднего предпринимательства. — Т.: „Адолат“, 2001 (Юридическая библиотека предпринимателя, 6)

Азизов Х. Тадбиркорнинг мулк ҳуқуқи. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998 й.

Азизов Х. Тадбиркорнинг мулк ҳуқуқи.

Азимов М. Хўжалик судига даъво тақдим этиш.

Азимов М. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар (Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар). Хўжалик ва ҳуқуқ — 1999 й. 1- сон.

Азимов Ч. Н. Гражданин, Предпринимательство. Закон. — Харьков. Основа 1991 г. 48 стр.

Акционер ва тадбиркорнинг маълумот берувчи қўлланмаси / муаллифлар ҳайъати: Б. А. Ходжаев, Ш. Р. Гафуров ва бошқалар / Т., 1997 й. 137- бет.

Акционерное общество и товарищество с ограниченной ответственностью. Сборник зарубежного законодательства. М., 1995 г.

Акциянерлик ҳуқуқи (дарслик). Долинская В.В., М.: „Юридик адабиёт“ нашриёти, 1997 й.

Александров А. Умышленное банкротство. // Экономика и жизнь. 1994. № 45. С. 16.

Алексеев М.Ю. Рынок ценных бумаг. М.: Финансы и статистика, 1992.

Алексеев С. С., Яковлев В.Ф. Правовое регулирование хозяйственных отношений. // Советское государство и право. 1979. № 3. С. 61—69.

Алимов А. Кичик корхоналарни бошқаринни такомиллаштириш. // Хўжалик ва ҳуқуқ — 2000 й. 12- сон. 31 б.

Алимов И. Юридик шахсларни тугатиш // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й., № 12.

Алклычев А. Политика цен и воздействие на экономические процессы. // Экономист. 1998 й. № 5.

Амосов С. О вероятности и достоверности выводов арбитражного суда. // Хозяйство и право. 1997. № 12.

Амосов С. Роль суда в арбитражном процессе. // Хозяйство и право. 1995. № 2.

Амосов С. Федеральный арбитражный суд округа. // Хозяйство и право. 1996. № 8.

Амосов С. Предмет доказывания в арбитражном процессе. // Хозяйство и право. 1997. № 9.

Анасянц С.А., Основы функционирования рынка ценных бумаг. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш асослари. М.: „Контур“. 1998 й,

Андреев В. Договоры в предпринимательской деятельности. // Российская юстиция, 1995, № 4.

Андреев В. Создание акционерного общества и контроль за его деятельностью. // Хозяйство и право. 1996. № 4.

Андреев В.К. Гражданский кодекс РФ и новейшее законодательство. // Государство и право. 1996. № 4.

Андреев В.К. Договоры в предпринимательской деятельности. // Российская юстиция. 1995. № 4.

Андреев В.К. Основы предпринимательского права в России. М., 1992 г.

Андреев В.К. Право собственности в России. М., 1993 г.

Андреев В.К. Правосубъектность хозяйственных органов: сущность и реализация. М.: Изд-во Наука. 1996 г.

Андреев В.К. Проблемы правового регулирования рынка ценных бумаг. // Государство и право. 1997. № 3.

- Андреев В.К. Рынок и закон. //Хозяйство и право. 1993. № 5.
- Андреев В.К. Основы предпринимательской деятельности. М., 1995 г.
- Андреев С.Е., Сивачева И.А., Федотова А.И. Договор: заключение, изменение, расторжение. М., 1997 г.
- Андреев Ю. Рассмотрение земельных споров. // Хозяйство и право. 1997. № 8, 9.
- Андреев Ю.Н. Рассмотрение имущественных споров участников хозяйственных товариществ и обществ. // Государство и право. 1998. № 4.
- Андреева Л. В. Продажа товаров. М.: ИНФРА-М., 1997 г.
- Андреева Т. О подведомственности дел арбитражным судам. // Хозяйство и право. 1997. № 8, 9.
- Анисимов А., Крылов Г. Возрождение госконтроля в Российской Федерации. // Хозяйство и право. 1995. № 5.
- Анортоев И. Тадбиркорлик концессияси ёки франчайзингни қандай тушунмоқ керак. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., № 9.
- Анортоев И. Тадбиркорни ҳимоя қилиш лозим. //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й., № 4
- Анортоев И., Мадраҳимов А. Банк муассасаларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштироки. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., №10.
- Анохин В. Государственное регулирование предпринимательства. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4.
- Анохин В. Договор поставки в рыночной экономике. // Хозяйство и право. 1996 г. № 9.
- Анохин В. Новое арбитражное законодательство: защита интересов предпринимателей и проблемы. // Хозяйство и право. 1996 г. № 1.
- Анохин В.С. Арбитражное процессуальное право России. М.: ГИЦ Владос. 1999 г.
- Ансон В. Договорное право. М., 1984 г.
- Ануфриева Ю.А. Пять вариантов реорганизации. // Экономика и жизнь, 1996 г. № 3.
- Арбитражный процесс. Учебное пособие. // Под ред. Р. Е. Гукасяна и В. Ф. Тараненко. М., 1996 г.
- Аскназий С. Очерки хозяйственного права СССР. Л., 1926.
- Асьянов Ш. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати. // Хўжалик ва ҳуқуқ — 2000 й.
- Аъзамхўжаев С. Япония: кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 й., № 12.
- Бадалбоев А. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунчилигида гаров масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 й., 12- сон.
- Байтенова А. А. Закон о финансово-промышленных группах: проблемы толкования и применения. // Труды МГЮА. 1998. № 3.

Бакшинская В.Ю. Договорные обязательства: теория и практика. Практическое пособие для руководителя и бухгалтера. М., 1997 г.

Банкротство. Стратегия и тактика выживания. Часть 1: Как избежать банкротства. М., 1993 г.

Банников М. Станция-банкрот расстается с пенсионерами. // Бизнес-адвокат. 1998. № 6.

Баренбойм П.Д. Пути развития рынка ценных бумаг. // Российская юстиция. 1997 г. № 4.

Баренбойм П.Д. Как превратить должника в банкрота? // Московские новости. 1995 г. № 5.

Баренбойм П.Д. Правовые основы банкротства. М., 1995.

Баренбойм П.Д. Без труда — не вытащишь банкрота из пруда. // Российская юстиция. 1995 г. № 8.

Баренбойм П.Д. Закон РФ „О несостоятельности (банкротстве) предприятий“. Критический анализ. // Советская юстиция. 1993 г. № 12.

Баренбойм П.Д. Комментарий нового законодательства. // Советская юстиция. 1993 г. № 11.

Баренбойм П.Д. Правовые основы банкротства. М., 1995.

Баренбойм П.Д. Пути развития рынка ценных бумаг. // Российская юстиция. 1997 г. № 4.

Басин Ю. Г., Покровский Б. В., Сулейменов М. К. Правовые формы хозяйственного расчета в строительных организациях. АлмаАта, 1978.

Батлер У. Э. Основные черты российского открытого акционерного общества и американской корпорации. // Государство и право. 1998 г. № 7.

Батунин М. Соотношение фондового рынка и рынка ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1996 г. № 5.

Бахрах Д., Кролис Л. Взыскание недоимок и пени с налогоплательщиков. // Хозяйство и право. 1995 г. № 9, 10.

Бахрах Д., Кролис Л. Законность применения санкций за нарушение налогового законодательства. // Хозяйство и право. 1996 г. № 3.

Башкинская В. Ю., Николаев С. А. Нематериальные активы: правовое регулирование, учет, налогообложение. М., 1998 г.

Бекмуродов Т. Ўзбекистон Республикасида жамоа тадбиркорлиги асосидаги жамоа корхоналари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., № 4.

Белинский Е. К вопросу о правовой природе ответственности по налоговому законодательству. // Хозяйство и право. 1995г. № 8, 9.

Белов А. П. Обеспечение исполнения обязательств во внешнеэкономических сделках. // Право и экономика. 1996 г. № 7.

Белов А. П. Правовые способы защиты коммерческих

интересов российских предпринимателей в экспортно-импортных контрактах. //Право и экономика. 1997 г. № 13, 14.

Белов В. Понятие, сущность и составление векселей: некоторые практические проблемы. // Хозяйство и право. 1997 г. № 5, 6.

Белов В.А. Ценные бумаги. Вопросы правовой регламентации. М., 1993 г.

Белокрылова О., Клавдиенко Т. Экономико-правовой статус кредитного товарищества как нового субъекта финансового рынка. // Хозяйство и право. 1997. № 10.

Белоусов И. К вопросу о правовом регулировании отношений по договору поставки. // Хозяйство и право. 1995. № 3.

Белых В.С. Теория хозяйственного права в условиях становления и развития рыночных отношений в России. // Государство и право. 1995 г. № 11.

Белых Е.А. Качество товаров в английском договоре купли-продажи. М., 1991 г.

Берсенев В., Соковых Ю. Законодательстве о промышленности: состояние и перспективы. //Хозяйство и право. 1995 г. № 7.

Бобокулов С. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., № 5.

Богатых Е. А. Гражданское и торговое право. М., 1996.

Богуславский М. М. Международное частное право. - М., Международные отношения, 1994 г. 128- 6.

Бозор қонунияти асослари (муаллифлар жамоаси). // Тошкент, 1996 й.

Борисова Г., Кокорев Р., Трухачев С. Защита банка-банкрота. //Российская юстиция, 1995 г. № 4.

Брагинский М. Общие положения нового Гражданского кодекса. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.

Брагинский М., Суханов Е., Ярошенко К. Объекты гражданских прав. // Хозяйство и право. 1995 г. № 5.

Брагинский М. Подряд, выполнение научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, возмездное оказание услуг. // Хозяйство и право. 1996 г. №4, 5.

Брагинский М., Ярошенко К. Граждане (физические лица). Юридические лица. // Хозяйство и право. 1995 г. № 2.

Брагинский М. И. Комментарий к Закону о несостоятельности (банкротстве). //Право и экономика. 1998 г. № 4.

Брагинский М.И. Хозяйственный договор: каким ему быть? М., 1990 г.

Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. М., 1997 г.

Брагинский М.М. Выделение юридического лица //Право и экономика, 1997 г. № 23, 24—93- 6;

Братусь С. Н. К проблеме хозяйственно-административного права. // Советское государство право. 1930 г. № 11, 12.

Брославский Л.И. Ответственность за качество. М., 1987.

Брызгалин А. Актуальные вопросы применения ответственности за нарушение налогового законодательства: теория и практика. // Хозяйство и право. 1997 г. № 7.

Брызгалин А. Вопросы применения ответственности за нарушения налогового законодательства и правоприменительная практика. // Хозяйство и право, 1998 й., № 8.

Брызгалин А. Основание освобождения налогоплательщика от ответственности за нарушение налогового законодательства. // Хозяйство и право. 1997 г. № 12.

Брызгалин А. Принципиальные вопросы возмещения убытков в виде упущенной выгоды: общие положения, процессуальный аспект, методика расчета. // Хозяйство и право. 1994 г. № 5.

Бубенщиков А. О правовом регулировании выпуска облигаций муниципальных займов. // Хозяйство и право. 1997 г. № 11.

Бублик В. Договор международной купли-продажи товаров. Как избежать ошибок при его оформлении и исполнении. // Хозяйство и право. 1999 г. № 2.

Бублик В. Исполнение арбитражных решений: законодательство и практика его применения. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4.

Буздалов И. Кооперация в новой аграрной структуре. // Международной сельскохозяйственной журнал. 1995 г. № 5.

Бунич П. Г. Банкротство станет выгодным и должникам, и кредиторам. // Финансовые известия. 1998 г. 26 февраль.

Бунич П. Г. Новый Закон о банкротстве: шансов для спасения больше. // Экономика и жизнь. 1998. 1998 г. №4.

Бусыгин А. В. Предпринимательство (основной курс). М., 1997 г.

Быков А. Г. Конституция РФ — основа формирования правовых категорий предпринимательского права. Труды юрид. ф-та МГУ. Вып. 1. М., 1994 г.

Быков А. Г. Предпринимательское право: проблемы формирования и развития. / Вестник МГУ. Серия 11. Право. 1993 г. № 6.

Васильев А. М. Правовые категории. Методологические аспекты разработки системы категорий теории права. М., 1976 г.

Васильев Е. А. Правовое регулирование конкурсного производства в капиталистических странах. Учебное пособие. М., 1989 г.

Васильев Е. А. Правовое регулирование конкурсного производства в капиталистических странах. Учебное пособие. М., 1989 г.

Васильев Е. А. Правовое регулирование несостоятельности и банкротства в гражданском и торговом праве капиталистических государств: Учебное пособие. М., 1983 г.

Васькин В. Возмещение реального ущерба и упущенной выгоды. // Хозяйство и право. 1994 г. № 4.

Вахнин И. Виды условий договора с учетом нормативно-правового регулирования. // Хозяйство и право. 1998 г. № 10.

Вахнин И. Об основаниях формирования условий договора в предпринимательской деятельности. // Хозяйство и право. 1999 г. № 3.

Вахнин И. Учет соотношения частного и публичного порядка регулирования при определении условий договоров. // Хозяйство и право. 1998. № 11.

Венедиктов А.В. Государственная социалистическая собственность. М. - Л., 1948 г.

Весенёва Н. А. Знакомьтесь — Закон о банкротстве. // Экономика и жизнь. 1998 г. № 5. С. 21.

Весенёва Н. А. Кредитор в лабиринтах банкротства, или Что следует знать при обращении в суд. // Экономика и жизнь. 1998 г. № 25.

Весенёва Н. А. О некоторых вопросах практики применения Закона о несостоятельности (банкротстве). // Право и экономика. 1998 г. № 7.

Весенёва Н. А. Руководство для несостоятельных должников, или Как грамотно стать банкротом. // Экономика и жизнь. 1999 г. № 1.

Весенёва Н. А. Сделки управляющего. / „Под колпаком“ у кредиторов. // Экономика и жизнь. 1999 г. № 2. С. 26.

Весенёва Н. А. Требования, предъявляемые к заявлению должника. // Экономика и жизнь. 1999. № 2.

Викторов И. Надзор за исполнением законодательства о несостоятельности (банкротстве) предприятии. // Законность. 1998 г. № 1.

Вилкова Н. Унификация коллизионных норм в сфере международных коммерческих контрактов. // Хозяйство и право. 1997. № 12.

Вильчур Н. Некоторые вопросы толкования и применения Федерального закона „О бухгалтерском учете“. // Хозяйство и право. 1998 г. № 11.

Виноградова Е.. Законодательство о третейском суде. // Хозяйство и право. 1992 г. № 10.

Виноградова Е. К вопросу о так называемом „статусе“ постоянно действующего третейского суда. // Хозяйство и право. 1994 г. № 3.

Виноградова Е. А. Альтернативное разрешение споров. // Вестник Высшего Арбитражного Суда РФ. 1997 г. № 8.

Витин А. Рынок ценных бумаг и инвестиции: кризис и предпосылки его преодоления. // Вопросы экономики. 1998 г. № 9.

Витрянский В. Новое законодательство о несостоятельности (банкротстве). // Хозяйство и право. 1998 г. № 3.

Витрянский В. Новый Гражданский кодекс и суд. // Хозяйство и право. 1997 г. № 6.

Витрянский В. Новый Гражданский кодекс и судебная практика. // Хозяйство и право. 1995 г. № 7.

Витрянский В. Ответственность за нарушение обязательств. // Хозяйство и право. 1995 г. № 11.

Витрянский В. Проценты по денежным обязательствам как форма ответственности. // Хозяйство и право. 1997 г. № 8.

Витрянский В. Реорганизация и ликвидация юридических лиц: забота об интересах кредиторов. // Закон. 1995 г. № 3. С. 98.

Витрянский В. Существенные условия договора. // Хозяйство и право. 1998 г. № 7.

Витрянский В. В. Банкротство: долгая процедура „ускорения“. // Экономика и жизнь. 1998. № 29.

Витрянский В. В. Банкротство: ожидания и реальность. // Экономика и жизнь. 1994 г. № 49.

Витрянский В. В. Гражданский кодекс о юридических лицах. // Вестник Высшего Арбитражного Суда. 1995 г. № 5.

Витрянский В. В. Договоры купли-продажи, мены, аренды, безвозмездного пользования, перевозки, транспортной экспедиции. Расчеты. М., 1996.

Витрянский В. В. Когда спорят должники и кредиторы. // Закон. 1993 г. № 7.

Витрянский В. В. Новое законодательство о несостоятельности (банкротстве). // Хозяйство и право. 1998 г. № 3.

Витрянский В. В. Новое законодательство о несостоятельности (банкротстве). // Хозяйство и право. 1998 г. № 4.

Витрянский В. В. Правовые средства преодоления кризиса неплатежей. // Закон. 1995 г. № 1.

Витрянский В. В. Реформа законодательства о несостоятельности (банкротстве). // Вестник Высшего Арбитражного Суда. 1998 г. Спец. приложение к № 2.

Вобликов В. Об ответственности за исполнение решений арбитражных судов сторонами, участвующими в деле. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4.

Вольдман Ю. Об особенностях правового регулирования труда в крестьянском (фермерском) хозяйстве.. // Хозяйство и право. 1998 г. № 3.

Вольф В. Ю. Основы хозяйственного права. М., 1928 г.

Вольфсон Ф. И. Хозяйственное право. М., 1927 г.

Воронкин И. Ценообразование в строительстве. // Экономист. 1998 г. № 1.

Вылегжанина Е. Ответственность за прошлый экологический ущерб, вызванный хозяйственной деятельностью. //Хозяйство и право. 1998 г. № 8.

Гавзе Ф. Основные начала нашего хозяйственно-трудового права. // Еженедельник советской юстиции. 1923 г. № 28.

Гаврилов И. Решение арбитражного суда. // Хозяйство и право. 1998 г. № 5.

Гаврилов Э. П. Права на интеллектуальную собственности в новом Гражданском кодексе РФ. //Государство и право. 1995 г. №11.

Гаджиев Г. Конституционные гарантии предпринимательской деятельности. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4.

Гаджиев Г. Конституционные гарантии предпринимательской деятельности. // Хозяйство и право. 1995 г. № 8.

Гаджиев Г. Конституционные основы предпринимательства. //Хозяйство и право. 1994. № 11.

Гаджиев Г. А. Защита основных экономических прав и свобод предпринимателей за рубежом и в РФ. М., 1995.

Гаджиев Г. А. , Пепеляев С.Г. Предприниматель. Налогоплательщик. // Государство. Правовые позиции Конституционного Суда Российской Федерации. М., 1998.

Германское право. Ч. 1 и 2. М., 1996.

Гинцбург Л.Я. Курс советского хозяйственного права. Т., 1. М., 1935.

Гойхбарг А. Хозяйственное право. М.-Пг., 1923. Т., 1.

Голофаев В. Субъекты права на фирменное наименование. /Хозяйство и право. 1998. № 12.

Голубков А. Облигации. //Хозяйство и право. 1997. № 3, 4.

Голубков А.Ю. Правовое регулирование рынка ценных бумаг. //Государство и право. 1997.№ 2.

Гончарова Н. Как взыскать убытки в виде упущенной выгоды. //Хозяйство и право. 1995. № 9.

Гордеева Н. А., Соловьева С. В., Филь М.М. К вопросу о развитии современного законодательства о науке. // Государство и право, 1995. № 4.

Гордон В.М. Система советского торгового права. Харьков, 1927.

Горохова К. Г., Семеко Г. В. Государственно-монополистическое регулирование промышленности. М., 1986.

Гражданский кодекс РФ. Научно-практический комментарий. / Отв. ред. Т.Е. Абова, А.Ю. Кабалкин, В.П. Мозолин. М.,1996. Ч. 1.

Гражданское и семейное право развивающихся стран. М.,1989.

Гражданское и торговое право капиталистических государств. М., 1993.

Гражданское и торговое право капиталистических стран. М., 1980 г.

Гражданское право. Учебник. 2-е изд. / Под ред. Е.А. Суханова. М., 1998. Т. 1.

Гражданское право. Часть 1. Учебник. Под ред. Ю.К. Толстого, А. П. Сергеева. М.: Изд-во ТЕИС, 1996.

Гражданское право: В 2 т. Том 1: Учебник / отв. ред. проф. Е.А. Суханов. — М., БЕК, 1998.

Гражданское, торговое и семейное право капиталистических стран: Сборник нормативных актов: Законодательство о компаниях, монополиях и конкуренции. М., 1987.

Грачев В. Акцепт векселя. //Хозяйство и право. 1995. № 4, 5.

Грачев В. Ограниченный акцепт векселя. //Хозяйство и право. 1996. № 12.

Григоренко С. Проблемы гражданско-правового статуса индивидуального предпринимателя. //Хозяйство и право. 1999 г. № 5.

Гришаев С. П., Аленичева Т. Д. Банкротство. Законодательство и практика применения в России и за рубежом. М., 1993.

Грось Л. Залог: вопросы гражданского права и гражданского процесса. // Хозяйство и право. 1996 г. № 7.

Грызунов В., Подольный Н. Профессиональная и предпринимательская деятельность на рынке ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1997г. № 3.

Гуев А. Н. Становление и развитие отечественного законодательства о предпринимательской деятельности. 1986—1994 гг. М., 1997 г.

Гукасян Р. И. Как кончить дело миром. // Закон. 1993 г. № 7.

Дүстбобоев А. Б. Фуқаролик кодексини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг баъзи масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998 й., № 12.

Дүстбобоев А.Б. Хўжалик юритувчи субъектларни банкротлик (ночорлик) даражасига олиб келганлик учун жавобгарлик. //Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й., 9- сон.

Дедиков С. Публичный договор. //Хозяйство и право. 1997 г. № 11.

Демин А. Государственные контракты. // Хозяйство и право. 1997 г. № 9.

Демин А. Государственные контракты. // Хозяйство и право. 1997 г. № 8.

Демушкина Е. Некоторые различия в подходах к законодательному регулированию рынка ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4.

Денчик Н. Иностранные инвестиции как правовая форма обновления хозяйственных связей. // Хозяйство и право. 1996 г. № 6. 47- б.

Дикопольский М., Тимохов Ю. Закон „Об акционерных обществах“ опасность противоречий. // Хозяйство и право. 1996 г. № 11.

Дойников И. В. Предпринимательское (хозяйственное) право. М., 1998 г.

Долинская В. В. Акционерное право. М., 1997 г.

Долинский В. В. Закон об акционерных обществах: органы юридического лица. // Государство и право. 1996 г. № 7. 58- 6;

Доронина Н. Г. Развитие российского законодательства о внешней торговле. // Право и экономика. 1996 г. № 5—6.

Дорошенко Н. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги иқтисодий суди. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 й., № 10.

Единообразный торговый кодекс США. М., 1969 г.

Елькин С. Состав имущества акционерного общества. // Хозяйство и право. 1997 г. № 6.

Елькин С.К. Правовое регулирование имущественных отношений акционерных обществ. // Государство и право. 1998 г. № 1.

Енькова Е. Е. Банкротство индивидуального предпринимателя: на полпути между гражданином и юридическим лицом. // Экономика и жизнь. 1999 г. № 11.

Еременко В. И. Законодательство о пресечении недобросовестной конкуренции в зарубежных странах. М., 1997г.

Ермошин Г. Н. Закон о государственном предприятии трудовой коллектив, администрация, работник. М. Московский рабочий. 1989 г.

Ершова И. Деятельность предприятия по формированию себестоимости продукции. //Закон. 1994 г. № 7.

Ершова И. В. Имущество и финансы предприятия: правовой регулирование. Учебно-практическое пособие. М., 1999 г.

Ершова И. В., Иванова Т.М. Предпринимательское право. М. Юриспруденция. 2000. С. 55.

Есниязов Е. К. Масъулиятсизлик учун жавобгарлик. //„Қорхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари“ хабарномаси. 2000 й., №10 (21).

Ефименко Е. Налогообложение, учет и отчетность для малых предприятий. // Хозяйство и право. 1997 г. № 2.

Ефимова Л. Ответственность банков при осуществлении ими инкассовых операций. // Хозяйство и право. 1995 г. № 12.

Ефимова Л. Г. Банковское право. М., БЕК, 1994 г.

Ефимова Л. Г. О соотношении вещных и обязательственных прав. // Государство и право. 1998 г. № 10.

Ефимова Л. Г. Ответственность и распределение убытков в расчетных отношениях. // Государство и право. 1995 г. № 12.

Ефремов Л. О некоторых вопросах применения международных договоров о взаимном оказании правовой помощи в работе арбитражных судов. // Хозяйство и право. 1998 г. № 3.

Жамен К., Лакур Л., Торговое право. М., 1993 г.

Жилинский С. Э. Правовая основа предпринимательской деятельности. Предпринимательское право. М., 1998 г.

Жилинский С. Э. Предпринимательское право (правовая основа предпринимательской деятельности). М. 1999 г.

Жуйков В. М. Судебная защита прав граждан и юридических лиц. М., 1997 г.

Завидов Б. О некоторых противоречиях арбитражного процессуального законодательства. // Хозяйство и право. 1997 г. № 9.

Загребнев С. Подведомственность споров с участием иностранных инвесторов — юридических лиц. // Хозяйство и право. 1996. № 8.

Загребнев С. Апелляционная и кассационная инстанция арбитражных судов: общее и различие. // Хозяйство и право. 1997 г. № 2.

Зайцев И. М. Сущность хозяйственных споров. Саратов, 1974.

Заменгоф З. И. // Правовой режим материальных и финансовых ресурсов в хозяйственных системах. М., 1987 г.

Заменгоф З. М. Расторжение и изменение хозяйственного договора. М., 1967 г.

Звеков В. Участие РФ, субъектов РФ, муниципальных образований в отношениях, регулируемых гражданским законодательством. // Хозяйство и право. 1998 г. № 5.

Зимненко В. Халқ корпорацияси. // „Халқ сўзи“. 1993 й. 8 апрель.

Зинченко С. А., Лапач В. Л. Субъект предпринимательства как юридическое лицо. // Государство и право. 1995 г. № 7.

Зинченко С., Казачанский С., Зинченко О. Акционерное законодательство: испытание практикой. // Хозяйство и право. 1998 г. № 10, 11.

Зинченко С., Лапач В., Газарьян Б. Банкротство и правоприменительная практика. // Хозяйство и право. 1996 г. № 5.

Зинченко С., Лапач В., Газарьян Б. Новый Гражданский кодекс и предпринимательство. // Хозяйство и право. 1995 г. № 10.

Зинченко С., Лапач В., Газарьян Б. Парадоксы правосубъектности предприятий. // Хозяйство и право. 1995 й., № 1

Зинченко С., Лапач В., Газарьян Б. Статутная взаимосвязь субъектов предпринимательства. // Хозяйство и право. 1994 г. № 3.

Знаменский Г. Л. Общественный хозяйственный порядок и законодательство. // Государство и право. 1994 г. № 4.

Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент, „Адолат“, 1996 й.

Зубарев Л. В. Интеллектуальная собственность и свободное движение товаров. // Государство и право. 1998 г. № 1.

Зыкин И. Споры с участием предприятий с иностранными инвестициями в практике Международного коммерческого арбитражного суда при ТПП РФ. // Хозяйство и право. 1995 г. № 5.

Ибратов Б. Хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқ ва бурчлари. - Т.: „Адолат“, 2001 й. (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси, 5- сон).

Ибратов Б. Тадбиркорликнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001 й., № 8.

Иванов И. Л. Ответственность управляющих перед акционерным обществом (Опыт России И Германии). // Государство и право. 1998 г. № 11.

Игнатенко В. Н. Гражданско-правовые вопросы индивидуальной предпринимательской деятельности в сфере материального производств, оказания бытовых и социально-культурных услуг. Автореф. дисс... к.ю.н. - Харьков. 1991 г.

Ионова Ж. Лицензий и договоры в природопользовании. // Хозяйство и право. 1996. № 11.

Ионова Ж. Новый закон „О лицензировании отдельных видов деятельности“: изменения, продиктованные жизнью. // Хозяйство и право. 1999. № 2.

Иоффе О. С. Договоры в социалистическом хозяйстве. М., 1964 г.

Исаев И. А. Становление хозяйственно-правовой мысли в СССР. М., 1986 г.

Исаев И. А. Становление хозяйственно-правовой мысли в СССР (20-30 годы). М., 1984 г.

Исмоилов Н. Бозор муносабатлари шароитида шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда неустойканинг аҳамияти. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001 й., 5- сон.

Исмоилов Н. Гаров — мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ишончли воситаси. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й., 1- сон.

Исмоилов Н. Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й., № 7.

Интеллектуальный собственность. Новосибирск. 1993 г.

Ичитовкин Б.Н. Малые формы хозяйствования. М. Экономика. 1991 г.

Кабатов В. Из практики международного коммерческого суда Торгово-промышленной палаты РФ. // Хозяйство и право. 1994 г. № 3.

Казаков В. Налоги и предпринимательство. // Хозяйство и право. 1995 г. № 7.

Калинина Л. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства) сельскохозяйственных организаций. // Хозяйство и право. 1998 г. № 7.

Камоликова С. Лицензии на осуществление отдельных видов деятельности: права или разрешения? // Хозяйство и право. 1998 г. № 9.

Карасе А. Правовые формы государственной промышленности в условиях новой экономической политики. // Советское право. 1923 г. № 1 (4).

Карасева М. Налоговое законодательство и правосубъектность физического лица. // Хозяйство и право. 1996 г. № 7.

Каримов А. Чет эл инвестицияли корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000 й. № 10.

Карлусов В. В. Частное предпринимательство в Китае. М., 1996 г.

Кашанина Т. В. Предпринимательство (правовые основы). М.Юр. лит. 1995 г.

Кашанина Т. В. Хозяйственные товарищества и общества: правовое регулирование внутрифирменной деятельности. М., 1995 г.

Каюров С. Индивидуальный предприниматель в арбитражном процессе. // Хозяйство и право. 1996 г. № 9.

Клеандров М. И. Арбитражный процесс. Тюмень. 1996 г.

Клеандров М. И. Внутрихозяйственные правоотношения: что это такое? // Советская юстиция. 1990 г. № 17.

Клейн Н. И. Концепция развития арбитражного процессуального законодательства // Концепции развития российского законодательства. М., 1998 г.

Клейн Н. И. Краткий комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу. // Законодательство и экономика. 1995 г. № 19/20.

Князев Д. Ответственность за просрочку платежа по договору купли-продажи продукции для предпринимательской деятельности. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.

Коваленко Б. О возмещении убытков вследствие инфляции. // Хозяйство и право. 1994. № 6.

Коган Э. Э. Законодательство о банкротстве. //ЭКО. 1994 г. № 10.

Кожевников Р., Х. Дедова И. Государственная инновационная политика и ее финансовое обеспечение. // Вопросы экономики. 1998 г. № 12.

Козленко Н. Н. Рынок и предприятие. М., Агропромиздат. 1992 г.

Козырин А. Комментарий Таможенного кодекса Российской Федерации. // Хозяйство и, право. 1995 г. № 10—12.

Козырин А. Федеральный закон „О государственном регулировании внешнеторговой деятельности“. // Хозяйство и право. 1998 г. № 1—7.

Козырин Н. Природоохранные вопросы предпринимательской деятельности. // Хозяйство и право. 1997 г. № 6.

Кокорев Р., Комиссарова Ю. Соотношение Закона „О несостоятельности (банкротстве)“ с кодифицированными актами. // Экономика и жизнь. 1998 г. № 29.

Коломийченко О., Лукьянова Н. Рынок недвижимости в свете антимонопольных правил. // Хозяйство и право. 1997 г. № 2.

Комаров А. С. Ответственность в коммерческом обороте. М., 1991 г.

Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу РФ. М., 1995 г.

Комментарий к Федеральному закону „Об акционерных обществах“. / Под ред. Г. С. Шапкина. М., 1996 г.

Комментарий к Федеральному закону „Об обществах с ограниченной ответственностью“. / Рук. авт. колл. и отв. ред. В. В. Залеский. М., 1998 г.

Коммерческое право. / Под ред. В. Ф. Попондопуло и В. Ф. Яковлевой. СПб., 1998 г. Ч. 2.

Коммерческое право России. / Под ред. Б. И. Путинского. М., 1999 г.

Кондратов Н. О некоторых особенностях практического применения Федерального закона „Об акционерных обществах“. // Хозяйство и право. 1998 г. № 9, 10.

Константинов А. Правовое обеспечение энергосбережения и охрана окружающей среды. // Хозяйство и право. 1997 г. № 3.

Корнеев А. П., Петров Г. И. Вопросы совершенствования хозяйственного законодательства. // Правоведение. 1978 г. № 4. С. 33.

Коровайко А. Реорганизация юридических лиц: проблемы правового регулирования. // Хозяйство и право. 1996 г. № 11.

Котин В. Ответственность за незаконное предпринимательство. // Законность, 1995 г. № 4. С. 15.

Котов Б. А. Предприниматель и органы власти. Справочник. М., 1998 г.

Кочура В. Изъятие имущества у собственника без решения суда. // Хозяйство и право. 1996 г. № 8.

Крашенинников Е. Обыкновенные именные ценные бумаги. // Хозяйство и право. 1996 г. № 12.

Крашенинников Е. Осуществление прав по бумагам на предъявителя. // Хозяйство и право. 1995 г. № 9.

Крашенинников Е. Срок платежа по векселю. // Хозяйство и право. 1994 г. № 12.

- Кремер Ю. К вопросу о форме векселей. // Хозяйство и право. 1996 г. № 9.
- Кремер Ю. О санкциях по векселям. // Хозяйство и право. 1997 г. №5, 6.
- Кретов С. Правовая основа предпринимательской деятельности. // Хозяйство и право. 1991 г. № 8. С. 13.
- Круглова Н. Ю. Хозяйственное право. М., 1997 г.
- Кувшинов Е. С. Нормативное регулирование защиты внутреннего рынка от нечестных методов торговли. // Государство и право. 1997 г. № 7.
- Кудинов Ю., Кузовкин А. Соотношение российских и мировых цен на энергоносители. // Экономист. 1997 г. № 6.
- Кузнецов А.В. Федеральный закон „О государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним“: за и против. // Государство и право. 1998 г. № 2.
- Кулагин И. И. Государственно-монополистический капитализм и юридическое лицо. М., 1987 г.
- Кулагин М. И. Предпринимательство и право: опыт Запада. Изд-во Дело, 1992 г. С. 49-50 .
- Куликова Л. Досудебный (претензионный) порядок урегулирования споров. // Хозяйство и право. 1996 г. № 8.
- Куприна Е. Законодательство о банкротстве. (Аннотированный перечень нормативных актов) //Закон. 1998 г. № 6.
- Курбатов А. Вопросы применения финансовой ответственности за нарушение налогового законодательства. // Хозяйство и право. 1995 г. № 1 и 2.
- Курбатов А. Закон РФ „О несостоятельности (банкротстве) предприятий“. // Хозяйство и право. 1994 г. № 5.
- Курбатов А. Основные формы взаимодействия гражданского и налогового законодательства. // Хозяйство и право. 1996 г. № 6.
- Кучер А. Н. Внешнеэкономическая деятельность РФ и субъектов РФ: проблема разграничения полномочий. // Государство и право. 1998 г. № 11.
- Лазар Я. Собственность в буржуазной правовой науке. М., 1985 г.
- Лазарева Т. И. Штрафные санкции в хозяйственных отношениях. М., 1987 г.
- Лазарева Т. П. Валютное регулирование экспортно-импортных операций. // Право и экономика. 1997. № 9.
- Лапач В., Новикова Г., Государственная регистрация предпринимательства: принципы и законодательное регулирование. // Российская юстиция. 1994 г. № 8. С. 13—15.
- Лаптев В. В. Акционерное право. М.: Контракт, 1999 г.
- Лаптев В. В. О предпринимательском законодательстве. // Государство и право. 1995 г. № 5.

- Лаптев В. В. Введение в предпринимательское право. М., 1994.
- Лаптев В. В. О предпринимательском законодательстве. // Государство и право. 1995 г. № 5.
- Лаптев В. В. Предпринимательское право: понятие и субъекты. М., Юристь. 1997 г.
- Лаптев В. В. Создать четкую систему хозяйственного законодательства. // Российская юстиция. 1994 г. № 5.
- Лаптев В. В. Хозяйственное право — право предпринимательской деятельности. // Государство и право. 1993 г. № 1.
- Лаптев В. В. Экономика и право. М., 1981 г. С. 70.
- Ларичев В., Улейчик В. Банкротство: закон принят, вопросы остаются. // Экономика и жизнь. 1993 г. № 15.
- Ласк Г. Гражданское право США. (Право торгового оборота). М., 1961 г.
- Лебедев К. Понятие, состав и правовой режим кредиторской задолженности. // Хозяйство и право. 1998 г. № 11.
- Лехтинен Л. Закрытое А. О. Проблемы формулировок законов и уставов. // Хозяйство и право. 1998 г. № 5.
- Лехтинен Л. Правовые формы предпринимательства на основе Гражданского кодекса России. // Хозяйство и право. 1995 г. № 8.
- Ли А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности. - Т.: „Адолат“, 2001 г. (Юридическая библиотека предпринимателя, 12)
- Лившиц Н. Процедура возбуждения производства по делам о несостоятельности (банкротстве) и ликвидации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей. // Хозяйство и право 1995 г. № 9. с. 123.
- Лившиц Н. Г. Особенности банкротства градообразующих организаций. // Бизнес-адвокат. 1999 г. № 2.
- Лившиц Н. Г. Разбирательство дел о банкротстве в арбитражном суде. // Вестник Высшего Арбитражного Суда. 1998 г. Спец. приложение к № 2.
- Лилсиц И. В. Коммерческое ценообразование. М.: БЕК. 1997 г.
- Ломакин Д. Правовое регулирование передачи акций. // Хозяйство и право. 1996 г. № 8, 9.
- Ломакин Д. В. Акционерное общество: вопросы представления интересов. // Право и экономика. 1997 г. № 1.
- Лорин А. Н. Ценообразование во внешнеэкономической деятельности промышленной фирмы. М.: Международные отношения, 1993 г.
- Лубенченко К. Д. Основные проблемы и перспективы развития банковского законодательства. // Деньги и кредит. 1996 г. № 9.
- Лунц Л. А., Братусь С. Н. Вопросы хозяйственного договора. М., 1954 г.

Магазинер Я. М. Советское хозяйственное право. М., 1928 г.
Мадрахимов А. Курилиш пудрати шартномасига оид қонун хужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 2- сон.

Майфат А. В. Ценные бумаги (сравнительный анализ понятий в правовых системах России и США). // Государство и право. 1997 г. № 1.

Макарова Е. В. Правовые положение внутрипроизводственных структурных подразделений государственных предприятий промышленности в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс... к.ю.н. М.: 1991 г.

Макин Г., Павленко В., Хицков И. Сельскохозяйственные предприятие в системе кооперационных связей и отношений АПК. // АПК; экономика и управление. 1995 г. № 8

Малеин Н.С. Имущественная ответственность в хозяйственных отношениях. М., 1968 г.

Малеин Н.С. Современные проблемы юридической ответственности. // Государство и право. 1994 г. № 6.

Малеин Н.С. Юридическая ответственность и справедливость. М., 1992 г.

Мамай В. Еще раз об акциях и выплате дивидендов. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.

Мамай В. Особенности рассмотрения споров, вытекающих из земельных отношений. // Хозяйство и право. 1995 г. № 7.

Мамай В. И. К понятию и признакам акционерного общества. // Государство и право. 1996. № 11.

Мамутов В. К. Кодификация хозяйственного законодательства Украины в новых экономических условиях. // Государство и право. 1994 г. № 6.

Мамутов В.К. Сближение современных систем правового регулирования хозяйственной деятельности. // Государство и право. 1996 й. № 8.

Мамутов В. К. Совершенствование правового регулирования хозяйственной деятельности. Киев, 1982 г.

Мананикова Р. П. Правовой статус членов семьи по советскому законодательству (цивилистический аспект). Автореф. дисс. д.ю.н. М., 1990 г.

Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. М., 1994 г. Т. 1.
Мартынов. Е. К вопросу о советском торговом праве. // Еженедельник советской юстиции. 1924 . № 16.

Мартемьянов В. С. Общие положения советского хозяйственного права. М., 1983 г.

Мартемьянов В. С. Юридическая трагедия. // Юридическая газета. 1991 г. № 1, 2.

Мартемьянов В. С. Охрана прав покупателя, заказчика и клиента. М., 1983 г.

Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. Курс лекций. М., 1994 г. Т. 1.

Масевич М. Г. Орловский Ю. П., Павлодский Е. А. Комментарий к Федеральному закону „О несостоятельности (банкротстве)“. М., 1998 г.

Масевич М. Г., Павлодский Е. А., Орловский Ю. П. Комментарий к Федеральному закону „О несостоятельности (банкротстве)“. // Право и экономика. 1998 г. № 7.

Масевич М. Г., Павлодский Е. А. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства). // Право и экономика. 1997 г. № 5, 6.

Матвеев Г. К. Основания имущественной ответственности частных предпринимателей. // Государство и право. 1993 г. № 9.

Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положения права собственности. М., 1999 г.

Медведев А. Хозяйственный договор и налогообложение. // Хозяйство и право. 1998 г. М., № 2,3.

Медведев А. Чем торговля розничная отличается от оптовой? // Хозяйство и право. 1998 г. № 8.

Медведев Д. А. Проблемы реализации гражданской правосубъектности государственного предприятия. // Автореф. дисс... к.ю.н. Л.: 1990 г.

Менеджмент и рынок: германская модель. // Под ред. У. Рора и С. Долгова. М., 1995 г.

Метелёва Ю. Общее собрание акционеров: его роль и возможности влияния акционеров на принимаемые решения. // Хозяйство и право. 1998 г. № 2.

Метелёва Ю. Право акционера на дивиденд. // Хозяйство и право. 1998 г. № 7.

Метелёва Ю. А. Правовое положение акционера в акционерном обществе. М., Статут. 1999 г.

Миц С. Основные вопросы советского промышленного права. // Советское право. 1926 г. № 3 (21).

Миркин Я. М. Ценные бумаги и фондовый рынок. М.: Перспектива, 1995 г.

Михеева Л. Ценные бумаги и денежные средства как объекты доверительного управления. // Хозяйство и право. 1998 г. №9.

Можейко В. Н. Хозяйственный договор в СССР. М., 1962.

Мозолин В. П., Фарнсворт Е. Л. Договорное право СССР и США. М., 1988 г.

Моисеев М. Предпринимательская деятельность граждан: понятие и конституционные признаки. // Хозяйство и право. 1997 г. № 3.

Морозова Л. Л. Государство и собственность (проблемы межотраслевого института). // Государство и право. 1996 г. № 12.

Муминов Т. Тадбиркорлик ва қонунчилик. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 й., № 9.

Назаров Ю.. Ўзбекистон Республикасида қимматли қўғозлар тўғрисида қонунчилик. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 й., № 6, 7, 8-9, 10—11.

Нам К. Ответственность за нарушение обязательств: теория и законодательство. // Хозяйство и право. 1997 г. № 4.

Нам К. Сущность гарантийных обязательств в договоре купли-продажи. // Хозяйство и право. 1997 г. № 8-9.

Нам К., Горбачев Д. Конституционные гарантии охраны права собственности. // Хозяйство и право. 1997 г. № 11.

Нарышкина Р. И. Доверительная собственность в праве Англии, США. М., 1965 г.

Насриев И. „Банкротлик тўғрисида“ги қонун ва унинг табиати ҳамда банкротлик ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., № 2.

Насриев И. Хорижий мамлакатлар арбитраж судлари қарорларини Ўзбекистонда тан олинishi ва ижро этилиши тўғрисида. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 й., 8—9-сонлар.

Насырева И. Е. Экономические споры: суд, арбитраж или примирение. // Государство и право. 1998 г. № 9.

Наумов И. Предмет и система хозяйственного права как юридической дисциплины. // Вестник советской юстиции. 1926 г. № 7.

Немец Ю. Движимое и недвижимое имущество. // Хозяйство и право. 1998 г. № 6.

Никитина О. А. Конкурсное производство. // Закон, 1998 й., 6-сон.

Ниязов М. Якка тартибдаги тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., № 8.

Ниязов М., Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг аҳамияти. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 4-сон.

Новиков С., Амосов В. Сущность векселей и порядок их учета. // Хозяйство и право. 1998 г. № 10.

Новоселова Л. Вексель. Проблемы практического использования. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.

Новоселова Л. А. Договор и расчеты. // Хозяйство и право. 1990 г. № 6.

Новосельцев О. Интеллектуальная собственность в уставном капитале. // Хозяйство и право. 1994. № 7; 1997 г. № 3.

Ноздрачев А. Статус предпринимателя. // Хозяйство и право. 1994 г. № 1.

Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 11—12- сонлар.

Оқюлов О. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни шакллантириш тўғрисида. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 й. 6- сон.

Овсейко С. Ответственность банков при осуществлении международных расчетов. // Хозяйство и право. 1998 г. № 11.

Одилхўжаев С. Атроф-муҳитни ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

Одилхўжаева С. Ўзбекистонда мулк исолоҳотининг ҳуқуқий асослари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 й., 7- сон.

Олейник О. М. Правовые основы лицензирования хозяйственной деятельности. // Закон. 1994 г. № 6.

Олейник О. М. Правовые проблемы банковской тайны // Хозяйство и право. 1997 г. № 6, 7.

Основные институты гражданского права зарубежных стран. Сравнительно-правовое исследование. / Под ред. В. В. Залесского. М., 1999 г.

Основы немецкого торгового и хозяйственного права. М., 1995 г.

Остроумов Г. С. Правовое осознание действительности. М., 1969 г.

Отахонов Ф. Ҳуқуқий хизматда талабнома ва даъво ишлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 й., 7- сон.

Отахонов Ф. Сельские предприниматели должны уметь защищаться. // Сельское хозяйство Узбекистана, 1995 г. № 5.

Охунжонова М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асослари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 й., 5- сон.

Павлодский Е. Залог и ипотека. // Хозяйство и право. 1997 г. № 2.

Павлодский Е. А. Обжалование актов Центрального банка РФ. // Право и экономика. 1996 г. № 5, 6.

Панкратов П. А. Правовое положение совместных предприятий как юридических лиц в СССР. // Автореф. дисс. к.ю.н. 1991 г.

Парций Я. Закон РФ „О сертификации продукции и услуг“. // Хозяйство и право. 1994 г. № 2; 1995 г. № 1-4.

Пенцов Д. Л. Сущность акции. // Правоведение. 1992. г. № 4.

Петрова В. В. Мировое соглашение. // эж-ЮРИСТ. 1998 г. № 6.

Петрова В. В. Новый Закон о банкротстве и несостоятельности. // Бизнес-адвокат. 1998 г. № 3.

Петрова В.В. О праве Банка России обращаться в арбитражный суд с заявлением о несостоятельности (банкротстве) коммерческого банка. // Бизнес и банки. 1998 г. № 3.

- Петрова С. Пути совершенствования законодательства о банкротстве. // Хозяйство и право. 1996 г. № 10.
- Писарева И. Концепция альтернативного разрешения споров в России. // Хозяйство и право. 1998 г. № 9.
- Платонова Н. Правовое регулирование деятельности акционерных обществ: некоторые проблемы нормотворчества. // Хозяйство и право. 1997 г. № 5, 6, 7.
- Платонова С. Ю. Управление предприятиями в условиях рынка. // Вестник МГУ. Серия 6. Экономика. 1992 г. № 3.
- Плиев Э. Г. Правовые проблемы предпринимательства в России. Цивилистический аспект. М.: Проспект, 1999 г.
- Подвицкая Е. Проблемы совершенствования нормативной базы организации рынка ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1995 г. № 2.
- Полонский Ю. Д. Предприниматель без образования юридического лица. М.: Изд-во „Ось“ — 89. 1996 г.
- Полуйчик Н. Некоторые вопросы, возникающие при рассмотрении дел о защите деловой репутации банков в арбитражной практике. // Хозяйство и право. 1997 г. № 12.
- Поляков Ю. Об основаниях оставления иска без рассмотрения в арбитражном процессе. // Хозяйство и право. 1996 г. № 9.
- Попов Д. Банкротство и уголовная ответственность. // эж—ЮРИСТ. 1998 г. № 5.
- Попов Л. Ответственность за неисполнение денежного обязательства. // Хозяйство и право. 1997 г. № 8.
- Попондопуло В. Ф. Правовой режим предпринимательства. СПб., 1994 г.
- Попондопуло В. Ф. Коммерческое право. Изд-во Санкт-Петербургского университета. 1998 г.
- Попондопуло В. Ф. Понятие коммерческого права. // Государство и право. 1993 г. № 8.
- Постатейный комментарий к Федеральному закону „О несостоятельности (банкротстве)“. // Вестник Высшего Арбитражного Суда. 1998 г. № 4—9.
- Потяркин Д. Заключение договора. // Хозяйство и право. 1997 г. № 11.
- Потяркин Д. Безналичные деньги — имущество? // Хозяйство и право. 1997 г. № 3.
- Право Европейского Союза: правовое регулирование торгового оборота. Учебное пособие // Под ред. проф. В. В. Безбаха, доц. А. Я. Капустина, проф. В. К. Пучинского. М., 1999 г.
- Правовое положение предприятий в России. / Под ред. академика В. В. Лаптева. М., 1993 г.

Правовое регулирование деятельности акционерных обществ (акционерное право). Учебное пособие / Под ред. Е. П. Губина. М., 1998 г.

Правовое регулирование предпринимательской деятельности. / Под ред. академика В. В. Лаптева. М., 1995 г.

Предпринимательские структуры в рыночной экономике. СПб., 1995 г.

Предпринимательское (хозяйственное) право. / Под ред. О. М. Олейник. М., 1999 г.

Предпринимательство в АПК. Под ред. С. И. Грядова. М.: Колос - 1997 г.

Предпринимательское право. Курс лекций / Под ред. Н. И. Клейн. М., 1993 г.

Предпринимательство в конце XX века. М., 1992 г.

Прудникова Т., Голубев В. Банкротство: общие положения, наблюдение, управление, конкурс. // Закон. 1998 г. № 6.

Пугинский Б. И., Сафиуллин Д. Н. Правовая экономика: проблемы становления. М., 1991 г.

Пунин Е. И. Ценообразование в международной торговле. М.: Международные отношения, 1986 г.

Пучинский В. Производство по делам с участием иностранных лиц. // Хозяйство и право. 1996 г. № 4 и 5.

Пятков Д. Государственное предприятие как предмет договора купли-продажи. // Хозяйство и право. 1998 г. № 1.

Пятков Д. Отчуждение публичной собственности: вопросы правового регулирования. // Хозяйство и право. 1998. № 6.

Пятков Д. Договорная практика доверительного управления недвижимостью. // Хозяйство и право. 1998 г. № 12.

Ражатов Р. Банкротлик тушунчаси ва унинг субъектлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., 7- сон.

Райхер В. К. Правовые вопросы договорной дисциплины в СССР. Л., 1958 г.

Рассудовский В. А. Проблемы правового регулирования инновационной деятельности в условиях рыночной экономики. // Государство и право. 1994 г. № 3.

Расулов Р. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й., № 2.

Раҳимов Д. Бозор иқтисодиёти муносабатлари даврида тадбиркорлик, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Раҳимов Д. Корхоналарни банкрот деб эътироф этишнинг суд амалиёти ҳақида. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., 11- сон.

Раҳимов М. З. Правовые проблемы достижения конечного результата предпринимательской деятельности. // Автореф. дисс. на соис. уч. степ. д.ю.н. Душанба. 2000 г. С. 18.

Раҳимов И. Давлат рўйхатидан ўтказиладиган битимлар ва уларнинг қўлланиш доираси. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 8- сон.

Раҳимов Ф. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш кафолатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 6- сон.

Раҳмонкулов Х. Правовые формы регулирования имущественных отношений хозяйственных организаций. Тошкент. 1976 г.

Раҳмонкулов Х. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. Тошкент.: Фан. 1989 г.

Раҳмонкулов Х. Мустақиллик ва бозор-хўжалик қонунчилиги. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 й., 1- сон.

Раҳмонкулов Х. „Олди-сотди шартномаси“. Т. „Адолат“: 2000 й. 21- б.

Раҳмонкулов Х. Тадбиркорликнинг мулкӣ ва ҳуқуқӣ асослари тўғрисида. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000, 11- сон. 16- б.

Рўзиев Р. „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида“ги қонуннинг моҳияти ва аҳамияти. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 2- сон.

Рўзиев Р. Корхона ижарасининг ҳуқуқӣ муоммалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 й., 5- сон.

Рўзиев Р. Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й. 8- сон.

Рўзиев Р. Хўжалик шартномаси тушунчаси ва мазмуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й. 4- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. Қишлоқ хўжалигида акционерлик жамиятларини ташкил қилишнинг ҳуқуқӣ тартиби. // Қонун ҳимоясида. 1996 й. 8- сон. 15- б.

Рўзиназаров Ш. Н. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари. // Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқ фанларининг долзраб муоммолари. 2000 й. 61- б.

Рўзиназаров Ш. Н. Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқӣ мақоми. / қонун ҳимоясида, 2000 й., 3- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш буйича суд амалиётининг айрим масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й. 12- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома муносабатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., № 5.

Рўзиназаров Ш. Н. „Фермер хўжалиги тўғрисида“ги Қонунни суд амалиётида қўллашнинг процессуал жиҳатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 6- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. Олди-сотди шартномаси. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 2- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларнинг ҳуқуқӣ ҳолати. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 8- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. Хўжалик судларида суд ишларини юри-тишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 12- сон.

Рўзиназаров Ш. Н. К. Убайдиллоев. Суғурта билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг муҳим жиҳатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 4- сон.

Рекламная деятельность: Учебник. // Панкратов Ф.Г. и др. М., 1998 г.

Рене Д. Основные правовые системы современности (Сравнительное право). М. 1967 г.

Ривкин К. Новый Уголовный кодекс: ответственность за преступления в сфере экономики. // Экономика и жизнь. 1996 г. № 4.

Ризаев М., Худайберганов З., Маҳмудов С. Деҳқон (фермер) ассоциацияси хўжаликлари. // „Халқ сўзи“, 1994 й. 15 июль.

Романов О. Государственная регистрация прав на недви-жимость и сделок с недвижимым имуществом: некоторые пробле-мы правоприменения. // Хозяйство и право. 1998 г. № 8.

Рудашевский В.Д. Правовое положение финансово-промыш-ленных групп: возможности и ограничения. // Государство и право. 1998 г. № 2.

Рукавишникова И. Законодательные ограничения на совер-шение сделок с ценными бумагами. // Хозяйство и право. 1997 г. № 10.

Рукавишникова И. Основные формы государственного воз-действия на рынок ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1997 г. № 1, 2.

Рутман Л. Правовое регулирование деятельности товарных бирж. // Закон. 1992 г. № 9.

Рыжков О. Восстановление прав при утрате ценной бумаги. // Хозяйство и право. 1995 г. № 7, 8.

Рынок ценных бумаг. / Под ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. М.: Финансы и статистика, 1996 г.

Рябов С. О внутренних противоречиях Закона о банкротстве: анализ законодательства. / эж-ЮРИСТ. 1998 г. № 39.

Савкин С. Ф. Споры, возникающие из правоотношений собственности и аренды (судебно-арбитражная практика). // Государство и право. 1997 г. № 2.

Садыков О. Учредительный договор и его правовые особен-ности. // Государство и право. 1994 г. № 6.

Сажин А.Ф., Смирнова Е. Е. Институты рынка. М., 1998 г.

Сальников Н., Соловьев В. Основные концепции законо-дательного регулирования рынка ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1995 г. № 1.

Сальников П., Соловьев В. Акции на фондовом рынке России. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4, 5.

Самохвалова Н., Василёнок М. Несостоятельность банков: процессуальные проблемы. // эж-ЮРИСТ. 1998 г. № 5.

Сафиуллин Д. Статус Экономического Суда Содружества Независимых Государств и юридическая сила его решений. // Хозяйство и право. 1998 г. № 7.

Свердлов Г. М. К истории гражданского и хозяйственного законодательства. // Советское государство и право. 1959 г. № 9.

Свит Ю. Восстановительные процедуры — способ предотвращения банкротства. // Российская юстиция. 1998. № 3.

Сеглин Б. Арбитражная оговорка. // Хозяйство и право. 1995 г. № 2.

Сеглин Б. Исполнение решений Международного коммерческого арбитражного суда при ТПП РФ и иных международных арбитражных судов. // Хозяйство и право. 1998 г. № 10.

Семенкова Е. В. Операции с ценными бумагами: российская практика. М.: Перспектива; ИНФРА — М, 1997.

Семеусов В.А. Функции хозяйственного договора. Иркутск, 1979 г.

Семилютина Н.Г. Разрешение споров Арбитражной комиссией при ММВБ. // Право и экономика. 1995 г. № 23, 24.

Сергеев В. И. Практика применения нового законодательства о банкротстве. // Законодательство. 1999 г. № 1.

Систематизация хозяйственного законодательства. М., 1971 г. Современные проблемы хозяйственного (предпринимательского) права. // Государство и право. 1996 г. № 4.

Скловский К. О последствиях совершения руководителем сделок вопреки интересам организации. // Хозяйство и право. 1998 г. № 5.

Скловский К. О судебном порядке взыскания штрафов за неприменение контрольно-кассовых машин. // Хозяйство и право. 1997 г. № 7.

Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. М., 1999 г.

Современные проблемы хозяйственного (предпринимательского) права. Материалы межвузовской научной конференции. // Государство и право. 1996 г. № 4.

Солнцев В. Государственное регулирование цен и контроль за их применением // Экономист. 1996 г. № 9.

Сотрудничество по вопросам правового регулирования хозяйственной деятельности. М., 1993 г.

Ступаков Н. В. Государственное регулирование рынка ценных бумаг. // Право и экономика. 1996 г. № 21, 22.

Стучка П. И. Курс советского гражданского права. М., 1927 г.
Т. 1.

Сулейменов М. К. Договор в народном хозяйстве. Алма-Ата, 1987 г.

Суханов Е. Акционерные общества и другие юридические лица в новом гражданском законодательстве // Хозяйство и право. 1997 г. № 1.

Суханов Е. Гражданский кодекс в хозяйственной практике. // Хозяйство и право. 1997 г. № 5.

Суханов Е. Закон об обществах с ограниченной ответственностью. // Хозяйство и право. 1998 г. № 5.

Суханов Е. Общие положения о праве собственности и других вещных правах. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.

Суханов Е. Производственный кооператив как юридическое лицо. // Хозяйство и право. 1998 г. № 4.

Суханов Е. Реорганизация акционерных обществ и других юридических лиц. // Хозяйство и право. 1996 г. № 1.

Суханов Е. Юридические лица. // Хозяйство и право. 1995 г. № 3.

Суханов Е. Юридические лица. Государственные и муниципальные образования. // Хозяйство и право. 1995 г. № 4

Суханов Е. А. Общие положения о праве собственности и других вещных правах. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.

Суханов Е. А. Право хозяйственного ведения, право оперативного управления. // Хозяйство и право. 1995 г. № 7.

Суханов Е. А. Приобретение и прекращение права собственности // Хозяйство и право. 1998 г. № 6.

Суханов Е. А. Система юридических лиц. // Государство и право, 1981 г. № 11.

Суханов Е. А. Хозяйственные общества и товарищества. Производственные и потребительские кооперативы. // Вестник Высшего Арбитражного Суда. 1995 г. № 6.

Сухова Г. О некоторых вопросах защиты права на товарный знак. // Хозяйство и право. 1998 г. № 4.

Сыродоев Н. А. Регистрация прав на землю и другое недвижимое имущество. // Государство и право. 1998 г. № 8.

Сыродова О. Н. Акционерное право в США и России. (Сравнительный анализ). М., 1996 г.

Таль Л. Понятие и сущность хозяйственного права. // Право и жизнь. 1924. Кн. 9.

Танчук И. А., Ефимочкин В. П., Абова Т. Е. Хозяйственные обязательства. М., 1970 г.

Тараненко В. Ф. Принципы арбитражного процесса. М., 1988 г.

Телюкина М. В. Внешнее управление и проблема правосубъектности юридических лиц. // Юридический мир. 1997 г. № 12.

- Теоретические проблемы хозяйственного права. М., 1975 г.
- Тимохов Ю. А. Общества с ограниченной ответственностью и закрытие акционерных обществ. // Государство и право. 1996 г. № 7.
- Толстой Ю. К. Юридическая наука, хозяйственное право и хозяйственное законодательство. // Правоведение. 1985 г. № 5.
- Толстой Ю. К., Сергеева А. П. „Гражданское право“. Издательство теис, Часть 1, Санкт-Петербург, 1996 г.
- Толстошеев В. В. Объединения предпринимателей (проблемы юридического статуса). // Государство и право. 1994 г. № 10.
- Торговый кодекс Японии. М., 1993 г.
- Торкановский Е. Организационно-правовые меры развития малого бизнеса // Хозяйство и право. 1998 г. № 5.
- Торкановский Е. Особенности управления акционерными обществами с государственным капиталом. // Хозяйство и право. 1997 г. № 8.
- Торкановский Е. Финансово-промышленные группы: перспективы и проблемы. // Хозяйство и право. 1996 г. № 4, 5.
- Тотьев К. Правовой статус хозяйствующего субъекта, занимающего доминирующее положение на товарном рынке. // Хозяйство и право. 1995. № 2.
- Тотьев К. Права акционеров по действующему законодательству. // Хозяйство и право. 1994 г. № 7.
- Тотьев К. Ю. Новое в российском законодательстве: аффилированные лица. // Хозяйство и право. 1999 г. № 1.
- Тотьев К. Ю. Предприятие и его организационно-правовая форма. // Государство и право. 1994 г. № 10.
- Тотьев К. Уголовная ответственность за монополистическую деятельность. // Хозяйство и право. 1998 г. № 5, 6.
- Тотьев К. Ю. Государственная и естественная монополии. // Закон. 1995 г. № 4.
- Тотьев К. Ю. Ненадлежащая реклама: законодательные запреты и ограничения. // Хозяйство и право. 1996 г. № 1.
- Тотьев К. Ю. Публичный договор. // Хозяйство и право. 1995 г. № 6.
- Тотьев К. Ю. Регулирование деятельности субъектов естественных монополий. // Закон. 1997 г. № 12.
- Тотьев К. Ю. Правовое положение органов регулирования деятельности субъектов естественных монополий. // Труды МГЮА. 1998 г. № 3.
- Тоҳиров Ф. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик. // Қонун ҳимоясида, 2000 й., № 2.
- Трахтенгерц Л. А. Новое в правовом регулировании договоров на выполнение научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ. // Законодательство и экономика. 1997 г. № 13—14.

Трофимов К. Безналичные деньги. Есть ли они в природе. // Хозяйство и право. 1997 г. № 3.

Трофимов К. Ликвидация юридических лиц: вопросы имущественной ответственности. // Хозяйство и право. 1995. № 9.

Туболев Д. Государственные гарантии гражданам при увольнении из организаций, признанных банкротами. // эж-ЮРИСТ. 1998 г. № 5.

Тўраев А. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й. 5- сон.

Убайдуллаев З. Европа қонунчилигида олиш-сотиш шартномаси. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 й. 10—11- сондр.

Уваров А. О правовых основах создания и управления муниципальной собственностью. // Хозяйство и право. 1998 г. №10, 11.

Управление государственной собственностью. / Под ред. В. И. Кошкина и В. М. Шупыро. М., 1997 г.

Управление и корпоративный контроль в акционерном обществе: Практическое пособие. / Под ред. Е. П. Губина. М., 1999 г.

Усмонов М. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширқати)нинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., 4- сон.

Устюкова В.В. Правосубъектность крестьянского хозяйства. // Сов.гос. и право, 1992 г. № 1.

Фалькович М. Арест арбитражным судом денежных средств ответчика как мера обеспечения иска. // Хозяйство и право. 1998 г. № 8.

Фалькович М. Судебные расходы. // Хозяйство и право. 1996 г. № 2.

Фаршатов И. Возмещение ущерба, причиненного потравой посевов, захватом земель крестьянских (фермерских) хозяйств. // Хозяйство и право. 1994 г. № 4.

Федотова Г.Л. Институт банкротства: новое правовое содержание. // эж—ЮРИСТ. 1998. № 5.

Федчук В. Холдинг: эволюция, сущность, понятие. // Хозяйство и право. 1996 г. № 11 и 12.

Фисенко А. К вопросу о предпринимательской деятельности на рынке ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1997 г. № 11.

Фогельсон Ю.Б. О конституционной защите прав юридических лиц. // Государство и право. 1996 г. № 6.

Франция: приватизация продолжается. М., 1996 г.

Фуқаролик ҳуқуқи, 1- том. (Олий ўқув юртлари учун дарслик). Алмати. Қозоғистон давлат юридик Академияси нашриёти. 2000 й.

Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ нашриёт уйи. 1997 й.

Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ нашриёт уйи. 1998.

Фуқаролик ҳуқуқи. Т. 1 масъул муҳаррир Е. А. Суханов раҳбарлигида. / М.: 1993 й.

Фурсов Д. Форма и содержание искового заявления. // Хозяйство и право. 1996 г. № 7.

Хавина С. Государственное регулирование в современной смешанной экономике. // Хозяйство и право. 1994 г. № 11.

Ҳайдаров Ё. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг хўжалик судлари амалиётида қўлланишининг баъзи масалалари. // Хўжалик ҳуқуқи, 2000 й., № 6.

Ҳакимов Ш. Ўзбекистонда хўжалик муносабатлари тизимида халқаро тижорат ҳакамлиги. // Хўжалик ҳуқуқи, 1996 й., 2- сон.

Халикулов А.Р., Касимов Ш. И. Совместные предприятие: Создания и организация деятельности. Справочник коммерсанта. Т.; Нур. 1992 г.

Халфина Р.О. Современный рынок: правила игры. М., 1993 г.

Хозяйственное право. / Под ред. В.С. Мартемьянова. М., 1994 г. Т.2.

Хозяйственное право. Общие положения. Под ред. В. В.; Лаптева М.; Изд-во Наука, 1983 г.

Холбоев С. „Банкротлик тўғрисида“ги қонунни амалиётга тадбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., № 9.

Холматов Р., Миронова О. Обеспечения исполнения обязательств. // Российская юстиция, 1996 й., № 5.

Холмўминов Ж. Экологик қонун ва талабларини бузганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й., № 2.

Хоскинг А. Курс предпринимательства. М. 1993 г.

Хохлов В. Ответственность за пользование чужими денежными средствами. // Хозяйство и право. 1996 г. № 8.

Хохлов В. А. Ответственность по обязательствам. М., 1990 г.

Хохлов С. А. Право собственности и другие вещные права. / Вестник Высшего Арбитражного Суда РФ. 1995 г. № 8.

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари. (1- чиқиш), (муаллифлар жамоаси В. Чжен, А. Абдукадиров, А. Расулев, Ш. Файзуллаев, В. Николаев), Т.: 1996 г.

Чанкин В. В. Торговое право-современные тенденции. // Государство и право. 1993 г. № 2.

Частное предпринимательство: основные понятия, теория и практика. М., 1994 г.

Черникова Е. В. Государственное предпринимательство как одна из форм управления государственным сектором экономики. // Юрист. 1998 г. № 5.

Черномерец А. Е. Право собственности на имущество крестьянского хозяйства. // Государство и право. 1993 г.

Черняев Г. Внутрихозяйственные отношения в сельскохозяйственных предприятиях и межфермерская кооперация. // АПК: Экономика и управление. 1995 г.

Чувпило А. А. Хозяйственное право зарубежных стран. // Киев. 1992 г. С. 48.

Чувпило А. А. Понятие хозяйственного права зарубежных стран. Донецк, 1995 г.

Шапакидзе И. Д. Правовые проблемы, дееспособности граждан в советском гражданском праве. // Автореф. дисс. к.ю.н. Тбилиси. 1986 г.

Шапкина Г. С. Арбитражно-судебная практика применения Федерального закона. „Об акционерных обществах“, М., 1997 г.

Шаров В. „Ноу-хау“ — объект интеллектуальной собственности. // Хозяйство и право. 1998 г. № 7.

Шеленкова Н.Б. Биржевые правонарушения. // Законодательство. 1998 г. № 2, 3.

Шеленкова Н.Б. Россия и Германия: новое законодательство о банкротстве. Сравнительно-правовой анализ. // Законодательство. 1998 г. № 7.

Шерстюк В. Исполнение актов арбитражных судов и иных органов. // Хозяйство и право. 1996 г. № 3.

Шерстюк В. Обращение взысканий на имущество организаций. // Хозяйство и право. 1996 г. № 5.

Шерстюк В. Полномочия апелляционной инстанции. Основания отмены решения. // Хозяйство и право. 1997 г. № 4.

Шерстюк В. Предъявление апелляционной жалобы в арбитражный суд. // Хозяйство и право. 1996 г. № 10,

Шерстюк В. Производство в арбитражном суде первой инстанции. // Хозяйство и право. 1995 г. № 12.

Шерстюк В. Производство по пересмотру решений. // Хозяйство и право. 1996 г. № 1, 2.

Шерстюк В. Рассмотрение дела в апелляционной инстанции. // Хозяйство и право. 1997 г. № 1.

Шершеневич Г.Ф. Учебник торгового права. (по изданию 1914 г.). М., 1994 г.

Шиткина И. Локальное правовое регулирование деятельности акционерного общества. // Хозяйство и право. 1997 г. М. 5.

Шиткина И. Правовое регулирование уставного капитала акционерного общества. // Хозяйство и право. 1997 г. № 8.

Шишко И. В. Частная предпринимательская деятельность (уголовно-правовые проблемы). Автореф. дисс. к.ю.н. Свердловск. 1987 г. 10 б.

Шкретов В. П. Экономика и право. М., 1990 г.

Шмелева Е. Законодательное регулирование фондовых бирж в России. // Хозяйство и право. 1995 г. № 3.

Шодмонов Ф. Контрактация шартномасини бузганлик учун жавобгарлик // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 8—9- сонлар.

Шодмонов Ф. Шартнома шакли ва унга риоя қилмасликнинг оқибатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й., 9- сон.

Шораҳметов Ш. Хўжалик процессида бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й. 5- сон.

Шрёттер В. Основы промышленного права СССР. // Вестник промышленности, торговли и транспорта. 1923 . № 7—8.

Шрёттер В. Система промышленного права СССР. М., 1924. С. 8.

Шрёттер В. Советское хозяйственное права. (право торгово-промышленное). М.—Л., 1928.

Штрассман Г. Неустойка вчера и сегодня. // Хозяйство и право. 1994 г. № 4.

Шукруллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., № 6.

Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й. № 5.

Щенникова Л. Банкротство в гражданском права. России: традиции и перспективы. // Российская юстиция. 1998 г. № 10.

Щенникова Л.В. Вещные права в гражданском права. России. М., 1996 г.

Щербатюк Р. Опыт и проблемы использования векселей во взаиморасчетах юридических лиц и бюджета. //Хозяйство и право. 1996 г. № 3.

Эволюция договорного право. II Под.ред. Х. Рахманкулова // Т: „Мир, экономика и права“, 1997 г. С.23.

Эргашев В. Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 й., 1- сон.

Эрделевский А. М. О новом вексельном законе. // Государство и право. 1998 г. № 2.

Эрделевский А. О защите личных неимущественных прав акционера. // Хозяйство и право. 1997 г. № 6.

Эрделевский А. О расчетах по аккредитиву. // Хозяйство и право. 1997 г. № 3, 4.

Эрназаров У. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 10- сон.

Юлдашбаева Л. Правовая природа бездокументарных ценных бумаг. // Хозяйство и право. 1997 г. № 10.

Яковлев В. Ф. Гражданский кодекс и государство. // Гражданский кодекс РФ. Проблемы. Теория. Практика. М., 1998 г.

Яковлев В. Ф. Договор — главный регулятор в сфере экономики. // Советская юстиция. 1993 г. № 19.

Яковлев В. Ф. Кооперативы сегодня и в будущем. М.: Юрид. лит., 1989 г.

Якушев В. Общие тенденции развития современного права перевозок грузов и их влияние на правовое регулирование смешанных перевозок. // Хозяйство и право. 1996 г. № 9.

Якушев В. Экспедитор и перевозчик в российском праве: прошлое, настоящее и будущее. // Хозяйство и право. 1996 г. № 1.

Якушев В. С. Юридическая личность государственного производственного предприятия. Свердловск. 1973 г.

Яркое В. Защита прав акционеров по Закону „Об акционерных обществах“ с помощью косвенных исков. // Хозяйство и право. 1997 г. № 12.

Яркое В. Обращение взыскания на имущество должника. // Хозяйство и право. 1998 г. № 6.

Ярошенко К. Обязательства вследствие причинения вреда (глава 59 ГК). // Хозяйство и право. 1996 г. № 12.

Қимматли қоғозлар акциядор ва тадбиркорнинг маълумот берувчи қўлланмаси. (тузувчилар Ш. Гофуров, Д. Шаулов, У. Кан), „Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси“ нашриёти, Т., 2000 й.

Қимматли қоғозлар бозори. (муаллифлар жамоаси Ш. Гофуров, Б. Беркинов, О. Пичугина). // Т., 1996 й.

Қозоғистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик (умумий қисм). Т. Олмати. „Билим“ 1998 й.

Қораходжаева Д. О юридических лицах и их имущественных правомочиях. // Давлат ва ҳуқуқ, 2000 й., 1- сон.

Қулматов М. Кредит муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 й. 7- сон.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| КИРИШ | 3 |
| I БОБ. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, тамойиллари, иқтисодий ва ҳуқуқий манбалари | 7 |
| 1- §. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси | 7 |
| 2- §. Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тамойиллари | 11 |
| 3- §. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий манбалари | 29 |
| 4- §. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари | 39 |
| 5- §. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари | 44 |
| II БОБ. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати | 53 |
| 1- §. Фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати ҳақида умумий тушунча | 53 |
| 2- §. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти сифатида корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати | 60 |
| 3- §. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти сифатида корхоналар уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалари ҳамда улар шўъбалари, филиал, ваколатхона ва бўлимларининг ҳуқуқий ҳолати | 75 |
| 4- §. Юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятини амалга ошириш тартиби ва асослари | 94 |
| 5- §. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми | 104 |
| 6- §. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятини тўхтатиш тартиби ва улар жавобгарлигининг асослари | 114 |
| III БОБ. Тадбиркорлик субъектлари банкротлигининг ҳуқуқий асослари | 119 |
| 1- §. Банкротлик тушунчаси ва унинг аломатлари | 119 |
| 2- §. Ўз-ўзини банкрот деб гопиш тартиби. Санация тушунчаси ва унинг тайинланиши | 125 |

| | |
|---|-----|
| 3- §. Ташқи бошқарув — янги ҳуқуқий институт сифатида | 127 |
| 4- §. Банкрот бўлган тадбиркорлик субъектининг тугатилиши | 131 |

IV БОБ. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, жавобгарлиги ва ҳуқуқий кафолатлари

| | |
|---|-----|
| 1- §. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари | 138 |
| 2- §. Тадбиркорларнинг мажбуриятлари | 153 |
| 3- §. Тадбиркорларнинг жавобгарлиги | 164 |
| 4- §. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари | 186 |

V БОБ. Тадбиркорларнинг табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи

| | |
|--|-----|
| 1- §. Тадбиркорларни табиат бойликларидан фойдаланишларини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси ва асослари. | 198 |
| 2- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. | 205 |
| 3- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ва объектлари. | 211 |
| 4- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни. | 214 |
| 5- §. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш | 217 |
| 6- §. Тадбиркорликнинг алоҳида турдаги табиий бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи | 219 |
| 7- §. Тадбиркорлик субъектларини табиий объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик асослари | 224 |
| 8- §. Тадбиркорларни табиий объектлардан фойдаланиш талаб ва қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик. | 227 |

VI БОБ. Тадбиркорлик фаолиятининг объекти сифатида мулк

| | |
|--|-----|
| 1- §. Тадбиркор эгалигидаги мулкнинг таркибий қисми ва унинг ҳуқуқий ҳолати | 238 |
| 2- §. Тадбиркор мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тартиби ва усуллари | 247 |
| 3- §. Тадбиркорларнинг интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари | 252 |

| | |
|---|------------|
| 4- §. Пул ва пул мажбуриятлари | 264 |
| 5- §. Қимматли қоғозлар тушунчаси ва турлари | 272 |
| VII боб. Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши | 296 |
| 1- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заруриятининг асослари | 296 |
| 2- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш турларининг таснифи | 297 |
| 3- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари ва услублари | 300 |
| 4- §. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш. | 304 |
| 5- §. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш. | 309 |
| 6- §. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш, хизмат) таннархини шакллантиришни ҳуқуқий тартибга солиш | 315 |
| 7- §. Молиявий натижани шакллантиришни ҳуқуқий тартибга солиш | 319 |
| 8- §. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари | 321 |
| 9- §. Тадбиркорлар томонидан санитария ва гигиена талабларини таъминланишининг ҳуқуқий асослари | 325 |
| 10- §. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тадбиркорларга кўйиладиган ҳуқуқий талаблар .. | 327 |
| VIII боб. Маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг сифатини давлат томонидан тартибга солиниши | 328 |
| 1- §. Сифат тўғрисидаги қонунлар ва уларнинг аҳамияти | 328 |
| 2- §. Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни амалга оширувчи ташкилотларнинг тизими ва уларнинг ваколатлари. | 331 |
| 3- §. Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг турлари ва уларнинг қўлланиш тартиби. | 333 |
| 4- §. Маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар сифатини ҳуқуқий тартибга солиш. | 335 |
| 5- §. Стандартлар ва сертификатлар тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш юзасидан текшириш ва назорат ўтказишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши | 341 |

| | |
|---|-----|
| 6- §. Маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг сифатини таъминлашда шартнома-нинг роли | 343 |
|---|-----|

IX БОБ. Товарлар, ишлар ва хизматларга баҳоларнинг ўрнатилиши ва қўлланилишини давлат томонидан тартибга солиниши 349

| | |
|---|-----|
| 1- §. Товарлар, ишлар ва хизматлар учун баҳоларнинг аҳамияти ва вазифаси. | 349 |
| 2- §. Баҳоларни белгилаш ва қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. | 353 |
| 3- §. Баҳо интизомига риоя қилиш юзасидан текшириш олиб борувчи давлат бошқарув идоралари | 357 |
| 4- §. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўлланиладиган баҳоларнинг турлари | 363 |
| 5- §. Нарх-навони белгилашда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари. | 366 |
| 6- §. Давлат нарх-наво интизомини бузганлик учун тадбиркорларнинг жавобгарлиги | 369 |

X БОБ. Тадбиркорлик соҳасида қўлланадиган шартномалар тўғрисида умумий қоидалар 372

| | |
|---|-----|
| 1- §. Шартнома тушунчаси, турлари ва вазифалари ... | 372 |
| 2- §. Шартномавий муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари | 380 |
| 3- §. Шартнома тузиш эркинлиги | 382 |
| 4- §. Шартноманинг асосий шартлари | 388 |
| 5- §. Шартномаларни тузиш буйича асосий қоидалар | 389 |
| 6- §. Қим опди савдоси | 394 |
| 7- §. Аукционда шартнома тузиш | 401 |
| 8- §. Шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва унинг оқибатлари | 403 |
| 9- §. Шартномани бажариш тамойиллари ва тартиби | 407 |

XI БОБ. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўлланиладиган шартномалар тизими 412

| | |
|---|-----|
| 1- §. Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалар | 413 |
| 2- §. Мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топширишга қаратилган шартномалар | 422 |

- 3- §. Муайян ишни бажаришга қаратилган шартномалар 428
- 4- §. Хизмат курсатишга қаратилган шартномалар 432

XII БОБ. Тадбиркорлик соҳасида мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш усуллари 436

- 1- §. Мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишининг аҳамияти 436
- 2- §. Мажбуриятларни бажарилишини таъминлашга оид умумий қоидалар. 442
- 3- §. Неустойка, унинг шакллари ва қўлланиши 447
- 4- §. Гаров, унинг тушунчаси ва вужудга келиш асослари 453
- 5- §. Кафиллик шартномаси, унинг тушунчаси ва қўлланиш шартлари 472
- 6- §. Кафолат, унинг тушунчаси, қўлланиш асослари ва шартлари. 475
- 7- §. Закалат, унинг тушунчаси ва қўлланилиши. 479

XIII БОБ. Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик 482

- 1- §. Шартнома мажбуриятларининг бузилганлиги учун жавобгарликнинг тушунчаси ва аҳамияти. 482
- 2- §. Шартномавий мажбуриятлар бўйича жавобгарликнинг шакллари 490
- 3- §. Шартнома мажбуриятлари бўйича жавобгарликнинг асосларига умумий тавсиф 496
- 4- §. Учинчи шахслар ҳаракатлари учун жавобгарлик 500

XIV БОБ. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида юридик хизмат кўрсатиш 505

- 1- §. Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши 505
- 2- §. Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати 509
- 3- §. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари 513

XV БОБ. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари 537

- 1- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси, зарурати ва моҳияти 537
- 2- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари 540

- 4) §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш босқичлари 546
- 5) 4- §. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари ва объектлари 549

XVI БОБ. Тадбиркорлик фаолияти учун солиқ ундиришнинг ҳуқуқий қоидалари 552

- 1- §. Тадбиркорлик фаолияти учун солиқ ундиришнинг ҳуқуқий асослари 552
- 2- §. Солиқ тушунчаси, унинг турлари ва улар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 556
- 3- §. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари 561
- 4- §. Солиқ тўлашни текшириш натижалари бўйича тузиладиган акт 564
- 5- §. Солиқ қонунларини бузганлик учун жавобгарлик 570
- 6- §. Солиқ органлари қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби 577

XVII БОБ. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда статистик ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асослари 578

- 1- §. Статистик ҳисобот тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти 578
- 2- §. Статистик ҳисобот юритиш тартиби ва жавобгарлик 580
- 3- §. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти 581
- 4- §. Бухгалтерия ҳисоби ҳуқуқий асослари ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартиби 583
- 5- §. Тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик. 592

XVIII БОБ. Тадбиркорлик соҳасида якка ҳокимликка қарши курашиш қоидалари 597

- 1- §. Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва унинг аҳамияти 597
- 2- §. Монополистик фаолиятни чеклаш ва инсофсиз рақобатнинг олдини олишни ҳуқуқий шакллари. 598

| | |
|---|-----|
| 3- §. Монополистик фаолиятни тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари | 609 |
| 4- §. Монополистик корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлат реестри | 612 |
| 5- §. Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жавобгарлик ва чора турлари | 614 |
| 6- §. Табиий монополияларни ҳуқуқий тартибга солиш | 616 |

1- Илова

| | |
|--|-----|
| Тавсия қилинаётган қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти материаллари | 624 |
| I. Қонун ҳужжатлари | 624 |
| II. Уалқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар | 627 |
| III. Суд амалиёти материаллари | 627 |

2- Илова

| | |
|--|-----|
| Тавсия қилинаётган раҳбарий ва махсус адабиётлар | 630 |
| I. Раҳбарий адабиётлар | 630 |
| II. Махсус адабиётлар | 631 |

УДК: (075.4)347
67.404(5У)
Т15

Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Умумий қисм): Дарслик/Таҳририят ҳайъати: **Ҳ. Раҳмонкулов, Ш. Рўзиназаров, М. Ниёзов** ва бошқ.; Масъул муҳаррир: **Ш. Рўзиназаров**. -Т.: “Консаудитинформ”, 2002.- 672 бет
Сарлавҳада: ЎзР Олий ҳўжалик суди, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат юридик институти.

ББК 67.404(5У)я73

№ 615-2002
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Нусха 800

Масъул муҳаррир:

Шухрат Нуралиевич Рўзиназаров

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ

Умумий қисм

(Дарслик)

Муҳаррир *С. Мирзахўжаев*

Техник муҳаррир *С. Турсунова*

Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*

Мусахҳиҳ *Л. Мирзахмедова*

Босишга 12.11.2002 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆. Шартли босма табоқ 42. Адади 1000. Буюртма 350. Баҳоси шартнома асосида

“Консаудитинформ” Агентлиги нашриёти, 700000, Тошкент, Бухоро, 6. Нашр шартнома асосида босилди. Тошкент 700200, Радиал тор кўчаси, 10-уй.

Тадбиркорлик ҳуқуқи (умумий қисм)
Тузатиш
631 бет, пастандан босилган Азизов Х.
Тадбиркорнинг мулк ҳуқуқи -
Уқилиши шарт эмас.